

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ТИЛИ

МОРФОЛОГИЯ

Тошкент – 2008

Монографияда ўзбек тили морфологиясининг субстанциал тадқиқи натижаси умумлаштирилган.

Монография талаба, тадқиқотчи, мутахассис ва қизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори **Р.Р.Сайфуллаева**

Тақризчи:

филология фанлари доктори, профессор **Р.Р.Расулов**

филология фанлари доктори, профессор **Э.А.Умаров**

Китоб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқув-методика кенгашининг 2008 йил _____ даги – йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган (- баённома).

Мундарижа

МУҚАДДИМА

1- БЎЛИМ

ЎЗБЕК МОРФОЛОГИК ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧЛАРИ

1- §. Ўзбек тилшунослигининг тараққиёт босқичлари ва морфологиянинг тадқиқ тамойиллари

2-§. Ўзбек тили морфологияси тадқиқи тарихидан

3-§. Субстанциал морфология ва унинг тадқиқ тамойиллари

4-§. Тилга субстанциал ёндашиш тарихидан

5-§. Морфологик (грамматик) шакл валентлиги

6-§. Морфология лисоний тизим яхлитлигида

2- БЎЛИМ

ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ ВА ГРАММАТИК МАЪНО

1-§. Грамматик маъно ва унинг таркиби

2-§. Грамматик категория таснифи

Таснифловчи категория

3-§. Сон категорияси

4-§. Шахсий муносабат категорияси

5-§. Даража категорияси

6-§. Нисбат категорияси

7-§. Ўзгалоғчи категорияси

8-§. Ҳаракат тарзи категорияси

Синтактик категория

9-§. Эғалик категорияси

10-§. Келишик категорияси

11-§. Кесимлик категорияси

3- БЎЛИМ

СЎЗ ТУРКУМИ

1-§. Сўз туркуми таснифи

- 2-§. Сўз туркуми кўчиши
- 3-§. Феъл, унинг грамматик ва луғавий маъно тури
- 4-§. От, унинг грамматик ва луғавий маъно гуруҳи
- 5-§. Сифат, унинг грамматик ва луғавий маъно гуруҳи
- 6-§. Сон, унинг грамматик ва луғавий маъно тури
- 7-§. Равиш, унинг грамматик ва луғавий маъно гуруҳи
- 8-§. Таклид, унинг грамматик ва луғавий маъно гуруҳи
- 9-§. Олмош
- 10-§. Ёрдамчи сўз
- 11-§. Сўз-гап

АДАБИЁТ

МУҚАДДИМА

Ҳар қандай тадқиқ манбаида бўлгани каби маълум бир фан ёки унинг айрим бўлим ва мавзусининг ўрганилиши ҳам икки хил методология – фаҳмий (эмпирик) ёки идрокий (назарий) асосдан бирида амалга оширилиши мумкин. Фан учун иккаласи ҳам муҳим. Чунки биринчисида ўрганиш объектининг зоҳирий белги-хусусияти тадқиқ этилса, иккинчи методология асосида ботиний моҳияти тадқиқ қилинади. Иккинчи методология асосидаги тадқиқот фаҳмий тадқиқ натижасига таянибгина иш кўради.

Ҳар қандай ҳодисада зоҳирий ва ботиний жиҳат фарқланганлиги каби, шу билан биргаликда, ҳодисанинг ўзи ҳам серқирра. Ўрганиш манбаининг серқирралиги унга ёндашув ҳам турли-туман, қўлга киритилган хулоса ҳам ранг-баранг, ҳатто бири иккинчисини инкор қиладиган даражада бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Илмий талқиндаги хилма-хиллик, албатта, кимнингдир “кучли” ёки “заиф”лигидан эмас, балки ўрганиш объектининг чуқур ўрганилганлигидан, унга турли томондан ва турли тадқиқ усули асосида ёндашилиб, турли натижага эришилаётганидан – фан тараққий этаётганлигидан далолат беради. Ўрганиш манбаининг бирор бошқа қирраси ҳақидаги ёки уни ўрганишнинг навбатдаги босқичидаги хулоса аввалгисидан тубдан фарқ қилиши мумкин ва уни “эскича” тамойил асосида баҳолаб бўлмайди. Умуман олганда, бир тадқиқ усули ёки фаннинг бирор йўналиши берган натижани бошқа бир йўналиш тамойили ёки тадқиқ усули асосида “ўлчаш” инфантализм сифатида баҳоланади. Ўзбек тили морфологик қурилишининг ушбу китобдаги баёни ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Чунки китобдаги хулоса субстанциал тадқиқ усул ва тамойили асосида қўлга киритилган бўлиб, уни шу тадқиқ методологияси, методикаси ва методини – ушбу йўналиш тамойилини чуқур ўзлаштириш натижасида баҳолаш лозим.

Китобда ўзбек тилининг морфологик хусусияти структур тилшуносликнинг ватанимизда шаклланган субстанциал тадқиқ йўналиши методологияси ва тадқиқ усули асосида баён этилган.

Дарсликнинг “Сўзбоши”, “Адабиётлар” қисми Р.Сайфуллаева, “Ўзбек морфологик таълимоти ва унинг тараққиёти. Ўзбек тилшунослиги

тараққиёти босқичлари” мавзуси Ҳ.Неъматов ва Р.Сайфуллаева, “Ўзбек тили морфологияси тадқиқи тарихидан” Ё.Тожиёв, “Субстанциал морфология ва унинг тадқиқ тамойиллари. Морфология ва синтаксис муносабати”, “Морфологик (грамматик) шакл валентлиги” мавзуси М.Абузалова, “Морфология лисоний тизим яхлитлигида” мавзуси Б.Менглиёв, ”Грамматик маъно ва унинг таркиби” Б.Менглиёв ва Н.Мусулмонова, “Грамматик категория таснифи” Р.Сайфуллаева ва Б.Баҳриддинова, “Сон категорияси тадқиқи тарихидан” Ё.Тожиёв ва Т.Эназаров, “Сон категорияси шакли. Бирлик сон шакли”, “Кўплик сон шакли”, “Сон шакли парадигматикаси” мавзуси Ш.Шаҳобиддинова ва Б.Менглиёв, “Шахсий муносабат категорияси” М.Қодиров, “Даража категорияси” Р.Сайфуллаева ва Л.Элмуродова, “Нисбат категорияси” Р.Сайфуллаева ва Б.Менглиёв, “Ўзгалик категорияси” Б.Менглиёв ва Б.Баҳриддинова, “Ҳаракат тарзи категорияси” Б.Менглиёв ва О.Шукуров, “Синтактик категория” Б.Менглиёв ва Р.Сайфуллаева, “Эгалик категорияси” Р.Сайфуллаева ва А.Рафиев, “Келишик категорияси” Б.Менглиёв ва Р.Сайфуллаева, “Кесимлик категорияси” Б.Менглиёв, М.Абузалова ва Н.Мусулмонова, ”Сўз туркуми таснифи” И.Мадраҳимов ва И.Исломов, алоҳида сўз туркуми ҳақидаги маълумотлар М.Абузалова ва И.Исломов томонидан тайёрланди.

1- БЎЛИМ

ЎЗБЕК МОРФОЛОГИК ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧЛАРИ

1- §. Ўзбек тилшунослигининг тараққиёт босқичлари ва морфологиянинг тадқиқ тамойиллари

Ҳар қандай тадқиқ манбаи каби, фан ёки унинг айрим бўлим ва мавзусининг ўрганилиш тарихи ҳам илмий тадқиқнинг икки хил методологияси – *эмпирик* (ҳодисани бутунликдан ажратиб ўрганиш) ва *назарий* (ҳодисани у мансуб бутунлик доирасида ўрганиш) тавсиф ва таҳлил усули¹ асосида ёритилиши мумкин. Фан учун ҳар икки тадқиқ тури бирдай аҳамиятли, зеро, биринчи усулда ҳодиса баёни ва таҳлили, масалан, муаммонинг ўрганилиш тарихи масаласи олинадиган бўлса, шу соҳада олиб борилган муайян тадқиқот ва унинг натижаси, қилинган ишлар, эришилган ютуқ, ечимини кутаётган муаммо таҳлил этилса, иккинчи усулда тадқиқ манбаини ўрганишдаги ҳар хил нуқтаи назар, қайси даврда унинг қайси қирраси тадқиқига алоҳида эътибор берилганлиги, ҳар бир ёндашувнинг методологик асоси ва тадқиқ методикаси, шунингдек, навбатдаги ўрганиш босқичида манбанинг қайси қирраси ўз тадқиқини кутаётганлиги каби масала ёритилади. Биринчи усулда яқунланган илмий тадқиқот маълум бир фан ёки мавзу бўйича қилинган иш ҳақида муфассал маълумот бериб, шу мавзунинг навбатдаги босқичда ўрганилиши замини ва илмий тадқиқ асоси, пойдевори вазифасини ўтайди. Иккинчи усулдаги таҳлил фан ёки мавзунини қисм сифатида у мансуб бутунлик доирасида, масалан, тилшуносликни маълум давр фани ва маданияти олдида турган умумий ижтимоий-маданий вазифа ва муаммо, айрим мавзунини эса ўша давр тилшунослигида етакчилик қилган ғоя ва ёндашиш нигоҳи билан кўришга алоҳида эътибор беради.

¹ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. –Т.: Фан, 1995.

Манбага турли хил ёндашиш сабаб ва оқибатини билиш эса ҳозирги кўпфирлилик, демократик тамойилларнинг амалий устуворлашиши, тадқиқ манбаининг серқирралиги, унга турлича ёндашиш, унинг тўғрисида хилма-хил хулоса чиқариш ва бу зоҳиран бир-бирини инкор этувчи ҳукм аслида бир-бирини тўлдирувчи (ҳар бири ўз ўрнида тўғри) эканлиги ҳақидаги тамойил оммалашаётган, илм оламида эса меъёрлашаётган даврда замон талаби. Ўзбекистон Президенти И.Каримов таълим ислоҳоти учун беқиёс улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» маърузасида таъкидлаганидек,¹ энди ўқитувчининг «менинг айтганим – айтган, деганим – деган» даври орқада қолди. Бугунги олийгоҳ талабасининг ўз ўқув фани соҳасида илмий дунёқарашдаги фарқ, хилма-хил талқин, унинг сабаби, объектив асоси кабини чуқур билиши – давр талаби. Илмий талқиндаги хилма-хиллик кимнингдир «зўр», кимнингдир «заиф»лигидан эмас, балки шу жамиятда шу фаннинг (ёки унинг маълум бир соҳасининг) чуқур ўрганилганлигидан, унга турли томондан туриб ёндашиш ва турли нуқтаи назардан туриб таъриф-у тавсиф бериш одатий тусга айланаётганлигидан – фаннинг ривожланганлигидан далолат беради. Чунки ҳар қандай фан ва илмий билишдаги туб янгиланишнинг илк босқичида янги мезон ва муносабат ҳамиша «кўр тутганини, қар эшитганини қўймас» тамойили асосида уқилган-уқилмаган ҳолда, баъзан ҳатто зўрлик билан киритилади, у маълум даражада оммалашгач, навбатдаги босқичдагина бу мезон «маҳаллийлаштирилади», тугал ўзлаштирилади. Шунинг учун ҳар бир даврда фандаги ҳар қандай янги талқин, ёндашиш, албатта, қаршиликка учрайди, давр фани «даҳолари» томонидан инкор қилинади. Зеро, одатда «фан даҳолари» мавқеида илмий йўналиши ва дунёқарашини ўз ижтимоий вазифасини ўтаб бўлган ва ўрнини янги йўналиш ёки ёндашишга бўшатиши керак бўлган шахслар туради ва улар янгича талқинни ҳазм қила олмайди. Ҳар қандай янгилик фан оламига тошни тешиб чиққандек қийинчилик билан кириб келади. Ўзбек тили морфологик тизими талқини ҳам бундан истисно эмас. У ҳам хилма-хил

¹ Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. «Баркамол авлод орзуси. Тузувчилар: Шавкат Қурбонов, Ҳалим Саидов, Рустам Аҳлиддинов. –Т. –Ўз МЭ. 1999. –Б. 17.

ғоя ва ёндашув узлуксиз инкорининг инкори маҳсули. Шу тамойилга мувофиқ равишда, ўзбек тилшунослигида морфологик тизим тадқиқини маълум бир давр учун умумлаштирувчи ишнинг бу бандида морфологик тадқиқотлар фанимизда турли даврда етакчилик қилган асосий таҳлил ва тадқиқ методи нуқтаи назаридан кўздан кечирилса, тадқиқотнинг ҳар бир морфологик ҳодиса тавсифига бағишланган ички бўлими ва банди эса шу мавзунинг фанимизда ўрганилишининг муфассал баёни билан бошланади. Бу ерда эса ўзбек тили морфологик қурилишининг фанимизнинг турли тараққиёт хусусияти билан боғлиқ бўлган умумий масаласи, жумладан, морфологик тизим тавсифи босқичи ва унинг ўзига хос хусусияти кўрсатиб ўтилади. Шунинг учун ўзбек тили морфологиясининг талқини ўзбек тилшунослигининг тараққиёт босқичи билан боғлиқликда берилади.

Ўзбек тилини илмий ўрганиш тарихи қуйидаги даврга ажратилади:

1. Араб тилшунослиги анъанаси асосида ўзбек тили қурилиши тадқиқи (XI–XV аср).

2. Форс тилшунослиги анъанаси асосида ўзбек тили қурилиши тадқиқи (XI–XIX аср).

3. Европа тилшунослиги анъанаси асосида ўзбек тили қурилиши тадқиқи (XIX–XX аср).

4. Ўзбек миллий тилшунослигининг шаклланиши ва совет даври тараққиёти (XX асрнинг биринчи чорагидан миллий истиқлолгача).

5. Мустақиллик даври ўзбек миллий тилшунослиги.

Ўзбек тилида сўз ўзгартириш ва сўз яшаш тавсифи ҳар бир даврда ўз хусусиятга эга ва қуйида шу ҳақда тўхталамиз.

1. **Араб тилшунослиги анъанаси асосида ўзбек тили қурилиши тадқиқи.** Ўзбек тилшунослиги тарихи эшигини бизга ҳозирча XI асрда яшаб ўтган ва туркийдан етишиб чиққан тўнғич тилшунос, адабиётшунос, географ, картограф, этнограф, тарихчи, сайёҳ Маҳмуд Ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Кошғарийнинг машҳур қомусий «Девони луғотит турк» асари очади. Туркийшуносликнинг бу отаси ва, академик Александр Самойловичнинг таъбири билан айтганда, “баҳодури”нинг тилшунослик муаммосига бағишланган «**Жавоҳирун наҳв фил луғотит турк**» («Туркий тиллар синтаксисининг дурдонаси») номли бошқа бир маҳсул тадқиқоти ҳалигача топилмаган. Лекин етиб келган, Шарқ ва Ғарбнинг

қатор тилига (жумладан, ўзбек тилига ҳам) таржима этилиб туркийшунослик оламида кенг оммалашган «Девон»нинг ўзи ҳам бу қомусий олимнинг ўз даврнинг энг илғор фани, XVII–XIX асрда Европада янги давр тилшунослигининг шаклланиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатган араб тилшунослиги ютуғини тўла ўзлаштирганлигини, уни ўзлаштириш билан чегараланмай, агглютинатив қурилишли ва сингармонизмли туркий тилларнинг ички хусусияти асосида бу тилшуносликнинг жуда кўп талқин ва таҳлил тамойилини тўлдириб, такомиллаштирганлигини ҳам кўрсатади.¹

«Девон»да туркий тилнинг морфологик хусусияти система шаклида баён этилмайди; эҳтимол, бу масала муаллифнинг ҳалигача топилмаган ишида кўрилган бўлиши мумкин, чунки «Жаворхирун-наҳв» номидан кўриниб турганидек – грамматик таҳлилга, «Девону луғотит турк» эса, асосан, лексика тавсифига бағишланган. Лекин сўзни у ёки бу қурилиш турига бўлиб луғатда берар экан, муаллиф, биринчидан, ҳар бир феълнинг масдар (ҳаракат номи), ўтган ва ҳозирги-келаси замон шаклини ҳам бериб боради, иккинчидан, бўлим охирида сўз ясовчи қўшимча, нисбат кўрсаткичининг маъно ва вазифаси, феълга бағишланган бўлимда сифатдош, феъл майли, замони, унинг тусланиши ва қўлланилиши ҳақида қимматли маълумот беради.

Маҳмуд Кошғарий араб тилшунослигининг таҳлил тамойилига таяниб, сўз туркумини *феъл, исм* (от, сифат, сон, равиш олмош) ва *ҳарфга* – ёрдамчи сўз (боғловчи, кўмакчи, юкламага) ажратади. Туркий тиллар агглютинатив қурилишли бўлиб, морфологик шаклни ҳосил қилишга хизмат қилувчи аффикс сўз ўзак/негизига бирин-кетин қўшилиб келиши, жуда кўп ҳолда эса ҳатто қўшимча ва ёрдамчи сўз синонимияси ҳам (чунончи, *сенга ~ сен учун, ишла- ~ иш қил-*) ҳам мавжудлиги сабабли Кошғарий туркий шакл қўшимчани ҳарф (ёрдамчи сўз) деб тасниф этади ва ўзбек тилидаги *-лар, -га, -да, -дан* каби шакл ва *-ла, -чи* каби сўз ясовчи қўшимчани ҳарф деб тасниф этади ва, ҳатто «Девон»нинг луғат қисмида уни алоҳида ажратиб, луғавий бирлик

¹ Кононов А.Н., Нигматов Х.Г., Махмуд Кашгарский о тюркских языках «История лингвистических учений. Средневековый Восток. Отв. ред. А.В.Десницкая». –Л.: Наука. 1981. Б. 130–142.

қаторида шарҳлайди ҳам. Чунончи, «Девон»да *су* – аскар, *қўшин* ва – *-си* эгалик қўшимчаси, *қа* – «идиш, қоп» ва *-қа* – жўналиш қўшимчаси бир банд ва бўлимда шарҳланади¹. Лекин қўриниш – шакл жиҳатдан Кошғарий туркий қўшимчани ҳарф ва ҳатто сўз билан тенглаштира ҳам, унинг орасида катта фарқ борлигини яхши тушунади. Шу жиҳатдан унинг иккита қўшимча *-си* ва *-га* қўшимчасига берган тавсифи билан танишиш кифоя: «*-си* – унли билан тугаган сўзга қўшиладиган изофат² белгиси. Ундош билан тугаганда фақат *-и* келади... Изофат қўллашда ҳамма туркий тилда ҳам қоида шудир, яъни исмининг охири унли ёки ундош билан тугашига қараб иш қўрилади»³. «*-ка -га* – таркибида кофи форсий (юмшоқ /к/ ва /г/) бўлган ва, умуман юмшоқ ҳарфли сўзга қўшилиб жўналиш маъносини билдирадиган қўшимча»⁴.

-га қўшимчасига берилган тавсифдан кўриниб турибдики, Кошғарий туркий тил морфологик қўшимчасида сингармонистик вариантнинг сўз ўзагидаги товуш табиати (қаттиқ – юмшоқлиги, лабланганлик – лабланмаганлиги) билан боғлиқ эканлигини тушунган ва тўғри шарҳлаган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўрта аср тилшуносидан фақат Маҳмуд Кошғарий ҳамда унинг асаридан фойдаланган бўлиши мумкин деб тахмин этиладиган Абу Ҳайёнгина туркий тилда сингармонизм ва шакл ясовчи қўшимчанинг сингармонистик вариантини тўғри тушунтира олишган.

Маҳмуд Кошғарий туркий тилда сўз яшаш ва сўз ўзгартириш жараёнида араб тилидан фарқли асосий туркий хусусиятни – ўзак/негизнинг ўзгармаслиги ва қўшимчанинг ўзакнинг ичига кирмай, бирин-кетин келишини, яъни агглютацияни англаб, уни тўғри шарҳлаган. Олим туркий тилда бир бўғинли ва кўп бўғинли сўзда морфологик шакл бир хилда ясалишини алоҳида таъкидлаб, туркий тил морфологиясида энг асосий хусусиятдан бири – шакл ясовчи

¹ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. 3- т. –Т.: ФА нашр. 1963. –Б. 226–229.

² Араб тилшунослигида қаратқич – қаралмиш муносабатли сўз бирикмалари шу атама билан номланади.

³ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. 3- т. –Т.: ФА нашр. 1963. –Б. 227–228.

⁴ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. 3- т. –Т.: ФА нашр. 1963. –Б. 230.

қўшимчанинг бир хиллигини алоҳида таъкидлайди ва бу билан туркий тил араб тилидан кескин фарқланишини уқтиради¹.

Деярли ҳар бир морфологик шакл ясовчи туркий қўшимчани луғат таркибида алоҳида олиб шарҳлаш билан бирга Маҳмуд Кошғарий туркий морфологик парадигмани, хусусан, феъл нисбати, замони ва шахс/сон парадигмасини жуда тўғри ажратади, шакл ясаш бўйича қатъий қоида беради, феълнинг барча шакли учун буйруқ шакли асос эканлигини ҳам жуда тўғри уқтириб ўтади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, XI–XIX филологидан ҳеч бири туркий тил морфологиясини тавсифлашда Маҳмуд Кошғарий даражасига кўтарила олмади – Кошғарийнинг ўзбек тили морфологияси хусусиятига берган тавсифи XX аср тавсифи билан беллаша олади ва айрим жиҳати билан ундан устун ҳам туриши мумкин.

Сўзнинг морфологик структураси билан боғлиқ равишда «Девон»да аффиксал (морфологик, аффиксация усули билан) сўз ясаш жуда муфассал ва – айрим замонавий иш ҳавасини келтирадиган даражада чуқур илмий таҳлил асосида шарҳланган. Сўз ясалишини шундай муфассал шарҳлашга луғатда сўзни беришнинг Маҳмуд Кошғарий томонидан танлаган ўзига хос тартиби жуда қўл келди. Кошғарий араб тилшунослигида кенг қўлланиладиган тартибга – луғатда алифбо тартибда беришда сўзнинг анлаут – сўз боши товуши (ҳарфи)га эмас, балки ауслаут (ўзак/сўз/негиз/охири) товуши (ҳарфи) га асосланади. Натижада, бир хил сўз ясовчи қўшимча ёрдамида ясалган содда сўз луғатнинг ҳар бир бобининг маълум бандида бир жойда йиғилиб қолади. Зукко тилшунос шундай банд охирида феъл, от, сифат, тартиб сон, жамловчи сон ясовчи қўшимчани, сўз ясовчи қўшимчанинг қандай сўзга қўшила олиши, ясовчининг янги сўз ясаш қобилияти чекланган/чекланмаганлиги ва, энг муҳими, ясама сўзнинг ҳосила маъносининг типини ва турини алоҳида-алоҳида шарҳлаб ёрқин мисол беради. Ҳозирги кунда ҳам айрим тадқиқотда аралаштириладиган -лик/лиқ/лук/луқ ҳамда -лиг/лиғ/луғ/луғ сўз ясовчи қўшимчасини Маҳмуд Кошғарий «Девон»нинг бир неча ўрнида қатъий фарқлайди² ва бир неча марта таъкидлайдики, ундан биринчиси мўлжалланганлик, аталганлик,

¹Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. 2- т. –Т.: ФА нашр. 1961. –Б. 39–40.

²Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. 1- т. –Т.: ФА нашр. 1960. –Б. 165, 237, 459.

хослик маъносига (чунончи, *атлик* – отга мўлжалланган, отга аталган, отга алоқадор, ўзбекча *отлик*), иккинчиси эса эгалик, моликлик маъносига эгадир (чунончи, *атлиг* – *оти бор, отли, отлик*).

Маҳмуд Кошғарийнинг туркий тилда феъл, от, сифатнинг ясалиши бўйича берган тавсифи XX асрнинг ўртасигача назарий жиҳатдан, жумладан, деривация тизимида синхроник ва диахроник ҳолатни фарқлаб тавсиф беришда энг мукамал бўлиб қолди. Зеро, XIX аср туркийшуноси ва олтойшуноси томонидан (жумладан, Густав Рамстедт томонидан) берилган деривацион тавсифда бу омил аралаштирилади; Маҳмуд Кошғарийнинг ўзбек тилида аффиксал сўз ясалиши ҳақида илмий талқини ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ. Жумладан, ўша даврда ўта унумли бўлган ва от(исм)дан феъл ясовчи *-ла* қўшимчаси ҳақида Кошғарий ҳаминша таъкид билан : «*-ла-* отга қўшилиб феъл ясайди... Бу асосий қоида. Буни эсингда тут»¹ дейди. Деривация масаласи билан шуғулланувчи ҳозирги тадқиқотчи ҳам деривацион модел, унинг тирик ёки ўликлиги, унумли/унумсизлиги, сермахсул/каммахсуллиги, хусусан тирик, унумли сўз яшаш қолипи ясалманинг типик маъно билан бирлашиши ҳақида бундан қарийб минг йил олдин буюк тилшунос томонидан баён этилган мулоҳаза, фикр ва меъёрни чуқур ўзлаштириб, бу масала тадқиқига киришса, ҳозирги хулоса ва ҳукмидан анча бошқача хулосага келган бўларди².

Туркий тил морфологияси тавсифини берган ва Маҳмуд Кошғарий асаридан фойдаланганлиги тахмин этилаётган ўрта аср тилшунос-туркийшуносидан бири Асируддин Абу Ҳайёндир (1256–1345). Абу Ҳайённинг «**Китобул идрок лил-лисони атрок**», ундан фойдаланиб XIV–XV асрда ёзилган ва муаллифи ҳалигача муаммо бўлиб келинаётган «**Аттухфатуз закия фил луғатит туркия**» асарида ўзбек тили морфологик хусусиятининг илк системавий баёни берилади. Ҳар иккала асар муаллифи ўз талқинида араб тилшунослиги грамматик анъанаси ва терминологиясига таянади, лекин туркий тилнинг агглютинатив табиатини

¹ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. 1- т. –Т.: ФА нашр. 1960. –Б. 59.

² Нигматов Х.Г., Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. – Т.: Фан. 1989. –Б. 163–174.

– сўз шакли яшаш жараёнида ўзак/негизнинг ўзгармаслигини уққан ва ўз тавсифида уни очиб беришга интилган. Улар ўз даври туркий тили сўз ўзгартириш тизими учун хос бўлган деярли барча шаклнинг – от ва олмошда кўплик ва келишик, эгалик шакли, феъл нисбати, ҳаракат номи ва сифатдош, бўлишли/бўлишсиз шакли, майли, замони ва тусланиши тавсифини, ҳар бирининг араб тилида муқобилини синчковлик билан ёритган. Шунинг учун XI–XIV аср арабзабон туркийшуноси ўз асарида ўша давр туркий тили морфологик тизими ва сўз ясалиш хусусиятининг деярли тўлиқ тавсифини берган деб хулоса қилиш мумкин. Қарийб 20.000 мисралик назмий матнни ўз ичига олган «Қутадғу билиг» ва «Ҳиббатул ҳақойиқ» ёдгорликида қўлланилган морфологик шаклнинг асосий кўпчилиги санаб ўтилган туркийшунослик ишида тавсифланганлиги бунинг ёрқин далили. Лекин «Девон» қайд қилган ва шарҳлаган қатор шаклнинг (чунончи, ўтган замон биринчи шахс бирлик соннинг *бардам* шакли, фақат шахс олмоши эга вазифасида қўлланилиши мумкин бўлган ўтган замоннинг *-дуқ/дук* тусланмайдиган кўриниши – *мен ёй қурдук, сен ёй қурдук, биз ёй қурдук*) ўзбек тили ёдгорликида қўлланилиши ҳали аниқланмаган.

2. Форс тилшунослиги анъанаси асосида ўзбек тили қурилиши тадқиқи. Форсий лексикография ва тилшунослик анъанаси даврида (XV–XVIII аср) яратилган асар, асосан, луғат бўлиб, морфологик талқин бу тилшуносликда кенг оммалашмаган. Табиийки, бунинг ўзига хос сабаби бор; биринчидан, XI–XVIII асрда форсий бадий тил кенг оммалашган Кавказдан бошлаб Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда туркий-эроний зуллисонаинлиги мавжуд эди. Бу ҳодисани Маҳмуд Кошғарий ҳам, Алишер Навоий ҳам алоҳида қайд этади. Шунинг учун туркий тил форсийзабон учун ва форсий тил туркий учун мутлақо бегона эмас эди. Иккинчидан, эроний тил флектив, туркий тил эса агглютинатив қурилишли бўлишига қарамай, туркий тил морфологик тизими билан эроний тил грамматик тизими орасида туркий-арабий каби кескин фарқ йўқ. Шунинг учун морфологик тизимини алоҳида шарҳлашга катта зарурат йўқ эди – муаллифлар туркий тилнинг ўзига хос морфологик хусусиятини йўл-йўлакай – айрим байт ва гапни изоҳлаш жараёнида шарҳлаб кетиш билан кифояланган. Шунга қарамай махсус грамматик

тавсифга бағишланган ишда, жумладан, Мирза Махдихоннинг XVIII асрнинг 60-йилида ёзиб тугатган «**Мабониъ ул луғат**» грамматик тавсифида – эски ўзбек тили морфологиясига, форсийзабон томонидан ўзбек тилини ўрганиш учун қўлланма сифатида ёзган асарида – морфологияга кенг ўрин ажратилган. Форсийзабон грамматик талкинда, асосан, араб тилшунослиги анъанасини давом эттиришга ҳаракат қилади, лекин бу асарда берилган ўзбек морфологик тизими Махмуд Кошғарий, Абу Ҳайён тавсифидан анча заиф, у нафақат нотўлиқ, балки қатор камчиликка ҳам эга. Чунончи, Мирза Махдихон туркий тилдаги сингармонизмни, демак, қўшимчанинг қаттиқ ва юмшоқ кўринишининг қўлланилиш қонуниятини мутлақо тушунтира олмайди, равишдош, сифатдош шаклини феъл замони билан аралаштиради. Ҳар ҳолда Мирза Махдихоннинг асари ўз даври учун, Карл Менгес ва Э.Умаров таъкидлаганидек, ўзбек тили морфологик тизими ҳақида зарур маълумотни ўз ичига олган.

3. Европа тилшунослиги анъанаси асосида ўзбек тили қурилиши тадқиқи. Ўзбек тили морфологик тизимини ўрганишда янги давр, яъни Европа тилшунослиги мезони асосида талқин ва тавсиф қилиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Бу йўналишда қалдирғочдан бири Ҳерман Вамберининг немис тилида эълон қилган «**Чиғатой тили дарслиги**» бўлса ҳам, унинг ўзбек тили морфологик тизими талқинида таъсири сезиларли бўлмади – ҳозирги Ўзбекистонда Россиянинг таъсир ва таъйиқи кучлилиги сабабли немис тилшунослиги мезони асосида ўзбек тили морфологик тизими талқини оммалаша олмади.

Ўзбек тили морфологик тизимини Европа тилшунослиги ютуғи асосида талқин этишнинг ўзини бир неча ички босқичга ажратиш мумкин. Чунончи, 1900–1924- йил, 1925–1940- йил, 1940–1990- йил, 1990- йилдан ҳозирга қадар каби бўлиниш шундай босқичдан саналаш мумкин. Ажратилган ҳар бир босқич ўз хусусиятига эга. Чунончи, 1900–1924- йилда ўзбек тили морфологик тизимининг талқин ва тавсифида икки йўналишни фарқлаш мумкин. Ундан биринчисига рус туркийшуносларининг Ўзбекистоннинг, асосан, лисоний хусусият жиҳатидан XIV–XIX асрда қарлуқ асосли ёзма адабий тили – эски ўзбек тили анъанасини давом эттирувчи ўтроқ аҳолиси (ўша давр

терминологиясига кўра, сарт, сорт) нутқининг морфологик хусусияти тавсифига бағишланган ва русийзабон мутахассиснинг маҳаллий аҳоли тили билан танишиши мақсадини кўзлаб ёзилган иш¹. Бу сирага унтер-офицер Ефремов, тадқиқотчи М.А.Терентьев, В.Наливкин, М.Наливкина, Н.Остроумов, Н.Будзинский, П.Е.Кузнецов, Н.Н.Пантусов кабининг ўзбек тили ва шеvasининг умумий хусусияти билан русийзабон мутахассис ва ҳарбийни таништирувчи ишини киритиш мумкин.

Иккинчи йўналишдаги иш сифатида 1905–1920-йилда жадиdчилик доирасида ўзбекдан етишиб чиққан ёш олим ва фозилларнинг янги турдаги ўзбек мактаби учун илк қўлланмасини (жумладан, М.М.Фахриддинов, С.Саидазизов, Ш.Зуннун, М.Абдурашидхонов, А.Зоҳирий, М.Бехбудий, Қ.Рамазон, А.Авлоний кабининг ишини) кўрсатиш мумкин. Лекин бу даврда ўзбек тили морфологик тизимининг яхлит шарҳини бериш вазифаси кун тартибига қўйилмаган эди. Бу масала Ўзбекистонда она тилидан илк миллий дарслик яратиш билан боғлиқ равишда навбатдаги босқичда қўйилди ва ҳал этилди.

1925 йилда Мунавварқори, Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннуннинг «**Ўзбек тили сабоқлиғи**» ва Абдурауф Фитратнинг «**Ўзбек тили қондаси тўғрисида бир тажриба: Сарф**» дарслиги нашри билан ўзбек тили морфологиясининг яхлит, изчил таҳлил ва талқинига тамал тоши қўйилди. Бундан Фитратнинг том маънода замонавий европавий дарслик типидagi асари беш йил давомида ўзбек мактабида амалда бўлганлиги боис фанимиз тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Шунинг учун ўзбек тилидан биринчи замонавий морфологик талқинни берган бу дарслик устида тўхталиш лозим.

Замонавий ўзбек фанининг шаклланиши ва тараққиётига муҳим ҳисса қўшган Абдурауф Фитратнинг илмий ва ижтимоий, жумладан, лингвистик дунёқараши биздан анча олдин – XIX аср Европа фани ва маданияти таъсирини ўзига сингдирган Туркияда ўқиган йилларида (1909–1913) шаклланди. Бу «Сарф» даги илмий талқинда ҳам ўз аксини топди. Бунда у

¹ Бу ва ундан кейинги даврларда рус туркийшуносларининг ўзбек тилини ўрганиш соҳасидаги фаолиятлари «Фазылов Э.И., Чичулина Л.Г., Русские тюркологи и узбекское языкознание. –Т.: Фан, 1979. 216-б.» асарида, шунингдек, бизни қизиқтирган давр тадқиқотлари С.Аширбоевнинг 1975 йилда яқунланган «Из истории изучения грамматического строя узбекского языка (по трудам русских тюркологов 1875–1917)» номзодлик диссертациясида муфассал ёритилган ва шарҳланган.

Европа лингвистик таҳлил тамойилини шарқий анъана чиғириғидан маълум даражада ўтказиб, ўз тили қурилишини мана шундай – ўзига мослаштирган замонавий талқин усули билан тавсифлаган ёш турклар изидан борди. Шунинг учун унинг талқини, сўз туркуми, грамматик категориясининг таснифи деярли шу даврда нашр этилган Е.Поливанов (1891–1938)нинг «**Краткая грамматика узбекского языка (–Т. –М., 1926)**» даги талқиндан анча фарқ қилади. Ҳар иккала талқиннинг – Фитрат тавсифининг ҳам, Поливанов тавсифининг ҳам бош манбаи рус тилшунослигида XIX аср ўртасида ишлаб чиқилган, тезда Европа тилшунослигида ҳам кенг оммалашган *муосир тилнинг синхроник тавсиф методи* бўлгани ҳолда, Фитрат бу методни *семантик, ономаσιологик, мазмун/фикрдан → тилга* тамойили кучли француз вариантини ўз анъана ва тилига қисман мувофиқлаштирган турклардан олди, Поливанов эса шу методнинг рус тилшунослигида ишлаб чиқилган ва муосир туркий тил тавсифида синалиб, ўзини тўла-тўқис оқлаган *формал кўринишида* ишлаб чиқилган илмий тушунча ва грамматик талқин чизмаси асосида ўзбек тили қурилиши тавсифини беришга ва шу билан қуйироқда қуриб ўтиладиган «Олтой тили грамматикаси» моделини ўзбек тилшунослигига олиб киришга интилган.

Фитратнинг тил тавсифида бош методологик тамойили *мазмундан → тилга* бўлганлиги сабабли¹ унда барча масала «лисоний бирлик/шакл нимани ифодалайди?» йўналишида эмас, балки «маълум бир мазмун тилда қандай ифодаланади?» тарзида қўйилади, тавсиф ва талқини шундан келиб чиққан ҳолда берилади. Европа тилшунослигида, хусусан, француз тилшунослигида кучли бўлган бу тамойил моҳиятан ўша давр синхроник тилшунослигига Европада XVII–XVIII аср тилшунослиги рационал, мантиқий грамматика йўналишининг таъсири эди. Турклар бундай ёндашишни французлардан, Фитрат турклардан ўзлаштирган эди.

Фитрат шарқона анъана таъсирида сўз туркумини атиги тўртга: *от, сифат, феъл, кўмакчига* ажратади. Олмош от ва сифатнинг бир тури

¹ Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Фитратнинг лингвистик қарашлари билан шуғулланган мутахассислардан фақат А.Нурмоновгина Фитрат лингвистик дунёқарашидаги ҳал этувчи омилни тўғри аниқлай олган. Қар.: Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б. 145.

сифатида ажратилиб, сон сифат таркибига, равиш эса от, сифат ва айрим кўмакчи (Фитрат барча ёрдамчи сўзни шу туркумга бирлаштиради) ичига киритилади, отда фақат сон категориясигина ажратилади. Лекин мазмун тамойилидан келиб чиққан Фитрат кичрайтириш отини, отнинг ўнлаб маъновий турини, унинг ясалишини ажратади. Феълни ўтим ва салт, бўлишли ва бўлишсизга ажратиб, унинг шаклини тасниф этишда ҳам Фитрат Европа-Шарқ анъанасига асосланади. Тусланган феълнинг бош шакли сифати III шахс бирлик сон кўринишини олади, сифатдошни сифатга, майлни замон маъносига кўра ўтган, ҳозирги, сўнгги (келаси) замон шакли ичига сингдириб юборади, нисбат шаклини, араб-турк тилшунослиги анъанасига мувофиқ боб доирасида кўради. «Сарф»да алоҳида парадигмага бирлаштирилмаган тарзда келишик шакли ҳақида ҳам маълумот берилади.

Тугал бўлмаганлигига қарамай, Фитратнинг бу иши ўзбек тилшунослигида морфологиянинг илк тавсифи сифатида тарихий аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди, чунки у кейинги даврда – 1943 йилгача амалда бўлган бошқа дарсликда берилган морфологик талқинга кучли таъсир кўрсатди.

4. Ўзбек миллий тилшунослигининг шаклланиши ва совет даври таракқиёти. Бу босқич (1940–1990- йил) том маънода замонавий ўзбек морфологик таълимотининг ривожланиш ва кенг оммаланиш даври бўлиб, у бевосита профессор Айюб Ғуломов (1914–1986) номи, илмий дунёқараши ва илмий фаолияти билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ўзбек морфологиясининг бу босқичдаги талқинини кўришдан олдин бу илмий талқиннинг бунёдкори ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлган олимнинг илмий дунёқараши манбаи – рус туркийшунослигида *замонавий туркий тилнинг синхроник формал тавсифи методининг* шаклланилиши ва оммаланиши билан танишиб ўтиш лозим.

Бу методнинг бош тамойили *шаклдан/лисоний бирликдан → мазмунга*. Гносеологик асоси интуитив материализм – эмпиризмга асосланиб, умумийликни бевосита кузатишда берилган ҳодисанинг барча кўринишдаги воқеланиши учун хос умумий белгиси сифатида талқин этувчи бу тавсиф методи (жумладан, XIX–XX аср рус тилшунослиги яхлитлигича – Ф.Ф.Фортунатовдан (1848–1914) В.В.Виноградовгача

(1894–1969) жаҳон тилшунослигида формал тилшунослик деб юритилади¹. Бундай ёндашишда таянч, бошланғич нукта шакл бўлганлиги сабабли шаклан фарқли, лекин мазмунан (мазмун сифатида, табиийки, вазифа ҳам тушунилади) яқин ҳодиса осонликча парадигмага – грамматик категорияга бирлаштирилади. Шу билан бирга, масалан, *Китобни акамга/ акам учун олдим* каби қурилмада *-га* ва *учун* бирлиги семантик-функционал яқин бўлса ҳам, соф шаклий (формал) тамойил асосида – бири аффикс, иккинчиси ёрдамчи сўз бўлганлиги учун – у синоним ва бир хил парадигма бирлиги деб саналмайди. Лекин қўшимчанинг фонетик хусусият билан боғлиқ бўлган кўриниши (чунончи, *бобом, бобоси,* ва *китобим, китоби* каби сўзидаги *-м* ва *-им,* *-си* ва *-и, ёздирмоқ* ва *ишлатмоқ* каби сўздаги *-дир* ва *-т*), ҳамда грамматик маъно ва функция жиҳатидан умумий бўлиб, шаклан ҳар хил бўлган қўшимча ҳам (чунончи, *тўлғазмоқ – тўлдирмоқ* каби сўзда *-газ-* ва *-дир-*) вариант – айна бир лисоний ҳодиса (грамматик шакл) қўшимчасининг кўриниши деб қабул қилинар эди.

Туркий тил синхроник формал тавсифинининг рус туркийшунослигида биринчи ва энг яхши намунасида бири сифатида 1869 йилда Қозонда нашр этилган ва Н.И.Ильминский (1822–1891) бошчилигидаги муаллиф жамоаси томонидан тузилган катта – 300 бетдан зиёдроқ ҳажмдаги «**Олтой тили грамматикаси**» асари яқдиллик билан тан олинади. Бу асарнинг туркийшунослик тарихидаги аҳамияти жуда юқори. Бу ҳақда академик А.Н.Кононов (1906–1986) шундай деб ёзади: «Олтой тили грамматикаси» туркий тил грамматик қурилиши тавсифида ўзига хос бир давр бўлди ва узок йил давомида шундай грамматика яратиш жараёнида *намуна* вазифасини ўтади – бу асар ҳозир ҳам ўз илмий қийматини сақлаб келмоқда»².

Ҳақиқатан ҳам, ўша даврда Россия, кейинчалик СССР таркибида бўлган 40 дан ортиқроқ туркий тил учун 1930–70-йилда яратилган грамматик тавсифга бу грамматиканинг бевосита ва билвосита таъсири жуда кучли бўлди. «**Олтой тили грамматикаси**»да илмий талқиннинг

¹ Қар.: Лингвистический энциклопедический словарь. –М.: СЭ.1990. –С. 558.

² Кононов А.Н. История изучения тюркских языков в России. Изд. Второе. –Л.: Наука. 1982. 360 б. –292.

тамал тоши – лисоний бирлик (*фонема/товуш, унли, ундош, морфема/қўшимча, ўзак, негиз, бўгин, сўз, сўз бирикмаси, гап, содда гап, қўшма гап ...* в.б.) ҳам, илмий тушунчаси ҳам (*грамматик шакл, грамматик категория, сўз туркуми, келишик, сўз ясаш, форма ясаш, тобе алоқа, бош гап, эргаши гап ...* в.х) табиийки, бевосита рус тилшунослигидан олинган эди – туркий тилнинг қурилиши рус тили андозаси билан баҳоланарди. Шунинг учун бундай тавсифда «Род категорияси» деб сарлавҳа қўйиб, «бу тилда от ва сифатда род категорияси ва шакли йўқ» деган баён ҳеч ким учун ажабланарли эмас эди – асар русга мўлжаллаб ёзилган ва рус китобхони учун туркий тилда род категорияси йўқлигини уқтириш ш а р т в а з а р у р эди. Бундай, йўл ўз-ўзидан англашилган тарзда, масалан, ўзбек тилида ҳам *шоир – шоира, Салим – Салима ..* каби жуфтликда роднинг фарқланишини кўришга, унинг морфологик (*адиб – адиба*), лексик (*товуқ – ҳўроз*), синтактик усул (*эркак ўқитувчи – аёл ўқитувчи, ургочи эшак* в.х.) билан ифодаланишини асослашга интилиш каби ҳолга ҳам олиб келиши мумкин эди¹. Бунинг оқибатида туркий тил учун хос бўлмаган грамматик категорияни сунъий равишда бу тилга нисбат бериш ёки, аксинча, туркий тилга табиатан хос бўлиб, рус тилида бўлмаган грамматик шакл ва ҳодиса (чунончи, туркий тил тизимида жуда катта аҳамиятга молик бўлган аналитик қурилма, тақлид, сўз-гап, қўшимчасимон ёрдамчи сўз в.б.)ни «кўролмаслик», лекин лисоний тизимни ҳаққоний тавсифлашга хизмат қиладиган *шакл → мазмун* тамойили асосида бундай ҳолат аниқлаганда ҳам, у (чунончи, сифатдош, равишдошда хусусий фоил/субъектнинг мавжудлиги, туркий кесимнинг ҳамшиша тусланган шаклда бўла олиши, гап кесимининг мустақил ва номустақил кўринишининг фарқланиши, истаган катталиқ ва қурилишдаги гапни оборотга – кенгайган бирикмага айлантира олиш ва бутун бошли бир гапни битта номинатив бирлик мавқеида бериш каби ўнлаб соф туркона хусусият)нинг моҳиятини туркий тилнинг ички тизимий муносабати асосида эмас, балки рус тилидаги мувофиқи асосида белгилаш ҳолати жуда кўп эди. Бунинг барчаси туркий тил қурилишининг рус тилшунослиги мезон ва тушунчаси билан «ўлчаниши» ва

¹ Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., И.Расулов, Худойбердиев Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўқитувчи, 1980. 448 б.

«баҳоланиши» оқибати. Лекин фанга маълум турдаги янгича бир тадқиқ ва таҳлил тамойилни киритиш ва оммалаштириш жараёнининг диалектикаси шунини кўрсатадики, илк босқичида – дастлаб эклектик (тушуниб-тушунмай) тақлид қилинади, усул ва тушунча оммалашгач, эклектикликдан онгли татбиққа – усул ва тушунчани янги шароит ва муҳитга мослаштириш босқичига ўтилади. Бу тарихий тараққиётнинг умумий қонуниятидан бири, янгиликни тез оммалаштиришда шу усулдан бошқа йўл ҳам йўқ.

Рус тилшунослигини жаҳонга машҳур қилган *муосир тилнинг синхроник формал тавсифи методининг* қиёсий-типологик (ҳатто, қисман тарихий-қиёсий) татбиқининг энг яхши намунасини (унча кўп оммалашмаган О.Бётлингкнинг немис тилида 1851 йилда Санкт-Петербургда нашр этган «Ёкут тили ҳақида» улкан тадқиқотидан кейин) Н.Катанов 1903 йилда Қозонда нашр этган «Урянхай тили тадқиқи тажрибаси» номли қарийб минг бетлик, ўнлаб қиёсий жадвалли асарида берди. Ўтган асрнинг 70- йилигача мана шу икки асар Россия ва СССР таркибида бўлган туркий тил қурилиши тавсиф ва талқинида бевосита ва билвосита катта таъсир кўрсатиб келди. Шунинг учун Россия ва СССР таркибида маълум бир даврда бўлган туркий тил бўйича тилшунослик тарихини, хусусан, бу фанда – ҳ о д и с а силсиласини (ёзилган ва нашр этилган илмий асар рўйхатини) эмас, илмий метод, илмий тушунча ва ғоя тарихи ва тараққиётини ўрганмоқчи бўлган талабгор бу икки асарни четлаб ўтса, ҳақиқатга хилоф, эклектик, кўр-кўрона йўл тутган бўлади.

Ўтган асрнинг 20-йилида СССР таркибидаги туркий халқ ва тил бўйича замонавий адабий тил меъёрини белгилаш, ўрта ва олий таълим тизими учун дарслик яратиш масаласи кун тартибида турганда 1926 йилда Е.Поливановнинг мазкур «**Қисқача грамматика...**»си чиқди. Орадан сал ўтиб – 1929 йилда Н.Дмитриев (1898–1954)нинг мазкур олтой тили грамматикаси руҳи ва тамойилида тузилган ихчамгина «**Турк тили қурилиши**» рисоласи нашр қилинди. Юксак истеъдод соҳиби бўлган Е.Поливановнинг «халқ душмани» сифатида таъқиби Н.Дмитриев рисоласи олдидаги улкан ғовни олиб ташлади ва уни замонавий туркий тил грамматик қурилиши тавсифини бериш учун мезон-намуна даражасига кўтарди. Бунга – ҳозирги ёш учун мутлақо таниш бўлмаган ва

СССРда, хусусан, 1930–50-йилда ҳукмрон бўлган бир ҳолатни – ҳар бир илмий талқинни синфийлик жиҳатидан баҳолаш, марказдан берилган намунадан ҳар қандай четга чиқишни миллатчилик ва давлат тузумига қарши деб қоралаш ва таъқиб этишни ҳам илова қилсак, марказдан чиққан бу рисоланинг миллий туркий (жумладан, ўзбек) тилшуносликка таъсири қандай кучли бўлганлигини тасаввур этиш мумкин.

Ҳаёти ва илмий фаолияти ўзбек тилини ўрганиш ва тавсифлашда алоҳида бир даврни ташкил этган А.Ғуломов (1914–1986) фанда мана шундай ҳолат ҳукмрон бўлган даврда – 1930- йилнинг ўртасида тилшуносликка кириб келди. Унинг илмий дунёқараши Н.Дмитриев, Э.Севортян, А.Боровков таъсирида шаклланди, докторлик диссертациясига Н.Дмитриев раҳбарлик қилди, унинг етакчилигида илмий ишининг анча қисмини бажарди ва ўша олим раҳбарлик қилган бўлимда уни яқунлади. Бу туркийшуноснинг барчаси тилшуносликда *синхроник формал тавсиф методи* билан иш кўрадиган олим эди. Табиийки, устоз ҳам фанга ўз устозининг – Н.К. Дмитриевнинг илмий йўналиш тадқиқ усули ва илмий тушунчасини олиб кирди.

Ўзбек тили грамматик қурилиши тасифининг яхлит тизимини яратиш ва уни оммалаштиришда олим ягона ва тўғри йўли(бир илмий-тадқиқий методик тамойилга таянган ҳолда онглилик билан унга амал қилиш ва манбанинг яхлит тавсифини бериш)ни танлади. Унинг асосий мақсади янги, замонавий лингвистик тушунчани, европа таҳлил ва тавсиф усулини оммалаштириш, шу мезон асосида ўзбек тили тавсифини бериш эди. Тилшуносларга илмий тадқиқ намунасини бериш мақсадида А.Ғуломов тил қурилишининг турли сатҳ ва бўлимига алоқадор бўлган категориядан биттасининг муфассал тавсифини берди. Шу мақсадда унинг «Ўзбек тилида аниқловчи» (1938–1940), «Ўзбек тилида келишик» (1941), «Ўзбек тилида кўплик категорияси» (1944), «-ла аффиксининг маъноси ҳақида» (1945), «Ўзбек тилида урғу» (1946), «Ўзбек тилида сўз тартиби» (1946), «Ўзбек тилида сўз ясаш йўли ҳақида» (1949), умумлаштирувчи «Морфологияга кириш» (1953) каби кейинги тадқиқот учун методик намуна – йўл ва усул белгиловчи асари дунёга келди ва кенг оммалашди, ўзбек тилшунослигининг таракқиёт йўлини белгилади. Шу йўналишда 1950–1960- йилда юзлаб диссертация, рисола ва тадқиқот, дарслик ва

қўлланма яратилди, таълимга татбиқ этилди. Ҳатто ўз даври учун мукамал ва тўлиқ бўлган «Ўзбек тили грамматикаси» ўзбек олимларининг умумлаштирувчи ишидан анча олдин (1948 йилда) эълон қилинган бўлса ҳам, унда академик А.Кононов морфологик ҳодисасининг, асосан, ғуломовчасига талқинига таянди. Бу А.Ғуломов талқинининг тугал эътирофи нишонаси эди.

Замонавий ўзбек тилшунослигининг етакчиси ўз изланишида *синхроник формал тавсиф методи* изидан борганлигин ҳеч қачон инкор этмаган. Жумладан, ўзи бошқарган ва етакчилик қилган ўзбек тилшунослигининг 1940–60- йиллардаги йўналиши ҳақида Ўзбекистон энциклопедияси учун ёзган Мақ.асидан бирида бу ҳақда шундай ёзади: «Рус мактаби учун стабил қўлланма сифатида С.Г.Бархударовнинг рус тили бўйича дарслиги қабул қилинган (1938), ўзбек ўрта мактаби учун ҳам дарслик яратилди... (Боровков А.К., Ғуломов А., Маърупов З., Шермухаммедов. Ўзбек тили грамматикаси. 1–2- қисм. 1943.) Кейинги йилларда бу дарсликлар адабий тил меъёрларини ўрганиш учун назарий асос вазифасини ўтади.»¹

Бу ишда – рус тилшунослигига эргашишда А.Ғуломовни айблаш, биринчидан, илмий тараққиёт диалектикаси ва умумий қонуниятини – умуман, онгли, методологик асосланган илмий тадқиқот моҳиятини билмаслик бўлса, иккинчидан, собиқ Иттифоқда таълим тизими, фан ва таълимга муносабатдан ғирт беҳабарлик оқибати. Ҳар иккала нуқтаи назардан ҳам олим даҳо шахсга хос ва мос равишда ягона тўғри йўлни танлай билди ва ўзбек тилшунослигини юксак чўққи сари етаклай олди. Бу ерда «даҳо» атамаси беҳуда қўлланилмади, зеро, фалсафада даҳо – бу табиий қонуниятдек мутлақ бўлган ва алоҳида шахсга боғлиқ бўлмаган объектив ижтимоий тараққиёт йўналишини тўғри илғаган ва ўз фаолиятини шу йўналиш ривожига бўйсунтира олган шахс. А.Ғуломов собиқ СССР шароитида миллий тилшуносликнинг ривожланиш йўналишини тўғри тушунди ва шу йўлдан борди, фанимиз тарихида алоҳида даврни – Айюб Ғуломов даврини, инқилобий бурилиш, Шарқдан

¹Гулямов А.Г. Языкознание. В кн. Узбекская ССР. Ред.кол. К.А.Зуфаров и др. – Т.: Изд.УзСЭ. 1981. –С. 349–350.

Ғарбга ўтиш даврини – замонавий европа таҳлил ва тадқиқ усулига ўтиш даврини ташкил қилди. Унинг хизмати, жумладан, қуйидагида намоён бўлди:

Биринчидан, олим ўзбек тилшунослигини европа таҳлил ва тавсиф асосига ўтказишнинг биринчи босқичи, яъни европа таҳлил усули, бирлиги, тушунчаси, иш услубини киритиш ва оммалаштириш босқичида ҳар хил аралашмага, мослаштириш ва миллийлаштиришга эмас, балки амалиётда ўзини оқлаган соф методга онглилик билан риоя қилиш лозимлигини тўғри уқди ва уни амалга оширди.

Иккинчидан, собиқ Иттифоқда таълим ягоналиги мавжуд бўлганлиги сабабли мактабда ўқитиладиган барча талқинда б и р х и л л и к зарур омилдан эди. Шунинг учун бу даврда мактаб дарслигининг миллий тилга таржимасидан фойдаланиш, таржима имкони бўлмаса, миллий дарсликни умумиттифоқ дарслик ва дастури талқинига мумкин қадар яқинлаштириш бу мақсад учун ягона энг тўғри йўл эди. Олим ҳам шу йўлни танлади ва ўзбек тилшунослигининг равнақига катта ҳисса қўшди.

Ўзбек тилшунослигида синхроник формал тавсиф методи 1953 йилдан бошлаб нашр этила бошланган «Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар» силсиласидаги 20 яқин рисола, унинг умумлашмаси бўлган ва Фаҳри Камол (1906–1966) таҳрири остида ФА нашриёти 1957 йилда оммалаштирган **«Ҳозирги замон ўзбек тили. Лексикология. Фонетика. Графика ва орфография. Морфология»**, шунингдек, А.Ғуломов ва М.Асқарованинг 1961 йилда нашрдан чиққан **«Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис»**, шунингдек, академик А.Кононовнинг 1960 йилда чиққан **«Грамматика современного узбекского литературного языка»** асари билан илмий тавсифда етуклик даврига кўтарилди, ўтган асрнинг 70- йилларида ўзининг энг юқори тараққиёт чўққисига етди ва икки жилдлик **«Ўзбек тили грамматикаси»**ида ўз умумлашмасини топди.

Фанларнинг тараққиёт диалектикаси энди тилшунослигимизнинг ҳам янгиланишини, таҳлил ва тавсиф усулини ўзгартиришни талаб қилар эди. Бу ҳолат, табиийки, синхроник формал тавсиф методи ўртага қўядиган ва қисман юқорида санаб ўтилган муаммога эътибор қаратиш лозимлиги

масаласини кун тартибига қўйди. Шу даврда ўзбек тилшунослигида икки йўналиш ёрқин ажралиб чиқди:

1) ўзбек тили қурилишини бошқа, жумладан, систем-структур таҳлил усули билан ўрганиш;

2) синхроник формал тавсиф методи воситасида европа тили андозаси асосида ўрганилган ўзбек тилини ўз онтологик хусусияти асосида қайта текшириш ва шу асосда ўзбек тили қурилишининг янги – соф ўзбеккона формал синхроник тавсифини бериш.

Биринчи йўналиш, асосан, профессор С.Н.Иванов (1922–1999) ва Ш.Раҳматуллаев, улар издоши илмий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бугун ўзбек тилшунослигида қўлланилаётган экспериментал, статистик, дескриптив, инженер, семантик лингвистика йўналишидаги ишларда ўз аксини топди. Ундан бугун Европада ҳам тан олинаётган ўзбек субстанциал тилшунослигигина ўзбек тилининг барча сатҳининг яхлит тавсифини бериш даражасига кўтарилди ва қўлингиздаги иш ҳам, жумладан, унинг маҳсули.

Иккинчи йўналиш, жумладан, академик А.Ҳожиёвнинг 70- йиллардан кейинги илмий изланиши билан боғлиқ.

Ўзбек субстанциал тилшунослиги, унинг илдизи, таҳлил тамойили қўлимиздаги ишининг биринчи бобида махсус таҳлил этилиши сабабли бу ерда биринчи йўналиш устида тўхталинмайди ва иккинчи йўналиш ҳақида айрим мулоҳазани баён қилиш билан чекланилади.

Ўзбек тилшунослигида проф. Айюб Ғуломов (*синхроник формал тавсиф методи*) талқинининг «ревизия»си (тўлдириш, такомиллаштириш, янгилаш в.х.) ўтган асрнинг 60- йили ўртасида бошланди, 70- йилга келиб анча кучайди, 1980 йилда оммавий нусхада нашр этилиб, олий таълим тизимида кенг ёйилган дарсликда ёрқин аксини топди¹. Бу ўзбек тилшунослигида иккинчи йўналишнинг – синхроник формал тавсифий метод ва унинг бирлигини – лисоний бирлик табиатини ўзбек тилининг субстанциал хусусияти асосида қайта кўриб чиқиш ҳаракатининг илк босқичини ташкил этади, дейилса, хато бўлмайди. Чунки бу босқичда ҳали лисоний бирлик табиати масаласи

¹ Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиёв А., И.Расулов, Худойбердиев Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1980.

кўтарилмаган, лекин Айюб Ғуломов ва устознинг раҳбарлигида бажарилган илмий ишда берилаётган талқинга эътироз, ўзгача талқин берила бошлади. Жумладан, мазкур дарсликда асосланган терминологик аниқлик билан бирга формал тавсифий метод учун тамоман янги бўлган илмий тушунча – *категориал ва нокатегориал (функционал) шакл* тушунчаси киритилиб, формал тавсифий методни ўзбек тилига мувофиқлаштиришга ҳаракат этилди. Албатта, бунда ҳали *нокатегориал шакл* тушунчаси мавҳум ва бундай шаклни ажратишнинг умумлингвистик ва фалсафий-гносеологик асоси ишлаб чиқилмаган эди¹. Шунинг учун ўз изланишининг иккинчи босқичида (1990- йилдан бошлаб) академик А.Ҳожиёв ўзбек тилида лисоний бирликнинг ўзбекона (турккона) табиати ва шу нуқтаи назардан ўзбек тилшунослигининг долзарб масаласи устида қизғин изланиш олиб бормоқда. Олим кейинги йилларда шу йўналишда 30 га яқин жиддий илмий Мақола эълон қилди, энди ўзбек тилининг онтологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда аниқланган лисоний бирлик табиатига таяниб ўзбек тили қурилишининг тўлиқ формал тавсифини ҳам беради деб умид қилиш мумкин. Бундай тавсиф ўзбек тили морфологик тизимининг яна бир янги талқини бўла олади. Бунда бир масала устида тўхталиб ўтиш зарур. Айни бир манбага турли нуқтаи назардан ёндашилганда, кузатувчи/тадқиқотчи унинг, табиийки, турли томонини кўради ва шу томони хусусияти асосида ҳукм/хулоса чиқаради. Онгли, қатъий илмий тадқиқ методологияси соҳиби ўзи ёндашган нуқтаи назардан берилган таъриф/ҳукм/хулосанинг н и с б и й , манба моҳиятини т у г а л эмас, балки тадқиқотчи ёндашган нуқтадан акс этишини уққан бўлади. Илмий тадқиқотда, хусусан, миллий истиқлол шарофати билан кўпфирлиликка, мажбурий мафкуравий зўравонликдан ҳур фикрлиликка ўтиш жараёнида буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. А.Ғуломов тадқиқ усулини ривожлантириб, янги давр талабига мослаштириш, ўзбек тили қурилишининг у оммалаштирган европача таҳлил усулида ўзбекона

¹Фельнинг функционал формалари/шакли нокатегориал шакл эмас, улар ўзига хос функционал категория ва, ўз навбатида, яна ҳаракат номи, сифатдош, равишдош категориясига бўлинади. Чунки нокатегориал шакл, худди шунингдек, атиги *битта шаклли категория* тушунчалари алоҳида – лисоний бирликлар табиати нуқтаи назаридан – асосланиши керак. Бу ҳақда қаранг: Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва синтактик имкониятлари: филол.фан.номз.дисс. ...автореф. –Т., 1996.

талқинини яратиш устида қунт билан изчил ҳаракатда бўлган тилшунос А.Ҳожиёв бу Мақ.асида:

биринчидан, А.Ғуломов томонидан берилган тавсифни деярли бемухокама рад этади;

иккинчидан, ўзбек субстанциал тилшунослигининг лисон ва нутқ (демак, УМИС~ЯҚВО)ни изчил фарқлаш нуқтаи назаридан ёндашиб, берган л и с о н и й бирлик ҳақидаги талқинини (жумладан, кўлингиздаги китобда, ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан маъқулланиб, 2007 йилда нашр этилган «**Ҳозирги ўзбек тили**» ўқув кўлланмасида) ўз аксини топган лисоний бирлик талқинини ҳам) танқид қилишга, бекор қилишга уринади. Изчил илмий тадқиқ методологияси нуқтаи назаридан эса бир метод нуқтаи назардан туриб чиқарилган ҳукм/хулоса асосида бошқа бир нуқтаи назар асосида чиқарилган ҳукм/хулосани рад этиш инфантилизм (болакайлик) саналади – формал ёндашув асосида чиқарилган ҳукм структурал ёндашувда кўлга киритилган натижа асосида (табиийки, аксинча ҳам) инкор этилиши мумкин эмас; диалектиканинг бу тамойилини тадқиқотчи ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак. Илмий тадқиқнинг бундай нозик томонига олим ҳамиша алоҳида эътибор бериб келган. Жумладан, маърифий асарда билиш, талқин ва тавсиф ҳақида гап борар экан, Жалолоддин Румийдан Ҳегелгача фил тавсифи ва ҳар ким томонидан берилган турли тавсифга орифнинг муносабати ҳикояти келтирилади. Ориф тушунадикки, ҳар бир кузатувчи томонидан берилган бир-бирини инкор этувчи бу тавсифнинг барчаси – ўз нуқтаи назаридан тўғри, лекин бирортаси ҳам филнинг тугал тавсифи эмас. Шунинг учун Ҳегель айна бир нарсага нисбатан хилма-хил, бир-бирини инкор қилувчи таърифнинг мавжудлиги нарсани билиш жараёнига чуқурлашиш нишонаси деб баҳолаган эди¹. Лисоний бирликнинг структурал (жумладан, субстанциал) талқини ҳам, формал талқини ҳам ўз йўлида – унинг ҳар бири жуда ҳам серқирра бўлган тадқиқ манбаининг – лисоний бирликнинг бир қиррасинигина очиб беради, холос. Қолган қиррасини очиш фан олдида турган вазифадан. Давр ва тараққиёт эса унинг янги-янги қиррасини очиб бораверади. Шунинг учун

¹Ҳегел Г.И.Ф. Работы разных лет. В двух томах. 2- том. -М.: Мысль, 1971. 432 б. –Б. 124–125.

ҳозирги ўзбек тилшунослигида айтилган тилнинг – ўзбек тилининг морфологик тизими тавсифида турли хил ёндашиш ва талқинни кўриш мумкин. Бу, тафаккури бир таърифда қотиб қолган жоҳил ўйлагандек, фанимизда юз бераётган бошбошдоқлик, тартибсизлик эмас, балки фалсафий нуқтаи назардан айтилган манбани турли мақсадда турли томондан тавсифлаш, унинг моҳиятига яна ҳам чуқурроқ кириш, янги қиррасини очиш, илмий қарашда кўп фикрлилик нишонаси. Қўлингиздаги морфологик талқин ҳам шундай хусусиятга эга. Уни ҳам шу тавсиф асосланган таянч методологик тамойил нуқтаи назаридан баҳолаш ва ўзбек тили морфологик тизимининг ранг-баранг тавсифидан атиги бири сифатида қабул қилиш лозим.

2-§. Ўзбек тили морфологияси тадқиқи тарихидан

Тил ҳақидаги фаннинг шаклланиши, одатда, XIX асрнинг бошига тўғри келади, деб белгиланади. Бироқ тилшуносликнинг энг асосий, туб муаммои, жумладан, сўз туркуми ва гап бўлаги, тилнинг табиати, тил белгисининг маънога алоқадорлиги, мантиқий, грамматик ва бошқа ҳодиса муносабати ва ҳатто, тил, лисон ва нутқ муносабати, тилнинг системавий характери (система эканлиги, яхлит структурадан иборат эканлиги – кичик системанинг катта система таркибига кириши, улар ўртасида жуда зич алоқа мавжудлиги, бу алоқасиз, структурасиз яхлитликнинг, яъни тилнинг ўзи бўлмадлиги каби) ҳамда унга ёндашувда ҳам доимо, қадимдан бошлаб система сифатида йўл тутилганлиги, шунингдек, тилнинг келиб чиқиши масаласини ҳам қамраб олиб баҳо бериладиган бўлса, тилшунослик фанининг шаклланиши, албатта, узоқ тарихга эгаллиги маълум бўлади.

Машҳур ҳинд тилшуноси Панини эрамиздан олдинги даврда (III–II аср) яшаган тилшунослар ишига мурожаат қилар экан, уларнинг грамматика ва грамматик категория ҳақида фикр билдирганлигига ишора қилади. Морфологияга эътибор ана шу даврдан бошланган дейиш мумкин. Чунки сўзни туркумга ажратиш, албатта, қатъий бир ҳилликда бўлмаса-да, Шарқда, ҳинд тилшунослигида амалга оширилган. Сўз тўрт гуруҳга ажратилган: от, феъл, кўмакчи ва юклама. Бунда феъл ҳаракатни ифодаловчи, от эса субстанция (кенг маънода нарса) ифодаловчи, юклама

ва кўмакчи сўз ўртасидаги муносабатни, шунингдек, инсоннинг ўз фикрига муносабатини ифодаловчи ҳодиса сифатида ажратилган. Шу даврда сифат, равиш ҳамда олмош алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилмаган.

Феъл туркумига, унинг ўзак ва бошқа қисмга эга эканлигига жуда жиддий эътибор қаратилади. Ўзак таснифи берилар экан, ясама асос таркибидаги махсус қўшимча, унинг маъно хусусияти ва вазифасига эътибор қаратилади.

Тил муаммосига эмпирик ва тасвирий йўналишда ёндашиш ҳинд тилшунослигининг асосий йўналиши эди.

Қадимги грек тилшунослиги тил масаласига асосан фалсафий нуқтаи назарда ёндашиш билан характерланади. Шунга кўра тилни ўрганиш фалсафа таркибида бўлиб, у билан асосан файласуфлар шуғулланган.

Сўз ва нарса муносабати масаласи грек тилшунослигининг бош масаласи бўлган.

Сўзни туркумга ажратиш ҳаракати Платон яшаган даврга тўғри келади. Платон мавжуд сўзни икки туркумга ажратади:

- а) от;
- б) феъл.

Эга вазифасида қўлланувчи сўз – от, кесим вазифасида қўлланувчи сўз – феъл. Сифат ҳам оддий феъл қаторига киритилади.¹

Аристотель нутқни қуйидаги бўлакка ажратади:

- 1) ҳарф;
- 2) бўғин;
- 3) боғловчи;
- 4) бўлак (аъзо);
- 5) от;
- б) феъл;
- 7) келишик;
- 8) гап.

¹ Звегинцев В.А. История языкознания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. Часть 1. –М.: Просвещение, 1964. –Б. 12.

Ҳар бир қисм алоҳида-алоҳида изоҳланган. Жумладан от куйидагича изоҳланади: «От – мураккаб, (а) маъно анлатувчи, (б) замонни билдирмайдиган, (в) қисми ўз-ўзидан маъно англамайди (г) сўз.»¹

Отни содда ва мураккаб от тарзида гуруҳлаш, туб ва ясама отни фарқлаш, отга жинс англатиш нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш каби морфологияга оид кўпгина масала Аристотель томонидан ўрганилган. Кейинроқ шаклланган Александрия мактаби вакиллари сўз туркуми ва морфология масаласини анча батафсил ўрганганлиги кузатилади. Аристарх таснифига кўра, саккизта сўз туркуми мавжуд:

- 1) от;
- 2) феъл;
- 3) сифатдош;
- 4) аъзо;
- 5) олмош;
- 6) кўмакчи;
- 7) равиш;
- 8) боғловчи.

Бошқа бир олим – Дионский Фракийский от, феъл, сифатдош, равиш, боғловчи туркумининг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиб, унинг энг характерли жиҳатини санаб ўтади². Жумладан, у феъл ҳақида гапирар экан, «феъл келишиксиз сўз туркуми, у замон, шахс ва сонни қабул қилиб, ҳаракат ёки ҳолатни билдиради». Шунингдек, у феъл майли (буйрук, истак, хабар, тобеъ ва ноаниқ), феъл нисбати, сон, шахс, феъл замони ҳақида ҳам батафсил маълумот беради.

Кўринадики, қадимги Грецияда, айниқса, морфологияни ўрганиш, сўзни туркумга ажратиш, ҳар бир туркумининг ўзига хос жиҳатини жиддий ўрганишга алоҳида эътибор қаратилганлиги маълум бўлади.

VII–XII асрга келиб, албатта, грек ва ҳинд тилшунослиги таъсирида, шунингдек, бошқа ўзига хос сабаб ва эҳтиёж асосида араб тилшунослиги шаклланди. Бу тилшунослик фақат араблар томонидан эмас, балки араб

¹Звегинцев В.А. История языкознания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. Часть 1. –М.: Просвещение, 1964. –Б. 41.

²Звегинцев В.А. История языкознания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. Часть 1. –М.: Просвещение, 1964. –Б.15–16.

тилида гаплашадиган бошқа халқ вакиллари томонидан, уларнинг бевосита иштироки асосида, бир томондан ҳинд, грек тилшунослиги таъсирида, иккинчи томондан эса, ана шу бошқа халқ дунёқараши, тажрибаси, тилга муносабати, билим доираси таъсирида шаклланган.

Араб тилшунослигида сўзни туркумга ажратишда Аристотель йўли тутилган. Улар ҳам сўзни асосан, 3 туркумга ажратишган:

- 1) феъл;
- 2) от;
- 3) юклама.

Қисман араб ва асосан турк тилшунослиги тараққиётига таъсир қилган, унга катта ҳисса бўлиб қўшилган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида (1914 йили Истамбулда топилган ва 1960 йилда С.Муталлибов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган: 3 та асосий жилд ва индекс) туркий тилларнинг XI аср ҳолати, туркий тил фонетикаси ва морфологияси қонунияти тўла баён қилинган. Ушбу асарнинг туркий тиллар лексикаси, фонетикаси ва грамматикасини чуқур тадқиқ этишдаги аҳамияти, албатта, беқиёс.

Маҳмуд Кошғарийнинг морфологик қараши, туркий тил морфологик тизимини тадқиқ этишга оид талқини ҳам ўзига хос бўлган. Тўғри, у ҳам қадимги тилшунослик анъанасига кўра, айниқса, грек ва араб тилшунослиги таъсирида сўзни уч гуруҳга ажратади:

- а) исм;
- б) феъл;
- в) ёрдамчи сўз (ҳарф) каби.

М.Кошғарий ёрдамчи сўз атамаси ўрнида ҳарф терминини ишлатган. (Умуман, тилшунослик тарихида ҳарф термини боғловчи, кўмакчи, юклама каби тушунча ўрнида ҳам, шунингдек, кўп ҳолда товуш билан ҳарф жиддий фарқлангунга қадар – товуш ўрнида ҳам ишлатилганлиги кузатилади.) Олим, айниқса, феъл туркумига оид сўз талқин ва таҳлилига катта эътибор қаратган. Феълнинг замон, нисбат, шахс-сон ва бошқа грамматик категорияси ҳақида атрофлича маълумот беради. Феълнинг ўтган, ҳозирги, келаси замон шакли, ҳаракат номи шаклининг (масдар) от туркумига – исмга ўхшаши ҳақида батафсил маълумот бериб, феъл майли ҳақида гапирганда эса энг тўғри фикрни, айниқса, феълнинг буйруқ майли

шаклига қаратади: *ур, бур, кел, бар* каби. Олим *-гил* ва *-қил, -гил, -кил* каби аффиксни ҳам буйруқ майлини ифодаловчи шакл каби қараган, албатта, бу билан қўшилиб бўлмайди. Чунки бу қўшимчанинг буйруқ-истакни ифодалашда ҳеч ўрни йўқ, балки буйруқ-истакка муносабат маъносини ифодалайди, холос.

Маҳмуд Кошғарий сон категориясига – бирликнинг ифодаланиши, унга хос хусусиятга алоҳида эътибор қаратади. Ўша даврдаёқ ўзидан ташқари, бошқа шахсга нисбатан ҳурматни ифодалаш учун *-и(нг), -и(инглар), -и(ингиз)* каби шаклдан фойдаланганлиги ва бу каби шаклнинг шевааро фарқлашини ҳам айтиб ўтади¹.

М.Кошғарий феълнинг бўлишли-бўлишсизлик шакли ҳақида ҳам анча кенг маълумот беради. Унинг отдаги грамматик шакл – категория ҳақидаги, феъл категорияси бўйича қараши ҳозирги кун қарашининг шаклланишига, такомиллашувига пойдевор бўлган. Маҳмуд Кошғарийнинг морфологияга оид талқини ҳозирги ўзбек тилшунослигидаги морфологик қарашни тўлдиради, тилшунослик тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Хоразмда таваллуд топган Маҳмуд Замахшарий тилшуносликка оид бир неча асар ёзган². Шунингдек, грамматикага оид асари ҳам талайгина. Бироқ бу асарлари асосан араб тилининг грамматик хусусиятини ўрганишга бағишланган. Хусусан, унинг «Ал-муфассал» асари араб тили морфологияси ва синтаксисини ўрганишга бағишланган. Олимнинг «Муқаддимат-ул адаб» китоби аслида «Адабиётга кириш» тарзида ёзилган бўлса-да, унинг тилшунослик учун ҳам аҳамияти катта. Бу асарнинг мўғул ва ўзбек тилига бағишланган қисми ҳам мавжуд бўлган. «Муқаддимат-ул адаб» беш қисмдан иборат бўлиб, от, феъл, боғловчи, от ўзгариши, феъл ўзгариши тарзида тузилган. Ўша даврдаёқ Замахшарий исмни мавзуий гуруҳга ажратиб беради. Феълни эса ўзак таркибига кўра гуруҳга ажратишни маъкул кўради.

«Муқаддимат-ул адаб» ҳам асосан араб тилини ўрганиш бўйича яратилганлиги сабабли туркий тилнинг морфологик жиҳати унда кенг

¹ Кошғарий М. Девони луғотит турк. 48–52- б.

² Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшуносилиги тарихи. –Т.: Камолот, 2006. Ўринбоев Б., Курбонов Т. Ўзбек тилшуносилиги тарихи. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2006.

тадқиқ этилган. Шунга қарамай, умуман морфологияни ўрганишда унинг ўрни беқиёс. Чунки исм, феъл, боғловчи, айниқса, исм ўзгариши ҳамда феъл ўзгариши ҳақидаги Замахшарий қараши қимматли. Исмнинг тилшунослик тарихида мавзуий гуруҳга ажратилиши, феълнинг ўзак таркибига кўра гуруҳланиши илк бор жиддий амалга оширилганлиги фикримизни тасдиқлайди. Унинг араб тили грамматикасига доир «Ал-муфассал» асари («Флекция санъати ҳақида муфассал китоб») асари олимлар томонидан жуда юқори баҳоланган. Замахшарийнинг «Самийм ул-арабия» («Араб тилининг негизи»), «Ал-муфрад ва-л муаллиф фи-наҳви» («Грамматикада бирлик ва кўплик») каби асари бевосита морфология соҳасига бағишланганлиги билан ажралиб туради. Бу асарни жиддий ўрганиш шу куннинг долзарб муаммосидан бўлиб, унинг тадқиқи Замахшарийнинг морфологик қарабини янада бойитади, тўлдиради.

Тилшунослик тарихида олимлар тилнинг морфологик жиҳатини ўрганиш билан VIII–XV асрда ҳам кенг шуғулланганлиги маълум. Жумладан, Абу Бакр Саккокийнинг «Мифтоҳ ул-улум» асарининг айрим қисми морфология ва синтаксисни ўрганишга бағишланган¹.

Абу Ҳайён ал-Андалусийнинг «Китоб ал-идрок-ли-лисокал-атроқ» асаридаги айрим қисм ҳам туркий (қипчоқ) тили морфологиясини ёритишга бағишланган.²

Туркий тил морфологиясига доир қараш Жамолиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ Туркийнинг бизгача етиб келган биргина «Китоб бўлғат ал-муштоқ фи луғотит-турк ва-л-қипчоқ» («Турк ва қипчоқ тилига муштоқни қизиқтирувчи китоб») асарида кузатилади. Айниқса, бу асарнинг учинчи, тўртинчи боби равиш, олмош, кўмакчи, от, феъл, унинг замон, майл, ноаниқ шаклини ўрганишга бағишланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

XIV асрда муаллифи номаълум бўлган яна иккита асар мавжуд бўлиб, бундан биринчиси «Таржумон» («Китоб-и-мажму-таржумон турки ва ажами ва муғали») луғати. Бу луғат 76 саҳифадан иборат. Асар кириш

¹ Ўринбоев Б., Қурбонов Т. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. –Б. 52–62.

² Ўринбоев Б., Қурбонов Т. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. –Б. 57.

ҳамда тўртта алоҳида-алоҳида қисмдан ташкил топган. 26 фаслдан иборат биринчи қисм исмга бағишланган бўлса, иккинчи қисм феъл майли ва ҳаракат номи масаласига, учинчи боби (қисми) турланиш ва тусланишга, тўртинчи қисми эса сўзнинг ишлатилишига бағишланган. Бу китобнинг олдинги уч қисми бевосита туркий тил морфологиясининг таянч масаласига бағишланган.

Туркий тилда ҳаракат номининг *-моқ* аффикси воситасида исталган феълдан (буйруқ майлидаги ўзақдан иборат ёки *-гил* кўшимчасини олган феълдан) ясалишини, шунингдек, бу тилда жинс ифодаланмаслиги, яъни жинс категориясининг йўқлиги масаласи анча батафсил изоҳланган. Турланиш ва тусланишга алоҳида эътибор қаратилганлиги муҳим. Сўзни махсус маъновий (мавзуий) гуруҳга ажратиш масаласига ҳам бу китобда диққат қилинганлиги кузатилади.

Муаллифи номаълум бўлган тилшуносликка оид, айниқса, туркий тилни жиддий ўрганишга бағишланган асардан иккинчиси «Ат-туҳфа» («Китоб ат-туҳфа аз-закияту фил-луғат ат-туркия» - «Туркий тил ҳақида ноёб туҳфа») китоби.

Асарнинг биргина кўлёзма нусхаси Валиуддин Афанди кутубхонасида (Истамбул) сақланади. Бу ёдгорлик 20- йилда турк олими Фуат Купрулзода томонидан эълон қилинган бўлса, кейинчалик поляк олими А.Зайончковский, венгер олими Х.Куун, турк олими Басим Аталай каби олим бу асар бўйича илмий тадқиқот иши олиб борганлиги маълум.

С.Муталлибов 1968 йилда бу асарни ўзбек тилига таржима қилди ва нашрдан чиқарди. Э.Фозилов ҳамда М.Зияев асарни жиддий шарҳ билан рус тилига таржима қилди. Китоб «Изысканный дар тюркскому языку» номи билан Тошкентда «Фан» нашриётида, 1978 йили нашр этилди. Таржима кириш, лексик-грамматик очерк, матн, глоссарий, грамматик кўрсаткич қисмидан иборат бўлиб, академик А.Н.Кононов муҳаррирлигида нашр қилинган. Унинг умумий ҳажми 450 саҳифани ташкил этади.

Муҳаррирнинг китобни шу тарзда тайёрлаш, нашр қилишнинг машаққатли, аммо ниҳоятда аҳамиятли эканлиги ҳақидаги фикри, шунингдек, П.М.Мелиоранский каби олимнинг ўрта аср Шарқ

филологларининг тилшунослик соҳасидаги жиддий ютуғига берган баҳои китобнинг нақадар шуҳрат топганлигини тасдиқлайди.

Бу асарнинг «Лексик-грамматик очерк» қисмида «Ат-туҳфа» асари муаллифининг морфологик қараши баён қилинади. Унда исм (от туркуми) алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилган. Отдаги барча грамматик категория ўша давр нуқтаи назаридан жуда мукаммал ёритиб берилган. Муаллиф, аввало, грамматик шаклни ҳам шу тарзда, яъни аниқ характерлаб беради. Жумладан, кўпгина шахс отининг аслида турдош отнинг атоқли отга кўчиши асосида юзага келганлигини кўрсатади: *арслон, лочин* (41- бет). Шунингдек, отнинг асосий қисмини турдош от ташкил этиши, туркий тилда жинс категориясини (биологик жинс) ажратиш мумкинлигини (уни фақат грамматик жинс сифатида қаралмаслиги кузатилади) кўрсатади: *ота, қардош, оқуз* (хўкиз), *айғир* (эркак от), *басрак* (нортуя), *йигит; она, тул* (бева), *қиз, қисрак* (ғунажин), *инак* (сигир) каби.

Диққатга сазовор ўрни шундаки, отдаги аниқлик ва ноаниқлик категорияси ҳам ажртилади. Бунда ҳам муаллиф луғавий бирликнинг нутқда маъно ифодалаш хусусиятига асосланади. Жумладан, сўз алоҳида ҳолда қўлланганда (нутқдан ташқарида олинганда) нарса-ҳодиса ҳақидаги умумий тушунчани ифодалаш кўрсатилса, ўша сўз нутқда ишлатилганда, битта нарсани, яъни аниқ бир нарсани ифодалаш ёритилади: одам – умуман, дунёдаги ҳамма шундай мавжуд; бу одам ёки мен (сен ҳам) битта шахс, муайян одам. Бундай ажратиш Абу Ҳайённинг «Китоб ал-идрок-ли-лисонал-атроқ» асарида ҳам кузатилади. Кўринадики, ҳар иккала муаллиф ҳам, агар синчиклаб қаралса, лисон ва нутқни фарқлаган ва ҳодисага ана шу жиҳатдан келиб чиқиб баҳо берган.

«Ат-туҳфа»да аниқлик кўрсатиш ва кишилиқ олмошининг айрими билан, сон билан, эгалиқ қўшимчаси орқали, атоқли от, *-даги* аффикси ёрдамида (луғавий ифодланиш ҳам кўзда тутилган: атоқли от, кишилиқ ва кўрсатиш олмоши) ифодаланишини ёритиб беради. Албатта, бу ҳолат ҳозирги кун тилшунослигида ҳам жиддий тадқиқ этишни талаб қиладиган муҳим масала доирасига киради. Муаллифнинг синтактик қуршовда қатнашмаган ва қатнашган луғавий бирликни ажратиши ва унга ўзига хос

тарзда баҳо бериши шарқда – араб ва туркий тилшуносликда, ҳақиқатан ҳам, лисон ва нутқ ҳодисаси фарқланганлигини кўрсатади.

«Ат-тухфа» асрининг муаллифи отдаги сон категориясига алоҳида эътибор қаратади. Отдаги жамлик, кўплик ва бирликнинг ифодаланиши асарда батафсил ёритилган. Худди шу каби эгалик категорияси, келишиқ тизими (категорияси) ҳам кенг тарзда ёритилади. Муаллифнинг бу грамматик категория бўйича қараши ҳозирги ўзбек тилшунослигидаги шу категория бўйича қарашдан жиддий фарқ қилмайди, дейиш мумкин.

Феълнинг тусланиши уч замон шаклида (ўтган, ҳозирги ва келаси замон) ҳамда уч шахс шакли асосида амалга оширилади, деяр экан, муаллиф ҳозирги кун тилшунослигида шахс-сон категориясини замон категорияси билан биргаликда, уни тўла ажратмай туриб қараш лозимлиги ҳақида айтилаётган фикрни ўша пайтдаёқ таъкидлаган дейиш мумкин.

Сифат, сон, олмош, феъл категорияси ҳақидаги, унинг ясалиши, барча шакли борасидаги қараши, юкламага оид фикрининг ҳаммаси ўзбек тили морфологияси бўйича «Ат-тухфа» асари муаллифининг жиддий талқинини кўрсатади. Бу китобда ўзбек тили морфологияси жуда жиддий тарзда тадқиқ этилган. Муаллифнинг морфология соҳасидаги қараши, ҳозирги ўзбек тилшунослигидаги морфологияга оид назарий билимни бойитади, дейиш мумкин.

Хуллас, ўзбек тили морфологиясининг тилшунослик тарихила чуқур ўрганилиши, талқини ҳақида гапирганда, айниқса, «Ат-тухфа» асарига батафсил тўхталмаслик мумкин эмас. Чунки, морфологик кузатиш бу китобдаги тарзда, бошқа манбада кенг ва асосли ҳолда маълумот бермаган. Асарда ҳар бир грамматик шаклнинг турли хил маъно қиррасига эга эканлиги, турли хил вазифа бажариши каби кўп ҳолат тўла ўз ифодасини топган.

Алишер Навоийнинг морфологик қараши унинг «Муҳокамат ул луғатайн» асарида қисман ўз ифодасини топган дейиш мумкин. Алишер Навоий турк (ўзбек) тилининг шуҳратини оламга ёйиш билан бирга, умуман, тилшуносликнинг энг муҳим масаласига нисбатан ўз фикрини ҳам айтиб ўтган, ўз муносабатини билдирган.

Алишер Навоийнинг морфологик қараши унинг куйидаги фикрида, талқинида ўз ифодасини топган:

а) бор сўзни уч туркумга ажратади: феъл, исм ва ҳаракат (ёрдамчи). Бунда Навоийнинг феълга алоҳида эътибор қаратгани анча муҳим;

б) феълнинг биргалик нисбатдаги шаклига алоҳида эътибор беради (орттирма нисбат ясовчи *-т* қўшимчасига диққат қилади);

в) мазмуний синтаксис бўйича илк маълумот берган.

Кўринадики, Алишер Навоий ўз даврида тилшуносликнинг бошқа сатҳига тўхталиш билан бирга, морфологик сатҳга оид ўз талқинини беради. Ўзбек тили морфологиясига доир ўз қарашини баён қилади.

Ўзбек тилшунослигида морфологияга оид тадқиқот ўрта асрда ҳам у ёки бу тарзда олиб борилди. Маълумки, ўрта асрда тилшунос кўпроқ луғатчилик билан шуғулланган. Бироқ луғат тузиш мураккаблиги ўз-ўзидан сўзнинг морфологик шаклини ҳам билишни, уни ҳисобга олишни тақозо этади. Жумладан, рус тилшунослигида сўзни уяга бирлаштириш асосида луғат тузиш 20 асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлса, ўзбек тилшунослигида бундай луғат тузишга XIV асрда асос солинган. Яъни «Санглох», «Бадойи ул-луғат» даги луғат Мақ.асида феъл асосан *-мак*, *-ма* шаклида бўлса, от асосан бош келишиқ, бирлик шаклида берилган. Феъл ва от ўзакдан ҳосил қилнган бошқа шакл шу шакл доирасида бир сўзга бирлаштириб изоҳланганлиги маълум. Ёки Алоий бинни Муҳибийнинг «Абушқа» луғатида ҳар хил грамматик шаклдаги сўз алфавит тартибида бериб борилганлиги кузатилади: *ашмак, ашурмак, ашамак, ашатмак, ашукмак, ашук тўрмак, ашламак, ашланмак, ашинмак, ашиндирмак; икав, икагу, иковла, икаламиз; бўлгача, бўлгуча, бўлгунча; тўрта, тўртала, тўртовла, тўрталаси* каби¹.

Морфологияга оид талқин анча мукамал ўз ифодасини топган луғат-асардан бири Муҳаммад Якуб Чингийнинг «Келурнома» асари. Луғатнинг айрим алоҳида бобида феълнинг турли хил шакли берилган ва у бир уяга бирлаштирилган. Бу асарнинг 15- бобида ҳар бир сўзнинг бош шакли, масалан, феълнинг ноаниқ шакли (*ўқимоқ*), отнинг эса бош келишиқ, бирлик шакли (*уруғ, тош*) каби берилади ва изоҳланади. Муҳими шундаки, отнинг бош келишиқдаги ҳолати ва ёрдамчи сўз бир неча мавзуй гуруҳга ажартиб берилади. Бундан шунга амин бўлиш мумкинки,

¹ Ал луғатун-Навоия ва ал истиш хофтул-чиғатойя. 66, 154, 206- б.

Ўзбек тилшунослигида «майдон назарияси» масаласи, тил луғат тизимини система сифатида талқин қилиш масаласига ўша даврдаёқ ўзбек тилшунослигида асос солинган.

1760 йилда тузилган «Санглоҳ» (Мирзо Меҳдихон – Низом-ал-дин Муҳаммад Ҳоди ал-Ҳусайни ас-Сафавий томонидан тузилган) луғатининг «Мабони ул-луғат» деб аталган грамматикага оид қисми олти бўлимни ўз ичига олади. Грамматика қисмининг ҳар бир бобида феълнинг барча шаклига эътибор қаратилади: масдар шаклида унинг нисбат кўриниши, ўтган замон шакли, майл, бўлишли-бўлишсизлик каби шакли изоҳланади.

Мана шу луғатда феъл шакли ҳосил қилувчи аффикснинг фонетик варианты ҳамда қўлланиш хусусияти ҳам берилган. Шунингдек, аффикс рўйхати, унинг форс ва ўзбек тилида қўлланиш хусусияти, шевага муносабати, кўшимча қўшилганда бўладиган ўзгариш масаласига ҳам эътибор қаратилганлиги бу асарнинг ўзбек тили морфологиясини ўрганишдаги аҳамиятини белгилаб беради.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошида яратилган ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотларда морфологияга оид талқинга анча жиддий эътибор берилганлиги кузатилади.

XX асрнинг бошида ҳам тилшунослик борасида анча жиддий иш қилинганлиги маълум. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний каби зиёлининг тилшунослик тараққиётига қўшган ҳиссаси ўзига хос. Бироқ бу олимлар ўзбек тили морфологиясини тадқиқ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эди. Ашурали Зоҳирийнинг тилшуносликка доир айрим ишида морфологияга оид баъзи фикр йўл-йўлакай бериб ўтилган бўлса ҳам, бевосита морфология сатҳи тадқиқ этилмаган.

XX аср бошида ўзбек тили морфологиясини бевосита тадқиқ қилишни машҳур олим Абдурауф Фитрат ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У ўзбек тили грамматикасини яхлит, яъни морфология, сўз ясалиши ва синтаксисни ўзаро зич боғланган сатҳ тарзида тадқиқ қилди. Фитрат ўзбек тилшунослигининг ўша давр учун энг долзарб бўлган масаласига жиддий эътибор қаратди, унга ўз муносабатини билдирди. Унинг «Иштирокиюн» газетасида (1960 йилда «Ёшлик» журналида ҳам нашр қилинган) нашр қилинган «Ўзбек тили» Мақасининг ўзи ҳам бунга асос бўла олади. Олимнинг «Ўзбек тили қондаси тўғрисида бир тажриба», «Сарф» асарида

Ўзбек тилининг фонетик тизими чуқур таҳлил қилинган. Фитратнинг соф морфологик қараши унинг «Сарф» (Морфология) асарида ўз ифодасини топган.

Фитратнинг сўзга жиддий эътибор берганлиги, айниқса, сўзга ҳам, аввало, маъно англатиш нуқтаи назаридан ёндашганлиги биринчи ўринга мазмунни қўйганлиги, яъни маънодан шаклга қараб борганлиги муҳим. Олим аввало сўзга таъриф беради: «Сўз бир маънони билдирган (бу ўринда маълум бир тушунчани ифодалаган деган мазмун англашилади – Ё.Т.), ўзига махсус оҳанги ва босими бўлган товуш тўдасидир» деган фикр билдиради.

Сўзни англатадиган маъносини асос қилиб олган ҳолда туркумга ажратади: от, сифат, сон, феъл, олмош, кўмакчи каби. От туркумига тўхталар экан, у мавҳум, яъни кўзга кўринмас отнинг ҳам мавжудлигига эътибор қаратади. Фитрат отни туб ва ясама отга ажратади. Системага амал қилган ҳолда ясама отнинг ўзини ўрин оти, қурол оти, иш оти каби турга ажратади. Хуллас, нинг барча, энг муҳим ўзига хос хусусиятига тўхталиб ўтади. Унинг от ҳақидаги қараши бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Абдурауф Фитрат шу тариқа ўзи белгилаган (бунда у кўпроқ Европа тилшунослигидаги қарашга таянган эди) барча сўз туркумига алоҳида-алоҳида тўхталиб, унинг ўзига хос жиҳатини ёритиб беради. Жумладан, сифат, олмош, сон, феъл, кўмакчининг деярли барча хусусиятини имкон доирасида, ўша даврдаги ҳолатига кўра баҳолайди тадқиқ қилади.

Айниқса, олимнинг феъл туркумига оид қараши катта аҳамиятга эга. Унинг «Ҳар бир феъл бир иш билан унинг ишловчиси ҳамда бир замонни билдиради» тарзида айтилган фикр жуда муҳим. Олим феълнинг замон грамматик категориясига, шахс-сон категориясига, шунингдек, бўлишли-бўлишсизлик, ўтимли-ўтимсизлик, нисбат каби категориясига нисбатан ўз қарашини баён қилди. Шунингдек, яна унинг эътиборидан кўмакчи феъл ва тўлиқсиз феъл ҳам четда қолмади.

Албатта, Фитратнинг грамматикага оид талқинини тўла ҳис этиш, ундан хабардор бўлиш учун юқорида айтилган фикрнинг ўзи етарли эмас. Шунинг учун ҳам унинг мавжуд асарини синчиклаб ўрганиш зарурати бор. Чунки олимнинг сифат, олмош, кўмакчи ҳақидаги ҳамда синтактик

қараши ҳам ўзига хос бўлиб, унда ўзбек тилшунослигининг кўп асрлик ривожини, шунингдек, Европа тилшунослигининг ютуғини ҳисобга олинган.

Кўринадиким, ўзбек тилшунослиги тарихида морфологияни бевосита тадқиқ қилиш, бу соҳага оид алоҳида китоб яратиш XX асрнинг бошларига тўғри келади. Абдурауф Фитрат бу ишни ўз амалга оширган. Ўзбек тили морфологиясини жиддий ўрганишни бироз кейинроқ бўлса-да, Абдурауф Фитрат бошлаб берган дейиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида морфологияни эмас, умуман барча сатҳни Европа тилшунослигига таянган ҳолда тадқиқ этишни бошлаб берган олимдан бири ҳам, асосийси ҳам Абдурауф Фитрат эди.

Ўзбек тилшунослиги, маълумки, XX асрнинг 40- йилларидан бошлаб жиддий ривожланиш палласига кирди. Бу ривожланишни таъминлаш учун олдинроқ яратилган луғат, XX аср бошида тилшунослик соҳасида қилинган иш қаторида, албатта, А.К.Боровков ҳамда Е.Д.Поливановнинг иши ҳам алоҳида аҳамият касб этганлиги маълум, Жумладан, Е.Д.Поливановнинг «Ўзбек тилининг қисқача грамматикаси» асари (–Т., 1925) ҳозиргача ўз қимматини йўқотган эмас. Бу грамматиканинг иккинчи қисми бевосита ўзбек тилининг морфологиясини тадқиқ қилишга алоқадор. Олим ўзбек тилида аффикснинг кўпчилиги аслида маълум сўзнинг қисқаришидан ҳосил бўлганлиги ғоясини биринчи бўлиб илгари сурган эди. Масалан, ҳозирги кунда кенг истеъмолда бўлган *-да* аффикси аслида *тур* (*турмоқ*) феълнинг қисқарган шакли эканлигини айтади. Шунингдек, *берамиз* феъл шаклининг аслида ҳозирги келаси замон шакли эканлигини таъкидлайди. Ўзбек тилидаги *берар эдим* феъл шаклини «ўтган келаси замон» шакли деб аташни маъқул кўрди.

Берай, берайлик тарзидаги феъл шаклини буйруқ майли шакли эмас, балки истак майли шакли тарзида талқин қилди. Яъни нозик маъно фарқини ҳисобга олган ҳолда, буйруқ ва истак майлини алоҳида шакл сифатида ажратиш лозимлигини кўрсатиб берди. Ўзбек тилидаги ҳаракат номи шаклини ҳосил қилувчи *-и* (*-иш*) аффиксининг аслида *иш* лексемасидан келиб чиққанлиги ғоясини илгари сурди. Шу тарзда *-чоқ* (*-чоғ*), *-а* (*-ажак*) каби аффикснинг келиб чиқишига оид ўз фикрини ҳам айтиб ўтди.

Ана шу даврда Мунаввар Қори Абдурашидов, Шорасул Зуннун каби зиёли билан ҳамкорлик қилган Қаюм Рамазон машҳур «Тил сабоқлари» дарслигининг сўз таркиби, морфология бўлимини ёзди. Унинг «Ўзбек тили» китоби ўзбек тили сўз тузилиши ва морфологиясига бағишланган эди. Мана шу асар ўзбек адабий тилининг кейинги давр ривожини таъминлади, тилшунослик соҳаси тараққиётига таъсир кўрсатди дейиш мумкин.

XX аср 40- йиллари тилшунослигида Фаҳри Камоловнинг ўз ўрни бор. XX асрнинг 30- йилларида ўз тилшунослик фаолиятини бошлаган Ф.Камолов А.Ғуломов ва Ҳ.Ғозиев билан ҳамкорликда «Грамматика ва орфография», «Ўзбек тили дарслиги» ҳамда бошқа асарини яратди. Ана шундай ишнинг якуни сифатида 1957 йилда унинг «Ҳозирги замон ўзбек тили» китоби (дарслик) юзага келди. Бу китоб бевосита Ф.Камоловнинг таҳрири остида нашр қилинган бўлиб, олий мактаб учун яратилган биринчи асосий дарслик вазифасини ўтади. Китоб “Сўзбоши”, “Кириш” қисмидан ташқари яна икки катта бўлимни ўз ичига олади. Биринчи бўлим «Лексикология, фонетика ва орфография, графика ва орфография» деб бошланган бўлса (48–290- бет), иккинчи бўлим «Морфология» деб номланган (291–317- бет). Дарсликнинг «Морфологияга кириш», «Феъл» қисмини Аюб Ғуломов ёзган. «От ва сифат» қисмини З.Маърупов, «Сон» қисмини Х.Комилова (олмош ҳам), «Сифатдош» қисмини Р.Н.Жуманиёзов, «Рашишдош» қисмини М.Асқарова, «Рашиш» қисмини С.Ғузаилов, «Юклама», «Кўмакчи», «Боғловчи» қисмини С.Усмонов ёзган.

Ҳақиқатан ҳам, ўзбек адабий тили морфологиясини илмий асосда изчил ўрганиш, шунингдек, система тарзида жиддий тадқиқ этиш ана шу даврдан бошланди дейиш мумкин. Чунки бу асарда ўзбек тилидаги сўз туркуми, унинг барча морфологик хусусияти ҳам олдинги шарқ тилшунослигидаги талқинни ҳам, кейинги давр Европа тилшунослигида «Морфология» бўйича айтилган барча фикр, қарашни ҳам ҳисобга олган ҳолда талқин қилинди. Жумладан, «Морфология» куйидаги қисмдан ташкил топган яхлит тизим тарзида ўрганилди: «Морфологияга кириш», «Сўз ва унинг хусусияти», «Сўзнинг состави», «Сўз ясалиши» (кўринадик, «Сўз ясалиши» рус тилшунослигида 1970- йилларда алоҳида

бўлим сифатида ажратилган бўлса, ўзбек тилшунослигида 50- йиллардаёқ алоҳида қайд этилган), «Сўз туркуми», “От”... каби.

Ана шу давр тилшунослигидаёқ аниқ ҳолда тилнинг система характери, аниқ, идрок этиладиган даражада баён қилинганлигини кўрамиз: «Демак, сўз фикр баён қилишда энг асосий вазифани бажаради; фикрни гап ифода қилади, гап эса, сўздан тузилади...гап билан сўз бир-бири билан зич боғланган бўлиб, бунинг орасида диалектик бирлик бор...Ҳар бир сўзнинг икки томони бор: ички томони ва ташқи томони. Биринчиси – сўзнинг маъноси, иккинчиси сўзнинг товуш томони...

Ҳар бир сўз шу икки томоннинг бирлигидан иборат. Демак, сўз – нутқнинг мустақил бўлаги, у маъно ва шаклланиш жиҳатдан бир бутунликка эга. Сўз семантик ва грамматик бутунликдан иборат... Сўз лексикологиянинг ҳам, грамматик ҳам объектидир... Лекин бу икки хил текшириш бир-биридан маълум хусусияти билан ажралиб туради: лексикология сўзининг маъносини, бу маънонинг тараққий этиши йўлини..., грамматика эса сўзнинг структурасини, таркибини, морфемасини, сўзнинг туркумга бўлинишини, сўзнинг боғланишини текширади. Бу икки хил текшириш бир-бири билан боғлиқдир...

Морфология сўзнинг нутқда ўзгариш қоидасини белгилайди. Морфологияда сўз формасини ҳосил қилиш қоидаси ва сўз яшаш қоидаси ўрганилади; шунингдек, морфология сўзнинг маълум белгилар асосида гуруппага – туркумга бўлинишини ҳам текширади... Морфология билан синтаксис грамматиканинг ўзаро боғланган, тенг ҳуқуқли, мустақил қисмидир...” (285-,286- бет).

Юқорида баён қилинган ҳар бир фикр жиддий идрок қилинса, XXI аср тилшунослигида комплекс ўрганилаётган ҳодиса унда маълум даражада ўз ифодасини топганлиги маълум бўлади. Жумладан, асар муаллифлари тил сатҳи бир-бири билан ўзаро диалектик боғлиқ эканлиги ва шунга кўра у системани ташкил этишини инкор қилишмайди.

Сўзнинг туб ва ясама бўлиши, сўз таркибида ўзак морфема (ўзак) ва аффикс морфема бўлиши (эргаш морфема, аффикс) унинг ўзига хос деярли барча хусусияти, негиз, ўзак ва негиз муносабати, сўз ва ўзак муносабати, тилнинг сўз яшаш тизими, ясама сўзнинг маъноси, ясовчи морфема – ҳозирги кундаги талқинда ясовчи асос, ясовчи унсур, шакл

ясаши ҳақидаги фикр чуқур идрок этилса, ҳозирги кундаги талқиндан жиддий фарқ қилмайди. Сўз яшаш усули, содда ва қўшма сўз, жуфт ва такрорий сўз, унинг юзага келиши сабаби, кўриниши, қисқатма, жуфт сўзнинг жойлашиш тартиби, якка ва йирик соннинг бирикиши каби ҳолат ҳақидаги қараш ҳам ҳозирги кунда ўз қимматини йўқотган эмас. Ушбу китобда сўз туркумига характеристика берилар экан, қуйидагини кузатамиз: «Сўз маъносига ва грамматик хусусиятига – морфологик хусусиятига ва синтактик ролига қараб бир қанча тўдага бўлинади. Сўзнинг бу тўдаси сўз туркуми саналади (масалан: , феъл, равиш ва шу каби)... Ҳар бир сўз семантик ва грамматик (морфологик, синтактик) хусусияти билан гапнинг маълум бир бўлаги вазифасида келишга мос бўлади; ҳар бир бўлак учун типик сўз - семантик ва грамматик хусусияти билан шу бўлакка жуда мос келадиган сўз бор» (Бу жумла жуда жиддий эътибор беришни талаб қилади, чунки тамомила эмас, балки жуда мос келади, дейилган, демак, бошқа вазифани ҳам бажаришга имконият қолади, демоқчи, шунингдек, бошқа жиҳат ҳам назарда тутилган – Ё.Т.). Масалан, кесим учун типик сўз – феъл, аниқловчи учун типик сўз – сифат» (303- бет). Бу фикрни инкор этиш мумкин эмас. У ўзбек тилшунослигининг тезиси сифатида ҳануз амал қилмоқда. Тилга қайси йўналишда ёндашмайлик, охир-оқибат ушбу масалада мазкур талқинга яқин фикрдан бошқа нарсани бериш мумкин эмас. Берилган фикр, талқин уни инкор эта олаётгани йўқ, аксинча тўлдирмоқда, ривожлантирмоқда. Ушбу «Ҳозирги замон ўзбек тили» (1957 й.) китобида сўз дастлаб мустақил сўз, ёрдамчи сўз, модал сўз, ундов ва мимемага ажратилади. Мустақил сўзга от, сифат, сон, олмош, феъл ва равиш киритилган; ёрдамчи сўз сифатида кўмакчи, боғловчи ва юклама қайд этилади. Модал сўз алоҳида сўз туркуми тарзида берилган. У тўғридан-тўғри модал сўз-гап тарзида эмас, балки, аввало, сўз сифатида қайд этилган. Сўнгра унинг гапдаги вазифаси, яъни кириш бирлик, гап бўлиб келиши каби бошқа ҳолат сифатида алоҳида баҳоланган. Демак, модал ва ундов сўзни аввал сўз сифатида қайд этиш, кейин унинг вазифасини белгилаш 50-йиллар тилшунослигига хос.

Бу давр тилшунослигида ундов сўз билан мимема биргаликда бир туркум сифатида талқин қилинган: ундов ва мимема каби. Чунки рус

тилшунослигида у бир туркум – междометия деб аталган. Албатта, бу ўша давр тилшунослиги талабига мос эди. Ҳозирги кунда тақлид (мимема) мустақил сўз туркуми доирасида қаралмоқда. Ўзбек тилининг ички табиати ҳодисани шундай баҳолашни тақозо қилади. Зеро, ўзбек тилшунослигида 60- йиллардаёқ тасвирий сўз (ҳаракат-ҳолатга тақлид сўз) ва тақлидий сўз (товушга тақлид сўз) алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилган.

Умуман, бу даврга келиб, сўзни мустақил сўз туркуми, ёрдамчи сўз туркуми ва алоҳида сўз туркуми (мустақил сўз туркуми доирасига ҳам ва ёрдамчи сўз тўдасига ҳам кирмайдиган алоҳида бир тўдани ташкил этувчи сўз) тарзида таснифлаш амалга оширилди. Бу талқин XX аср бошида ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Бунда тақлидга муносабат ҳам ўзига хос. Бугунги кунда тақлиднинг мустақил сўзлик хусусиятини жиддий илмий асослаш лозим. Тақлиддан от ва феъл каби сўзнинг янги бир қисмини яшаш мумкин. Шунингдек, у баъзан отлашган ҳолда, баъзан отлашмай туриб ҳам гап бўлаги вазифасида кела олади. Бироқ ана шунинг ўзигина уни мустақил сўз қаторига қўшиш учун ҳали етарли эмасга ўхшайди. Албатта, тақлиднинг от ўрнида қўлланиши бор нарса. Бироқ от ўрнида қўлланиш бошқа ҳодиса-ю, мустақил тушунча ифодалаш ёки мустақил тушунчага ишора бериш бошқа ҳодиса. Тақлидда бу хусусият жуда мавҳум ва ғайриоддий. Бу жиҳатдан у олмошга ўхшайди. Жумладан, у олмошидан умуман олганда мавҳум шахс ёки нарса тушунчаси сезилади, *илтонг-билтонг* ёки *тақ-тақ* сўзида ҳам шундай ҳолат кузатилади. Шунга қарамай, бу ҳолат қандай баҳоланмасин, ҳар ҳолда ўзбек тилида алоҳида тақлид сўз мавжуд эканлиги, у ундовдан фарқ қиладиган сўз сифатида ажратилиши муҳим. Демак, тақлид алоҳида сўз туркуми. Худди шу каби ундов ҳам, модал сўз ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, нутқда турли хил вазифада қўлланиши мумкин. Модал сўз муносабат билдирувчи кириш сўз вазифасида ҳамда гап бўлиб келиши мумкин; ундов сўз ҳам муносабат билдирувчи, ҳис ҳаяжонни ифодаловчи ва гап (сўз-гап) бўлиб келиши мумкин. Бу бугунги кунда модал ва ундовни яхлит ҳолда сўз-гап дейишга асос бўлди.

Демак, XX аср ўртасидан ҳозирги ўзбек адабий тили морфологияси янада жиддий тадқиқ этила бошланганлиги кузатилади. Бу борада

қилинган ҳамма ишни санаб ўтиш имконияти бор бўлишига қарамай, бундан чекланамиз. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек тилшунослиги жиддий ривожланиш палласига кирди. Бунда, албатта, рус тилшунослиги (кўпроқ Европа ҳамда Америка тилшунослиги) ютуғи алоҳида таъсир кўрсатганлигини инкор этиб бўлмайди. Ана шу тилшунослик таъсирида ўзбек тили морфологиясини талқин қилиш иши олимлар томонидан бошлаб юборилди. Дастлаб ўтган асрнинг 40-йилларида Улуғ Турсунов «Ўзбек тилида сўз туркумларининг ясалиши» мавзусида номзодлик диссертациясини ёзди. Аслида бу олим морфологияга оид қарашини 30-йилларда бошлаган эди. Унинг «Ўзбекчада феълнинг ясалиши (1930), «Ўзбек тилида сўнг кўмакчи», «Ўзбек тилида феъл даражалари», «Ўзбек тилида баъзи равишдош формаларининг хусусияти» каби тадқиқоти бевосита ўзбек тили морфологияси талқинига бағишланган. Бу ишда олим ўзбек тили морфологиясининг энг долзарб муаммосини тадқиқ этишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Олим «даража» терминини феъл нисбати шаклига нисбатан қўллаган. Шунингдек, ўзбек тилининг кўмакчи борасидаги ўзига хос жиҳатини янада бўрттириброк, таъкидлаброк кўрсатиш мақсадида уни «сўнг кўмакчи» тарзида талқин этади. Бундаги нозик жиҳат шуки, рус тилида олд кўмакчи бор бўлиб, ўзбек тили бу жиҳатдан у тилдан жиддий фарқ қилади. Олим ана шунга эҳтиёт билан ёндашган. У.Турсуновнинг морфологияга оид талқини, бошқа асаридаги фикри каби, шу кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас ва ўзбек тилшунослиги тараққиётига қўшилган муносиб ҳисса сифатида турибди.

XX аср ўртаси ўзбек ўзбек тилшунослиги тараққиётида, айниқса, унинг морфологиясини ўрганиш бўйича қилинган иши доирасида С.Усмонов, Ф.Абдуллаев, Т.Иброҳимов, А.Ғуломов, В.В.Решетов, А.Н.Кононов, М.Асқарова, С.Муталлибов каби бу ўринда тилга олинмаган кўп олимнинг хизмати катта.

Ўзбек тилшунослигида 40- йиллар ўртасида А.Ғуломовнинг «Ўзбек тилида кўплик категорияси» монографияси нашр этилди (–Т., Ўздавнашр, 1944 й.). Бу китоб ўзбек тилида «Сон категорияси» сифатидаги қарашнинг энг мукаммаллашган кўриниши сифатида юзага келган. Ўзбек тилидаги birlik ва кўплика, биламизки, Маҳмуд Кошғарий давридан бошлаб,

эътибор қаратилган. Грамматикага оид асарнинг ҳаммасида сон категорияси талқини берилган. Бироқ ўзбек тилшунослигида бу категория яхлит ҳолда монографик планда биринчи бор шу тарзда талқин қилинмаган эди.

А.Ғуломовнинг бу монографияси тил ҳодисасига ёндашувда унга система сифатида муносабатда бўлишнинг тил – лисон – нутқ муносабатини ҳисобга олишнинг, диалектикага эътибор қаратишнинг, шунингдек, тилга формал-функционал ёндашувнинг илк намунаси. Олим имкониятнинг нутқда воқеланиш қонуниятини мазмун – шакл, моҳият – ҳодиса, имконият – воқелик, сабаб – оқибат, умумийлик – хусусийлик категориясини ҳам ҳисобга олган ҳолда лисон ва нутқни яхлит ҳолда талқин қилди. Жумладан, тилшуносликнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланган масалага, яъни тил бирлиги имкониятини белгилай олиш ва бу имкониятни нутқда намоён бўлишини очиб бериш масаласига жуда жиддий эътибор қаратилганлиги кузатилади. Ўзбек тилидаги *-лар* аффикси талқини мисолида бу ҳолат ўз ифодасини топган. Бу аффикснинг этимологияси, имконияти, қўлланишдаги барча хусусият бўйича тилшуносликда айтилган фикрга муносабат билдиради ва ўзбек тилидан турли мисолни талқин қилиш асосида ўз қарашини баён қилади. Бу аффикснинг бошқа сўз билан муносабатида ўн бешдан ортиқ маъно ифодалаши мумкинлигини кўрсатиб беради, ана шундай тил бирлиги имкониятини чуқур ўрганиш зарурлиги ва буни қандай амалга ошириш мумкинлигини намуна сифатида кўрсатиб беради.

Олим XX аср иккинчи ярми ўзбек тилшунослигида тил бирлиги имкониятини очиб бериш йўлини, яъни ҳар бир бирликни чуқур тадқиқ қилиш, унинг бошқа бирлик билан муносабатини белгилаш каби муҳим ҳолатни кейинги ишида ҳам изчил давом эттирди. Унинг «*-ла* аффикси ҳақида», «*-дош* аффикси ҳақида», «*-лик, -мон* аффикслари ҳақида» Мақ.аси бунга мисол.

А.Ғуломовнинг 50-йиллар ўртасида яратган «Ўзбек тили морфологиясига кириш» (1953 йил) монографияси тилга система тарзида ёндашувнинг ёрқин намунаси. Китобда сўз таркиби, сўз ва унинг хусусияти, сўз ясалиши, қўшма сўз, сўз туркуми муаммосига нисбатан олим ўз қарашини баён қилади ҳамда мавжуд қарашни бойитади.

А.Ғуломов томонидан «Феъл» китобининг яратилиши ўзбек тилшунослигида катта воқеа бўлди (1954 й.) Чунки ўзбек тилшунослиги тарихида алоҳида олинган бир туркумнинг ўзининг яхлит ҳолда жиддий тадқиқ этиш тажрибаси шу даврга қадар бу тарзда амалга оширилмаган эди. Шу даврдан бошлаб ҳар бир сўз туркумини алоҳида олиб тадқиқ қилиш кучайди. Бунда қаттиқ эътибор қаратила бошланди. Демак, бу китобда: а) феъл туркуми алоҳида ҳолда яхлит тарзда чуқур таҳлил қилинган; б) феъл ҳақидаги барча мавжуд қараш умумлаштирилган. Феълга хос барча хусусият: маъноси ва грамматик белгиси; грамматик категорияси; ясалиши; тўлиқсиз феъл, инфинитив, феълнинг синтактик вазифаси каби жиҳат батафсил таҳлил қилинган. «Предикативлик (кесимлик ҳолдати) феълнинг асосий синтактик белгиси» эканлиги олим томонидан алоҳида қайд этилган. Аюб Ғуломов ана шу давр илмий қарашида аффиксация усулида феъл ясалишига эътибор қаратар экан, феълдан феъл яшаш (аффиксацияда), яъни ички ясалиш мавжудлигини тан олади. Бироқ, барибир, *тепкила, эзгила, югургила, титкила* каби ясалишда ҳаракат жараёнининг объектив табиати ифодаланишини алоҳида қайд этади. Албатта, кейинчалик, олим феълдан янги феъл ясалишини, бу туркумда ички ясалиш йўқ эканлигини эътироф этади ва сўз ясалишига оид бошқа ишда унга тўла амал қилади.

А.Ғуломов ўзининг «Ўзбек тилида аниқловчилар» (1940 йил), «Ўзбек тилида келишиклар» (1948 йил), «Ўзбек тилида урғу» (1951 йил) каби алоҳида монографияси билан ҳам ўзбек тилшунослиги тараққиётига катта ҳисса қўшди. Шундай бўлса-да, унинг «Ўзбек тилида кўплик категорияси», «Ўзбек тилида келишиклар», «Феъл», «Морфологияга кириш» каби монографияси алоҳида олинган аффиксга оид жиддий Мақ.аси ўзбек тилшунослигида илмий морфологиянинг шаклланишига асос бўлди. Олимнинг рус тилида ёзилган «О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке» (1963) Мақ.аси ўзбек тилшунослигида морфологияси соҳасининг шаклланишини таъминлади. Мақ.а 75 бетлик монографияга тенг келувчи катта ҳажмга эга бўлиб, унда ўзбек тилида аффиксация даврида содир бўладиган барча ўзгариш ўз илмий талқинини топган. Зеро, аффикс ва ўзак муносабати масаласи ушбу тадқиқотдагидек даражада, шу кунгача ҳам ўрганилмаган.

А.Ғуломовнинг «Ўзбек тилининг тарихий сўз ясалиш муаммолари» мавзусидаги докторлик диссертацияси (1955) сўз ясалишининг лексикология ёки грамматика билан муносабатини (сатҳлараро муносабат) илмий асослаб қолмай, балки, умуман, тил сатҳлариаро муносабатни, сатҳлариаро диалектик боғлиқлик асосларини берди. Имконият ва воқелик, мазмун ва шакл, умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса муносабатига изчил ёндашди. Сўз ясалишининг тилшуносликнинг алоҳида соҳаси эканлигини асослаб берди.

Олимнинг морфология бўйича қараши XX асрнинг иккинчи ярмида давом эттирилди. Академик А.Ҳожиёв «Феъл» (1973), «Кўмакчи феъл» (1966), «Тўлиқсиз феъл» (1970), «Ўзбек тилида сўз ясалиши» (1998, 2007) монографиясида ва бошқа ишида, проф. Ё.Тожиёв «Ўзбек тили морфемикаси» (1992), «Ўзбек тилида аффиксал синонимлар» (1981, 1987, 1992) монографияси ва бошқа ишда, М.Жўрабоева «Ўзбек тилида аффиксал омонимия» (2002) монографиясида, шунингдек, А.Бердалиёв, Т.Мирзакулов, Н.Маҳкамов каби олим ўз ишида бу соҳадаги ишларни изчил давом эттирди. А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўз» монографияси ҳам олим қарашининг бевосита давоми дейиш мумкин.

А.Ғуломовнинг сўз ясалиш ҳақидаги фикри орасида айниқса, куйидаги фикри кейинги тилшунослик тараққиётини белгилаб берди: «Демак, сўз ясалишнинг ўз объекти бор, бунда грамматика, лексика соҳаси билан умумийлик томони ҳам мавжуд... сўз яшанинг биринчи навбатда морфология билан яқинлиги (бунда ясама сўзнинг структурасини ўрганиш) кўзга ташланиб туради. Ҳолбуки, сўз яшанинг бошқа йўли унинг лексика билан ҳам, фонетика билан ҳам, синтаксис билан ҳам (кўшма сўз ва сўз бирикмаси муносабатини эсланг) боғлиқ эканлигини кўрсатади. Демак, сўз ясалиш ҳодисаси ўзининг асосий, етакчи хусусияти билан грамматика ва лексикологияга яқин туради...» («Ўзбек тили грамматикаси», 8- б.) «Сўз ясалиши синхрон аспектга таянади ... Тил ҳодисасини текширишда синхрония (бир вақтлик) ва диахрония (ҳар вақтлик) ўзаро муносабатда, бунинг бири иккинчисини тамоман рад этади... Демак, синхрония билан диахрония бир-биридан фарқли бўлишга қарамай, ўзаро алоқадор: булар орасида кескин узилиш

бор деб қаралмайди» (ўша китоб, 9б-бет) шу каби қараш ўзбек тилшунослиги тараққиётининг, шунингдек, морфологияга оид кейинги қарашнинг илмий-методик асосини белгилаб беради.

XX аср ўзбек тилшунослиги морфология соҳасининг тараққиётида йирик олим Саид Усмоновнинг хизмати алоҳида ўрин тутди. С.Усмонов 1953 йилда тилшунос Т.Иброҳимов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида ундовлар» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бу иш унинг морфологияга оид дастлабки жиддий иши эди. Шундан сўнг олимнинг морфологияга оид қатор иши нашр қилинди. «Сўз ва унинг морфологик структураси ҳақида» алоҳида қўлланма» (1957), «Бош келишик формасида такрорланган нинг семантик ва грамматик хусусиятига доир» (1957), «Баъзи феъл формалари ҳақида» (1966), «Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши» (1963), «Тилларнинг морфологик классификацияси ва туркий тилларда агглютинация» (1963 йил), «Сўз ясовчи аффиксоид» (1969), «Ўзбек тилида сўзнинг грамматик формалари» (1964), «Ҳозирги ўзбек тилида сўз формаларининг қўлланиш хусусияти ва тил типологияси масаласи» (1964), «Сўзнинг морфологик ва функционал анализи ҳақида» (1965 йил) кабилар шулар жумласидан.

С.Усмоновнинг умуман туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили морфологияси тараққиётини белгилаб беришдаги барча қарашлари, айниқса, унинг «Морфологические особенности слова в современном узбекском языке» («Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик хусусияти») фундаментал тадқиқотида ўз ифодасини топди. Бу иш докторлик илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқот эди. Ишнинг биринчи боби «Тилларнинг типологик классификацияси ва туркий тилларда агглютинация» деб номланган. С.Усмонов тилни морфологик жиҳатдан таснифлашга эътиборнинг Европа тилшунослигида ХУШ аср охирида бошланганлигини қайд этиб, ака-ука Шлегел, кейинроқ Штейнталь, ниҳоят В.фон Хумбольдт, Я.Гримм, А.Шлейхер, А.И.Томсон қарашларида бу ҳолатга эътибор берилганини таъкидлайди. Тилни флектив тил ва агглютинатив тил тарзида икки гуруҳга ажратиш, флексия ҳамда агглютинациянинг ўзига хос жиҳати бўйича барча қарашни таҳлил этган тилшунос С.Усмонов «агглютинация» терминини тилшуносликка

биринчи марта Лассен олиб кирган бўлса-да, бироқ агглютинация назариясини Ф.Бопп яратганлигини қайд этади. С.Усмонов агглютинацияга ёндашишда алоҳида йўналиш шаклланганлигига алоҳида эътибор қаратади. Чунки туркий тил морфологиясига оид тадқиқотни амалга оширишда бу масалага аниқлик киритилиши жуда муҳим эканлиги унга маълум эди. Агглютинациянинг муҳим хусусияти ҳақида Ф.Боппдан сўнг, биринчи йўналиш вакили В. фон Хумбольдт ўз қарашини баён қилиб, бу ҳодисанинг 8 та асосий хусусиятини кўрсатиб берганлигини олим алоҳида қайд этади.

Иккинчи йўналиш вакили сифатида С.Усмонов Фердинад де Соссюрни белгилайди. Фердинад де Соссюрнинг агглютинацияга хос уч хусусиятни кўрсатиб берганлигини қайд этади. Олим агглютинацияни ўзакка кетма-кет (ёки асосга), бир занжирга боғланишнинг аъзоси, қисми тарзида қўшимчанинг қўшилиб келиши, шу асосда грамматик маънонинг ифодаланиши тарзида баҳоланган учинчи йўналиш вакилларига алоҳида эътибор қаратиб, А.Шлейхер, В.А.Богородский, В.В.Радлов каби олим қарашларига ўз муносабатини билдиради.

Фузия кўриниши ўзбек тилида кузатилса-да, бироқ бу бошқа тилдаги флексияга ўхшамаслиги, грамматик ишга алоқадор бўлиши мумкинлигини кўрсатиб туриб (*сон – сана, ўқи – ўқув* каби), барибир, ўзбек тили сўзи морфологик таркибида фузия (флексия кўринишига ўхшаш келади) агглютинацияга қўшимча восита сифатида мавжуд эканлигини С.Усмонов алоҳида таъкидлайди¹.

С.Усмоновнинг тил ва нутққа, сўз, унинг тил ва нутққа муносабати масаласига алоҳида эътибор берганлиги нутқ бирлиги ва тил бирлигини ажратишда муҳим. Морфема терминининг, аввало, Бодуэн де Куртэнэ томонидан қўлланганлиги, унинг моҳияти каби масала, шу билан бирга, сўзнинг морфем таҳлилига эътибор қаратади.

Тилшуносликда морфемага нисбатан турлича қараш мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, асосан икки хил қарашга бирлаштириш мумкин:

- а) Бодуэн, Богородицкий, Гвоздев қараш;

¹ Юкорида қайд этилган китобнинг II бобида қаранг, 27- бетдан.

б) Томсон қараши.

Бундан ташқари, Европа тилшунослигида Ж.Вандриеснинг (сўз ўзагини семантема деб атайди) сўз ўзагини морфемага киритмаганлигини, морфемани анча кенг тушунганлигини, ҳатто, оҳанг, сўз тартиби, урғу, юклама, кўмакчи ва бошқа бирликни ҳам морфема деб ҳисоблашни кўрсатиб ўтади. Морфема ҳақидаги Ж.Марузо, Э.Б.Агаян, М.Д.Фридман, М.И.Мещананов, А.П.Поцелуевский, Р.А.Будагов каби олимнинг фикрига, кейинчалик эса В.В.Виноградов, М.В.Устинов, А.П.Кузнецов, О.П.Суник, Ф.Г.Исхаков, А.А.Польмбах, А.Ғ.Ғуломов, А.Қосимхўжаева каби олим томонидан морфемага нисбатан айtilган фикрига муносабат билдирилади.

С.Усмоновнинг, кўп таҳлилдан келиб чиққан ҳолда, морфемани аниқлаш, белгилаш бўйича қараши қуйидагича бўлган:

1) морфема аффикс воситасида ясалган (шакл ясалиши ҳам назарда тутилади) сўздан ажратиладиган маъно англатувчи энг кичик қисмидир;

2) морфема ушбу тилда сўзлашувчи индивуднинг тасавурида сақланувчи маъно англатадиган бирлик бўлиб, ё янги сўз ясади ёки сўзни турли хил грамматик шаклга киритган ҳолда ўзгартиради;

3) унинг сўзловчи онгида сақланиши тил бирлиги сифатида мустақил ажратилишига олиб келади.

Морфеманинг мустақил ҳолда ажратилишидаги ўзига хос барча ҳолат олим томонидан мукамал баён қилинган.

С.Усмоновнинг ўзакка бўлган муносабати, бу ҳақидаги қараши, ўзакнинг грамматикага муносабати, сўзга муносабати; аффиксга, морфемадаги маънодошлик (вазифадошлик ҳам), ва вариантликка, ўзбек тилидаги сўзни морфемада ажратишнинг ўзига хос жиҳатига, ноль морфемага бўлган муносабати; сўзни функционал анализ қилиш бўйича қараши; асос, асоснинг ўзакка ва сўзга муносабати, асос тури (лексик асос, морфологик асос, синтактик асос), туб ва ясама асос ҳақидаги қараши; содда, кўшма, жуфт асос ҳақидаги фикри; сўз ясовчи, шакл ҳосил қилувчи, сўз ўзгартирувчи аффикс бўйича фикри, терминга бўлган муносабати, барча қараши ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

С.Усмонов сўзнинг грамматик шаклига алоҳида эътибор қаратди. Маълумки, морфология аслида грамматик шакл ҳақидаги таълимот.

Сўзшакл, грамматик шакл; синтетик ва аналитик шакл ҳақида муҳим фикр айтган олим грамматик маъно ва функция бўйича сўзшакл кўринишини белгилайди.

Сўзшаклнинг ўзбек тилидаги қўлланиш хусусиятини чуқур ўрганган С.Усмонов, унинг тил типологиясига алоқадор жиҳатини ҳам кенг ёритиб беради.

Хуллас, йирик туркийшунос, ўзбек тилшунослиги, айниқса, морфология соҳаси бўйича жиддий тадқиқот олиб борган С.Усмонов ўзининг кўплаб тадқиқоти билан тилшунослик, жумладан, ўзбек тилшунослиги морфология соҳаси тараққиётига катта ҳисса қўшди. XX аср икинчи ярми ўзбек тилшунослигини, айниқса, морфология соҳаси тараққиётини Саид Усмонов қарашисиз тасаввур қилиш қийин.

XX аср ўзбек тилшунослигининг морфология соҳасида В.В.Решетов, Е.Д.Поливанов, А.Н.Кононов, С.Н.Иванов, А.М.Щербакнинг асари илмий-амалий ҳамда методик асос вазифасини ўтайди. Бу борада, албатта, В.В.Решетовнинг «Ўзбек тили фонетикаси ва грамматикаси асоси» (1960) китобининг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаш зарур.

50- йилларда О.Қосимхўжаева, Б.Мадвалиев, А.Хўжаев, З.Маърупов, С.Фердаус, С.Фузаилов, А.Сулаймонов каби олим ўзбек тилшунослиги морфология соҳаси тараққиётига катта ҳисса қўшган бўлса, 60-йилларга келиб, А.Ғуломов, А.Боровков каби олим билан ҳамкорлик қилган машҳур турколог А.Н.Кононов бу соҳада катта иш қилди.

О.Қосимхўжаевнинг «Ўзбек тилида сўз таркиби» (1956) монографияси, С.Фузаиловнинг равиш бўйича номзодлик диссертацияси, А.Сулаймоновнинг феъл замони бўйича, С.Фердауснинг феъл даражасини тадқиқ этишга бағишланган иши, З.Маъруповнинг «Сўз состави, от ва сифат» монографияси (1956) С.Муталлибовнинг «XI аср ёзма ёдгорлигида феъл категорияси» (1955), У.Турсуновнинг «Ўзбек тили морфологияси» (ҳаммуаллиф, 1959) китоби, Э.Фозиловнинг «Феъл даражалари ясовчи аффиксларнинг тарихи» Мақаси (1960), «Қадимги ёдгорликларда сон категорияси» (1963), «Ўзбек тилининг тарихий морфологияси» (1965) каби иши; Н.Абдуллаевнинг жуфт сўзга оид тадқиқоти, С.Акбаровнинг «Ўзбек тилида кўмакчи феъл» (1949), «Ўзбек тилида кўшма феъл» (1953) тадқиқоти, Б.Мадалиевнинг «Ҳозирги ўзбек

тилида кўшма сўз» (1966) монографияси, О.Мадрахимовнинг от ва сифат туркумига оид иши (1957–1961), шунингдек, А.Матғозиевнинг «XIX аср иккинчи ярми ўзбек тили морфологияси» мавзуидаги докторлик диссертацияси, Ж.Мухторовнинг боғловчи, феъл даражаси, ўзбек тили келишиги тадқиқига оид, С.Низомиддинованинг сон ва олмош туркуми тадқиқига доир, О.Усмонов, Р.Расулов, Т.Рустамов, М.Содиқова, Ф.Убаева, Ш.Шукуров, Р.Кўнғуров каби яна кўплаб олимнинг ўзбек тили морфологиясини ўрганишга оид тадқиқоти ҳам ана шу даврда юзага келди.

XX асрнинг 50–60- йилида яратилган энг жиддий ишдан бири академик А.Н.Кононов томонидан яратилган «Грамматика современного узбекского литературного языка» (1960) фундаментал асари. Асарнинг «Морфология» қисми ўзбек тили морфологиясининг барча жиҳатини қамраб олган. Асардаги энг муҳим жиҳатдан айримини санаб ўтаемиз:

- 1) морфологияга оид ҳар бир ҳодиса тўла қамраб олинган;
- 2) сўз туркумига хос барча хусусият батафсил ва чуқур очиб берилган;
- 3) ҳар бир аффиксга батафсил тўхталинган, у ҳақидаги қараш, этимология масаласи, бошқа хусусияти тўла очиб берилган;
- 4) сўз ясалишига алоҳида эътибор қаратилган;
- 5) ҳар бир ҳодисанинг ўрганилиши билан боғлиқ бўлган адабиёт рўйхати алоҳида-алоҳида берилган;
- 6) сўз туркуми 12 та қилиб белгиланган.

А.Н.Кононовнинг морфология соҳасидаги қарашлари, шубҳасиз, ўзбек тилшунослиги тараққиётини бойитди, юқори поғонага кўтарди. Морфология соҳасида қилинган иш кўлами, қилинажак иш мундарижасини кенгайтди. Ўзбек тилшунослиги морфологияси соҳасида кейинги даврда қилинган ишга жиддий илмий замин бўлиб хизмат қилган А.Н.Кононов тадқиқоти ҳозирги кунда ўз қимматини йўқотган эмас.

Юқорида номи зикр этилган тилшунослар, уларнинг морфология соҳасидаги ишида, албатта, бир томондан, ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатидан келиб чиқиб яратилган бўлса, иккинчи томондан Европа тилшунослиги ютуғига танилган.

XX асрнинг 50-, 60-йилларида ўзбек тили морфологиясига оид қилинган ишнинг натижаси сифатида олий мактаб талабаси учун 1957

йилда Фахри Камол таҳрири остида «Ҳозирги замон ўзбек тили» дарслиги, кейинроқ эса, «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1966) дарслиги яратилди. Ҳар иккала нашр илмий грамматика характеридаги иш бўлиб, ўша давргача бўлган морфологияга оид қараш мажмуаси сифатида вужудга келганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Шу жиҳатдан у кейинги босқичда (70- йиллардан 90- йилларгача бўлган тилшунослик босқичи) яратилган жиддий тадқиқот учун назарий манба вазифасини ўтади, янги-янги изланишнинг илмий асосини ташкил этди. Тил ҳодисасининг нутқда қўлланиш имкониятини очиб беришдек муҳим вазифанинг бажарилишини таъминлайдиган методик қўлланма сифатида муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбек тилшунослигида сўз туркумининг қатъий белгиланишини, ҳар бир туркумга оид грамматик шакл, грамматик маъно тизими, грамматик категориянинг мавжудлигини асослаб берди. Сўз, сўзшакл, ўзак, негиз, аффикс ҳақидаги қарашга аниқлик киритди. Сўз ясалиши морфемика соҳасининг алоҳида тизим сифатида ажратилишини илмий асослаб берди, шу орқали «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курсининг бўлими ажратилишини таъминлади, ўзбек тилшунослигида, айниқса, морфологик стилистиканинг вужудга келишига сабаб бўлди. Тўғрироғи, морфологик стилистиканинг кейинги тараққиётини белгилаб берди. Тилшуносликда социолингвистика, психолингвистика, у билан боғлиқ ҳолда «Нутқ маданияти ва услубият асоси» курсининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Тил ва нутқ ҳодиса ва бирлигини изчил ажратиш, инвариант-вариантликни белгилаш, тил ва нутқ ҳодисаси орасидаги алоқани сатҳлараро боғлиқлик асосида теран тадқиқ қилишга илмий замин, тилшуносликда янгича йўналиш пайдо бўлишига пайдевор бўлди.

Демак, 50–60 йилларда морфология соҳасида қилинган иш ўзбек тилшунослигини жаҳон тилшунослигининг бир қисмига айлангирди, дейиш мумкин.

70- йилларнинг бошида ўзбек тилшунослигида ўзбек тили морфологиясини ўрганиш бўйича жуда катта тажриба тўпланди. Тарихий ва ҳозирги замон морфологиясини ўрганиш бўйича ҳам жиддий тадқиқот юзага келганлиги айтилди. Бундан ташқари, Европа ва жаҳон

тилшунослигида, йирик тадқиқот қилиниб, унинг барча ютуғи ўзбек тилшунослигига татбиқ этила бошлади.

Н.А.Баскаков, А.Н.Кононов, С.Н.Иванов каби йирик олимнинг ўзбек тилшунослари билан учрашувлари, мулоқоти натижаси сифатида ҳам морфологиянинг жиддий тадқиқотчиси сафи Ф.Камолов, Т.Ибрагимов, С.Усмонов, А.Ғуломов каби қатор олим билан кенгайди. А.Ҳожиёв, М.Содиқова, Р.Қўнғуров, И.Қўчқортоев, А.Ҳ.Сулаймонов («Ҳозирги ўзбек адабий тилидан сўнг кўмакчилар»), Ғ.Абдурахмонов («Ҳозирги ўзбек адабий тилида субстантивация»), Ж.Мухторов («Ҳозирги ўзбек тилида боғловчилар»...), Б.Ўринбоев («Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория»), Т.Хўжаев («Ҳозирги ўзбек адабий тилида феълнинг буйрук майли»), А.Абдуазизов, И.Расулов, Х.Комилова, А.Мадғозиев, К.Назаров каби йирик тадқиқотчи, морфология соҳасининг жонқуяри улар сафидан ўрин олган бўлса, айнан 70-йиллар бошидан М.Аъламова, М.Наримонова, М.Жўрабоева, Ё.Тожиев, А.Бердиалиев, Т.Мирзақулов, С.Махматқулов, С.Султонсаидова каби кўплаб олим морфология соҳасидаги жиддий илмий изланишни улар сафида туриб бошлаб юборди.

Академик А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тилида кўмакчи феъл», «Ўзбек тилида тўлиқсиз феъл», «Ўзбек тилида феъл» (1966, 1970, 1979) морфологияси, Р.Қўнғуровнинг «Ўзбек тилида тасвирий сўз» (1966), «Ўзбек тилида от стилистикаси» (1983) каби китоби, И.Қўчқортоевнинг «Ўзбек тилида нутқ феълнинг валент таҳлили» (1977), Н.К.Ёқубованинг «Ўзбек тили сўз шаклида аффикслар жойлашуви» («Расстановка аффиксов в узбекских слова формах») китоби 1979 йилда нашр этилди. Бундан ташқари, А.Ғуломов, Р.Қўнғуров, А.Н.Тихонов томонидан тузилган «Ўзбек тилининг морфем луғати» (1977), Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шуқуров томонидан тузилган «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» (1973 й.), «XV–XIX аср ўзбек тили морфологияси» (1990) қўлланмаси, Ҳ.Неъматов томонидан яратилган «XI–XII аср туркий ёдномасининг функционал морфологияси» (1989), Т.Юсуповнинг «Келишлар дифференциацияси» рисоласи (1979), Ё.Тожиев томонидан тузилган «Ўзбек тилида аффиксал синонимия» – сифат ясовчи аффикслар маънодошлиги» (1981), 1987 йилда нашр этилган «Шахс ининг ясалиши ва шахс и ясовчи аффикслар синонимияси» монографияси, М.Жўрабоева яратган «Ҳозирги ўзбек

адабий тили. Морфемика. Сўз ясалиши. Морфология» (1988) қўлланмаси, шу муаллиф томонидан «Ўзбек тилида аффиксал омонимия» мавзусида номзодлик диссертациясининг ҳимоя қилиниши, Ф.Абдуллаев томонидан «Сўз қандай боғланади» (1974) номи билан тузилган қўлланманинг юзага келиши ва ниҳоят, Раз.Расулов томонидан «Ўзбек тилида ёрдамчи сўзнинг семантик-грамматик хусусияти» (1983) китобининг нашр этилиши (ҳаммасини санаб кўрсатиш жуда мушкул, чунки жиддий илмий Мақ.а, кичик рисола ёки автореферат шаклида эълон қилинган иш жуда кўп) ҳам муҳим бўлган. Бунга ўзбек тилшунослигида яратилган «Ўзбек тилининг форма ясалиши», «Ўзбек тили сўз ясалиши» (А.Ҳожиёв) каби махсус нашр, «Ўзбек тилидаги от ясовчи қўшма аффикс» (А.Бердалиёв, 1973), «Ўзбек тилида шакл ясовчи қўшма аффикс (Т.Мирзақулов) каби диссертацияни ҳам кўшиш мумкин.

Айниқса, ўзбек тилшунослигида «Ўзбек тили грамматикаси» академграмматикасининг яратилиши (1975) ўзбек тили морфологиясини тадқиқ этишнинг 70- йиллардаги энг катта ютуғи бўлди. Ушбу академграмматика ўзбек тилшунослигида морфология соҳасида қилинган жуда кўп жиддий тадқиқотдаги барча янги қарашни ўзида мужассам этган. Унда «Сўз ясалиши» алоҳида қайд этилган. Аффикс, ўзак структураси, морфемикага оид қараш ўз ифодасини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу давр ўзбек тилшунослигида морфологияга доир тадқиқотга назар ташланса, айниқса, феъл туркуми жуда кенг ўрганилганлиги кузатилади. Шу билан бирга, от, унинг грамматик категорияси, сифат, ёрдамчи сўз борасида ҳам сезиларли даражада иш қилинган. Бу даврда етакчи олимлар диққатини ўзбек тили аффикси тизими ўзига тортганлиги ҳам маълум: қўшма аффикс, аффикс маънодошлиги, шаклдошлиги, кўп маънолиги, структураси, келиб чиқиши кабининг ўрганилиши назарда тутилмоқда.

Феъл нисбат шаклини ўрганиш бўйича анча жиддий тадқиқот юзага келди. Бу борада С.Султонсаидова, С.Махматқуловнинг номзодлик ва докторлик, диссертациясини, М.Аъламованинг «Ўзбек тилидаги феълда нисбат категорияси» монографиясини, Р.Расулов, И.Қўчқортоев, Ё.Тожиевнинг феъл семантикаси, валентлиги, феълнинг ясалиши, ундаги грамматик категория (ўтимли, ўтимсизлик, тарз категорияси) ва унинг

ўзаро муносабати масаласи бўйича олиб борилган бошқа тадқиқотни ҳам санаб ўтиш мумкин. Жумладан, Ё.Тожиёвнинг «Ўзбек тили морфемикаси» (1992) монографияси чоп этилган. Айниқса, мактаб ўқувчиси учун Б.Менглиев, Б.Баҳриддинова томонидан яратилган “Ўзбек тилининг сўз таркиби ўқув луғати” (2007), Б.Менглиев, Б.Баҳриддинова, Ў.Холиёров ва бошқалар томонидан яратилган “Ўзбек тилининг сўз ясалиши ўқув луғати” (2008) диққатга сазовор.

XX асрнинг 70–90-йилларида морфологик стилистика соҳасида (йўналишида) ҳам анча жиддий тадқиқот юзага келди.

Ўзбек тилшунослигида морфологик стилистикага оид иш асрнинг 40-йилларидан бошланган дейиш мумкин. Бироқ бу соҳадаги жиддий тадқиқот (стилистика сўзи айтилмагани ҳолда) тилшунос Аюб Гуломов томонидан бошлаб берилган. Унинг ўзбек тилида келишиклар» (1940), «Ўзбек тилида кўплик категорияси» (1944) монографиясига назар солсак, биринчи китобда ўзбек тили келишик шакли стилистик хусусияти анча жиддий тарзда чуқур ёритилганлигини, иккинчи китобда эса, *-лар* аффиксининг, умуман, бу шаклни олган сўзнинг стилистик хусусияти, унинг бошқа хусусияти билан алоқадорлик ҳолати анча мукамал тадқиқ этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Олимнинг бу борадаги иши, шунингдек, «Ўзбек тилидаги *-дош* аффикси ҳақида», «Ўзбек тилидаги *-лар* аффикси ҳақида», «Ўзбек тилидаги *-лик* аффикси ҳақида», «Ўзбек тилидаги *-мон* аффикси ҳақида» каби Мақ.асида ҳамда кичрайтириш-эркалаш шакли тадқиқига оид ишларда, аффиксга бағишлаб ёзилган бошқа тадқиқотда ўз ифодасини топган. Ана шу ишлар негизида ўзбек тилшунослигида грамматик стилистика, морфологик стилистика борасида қатор иш юзага келди. Ўзбек тилшунослигида феъл шакли стилистикаси масаласига 1966 йилда Раҳматилла Қўнғуров эътибор қаратди. Муаллифнинг «Ҳозирги ўзбек тилида чиқиш келишиги қўшимчасини олган сўзнинг айрим стилистик хусусияти» (СамДУ асарлари, -№ 302, 1976, 39–58- бетлар) иши эълон қилинди. Олим ҳар бир келишик бўйича шундай ишни амалга оширган. Р.Қўнғуров 1976 йилда «грамматик стилистика» Мақ.асини эълон қилди (Самарқанд, 1976, 118–126- бетлар). Кейинчалик «Субъектив баҳо формаларининг семантик-стилистик хусусиятлари», «Ўзбек тили стилистикасининг долзарб масалалари» каби қатор (20 га яқин) жиддий

илмий Мақола эълон қилди. «Ўзбек тилидаги от ясовчи, шакл ясовчи аффикснинг семантик-стилистик хусусияти» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўтган асрнинг 70- йили бошида М.Содиқова «Феъл стилистикаси» (1973) монографиясини чоп этди. Олима «Ҳозирги ўзбек адабий тилида сифат» монографиясида сифатнинг стилистик хусусиятига эътибор қаратди. Шу тарзда ўзбек тилшунослигида сон, олмош, ёрдамчи сўз, ундов ва тақлиднинг стилистик хусусияти ҳам тадқиқ қилинди. Бундан ташқари, ўзбек тилшунослигида аффиксал синонимияга оид 3 та алоҳида-алоҳида монография эълон қилинди (Ё.Тожиев, 1981, 1987, 1992). Бунинг ҳаммаси ўзбек тилшунослигида морфологик стилистика бўйича анчагина иш қилинганлигини кўрсатади. 80- йил ўртасида от туркумига хос барча шакл ясовчи аффикснинг семантик-стилистик хусусияти докторлик диссертацияси даражасида тадқиқ қилинди (Р.Қўнғуров).

Бадиий асар – матннинг тил хусусияти ва стилистикасини ўрганиш бўйича қилинган ишда ҳам морфологик стилистикага эътибор қаратилди. Жумладан, Б.Йўлдошевнинг «Саид Аҳмад асарлари тили ва стилистикаси» номли номзодлик иши, шунингдек, бошқа иш юзага келди.

Хуллас, XX асрнинг 70–90- йилларида ўзбек тилшунослигида морфология сатҳини ўрганиш бўйича анча жиддий тадқиқот қилинганлиги кузатилади. Бу даврда, айниқса, морфологик стилистика доирасида ҳам янги-янги тадқиқот бошлаб юборилди. Шунга қарамай, морфология соҳасида қилинган илмий изланиш бу соҳада тадқиқ этилиши долзарб бўлган муаммо ҳам кўп эканлигини кўрсатиб, тилшунос олдидаги вазифани белгилаб берди. Ҳар бир сўзшаклнинг нутқдаги грамматик ва прагматик вазифасини тўғри белгилаш зарурлигини, у имконияти чексиз бўлиши мумкинлигини ўрганишни тақозо этди.

Истиқлол ҳамма фан, ҳамма соҳа бўйича жиддий илмий тадқиқот олиб боришга кенг йўл очди. Ўзбек тилшунослигини Европа, айниқса, рус тилшунослиги андозаси таъсиридан чиқарди. Энди ўзбек тилшунослиги мустақил тарзда, асосан, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тил ҳодисасини баҳолаш йўлини танлади. Албатта, тадқиқот кўлами кенгайди.

Ўзбек тилининг лексик қатламини жиддий тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳага ёндашувда эркинлик кайфияти туғилди, ўзбек тилининг луғавий бойлиги истиқлол нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Ўзбек тилининг яширин бойлиги очиб берилди (М.Миртожиев, Н.Маҳмудов. «Тил ва маданият», –Т., 1992). Саксонинчи йиллар охирида ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатлами таҳлил қилинган бўлса (Э.Бегматов, “Ўзбек тилининг лексик қатламлари”, -Т.,1985), Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқотлар ҳам юзага келди (И.Исмоилов, К.Мелиев, М.Сапаров), XX аср охири ва XXI аср бошида ҳам бу соҳада анча иш қилинганлиги маълум. Жумладан, А.Ж.Омонтурдиевнинг «Профессионал нутқ лексикаси» (–Т., 2006 й.), Х.Жабборовнинг «Ўзбек тилининг суғориш лексикаси» (–Қарши, 2004), А.Иброҳимовнинг «Бобур “девони” тилидаги ўзлашган қатлам» (–Т., 2006), А.Омонтурдиевнинг «Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати» (–Т., 2006), С.Рустамийнинг «Девону луғатит турк»даги лингвистик атамалар» (–Т., 2006), М.Олимовнинг «Бобурнома»да қўлланган синонимлар луғати» (–Т., 2004), фразеологизм бўйича Б.Йўлдошев, А.Маматов тадқиқотини, шунингдек, Р.Расулов ва бошқа олимнинг анчагина ишини айтиш мумкин. Шу тарзда синтаксис, услубият соҳасида ҳам кўпгина тадқиқот юзага келди. Нутқ маданияти ва услубияти соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Р.Қўнғуров, Э.Бегматов ва Ё.Тожиев томонидан ўзбек тилида илк бор «Ўзбек нутқи маданияти ва услубияти асоси» дарслиги тайёрланиб нашр қилинди (–Т., 1992), З.Холмонованинг «Бобурнома» лексикаси» китоби (–Т., 2007) каби бошқа иш ҳам нашр этилди.

Нутқ маданияти билан боғлиқ меъёр масаласи жиддий ўрганила бошланди. Бу борада Э.Бегматов ва А.Маматов томонидан яратилган «Адабий норма назарияси» (–Т., 1997, 1998, 2000) қўлланмасининг ҳамда С.Каримов томонидан «Тил таълими ва меъёр» (–Т., 2003), Ё.Тожиев ва М.Маллабоев томонидан «Ўзбек нутқи маданияти ва услубияти асоси» (–Т., 2006) қўлланмасининг яратилиши, шу тарзда бошқа кўпгина ишнинг юзага келганлигини мамнуният билан айтиш мумкин.

Морфология соҳасида Н.Маҳмудов, А.Нурмонов ва бошқа томонидан «Назарий грамматика» («Морфология», «Синтаксис»), Р.Сайфуллаева,

Б.Менглиев, Г.Боқиева ва бошқа томонидан субстанциал йўналишда асосида “Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфемика. Сўз ясалиши. Морфология” қўлланмаси ва бошқа дарслик ҳамда қўлланманинг нашр этилганлиги, албатта, диққатга сазовор. «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масаласи», «Аюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги» номи билан кўплаб илмий тўплам эълон қилинганлигини ҳам мамнуният билан қайд этиш мумкин. Ўзбек тилшунослигида Аюб Ғуломов Илмий меросини қайта нашрга тайёрлаш, ноёб манбадан тилшуносларни баҳраманд қилиш борасида иш бошлаб юборилди. Ҳозиргача «Аюб Ғуломов илмий мероси» рукнида 4 та китоб нашр этилди. Шунингдек, Р.Расуловнинг «Ўзбек тили феълининг маъно тузилиши» (2005) қўлланмасини, З.Сиддиқов томонидан кўрув феълининг турк тилидаги шундай феъл билан қиёсан ўрганилганлигини айтиб ўтиш зарур. Ж.Ёқубов томонидан «Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланишининг семантик хусусияти» (2005) монографиясининг яратилиши, Ж.Элтазаровнинг «Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари» (2006), Т.Мирзақуловнинг «Ўзбек тили морфемикасининг лингвистик асоси» (1994), «Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси» (1994), Ё.Тожиевнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Грамматика. 1- қисм. Морфемика» (1999) қўлланмаси, М.Миртожиевнинг «Ўзбек тилида феъл валентликлари» (2007), О.Бозоровнинг «Ўзбек тилида даражаланиш» (1995) қўлланмаси, А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» (2007), М.Жўрабоевнинг «Ўзбек тили морфологияси. Феъл» қўлланмаси (1999), С.Мухаммедованинг «Ҳаракат феъли асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш (2006) қўлланмаси каби иш, Ш.Шаҳобиддинованинг “Грамматик маъно талқини хусусида” мавзуидаги номзодлик (1994), “Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида” мавзуидаги докторлик (2000), Б.Менглиевнинг “Морфологик воситанинг маъновий хусусияти ва синтактик имконияти” мавзуидаги номзодлик (1996), “Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар” мавзуидаги докторлик (2002), Б.Баҳриддинованинг “Ўзбек тилида феъл луғавий шакли” мавзуидаги номзодлик (2002), О.Шукуровнинг «Ҳаракат тарзи шакли парадигмаси» мавзуидаги номзодлик (2005), Н.Мусулмонованинг “Грамматик шаклда

категориал ва нокатегориал маъно” мавзуидаги (2007) номзодлик диссертацияси, албатта, ўзбек тили морфологиясини тадқиқ этишга бевосита алоқадор. Бироқ, ҳали вазифа кўп. Ўзбек тили морфологияси тизимида ўрганилиши жуда долзарб бўлган муаммо ўз тадқиқотчисини кутмоқда. Жумладан, кўшма феъл ва кўмакчи феъл муносабати, умуман, кўшма сўз ва бирикма муносабати, ҳар бир аффиксининг кўп маънолилиги ва кўп вазифалилиги масаласи, сўзшакл масаласи, грамматик маъно ва луғавий маъно муносабати муаммоси, аффикс таснифи, сўз туркуми таснифи, сўз ясалишида ички ясалиш ва ташқи ясалиш муаммоси, кўшма сўзнинг ясалиши, кўшма аффикс, ўзак кенгайиши каби кўплаб бошқа масалалар жиддий тадқиқ қилиниши зарур. Шевалар морфологияси деярли жиддий ўрганилган эмас. Морфологик умумийликларнинг нутқий воқеланиши ва унда шахсий ҳамда ижтимоий омил муаммоси кун тартибига чиқмоқда.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослигида морфология соҳаси ўзининг муносиб тараққиёт тарихига эга бўлди. Айниқса, ўзбек формал (анъанавий) морфологиясининг давоми сифатида шаклланган субстанциал (формал-функционал) морфология ўзбек тилининг грамматик қурилишини ўрганиш борасида тадқиқ методологияси, методикаси, тамойили ва ўрганиш предметининг ўзига хослиги билан тўла маънода янги йўналиш сифатида шаклланиб улгурди.

3-§. Субстанциал морфология ва унинг тадқиқ тамойиллари

Субстанциаллик фалсафий методологик тамойили ҳақида. Субстанциаллик ва субстанциал ёндашув. Кўпчиликка аён, нарса ва ҳодисани ўрганиш жараёни икки зарурий босқичда кечади. Биринчиси сезги орқали фаҳмий билиш бўлиб, иккинчиси ақлий (идрокий) билишдан иборатдир¹. Борлиқни ўрганишнинг икки босқичда содир бўлиши гносеологияда яқдилона тан олинган қараш десак хато бўлмайди. Борлиқни билишнинг бу икки босқичи фалсафий методик адабиётларда эмпирик ва теоритик, ҳиссий ва идрокий, ҳаётий ва оддий (формал) каби

¹ Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантик. –Т., 1993.

ўндан ортиқ хилма-хил атама билан номланса-да,¹ моҳиятан бу икки билиш босқичи орасида фарқ беҳад содда. Бири, яъни фаҳмий/ҳиссий сезги узви – кўриш, сезиш, туйиш ва ҳатто тушуниш, қабул қилиш орқали ҳосил қилинган билимни мутлақ ҳақиқат деб билса, иккинчиси идрокий (ақлий) билим (кўргани, сезгани, эшитгани, туйгани) моҳият бўлмай, қандайдир бошқа бир ҳодисанинг юзага чиқиш шакли, яъни қандайдир имкониятнинг бир тасодифий воқеланиш кўриниши деб билади ва бу моҳият фаҳмий билимдан, унинг шакл моддийлигидан узилиб ақлий, идрокий йўл билан ҳодиса замирида ётган асосни, моҳиятни муносабат асосида очишга интилади. Шунинг учун фаҳмий усул тасвирласа, идрокий усул очади. Бундай ёндашишда одатда фаҳмий/ҳиссий маълумот идрокий усул билан очиладиган моҳиятни тўсиб қоронғилаштириб туради. Шунинг учун мутафаккир А.Навоий “Лисон-ут тайр”да “Қосир этди фаҳмдан идрокни” деб, бу зиддиятни жуда ихчам иборада мужассамлаштиради. Фаҳмий жараёнда нарсадаги бевосита кузатишда берилган турли жиҳат тасвирланади. **Фаҳмий (зоҳирий, ҳиссий, ташқи) билим** инсоннинг сезги аъзоси воситасида ҳосил қилинади. Фаҳмий билиш орқали тилшунос тил бирлигининг ташқи ҳис қилиб бўладиган белги-хусусияти ҳақида билимга эга бўлади. Билишнинг бу усулида бевосита кузатишда берилган нутқий бирлик тасвирланади, ҳар бир хусусияти изоҳланилади. Бошқача қилиб айтганда, билишнинг бу босқичида моҳияти ҳали аниқ бўлмаган бутунлик илмий билиш мақсадида қисмга ажратилади. Асосий диққат – эътибор ажратилган қисмнинг ички ва ташқи ҳолатини сезилиб турган белгиси асосида билиб олишга қаратилган бўлади. Дарҳақиқат, фаҳмий билиш усулида унли – ундошнинг фонетик хусусияти, фонетик ўзгариш, орфоэпик меъёр, сўз ва кўшимчанинг нутқий маъноси, сўз бирикмаси ҳамда гап тури, унинг кўлланиши, маъно хусусияти тасвирланган. “Фаҳмий билим истаган фанда, жумладан, тилшуносликда беқиёс

¹ Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантик. -Т.:Ўқитувчи, 1993, 11–12- б.; Туленов Ж., Ғофуров З. Фалсафа. –Т.:Ўқитувчи, 1997; Андреев И.Д. Диалектическая логика. –М.: Высшая школа, 1985; Панфилов В.З. Философские проблемы языкознания. Гносеологические аспекты. –М.: Наука, 1977; Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т.:Ўқитувчи, 1993; Ne'matov H., Namroyeva Sh. Lingvistik tadqiqot metodikasi, metodologiyasi va metodlari. –Вухоро, 2005; Кедров Б.М. Единство диалектики, логики и теории познания. – М., 1963.

аҳамиятга эга. У барча турдаги назарий иш учун замин, моддий асосдир”¹. Аммо бундай турдаги илмий фаолият тилни, унинг ҳақиқий моҳиятини чуқур англашга имкон бера олмайди. Мутафаккир шоир А.Навоий фаҳмий билимнинг бир ёқламалик хусусиятини, ҳиссий билишда билувчининг нарсани бутунликда кўра олмаслигини, бошқача қилиб айтганда, ҳақиқатни билишга интилган идрокка жузв (қисм)ни тасвирловчи фаҳм (ҳиссий билиш) тўсқинлик қилишини ўзининг “Лисон-ут тайр” достонининг фил тасвирига бағишланган ҳикоясида юксак маҳорат билан тасвирлайди². “Кўрлар ва фил ҳикоятида” келтирилган кўрларнинг фил ҳақидаги билими, яъни ожизлик юзасидан фил тўғрисидаги номукамал тасавури-барчаси тўғри бўлса-да, унинг ҳаммаси нуқсонли эди, унда тартиб мавжуд эмас эди. Бу билим сезиш орқали ҳосил қилинган фаҳмий (эмпирик) билиш.

Фалсафий-методологик адабиётда нарсани фаҳмий ўрганишга зид турган билиш усули сифатида **идрокий (ботиний, ички, аклий...)** билим қайд этилади. Фаҳмий билиш, асосан нутқ бирлигини яккалик, ҳодиса, воқеа ва оқибат (қисқ. ЯҲВО) сифатида таҳлил ва тавсиф этса, умумийлик, моҳият, имконият ва сабаб (УМИС) табиатига эга бўлган идрокий билим аниқланган, тавсифланган ҳодисанинг хилма-хиллик сабаб ва қонуниятини, улар моҳиятини аниқлашга асосланади. Чунончи, ўзбек гапида эганинг эксплицит (моддий ифодаланиши шарт) эмаслиги ҳақидаги хулоса кесим таркибининг морфологик хусусияти, яъни унда ҳамиша шахс-сонга ишора мавжудлиги билан неча йил мобайнида такрор ва такрор ўрганилган, системалаштирилган гап талқини орқали юзага келган. Ёхуд келишикнинг “олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш”, эгалик шаклининг “кейинги сўзни олдинги сўзга боғлаш”, равишдошнинг “фёълни фёъл билан боғлаш” каби умумлисоний моҳияти фаҳмий билишда тасвирланган, изчил ўрганилган мисол асосида келтириб чиқарилган.

¹ Ne'matov H., Hamroyeva Sh. Lingvistik tadqiqot metodikasi, metodologiyasi va metodlari. –Buxoro, 2005; Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. –Т.: Ўқитувчи, 1993.

² Алишер Навоий “Лисон-ут тайр”(Насрий баёни билан) –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 200–203- б.

Бевосита кузатишда берилганлик, яъни нарса зоҳирий белгисининг аниқлиги, маълумлиги фаҳмий билишнинг асос томони. Идрокий билиш учун эса асос бўладиган томон – нарсанинг муносабат тизими, бутун ичида бўлакнинг ўрни, нарсанинг мазмун, вазифа, муносабат томонидир, яъни **бевосита кузатишда берилмаганлиги**.

Идрокий билим ЯХВОнинг сабаб ва қонуниятини очади. Бу икки билим орасида кескин чегара қўйиб бўлмайди. У ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчиси асосида ривожланиб боради.

Фалсафий-методологик адабиётда нарсани фаҳмий ўрганиш усули сифатида сенсуализм, эмпиризм, реализм, атомизм, феноменализм каби атама қўлланилди. Бу оддий материалистик ёндашиш усули бўлиб, нарсага **мустақил барқарор алоҳидалик** сифатида ёндашади. Оддий (вульгар) материалистик ёндашув бевосита кузатишда берилган нарса воқеликда қандай мавжуд бўлса, уни худди шундай тасвирлашга асосланади. Унинг турли йўналиши мана шу бевосита кузатишда берилган нарса/ҳодисанинг турли томонига алоҳида эътибор қаратиш билан бир-биридан ажралиб турса-да, бевосита кузатишда берган маълумотни ҳақиқат деб билганлиги билан бирлашади. Чунончи, **Атомизм** – “алоҳида зарра” сўзидан олинган нарса, материя тузилишининг физикавий – химиявий асосига таянади. **Сенсуализм** (лотинча *sensus* – ҳис, сезги) – гносеология соҳасидаги таълимот бўлиб, у сезгини билишнинг бирдан бир манбаи деб эътироф қилади. Сезги билиш жараёнининг бошқа томони билан, яъни тажриба ва абстракт тафаккур билан узвий бирликда бўлган тақдирдагина билишнинг зарур томони бўлиши мумкин.

Эмпиризм (грекча *εμπειρία* – тажриба) ҳиссий тажрибани билимнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисоблайди.

Эмпириокритицизм – “тажрибани танқид” деган маънони билдириб, тажриба тушунчасини субстанция, зарурат, сабабият тушунчасидан тозалайди¹.

Бу тушунчага қарама-қарши ўлароқ рационализм, функционализм, структурализм, семантизм каби идрокий билим усули номланиши мавжудки, бунда нарсанинг ўзга алоқадори билан муносабати, унинг

¹ Философия луғати. –Т.: Ўзбекистон, 1976.

бутун таркибида тутган ўрни, вазифаси очиб берилади, яъни нарсага диалектик ёндашилади. Диалектик ёндашув асосида ҳосил қилинган билим фаҳмий усул билан аниқланган, тавсифланган ва системалаштирилган ҳодиса ранг-баранглигининг сабабини очиб беришга асосланган бўлади. Диалектик ёндашув номиналистик ёндашувнинг давоми, яъни номиналистик ёндашув диалетик ёндашувни тақозо қилади. Фандаги бу боғлиқлик қуйидаги фикрда аниқ асослаб берилган: “Инсоният тарихида фанлар тараққиёти диалектикаси шуни кўрсатадики, ҳар бир фаннинг тараққиёти узлуксиз “эмпирик – диалектик – эмпирик – диалектик...” занжирдан иборат... аввало, нарса жонли мушоҳада, бевосита кузатиш воситасида ўрганилиб, унинг хусусияти, қирраси, томони аниқланади, натижада бу хусусият, далил, ҳодиса тўпланади, сараланади;... ақлий, диалектик таҳлил усулига ўтиш эҳтиёжи пайдо бўлади”¹.

Субстанциаллик фалсафанинг муҳим тушунчасидан бири бўлиб, у юқорида айтиб ўтилган икки хил ёндашиш – материалистик ва диалектик билиш усулида икки хил тушунилади. Материалистик ёндашишда субстанциаллик асосида субстанция – моддий борлиққа эга бўлган нарса/воқеа/ҳодисанинг объективлиги, ҳақиқий эканлиги мутлақлик сифатида тан олинади. Диалектик ёндашишда эса субстанциаллик тамомила бошқача – бевосита кузатишда берилган нарса/воқеа/ҳодисанинг “мажмуи асмо ва сифот” сифатида, яъни белги – хусусият ва муносабат мажмуаси сифатида очиладиган ва бевосита кузатишга берилмаган моҳият сифатида қаралади. Шунинг учун материалистик субстанциал ёндашишда нарса моддийликда муайян воқеланиш ҳолатида тасвирланса, диалектик субстанциал ёндашишда нарсанинг чексиз шакл ва ҳолатда воқеланиши замирида ётган ва шу воқеланишнинг сабаби бўладиган, тушунтирадиган муносабат мажмуаси нарсанинг субстанциал моҳияти деб тушунилади. Демак, материалистик субстанциал ёндашишда субстанция – бу нарсанинг ўзи (умумийми, хусусий аҳамияти йўқ), диалектик ёндашишда эса субстанциаллик бу – нарсанинг ўзи эмас, балки унинг ўзига ўхшаш ва фарқли, лекин алоқадор бошқа нарса билан муносабати мажмуаси. Материалистик субстанциал ёндашиш нарса субстанциал моҳиятини

¹ Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т.: Ўқитувчи, 1993, 27- б.

унинг ўзидан келтириб чиқарса, диалектик субстанциал ёндашиш нарса моҳиятини унинг муносабатидан келтириб чиқаради. Фалсафий адабиётда материалистик ёндашишнинг кўпинча бачкана “наивний” деб аталишига сабаб шунда. Ҳақиқатдан ҳам оддийгина “уйга” сўзшаклини олиб қарайлик. “Уйга” сўзшакли муносабатдан ажратилган алоҳида бир бирлик, материалистик субстанция, борлик, мавжудлик. Муносабатдан ажратилган бу атомистик, сенсуалистик моддий ҳодиса бизга қандай маълумот бера олади? Биз минглаб матнни дескриптив усул билан таҳлил қилганимизда унинг “уй” ва “га” каби барқарор бутунликдан иборат эканлигидан бошқа маълумотга эга бўла олмаймиз. Кузатиш асосида “уй”нинг ва “га”нинг қандай қуршовда кела олиши ҳақида ҳам аниқлашимиз ва тавсифлашимиз мумкин. Худди шундай матннинг таҳлили асосида биз “уй” бутунлиги ўрнида *китоб, дафтар, одам, қиз* каби барқарор бутунликни, “уйга” позициясидаги “га” ўрнида эса “нинг”, “ни”, “да”, “дан” бутунлигининг кела олишини, яъни

уй	га
дафтар	ни
китоб	да
қиз	дан

ўринини алмаштира олиши ҳақида *уйга, одамга, дафтарни, қизга*; шунингдек, *уйни, уйдан, одамдан...* қандай қуршовда кела олишини тасвирлаб беришимиз мумкин. Лекин нима учун мана шундай қуршовда “уйга” шакли “уйда” эмас, нима учун мана бу қуршовда “қизга” шакли-ю, “уйга” шакли эмас қўлланишини оддий фаҳмий, матний, моддий кузатиш асосида тушунтира олмаймиз. Оддий материалистик субстанционал ёндашиш нима учун мана шу ҳолатда “уйга” шаклида қўлланган, “уйда” эмас каби масалани ечиб бера олмайди, чунки бундай ёндашиш “га” моҳиятини, яъни унинг ранг-баранг шакл ва шароитда қўлланиш асоси, замирини очиб бера олмайди.

Диалектик субстанциал ёндашиш эса шу нарсанинг чексиз шакл ва кўриниш ҳамда шароитда воқеланишини ўзаро муносабатни таҳлил қилган ҳолда, мана шу хилма-хил кўриниш, шаклда воқеланиш сабабини очиб беради. Диалектик тушунилган субстанциаллик “муносабат мажмуаси” сифатида қаралади.

Диалектик гносеологияда билиш, ўрганиш ҳамда тадқиқ манбаига ёндашиш ва унинг ҳақида диалектик билим ҳосил қилишнинг ҳозирги диалектикада 16 асосий тамойили ажратилади. Бу тамойиллар фалсафий қарашда Афлотун давридан бошлаб XX асргача хилма-хил шаклда такомиллашиб келди ва XIX–XX аср фалсафий фикрининг олий чўққиси саналади. Диалектик билиш назариясининг ҳозирги файласуф томонидан ҳам тан олиниб келинаётган ва нарса ҳақида диалектик илмий тушунчани шакллантиришнинг методологик асоси, шунингдек, ядро физикасидан космосга учиш, буғ машинасидан компьютер технологиясига ўтиш даражасидаги илмий-техникавий ва амалий инқилобнинг асоси бўлган бу тамойиллар Шарқ фалсафасида IX–XIV асрда Форобий, Ибн Арабий, Ибн Рушд, Ҳамза Фансурий кабининг ишида шакллантирилган бўлса-да¹, Европа илмий инқилоби бу методологик асосни Ибн Рушд, Рене Декарт, Иммануэл Кант, Френсис Бекон, Фридрих Ҳегел орқали олди ва бу диалектик тамойил талқинида Ҳегел ва ҳегелчилар талқини замонавий олий чўққи саналади. XIX–XX аср фанининг инқилобий бурилишига асос бўлган бу тамойиллар, жумладан, академик Бонифати Михайлович Кедров бошчилигидаги файласуфларнинг катта гуруҳи томонидан фаннинг энг сўнгги ютуғи асосида такомиллаштирилди ва 5 жилддан иборат “Диалектика – билиш назарияси”², икки китобдан иборат “Диалектика ва логика”³, шунингдек, ўнлаб монографияда⁴ муфассал шарҳланган. Бу тамойил қуйидагидир:

1. Нарсанинг ҳаққоний (объектив, мустақил) алоҳидалик эканлиги.
2. Нарса мажмуи муносабат.
3. Нарса ўзгариш ва тараққиётда.
4. Нарсада ички зиддият.
5. Нарса зиддият (қарама-қаршилик) бутунлиги сифатида.
6. Қарама-қарши томоннинг воқеланиши.

¹ Степанянц М.Т., Философские аспекты суфизма. –М.: Наука, 1987.

² Диалектика – теория познания. ... об элементах диалектики. Под общей редакцией Б.М.Кедрова. –М.: Наука, 1968.

³ Диалектика и логика. Законы мышления. Под общей редакцией Б.М.Кедрова. –М., 1962.

⁴ Андреев И.Д. Диалектическая логика. –М.: Высшая школа, 1985; Есперсен О. Философия грамматики. –М.: Изд-во иностранной литературы, 1958; Кириллов В.И. Логика познания сущности. –М.: Высшая школа, 1980; Уемов А.И. Вещи, свойства и отношения. –М.: Изд-во АН СССР, 1963.

7. Анализ (таҳлил) ва синтез (умумлаштириш) бирлиги.
8. Нарса муносабатининг ўзга нарса билан чексизлиги.
9. Нарсанинг ўз аксига ўтиши.
10. Нарса муносабат (алоқадорлик)ининг чексизлиги.
11. Нарса моҳиятига чуқурлашишнинг чексизлиги.
12. Нарса алоқадорлигининг чексиз миқдорда ошиб бориши.
13. Тараққиёт босқичида ўтган босқич такрори.
14. Инкорнинг инкори натижасида эскига қайтгандай бўлиш.
15. Мазмунни сақлаб, шаклни янгилаш.
16. Миқдорий ўзгаришнинг сифат ўзгаришига ўтиши.

Юқорида санаб ўтилган 16 тамойилдан биринчи (Нарсанинг ҳаққоний (объектив, мустақил) алоҳидалик эканлиги;), иккинчи (Нарса мажмуи муносабат), учинчи (Нарса ўзгариш ва тараққиётда), тўртинчи (Нарсада ички зиддият), бешинчи (Нарса зиддият (қарама-қаршилик) бутунлиги сифатида), олтинчи (қарама-қарши томоннинг воқеланиши) унсури нарсани диалектик ўрганишнинг субстанциаллик тамойилини ўрганиш билан алоқадор. Бу тамойилнинг субстанциал ёндашиш ва ўрганишга алоқадорлигини, намоён бўлишини банднинг навбатдаги бўлимида кўриб ўтамиз.

1- тамойил. Нарсанинг ҳаққоний (объектив, мустақил) алоҳидалик эканлиги тамойили нарса (объект) қандай мавжуд бўлса, шундай кўриш ва қабул қилишни, нарса моҳиятини бўлакка бўлиб эмас, балки бир бутунликда англашни талаб қилади. Нарсанинг ҳаққонийлиги унинг фақат мазмуни билан ўлчанмайди. Нарса мазмунига объектив ёндашилгандагина ҳақиқий, чин тафаккурга эга бўламиз ҳамда нарса мустақиллигига, алоҳидалигига тўғри баҳо берган бўламиз. Бизнинг тафаккуримизда, онгимизда нарса барча белгиси билан тайёр ҳолда “яшаса”гина, предмет (нарса) ҳаққоний, алоҳидалик касб эта олади.

Нарсани билиш, англашнинг йўли ҳақида Ҳегел куйидаги фикрни айтган: «Познание истины полагается в том, чтобы познавать объект таким, каков он есть как объект, свободным от примеси субъектной

рефлексии»¹. Дарҳақиқат, нарса ҳақидаги ҳақиқий билим уни ташқи, кўзга ташланадиган зоҳирӣ белгисидан халос этгандагина ҳосил қилинади.

Диалектик билиш назариясининг асосий тамойилидан бири фалсафий нарса тушунчаси. Гносеологияда (билиш назариясида) нарса деганда тадқиқотчидан ташқарида бўлган борлиқ, нарса, предмет, ҳодиса, воқеа, белги-хусусият, миқдор, муносабат, ҳолат ва ҳоказо тушунилади. Шунинг учун гносеологик нарса – бу илмий-амалий ишда тадқиқ объекти, ўрганиш манбаи, тадқиқотчи диққат марказида турган истаган манба. Нарса сифатида тадқиқотчининг ўзи билан унинг жисмоний ёки рухий ҳолатда содир бўладиган ўзгариши ҳам воқе бўлиши мумкин. Бу ўзгариш тадқиқотчининг ўзида содир бўлаётганига қарамай, тадқиқотчи учун ундан ташқарида саналади. Фан оламида фидойи одамнинг ўз устида олиб борган тажриба-синов иши ҳеч кимга сир эмас. Қатор олим очликдан ўлиш жараёнини ҳоли йўл қўйгунча босқичма-босқич тавсифлаб, “критик комотос” ҳолатигача муфассал баён қилиб қолдирган ва очликдан ўлиш жараёнининг бундан ўзга изчил илмий баёни мавжуд эмас. XIX асрнинг ўртасида радиактив элемент ва радиация (нурланиш) касаллигининг одам организмида ривожланиб бориши, организмнинг асосий органини биринкетин ишдан чиқариб, зўрайиб бориш жараёни ҳам фидойи олимнинг ўз устида олиб борган тажриба-синов иши асосида қўлга киритилган. Тадқиқотчининг ўзида содир бўладиган бундай ҳолатдаги ўзгариш ҳам тадқиқотчи учун нарса – ундан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳодиса сифатида қаралади. Нарсанинг объективлиги (ҳаққонийлиги) тадқиқотчининг нарсада бўлмаган белги ёки муносабатни унга нисбат бермаслиги билан таъминланади. Бу – диалектик билишнинг энг зарур ва бош тамойили. Ўша ўзининг ҳолати бўйича очликнинг одамини ўлдириш жараёнининг тавсифини берган олим (тадқиқотчи) ўз устида олиб борган тажриба ишида ўз ҳолатини ўзида содир бўлаётганлигидан қатъий назар тадқиқотчидан ташқарида содир бўлаётган объектив ҳодиса сифатида тасвирлайди. Тил бирлигини диалектик гносеология асосида ўрганишда ҳар бир лисоний ёки нутқий ҳодиса объектив – тадқиқотчидан ташқарида турган реал борлиқ парчаси сифатида қаралиши ва қабул қилиниши лозим.

¹Диалектика – теория познания. ... об элементах диалектики. Под общей редакцией Б.М.Кедрова. –М.: Наука, 1968, 74- б.

Нарса тадқиқотчининг субъектив қараши ва муносабатидан холи бўлмоғи зарур.

2- тамойил. Нарса мажмуи муносабат тамойили нарсанинг белги – хусусият йиғиндиси сифатида қаралиши билан характерланади ҳамда борлиқдаги нарсалар доимо бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлишини, муайян умумийлик, бутунлик сифати хусусийликда (тажаллида), хусусийлик эса муносабатда юзага чиқишини ифодалайди. Нарсани муносабатда кўра олиш унинг ҳаққонийлиги, объективлигини белгилайди. Зеро нарса(предмет)нинг хусусияти унинг бошқа нарса билан ўзаро муносабатида, алоқасида очилади, воқеланади. Нарсанинг томони ва бошқа бир нарса билан алоқаси чексиз бўлса ҳам, уни тўлалигича ўрганишга бўлган ҳаракат у ҳақдаги маълумотда йўл қўйиладиган камчилигимизнинг олдини олади. Борлиқдаги нарсага серқирралик хос бўлиб, ҳар бир қирранинг юзага чиқиш, воқеланиш ўрни бўлади, яъни предмет бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган барча белги-муносабатини юзага чиқаролмайди. Аммо барча белги-хусусият унда имконият сифатида яшайди. Нарса мажмуи муносабат сифатида қаралганда у, албатта, серқирра ҳодиса сифатида қабул қилинади ва ҳар бир қирраси билан нарса бошқа бир нарса билан муносабатга киришади. Нарсанинг ҳар бир қирраси асосидаги муносабати турли-турли нарсага алоқадорлик сифатида воқеланади.

Ёки айтиб бир нарсага бир қирраси билан ўхшаш, иккинчи қирраси билан шу нарсанинг ўзига зид бўлиши мумкин. Тадқиқотчи нарсанинг мана шундай қарама-қарши тамойилини очишга интилиши лозим.

3- тамойил. Нарса ўзгариш ва тараққиётда тамойили нарсанинг доимо ўзгаришда, тараққиётда эканлигини кўрсатади. Масалан, олдимизда ноаниқ бир ўсимликнинг уруғи. Биз уни қанчалик изоҳламайлик, унинг нима эканлигини аниқ айта олмаёмиз. Саволга жавоб бериш учун ундан нима униб чиқишини кутиш керак бўлади. Демак, воқеликни (нарсани) ҳар томонлама кўриш учун унинг олдинги ва кейинги ҳолатини назардан чиқармаслик керак бўлади.

Жамиятда шахснинг ёш жиҳатдан ўзгариб ўсиб бориши *қиз* → *жувон* → *аёл*, *ўғил* → *ўсмир* → *ўстирин* → *йигит* ёки уй ҳайвони отнинг ўсиш даражаси *қулун* → *той* → *ғўнон* → *дўлон* → *тўлон* нарсанинг доимий

тараққиётда эканлигини кўрсатади. Нарса ўзгариш ва тараққиётда экан, унда албатта олдинги, ҳозирги ҳамда кейинги ҳолат белгиси мужассамланган бўлади.

4- тамойил. Нарсада ички зиддият. Нарсанинг ҳаққоний алоҳидалик эканлиги унда кечадиган ички зиддиятни кўра олиш билан ҳам белгиланади. Зиддият ҳар қандай ўзгариш ва тараққиётнинг негизи. Нарсада ички зиддият тамойили диалектик ёндашувнинг асосини ташкил этади. У ёки бу ранг-барангликнинг моҳиятини билиш шу хилма-хилликнинг зиддиятли умумий асосини топишга олиб келади. Ҳегел таъбири билан айтганда, ҳар қандай тушунча, умуман олганда, қарама-қарши томоннинг бирлиги. Предмет (нарс)ни турли-туман алоқада ўрганиш муқаррар равишда унинг зиддиятлилигини очиб беришни тақозо этади.

Лисоний тизимда архаизм ва неологизмнинг ёнма-ёнлашиши ҳеч кимга сир эмас. Ваҳоланки, архаизм ўтмиш қолдиғи, неологизм эса келажак куртаги. Тилнинг доимий ўзгаришда эканлиги лексиканинг, сўз маъносининг ўзгаришида кескин кўзга ташланади. Чунончи, кейинги ўн беш йил ичида *область, район партком, комсомол, колхоз* каби юзлаб сўз истеъмолдан чиқди. *Тадбиркор, фермер, бизнесмен, ширкат* каби қатор янги сўз пайдо бўлди. *Ҳоким, савдогар, даллол* каби бир вақт архаизм (историзм ёки хронизм) бўлган қатор сўз тамоман янги маъно ва моҳият кашф этиб, қайта “тирилди”. Лексикада бўлган бундай ўзгаришни яққол сезамиз ва осонликча қайд қила оламиз. Лекин тилнинг бошқа сатҳ бирлигида - фонема, морфема, синтактик қурилмада ҳам шундай ўзгариш ва тараққиёт муттасил давом этаётгани ҳолда уни яққол кўра олмаймиз ва худди табиий ҳодисанинг турли даврдаги ҳолатини солиштириш асосидагина унда содир бўладиган ўзгаришни қайд эта олганимиздек, фонологик, морфологик ва синтактик бирликда тараққиётнинг ўзгаришини турли давр ҳолатини қиёслаган тақдирдагина аниқлай оламиз. Лекин бундай ўзгариш тил бирлигида узлуксиз содир бўлаётганлиги сабабли ҳар бир лисоний бирликда ўтмиш қолдиғи ҳам, келажак куртаги ҳам шу бирликнинг хилма-хил воқеанишида, хилма-хил лисоний ҳодиса билан ранг-баранг муносабатга кириша олишида намоён бўлади ва

тилшунос олдида мана шундай ҳолатни очиш ва тўғри баҳолаш масъулияти қўйилади.

Мана шу диалектик тамойилга мувофиқ равишда исталган лисоний бирликни қарама-қарши томон бутунлиги сифатида қараш мумкин. Чунончи, юқорида келтирилган банддаги [и] фонемаси [у] билан ўхшаш (торлигига кўра) ва [а] билан зид (торлигига кўра) муносабатда турса, айна замонда лабланмаганлиги билан лабланган [у] га зид муносабатда туради. Ёки “она” сўзи бир томондан тукқан волидани аташга ҳам, ҳурмат тариқасида ёши катта аёлга ҳам ва ҳатто эркалаш маъносида ўзининг фарзандига нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Ҳар учала қўлланишда “она” сўзининг маъносида қанақадир ўхшашлик билан айна замонда зидлик ҳам мавжуд ва бу зиддият *она* лексемасининг ўзининг ички зотий моҳиятига хос бўлиб ўшандан келиб чиқади. Тилшунос тадқиқотчи олдида ҳар бир лисоний бирликда мана шундай қарама-қарши томонни очиш ва тавсифлаш вазифаси туради.

5- тамойил. Нарса зиддият (қарама-қаршилик) бутунлиги сифатида. Зиддият бутунлиги ҳар қандай ҳаракат, тараққиёт, ривожланишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. “Зиддият бутунлиги” атамаси остида қарама-қарши томонга эга бўлган бўлакнинг бир системага бирлашуви ҳамда унинг муносабати тушунилади. Бўлакка бўлинган қисм ҳам ўзича мустақил бутунлик саналади. Дарҳақиқат, табиатнинг ўзи бир турдан иккинчи турга ўтиш, бўлакдан бутун ҳосил қилиш ва аксинча, бутуннинг бўлинишидан иборат. Нарса бир-бирига зид бўлган белги-хусусият бутунлигидан иборат.

Олдинги бандда келтирилган ва шарҳланган ҳар бир ҳодисада бунинг ёрқин намунасини кўрамиз. Чунки [у] фонемасининг моҳиятини лабланганлик ва торлик каби белгининг бутунлиги, *она* лексемасининг моҳиятини эса ҳам тукқан волидага, ҳам ҳурмат бўёғи билан ёши катта аёлга, ҳам эркалаш, суйиш бўёғи билан аёл жинсидаги шахснинг фарзанди ё фарзанди тенгига нисбатан моҳиятан зид бўлган қўлланишнинг бирлиги ташкил этади. Тилшунос олим тўртинчи диалектик тамойил – нарсада қарама-қарши томонни очишга интилса, бу тамойил ўша томонни бирлаштиришни талаб қилади.

6- тамойил. Қарама-қарши томоннинг воқеланиши тамойили олдинги тўртинчи ва бешинчи тамойил билан узвий боғлиқдир, яъни нарсада мавжуд бўлган зиддиятли томон албатта воқеланмай қўймайди ва воқеланганда ҳар бир томони билан нарса тамоман бошқа-бошқа ва ҳатто бир-бирига зид бошқа нарса билан алоқадорликда ва муносабатда бўлади. Чунончи, [и] фонемаси бир қиррасини [у] билан ўхшашликда, иккинчи қиррасини шу [у] билан зидликда намоён қилгани ёки *она* лексемаси [буви] лексемаси билан бир жиҳатдан ўхшашлиги, иккинчи жиҳатдан фарқланиши, худди шундай *ота* лексемаси билан бир жиҳатдан яқинлиги, иккинчи жиҳатдан зидлигида намоён этганидек. Шундай айтиб бир нарсага ҳам ўхшашлик, ҳам зидлик белгиси асосида ёндашиш ёки бир нарсанинг турли томони асосида турли нарсага зидланиши ва муносабатга киришини ҳар бир лисоний ҳодиса мисолида очиш ва шарҳлаш зарур.

Энди қолган тамойил ва унинг моҳияти ҳақида ҳам қисқача мулоҳаза юритамиз.

7- тамойил. Анализ (таҳлил) ва синтез (умумлаштириш) бирлиги. Таҳлил ва умумлаштириш жараёни воқеликдаги нарсанинг турли қирраси, хусусиятини ҳамда шу қирранинг ўзаро муносабати тизимини аниқлаш, қирранинг умумий томонини очиш, умумий томоннинг қиррада намоён бўлишини кузатиш билан боғлиқ. Нарсанинг бир томонини бошқа томондан ажратган ҳолда таҳлил қилиш мумкин бўлмаганидек, турли томонни аралаш ҳолатда ўрганиш ҳам мумкин эмас. Анализ ва синтез бир жараённинг икки томони. Бу жараёнда нарсада бўлган ички зиддият ойдинлашади.

Нарса қанчалик чуқур таҳлил қилинса, бир томондан умумлаштириш учун зарур маълумот йиғилади, иккинчи томондан нарсага ҳаққоний (объектив) ёндашиш учун шароит туғилади. Нарса ҳақидаги маълумот бутунликдан айриб муносабатсиз олинса, бундай билим субъектив моҳият касб этади. Демак, анализ ва синтез бир-бирига боғлиқ ҳолатда қарама-қарши туради. Анализ предмет (нарса)ни бўлакка бўлса, синтез уни қайта бирлаштиради, анализ аниқликдан узоқлаштиради, синтез нарсанинг ҳақиқий умумий моҳиятини беришга асосланади. Чунончи, келишик шаклининг хусусий грамматик маъноси формал йўналишда чуқур ва атрофлича таҳлил (анализ) қилинди. Минглаб хусусий грамматик

маънога эга бўлган келишик шакли тизимининг категориал, субстанциал, зотий табиати “олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш” функцияси эканлиги таҳлил жараёнида очилди. Анализ синтез учун зарурий имконият босқичини ўтайди.

8- тамойил. Нарсанинг ўзга нарса билан муносабатининг чексизлиги. Диалектик “нарса-мажмуи сифот” тамойили билан унинг тўртинчи (нарсада ички зиддият), бешинчи (нарса қарама-қаршилик бутунлиги), олтинчи (қарама-қарши томоннинг воқеланиши, мавжудлиги) тамойили узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдирса, ўз навбатида бу тамойил саккизинчи (нарса муносабатнинг ўзга нарса билан чексизлиги) ҳамда ўнинчи (нарса алоқадорлигининг чексизлиги) тамойил билан ҳам алоқадор. Турли нарсанинг ўзаро муносабати алоқасини аниқлаш орқали биз нарсада мавжуд бўлган турли қиррани, ўзига хос хусусиятни англаган бўламиз.

Нарса бошқа бир нарса билан муносабатда турганда хилма-хил, чексиз қобилият, имкониятини юзага чиқариши мумкин. Воқеланган хусусият нарсанинг янги очилган хоссаси сифатида эмас, балки унинг табиатида мавжуд бўлган имконият тарзида қабул қилиниши лозим.

Ранг-баранг муносабат бутунлиги бўлган нарсанинг барча муносабатини ҳеч қачон тўлиқ очиб бўлмайди; сабаби муносабатнинг чексизлиги. Масалан, қаратқич келишиги шакли “аниқловчи-аниқланмиш” муносабатида асосан қарашлилик грамматик маъносини (Каримнинг китоби) ифодалайди, аммо -нинг шакли айрим сўзнинг бирикувида тур-жинс (эшакнинг урғочиси), бутун-бўлак (ноннинг ярми), саралаш (олманинг яхшиси), ажратиш (талабанинг бири) каби кўплаб грамматик маънони ўзи боғлаб келган сўз таъсирида воқелантира олади.

9- тамойил. Нарсанинг ўз аксига ўтиши. Нарса бир-бирига зид турган чексиз муносабатнинг йиғиндиси ҳамда ҳамма вақт тараққиёт, ўзгаришда турар экан, бу ҳолат нарсанинг ўз аксига – бир-бирига ўтиши билан боғлиқ. Демак, нарса қарама-қаршиликнинг оддий бутунлиги сифатидагина эмас, балки зид томоннинг бир-бирига ўтиши билан ҳам характерланади. Чунончи, тоза, энди узилган узум ва чириган узум (ёки майиз) бир-бирига зид муносабатда туради, аммо бу зидлик вақтинчалик. Чунки тоза узилган узум вақт ўтиши билан чирийди, яъни ўз зидига ўтади.

Демак, ушбу тамойил учинчи тамойил (наrsa ўзгариш ва тараққиётда) билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур тамойилни ҳаётӣ мисол “холам” билан ҳам тушунтириш мумкин, яъни “холам” мен учун “хола”. У холасига нисбатан бунинг акси – жиян.

10- тамойил. Нарса муносабатнинг чексизлиги. Нарсанинг алоқадорлиги чексиз. Бу тамойил ўн биринчи (наrsa моҳиятига чуқурлашишнинг чексизлиги) тамойил билан узвий боғланган. Биз нарсани қанча кўп ранг-баранг муносабатда кўрсак, уни тадқиқ ва тавсиф қилсак, унинг моҳиятига шунчалик чуқурлаша борамиз. Дарҳақиқат, наrsa, унинг моҳияти ҳақида бизнинг ҳукм ва билимимиз ҳамиша нисбий. Биз ҳеч қачон нарсанинг мутлақ моҳиятига ета олмаймиз. Ҳар бир ҳодисани чуқурроқ ўрганиш унинг янги-янги қиррасини очади ҳамда яна ҳам ўрганиш зарур эканлигини, энди янги, аввал хаёлга ҳам келмаган томонини очиш заруратини қўяди. Мана шунинг учун ҳам киши қанча кўп билса, билмаслигини уқади. Гёте Фауст тили билан: “Шунча ўргандим, лекин нодон эдим, нодонман ҳамон”, – деб бежиз айтмаган.

Нарса моҳиятини англашнинг чуқурлаша бориши хусусияти ҳақида Демокрит V асрда қуйидаги фикрни айтиб ўтган: “Ҳақиқат (моҳият) чуқур кудукнинг тубида жойлашган бўлади”.

11- тамойил. Нарса муносабат (алоқадорлик)ининг чексизлигини эгалик шаклида кузатиш мумкин.

Эгалик қўшимчасининг бундай алоқадорлиги эса деярли чексиз.

Масалан:

1. Бу менинг китобим.
2. Бу китоб меники.
3. Бу китобнинг эгаси мен (бу китобнинг эгаси менман).
4. Бу китобнинг эгасиман.
5. Бу китоб менинг мулким.
6. Бу китоб мендан.
7. Бу китоб менга тегишли (қарашли).

Бу етти сирада маълум ўхшашлик мавжуд: барчаси “китоб”нинг “мен”га қарашлилигини ифодалайди. Бундай ҳолат деярли чексиздир ва ҳар бир ҳодисани чуқурроқ ўрганиш унинг янги-янги қиррасини очади.

Нарсанинг алоқадорлиги чексиз. Чунончи, ўша эгалик кўшимчаси келишик кўшимчаси билан узвий алоқада. Чунки **китобим, укаси** каби сўз шакли қаратқич аниқловчи билан боғланади: **унинг укаси** бир нарса бўлса, **у укаси...; У укаси...** в.х. тамоман бошқа нарса. Бир нарсани (эгаликни) қанча кўп ранг-баранг муносабатда тадқиқ ва тавсиф қилсақ, **унинг моҳиятига шунчалик чуқурлаша борамиз. (Ўн биринчи тамойил).**

12- тамойил. Нарса алоқадорлигининг чексиз миқдорда ошиб бориши. Бу тамойил ўз навбатида 11- тамойил билан боғлиқ. Нарса “мажмуи муносабат” экан, бу муносабат, алоқадорликни чеклаб бўлмайди. У шу қадар чуқурлаша борадики, ҳатто баъзи ҳолда биз уни кўра олмаймиз. Ҳатто бир-бирига ўхшаш бўлмаган, узокда турган ҳодиса ўртасида ҳам алоқадорликни ҳис қилиш, англаш ҳақиқий билимга етаклайди. Буни ошиқ-мошиқ (парчин) буюми билан “ширин қовун” сўз бирикмаси орасида мавжуд бўлган ўхшашлик (алоқадорлик) асосида тушуниш мумкин. Ошиқ мошиққа (ёки мошиқ ошиққа) интилангидек, белги нарсага, нарса белгига интилади ва унинг бирикиши бир бутунликни – ошиқ-мошиқ ҳамда сўз бирикмасини беради. Бу икки бир-биридан жуда узокда турган ҳодиса орасида ҳам умумий, ҳам алоқадор томон мавжуд бўлади. Ўзаро бирикиб, бир бутунлик ҳосил қиладиган ҳар қандай нарса ўзаро зид бўлган ҳолда бир-бирини ҳам тақозо, ҳам талаб этади. Жумладан, компьютернинг “монитори” ва “процессори” бирлашгандагина бир бутунликни ҳосил қилиши мумкин. Монитор процессорсиз, процессор мониторсиз компьютерни (бутунликни) ташкил қила олмайди.

13- тамойил. Тараққиёт босқичида ўтган босқич такрори. Бирор бир ҳодиса, нарса йўқки, у ўзининг зидига айланмаса. Мана шу жумла ушбу тамойил мазмунини белгилайди. Чунки нарса бора-бора ўзининг бирламчи, илк кўринишига эга бўлади. Чунончи, уруғ → ўсимлик – яна уруғ; капалак-личинка → яна капалак каби. Демак, нарса ҳақидаги билим тўғри чизиққа эмас, балки спиралсимон (айлана ичида айлана) шаклга қийсланиши керак. Маълум ўринда бирлашадиган, кенгайдиган ёхуд узоклашадиган айлана (фикр) тараққиётдаги нарсани (фикрни) билдиради.

14- тамойил. Инкорни инкор тамойили ҳам кенг тарқалган ҳодиса. Ўзбек тилида моҳиятан ўзаро зид маъноли (морфологик антоним) бўлган

чиқиш ва жўналиш келишиги шаклининг гапиришга кўрқди –гапиришдан кўрқди ҳолатидаги маънодошлиги (морфологик синонимлиги) шу қонун билан изоҳланади.

Ўн учинчи (тараққиёт босқичида ўтган босқич такрори), **ўн бешинчи (мазмунни сақлаб, шаклни янгилаш) ва ўн олтинчи (микдорий ўзгаришнинг сифат ўзгаришига ўтиши)** тамойил бир-бири билан узвий боғлиқ. Диалектикадаги шакл-мазмун симметрияси ва ассиметрияси (15- тамойил) қонуни тил ҳодисасида ҳам ўз аксини топади¹. Тилда мавжуд бўлган маънодошлик, шаклдошлик ҳодисаси шу қонун билан белгиланади. 16- тамойилни даражаланувчи (градуонимик) қаторда кузатиш мумкин: эмаклади – юрди – чопқиллади – чопди – югурди – елди каби.

Юқорида баён қилинган тамойил исталган ҳукмда намоён бўлади. Нарсага, ўрганилаётган тил ҳодисасига шу тамойил асосида ёндашилса, у ҳақда аниқ маълумот тўпланилади. Субстанциал ёндашувда шу тамойилга таяниб тил ҳодисаси тадқиқ қилинади.

Зотий (субстанциал) ёндашиш замонавий грамматик таълимотда методологик аҳамиятга эга бўлганлиги учун бугунги кунда тез оммалашмоқда.

Юқоридаги таҳлилимиз нарса чекланмаган белги-хусусиятдан иборат эканлиги, нарсанинг ҳақиқий моҳияти уни турли хил таркибий қисмнинг боғланишидан ҳосил бўлган яхлит бир бутунлик (зот) сифатида қараб таҳлил этгандагина очилиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосани беради. Шу боисдан борлиқдаги нарса ва ҳодисани ҳар томонлама ўрганиш, унинг туб моҳиятини очиш эҳтиёжи натижасида фанда, фалсафада зот, зотийлик тушунчаси пайдо бўлган. Зот тушунчаси ҳақида манбада қуйидагини ўқиймиз: “Зот (субстанция) ички бирлиги томонидан қараладиган объектив борлиқ бўлиб, ўзининг ҳар хил ўзгаришига нисбатан бефарқ, аммо шу ўзгариш ҳисобига яшайдиган, барча шакли ва ҳаракати аспектидаги материя; бу ҳаракатда пайдо бўлувчи фарқ ва қарама-қаршилиқ”.²

¹Карцевский С. Ассиметрический дуализм лингвистического знака. –М.: Наука, 1970. стр. –С. 85–90.

²Философия луғати. –Т.: Ўзбекистон, 1976.

Демак, зот ўзининг тажаллиси (рефлексия) замирида ётувчи умумийлик (моҳият) бўлиб, барча кўриниши учун ягона асос ролини ўтайди. Тасаввуф фалсафасида борлик, ундаги нарса-буюм, воқеа-ҳодисанинг моҳиятини тушунтиришда зот ва унинг юз бериш шакли бўлган тажалли тушунчасидан фойдаланилади. Зеро, “Борлик нима?” деган сўроққа тасаввуф аҳли “Ҳаққи мутлақнинг тажаллисидир”–деб жавоб беради. Тасаввуфда зот моддийликдан, муайян шаклдан мутлақо холи бўлганлиги сабабли у “мажмуи асмо ва сифот” (исм ва сифат мажмуаси) сифатида қаралади. Аммо зот сифатнинг шунчаки оддий йиғидисидан иборат бўлмай, унинг йиғиндисидан ҳам каттадир, ҳаттоки унга зид ҳам келади. Зероки, субутий сифат – у қанчалик кўп ажратилса-да ва саналса-да, зотни ташкил эта олмайди. Зотнинг барча сифатини санашнинг асло имкони йўқ. Аммо ўша сифат зотдан ташқарида ҳам эмас. Ушбу фикрни ҳазрат Сўфи Оллоёрнинг “Саботул -ожизин”¹ да келтирган қуйидаги мисраси тасдиқлайди:

Субутийдир анинг саккиз сифоти

Сифат зоти эмас, на ғайри зоти.

Мазмуни: Унинг (ҳаққи мутлақнинг) саккиз барқарор, доимий сифати бор. Ушбу сифат унинг борлигини (зоти, моҳиятини) ташкил этмайди, лекин зотидан бегона (айрича) ҳам эмас.

Зот сифати сон-саноксиз. Зот ва сифат ҳақида Алишер Навоий “Лисонут-тайр” достонида Ҳудхуд тилидан қуйидаги мисрани битган:

Бирлик ойинида зотидур онинг,

Лек мингдан кўп сифотидур онинг.

Ул сифот офоқ аро шоеъ бўлуб

Барча онинг зотига рожеъ бўлуб.

(Мазмуни: У (Ҳақ)нинг зоти бирлик ойинидадир, лекин у мингдан кўп сифатга эга. Ундаги бу сифат бутун дунёга ёйилган ва оламдаги ҳамма нарса зот жиҳатдан ундан келиб чиқади.)²

Юқорида айтилганидек, борликдаги нарса доимо бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлади. Муайян зот сифати тажаллида, тажалли эса

¹Сўфи Оллоёр. Саботул-ожизин. –Т., 1991.

²Алишер Навоий. Лисон-ут тайр (Насрий баёни билан). –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. –Б. 87.

муносабатда юзага чиқади. Зот “мажмуи асмо ва сифот” сифатида қаралар экан, сифат тажаллисини кўп ҳолда кўриб, сеза олсак, “асмо” фақатгина зотнинг тажаллиси ўртасидаги ва бошқа зот билан ўзаро муносабатдагина очилиши мумкинлигини ҳамда унинг кузатишда берилмаганлигини унутмаслик лозим. Муносабат ва сифатнинг диалектик бутунлиги зотни ташкил қилади. Зотнинг сифат ва муносабати бир-бири билан узвий боғлиқ экан, бунга бир мисол ёрдамида амин бўлиш мумкин: бирор буюмнинг ранги ҳақида уни бошқа ранг билан қиёслагандагина ҳукм чиқара оламиз. Дейлик, рангнинг қоралиги қора бўлмаган рангга нисбатан белгиланади. Демак, нарсанинг моҳияти ўз ёндоши билан бўлган муносабатда очилади. Дарҳақиқат, зотнинг моҳияти моддийликда эмас, балки унинг сифат ва муносабатида. Дейлик [у] нинг шаклий хусусияти моддийлигидир, аммо унинг зоти турлича:

1. [у] – мен ~сен~ у қаторига кирувчи кишилиқ олмоши
2. [у] – ҳам ~ҳамда~ ва ~у қаторига кирувчи тенг боғловчи.
3. [у] – бу~ ўша~ у қаторига кирувчи кўрсатиш олмоши.
4. [у] – ў~о~ и~э~ у қаторига кирувчи лабланган тор унли.

Кўринганидек, тўртала [у] зоти ҳам бир-биридан сифат ва муносабати жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Демак, зотнинг зотийлиги унинг ўзидан, моддийлигидан намоён бўлмайди, балки муносабатдагина очилади. Буни [-ган] сифатдош кўшимчаси (*ўқийдиган бола*) ва [-ган] кесимлик шакли (*ўқиганман*) мисолида; [сиз] - кишилиқ олмоши ва [сиз] - шахс\сон кўшимчаси (*ўқигансиз*) мисолида; [-чи] луғавий маъно ҳосил қилувчи кўшимча (*гулчи*) ва [-чи] юклама [*сен-чи?*] мисолида ҳам кузатиш мумкин.

“Тасаввуфда ориф зотнинг зотийлиги унинг ўзи (моддияти)дан намоён бўлмаслиги, балки муносабатдагина очилишидан огоҳ ва воқиф бўлиши, зотнинг зотийлигини очиш усулини чуқурлаштириш лозим”.¹

Дарҳақиқат, зотий ёндашув зотни “мажмуи асмо ва сифот” сифатида белгилар экан, сифат ва муносабати бир хил, моддийлиги ҳар хил бўлган бирликни бир зотнинг турли моддий шакли деб баҳолайди. Чунончи, ўзбек тилида орттирма нисбат ёхуд сифатдош шаклининг турли вариант-

¹Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва синтактик имкониятлари: филол. фан. номз. дисс. –Т., 1995, 25- б.

кўриниши мавжуд. Улар варианты шаклан бир хил бўлмаса ҳам, битта зотга бирлаштирилмоғи лозим. Шакл бир хил бўлиб, сифат ва муносабати бошқа-бошқа бўлса, шаклдош турли зот мавжудлиги хусусида ҳукм чиқариш мумкин.

Биз буни юқоридаги таҳлилимиз орқали асослашга ҳаракат қилдик.

Диалектика ва тасаввуф гносеологияси асосида шакллантирилган зот ҳозирги давр фалсафасида умумийлик сифатида қаралади. Умумийлик/хусусийлик/алоҳидалик диалектикаси эса ҳозирги замон фалсафасининг фундаментал категориясидан бири.¹

Лисоний бирликнинг нутқий воқеланиши, бевосита кузатишда берилган шакли ва вазифаси хусусийлик, алоҳидалик сифатида қаралса, бу бирликнинг нутқий воқеланиши замирида ётган, унинг мана шундай қўлланиши учун асос бўладиган сабаб ва имконият бўладиган нарса унинг умумийлиги – мажмуи асмо ва сифот” сифатида қараладиган зоти.

Бевосита кузатишда берилган нарсада (лисоний бирликнинг нутқий воқеланишида) шу нарсанинг ўзини эмас, балки унинг остида ётган, уни шу матнда қўлланишига асос бўлган умумийлик (зот) тажаллисини кўриш борлиқни ўрганишга субстанциал ёндашиш асосини ташкил қилади. Эмпирик (номиналистик) ёндашувда бизнинг диққатимиз нима воқеланганлигининг тасвирига қаратилган бўлса, диалектик-субстанциал ёндашишда тадқиқотчи диққат марказида нарса остида ётган зот қандай воқеланганлигини очиш туради. Шунинг учун – номиналистик ёндашиш ва диалектик – субстанциал ёндашиш бир-бирига зид ва айни замонда бир-бирини тўлдирувчи ёндашишдир; **эмпирик-номиналистик ёндашишда** чексиз воқеланишда нарсанинг бир-биридан узилган сифати (resp. белги-хусусияти, муносабати) бир-биридан ажралган ҳолда воқеланса ва тадқиқотчи томонидан қайд этилса, идрок, ақлий умумлашма воситасида бу алоҳида сифат бир зотга мужассамлаштирилади ва сифатнинг оддий мажмуасидан каттароқ бўлган янги бутунлик – идрокий зот (субстанция), минглаб сифатда воқеланган хусусийликнинг умумийлиги, ҳодисанинг моҳияти, воқеланишнинг имконияти, оқибатнинг сабаби очилади. **Субстанциал ёндашишнинг** номиналистик ёндашишдан фарқи шундаки,

¹ Туленов Ж., Гофуров З. Фалсафа –Т.:Ўқитувчи, 1997.

биринчиси ЯХВО(яккалик, ходиса, воқелик, оқибат)ни санаш билан чекланса, иккинчиси бу ЯХВОни УМИС(умумийлик, моҳият, имконият, сабаб)га бирлаштиради ва УМИС нуқтаи назардан ЯХВОни тушунтиради. Мана шундай ёндашиш нарсага субстанциал ёндашишни ташкил этади.

Нарса мавқеида лисоний бирлик келганда бундай ёндашиш субстанциал тилшунослик асосини ташкил этади.

Бундай тилшунослик лисоний бирлик зотини унинг умумий маъноси сифатида талқин этади.

4-§. Тилга субстанциал ёндашиш тарихидан

Тилшуносликда умумий маъно моҳияти. Диалектикада умумий ва хусусий, тасаввуфда кулл ва жузв ўта муҳим категория ва тушунча бўлиб, уни чуқур ва атрофлича ўзлаштирмай туриб, нарса-ҳодисанинг ҳақиқий моҳиятини тушуниш мумкин эмаслиги сўнгги йилда амалга оширилаётган тадқиқот ишида бот-бот таъкидланилмоқда¹ “Диалектик мантиққа кўра яккаликка нисбатан олинган умумийлик бу – таркибида мазкур яккалик мавжуд бўлган алоқа тизими. Умумийликни айнан шундай тушуниш у ҳақда конкрет – умумий тушунчани ҳосил қилишга олиб келади”.²

Диалектиканинг субстанцияни аниқлашга доир таълимотидан маълумки, хусусийликка моддийлик, алоҳидалик ва беҳисоблик хос бўлса, умумийлик учун бевосита кузатишда берилмаганлик, хусусийликда такрорланиб туриш, чегараланганлик каби белги хос. “Умумийлик ва хусусийлик бир-бирига зид нарса эмас. У бир-бирининг инкори диалектик нисбийдир: хусусийликдан моддий, шаклий, даврий, маконий муайянлик

¹ Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва синтактик имкониятлари: филол.фан.номз. ...дисс...автореф. –Т., 1995; Зикриллаев Ф. Истиқлол ва адабий тил. –Т.: Фан, 2004; Иванов С.Н. Грамматик тадқиқотларнинг методологик муаммолари. Монография. Рус тилидан И.Мирзаев таржимаси. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2004; Баҳриддинова Б. Фейл луғавий шакли тизими. Фейлнинг тур категорияси. : филол.фан.номз. ...дисс...автореф. –Т., 2002.

² Иванов С.Н. Грамматик тадқиқотларнинг методологик муаммолари. Монография. Рус тилидан И.Мирзаев таржимаси. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2004; К общему учению о падеже. «Якобсон Роман. Избранные работы. Составление и общая ред. В.А.Звегинцева. –М.: Прогресс, 1985.

четлаштирилмаса, у умумийликка айланади ва аксинча умумийликнинг моддий, шаклий, даврий, маконий воқеланиши хусусийликдир”.¹

Тилшуносликда лисоний умумийлик ва хусусийликни фарқ қилиш жуда катта аҳамият касб этади. Бу эса табиийки тил ва нутқни, лисоний ва нутқий бирликни фарқлашда намоён бўлади.

Тилшунослик тарихида умумий ва хусусий маънони фарқлаш масаласи кўпгина мунозарага сабаб бўлган.²

Ўзбек тилшунослигида бу муаммо олима Ш.Шаҳобиддинова ишида атрофлича таҳлил этилди.³

Лисоний умумий маъно? Бу саволга жавоб бериш учун дастлаб оддий бир пиёла (стакан) буюмига мурожат қилайлик. Биз пиёлани ранг-баранг вазифа ва мазмунда ишлата оламиз: у ҳам суюқлик ичиш қуроли, ҳам ўлчов андозаси, ҳам айлана чизиш воситаси, ҳам зарба бериш қуроли, ҳам совға сифатида тақдим қилинадиган буюм. Пиёланинг ҳар бир қўлланишдаги мазмуни хусусийдир, яъни суюқлик ичиш учун тубли; совға қилиш учун қимматбаҳо, гўзал; айлана чизиш учун чети бутун; зарба бериш учун қаттиқ бўлиши керак.

Лекин пиёланинг умумий мазмуни ҳам бор. Умумий мазмунини ўзбек миллий кичик ҳажмли рўзғор буюмидан бири ва қўлда суюқлик ичиш учун мослашганлиги ташкил этади.

Айтиб ўтганимиздек, лисоний умумийлик бу фонема, морфема, лексема ва колип. Бунинг умумий маъноси тилшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида кенг муҳокама этилган ва бу бирликнинг умумий маъноси қаерда ва қандай очилади, деган саволга диалектиканинг билиш назарияси асосида хусусийликни бутунлик сифатида идрок этиш орқали амалга оширилиши мумкинлиги ҳақидаги хулоса чиқарилган.

¹ Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.: ЛГУ, 1959; Неъматов Х., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асоси. –Т.: Университет, 1999.

² Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди, 2001; Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: филол.фан.номз.дисс. автореф. –Самарқанд, 1993; Якобсон Р.О. Заключительное слово по докладу // IV международный съезд славистов. Материалы дискуссии. Т. 2. Проблемы славянского языкознания. –М., 1962.

³ Якобсон Р.О. Заключительное слово по докладу // IV международный съезд славистов. Материалы дискуссии. Т. 2. Проблемы славянского языкознания. –М., 1962.

Умумийликнинг моҳияти маълум бир умумийликнинг ўзига ўхшаш ва фарқли умумийлик билан муносабатидагина очилиши мумкин. Демак, ҳар бир фонеманинг, лексема, морфеманинг умумий маъноси шунинг ўзи билан муносабатдош бўлган морфеманинг маъно жиҳатдан ўзаро муносабатида очилади.

Энг кичик лисоний бирлик бўлган **фонеманинг умумий маъноси** сифатида лисоний бирликнинг шаклини тартиб бериш ва лисоний бирлик шаклини бир-биридан фарқлаш саналиши мумкин. Тасаввуфда умумийликнинг мажмуи асмо ва сифот сифатида қаралиши фонема моҳиятини “маъно фарқлашга хизмат қиладиган дифференциал ёки фарқловчи белги мажмуаси” сифатидаги таърифида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Ҳар бир алоҳида олинган фонеманинг ҳам умумий маъноси бўлади. Масалан, [а] фонемасининг унлилик, кенглик, лабланмаганлик; [у] фонемасининг унлилик, торлик, лабланганлик; [п] фонемасининг ундошлик, шовқинлилик, жарангсизлик, портловчилик, лаб-лаблик каби белгиси имконият сифатида сўзловчи онгида “товуш образи” сифатида яшайди ва бу типик белги нутқда вокеланади, бошқача қилиб айтсак, фонетик умумийлик хусусийлаштирилади.


Худди шунингдек, **лексема** ҳам ўхшашлик қаторида, қўшничилик муносабатида турлича имкониятга эга бўлган ҳолда умумий маъно ҳосил қилган ҳолда жамият аъзоси онгида тайёр ҳолда яшайди. Лисоний бирлик сифатидаги лексема бири иккинчисиз мавжуд бўла олмайдиган икки томон-номема, яъни товуш қобиғи ва маълум бир тушунча асосида вужудга келган умумлисоний маъно-семема бирлигидан иборат “Семема лексеманинг ички, маъно томони бўлиб, лексеманинг ўхшашлик ва қўшничилик муносабати орқали аниқланадиган аташ, ифода вазифа семасининг бир бутунлигидир”¹ Жумладан, опа лексемасининг маъноси қуйидагича: “Бир ота-онадан туғилган фарзанд ичида ўзидан кичикка (укасига, синглисига) нисбатан катта қиз”. Демак, *опа* лексемасининг семемаси бевосита шу лексеманинг ўзидан эмас, балки унинг *ота, она, фарзанд, ука, сингил* каби лексема орасида мавжуд бўлган, бевосита

¹ Неъматов Ҳ, Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асоси. -Т.: Ўқитувчи, 1995, 66- б.

кузатишда берилмаган, аммо айни вақтда онгимизда яшовчи муносабатнинг жами орқали аниқланади.

Морфеманинг умумий маъноси нимада? Морфеманинг ҳам умумий маъноси морфема тизимидагина очилиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида келишикнинг умумий грамматик маъноси “олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш” сифатида тавсифланади ва ўзбек тилидаги келишикнинг барчаси учун бу умумий грамматик маъно умумий. Бу умумий маъно қаратқич келишигида”отни отга аниқловчи вазифасида боғлаш”, тушум келишигида “отни феълга тўлдирувчи вазифасида боғлаш” каби хусусий кўринишда намоён бўлади.

Умумий маъно хусусий маънони умумлаштириш асосида эмас, балки лисоний бирликнинг ўзаро парадигматик муносабати орқали аниқланилади ва шу бирликнинг барча нутқий маъноси учун имконият, моҳият, сабаб мавқеида бўлади, яъни хусусийликни механик умумлаштириш асосида умумий маъно ҳосил қилинмайди, аксинча, онгдаги парадигмадаги муносабат асосида умумий маъно очилади ва бу умумий маъно хусусий маънони тушунтиради. Чунончи, “опа” лексемасининг



парадигмасидан биз “опа” сўзининг умумий маъносини “бир ота-онадан бўлган фарзандидан аёл жинсига мансуб бўлиб ўзидан кичика эга бўлган фарзанд” деб оча оламиз. “Опа” лексемасининг миллионлаб конкрет воқеланишида мана шу умумий маъно у ёки бу кўринишда воқеланади. Аниқроғи, “опа” сўзининг нутқий воқеланишидаги хусусий маънонинг барчасини мана шу умумий маъно тушунтиради ва унга нисбатан сабаб мавқеида бўлади. Қон-қариндошлик сўзи мисолида бу

масала М.Нарзиева томонидан батафсил таҳлил этилган бўлишига қарамай, битта ҳодисани мисол тариқасида таҳлилни келтирамиз. ЎТИЛда келтирилган қуйидаги мисолни оламиз: *Сухбатда Мастоннинг салмоғи тобора ортмоқда эди. Илгари “синглим” деб турган йигитлар сал ўтмай “она” дейдиган бўлиди.* (А.Қаҳ. “Мастон”) Табиийки, бу мисолда мазкур бирлик метафорик кўчма маънода қўлланилган.

Маълумки, кўчма маъно ҳосил қилишнинг умумий қонунияти “сўзнинг семантик структурасидан айрим семани нейтраллаштириш, четлаштириш ва унинг эвазига бошқасини қучайтириш.”¹

Морфеманинг умумий маъносини аниқлашда ҳам худди шундай йўл тутилади. Чунончи, тадқиқотчи бирлик сон умумий грамматик маънони “аниқ, ноаниқ миқдорни ифодалаш”, кўплик сон умумий грамматик маъносини “ноаниқ миқдорни ифодалаш” сифатида белгилайди.

Умумлисоний маъно шу умумий маънога тегишли бўлмаган барча бегона тажаллини идрокий йўл билан эътибордан соқит қилиш асосида ҳосил қилинади. Биз кўриб ўтган кўплик сон шакли [-лар] нутқда ҳурмат маъносини ҳам ифодалаш мумкин. Аммо бу маъно [-лар] шаклининг умумий грамматик маъносига кирмайди. У умумий грамматик маъно билан бирга ҳамроҳ маъно сифатида юзага чиқиши ҳам, чиқмаслиги ҳам мумкин. Ёки [-моқда] шаклининг турли матний ва услубий қўлланиши мавжуд: насрий матнда образли ифодани, лирик шеърда кўтаринки ифодани бера олиш каби кўплаб хусусий маъно- вазифага ҳам эга. Аммо [-моқда] шакли мавжуд бўлган бир неча гапни қиёслаганда, улар орасидаги умумийлик “иш-ҳаракат нутқ пайтида давом этаётганлигининг ифодаси” эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Жумладан, [WP_m] синтактик қолипи ҳам худди шундай келтириб чиқарилган. Гапнинг синтактик қурилишини аниқлаш учун нутқдаги гапдан носинтактик категория кўриниши –интонацион тугалланганлик, гапнинг ифода мақсадига кўра тури, модал маъносига кўра тури ва бошқа бирма-бир олиб ташланган. Марказий бўлак аниқланиб, фикр ифодалаш кесим вазифасидаги сўзда мужассамлашганлиги, шу сўзнинг валентлиги асосида гап ҳосил қилинганлиги, унинг икки қисмдан [W]-луғавий маъно ифодаловчи қисм

¹ Неъматов Х, Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асоси. –Т.: Ўқитувчи, 1995.

ҳамда [P_m]-кесимлик кўрсаткичи қисмидан иборат эканлиги, бу қолипнинг умумий лисоний характер касб этиши ҳақида хулосага келинган.

Натижада, биз хулоса қилиб айта оламизки, УЛМ (умумлисоний маъно) хоҳ фонема, морфема, лексема ёки конструкция босқичида бўлсин, нутқий ҳодисани, хусусийликни формал мантиқ асосида четлаштириш ва мавҳум умумийликни ҳосил қилиш асосида эмас, балки луғавий бирликнинг яшаётган парадигмасида, онда мавжуд бўлган муносабати тизимидан очилади ва бу умумий маъно нутқий воқеаланишни тушунтиради, унга нисбатан умумийлик, моҳият, имконият, сабаб мавқеида бўлади.

Лисоний умумий маъно ҳақида гапирганда умумлисоний маънога ёндош, ҳамроҳ ва омонимик маънони фарқлаш зарур бўлади. Умумлисоний маъно таркиби мураккаб. Чунки нутқда лисоний бирлик ёхуд грамматик шакл баъзан умумлисоний маъносида бўлмаган маънони, ҳамда ўзи учун хос бўлган умумий яъни ихтисослашган маънони ифодалаш жараёнида умумий маънога ёпишган, ундан ташқарида бўлмаган маънони ҳам юзага чиқариш имкониятига эга. Умуммаънодан ажратиб бўлмайдиган ва унга дахлдор маъно ёндош маъно атамаси остида, умумлисоний маънога дахлдор бўлмаган “бегона” маъно эса ҳамроҳ маъно атамаси остида олимларимиз томонидан таҳлилга тортилган.¹ Морфологик шаклни тадқиқ қилган Б.Менглиев умумий грамматик маънонинг асосини категориал маъно, умумий грамматик маъно таркибига кириб, моҳиятга мансуб бўлмаган, аммо у билан диалектик яхлитлик ҳосил қилган маънони ёндош маъно, умумий грамматик маъно таркибига кирмайдиган, шакл моҳиятига мансуб бўлмаган маънони ҳамроҳ маъно сифатида белгилади ва умумлисоний маънони очиш йўлини аниқлади. Юқорида таҳлилимиз манбаси бўлган сон категориясига мурожаат қилайлик. Сон миқдор ифодалашга ихтисослашган морфологик ҳодиса. Ушбу миқдор маъноси “ноаниқ”, “аниқ”, “сифат”, “бўлинувчан”, “бўлинмас” каби унсур билан бирга диалектик яхлитликда юзага чиқади. Чунончи, дейлик [-лар] шакли миқдорий кўплик ифодалар экан, у билан

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Менглиев Б., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Қарши, 2005; Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: филол.фан.номз. ...дисс...автореф. –Самарқанд, 1993.

бир пайтнинг ўзида “бўлинувчан-бўлинмаслик”, “ноаниқ” каби белгини – ёндош маънони воқелантириб юборади. Бошқача айтганда, миқдор белгиси ҳеч қачон сифат белгисисиз юзага чиқмайди. [-лар] шакли нутқда “хурмат” маъносини ифодалаш мумкин: *Устозимнинг китоблари*. Аммо бу маъно ҳамроҳ маънодир, яъни бошқа категориал маънога мансуб маънонинг қоришиб тажаллиланиши. Шунинг учун умумлисоний маънони очаетганда лисоний бирлик учун зотий бўлган хусусият билан бир қаторда шу бирлик учун зотий бўлмаган хусусиятнинг “ёпишиб” тажаллиланиши, воқеланишини изчиллик билан кузатиш лозим бўлади. Бу бир умумлисоний маънога омонимик муносабатда бўлган бошқа бир умумлисоний маъно мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқаришимизга имкон беради. Чунончи, сон категорияси маъносини ўрганишда [-лар] морфемасидаги категориал маънони миқдорий кўплик деб белгиласак, воқеланган “хурмат” маъносига нокатегориал маъно сифатида нисбат берамиз.¹ Ёки, аксинча, хурмат категориясини ўрганиш жараёнида [-лар] морфемасида кўплик маъноси нокатегориал деб қаралиши керак. Демак, категориал – нокатегориал маъно ўзаро шаклдошликни ташкил қилади.

Ўзбек тилшунослигида 9 та грамматик категория ажратилади. Улар серқирра моҳиятли лисоний ҳодиса бўлганлиги сабабли турли томондан тасниф қилинади. Жумладан, категория маъновий таркибига кўра содда ва мураккаб шаклга ажратилади. Содда категорияда маъно содда бўлиб, унда фақат ўзига тегишли бўлган маъно ажратилади, яъни даража, нисбат, сон категорияси ўзи мансуб бўлган маълум категория маъносини ва унга ёндош, ҳамроҳ бўлган маънони ифодалашга хизмат қилиб, битта категорияга мансуб бўлади. Мураккаб категорияда категориал – нокатегориал маъно қоришган ҳолатда мужассамлашган бўлади. Жумладан, кесимлик, эгалик категориясида бошқа категорияга мансуб маънони ажратиш мумкин. Чунончи, эгалик категориясининг лисоний маъноси сўзни бир-бирига боғлаш ва бу категориал маъно. Шу маъно билан бирга юзага чиқадиган шахс маъноси ва сон маъноси бу категория учун нокатегориал. Кесимлик категорияси ҳам мураккаб бўлиб, унда

¹Зикриллаев Ғ. Фельнинг шахс, сон ва хурмат категорияси системаси. –Т.:Фан, 1990; Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. –Т.: Фан, 2004.

тасдик/инкор, майл/замон, шахс/сон ва замон маъноси бирлашган ва у битта қўшимчада (олди), бир неча қўшимчада (олмадингиз) ёки ноль (ол) шаклда юзага чиқади. Демак, бунда биз бўлишли–бўлишсизлик, сон, майл-замон категориясига мансуб шаклнинг қоришиқ маъно ифодалашини кузатамиз.

Демак, нарсага зотий ёндашув моддий ўхшаш, моҳиятан ўзга нарсани аралаштиришдан, зотнинг моҳияти унинг ҳар хил бирлик билан муносабатида турлича намоён бўлар экан, бу жараёнда ундаги бошқа зотнинг таъсирини сезмасликдан сақлайди. Шундай қилиб, лисоний бирликнинг умумий маъноси ҳақида гапирганда уч ҳодисани:

а) соф категориал маънони;

б) нокатегориал, лекин категориал маънога ёндош, ундан ҳеч қачон ажратиб бўлмас маънони;

в) нокатегориал ҳамроҳ маънони;

г) омонимик маънони

фарқлаш зарур. Масалан, эгалик синтактик категориясининг категориал маъноси сўзни бир-бирига – ҳокимни тобега, мустақил қўлланилганда эса сўз англатган денотатнинг бошқа бир денотатга алоқадорлигини ифодалаш деб қаралади ва бу эгалик категориясининг синтактик категория сифатида моҳияти-категориал маъносини ташкил этади. Лекин бу категориал маъно асосан шахс-сон маъно билан биргаликда – ёндошликда воқеланади. Масалан, “менинг китобим” бирикмасида сўзнинг синтактик алоқаси синтактик категориал маънога эга бўлган тобени ҳокимга боғлаш шакли [-нинг] ва ҳокимни тобега боғлаш шакли [-им] эгалик қўшимчаси билан таъминланади. Бу қўшимчасиз синтактик алоқа мутлақо таъминланмайди, *мен китобим* ҳосиласи нутқда воқелана олмайди ёки ҳосила тамоман бошқа моҳият касб этади. Чунончи, *менинг китоб* бирикмасида қаратқичли бирикма эмас, балки нутқий тизимда лисоний интерференция ҳодиса сифатида воқеланадиган қарашлилиқ олмошининг аниқланмиш билан бирикиши ҳолати мавжуд, русча “моя книга” қурилмасининг ўзбекча янги турдаги окказионал ҳодисаси сифатида баҳолаш мумкин.

“Менинг китобим” бирикмасида эгалик категорияси қўшимчаси [-им] нафақат “китоб” лексемасини олмош билан боғлайди, балки шахс ва сон

маъносини ҳам ифодалайди. Мана шу шахс ва сон маъноси эгалик синтактик категорияси учун ёндош, ҳамма вақт у билан бирга келадиган, эгалик категорияси учун нокатегориал маъно. Бу эгалик категорияси учун ёндош нокатегориал маъно ҳисобланган лисоний бирлик бошқа бир категориядан ўрин олиши ва бу тизимда шу маънонинг ўзи категориал маънода бўлиши мумкин. Чунончи, ўзбек тилида шахс категорияси доирасида (бу категория марказини кишилиқ олмоши ташкил этади) эгалик қўшимчасининг шахс-сон маъноси категориал сифатда, сўзни бир-бирига боғлаш функцияси эса шахс парадигмаси учун нокатегориал, лекин шахс маъносини морфологик усул билан ифодалашда ёндош маъно мавқеида чиқади.

Нокатегориал ҳамроҳ маънонинг ёндош маънодан асосий фарқи шундаки, категориал ва нокатегориал ёндош маъно грамматик шаклда, лисоний бирликда деярли ҳаммаша синкретик узилмаган, ажралмаган шаклда воқеланади ва маълум бир категориянинг ҳамма бирлиги учун хос умумий қонуният. Нокатегориал ҳамроҳ маънода эса бундай қатъийлик ва умумийлик хос эмас, у категориянинг айрим бирлигида ёрқин, айрим бирлигида эса жуда заиф шаклда воқеланиши мумкин. Чунончи, кесимликнинг замон шаклида замон маъноси учун майл маъноси ёндош нокатегориал маъно бўлса, шу категория учун ҳаракатнинг давомийлиги-нодавомийлиги, тугалланганлиги-тугалланмаганлиги каби ҳаракат тарзи маъноси ҳамроҳ нокатегориал маъно. Эгалик категориясида ҳамроҳ маъно сифатида ҳурмат, камситиш, таҳқирлаш каби услубий маъно, турли муносабат шакли ҳамроҳ нокатегориал маъно сифатида қаралиши мумкин.

Омонимик маъно бу ўзбек тилшунослигида анча кенг ўрганилган¹ омоаффиксдаги маъно бўлиб, бунда фақат шаклий умумийлиги билан ҳар хил категорияга мансуб маъно бирлашади. Чунончи, [-ма] даги бўлишсизлик маъноси билан от, сифат ясовчи қўшимча омоним. Омонимик аффикс омоаффикс дейилади ва бундай аффикс бир неча категория таркибига кириши ва ҳар бир категория ичида шу категория

¹Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992; Ўзбек тили грамматикаси. I жилд, –Т.: Фан, 1975; Ғуломов А.Ф. Феъл. –Т., 1954; Тожиёв Ё. Ўзбек тили морфемикаси. –Т.: ТошДУ, 1992; Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. –Т.: Ўқитувчи, 1979.

учун хос категориал ёндош ва ҳамроҳ маънога эга бўлади. Юқорида кўриб ўтилган кўшимчасимиздан кўплик сон ясовчи [-лар]да хурмат маъноси омонимик; хурмат ва кўплик маъноси ўзаро омонимик, шаклий кўрсаткичи билан бир хил, лекин мазмун томондан алоқадор бўлмаган маъно. Шунинг учун омонимик маъноли кўшимчани – омонимни луғатчилик анъанасида рим рақами билан ажратгандек (от I; от II;...), бундай кўшимчани ҳам [-лар I] ; [-лар II] сифатида фарқлаш зарур.

Шундай қилиб, лисоний бирликнинг умумий маъноси (лексеманинг семемаси) ҳақида гап борганда ҳар бир бирликда асосий категориал ва унга мазмун жиҳатдан алоқадор бўлган ёндош ҳамда ҳамроҳ, шунингдек, шакл жиҳатдан алоқадор бўлиб, мазмун жиҳатдан мутлақо алоқадор бўлмаган маънони таҳлил жараёнида изчиллик билан фарқлаб бориш зарур. Субстанциал таҳлилда мана шу тамойилга изчиллик билан амал қилинади.

Тилни ўрганишга субстанциал ёндашиш тарихидан. Тил қурилиши тадқиқига субстанциал ёндашиш тарихини икки даврга ажратиб ўрганиш маъкул:

1- давр: тил қурилиши талқинига субстанциал ёндашиш [ТҚТСЁ] асосининг белгиланиши;

2- давр: тил қурилиши талқинига субстанциал ёндашиш-методологик тамойил сифатида.

Диалектик тараққиётнинг умумий қонуниятидан маълумки, истаган турдаги янгилик инкор этилган даврда мавжуд бўлган рационал уруғ (самарали уруғ)нинг ривожланиши ва олдинги даврдаги янгилик, ўз даври учун “номеъерий” бўлган ҳодисанинг тараққиёти ва меъерийлашуви.¹

Шунинг учун тил қурилишини субстанциал жиҳатдан тадқиқ қилиш жараёни тилшуносликнинг узоқ йиллик тарихий самараси.

Тарихий тараққиётга шундай ёндашилганда, тил қурилиши талқинига субстанциал ёндашишга асос бўлган ва бу тадқиқ тамойили методологик асос вазифасини ўташдан олдинги даврда субстанциал ёндашиш “куртаги” нимадан иборат бўлган? деган саволнинг туғилиши табиий. Бу асос ҳинд ва араб тилшунослигида ҳамда Европа тилшунослигида Ф.Бопп,

¹Туленов Ж.,Ғофуров З. Фалсафа. Т.:Ўқитувчи, 1997.

А.Шлейхер ва хусусан Я.Гримм томонидан қўйилган “лисоний бирликнинг нутқдан ажратилган ҳолда ўзининг маълум бир маъноси борми ёки лисоний бирлик нутқда воқеланган шароитдагина маълум бир маъно воқелантирадими?” деган саволга жавоб билан боғлиқ. Бу саволга жавоб бериш учун Г.Пауль ва Г.Штейнталнинг Ҳ.Ғ.Неъматов монографиясида¹ келтирилган қуйидаги фикрини баён этиш кифоя. Жумладан, Г.Штейнталнинг шундай фикри келтирилган: “Келишик ҳеч қандай моддий маънога эга эмас ва фақат грамматик маъно ифодалашга хизмат қилади”. Г.Пауль эса бунга тамоман зид фикрни илгари суради: “У ёки бу келишикнинг танланиши бошқарувчи сўз билангина эмас, балки келишик шаклининг ўзининг маъноси билан ҳам узвий боғлиқ.”

Демак, бу икки фикрдан англашилиб турибдики, Г.Штейнталь лисоний бирликнинг, жумладан, келишик шаклининг ўзининг зотий онтологик маъноси йўқлиги ғоясини, Г.Пауль эса, аксинча, ҳар бир лисоний бирлик, жумладан, келишик шакли ўзига хос маънога эга эканлиги ва шу маъно асосидагина нутқда воқеланиши, матн таъсирида ранг-баранг хусусий маъно кашф этиши ғоясини илгари суради.

Тилшуносликда XIX асрнинг ўртасида қўйилган “Лисоний бирликнинг зотий маъноси борми ёки у фақат нутқда ҳосил бўладими?” деган муаммо ҳозирги кунгача ўзбек тилшунослигида мунозаралидир ва бунда икки кутб кескин ажралиб туради.

Функционалистлар – “Прага тилшунослиги тўғараги” тадқиқ тамойили билан алоқадор бўлган тилшунослик оқими Г.Пауль назариясини ривожлантириб, ҳар бир лисоний бирлик ўз зотий онтологик маъно (функцияси)га эга ва шу функция асосида нутқда ранг-баранг маъно бўёғига эга бўлади, деган ғояни илгари сурган бўлса, **дескриптивистлар**, аксинча, лисоний бирликнинг маъноси фақат нутқда, қўшни бирлик таъсирида ҳосил бўлади, деган фикрни билдирган. Айрим ишда эса ҳар иккала тамойилни аралаштириш ҳоли ҳам учрайди. Чунончи, келишик шаклининг система сифатидаги тадқиқи билан шуғулланган З.Қодиров

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И., Махмудов Н.М., Мухаммедова Д.А., Нурманов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков. (тезисы формально – функционального исследования) // Советская тюркология, - 1984, -№5.

тадқиқот ишининг 1- бобида келишикнинг зотий маъноси мавжудлиги ғоясини илгари сурган ҳолда, 2- бобида келишик шаклининг маъноси матндагина ҳосил бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр билдиради. Бу унинг куйидаги сўзидан равшан:

“-дан нинг чиқиш келишиги формаси эканлиги келишик парадигмасига тушганда аниқланади. Чиқиш келишигининг маъноси конкрет қўлланишга нисбатан умумийдир”.¹

Зотийликка қаратилган ушбу фикрга зид жумла тадқиқот ишининг 62- бетида кузатилади: “Ўрин келишиги ўзбек тилида бошқа келишик каби таркибида турган сўз маъносига ва шу сўзни бошқариб келган сўзнинг маъносига қараб ... қатор маънони ифодалайди”.

Тил қурилишининг субстанциал диалектик тадқиқ усули дастлаб Прага тилшунослик мактаби намояндасининг, энг аввало, Р.Якобсоннинг ишидан бошланганлигини таъкидлашга тўғри келади. Келишикнинг умумий маъноси матндаги хусусий маънонинг умумий мажмуи эканлиги илк бор мазкур олимнинг ишида қайд этилган.²

1926 йилда ташкил қилинган Прага лингвистик тўғараги ўз атрофига рус лингвист олими – Н.Трубецкой, Р.Якобсон, С.Карцевский; чех тилшуноси–В.Матезиус, В.Скаличка, Ф.Травничек каби бирлаштирди. Прага лингвистик тўғараги (ПЛТ)нинг “Труды” кўп томли нашри таъсис этилган эди. Мазкур нашрнинг I томида Прага лингвистик тўғарагининг тилга формал-функционал, субстанциал ёндашув билан алоқадор тезиси эълон қилинган. Тезисда келтирилган куйидаги фикр тилнинг функционал система эканлигини яна бир карра тасдиқлайди: “...язык есть система средств выражения, служащая какой-то определенной цели. Ни одно явление в языке не может быть понято без учёта системы, к которой этот язык принадлежит. Славянская лингвистика также не может игнорировать этот актуальный комплекс программ”.³

¹ Қодиров З. Ўзбек тили грамматик категориясини систем тадқиқ этиш (Келишик категорияси) : филол.фан.номз. ...дисс...авторэф. –Самарқанд, 1993, 21- б.

² Якобсон Р.О. Заключительное слово по докладу // IV международный съезд славистов. Материалы дискуссии.Т.2. Проблемы славянского языкознания. –М., 1962. стр.47–48.

³ Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. Часть II. –М.: Просвещение, 1965. –С. 123.

Р.Якобсон қарашида умумграмматик маъно муаммоси, Н.Трубейко изланишида фонеманинг умумлисоний маъноси, фонологик зиддият ўрганилган бўлса, Л.Ельмслев ишида нутқ фаолиятида лисон ва нутқ босқичини фарқлашга қаратилган масалани кузатамиз.

Прага лингвистик тўғарагида, хусусан, Р.Якобсон, В.Скаличка, А.В.Исаченко тадқиқотида ҳар бир лисоний бирлик, жумладан, грамматик шакл ўз умумий маъносига эга эканлиги ғояси илгари сурилди ва Р.Якобсон ҳамда А.Исаченко бу умумий маънони грамматик шакл (лисоний бирлик) нутқда воқелантириши мумкин бўлган хусусий маънодаги умумийлик, яъни формал логиканинг хусусийликда умумийликни ажратиш тамойили асосида ҳосил қилинган мавҳум умумийлик сифатида тавсифлади. Тил қурилиши талқинига субстанциал ёндашишга асос бўлган олдинги давр самарали куртаги ҳам мана шунда – ҳар бир лисоний бирликнинг зотий табиатида унинг нутқий воқеланиши учун асос бўладиган ва ранг-баранг хусусийлик билан мураккаблашган ҳолда нутқда воқеланадиган мавҳум умумий маъно (функция)нинг бирликнинг онтологик табиатида мавжудлик назарияси бўлди ва бу даврни тил қурилиши талқинига субстанциал ёндашиш **бўсағаси асоси** деб санаш мумкин.

Тил қурилишининг шу нуқтаи назардан тўлиқ тавсифи А.В.Исаченконинг икки жилддан иборат **“Грамматический строй русского языка в сопоставлении со словецким”**. ч. I Братислава, 1959. ч II . Братислава, 1960. китобида берилган бўлса, айрим грамматик категориянинг, жумладан, сон, келишик, шахс-сон категория ва шаклининг мавҳум умумий маъноси Р.О. Якобсон асарида берилган. Тил қурилиши талқинига субстанциал ёндашишда Прага структуралистларининг таҳлил тамойили онгли ва изчил ўтказиладиган диалектик тадқиқ тамойили билан кенгайтирилди. Шунинг учун **тил қурилиши талқинига субстанциал ёндашишнинг илмий, моддий, назарий асоси сифатида** Г.Пауль каби ёш грамматикнинг лисоний бирликнинг мустақил зотий маънога эгалик ғоясини ва Прага структуралистининг талқин тамойилларини санаш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида систем-структур тадқиқотларни, тилга субстанциал ёндашишни профессор С.Н.Иванов бошлаб берди. Ҳозирги

Ўзбек субстанциал тилшунослиги (ЎСТ)нинг, бошқача айтганда, формал-функционал, зотий, диалектик тилшунослик ривожланишининг **2-даври** туркийшунос олим С.Иванов номи билан боғлиқ. Чунки бу йўналишдаги илк тадқиқот С.Ивановнинг грамматик шаклнинг умумлисоний маъноси ва нутқий воқеланиши, нутқий хусусийликни лисоний умумийликка бирлаштириш, лисоний маъно ва синтактик функция масаласига бағишлаган номзодлик диссертацияси бўлди. Диссертация монографияси “Очерки по синтаксису узбекского языка (форма на-ган и её производные)” номи билан 1959 йилда нашр қилинди.¹ Кейинги йилларда олим шу йўналишдаги ишини қатор Мақ.асида чуқурлаштирди ва докторлик диссертациясида умумлаштирди. Тил қурилишининг субстанциал – диалектик тадқиқ усулини шакллантирди.² С.Ивановнинг ютуғи шунда бўлдики, олим лисоний бирлик моҳиятини очишда диалектик фалсафа нуқтаи назаридан ёндашиб, ўзига хос янги таълимот яратди. Туркийшунос грамматик тадқиқотнинг назарий асосини ҳам ишлаб чиқди.³ С.Ивановнинг даставвал методология масаласига, тадқиқ жараёни объектига эътибор қаратиш зарурлиги тўғрисидаги фикри қуйидаги жумлада мужассамлашган: “Тасвирланаётган нарсанинг асл моҳиятини очиб бермоқчи бўлган мусаввир ҳақиқатдан кўз юммай хусусий томонни умумий томонга бўйсундириши, тасвир субъектини тушунишга асосланган чуқур ички ўхшашликни ташқи ўхшашликдан афзал кўрмоғи зарур”. У ўзининг қатор илмий асарида эмпирик тарзда кўзга ташланиб турадиган грамматик фактни назарий ўрганишни мақсад қилиб қўйди. Олимнинг фикрича “... тадқиқот объектининг теран таҳлилига эришиш учун... ундан нари кетиш, узоқлашиш, идрок доирасига нафақат объектнинг айни пайтда кузатиш (ҳис қилиш) мумкин бўлган парчасини, шунингдек, у билан боғлиқ, уни тушуниш имконини берадиган қандайдир янги белги-хусусиятни ҳам илғаб ва қамраб олишга интилиш керак. Фаннинг моҳияти, бир неча марта таъкидлангани каби, нафақат эмпирик факт миқдорини оширишдан, балки биринчи навбатда, унинг

¹ Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.: ЛГУ, 1959.

² Иванов С.Н. Родословное древо тюрок Абул-Гази Хана. Грамматический очерк. (Имя и глагол). –Т.: Фан, 1969.

³ Иванов С.Н. Курс турецкой грамматики. –Л.:ЛГУ, 1975.

янги комбинацияси (яъни бир турдаги бир неча нарсанинг ўзаро уйғун бирикмаси)ни яратишдан иборат...”¹

Олим грамматик шаклга субстанциаллик омилини тадбиқ қилган экан, бундай ёндашишнинг моҳиятини нима ташкил этади? Лисоний бирлик мужассамлашган имконият бутунлиги. Лисоний бирлик нутқда ўзида мавжуд бўлган умумийликни хусусийлаштиради, имкониятни воқелантиради. Бу ёндашишнинг методологик асосини УМИС ва ЯХВО категориясининг тил тизимидаги бевосита амалий татбиқи ташкил этади.

Ўзбек субстанциал тилшунослиги нинг кейинги тараққиёти ва ҳозирги кунда Ўзбекистонда оммалашши С.Ивановнинг шогирди проф. Ҳ.Неъматов ва у яратган лингвистик мактаб билан боғлиқ.

С.Ивановнинг субстанциал талқини морфологик категория асосида шакллантирилган бўлса, Ҳ.Неъматов ва унинг кўп сонли шогирди ишида нафақат морфология, балки фонетика, лексика, синтаксис ва бошқа сатҳнинг янгича, миллий, моҳиятга асосланган тавсиф ва талқини ишлаб чиқилди.² Ўзбек тилшунослигининг субстанциал илмий таҳлил йўналиши ютуғи республикамизда яратилган умумўрта ҳамда олий таълим дастур ва дарслигида ҳам ўз ифодасини топди.³

Дарҳақиқат, ўзбек субстанциал тилшунослиги ўз фаолиятининг бошланиш нуқтасида Прага лингвистик тўғараги танлаган йўлдан бориб, даставвал, ўзининг йўналиши моҳиятини белгиловчи тезисини эълон қилди.

Тилшуносликда формал-функционал тадқиқ йўналишини бошлаб берган формал-функционал тезисининг 8- бандида қуйидаги сўзни ўқиймиз: “В данных тезисах предпринята попытка наметить основные вехи одного возможных путей создания нового синтаксиса предложения в тюркских языках на основании критериев, диктуемых внутренней системой самых тюркских языков, и новейших достижений

¹Иванов С.Н. Грамматик тадқиқотларнинг методологик муаммолари. Монография. Рус тилидан И.Мирзаев таржимаси. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. 13- б.

² Бу ҳақда қаранг: Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар. филол.фан.докт...дисс.автореф. –Т., 2000; Қурбонова М.Ҳозирги замон ўзбек тили (Содда гап синтаксиси учун материаллар). –Т.:Университет, 2002.

³ Умумий ўрта таълимнинг Давлат Таълим стандарти ва ўқув дастури // Таълим тараққиёти, 1999 йил, 1-махсус сон.

субстанциальной морфологии, системной лексикологии и теории о рангах членов предложения. Каждый из схематически поднятых в этих тезисах пунктов нуждается во всестороннем детальном научном анализе, уточнении и дополнении, что является задачей будущего. Авторы сознательно ограничились вопросами структуры предложений номинативного строя. Проблемы трансформации предложений номинативного строя в обороты и в притяжательные конструкции, явлений, переходных между посесивностью и номинативностью (узб. қилишим керак; я должен сделать), в также синтаксиса словосочетаний на основании формально – функционального подхода будут объектом дальнейших поисков и исследований».¹

Ҳ.Неъматов субстанциал ёндашишнинг методологик асоси тасаввуфнинг зот (субстанция) ва тажалли (рефлексия) ҳақидаги таълимоти билан боғлиқ эканлигини, зотнинг (мажмуи асмо ва сифот) воқеликда тажаллиланиши, унинг бевосита кузатишда берилмаганлигини ўзининг изланишида исботлади.²

Ҳ.Неъматов ўзининг издоши (М.Абузалова, Ш.Акрамов, Р.Бобокалонов, О.Бозоров, С.Назарова, Б.Ёров, Б.Менглиев, С.Муҳаммаджонова, Г.Неъматова, Л.Неъматова, Ш.Орифжонова, Р.Расулов, Л.Раупова, Р.Сайфуллаева, Ҳ.Саидова, М.Саидова, М.Файзуллаев, З.Юнусова, Б.Қиличев, М.Қурбонова, Ш.Шаҳобиддинова, А.Цалкаламанидзе, А.Ғуломов, С.Ғиёсов ва б.) билан ўзбек миллий грамматикасини яратишга, ўзбек тили сатҳини янгича формал-функционал (субстанциал) йўналишда тадқиқ қилишга эришди. Ўзбек тилшунослигида ривожланаётган ва бугунги кунда умумий ўрта таълим тизимидан тортиб олий таълим тизимигача амалда бўлган дастур ва дарсликда ўзининг амалий тадбиғини топган бу йўналишнинг асосий тамойили олима М.Қурбонова тадқиқотида қуйидагича саналган:

- 1) лисоний бирликнинг зотий табиати;
- 2) ҳар бир лисоний бирликнинг камида икки парадигма мансублиги;

¹Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И., Махмудов Н.М., Мухаммедова Д.А., Нурманов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков. (тезисы формально – функционального исследования) // Советская тюркология, 1984, -№5. –с. 3–9.

² Неъматов Ҳ. Тажалли тасаввуф билиш назарияси ва тилшуносликда синтаксисни ўрганиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти , 1993, -№ 2.

3) лисоний тизимнинг барча босқичида оралиқ учинчининг мутлақлиги;

4) лисоний тизимнинг иерархик (поғонавийлик) қурилиши; бу иерархияда ҳар бир бўғин узвининг гипо-гиперонимик муносабат билан очиқ микросистема сифатида ўзаро боғланиши;

5) ҳар бир лисоний birlikнинг ўз хусусий синонимик ва градуонимик қаторига эга бўла олиши ва бу қаторнинг умумий лисоний система ва микросистемага бевосита алоқадор эмаслиги.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, субстанциал тадқиқнинг юқорида санаб ўтилган беш тамойили ҳеч қачон бири икинчисидан узилган ҳолда кела олмайди ва барчаси узвийликда воқеланади. Дейлик келишиқ категорияси ва шаклида унинг воқеланишини кузатар эканмиз, бирини икинчисидан ажратмаган ҳолда кўрамиз. Шунинг учун дастлаб келишиқ маъно ва вазифасининг ўзбек тилшунослигидаги талқину тавсифи ва уни умумлаштириш устида тўхталамиз.

Келишиқнинг субстанциал талқини ҳақида. Ўзбек тилида келишиқ шаклининг ясалиши, маъноси, синтактик вазифаси, унинг ўзаро алмашинуви каби ранг-баранг масаласига Айюб Ғуломов, Фаттоҳ Абдуллаев, Тоҳир Иноятов, Ибодат Зиёева кабиларнинг иши¹, бу категория шаклининг системавий таҳлил ва талқинига, жумладан, Зиёвуддин Қодировнинг махсус тадқиқоти бағишланган.²

Шунинг учун келишиқ шаклининг ясалиши ва қўлланилиши бўйича фанга янги бир нарса киритиш амри маҳол. Лекин синтактик алоқа ва хилма-хил маъно ифодалашнинг муҳим воситаси бўлган бу категория ва унинг ҳар бир шаклининг моҳияти ўзбек тилшунослигидаги ҳар бир йўналишда ўзгача тушунилади ва ҳозиргача унинг субстанциал (формал-функционал) талқини³ махсус берилмаган.

¹ Абдуллаев Ф. Келишиқ аффиксларининг генезисига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1961, -№ 5; 1962, 4-сон; Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиқлар. –Т., 1941; Зиёева И. Келишиқ аффиксларининг функционал алмашинувларига доир баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, -№ 2; Зиёева И. Дательный падеж в узбекском языке: : филол.фан.номз. ...дисс...автор. –Самарқанд, 1966.

² Қодиров З. Ўзбек тили грамматик категориясини систем тадқиқ этиш (Келишиқ категорияси) : филол.фан.номз. ...дисс...автор. –Самарқанд, 1993.

³ Қурбонова М. Шакл-вазифавий тадқиқ усулларига доир //Ўзбек тили ва адабиёти, 1998, - №5; Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал ёндашув ва содда гап қурилиши талқини: филол.фан.докт...дисс.автор. –Т., 2000.

Субстанциалликнинг бош тамойили зотийлик, яъни лисоний бирликка «мажмуи асмо ва сифот» сифатида нутқда хилма-хил ҳолатда воқелантира оладиган хусусият, маъно ва вазифани имконият сифатида ўзида мужассамлаштирган ҳамда хилма-хил контекстуал шароитда бу мажму ва имкониятдан фақат айрим бир қиррасини воқелантира оладиган ходиса деб қараш.¹ Келишикка шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, бу шакл табиатидаги зотийлик нимадан иборат бўлади?

Келишик шакли ва категориясининг илмий талқинида тилшуносликда бир неча назария мавжуд.² Бу назарияни иккига бўлиш мумкин:

- 1) дескриптив талқин;
- 2) субстанциал талқин.

Дескриптив талқинда келишик категорияси ва шаклида умумий маъно муаммоси ўртага қўйилмайди; келишикнинг муайян нутқий маъноси матндаги қуршови, нутқ вазияти билан белгиланади, деб қабул қилинади ва келишик қўшимчасининг хилма-хил қуршовдаги маъносини санаб ўтиш билан чекланилади. Ўзбек тилидаги келишик шаклининг шундай тавсифи ўзбек тили академграмматикасида³, дарслик ва қўлланмада⁴, келишикнинг маъно ва функцияси тавсифига бағишланган рисолада ва юқорида санаб ўтилган ишда ўз ифодасини топган.

Субстанциал талқин келишик категорияси ҳамда ҳар бир келишик шаклининг умумий грамматик маъносини очиб, унинг нутқда воқеланишини шу маъно (функция) асосида тушунтиришга ҳаракат қилади. Бу соҳада илк қадам ёш грамматиклар (энг йирик вакили Г.Пауль) томонидан қўйилган эди. Р.Якобсон Г.Паулнинг “Нутқда у ёки бу келишик шаклининг қўлланилиши уни бошқариб келган сўзнинг маъноси билан эмас, балки келишик шаклининг ўзининг маъноси билан узвий боғлиқдир” деган сўзини ривожлантириб, рус тилидаги олти келишик

¹ Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.:ЛГУ, 1959; Неъматов Ҳ. Тажалли тасаввуф билиш назарияси ва тилшуносликда синтаксисни ўрганиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993, -№2; Неъматов Ҳ., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асоси. –Т.: Университет, 1999.

² Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. –Т.: Фан, 1989 –Б. 51.

³ Ўзбек тили грамматикаси. I жилд, Т.: Фан, 1975.

⁴ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992.

шаклининг ҳар бири учун хос бўлган ва бу келишик шаклининг хусусий маъносига (вариантга) нисбатан умумийлик (инвариант) мавқеида турган умумий грамматик маъносини очишга ва шу асосда келишикнинг нутқий қўлланишини изоҳлашга интилниди.¹

Р.Якобсон қарашида келишикнинг умумий маъноси формал логиканинг умумий мавҳум тушунчаси табиатида эди, шунинг учун у яхлит инвариант деб тушунилган.²

Том маънода субстанциал тадқиқда лисоний бирликнинг умумий маъноси яхлит инвариант сифатида эмас, балки моҳиятан зиддиятли, шу асосда камида икки парадигмадан ўрин олувчи диалектик бирлик сифатида тушунилади. С.Н.Иванов буни ҳар бир келишик қўшимчасида бир-бирига зид бўлган икки маъно турининг мавжудлигида кўрди ва ҳар бир келишик шаклида икки хил маънони ажратишга интилниди.³ Чунончи, чиқиш ва жўналиш келишигида С.Иванов ҳаракат → объект маъноси билан бирга объект → ҳаракат маъноси ҳам борлиги, ҳаракат → объект маъноси жўналиш келишигида етакчи (узуал, кенг тарқалган), объект → ҳаракат маъноси эса қўшимча (оказионал, хусусий контекстдагина воқеланувчи) сифатида, чиқиш келишигида эса бу муносабат аксинча эканлигини мисолда кўрсатди. Чунончи, *орқасидан келди – уйдан келди*.

Ҳ.Неъматов талқинида келишикнинг зотий моҳияти уни икки хил – моҳиятан зид, лекин табиатан боғлиқ бўлган маъновий ва синтактик вазифага ажратишда намоён бўлади. Бунда ҳар бир келишик шаклида маъновий ва синтактик вазифа фарқланади. Жумладан, келишик категориясининг умумий синтактик вазифаси «олдинги тобе сўзни кейингига боғлаш» сифатида белгиланиб, келишикнинг умумий семантик вазифаси «тобе/ҳоким сўзнинг маълум бир туркумга мансублиги, келишик шаклидаги сўзнинг маъно жиҳатдан аниқ ёки ноаниқлиги, ҳар хил макон/замон, бутун/бўлак муносабатининг ифодаланиши» деб қаралади. Бу умумий синтактик ва семантик вазифа ҳар бир келишик шаклида

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989.

² К общему учению о падеже // Якобсон Роман. Избранные работы. Составление и общая ред. В.А.Звегинцева. –М.: Прогресс. 1985. –С. 133–176.

³ Иванов С.Н. Курс турецкой грамматики. Ч.1. -Л.: ЛГУ, 1975; Ч.2. - Л.: ЛГУ, 1974.

қуйидаги кўринишда келишик шаклининг умумий грамматик маъноси сифатида воқеланади:

1. Қаратқич келишигида – *дистант жойлашган/маъновий жиҳатдан аниқ* бўлган **аниқловчини бошқа бир исмга тобе алоқага киритиш.**

2. Тушум келишигида – *дистант жойлашган/маъновий жиҳатдан аниқ* бўлган исмни **феълга воситасиз тўлдирувчи мавқеида тобе алоқага киритиш.**

3. Жўналиш ва чиқиш келишигида – исм/феълни *ҳар хил замон/макон, сабаб/мақсад маъноси билан* **воситали тўлдирувчи/ҳол сифатида феъл/исм билан тобе алоқага киритиш.**

4. Ўрин-пайт келишигида – исм/феълни *замон/макон маъноси билан* бошқа **феъл/исм билан ҳол мавқеида тобе алоқага киритиш.**

5. Бош келишик бу тизимда «оралиқ учинчи» мавқеида бўлади ва барча келишик шакли маъно ва вазифасини маълум восита ёрдамида (кўмакчи, бошқа турдаги ёрдамчи сўз) бажара олади.

Келишикнинг юқорида санаб ўтилган субстанциал моҳияти – умумий грамматик маъносида субстанциал тадқиқнинг беш тамойили воқеланишини кўриб ўтамыз.

Зотийлик тамойили. Юқорида саналган келишикнинг умумий грамматик маъноси ҳар бир келишик шаклининг ранг-баранг воқеланиши учун умумийлик мавқеида бўлади ва келишикнинг муайян воқеланиши унинг умумий грамматик маъносидан ташқарида бўлмайди.

Ҳар бир лисоний бирликнинг камида икки парадигмага мансублик тамойили. Ҳар бир келишик шакли синтактик функцияси бўйича алоҳида парадигма тузади ва бунда:

Бош келишик – доминанта ва айни замонда эганинг грамматик шакли

Қаратқич келишиги – аниқловчи

Тушум келишиги – воситасиз тўлдирувчи.

Жўналиш/ чиқиш келишиги – воситали тўлдирувчи /ҳол.

Ўрин-пайт келишиги – ҳол шакли парадигмасини ҳосил қилади.

Айни замонда келишик маъновий хусусиятига кўра қуйидаги парадигмани ташкил қилади:

Бош келишик – белгиланган маъновий хусусиятга эга эмас.

Қаратқич келишиги – аниқловчининг маъновий муайянлиги/дистантлиги, унинг исм туркумига мансублиги ва исм туркумига мансуб сўзга тобелиги.

Тушум келишиги – воситасиз тўлдирувчининг маъновий муайянлиги /дистантлиги, унинг исм туркумига мансублиги ва ўтимли феълга тобелиги.

Жўналиш келишиги – воситали тўдирувчи/ ҳолнинг ҳаракат →объект маъноси билан феъл/ исмга тобелиги.

Ўрин-пайт келишиги – ҳол мавқеида келган исм/феълни феъл ёки исмга тобе алоқага киритиш.

Чиқиш келишиги – воситали тўлдирувчи/ҳолнинг объект →ҳаракат маъноси билан феъл/исмга тобелиги.


Санаб ўтилган икки парадигмада ҳар бир келишик ўзига хос ўринга эга.

Оралик учинчи қонуни. Ҳар бир келишик семантик ва синтактик парадигмада чиқиши ва унда ўзига хос ўринга эга бўлганлиги сабабли, келишикнинг муайян нутқий воқеланиши семантик ва синтактик функция, вазифа, томон бирлигидан иборат бўлади. Бошқа сўз билан айтганда, келишикнинг субстанциал табиати ҳам, нутқий воқеланиши ҳам маъновий ва синтактик томоннинг бирлиги сифатида юзага чиқади. Лекин маъновий ва синтактик томоннинг ҳар бирининг нисбий мустақиллиги ҳар бир томоннинг ўзига хос парадигма тузиши билан далилланади.

Демак, ҳар бир келишик шаклининг ўзи ва унинг воқеланиши «оралик учинчи» мақеида бўлади. Бундан ташқари, келишик тизимининг ўз ичида қатъий белгиланган маъно ва функцияга эга бўлмаган умумий категориал шакл – оралик учинчи – бош келишик шакли ҳам мавжуд.

Лисоний тизимнинг иерархик (поғонавийлик) қурилиши: Синтактик функциясига кўра бош келишик гапнинг эгаси грамматик шакли сифатида эгадан бошқа вазифада келадиган қаратқич келишиги, тушум келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқиш келишиги, жўналиш келишигига қарама-қарши туради. У ўз навбатида аниқловчининг шакли сифатида қаратқич келишигини тўлдирувчи, ҳол вазифасида келадиган тушум келишиги, жўналиш келишиги, чиқиш келишиги, ўрин-пайт келишигидан ажратади. Бу келишик ўз навбатида воситасиз тўлдирувчи

сифатида тушум келишигини ҳол/тўлдирувчи шакли бўлган жўналиш келишиги, ЧК, ЎК шаклидан ажратади. Ундан босқичлиги билан ўрин-пайт келишиги ҳол шакли сифатида воситали тўлдирувчи, ҳол шакли бўлган жўналиш, чиқиш келишигидан ажралиб чиқади ва бу поғонали (иерархик) бўлинишни ҳосил қилади:



Бу поғонали бўлиниш юқоридаги чизмада эквиволент оппозиция шаклида кўрсатилган бўлса-да, моҳиятан приватив табиатлидир.

Шунинг учун бу оппозицияда бош келишик шакли «оралиқ учинчи» қаторининг ёки парадигманинг доминантаси мавқеида бўлиб, «гап эгасининг грамматик шакли бош келишикдир» ҳукми тўғри. Лекин «бош келишик шакли фақат эга вазифасида келади» ҳукми нотўғридир; парадигманинг доминантаси бўлган бош келишик қолган барча у ёки бу восита ёрдамида (сўз тартиби, кўмакчи ва ҳ.) истаган келишик вазифасида кела олади. Чунончи,

бош келишик ~ қаратқич келишиги = мактабимиз боғи – мактабимизнинг янги боғи

бош келишик ~ тушум келишиги = китоб ўқимоқ – бу китобни ўқимоқ

бош келишик ~ жўналиш келишиги = мактаб бормоқ – мактабга бормоқ // мактаб томон бормоқ

бош келишик ~ ўрин-пайт келишиги = автобус билан келдим – автобусда келдим

бош келишик ~ чиқиш келишиги = нон емоқ – нондан емоқ.

Келишик шаклининг ҳар бири ўзига хос маъно ва вазифаси билан бирга ўзининг синонимик қаторига эга. Чунончи, *ўқувчиларнинг бири-ўқувчилардан бири; уйга кетди-уй томон кетди; укамдан катта –укамга кўра катта.*

Диалектик логика, нарсага субстанциал ёндашув предметнинг айрим белгисини абстракт эслатишдан конкретликка – моҳиятга қараб боришни талаб қилади. Шундагина ўрганилаётган нарса (предмет, ҳодиса...) ҳақида ҳақиқий билимга эга бўлиш мумкин. Жумладан, юқорида баён қилинган келишикка хос талқин уларнинг туб, субстанциал моҳиятини аниқлашга қаратилган ҳаракат.

5-§. Морфологик (грамматик) шакл валентлиги

Таъкидлаш керакки, лексик-семантик, семантик-синтактик валентлик тушунчаси дастлаб лексик ҳодисага нисбатан қўлланилган ва ҳозирги кунга қадар валентлик деганда, асосан, лексик-семантик валентлик тушунилади, лекин субстанциал ёндашишда лексик валентлик билан бирга грамматик валентлик – грамматик-морфологик шаклининг, шунингдек, синтактик категориянинг (позициянинг) валентлиги тушунчаси ҳам фарқланади ва бу масала жаҳон тилшунослигида лексик-семантик валентлик қанчалик кенг ва атрофлича ўрганилган бўлса [Х.Шумахер тузган ва “INSTITUT FÜR DEUTSCHE SPRACHE MANNHEIM”да 1986 йилда нашр этилган «Valenzbibliographie»(Валентбиблиографи) китоби минг саҳифадан иборат бўлиб, асосан Ғарбий Европа, Англия ва АҚШда лексик-семантик валентлик бўйича нашр этилган 20 000 дан ортиқ Мақ.а, ахборот ва монографияни ўз ичига олади], грамматик валентлик шу даражада субстанциал тилшунослик доирасида амалга оширилган айрим тадқиқотни ҳисобга олмасак, мутлақо тадқиқ этилмаган ва тавсиф этилмаган ҳодиса. Шунинг учун ишимизнинг бу боби икки бўлимдан иборат бўлади. 1- бўлими тилшуносликда атрофлича ўрганилган лексик-

семантик валентликнинг ўрганилиши ва гап, сўз бирикмаси структурасини белгилашдаги аҳамияти бўйича ўзбек тилшунослиги қўлга киритган ютуқни системалаштиришга бағишланса, унинг 2- бўлими тилшуносликда мутлақо ўрганилмаган, лекин лексик-семантик валентликка кучли таъсир кўрсатиб, гап, қурилма структурасини белгилашда семантик валентлик билан деярли бир хил, баъзан эса ундан ҳам аҳамиятлироқ мавқега эга бўлган, лекин фанимизда мутлақо ўрганилмаган грамматик валентлик моҳиятини очишга бағишланади.

Лексик-семантик валентлик, унинг моҳияти, тилшуносликда тадқиқи ва синтактик қурилма тузилишини белгилашдаги аҳамияти. Тил ҳодисасига субстанциал ёндашув тилшуносликда валентлик қонуниятининг ўрганилишига туртки бўлди.

Тил ҳодисасининг лисоний моҳияти ўрганилар экан, тил бирлигининг бирикув имкониятига эга бўлиши ва бу имконият тасодифий эмаслиги ҳақида хулоса билдирила бошлади. Шу тариқа тилшуносликка валентлик, валентлик назарияси, лисоний валентлик ва нутқий валентлик каби қатор атама кириб кела бошлади.


Валентлик тушунчаси химия фанида бирор элемент атомининг бошқа элемент атоми билан бирика олиш қобилияти деб эътироф этилади¹. Валентлик – элементнинг муҳим миқдорий тавсифи². *Валентлик* тушунчасини кимё фанига 1853 йилда инглиз кимёгари Эдуард Франкельд олиб кирди. Рус кимёгари А.М.Бутлеро кимёвий тузилиш назариясини кашф қилишида валентлик назарияси муҳим ўрин тутди. Д.И.Менделеев элементнинг даврий системасидаги ўрни билан валентлик ўртасида боғланиш борлигини исботлади ҳамда фанга ўзгарувчан валентлик тушунчасини киритди.

Валентлик сўзи лотинча “valentia” лексемасидан олинган бўлиб, “куч” деган маънони англатади. Физика фанидан маълумки, куч – ўзаро таъсир ва боғланиш демак. Кимё фанида “бир валентли”, “икки валентли”, “кўп валентли” каби атама ҳам ишлатилади. Буни қандай тушуниш керак? Чунончи, H₂O (сув) молекуласида кислород атоми (O) бир валентли бўлиб,


¹ ЎТИЛ. –М.: Русский язык, 1981. 172- б.

² Асқаров И. ва бошқалар. Кимё. 7- синф дарслиги. –Т.: Шарқ, 2005. 31- б.

у водород (H) атомининг иккитаси билан бириккан. Демак, сув формуласида водород икки валентли (H₂)дир:



Аммиак таркибидаги (NH₃) азот (N) бир валентли, водород (H) эса уч валентли (H₃)дир:



Ушбу тушунча тилшуносликда лисоний бирликнинг ҳали юзага чиқмаган бирикувчанлик-бириктирувчанлик имконияти сифатида қаралувчи лисоний ҳодисага нисбатан қўлланилди.

Тил бирлигининг ўзаро бирикиш хусусияти тилшуносликда энди тадқиқ қилинаётган муаммо эмас. Валентлик назариясининг ўзига хос тараққиёт босқичи, илдининг узок тарихга эгаллиги, бу соҳада изланиш олиб борган зукко олим қараши тилшунос С.Муҳаммедова тадқиқотида муфассал ўрганилган¹.

Дарҳақиқат, тил ҳодисасида валентлик қонуниятининг мавжудлиги даставвал вербоцентризм ғояси билан уйғун ҳолда тушунтирилган бўлса, XIX аср охиридан бошлаб бу соҳада жиддий изланиш юзага келди. Жумладан, А.М.Пешковский асарида феъл бошқаруви тўғрисида², Фитрат лингвистик қарашида кесимнинг марказий бўлаклиги ва гапдаги тўлдирувчи иштирокининг унга боғлиқлиги³ масаласи ёритилган бўлса, француз тилшуноси Л.Теньер валентлик тушунчасининг назарий асосини ишлаб чиқди⁴.

¹Муҳаммедова С. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълининг семантикаси ва валентлиги: филол.фан.докт.дисс. –Т., 2007, 402- бет.

²Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. 1-ое изд. –М.: Уч. педиз, 1938. - 452 с.

³Қурбонова М. Фитрат-тилшунос. –Т.: Университет, 1996. –Б.12.

⁴Теньер Л. Основы структурного синтаксиса –М.: Прогресс, 1988. –с. 60.

Сўзнинг бирикиш қонунияти, валентликни тавсифлаш методикаси, айниқса, Германияда немис тилшунослари томонидан кенг тадқиқ қилинган. Бу соҳада Г.Хельбиг, А.Бальвег-Шрамм, Г.Шумахер каби олимнинг хизмати беқиёс¹.

Сўзнинг маъновий (лексик-семантик) валентлиги тушунчаси ўтган асрнинг 20–30- йилида шаклланди ва жуда тез оммалашди. XX асрнинг 40- йилида совет тилшунослигига валентлик тушунчасини С.Д.Кацнельсон олиб кирди². Маъновий ва синтактик валентлик устида олим ўртасида узок йил баҳс давом этди. Мазкур жиддий масала ечимини ўзбек тилшунос олими Р.Расулов ечиб берди³.

Олим масалани лисон – нутқ аспектида текшириб, валентлик ҳодисасини имкониятли воқелик сифатида баҳолади. Шу билан бирга, валентлик ҳодисасининг ҳам семантика, ҳам синтаксисга дахлдорлигини исботлади.

Кейинги йилда ўзбек тилшунослигида валентлик тушунчаси остида уч жиҳат фарқланмоқда:

1. Сўз валентлиги.
2. Синтактик валентлик.
3. Грамматик шакл валентлиги.

Сўз валентлиги масаласида икки муаммони бир-биридан фарқламоқ лозим:

- 1) лисоний
- 2) нутқий валентлик


Муайян бир сўзнинг маълум бир маъновий гуруҳ сўзи билан меъёрий равишда бирика олиш қобилияти сўз валентлиги. Сўзнинг лисоний валентлигидаги бу имконият семантик (маъновий) валентлик дейилади.

¹ Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. –М.: Высшая школа, 1978. –257 с.; Бальвег-Шрамм А., Шумахер Г. Словарь глагольных валентностей на семантической основе. Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XIV. Проблемы и методы лексикографии. –М.: Прогресс, 1983. -С. 201–226.

² Кацнельсон С.Д. О грамматической категории // Вестник ЛГУ. Серия истории языка и литературы. –Л.: ЛГУ, 1948. Кацнельсон С.Д. К понятию типов валентности// Вопросы языкознания. - 1987. -№ 3. -С. 21.

³ Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъли ва уларнинг облигатор валентликлари. –Т.:Фан, 1989.

Лисоний валентлик сўзнинг семантик структурасида мужассамланган яширин имконият, моҳият, умумийлик, зарурият. Нутқий валентлик эса лисоний валентликнинг рўёбга чиқишидир:



Нима учун? Қачон?

Бирикувчи сўз маълум бир маъновий туркум сўзи билан бирика олиши учун шу туркум сўзининг маълум бир синтактик шаклда бўлишини талаб этади. Сўз лисоний валентлигидаги бу жиҳат синтактик валентлик дейилади.

Маъновий ёки синтактик валентликни бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Масалан, *ширин қовун, нон ушоқларини термоқ* каби сўз бирикмасида ҳам семантик, ҳам синтактик жиҳатдан меъёрийлик мавжуд. Аммо *ширин уйқу, гап термоқ* каби сўз бирикмасида номеъёрий боғланиш бор. Шунга кўра, унда маъновий валентлик устун бўлади.

Синтактик валентлик билан маъновий валентлик ўзаро нисбий мутаносибликда боғланган бўлади, яъни ундан бири ўзгарса, иккинчиси ҳам ўзгаради. Масалан,


1. Салима китоб ёзди.
2. Салима китобга ёзди.
3. Салима учун китоб ёзди.

Баъзи ҳолатда валентликнинг бир кўриниши ўзгарса ҳам, иккинчиси ўзгаришсиз қолиши мумкин. Чунончи,

1. **Тошпўлатжон**^{фоил} **иншо**^{манаба} **ёзди**^{ҳаракат}.
2. **Иншо**^{манаба} **Тошпўлатжон**^{фоил} **томонидан ёзилди**^{ҳаракат}.
3. **Салима**^{сабабчи} **опа Тошпўлатжонга**^{фоил} **хат**^{манаба} **ёздирди**^{ҳаракат}.
4. **Тошпўлатжон**^{фоил} **ёзган**^{ҳаракат} **хат**^{манаба} ...


Мисолда синтактик валентлик ўзгарган, бироқ маъновий валентлик ўзгаришсиз қолган.

Қуйидаги мисолда эса синтактик валентлик ўзгармаса-да, маъновий валентлик ўзгарганлигини кузатамиз:





Грамматик валентлик. Морфологик шакл валентлиги. Тилга субстанциал ёндашиш нафақат луғавий шаклда, балки морфологик (грамматик) шаклда ҳам валентлик қонуниятининг мавжудлиги ҳақидаги фикрни илгари суришга асос бўла олади. Тилшуносликда **грамматик валентлик** тушунчаси грамматик шаклнинг маъновий ва синтактик томонини диалектик бирликда кўриш натижасида пайдо бўлди¹.

Лексема каби грамматик шакл ҳам валентликка эга бўлиб, у лексема валентлигини ўзгартириши, лексема валентлигига таъсир қилиши мумкин. Бошқача айтганда, аффиксал морфеманинг бирикиш қобилияти грамматик шакл валентлиги. Қуйида таркибида грамматик шакл мавжуд бўлмаган ҳамда грамматик шаклли лексеманинг бирикув имкониятини кузатайлик:



¹ Нигматов Х. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.:Фан, 1989. –191 с.; Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол ([WP_m] валентлиги аспектида): филол.фан.номз.дисс.авторреф. –Т., 1997; Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва семантик имкониятлари. филол.фан.номз.дисс.авторреф., –Т., 1996.



Ушбу лексема бирикувига жиддий аҳамият берилса, [-лар] ва [-дир] грамматик кўрсаткичининг *китоб* ҳамда *кулмоқ* лексемасининг бирикиш имкониятига таъсир этганлигини фаҳмлаш мумкин. *Китоб* лексемасининг валентлиги кўплик сон шакли [-лар] ҳисобига торайган бўлса, *кулмоқ* лексемасида бирикув имконияти [-дир] орттирма нисбат шакли ҳисобига кенгайган. Бундан ташқари *китоб* лексемаси [-им] эгалик морфемаси билан шакллантирилганда *менинг* сўз шакли билан бирикишга имконият туғилади: *менинг китобим*. Бундай хусусиятни нафақат шахс-сон ёки эгалик, балки бошқа турдаги кўшимчада ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, *келдик* шаклланган феълидаги [-к] I шахс, кўплик сон кўшимчаси *биз* олмошига; *оқаятган* сўзшаклидаги ҳозирги замонни ифодалашга хосланган *-ётган* шакли исм билан бирикишга эҳтиёж сезади.

Тил ҳодисасига субстанциал ёндашиш туркий тилнинг грамматик, хусусан, морфологик шаклда ҳам валентликни ажратиш имкониятини беради.

Маълумки, туркий тилнинг морфологик шакли асосан аффиксация - кўшимчани кўшиш усули билан ясалади ва туркий кўшимча флектив тилнинг морфологик формантидан фарқли равишда ёрқин маъновий¹ ва бу жиҳатдан лексемага ўхшаш. Чунончи, [-лар] кўплик сон шаклининг умумий грамматик маъноси, олдинги бобда кўриб ўтганимиздек, «бўлинувчан ноаниқ миқдорий кўплик» сифатида белгиланар экан, ўз-ўзидан тушунарлики, [-лар] формантли сўз шакли аниқ миқдор ифодаловчи аниқловчи билан бирика олмайди. Бирикканда эса, албатта, окказионаллик – ғайримеъёрийлик содир бўлади. Шунинг учун *юзта китоб*, *ўнинчи йил* каби бирикмага аниқланмиш кўплик шакли кела олмайди. *Юзта китоблар* бирикмаси ўзбек тили учун хос эмас, *ўнинчи йиллар* эса хусусий окказионал ёки ихтисослашган маънога эга. Бундан биз **грамматик шакл сўзнинг потенциал (лисоний) валентлигини ўзгартириши - кенгайтириши ёки, аксинча, торайтириши мумкинлиги** ҳақида хулоса чиқара оламиз. Шунинг учун грамматик шакл

¹ Гузев В.Г. Очерки по теории тюркского словоизменения: Имя. –Л., 1987; Глагол., 1990. Гузев В.Г.,Насилов Д.М. Словоизменительные категории в тюркских языках и понятие «грамматическая категория» // Советская тюркология, 1981. -№3.

валентлиги ва сўзнинг потенциал (лисоний) валентлиги орасидаги фарк грамматик шакл валентлиги билан белгиланади, деган ҳукмни илгари суриш мумкин ¹.

Грамматик шакл валентлиги ўзбек тилшунослигида мутлақо кўтарилмаган, эҳтимол, бу масала замонавий европавий тилшунослик назарияси шаклланишига асос бўлган Ҳинд-Европа тилларининг флектив табиати – бир неча грамматик шакл-категория маъносининг битта кўрсаткичда мужассам ифодаланиши билан боғлиқ бўлса ажаб эмас. Агглютинатив табиатли туркий тилларда грамматик шакл-категориянинг кўпинча алоҳида-алоҳида формант билан ифодаланиши ҳар бир грамматик шакл-категориянинг нисбий мустақил ҳодиса сифатида ажратилиб, унинг валентлик қобилиятини ёрқинроқ очиш ва тавсифлашга имконият беради.

Хусусан, туркий тилнинг синтактик шакли ёки алоқа-муносабат шакли деб тасниф этилувчи (Ҳ.Неъматов, Ғ.Зикриллаев, Латипов Ҳ, Б.Баҳриддинова) категорияси² шаклида валентлик қобилияти яққол кўзга ташланиб туради. Чунончи, қаратқич келишиги албатта, эгалик қўшимчали қаралмишни талаб қилади. Шу асосда биз бемалол айта оламизки, эгалик қўшимчали қаралмиш ёки эгалик қўшимчаси қаратқич келишигининг зарурий валентлигидир: қаратқич келишиги шакли эгалик қўшимчали қаралмишсиз қўлланилмайди. Лекин эгалик қўшимчаси қаратқич келишиги қўшимчаси билан бирика олиш қобилиятига эга. У бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, қаратқич келишиги ва эгалик қўшимчасининг валентлик – кенгайиш, бошқа бир birlik билан кенгайиш эҳтиёжи бир хил эмас ва лексик-семантик валентликнинг зарурий (облигатор) ва имконий каби турга ажралиши билан уйғун; қаратқич шаклида эгалик қўшимчаси билан бирикиш зарурий (облигатор) валентлик бўлса, эгалик қўшимчасининг қаратқич келишикли шакл билан бирикиши имконий (факультатив – бўлиши ҳам бўлмаслиги ҳам мумкин

¹ Нигматов Х. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т., 1989. – 191с; Акромов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол. ([WP_m] валентлиги аспектида). НДА, –Т., 1997; Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва семантик имкониятлари: филол.фан.номз.дисс.автореф. –Т., 1996.

² Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Зикриллаев Ғ. Истиклол ва адабий тил. –Т.: Фан, 2004; Б.Баҳриддинова. Фейл луғавий шакли тизими. Фейлнинг тур категорияси: филол.фан.номз.дисс.автореф. –Т., 2002.

бўлган) валентлик. Фақат бу ҳодиса энди лексик бирлик доирасида эмас, грамматик формантга ҳам хос.

Грамматик шакл валентлиги атамаси тушунчасидан С.Х.Муҳамедова ўз докторлик диссертациясида фойдаланган¹. Ўз тадқиқотининг 2-бобида («Ўзбек тилидаги ҳаракат феълининг семантик валентлиги») агенс, пациенс, локалис ва эмотив валентликни кўриб ўтади². С.Муҳаммедова грамматик шакл семантикасининг валентлигини қуйидагича шарҳлайди: «Бунга (грамматик шаклнинг семантикаси валентлиги – изоҳ бизники М.А.) агенс, контрагенс, пациенс (зарурий) ва пайт (факультатив) валентлиги киради. Феъл грамматик шаклининг семантикаси унда агенс, контрагенс, пациенс ва пайт валентлигининг юзага келиши учун асос бўлади»³.

Бу шарҳдан кўриниб турибдики, С.Муҳамедова грамматик шакл семантикаси валентлигини тамоман бошқача тушунади ва унга қадар юқорида санаб ўтилган валентлик лексик-семантик валентликнинг бир тури сифатида тавсиф этилар эди. Буни диссертантнинг ўзи ҳам тан олади: «Агенс валентлигини И.Кўчқортоев ва Р.Расулов семантик валентлик қаторига киритишади. Мазкур йирик тадқиқот асосида юзага келган бир қатор номзодлик диссертациясида ҳам шу анъана сақланган»⁴. Тадқиқотчи агенс валентлигини грамматик шакл семантикаси валентлиги сифатида лексик-семантик валентликдан ажратиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қуйидагича асослайди: «Аслида рус ва Европа тилшунослигида агенс валентлиги мантиқий валентлик ҳисобланади. Агенс валентлиги учун бу тўғри, чунки ҳаракатнинг бажарувчиси агенс бўлади. Мазкур тиллардаги феъл кесимда бажарувчини кўрсатувчи морфологик шакл йўқ. Шунинг учун агенснинг ким ёки нима эканлиги мантиқий англашилади. Аммо бу туркий тилларда бошқача. Унда кесимнинг грамматик шаклидан

¹Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълининг семантик ва валентлик хусусияти: филол.фан.докт.дисс.автореф. –Т., 2007.

² Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълининг семантикаси ва валентлиги. –Т.: Фан, 2005. –Б. 122.

³ Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълининг семантик ва валентлик хусусияти филол.фан.докт.дисс.автореф. –Т., 2007, –Б. 48, 28–29- б.

⁴ Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълининг семантик ва валентлик хусусияти. филол.фан.докт.дисс. –Т., 2007. 239–240- б.

агенсинг ким ёки нима эканлиги, бир ёки бирдан ортик экаанлиги билинади.¹ Масалан, *Синглим ҳозиргина уйидан келди* гапида феъл кесим III шахс бирлик ва ўтган замон кўшимчасига эга. Шунга кўра, у агенс ва пайт билдирувчи сўз билан алоқага киришади. Ушбу валентлик феълнинг шаклий ва семантик мослашувига биноан намоён бўлди, яъни бу гапда феъл кесим ҳам, агенс ҳам III шахс бирликни кўрсатапти. Феъл ўтган замон кўрсаткичига эга ва реаллашган *ҳозиргина* сўзи ҳам унга мос. Агар гап *Синглим билан қизи ҳозиргина уйидан келишди* кўринишига эга бўлса, агенсни яна биттага ошириш имкони туғилади. Ёки *Акам кеча безори билан роса дўппослашибди* гапида биргалик нисбати агенс эмас, балки контрагенс валентлигини юзага келтирганини кузатиш мумкин. Кўринадики, феълга нисбат, шахс-сон, замон кўшимчасининг кўшилиши лексема лисоний валентлигини ўзгартирди. Юқоридаги фикрга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, агенс валентлиги туркий тиллар учун грамматик шаклнинг семантикаси валентлиги ҳисобланади.»²

Тадқиқотчи бунда икки ҳодисани – гапнинг эгаси ва ҳаракат фоили (бажарувчиси, субъекти) – ўзаро аралаштиргандек кўринади. Ҳақиқатдан ҳам, эганинг шахс-сони ва мавжудлиги кесимдаги шахс-сон кўшимчасидан англашилиб туради. Лекин феълнинг агенс валентлиги, проф. Р.Расулов атрофлича очиб берганидек³, эгадан бошқа позицияда ҳам кела олади. Шунинг учун агенс валентлиги билан гап эгаси тушунчасини аралаштириш мутлақо мумкин эмас. Проф. М.Қурбонова, қисман Ш.Акрамов тадқиқотида кўрсатганидек, айрим ҳолда феъл кесим вазифасида келганда семантик валентликнинг агенс актанти билан гапнинг эгаси ўзаро мос келиши мумкин. Масалан, *Биз китобни ўқидик*. Лекин *Биз ўқиган китоб қизиқарли эди* гапида бундай мувофиқлашув йўқ. Феъл агенси ва гап эгаси мавқеида бошқа-бошқа сўз келган. Шунинг учун грамматик шакл валентлиги сифатида агенс (шунингдек, контрагенс ва пациенс) валентлигини ажратиш мумкин эмас. Агенс валентлиги лексик-семантик валентликнинг бир кўриниши бўлиб қолаверади. Тамоман бошқа

¹ Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 2004, 182- б.

² Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълининг семантик ва валентлик хусусияти: филол.фан.докт.дисс. –Т., 2007. 240- б.

³ Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъли ва уларнинг облигатор валентликлари. –Т., 1989, 141- б.

ҳолатни – ўтимсиз феълнинг орттирма нисбат шаклида объект валентлигида (Чунончи, *Хушхабар келди – Салимжон хушхабар келтирди*) ва ўтимли феълнинг орттирма нисбат шаклидаги агентив воситали тўлдирувчисиди (*Салимжон бу хатни ёзди – Каримжон Салимжонга бу хатни ёздирди*) кўрамиз. Бунда пациенс ва воситали агентив объект валентлиги ҳақиқатдан ҳам грамматик шакл – орттирма нисбат шакли билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун бу китобдаги грамматик шакл валентлигини С.Муҳамедованинг грамматик шакл семантикаси валентлиги тушунчаси билан мутлақо тенглаштириш мумкин эмас.

Китобдаги грамматик шакл валентлиги тушунчасининг асоси ўзбек тилшунослигида илк марта М.Абузалованинг «Ўзбек тилида гапнинг минимал қолипи ([WP_m])нинг нутқда кенгайишида икки омил – кесимнинг луғавий (номинатив) асоси – [W] ва унинг грамматик шакли – кесимлик категорияси [P_m] билан – мавжудлиги ташкил этади. Гапнинг грамматик шакл (кесимлик шакли – [P_m]) асосида кенгайиши том маънода грамматик шакл валентлигининг воқеланиши. Бу валентликнинг воқеланишида кесимнинг лексик (номинатив) асоси ([W]) мавқеида ўтимли-ўтимсиз феъл келганда грамматик шакл (кесимлик категорияси, [P_m]) валентлиги билан феълнинг лексик-семантик валентлигининг мувофиқлашуви, мос келиши (симметрияси) ва мос келмаслиги (номувофиқлиги, асимметрияси) қисман М.Курбонова, Ш.Акрамов ишида кўриб ўтилган¹. Грамматик шаклнинг валентлиги муаммоси Ш.Шаҳобиддинова ишида ҳам, Б.Менглиев тадқиқотида ҳам кўтарилган². Лекин бу тадқиқотларда мазкур масала махсус тадқиқот манбаи бўлган эмас ва сўз шаклининг функционал (нутқда воқеланиш) томони билан боғлиқ равишда йўл-йўлакай эслатиб ўтилган, холос.

Грамматик валентлик тушунчаси ва ҳодисасини алоҳида фарқлаш ва таҳлил этишни туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида сўз бирикмасида таркибий қисмнинг икки томонлама алоқаси ҳам тақозо қилади.

¹ Курбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. (Содда гап синтаксиси учун материаллар) –Т., 2002, 120- б; Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол. ([WP_m] валентлиги аспектида): филол.фан.номз.дисс.авторреф. –Т., 1997.

² Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва семантик имкониятлари: филол.фан.номз.дисс.авторреф. –Т., 1996. Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: филол.фан.номз.дисс.авторреф. –Самарқанд, 1993.

Туркийшуносликда бу масала М.Б.Балакаев, Е.И.Убрятова, К.М.Абдуллаев томонидан кўтарилиб¹, формал-функционал тадқиқ тезисининг иккинчи Мақ.асида² ва шу асосда тадқиқотчи С.А.Назарованинг изланиши натижасида³ кенг ёритилган. Сўз бирикмасида алоқанинг икки томонламалигининг моҳияти шундан иборатки, бирикманинг бир таркибий компоненти иккинчи компонентидан маълум бир шаклда келишни талаб қилса, иккинчи компонент биринчи компонент шакли билан бирика олиш қобилиятига эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, сўз бирикмасида грамматик шаклнинг облигатор ва факультатив (имконий) валентлиги ўзаро уйғунлашади. Чунончи, *Салиманинг китоби* сўз бирикмасида биринчи тобе компонент облигатор валентликка эга ва эгалик қўшимчали ҳокимни талаб қилади, эгалик қўшимчали ҳокимсиз меъёрий нутқда тўлиқ шаклда воқелана олмайди.

Иккинчи компонент эса қаратқич келишиги шаклидаги тобе компонент билан бирикиш имкониятига, яъни имконий (факультатив) валентликка эга ва *Салиманинг китоби* сўз бирикмасида икки грамматик шаклнинг – облигатор валентликли қаратқич шаклининг ва имконий (факультатив) валентликли эгалик шаклининг валентлиги ўзаро уйғунлашади. Шунинг учун валентлик нуқтаи назаридан *Салиманинг китоби* сўз бирикмасининг моделини қуйидагича кўрсатиш мумкин: [грамматик шаклнинг облигатор валентлиги + грамматик шаклнинг факультатив валентлиги]. Туркий тилда грамматик валентлик масаласи эндигина тадқиқ этилаётганлиги сабабли ўзбек тилида мавжуд бўлган сўз бирикмасининг валентлик бўйича қобилиятини тўла бера олмаймиз, лекин валентлик асосан икки хил: зарурий (облигатор) (қисқ. З) ва имконий (факультатив, қўшимча) (қисқ. И) каби икки асосий кўринишга эга

¹Балакаев М.Б.Современный казахский язык. Синтаксис. -Алма-Ата, 1959. Убрятова Е.И. Исследования по синтаксису якутского языка. –Т. I. –М.: Л. 1950.

²Х.Г.Нигматов, К.М.Абдуллаев, В.И.Банару, Х.Х.Халияров, Н.М.Махмудов, А.Нурманов, Р.Р.Сайфуллаева. Способы синтаксической связи и актуальные вопросы тюркского синтаксиса (тезисы) // Советская тюркология, 1988. -№4. с. 3–8.

³Назарова С. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари: филол.фан.номз.дисс.автореф. –Т., 1997. 21- б.

бўлганлиги сабабли ўзбек тилида сўз бирикмасининг валентлик хусусиятига кўра мантикий – риёзий турини қуйидагича бериш мумкин:

1. [З + З] 2. [З + И] 3. [И + З] 4. [И + И]

Бу мантикий-риёзий турдан қайсиси ўзбек тилида воқеланади, қайсиси воқеланмаслиги алоҳида тадқиқот манбаи бўлмоғи лозим. Лекин бу ўринда ҳам бу турни ҳисобга олиш зарур. Жумладан, юқорида кўрилганидек, *Салиманинг китоби* сўз бирикмасида грамматик шаклнинг бирикиш қобиляти [З + И].

Кўп ҳолда лексик-семантик валентлик ва грамматик валентлик нутқий ҳосила таркибида бирга воқеланади. Чунончи, ўтимли феълнинг облигатор валентлиги воситасиз тўлдирувчи билан бирикишни ташкил этади ва буни биз $V^r \rightarrow O^{rec}$. (ўтимли феъл ва воситасиз тўлдирувчи) кўринишида бера оламиз. Грамматик нуқтаи назардан биз айта оламизки, тушум келишигининг зарурий (облигатор) валентлиги ўтимли феъл. Лекин бу валентлик лексик-семантик валентлик. Агар лексик-семантик валентлик тури ҳам Z^L , I^L , Z^G , I^G сифатида белгиланса, *китобни ўқимоқ* бирикмасининг валентлик чизмасини қуйидагича бериш мумкин: [$Z^G + Z^L$].

Валентликни грамматик ва лексик-семантик, унинг зарурий ва имконий кўриниши Z^L , I^L , Z^G , I^G кабига ажратилса, бирикишнинг мантикий – риёзий кўриниши қуйидагича бўлади:

	Z^L	I^L	Z^G	I^G
Z^L	$Z^L + Z^L$	$Z^L + I^L$	$Z^L + Z^G$	$Z^L + I^G$
I^L	$I^L + Z^L$	$I^L + I^L$	$I^L + Z^G$	$I^L + I^G$
Z^G	$Z^G + Z^L$	$Z^G + I^L$	$Z^G + Z^G$	$Z^G + I^G$
I^G	$I^G + Z^L$	$I^G + I^L$	$I^G + Z^G$	$I^G + I^G$

Бу мантикий – риёзий тур тил тизимидаги лексик-семантик ва грамматик валентликнинг нутқ жараёнида ҳамкорликда воқеланишини кўрсатади.

Грамматик шакл ўзбек тилида ўзига хос валентликка эга бўлса, у лексик-семантик валентликка, хусусан, грамматик шакл-категория валентлиги ўзи қўшилиб келадиган сўзнинг лексик-семантик валентлигига қандай муносабатда туради, деган саволнинг қўйилиши табиий. Бу

масалани бошқача қилиб, лексеманинг потенциал лексик-семантик валентлиги билан шу лексема маълум бир морфологик шаклда (сўзшакл кўринишида) воқеланишидаги валентлиги орасида қандай муносабат мавжуд деган шаклда ҳам, ёки сўзнинг лисоний лексик-семантик валентлиги ва сўзшакл валентлиги сифатида ҳам қўйиш мумкин.

Сўзнинг лисоний лексик-семантик валентлиги ва сўзшакл валентлиги. Нутқ жараёнида воқеланганида табиийки лисоний лексема маълум бир сўзшакл сифатида, маълум бир синтактик позицияда воқеланади. Лексеманинг лисоний (потенциал) лексик-семантик валентлиги бу жараёнда грамматик шакл валентлиги билан бирикади. Буни бир мисолда кўриб чиқамиз. Валентлик жиҳатидан ўта заиф, кучсиз бўлган *китоб* лексемасини олиб кўрайлик. Бу сўзнинг нутқда синтактик бирикувчанлик қобилияти (валентлиги) қатъий белгиланмаган ва сўзнинг семантикаси ҳамда у боғлиқ бўлган денотат билан чегараланади. Бу жиҳатдан *китоб* лексемаси нутқда *китоб* денотатининг (предметининг) зотий (онтологик, табиий, маъёрий) хусусиятини ифодалайдиган белги номи (сифат) билан (Чунончи, катта, кичик; янги, эски; қизиқарли, мароқли; чиройли, хунук..... ва ҳ.к.) постпозицион ҳолатда (аниқланмиш сифатида); турли хил ҳаракатни ифодаловчи феъл билан (Чунончи, ўқимок, ёзмок.....; олмок, бермок.....); таркибий қисм (бет, варақ, муқова, чет, ўрта, ҳошия...), ўрин маъноли сўз билан препозицион ҳолатда бирика олади ва унинг имконияти беҳад кенг. *Китоб* лексемаси сўзшакл сифатида нутқда *китобнинг* ёки *китобга*, *китобларда*, *китобим* ва ҳ.к. тарзда воқеланганда бу имконий валентлик грамматик шакл валентлиги таъсирида анча ўзгаради. Чунончи, *китобнинг* сўзшакли энди феъл билан бирика олмайди, ёки *китобга* сўзшакли ўтимли феъл билан бирика олиш хусусиятига эга бўлмайди.

Сўзнинг лексик-семантик (потенциал) валентлигига грамматик валентликнинг таъсирини икки ўзаро боғлиқ, лекин нисбатан мустақил соҳа морфологик шакл ва синтактик позиция (мавқе), (морфологиянинг синтаксис билан алоқаси, морфологик шакл ва синтактик позициянинг ўзаро алоқадорлиги ва нисбий мустақиллиги, бошқача қилиб айтганда, морфология ва синтаксис симметрияси ва асимметрияси Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Б.Менглиев, Ҳ.Усмонова, М.Қурбонова ишида махсус

ўрганилган ва илмий адабиёт келтирилган) морфология ва синтаксис томондан ҳисобга олиш лозим бўлади. Шунинг учун грамматик валентликнинг ўзини иккига: а) морфологик шакл (категория) валентлиги; б) синтактик мавқе (позиция) валентлиги каби иккига ажратиш зарур.

Морфологик шакл валентлиги. Грамматик шакл валентлиги тилшуносликда махсус ажратилмаган ва тадқиқ этилмаган масаладан. Лекин шакл ясалишининг сўз ясалишига муносабати тилшуносликда жуда кенг муҳокама этилган¹.


Сўз ўзгартириш айрим жиҳати билан сўз ясалиши билан тўқнашар экан ва сўз ясалиши сўзнинг маъносини ўзгартириш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли сўзнинг семантик валентлигига таъсир этмай қўймайди. Лекин морфологик шаклнинг валентлиги бу билан чекланиб қолмайди. Ўзбек тилининг морфологик категорияси сўзнинг валентлиги (бирикувчанлиги)га таъсирига кўра икки гуруҳга ажратилиши мумкин. Морфологик категориянинг сўзнинг бирикувчанлигига таъсирига кўра синтактик ва носинтактик турга ажратилиши илдизи араб ва ҳинд тилшунослигига бориб тақалади. Гап таркибида сўз бирикмаси ичида унинг таркибий қисмини бир-бирига боғлашга хизмат қиладиган морфологик шакл **синтактик категория**, сўзни бир-бирига боғлашга эмас, унга қандайдир қўшимча маъно беришга хизмат қиладиган шакл **носинтактик** категория деб тасниф этилади. Бу масала С.Кацнельсон, А.В.Бондарко, Ҳ.Ғ.Неъматов, Ғ.Н.Зиқриллаев кабининг грамматик категория таснифи бўйича тадқиқотида батафсил ёритилган² ва

¹ Севортян Э.В. Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке. –М., 1962. –с. 31–32; Севортян Э.В. Аффиксы именного словообразования в азербайджанском языке. –М. 1966; Гузев В.Г., Насилов Д.М. Словоизменительные категории в тюркских языках и понятие «грамматическая категория»//СТ. 1981. –№3. –с. 36–41; Закиев М.З. К вопросу о категории падежа в тюркских языках//Проблемы тюркологии и истории востоковедения. –Казань, 1964; Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. Т.П.Ч. 1. –М., 1952; Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. –Т.: Ўқитувчи, 1979. –80; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Султонсаидова С. Ўзбек тилидаги грамматик категориянинг ўзаро муносабати. ДДА, –Т., 1994; Фозилов Э. Фель даража ясовчи аффиксларининг тарихи. ЎТА, –№3, 1960; Нигматов Х.Г., Цалкаламанидзе А.А. Семантика синтаксические группы глаголов и значение залоговых аффиксов в узбекском языке. Советская тюркология. –№3, –Баку, 1979; Фуломов А. Фель. –Т., 1954; Ҳожиев А. Фель –Т., 1973; Аъламова М. Ўзбек тилидаги фельда нисбат категорияси. –Т.: Фан, 1992.

² Бондарко А.В. Классификация грамматических категорий. В сб. «Типология грамматических категорий» –М. 1975; Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. Л. Нигматов Х.Г.

Б.Менглиевнинг номзодлик диссертациясида махсус тадқиқ этилган¹. Шунинг учун бу масалага алоҳида тўхталмай, морфологик шакл валентлиги деганда нима тушунилиши лозимлигини шарҳлаш билан чекланиш мақсадга мувофиқ.

Бунда синтактик сифатда тасниф этиладиган келишик, эгалик, кесимлик, нисбат каби шаклнинг ўзига хос валентликка эга эканлиги ҳақида алоҳида тўхталмаса ҳам бўлади. Чунки бу категорияни синтактик деб тасниф этилишининг ўзида унинг сўзнинг синтактик бирикувчанлигини ўзгартириш хусусиятига асосланилган ва ҳар бир синтактик шакл сўзнинг лексик-семантик валентлигига қандай ўзгартириш киритса, бу ўзгартириш бевосита морфологик шакл валентлиги билан боғлиқ, яъни:



Бунинг ёрқин намунасини орттирма нисбат шаклида кўриш мумкин. Чунончи, *юрмоқ* феъли ўтимсиз бўлиб, воситасиз тўлдирувчи билан бирика олмайди, лекин бу феълнинг орттирма нисбат шакли бундай қобилиятга эга: *Машина юрди* → *Ҳайдовчи машинани юргизди*. Демак, орттирма нисбатнинг валентлик қобилиятидан бири ўтимсиз феълни ўтимли феълга айлантириш.

Ўтимли феълга қўшилган орттирма нисбат қўшимчаси ўтимли феълнинг ҳаракатга ундаладиган бажарувчи (субъект) маъноли воситали тўлдирувчи билан бирикиш имкониятини кенгайтиради². Чунончи, *Моҳигул кир ювди* → *Онаси Моҳигулга кир ювдирди*. *Ювмоқ* феъли


Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. –Т.: Фан, 2004.

¹ Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва семантик имкониятлари: филол.фан.номз.дисс.автореф. –Т., 1996.

² Иванов С. Родословное древо тюрков Абулгази-хана –Т.:Фан, 1969; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Султонсаидова С. Ўзбек тилидаги грамматик категориянинг ўзаро муносабати: филол.фан.докт.дисс.автореф. –Т., 1994; Фозилов Э. Феъл даража ясовчи аффиксларининг тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1960, -№3; Нигматов Х.Г., Цалкаламанидзе А.А. Семантика синтаксические группы глаголов и значение залоговых аффиксов в узбекском языке. Советская тюркология. –Баку. 1979, -№3; Ғуломов А. Феъл. –Т., 1954. Ҳожиев А. Феъл. –Т., 1973; Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълда нисбат категорияси. –Т.: Фан, 1992.

орттирма нисбат шаклини қабул қилмасдан олдин шу мазмундаги воситасиз тўлдирувчи билан бирикиш қобилиятига эга эмас эди. Чунки *ювмоқ* феъли билан бириккан жўналиш келишигидаги воситали тўлдирувчи ҳаракатга ундаладиган бажарувчи маъносига эмас, балки тамоман бошқа – адресат (ҳаракат ёки унинг натижаси кимга/нимага қаратилган объект ёки мақсад ҳоли) маъносига эга бўла олар эди: *Моҳигул бувисига/бувиси учун кир ювди*.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ортторма нисбат шакли сўз валентлигини битта актантга оширади. У актант гапда воситасиз ёки воситали тўлдирувчи мавқеида келади ва буни қуйидагича кўрсатиш мумкин:



Демак, морфологик шаклнинг валентликка таъсирли кўринишидан бири сўзнинг лексик-семантик валентлигини маълум бир актантга оширишдан иборат(**1-ҳолат**).

Шундай, яъни сўзнинг лексик семантик валентлигини кенгайтириш хусусиятини эгалик кўшимчасида ҳам кўриш мумкин. Эгалик кўшимчали сўзшакл қаратқич келишикли сўзшакл билан бирикиш қобилиятига эга. Чунончи, *китоб* лексемаси қаратқич келишикли тобе бўлак билан бирикиш қобилиятига эга эмас. Эгалик кўшимчали *китобим китобинг/китоби/китобимиз/китобингиз/китоблари* сўзшакли эса бундай қобилиятга ва қаратқич келишикли аниқловчи билан бирикиш имкониятига - [И^Г] га эга. Буни қуйидаги чизмада бериш мумкин:

<p>эгалик ли сўзшакл валентлиги</p>	<p>эгаликсиз сўзшакл валентлиги</p>	<p>эгалик морфологик шакли валентлиги= қаратқичли аниқловчи</p>
---	---	---

Бошқа ҳолатда олиб кўрайлик: *Моҳигул кир ювди* → *Кир ювилди*.

Бу ҳолат орттирма нисбат билан бўлган ҳодисанинг тескарисини – ўтимли феълнинг воситасиз тўлдирувчи билан бирикиш қобилиятини йўқотишидек туюлади. Лекин моҳиятан ҳолат ўзгача. Чунки *ювилди* сўз шакли *ювмоқ* феълидан фарқли равишда воситасиз тўлдирувчи билан бирикиш қобилиятига эга бўлмаса-да, янги бир агентив маъноли воситали тўлдирувчи билан кенгайиш имкониятини беради. Чунончи, *Кир Моҳигул томонидан/тарафидан ювилди*. *Ювмоқ* воситасиз тўлдирувчи билан бирикиш қобилиятини мажхул нисбат шакли таъсири остида йўқотади, лекин янги турдаги воситали тўлдирувчи билан бирикиш қобилиятини қабул қилади. Худди шу ҳодисани *Шамол эшикни очди* → *Эшик шамол билан очилди* турдаги ҳосилада ҳам кўриш мумкин.

Демак, морфологик шакл валентлик қобилиятининг **2-ҳолати** сўзшакл валентлигининг лексема валентлигига нисбатан актант миқдорини эмас, сифатини (турини) ўзгартириши. Шундай хусусиятни биргалик нисбатида ҳам кўриш мумкин: *Бувисига кир ювди* – *Бувисига кир ювишиди*.

Бошқа турдаги **3-ҳолатни** кўриб ўтайлик: *Моҳигул қўл-бетини ювди* → *Моҳигул ювинди*. Бу ҳолатда *ювинмоқ* феъли воситасиз тўлдирувчи билан бирикиш қобилиятини тамоман йўқотади ва ўтимсиз феълга орттирма нисбат шакли қўшилганда содир бўладиган ҳолатнинг аксини кўрамай.

Моҳигул ўқиди ва ёзди → *Моҳигул ўқиб ёзди* (**4-ҳолат**). *Ўқиб* сўзшакли *ўқимоқ* сўзидан фарқли равишда бошқа бир феълга тобеланиш, боғланиш [З^Г]га эга. Бундай валентлик *ўқимоқ* шаклининг ўзида йўқ эди. Морфологик шакл валентлиги лексема моҳиятида мавжуд бўлган имкониятни қўзғатди.

Юқорида лексеманинг лисоний лексик-семантик валентлигига грамматик шаклининг таъсири устида тўхталиб, келтирилган айрим мисол

асосида унинг валентликка таъсири кўринишини ажратиш асосида куйидаги ҳолат кузатилди:

1) морфологик шакл валентлиги сўзнинг лексик-семантик валентлигини актант ҳисобида оширади (*Салимнинг китоби*).

2) морфологик шакл валентлиги лексема валентлигига нисбатан актант миқдорини эмас, сифатини ўзгартиради (*Салим хатни ёзди* → *Хат Салим томонидан ёзилди*).

3) морфологик шакл валентлиги лексема валентлигига нисбатан актант миқдорини камайтиради (*Ўнта китоб ... китоблар*).

4) морфологик шакл валентлиги лексема зотида (моҳиятида) мавжуд бўлган имкониятни «қўзғатади» (*Салим ўқиди ва ёзди* → *Салим ўқиб ёзди*).

Куйида айрим шаклнинг сўз валентлигига таъсири кўриб ўтилади.

Лексема семантик-синтактик валентлигига сон категорияси шаклининг таъсири. «Шаклсиз ҳолат» (доминанта) билан шаклли ҳолат – кўплик, [-лар] қўшимчали шакл зидланиши ҳақида гап бораркан, масала [-лар] морфемаси «шаклсиз ҳолат» валентлигига қандай таъсир кўрсатади, уни қандай ўзгартиради? деган тарзда қўйилиши лозим ва бу саволга ўзбек тилшунослиги валентлик нуқтаи назардан бўлмаса-да аллақачон узил-кесил жавоб берган: [-лар] шакли «шаклсиз ҳолат»нинг аниқ миқдорни ифодалайдиган сонлар билан бирикиш қобилиятини йўқотади. Ўзбек тилида *икки/иккита китоблар, ўн бешта китоблар, бир юз йигирма битта китоблар* каби бирикув хос эмас. Ваҳоланки, *бир китоб, икки китоб, ўн беш китоб* каби бирикув меъёрий. Мана шу асосда кўплик соннинг умумий грамматик маъноси «ноаниқ кўплик» сифатида белгиланган¹. Шу билан бирга, кўплик сон умумий маъносида бўлинувчанлик маъноси бўлинмаслик яхлитлигидан кўра кучлироқ бўлганлиги сабабли тур, хил, ранг-барангликни таъкидловчи сифат ва сон аниқловчи билан кўплик шаклининг бирикиши бирлик сон формасидан кўра қулайроқ.

¹ Иванов С.Н. Курс турецкой грамматики. Ч.1. –Л.: ЛГУ, 1975; Ч.П. Л.: ЛГУ, 1974; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: филол.фан.номз.дисс.автореф. –Самарқанд, 1993.

Хулоса шуки, кўшлик сон морфологик шакли умуман олганда нинг лексик валентлигини чекловчи – унинг аниқ миқдорни ифодаловчи аниқланмиш билан бирикишига монъелик қилувчи шакл сифатида қаралиши лозим. Шунинг учун ўзбек тилида «бир минг тўққиз юз саксон иккинчи йилларда» каби бирикмада аниқ миқдор маъноси эмас, балки маълум бир чегара – 81–83- йиллар оралиғи англашилади.

Лексема семантик-синтактик валентлигига субъектив баҳо категорияси шаклининг таъсири. Ҳозирги ўзбек тилидаги *-ча, -гина, -чоқ, -чак, -чиқ, -лоқ, -жон, -кон, -хон, -гина* каби модал муносабатни кўрсатувчи шакл, асосан, от ва сифат таркибида ўрганилиб, субъектив баҳо шакли (формаси) термини билан юритилади.

Туркологияда, хусусан, ўзбек тилшунослигида бу категория шакли, ҳар бир шаклнинг маъновий, услубий хусусияти, унинг ҳосил бўлиш йўли хусусида салмоқли иш қилинган¹. Дарслик ва қўлланмада субъектив баҳо категорияси шакли турлича ном – «нокатегориал шакл»², «модал форма»³, «нопарадигматик морфема»⁴, «луғавий шакл»⁵ остида атрофлича ўрганилган.

Бу ҳосиланинг номланиши масаласида бир изоҳ бериш шарт. Бу ҳам бўлса «нокатегориал шакл» (А.Ҳожиев, У.Турсунов) ва «нопарадигматик морфема» (Ш.Раҳматуллаев) каби номланиш. Бу ҳосилани «нокатегориал», «нопарадигматик» деб талқин этиш масалан, *китобча* ёки *Салимахон* шакли *китоб* ва *Салима* шаклидан узилган, у билан

¹ Абдуллаев А. -гина интенсивлик ифодаловчи аффикс сифатида// Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 5-сон; Айюб Ғуломовнинг илмий мероси (3-китоб)/ Морфемикага оид мақолалар. –Т., 2007; Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўзнинг морфологик хусусияти: филол.фан.докт.дисс.автореф.–Т., 1965; Шамсиева М. Ўзбек тилида субъектив баҳо билдирувчи // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 4- китоб, –Т., 1962; Ғозиева Ш. Ўзбек тилида субъектив баҳо ифодаловчи форма ясовчи аффиксларнинг баъзи семантик хусусияти ҳақида// Ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий асарлар. –Т., 1975, 475- чиқиш; Ҳамдамова И. Ўзбек тилида -гина элементи ва унинг маъноси// Ўзбек тили ва адабиёти, 1961; 4- сон. Ҳожиев А. Модал ёки субъектив баҳо формалари ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти, 1978, 1- сон.

² Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 274-б.; Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Педагогика институтлари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1980.

³ Ўзбек тили грамматикаси. I том. –Т.: Фан, 1975, 300- б.

⁴ Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o`zbek tili. –Т., 2006, 149- б.

⁵ Ne'matov H., Gulomov A., Qodirov M., Abduraimova M. Ona tili. 6- sinf uchun darslik. –Т., 2001. 74- б.; Mahmudov H., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. 6- sinf uchun darslik. –Т., 2005. 116- б.

парадигматик алоқада турмайди, дейиш билан баравар. Ваҳоланки, бу тафаккур учун хос эмас. Шунинг учун субъектив баҳо шаклини биз парадигмада, чунончи,

Китоб ↔ китобча

Салима ↔ Салимахон

↕

Салимажон

↕

Салимаой

↕

Салимабону....

тарзида таҳлил қиламиз ва диққатимиз асос шаклининг (шаклсиз ҳолатнинг) валентлигига қўшимча қанақа ўзгартириш киритишини - бошқача қилиб айтганда, ҳосила шакли (қўшимчали шакл) ҳамда асос семантик синтактик валентлиги орасида қандай фарқ мавжудлигини аниқлашга қаратилган бўлади. Бу қўшимча воситасида ясалган шакл субъектив баҳо шаклининг морфологик усул билан ифодаланиши деб қабул қилинади. Табиийки, бунда субъектив баҳо шаклининг ўзига хос бир хусусияти – унда ихтисослашиш ва лексикализациянинг ўта кучлилигини инобатга олиб, «ясама шакл» ва «ясалган шакл» тушунчасини изчил фарқлаган ҳолда фикр юритилади. «Ясама шакл» ва «ясалган шакл» тушунчасини фарқлашда биз проф.Х.Неъматов изидан бориб¹, «ясама шакл» деганда луғавий маъноси шу шакл учун асос бўлган сўздан фарқланмайдиган, шунинг учун умумий маъноси [луғавий асос+қўшимча = асос шаклининг луғавий маъноси + субъектив баҳо қўшимчасининг маъноси] қолипи асосида воқеланадиган ҳосиланигина тушунамиз. Чунончи, *қўл-қўлча: Болани қўлидан ушлаб борарди - Болани қўлчасидан ушлаб борарди* ёки *Салимахон, кетдик ~ Салима кетдик*. Нутқий маъноси бу қолип асосида ҳосил бўлмай, ихтисослашган ва тўлиқ лексикализациялашган ҳосила, чунончи, *рўмолча, кўрпача, олча, қизилча, боғча, қўғирчоқ*, шунингдек, субъектив баҳо қўшимчали антропоним (*Ойхон, Норжон, Норбиши, Қулжон, Амирхон....*) **я с а л г а н**

¹ Неъматов Х. Сўз ясаш қолипи, ясалган ва ясама сўз хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1-сон.

(яхлитланган) деб саналиб, субъектив баҳо шакли парадигмасидан чиққан сифатида қаралади. Субъектив баҳо қўшимчасининг валентликка таъсирини я с а л г а н шаклда эмас, фақат я с а м а л а р таркибидагина таҳлил этиш мумкин.

Субъектив баҳо маъносининг фонетик (*ота: : жон, Салим – Палим...*), лексик (*пари, пошшо, бек, бегим...*), морфологик (*гулча, қизалоқ, қизгина, Салимжон ...*), синтактик йўл билан ифодаланиши кўпчиликка аён. Аммо субъектив баҳонинг ифодаланишида морфологик усул энг маҳсулдор ҳисобланади. “Ўзбек тилида «субъектив баҳо» ифодаловчи формадан характерлиси кичрайтириш ва эркалатиш маъносини билдирувчи аффиксдир”¹.

Кичрайтириш маъносини ифодалашда *-ча, -чоқ, -лоқ/-алоқ, -чак, -чиқ* шакли қўлланилади.

-ча элементи ҳам жонли, ҳам жонсиз предмет номига қўшилиб, кичрайтириш, эркалаш, камситиш маъноли ҳосил қилади: *китобча, етимча, отинча, ўғилча* каби. *-ча* нинг маънодоши бўлган *-чоқ* шаклининг биринчидан, бирикиш қобилияти анча чекланган, иккинчидан эса фақат жонли предмет номига бирикади: *тойчоқ, қўзичоқ* каби. Мазкур шаклнинг бирикиш хусусиятини кузатганда, унинг сўзнинг лексик-семантик валентлигига таъсир этишининг гувоҳи бўлдик. *Китоб, дафтар, Салим, қиз* каби бирлик *-ча* қўшимчаси билан шаклланганда, унинг лексик-семантик валентлигида, бирикишида ўзгариш рўй беради. Чунончи, ўзбек нутқида *катта қиз, катта китоб, йирик қуш* каби бирикма эркин қўлланилади. Аммо мазкур сўз *-ча* шаклини олгач, лексеманинг лексик-семантик валентлиги сифат жиҳатдан ўзгаради, яъни *катта китобча, йирик қушча, катта Салимча* нутқимиз учун хос эмас. Демак, *-ча* лексеманинг айрим сўз билан бирикиш қобилиятини ч е к л а й д и, лекин бошқа бир турдаги сўз билан бирикиш қобилиятини к у ч а й т и р а д и – асос шакл бирикиш қобилиятида ўзгариш ясайди. Баъзан *-ча* шаклини олган сўз кичиклик билдирувчи *жажжжи, кичкина, майда* каби сўз билан кенгайтиришга эҳтиёж сезади: *кичик китобча, майда тақсимча, жажжжи Салимча* каби.

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Ғ.Абдурахмонов таҳрири остида –Т.: Фан, 1966.

Нутқда баъзан «соқолли чақалоқ», «ақлли тентак» каби бирикув кўчма маънода қўлланганидек, «катта ўғилча» «катта Салимча» типигаги бирикмани номезърий ҳол сифатида баҳолаш мумкин.

-гина, -кина, -қина шаклида кичрайтириш билан бирга эркалаш маъноси ҳам мужассамлашган.

Кичрайтириш маъносидаги *-гина* ҳамда эркалаш маъносидаги *-гина* шаклининг фарқини унинг морфологик шакл валентлигидан ҳам билса бўлади. Чунончи, *болагина, қизгина, энликкина, кичиккина* сўзида *-гина* кичрайтириш маъносини ҳосил қилиб, унинг миқдор ифодаловчи айрим сон билан бирикишини таъминлайди: *икки энликкина, уч қизгина, тўрт болагина*. Аммо эркалаш оттенкали *-гина* шаклида бундай бирикиш чекланган бўлиб, ўзидан кейин эгалик шаклининг бирида қўлланилишга хосланган: *болагинам, қўзичоққинам, қизгинам*.

Илиқ муносабатни ифодаловчи субъектив баҳо шакли сифатида талқин этиладиган ва *-жон, -бой, -бек, -қул, -хон, -ой, -гул, -бону, -бека, -биби, -нисо, -пошишо* компонентли ҳосила ҳам эркалаш шакли сифатида манбада қайд қилинган¹. Юқорида қайд қилинган шакл илиқ муносабатни ифодалашда хизмат қилганлиги учун сўзга қўшилганда унинг лексик-семантик валентлигини ижобий маъноли сўз, ҳис-ҳаяжонли сўз, ундов билан кенгайтиришга мойиллиги билан ажралиб туради:

1. *Эрбўта нуқул: "Тогажон, айланай тогажон!"* – деб йиғлар эди (М.И.).

2. *Такрор-такрор шивирлайман озурдажон*

Отгинангдан айланайин, Бухорожон (Ш. Сулаймон).

Юқоридаги баъндан кўриниб турибдики, “ясама” субъектив баҳо шаклининг валентлиги асос шаклдан шакл ясовчи қўшимча маъно- сига (кичрайтириш, эркалаш, ижобий муносабат) зид бўлган сўз билан бирикишни чеклайди, унинг маъносига мувофиқ бўлган сўз билан бирикишни нейтралликдан имкониятли, мақбуллик, зарурийлик даражасига кўтаради. Бошқача қилиб айтганда, луғавий асос семантик-синтактик валентлигига миқдорий эмас, сифатий ўзгариш беради.

¹ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 295-б.; Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o`zbek tili. –Т., 2006. 149- б.; Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка. –Т., 1948. -с. 98

Лексема семантик-синтактик валентлигига сифат даражаси шаклининг таъсири. Предмет, ҳолат, ҳодиса, иш-ҳаракатнинг турли-туман ўзига хос аниқ ҳамда мавҳум белгиси бўлади. Бундай белги меъёрийликка нисбатан кам ёки кўп бўлиши мумкин. Белгининг бундай хусусияти сифат сўз туркуми доирасида даража шакли тизими, аниқроғи, даража категорияси, сифат даражаси атамаси остида тавсифий ўзбек тилшунослигида атрофлича, мукаммал тадқиқ қилинган¹. Асримиз бошида яратилган дарслик ва қўлланмада қиёслаш категорияси², таснифловчи категория³, сифат лексема туркумида шакл ясалиши⁴ тарзида ўрганилди. Ўрганилган манбада сифат даражаси тизимини кўрсатишда ҳам бир хиллик йўқ.

Ўзбек тилида даражаланиш ҳодисасини, жумладан, морфологик градуонимияни махсус тадқиқ қилган О.Бозоров бу ҳолатни ўрганиб, қуйидагини билдиради: «Анъанавий тавсифга кўра даража категорияси ички, яъни хусусий грамматик маъносига кўра «оддий – қиёсий – орттирма» каби таснифга эга бўлса, кейинги ишда «орттирма – озайтирма – қиёсий», «оддий (нормал) – орттирма – озайтирма, озайтирма – орттирма» каби классификация учрамоқда»⁵.

Сифат даража шаклига ўз муносабатини билдирган проф. Ш.Шаҳобиддинова белгининг даражасида қиёслаш билан бир қаторда даражаланиш маъноси ҳам борлиги, аммо бу лексема семемаси хусусиятидан келиб чиқувчи ҳолат эканлигини қайд этиб, ўзбек тилшунослигига «Қиёслаш категорияси»ни олиб киради ҳамда унинг икки аъзо [0] ва [-роқ]дан иборат эканлигини билдиради.

¹ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 283–285- б.; Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Т.: Фан, 1975. 296–301- б.; Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка. –Т., 1948. -с. 116–117; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. –Т.: Ўқитувчи, 1980; Ғуломов А. О степенях сравнения имён прилагательных. –Т., 1960; Содиқова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. –Т.: Фан, 1974. 40–47- б.; Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Ғ.Абдурахмонов таҳрири остида. –Т.: Фан, 1966, 237–39-б.

² Нурмонов А. ва б. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Т., 2001. 149–153- б.

³ Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. –Т., 2007. 230–231- б.

⁴ Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o`zbek tili. –Т., 2006. 151–153- б.

⁵ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. –Т.: Фан, 1995. 23–94- б.

Сўз ва сўзшаклнинг *-роқ* қўшимчаси билан эркин бирика олиши ёки бу бирикишнинг окказионал (номеъёрий/услубий/ихтисослашган)лиги нуқтаи назардан ёндашилганда шуни қайд этиш лозимки, аслий сифатда *-роқ* қўшимчаси билан бирикиш эркин. Шунинг учун қатор тилшунос (Ҳ.Неъматов, С.Ғиёсов, И.Мадраҳимов) аслий сифатни алоҳида бир туркумга ажратиб, унинг дифференциал белгиси сифатида *[-роқ]* қўшимчасини ажратишни кўрсатади¹. Ҳақиқатдан ҳам аслий сифатда бу қўшимча билан бирикиш эркин. Бошқа сўз билан бирикканда, чунончи, (*шошмайроқ бажаринг, тортиниброқ гатирди*) у меъёрий эмас, шунинг учун окказионал табиатга эга.

Сифат даражаси шакли тизимига ана шундай ёндашилганда, у умумий грамматик маъносига «**белги даражаси**» мужассамлашганлигини кўриш мумкин. Фақат аслий сифат ўзгара оладиган мазкур шакл учга ажратилади: оддий, орттирма, озайтирма. Оддий даражада даража категорияси умумий грамматик маъноси «белгининг ортиқ-камлигига муносабат билдирмаслик» тарзида (*яхши, катта, қизил, юмиш* ...) юзага чиқса, орттирма даражада «белгининг меъёрдан ортиқлигини ифодалаш» тарзида хусусийлашади. Чунончи, фонетик усулда: *ям-яшил, дум-думалоқ, бус-бутун, бўм-бўи*; лексик усулда *ниҳоятда баланд, бениҳоя гўзал, каттадан катта, шириндан ширин* каби. Озайтирма даражада умумий грамматик маъно «белгининг меъёрдан камлигини ифодалаш» тарзида воқеланади, парчаланади. Морфологик кўрсаткич *[-роқ]* шаклида унинг воқеланиши кенг тарқалган.

Бу ўринда «қиёсий даража» атамасининг қўлланиши у қадар ўринли эмаслиги, ўта шартлилиги «қиёсий» тушунчасининг хусусий маъно туридан бирининг эмас, балки барча хусусий маънонинг (меъёрий, озлик, кўплик) шакллантирилиш асоси бўлган усулнинг атамаси эканлиги билан исботланилди². ***[-роқ]* қўшимчали шаклни озайтирма деб номлашни оқлайдиган яна бир асос** шундаки, бу қўшимчали сўз хоҳ меъёрий, хоҳ окказионал қўлланишда бўлсин, семантик-функционал жиҳатдан

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т., 1989; Ғиёсов С. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка: автореф. канд. филол. наук. –Т., 1983. – 22 стр.; Мадраҳимов И. Ўзбек тилида сўзнинг серкирралиги ва уни тасниф қилиш асоси: филол. фан. номз. дисс. автореф. –Бухоро, 1994. –174 б.

² Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. –Т.: Фан, 1995.

(грамматик структур жихатдан эмас) олмошсимон «бир оз» ҳосиласи маъносига эга:

каттароқ – бир оз катта

кичикроқ – бир оз кичик

шошмайроқ – бир оз шошмай

уялиброқ – бир оз уялиб

Буни моделлаштирсак, чунончи: *каттароқ – бир оз катта – катта (-роқ – бир оз)*

Дарҳақиқат, *озайтирма* сўзининг таркибида ҳам *[-роқ]* кўшимчасининг маъносига хос «оз» таркибий қисми ишлатилган.

Баён этилган фикр *[-роқ]* шаклининг ўзи бирикиб келган сўзнинг семантик-синтактик валентлигига таъсири хусусияти билан ҳам тасдиқланади. Чунки *[-роқ]* кўшимчали сўз одатда меъёрдан кўпликни ифода этувчи сон, олмош, сифат билан бирика олмайди. Масалан, *каттароқ* лексемаси *сал, бир оз, бир мунча* каби бирлик билан эркин бирика олади: *сал каттароқ, бир мунча каттароқ*. Лекин *жуда каттароқ, ниҳоятда каттароқ* каби бирикувни ҳосил қилиш учун миқдорий ошиқликни ифода этувчи *жуда, ниҳоятда* сўзи билан бирика олмайди. Ваҳоланки, *сал катта, жуда катта* каби бирикиш меъёрий.

Лексема семантик-синтактик валентлигига замон категорияси шаклининг таъсири. Туркий тилда замон, майл, шахс-сон категорияси шакли предикативликнинг асосини ташкил қилади. Бир-бирини тақозо қиладиган мазкур шакл яхлит ҳолда ҳамда алоҳида-алоҳида кўринишда (категорияда) тилшуносликда атрофлича ўрганилган. Айниқса, замон категориясининг майл категорияси билан диалектик бирликда эканлигини деярли барча туркийшунослар эътироф этгани ҳолда, унинг маъновий жиҳати, қўлланиш хусусияти, шакл тизимини изчил тавсиф этишган¹. Ўзбек тилшунослигида А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, Ғ.Абдурахмонов, Ф.Абдуллаев, Ж.Жўраева, Р.Жуманиёзов, У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Рахматуллаев, Ғ.Зикриллаев сингари тилшунос томонидан замон ҳамда

¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.: –Л. 1960; Иванов С.Н. Родословное древо тюрков Абу-л-Гази-Хана. Грамматический очерк. (Имя и глагол. Грамматические категории). –Т., 1969. стр. 135; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.:Фан, 1989. стр. 107–127.

майл категориясига хос шакл тасвирий метод асосида бир системага солинган, матнда намоён бўлувчи маъноси аниқланиб, ички бўлинишга ажратилган ва мазмуни, қўлланиши, ҳосил бўлиши (ясалиши) муфассал тадқиқ қилинган¹.

Ўзбек тилшунослигининг бугунги ривожланиш босқичида ҳам грамматик категория, жумладан, замон категорияси, яна бир қарра тадқиқот объекти қилиниб, мазкур категориянинг мураккаб таркибли эканлиги, унда категориянинг субстанциал моҳияти бўлган категориал маъно билан биргаликда бошқа категорияга хос маъно (ёndoш маъно, ҳамроҳ маъно) қоришган ҳолда мавжудлиги асосланди².

Дарҳақиқат, мавжуд дарслик ва қўлланмада воқеликнинг нутқ моментига муносабатини ифодаловчи замон категориясининг уч хил: ўтган, ҳозирги, келаси замон тури ажратилиб, ҳар бир замон феълининг бир неча хил шакл ёрдамида ифодаланиши қайд қилинган. Аммо бу ўринда бир нарсани қайд қилиш керакки, йиллар давомида ўрганиб келинган «ўтган замон ҳикоя шакли», «ўтган замон давом шакли», «ўтган замон эшитилганлик шакли» ёхуд «келаси замон гумон феъли», «келаси замон мақсад феъли», «аниқ келаси замон феъли» атамасидаги ҳикоя, эшитилганлик, давом, гумон, мақсад, аниқ каби унсур замонга дахлсиз ҳодиса деб топилди, уни замон доирасида ўрганиш ортиқча эканлиги эътироф этилиб, замон категорияси маъносига бошқа категория маъносининг қоришуви деб баҳоланди³. Замон ва майл категорияси мисолида категориал, ёndoш ва ҳамроҳ маъно турини тадқиқ қилган Н.Мусулманова бу хусусда қуйидагини билдиради: «Замон категорияси умумий грамматик маъноси учун «замон» маъноси категориал маъно

¹ Жуманиёзов Р. Ўзбек тилида феъл замонлари // Совет мактаби, 1953 йил, 3- сон, 16–19- б.; Жўраева Ж. Келаси замон маъносининг ифодаланиши// Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1959 йил, 3- сон. Ҳожиев А. Феъл. –Т., 1973. 11–161- б.; Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. I том, –Т., 1975. 475–504- б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 332–347- б.; Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. –Т., 2006. 182–188- б.; Айюб Ғуломовнинг илмий мероси. (2- китоб) –Т., 2007. 40–54- б.; Зикриллаев Ғ. Ўзбек тили морфологияси. –Бухоро, 1994. 16–46- б.

² Мусулманова Н. Грамматик шаклда категориал, ёndoш ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категорияси мисолида). : филол.фан.номз.дисс.автореф. –Т., 2007.

³ Мусулманова Н. Грамматик шаклда категориал, ёndoш ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категорияси мисолида) : филол.фан.номз.дисс.автореф. –Т., 2007; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Қурбонова М., Боқиева Г., Юнусова З., Абдуллоева М. Ҳозирги ўзбек тили. –Т., 2007. 206–212- б.

бўлиб, у ҳар доим турли-туман майл маъносисиз бўлмайди. Бошқача айтганда, замон категориясида замон ва майл маъноси диалектик боғлиқликда ва бири иккинчисисиз юзага чиқмайди. Замон категорияси шакли нутқда воқеланар экан, бу маъно ўткинчи, беқарор нутқий маъно ҳисобига яна бойийди. Бу маъно замон умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишини мураккаблаштирувчи восита бўлиб, унга субстанциал боғлиқлик касб этмайди. Ҳамроҳ маъно сифатида баҳоланувчи бу маъно сирасига «гумон», «ҳаракат реаллиги», «ҳаракат ирреаллиги», «истак», «мақсад» каби маънони киритиш мумкин»¹. Замон категориясининг умумий грамматик маъноси «Пайт валентлигига таъсир этиш орқали кесимни шакллантиришда иштирок этиш ва ундан англашилган воқеликнинг нутқ моментига муносабатини ифодалаш» тарзида белгиланган экан, замон шаклининг кесим вазифасида турган сўзнинг валентлигига албатта таъсир этиши англашилади.

Грамматик категория таснифида кесимлик категорияси, одатда, синтактик категория саналади ва юқорида айтиб ўтганимиздек, бу мураккаб синтактик категориянинг таркибий қисмидан бири майл ва замон. Шунинг учун аввало шунини таъкидлаб ўтиш керакки, кесимлик категориясининг синтактик моҳияти – бу эса, шубҳасиз, синтактик бирикувчанлик, жумладан, эга-кесим муносабати билан предикатив алоқага кириша олиш қобилияти билан боғлиқ - замон категориясида ўз инъикосини топади. Чунки бу муносабатда кесимлик категорияси умумийлик (аниқроғи, бутунлик), замон категорияси хусусийлик (бўлак) муносабати билан боғланади. Умумийликнинг моҳияти эса хусусийликда ҳамма вақт муайянлаштирилган кўринишда воқеланиши шарт ва зарур. Шунинг учун кесимлик категориясининг синтактик валентлиги замон шаклида ўз аксини топади. Лекин замон категориясининг ўзи кесимлик категориясидан алоҳида равишда ўз хусусий синтактик бирикувчанлик хусусиятига эгаки, буни кесимлик категориясининг валентликка таъсири нуқтаи назаридан таҳлил этиш мумкин эмас. Шу билан замон категориясининг яна бир хусусияти боғлиқ. Бу шундан иборатки, замон категорияси кесимлик категориясининг таркибий қисми сифатида фақат

¹ Мусулманова Н. Грамматик шаклда категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категорияси мисолида) : филол.фан.номз.дисс.автореф. –Т., 2007. 82- б.

гапта кесим вазифасида келган сўз таркибидагина, яъни кесим таркибидагина воқеланади. Лекин замон шакли ва маъноси нафақат кесим таркибида, балки кесимдан бошқа вазифада келадиган сифатдошда, равишдошда, ҳатто, ҳаракат номида ҳам воқеланади. Равишдош, сифатдош, ҳаракат номида замон шакли кесимлик категорияси таркибидаги замон шаклидан тамоман бошқа маъно-моҳиятга эга; кесим таркибида замон ҳаракатнинг мутлақ ёки нисбий нутқ моментига муносабатини ифодаласа, сифатдош, равишдош, ҳаракат номида у тамоман бошқа маънога, чунончи, яқунланган ҳаракатнинг белгиси, ҳаракатнинг гап кесими англатган ҳаракат ёки ҳолатдан олдин /кейин / бир пайтда содир бўлиши, ҳаракат натижасининг белги сифатида нутққа киритилиши каби нутқ momenti билан мутлақо алоқадор бўлмаган маъносига эга¹. Замон категориясининг синтактик бирикувчанликка таъсири замон шакл ва маъносининг ҳам кесим таркибида, ҳам кесимдан бошқа вазифада келган сифатдош, равишдош, ҳаракат номи ҳосиласига ҳам бир хил алоқадор. Шунинг учун бу хусусиятни замон шакли ва маъносининг кесимлик категориясидан фарқли бўлган ўзига хос валентлиги – ўзи бирикиб келган лексеманинг семантик-синтактик валентлигига таъсири сифатида баҳолаш мумкин. Чунончи, истаган феъл том маънода ўзи ҳаракатни ифодалайди ва бу ҳаракат албатта маълум бир замон ва маконда воқеланади; ҳаракат/ ўзгарувчанлик / тараққиёт борлиқнинг яшаш тарзи бўлса, макон ва замон унинг яшаш шаклидир². Феъл туркумида мужассамланган ҳаракат маъноси том маънода замоннинг кўринишига – ўтган, ҳозирги ёки келаси эканлигига нисбатан мутлақо бефарқ. Чунончи, *келмоқ, ёзмоқ, бермоқ, ўлмоқ, тирилмоқ, тугилмоқ* каби беҳисоб феъл луғавий маъноси асосида ўтган замон маъноли *кеча, ўтган йили ,бултур...* каби; келаси замон маъноли *эрта, индин, келгусида,*

¹ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. –М. -Л., 1951; Мещанинов И. И. Члены предложения и части речи. –Л.: Изд.Наука, 1978. 387-с.; Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. Издание второе. –М.: Высшая школа. 1972. 614-с.; Неъматов Ҳ.Ф. Феъл, унинг форма ва категорияси// Ўзбек тили ва адабиёти, 1972.1- сон, 39–47- б.; 2- сон, 42–50-б.

² Туленов Ж., Ғафуров З.Фалсафа. –Т., 1997; Философия луғати. –Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1976; Диалектика – теория познания. ... об элементах диалектики// Под общей редакцией Б.М. Кедрова. –М.: Наука, 1965.

келажакда ...каби; ҳозирги замон маъноси билан боғланган *ҳозир, шу дамда, шу тобда, яқинда, шу онда...*каби сўз билан эркин бирикиб келади:

<p><i>Кеча</i> <i>Ўтган йили</i> <i>Бултур</i></p>	<p><i>келиб</i></p>
<p><i>Ҳозир</i> <i>Шу дамда</i> <i>Яқинда</i> <i>Шу сонияда</i></p>	
<p><i>Эрта</i> <i>Индин</i> <i>Келгусида</i> <i>Келажакда</i></p>	

Замон шакли мана шу бирикишни маълум даражада чегаралайди, яъни феълнинг темпорал (пайт билдирувчи) сўз билан бирикишини, замон маъноси билан уйғунлашишни талаб қилади¹. Дейлик, ўтган замон маъноли феъл келаси замон ёки ҳозирги замон маъносини ифодаладиган пайт ҳоли билан бирика олмайди, яъни *Индин келди* деб бирикиш ҳосил қилиш мумкин эмас. Бундай бирикиш ҳосил бўлганда ё окказионал маъно (*Акам индин бизникига келди деб, фараз қилайлик*) ёки кўпгина пайт сўзининг икки маъносидан бири воқеланади. Чунончи, *Эрта келади. Эрта* сўзи нутқ моментидан кейин содир бўладиган пайтга ишора қилиб келмоқда. *Эрта келди. Эрта* сўзи барвақт, муддатдан олдин, мўлжалланган пайтдан олдин маъноли пайт ҳолига ишора қилиб, нутқ моментига умуман алоқадор эмас. Шунинг учун биринчи гапда русча *завтра* сўзига, иккинчи мисолда *рано, «раньше времени», «преждевременно»* сўзига тўғри келади². Демак, хулоса қилиш мумкинки,

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.:Фан, 1989.

² Абдуллаев А.М., Юнусова З.Ю. Способы передачи узбекских слов в русском языке. –Б., 1989.

замон категорияси шакли сон, субъектив баҳо шакли каби лексема бирикувчанлигини чегаралайди.

Лексема семантик-синтактик валентлигига майл шаклининг таъсири. Биз юқорида замон шакли ҳақида фикр юритганда, замон категориал маъносига ҳар доим майл категорияси маъноси ёндош маъно ва аксинча, майл категориал маъносига замон категорияси маъноси ёндош маъно сифатида яшаши, унинг шу аснода диалектик бирлик ҳосил қилиши ҳамда бу категорияга хос шакл тизими, у ифодалайдиган маъно тури хусусида қилинган иш ҳақида қисқача тўхталиб ўтган эдик.

Адабиётларда ўзбек тилидаги феъл майлининг учтадан то олти-еттигача тури қайд этилганини кўрамыз¹. Ш.Шукуров феъл майлидан учтасини: буйруқ-истак, шарт, аниқлик майлининг мавжудлигини айтиб, бошқа –мақсад, шартли, ижро каби майлнинг исбот талаб қилишини таъкидлаб ўтган². Дарҳақиқат, майл тури сонини кўпайтирувчи ва бизни чалғитувчи сабаб, боғлиқлик, мақсад, гумон, шарт каби маъно майл категорияси таркибида «ҳамроҳ»лик қилади. Н.Мусулманова ўз тадқиқотида буни функционал нуктаи назардан услубий вазифа сифатида баҳолаб, субстанциал нуктаи назардан нокатегориал, яъни ҳамроҳ маъно сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ эканлигини уқтирган³.

Майлнинг лексема семантик-синтактик бирикувчанлигига таъсири моҳиятан замон шаклидан фарқ этмайди ва бунинг сабаби майл ва замон шакл/маъносининг диалектик бирлигида, майл замон маъносисиз, замон (кесим таркибида) майл маъносисиз воқелана олмаслигида.

Маълумки, майл ҳаракатнинг воқеликка муносабатини сўзловчи томонидан белгиланиши – унинг реал (содир бўлган) ва идеаллигини (содир бўлмаган ёки содир бўладиганини) ифодалайди⁴. Майлни бундай

¹ Ғуломов А. Феъл. –Т., 1954; Ҳожиёв А. Феъл. –Т., 1973; Зикриллаев Ғ. Ўзбек тили морфологияси. –Бухоро, 1994; Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o`zbek tili. –Т., 2006; Ўзбек тили грамматикаси. I том. –Т., 1975; Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т., 1992.

² Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. –Т., 1976, 7- б.

³ Мусулманова Н. Грамматик шаклда категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъно (Замон ва майл категорияси мисолида): филол.фан.номз.дисс. –Т., 2007, 93- б.

⁴ Бунина И.К. История глагольных времен в болгарском языке. М., 1970. -с. 25–26; Грунина Э.А. Соотношение форм настоящего и будущего времени по памятникам турецкого языка XIII–XVI вв. // Вопросы тюркской филология. –М., 1966; Исаченко А.В. Грамматический строй русского языка в сопоставлении со словацким. Братислава. Ч. I. 1965. –с. 419–423; Дешериев Т.Ч. Лингвистический аспект

тушунганда у моҳиятан замон маъносини ҳам ўз ичига қамраб олади. Чунки реал ҳаракат сифатида воқеланган ва воқеланаётган (resp. тилда ўтган ва ҳозирги замон шакли билан ифодаланадиган) ҳаракат, идеал сифатда воқеланиши мақбул, мумкин, лозим, шарт, зарур, гумон, тахмин, номақбул, имкониятли бўлган (тилда келаси замон, истак майли, шарт майли, хоҳиш майли, буйруқ майли, мақсад майли, гумон майли ва ҳоказо) ҳаракат қаралиши мумкин. Шунинг учун майл шаклининг сўзнинг лексик-семантик бирикувчанлигига таъсири моҳиятан замон шаклининг бу хусусиятидан фарқ қилмайди. Зоҳирий фарқ шундаки, замон шакли лексеманинг пайт маъноли сўз билан бирикишига таъсир этса, майл шакли лексеманинг сўзловчининг баён этаётган воқеа, ҳаракат, ҳолат, ҳодисага бўлган муносабатини ифодаловчи актант (resp. лисоний ҳол, киритма) билан бирикувчанлигига таъсир қилади ва чеклайди. Чунончи, аниқлик майлининг ўтган замон ва ҳатто ҳозирги ҳамда келаси замон шакли истак, гумон, тахмин маъноли киритма билан (сўз-гап билан) бирика олмайди: *Кошки, келди. Эҳтимол келди.*

Носинтактик категория сифатида тасниф этилган грамматик шакл ва категориянинг ўзи бирикиб келган сўзнинг семантик-синтактик бирикувчанлигига таъсирини кўриб чиқиш асосида қуйидаги умумий ҳулосага келиш мумкин: бу грамматик шакл ва категория ўзи бирикиб келган лексеманинг бирикувчанлик қобилиятини маълум даражада ч е к л а й д и. Бу носинтактик грамматик категориянинг сўзнинг семантик-синтактик валентлигига таъсирининг умумий хусусияти бўлиб, туркий тиллардаги (эҳтимол, нафақат туркий тиллардаги) бундай категориянинг семантик хусусияти билан боғлиқ. Ўзбек тилида бу ҳодисанинг кучлилиги туркий тиллар грамматик шаклида семантик омилнинг анча устунлиги ҳодисаси билан узвий боғланган. Морфологик шакл бу тилларда ўзига хос семантик (маъновий) қийматга эга бўлганлиги боис, у сўзнинг семантикасига таъсир кўрсатади. Бу таъсир айрим ҳолатда шу даражада кучлики, морфологик шаклни айрим тилшунос ясама сифатида талқин этишига ҳам асос бўлади. П.Азимов туркман тилида кўплик сон ясовчи –

категории времени в его отношении к физическому и философскому аспектам // Вопросы языкознания, 1975. -№ 2.

лар кўшимчасини сўз ясовчи сифатида тасниф этган эди¹. Кўплик сон шаклини ясама сўз сифатида, яъни сон кўшимчасини деривацион кўшимча сифатида талқин этиш бошқада ҳам учрайди². Ҳозирги ўзбек тилшунослигида *-дай, -дек, -ники, -даги* каби морфеманинг баъзи тилшунос томонидан сўз ясовчи³, бошқа тилшунос томонидан функционал форма⁴, айрими томонидан эса нокатегориал шакл⁵, нопарадигматик морфема⁶, кўмакчисимон кўшимча⁷ сифатида тасниф этилиши ҳам шу билан боғлиқ.

Синтактик категориянинг сўзнинг лексик-семантик валентлигига таъсири. Юқорида морфологик шакл валентлигининг умумий томони хусусида фикр юритилганда, грамматик категорияни сўзнинг бирикувчанлик хусусиятига таъсири асосида синтактик ва носинтактикга ажратилиши устида тўхтаб ўтилган эди. Носинтактик категория бўлмиш сон, субъектив баҳо, сифат даражаси, замон, майл шаклининг валентликка муносабатини текширганда, унинг асос шакл семантик-синтактик валентлигига таъсир қилиб, асосан сўзнинг бириқиш қобилиятини чеклаши, торайтириши ҳақида хулоса қилинди.

Энди мулоҳазамаизни синтактик категория, унинг моҳияти, ички таснифига кўчираемиз. Ўзи туркийшуносликда грамматик категория таснифи, чизмаси диалектик – субстанциал ёндашув асосида махсус 80-йилда Ҳ.Ғ.Неъматов томонидан берилди⁸. Бу тасниф умумий ўрта таълим дарслигидан тортиб олий таълим дастур ҳамда қўлланмасигача оммалашди ва бугунги кунда носинтактик, лексик–морфологик ёхуд сўз туркумига хосланган сифатида биз юқорида таҳлил қилган сон, субъектив баҳо, сифат даражаси, замон, майл категорияси тушунилса, синтактик

¹ Азимов П. Туркман дили. –Ашхабад, 1950.

² Реформатский А.А. Число и грамматика // Вопросы грамматики. Сборник статей к 75-летию акад. И.И.Мещанинова. –М.: Л., 1960.

³ Айюб Ғуломовнинг илмий мероси. 3- китоб. –Т.,2007, 94–96- б.

⁴ Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т., 1980. 162–164- б.

⁵ Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т., 1992, 274–279- б.

⁶ Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o`zbek tili. –Т., 2006, 149- б.

⁷ Неъматов Н., Gulomov A., Abduraimova M., Qodirov M. Ona tili. 7- sinf uchun darslik, –Т., 2000.

⁸ Неъматов Х.Г. О характере грамматического значения тюркских форм и категорий // Советская тюркология, 1980, -№6; Нигматов Х.Г. О классификации грамматических категорий в тюркских языках // Советская тюркология, 1984, -№4.

(алоқа-муносабат шакли) категория доирасида келишик, эгалик, нисбат, функционал (ўзгаловчи), шахс-сон категорияси англашилади. Дарҳақиқат, синтактик категория сўз бирикмаси ва гап қурилишига алоқадор категория бўлиб, сўзни боғлаш ва гап бўлагини шакллантиришга хизмат қилади. Жумладан, келишик ўзи шакллантираётган сўзни бошқаси билан боғлайди, шахс-сон категорияси гап маркази (кесим) ни шакллантиради, эгалик сўз бирикмаси қурилишини таъминлаш учун хизмат қилади, ўзгаловчи (яъни, феълнинг тур категорияси шакли, репрезентация категорияси) синтактик жиҳатдан феълни феъл ва бошқа сўз билан боғлаш функциясини бажаради, нисбат эса гап тузилишини ўзгартириши мумкин. Адабиётларда кўрсатилганидек, мазкур категориянинг синтактик қобилияти сўзшаклнинг «олдингиси билан» ҳамда сўзшаклнинг «кейингиси билан» алоқасини ифодалайди. Эгалик, нисбат, шахс-сон сўзшаклнинг «олдингиси билан» алоқасини кўрсатса, келишик ва ўзгаловчи (равишдош, сифатдош) категория сўзшаклнинг «кейингиси билан» алоқасини кўрсатади¹. Шунинг учун синтактик категорияни синтактик хосланишига кўра икки катта турга:

1) гап бўлагини шакллантирувчи;


2) сўз бирикмасини тузишга хизмат қилувчига ажратиш мумкин. Бу жиҳатдан кесимлик (шахс-сон) категорияси гап бўлагини шакллантирувчи категория сифатида воқеланса, эгалик сўз бирикмасини тузишга хизмат қиладиган категория сифатида бу бўлинишнинг икки чекка нуқтасида туради. Қолган категория улар оралиғида бўлиб, уларнинг шаклида ҳам у, ҳам бу чекка хусусиятни кўриш мумкин.

Кесимлик категорияси шаклининг лексема семантик-синтактик валентлигига таъсири. Ушбу категория шаклини валентлик нуқтаи назаридан таҳлил этар эканмиз, кесимлик категорияси ўзи шакллантириб келган сўзга гапнинг зарурий аргументи – [Pm] кенгайтирувчиси бўлмиш эга, ҳар хил ҳол ва киритма билан бирикиш қобилиятини беришини таъкидлаб ўтишимиз зарур. Бошқача қилиб айтганда, кесимни шакллантирган морфологик восита (шакл) гап таркибини муайянлаштиради, ўзи боғланиб келган асос лексема семантик-синтактик

¹ Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик ва хусусийлик диалектикаси талқинида. 2-жузв. Андижон, 1994; Mengliyev B., Abuzalova M. Hozirgi o`zbek adabiy tili. –Qarshi, 2005.

валентлигига ўзгариш ясаб, унинг **бирикиш қобилиятини кенгайтиради.**

Буни чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Чизмадан кўринадикки, *ўқидик* сўз шаклининг – кесимнинг валентлиги тўла-тўқис *ўқимоқ* лексемасининг лексик-семантик валентлигини қамраб олади. Лекин бу валентлик N (тасдиқ/инкор), M (майл/модаллик), T (замон) носинтактик категорияси валентлиги билан чекланилиб, шахс-сон шакли валентлиги моҳияти бўлган гап эгаси билан тўлдирилади, кенгайтирилади. Демак, кесимлик категориясининг валентликка таъсири моҳиятан носинтактик категория бўлмиш тасдиқ/инкор (N), майл (M), замон (T) категориясининг валентликка таъсири лексема лексик-семантик валентлигини маълум даражада чеклаш ва эга билан бирикиш қобилиятини кенгайтириш каби ички зиддиятли. Кўринадикки, кесимлик категорияси лексик-семантик валентликни маълум даражада ҳам чеклайди, ҳам кенгайтиради. Бундай зиддиятлик зоҳирий, ташқи ва ҳар қандай зоҳирий каби юзаки ва моҳиятни биздан қоронғилаштирувчидир¹.

Буни бир ёрқин мисол билан асослаш мумкин. Кесим мавқеида жуда кенг лексик-семантик валентликка эга бўлган феъл келганда ҳақиқатан ҳам кесимлик категориясининг таркибий қисми бўлмиш N,M,T феълнинг лексик-семантик валентлигини олдинги бўлимда кўриб ўтганимиздек, маълум даражада чеклайди. Лекин кесим вазифида лексик-семантик

¹ Ҳақиқатни билишга интилган идрокка (тафаккурга) жузвни тавсифловчи фаҳм тўсқинлик қилишини А.Навоий «Лисонут-тайр»да «Қосир этди фаҳмдин идрокни» (фаҳм сабабли идрокни нуқсонли қилди) деб шарҳлаган эди ва бу масала фалсафий – методологик адабиётларда жуда чуқур таҳлил этилган. Қаранг: А.Навоий. Лисон-ут тайр (Насрий баёни билан). –Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. –464 б.; Есперсен О. Философия грамматика. –М.: Изд-во иностранной литературы, 1958. – 404 с.

валентликка нисбатан чегараланган от, сифат, сон каби сўз туркумига мансуб сўз келганда ҳолат қандай? Бу масала бошқа йўналишда қисман М.Абузалова, Ш.Акрамов, М.Қурбонова ишида кўриб ўтилган¹ ва қуйида шу тадқиқотчининг изланишига таянган ҳолда бу масала кўриб ўтилади. *Ўқитувчи* каби от туркумига мансуб сўзнинг лексик-семантик валентлигини ва шу сўзнинг кесим вазифасида келганда валентлигини қиёслайлик: *Ўқитувчи* сўзининг лексик-семантик валентлиги кўриб ўтилганидек, ҳар хил аниқловчи билан. Шу сўз кесим вазифасида келганда кесимлик категориясининг таркибий қисми бўлган шахс/сон шакли валентлиги асосида гап эгаси билан бирикиш қобилиятига эга бўлади. Лекин шу билан бирга масалан, «Ўқитувчиман» кесим сўзшакли «ўқитувчи» лексемасининг лексик-семантик валентлигига хос бўлмаган ҳар хил ҳол ва киритма билан ҳам бемалол бирикиш қобилиятини қўлга киритади. Чунончи, *Эҳтимол, мен ҳозир тажрибасиз ўқитувчиман...* Бу гапда *эҳтимол* киритмаси, *ҳозир* ҳоли табиийки, ўқитувчининг лексик-семантик валентлигига алоқадор эмас. Гап таркибида аниқловчи вазифасида келган *тажрибасиз* сўзигина «ўқитувчи»нинг лексик-семантик валентлигига алоқадор. Эга вазифасида келган *мен*, ҳол вазифасида келган *ҳозир*, киритма мавқеида бўлган *эҳтимол* каби таркибий қисм билан бирикиш *ўқитувчи* лексемасининг лексик-семантик валентлигига мутлақо алоқадор эмас ва бутунлигича кесимлик категорияси – [Pm] шакли валентлиги билан, моҳиятан грамматик валентлик билан узвий боғланган.

Кесим вазифасида феъл келганда N, M, T нинг феъл лексик-семантик валентлигини чеклаши N, M, T шаклининг маъновий томони билан боғлиқ. Лекин кесим вазифасида келган сўзнинг эга, ҳар хил ҳол ва киритма билан бирика олиш қобилияти бу кесимлик категориясининг ўзига хос синтактик валентлиги. Шунинг учун киритма, ҳол билан кесимдан бошқа мавқеда келганда боғлана олмайдиган сўз кесим вазифасида келганда у билан бирикиш қобилиятига эга бўлади – кесимлик

¹ Абузалова М.Қ. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ва унинг нутқда воқеланиши филол.фан.номз.дисс. –Т., 1994; Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол ([WPm] валентлиги аспекти): филол.фан.номз.дисс. –Т., 1997; Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. (Содда гап синтаксиси учун материаллар). –Т., 2002. –120 б.

категорияси лексик-семантик валентликдан қатъий назар истаган турдаги сўзга эга, киритма, ҳол билан бирикиш қобилиятини беради. Демак, кесимлик категорияси сўзнинг лексик-семантик валентлигини кенгайтиради – унга кесим мавқеида туриб эга, киритма ва ҳар хил ҳол билан бирикиш имкониятини беради. Табиийки, тилда содир бўладиган асосий қонуният бирикиш меъёри бўлиши учун бирикувчи сўз шакли орасида маъновий уйғунлик бўлиши шарт.

Нисбат шаклининг сўзнинг лексик-синтактик валентлигига таъсири. Феъл нисбати ўзбек тилшунослигида анча муфассал тавсифланган. Фанимизда феъл нисбатига бағишлаб ёзилган С.Иванов, С.Маматкулов, Ҳ.Неъматов, Ф.Саидов, С.Султонсаидова, У.Турсунов, С.Фердаус, Э.Фозилов, А.Ғуломов, А.Ҳожиев ва бошқаларнинг тадқиқотида нисбат шакли кенг ўрганилган¹. Умумтуркийшунослик адабиётида феъл нисбати масаласи Н.А.Баскаковнинг қорақалпоқ тилига бағишланган тадқиқотида, Э.Севортяннинг феъл сўз ясалишига бағишланган монографиясида, А.Щербакнинг туркий тилнинг қиёсий-тарихий грамматикасига бағишланган қатор ишида таҳлил қилинган². Феъл нисбати деганда нима тушунилади? Формал (шаклий) йўналишда феъл ўзагидан кейин, ясама феълда эса феъл ясовчи қўшимчадан кейин ўзак-негизга қўшилиб келадиган *-т, -из, -ир, -ар, -сам, -дир(-тир), -л(-ил), -и(-иш)* каби қўшимча нисбат шаклини ясовчи ва шундай қўшимчали ҳосила феъл нисбати деб айтилади.

Нисбат шаклини бирикувчанлик нуқтаи назардан ўрганар эканмиз, унинг асос шаклининг валентлик имкониятини тубдан ўзгартириб юбориш хусусиятига эга эканлиги билан ажралиб туришини аниқладик. Нисбат шакли гап таркибини турли актант билан тўлдиради ва бу кенгайтирилган

¹ Иванов С. Родословное древо тюрков Абулгази-хана –М., 1969; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Султонсаидова С. Ўзбек тилидаги грамматик категориянинг ўзаро муносабати: филол.фан.докт.дисс. –Т., 1994; Фозилов Э. Феъл даража ясовчи аффиксларининг тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1960. -№ 3; Нигматов Х.Г., Цалкаламанидзе А.А. Семантико-синтаксические группы глаголов и значение залоговых аффиксов в узбекском языке// Советская тюркология. –Баку. 1979. -№3; Ғуломов А. Феъл. –Т., 1954; Ҳожиев А. Феъл –Т., 1973; Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълда нисбат категорияси. –Т.: Фан, 1992.

²Баскаков Н.А.Залог в каракалпакском языке. –Т., 1941; Севортян Э.В. Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке. –М., 1982. –420 с.; Щербак А.М. Грамматика старор-узбекского языка. –М.: Л. 1962.

бўлак ҳар бир нисбат шаклида турли мақомда туради. Бошқача қилиб айтсак, нисбат шакли гап таркибида «актант ўйини» қилиб, ҳар бир актант мавқеини гап қурилишида «дирижёр»дай бошқариб туради. Шунинг учун азал-азалдан нисбат ва гап қурилиши, гап таркибида эга ва тўлдирувчининг ҳаракатга муносабати узвий боғлиқликда ўрганилган ва нисбатнинг классик таърифи «фەъл ифодалаган ҳаракатнинг ҳаракат объекти ва субъектига муносабати»¹ ёки бошқача қилиб, «субъект ва объектнинг ҳаракатга муносабати» сифатида бериб келинган. Ҳақиқатдан ҳам, нисбат парадигмасида, чунончи,

1. Лола кўйлагини ювди.

2. Лола ювинди.

3. Лоланинг кўйлаги ювилди.

4. Лола кўйлагини ювдирди.

5. Лола кўйлагини ювишди гапида ҳаракатнинг субъекти (бажарувчиси) ва объекти ҳаракатга ҳар хил муносабатда туради. Гапнинг маъноси ҳам, гап эгаси ва тўлдирувчининг ҳаракатга иштирок тарзи ҳам нисбат шакли билан белгиланади. Маълумки, нисбат шаклининг гапда эга ва тўлдирувчининг мавқеини ўзгартириши араб тилшунослигида фەъл нави (тури)¹ бобида, Европа тилшунослигида ҳам, қадимги ва замонавий нисбат назариясини 1960–70 йилларда умумлаштириш устида СССР Фан академияси Тилшунослик институти доирасида махсус иш олиб борган профессор А.А.Холодович гуруҳида ҳам² гап қурилиши билан боғлиқ равишда, бизнинг нуқтаи назардан фەъл валентлиги билан алоқадорликда тавсифланган.

Туркийшуносликда фەъл нисбатининг гап қурилишига таъсири нуқтаи назаридан туркий фەълнинг семантик актантлари –

а) субъекти/фоили/бажарувчиси;

¹ Айюб Ғуломовнинг илмий мероси (2-китоб). Р.Сайфуллаева муҳаррирлигида. –Т., 2007, 68-б.; Ғуломов А. Фەъл. –Т., 1964. 63- б.

¹ Араб тилида фەъл навлари (нисбатлари) 15 та бўлиб, улардан тўққизтаси кенг истеъмолда.

² Бу гуруҳ вакиллариининг жуда кўп илмий мақолалар сифатида эълон қилинган ишлари иккита умумлаштирувчи ишда бирлаштирилган. Қаранг: Типология каузативных конструкций. Морфологический каузатив. –Л., 1969; Холодович А.А. Залог. В кн. Категория залога. Очерки по общему и арабскому синтаксису. –М.: Наука, 1973. – 168 б.

б) ҳаракат натижаси йўналтирилган шахс, нарса ташаббускори/ каузатори/ ҳаракатга қўзғатувчи;

в) ҳамроҳ субъект/ҳаракатнинг асосий бажарувчи билан бирга тенг ҳуқуқли ёки тенг ҳуқуқли бўлмаган бошқа бир иштирокчиси;

г) объекти/ҳаракат бевосита йўналтирилган манба/адресат – кабинетнинг гап қурилишидаги мавқеи талқини С.Н.Иванов, В.Г.Гузев, Д.М.Насилов, Ҳ.Ғ.Неъматов, А.А.Цалкаманидзе, С.Х.Султонсаидова, Ш.Раҳматуллаев, Т.Иноятов, С.Маматқулов томонидан илгари сурилган ва бугун анча содда шаклда мактаб дарслиги ва дастурида ҳам, олий таълим дарслик, қўлланмасида ҳам¹ ўз аксини топган.

Эгалик категорияси шаклининг лексема семантик-синтактик валентлигига таъсири. Синтактик шаклдан бири бўлган эгалик категориясининг асосий кўрсаткичи қуйидаги саналади: [- (и) м], [- и/миз]; [-и(инг)], [-и(нинг)]; [-с)и]. Ушбу шакл исмга (от, сифат, сон, тақлид, сўз, олмош, сифатдош, ҳаракат номи) қўшилади ва қаралмишнинг маълум бир шахсга (предметга) тегишли эканлигини ифодалайди. Эгалик категорияси даги категориал маъно синтактик табиатли бўлиб, ундан англашиладиган шахс-сон маъноси ёндош, модал маъно эса ҳамроҳ. Чунончи, *Сизнинг китобингиз* бирикмасида эгалик шаклининг категориал «кейинги мустақил сўзнинг олдинги ифодаланган мустақил сўзга синтактик муносабатини кўрсатиш» маъноси билан бир вақтда ёндош маъно бўлмиш II шахс, бирлик сон ҳамда «сизлаш» ҳурмат модал маъноси воқелашган. Аммо эгалик категорияси шаклининг моҳияти у билан бирга «ёпишиб» чиқадиган грамматик маънодан холи қилингандагина очилади².

Эгалик категориясининг синтактик жиҳатини ҳоким сўзни тобега боғлаш функцияси ташкил этар экан, бу синтактик қурилманинг семантикаси унда воқеланган шахс-сон, аниқлик/ноаниқлик, сўзнинг келишик шакли, бирикувчи сўзнинг луғавий маъноси каби омил билан боғлиқ бўлади. Семантик жиҳатдан эгалик шакли ранг-баранг маънога

¹ Турсунов У. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т., 1992; Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Т., 1975; Сайфуллаева Р. ва б. Ҳозирги ўзбек тили. –Т., 2007; Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o`zbek tili. –Т., 2006.

² Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.:Фан, 1989, 68-с.

эгалиги билан характерланади. Чунончи, «Салимнинг китоби» бирикувида нутқда уч хил грамматик маъно юзага чиқади:

1. Салимга қарашли китоб. Салимнинг мулки бўлган китоб.
2. Салим ёзган китоб. Муаллифи Салим бўлган китоб.
3. Салимга қайсидир жиҳати билан алоқадор бўлган китоб.


Нутқ шароити бу маънони муайянлаштириб туради. Жумладан, 1-матнда 1-маъно, 2-матнда 2-маъно, 3-матнда эса 3-маъно воқеланган:


1. *Салимнинг китоби йўқолмасин. Эҳтиёт қилинг.*
2. *Салимнинг янги китоби чиқибди.*
3. *Салимнинг китоби – ижодкорнинг энг сўнгги, мукаммал, истиқлолдан кейин муаллифнинг қўлёзмаси асосида берилган тўлиқ ҳақиқий матни.*

Бу маъно бевосита грамматикага алоқадор эмас. Булар ичида грамматик тизимга алоқадори эгалик шаклининг категориал маъноси ва қисман оралиқ грамматик маъно. Умуман олганда, эгалик шакли нутқда ифодаланган ранг-баранг маъно кўриниши куйидаги уч оралиқ грамматик маъно «ғалвири»дан ўтиб воқеланади, муайянлашади:

1. Қарашлилиқ/мансублиқ маъноси: *Салимнинг китоби, қўйнинг боши* ...
2. Фоил ҳаракат (бажарувчи ҳаракат): *Адибанинг кулиши, сенинг гапиришинг* ...
3. Соф синтактик алоқа (аниқланмишни от аниқловчи билан боғлаш): *Қовун бозори, саховат аҳли, гўшт дўкони* ...

Эгалик категориясини синтактик деб тасниф этишнинг ўзи бу шаклнинг лексема синтактик бирикувчанлигига ўзгариш ясай олиши хусусида ҳукм чиқаришга имкон беради. Бунинг учун эгалик шакли ва эгалик шаклсиз айти бир сўзнинг валентлигини қиёслаймиз.





Чунончи, *боғ, китоб, гапириши, келиши* каби лексема қаратқич келишикли тобе бўлак билан бирикишга эҳтиёт сезмайди, ҳатто бирикиш қобилиятига ҳам эга эмас. Аммо мазкур сўз эгалик қўшимчаси билан шакллантирилганда – *китоби/боғи/гапириши* келиши сўзшакли бундай қобилиятга эга бўлади ва қаратқич келишикли аниқловчи билан имконий боғланиш ҳосил қилади. Бошқача қилиб айтсак, «Салимнинг китоби», «Адибанинг гапириши» бирикмасида тобе компонент зарурий (облигатор) валентликка эга бўлса, ҳоким компонент қаратқич келишикли сўз билан бирикиш имкониятига, яъни имконий валентликка эга бўлади.

Эгалик шакли тизими лексема семантик – синтактик валентлигини миқдоран кўпайтиради. Кенгайтирилган актанти от, олмош, феълнинг сифатдош шакли, ҳаракат номи, сон каби туркумга мансуб бўлиши мумкин: *Салимнинг китоби; Унинг қишлоғи; Айтилганларнинг ҳаммаси; Ўқининг сири; Ўттизнинг ярми.*

Эгалик шакли баъзан чиқиш келишигидаги сўзни ҳам бошқаради. Аммо бундай боғланиш иккиламчи ҳолат бўлиб, бундай синтактик қурилма қаратқич келишиги қатнашадиган қурилма асосида юзага келган¹. Жумладан, *талабалардан тўрттаси, шеригидан бири, бизлардан учтамыз, сизлардан баъзиларингиз* каби.

Эгалик шаклининг бош келишиқдаги сўз билан бирикиб кенгайиши тилда мураккаб ҳодиса саналиб, шаклан қаратувчи – қаралмиш муносабатига ўхшаса, мазмунан изоҳловчи–изоҳланмиш конструкциясини берадиган бирикмадир: *саховат аҳли, гўшт дўкони, Ҳамза театри,*

¹ Ўзбек тили грамматикаси. Морфология, I том. –Т.: Фан, 1975, 169- б.

тарғибот ишлари, гугурт заводи каби. Туркийшунос С.Н.Иванов бу хил бирикма юзага келишини учинчи шахс эгалик қўшимчасининг ўзига хос хусусияти билан боғлайди ва *Тошкент шаҳри, ўқуш китоби* каби бирикмани «II изофа» деб номлайди¹. Аммо бу хил боғланиш «дарахт барги», «йўл чети», «устоз қалами» каби белгисиз қаратқичли ҳолатдан фарқ қилади. Чунки «дарахт барги», «йўл чети», «устоз қалами» бирикувида белгисиз қаратқичли тобе компонент эгалик шаклининг белгисиз кенгаювчи актанти вазифасида тура олади. Аммо *Тошкент шаҳри, Гўшт дўкони, март ойи* қурилмасида *Тошкент, гўшт, март* сўзи белгисиз қаратқичли кенгаювчи актант даражасида эмас, балки бош келишиқдаги изоҳловчи вазифасида келади.

Шундай қилиб, эгалик категориясининг сўз лексик–семантик валентлигига киритадиган ўзгаришини қуйидагича лўнда ифодалаш мумкин: эгалик шакли ўзи қўшилиб келаётган сўз валентлигини янги от аниқловчи билан ҳоким сўз мавқеида бирика олиш қобилияти билан кенгайтиради.

Келишиқ категорияси шаклининг лексема семантик-синтактик валентлигига таъсири. Биз ишимизнинг I бобида тил ҳодисасини ўрганишга субстанциал ёндашиш моҳиятини келишиқ мисолида тушунтириб ўтиб, келишиқ шаклининг тадқиқ даражаси, келишиқ категорияси моҳияти, унинг маъно ва вазифа томони хусусида фикр билдирган эдик.

Келишиқ категориясининг илмий талқинида дескриптив (келишиқ шаклининг моҳиятини беришда матний қуршовнинг ҳисобга олиниши) ҳамда субстанциал (келишиқ шаклининг моҳиятини унинг маъновий ва синтактик томонини ҳам боғлиқликда, ҳам зидликда кўриш) назария мавжуд экан, табиийки, мазкур шаклнинг асос лексема валентлигига таъсири унинг зотий, субстанциал моҳиятидан келиб чиқади. Келишиқ шакли грамматик валентлигининг кучлилиги улар синтактик табиатининг ғоятда устунлиги билан белгиланади. Мазкур категория шакли валентлигини ҳар бир келишиқда кузатишга ҳаракат қиламиз.

¹ Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Т.:Янги аср авлоди, 2001. 143–144- б.

Одатда келишик ҳақида гапирганда биринчи навбатда бош келишик ҳақида гапирилади. Лекин бош келишикнинг келишик тизимидаги алоҳида ўрни бугун ўзбек тилшунослиги учун аён¹. Шунинг учун таҳлилни моҳиятан мунозарали ва табиатан мураккаб бўлган бош келишикдан эмас, бошқа келишикдан бошлаш мумкин.

1. Қаратқич келишигидаги сўз эгалик шаклининг факультатив (иккиламчи, нозарурий) кенгайтирувчиси мақомига эга бўлса, қаратқич келишигининг облигатор (зарурий, бирламчи) кенгайтирувчиси эгалик шаклини олган сўз бўлади. Бошқача қилиб айтсак, мазкур шакл асос лексема валентлигига ўзгариш ясаб, унинг эгалик шаклидан бирида бўлган лексема билан бирикиш ҳосил қилишини талаб қилади. Чунончи, *бизнинг лицейимиз, онамнинг кўйлаги, унинг табассуми, ёмоннинг қилиги, ўннинг ярми, уйнинг томи ...*

Баъзан услуб талаби билан таъкид маъносини кучайтириш мақсадида қаратқич шакли асос лексеманинг айрим кўмакчи билан бирикиш ҳосил қилишига йўл очади: *шунинг билан, сенинг каби, менинг учун*. Бу тип конструкция *сенингдек, сендек, менга* каби мустақил сўзнинг синонимик варианты сифатида таҳлил қилинади.

Келишикнинг белгили/белгисиз ҳолатда ишлатилиши, семантикаси, қаратувчи ҳолатида қайси туркум сўзи билан ифодаланиши ёки қайси туркум сўзи билан бирикиш ҳосил қилиши адабиётда батафсил ўрганилган². Ўзбек тилида кейинги вақтда кишилиқ олмошидан (шахс олмошидан) қаратқич келишиги шаклининг ўзига хос қўлланиши оммалашмоқда. Чунончи, *бизнинг манзил, бизнинг кўча, менинг китоб*. Бундай ҳосила қаратқич келишигининг юқорида кўрсатилган табиатига зид ва тадқиқотчи томонидан рус тили, аниқроғи, рус тили эгалик олмошининг интерфрен таъсири сифатида талқин этилади. Лекин шу асосда ҳали эгалик олмошининг шаклланиши ўзбек тилида ниҳоясига етмаган. Аммо шу ҳолатда ҳам қаратқич келишиги келишик учун умумий

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (тўққизинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. -№ 6. 3–7-б.

² Ўзбек тили грамматикаси. Морфология, I том. –Т.: Фан, 1975; Турсунов У. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т., 1992; Сайфуллаева Р. ва б. Ҳозирги ўзбек тили. –Т., 2007; Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o`zbek tili. –Т., 2006; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Т.: Янги аср авлоди, 2001.

бўлган категориал синтактик валентликни - тобе сўз мавқеида келишини сақлаб қолади ва *менинг, бизнинг* каби «қаратувчилик» маъноси шу қаратувчи билан контакт вокализация, С.Назарова таъкидича, «жойлашув» усули билан тобеланган бўлади¹. Қаратқич шакли бирикма таркибида тобе бўлак мавқеида келади.

2. Тушум келишиги воситасиз тўлдирувчи мавқеида келган асос лексеманинг ўтимли феъл билан бирикишини талаб қилади. Тўғрироғи, фақат ўтимли феългина тушум келишиги шаклининг облигатор кенгайтирувчиси даражасига кўтарилади. Тушум келишиги шакли асос лексема семантик синтактик валентлигини ўтимли феъл билан кенгайтиради.

Келишик шаклининг умумкатегориал маъноси «олдинги тобе сўзни кейинги ҳоким сўзга боғлаш» экан, табиийки, бу умумий грамматик маънодан икки сўзнинг алоқа-муносабати, сўз бирикмаси ҳосил қилиши англашилади ва сўз бирикмасида бу синтактик алоқа икки томонлама бўлади. Грамматик валентлик ўзгача кўринишга эга бўлади, яъни бирикманинг бир таркибий қисми иккинчи қисмдан маълум бир шаклда келишни талаб қилса, иккинчи қисм биринчи қисм шакли билан бирикиш қобилиятига эга бўлади. Зарурий ва имконий валентлик уйғунлашади. Худди шундай уйғунлашиш грамматик соф келишик бўлган тушум, қаратқич келишиги бирикувида кузатилди. Макон келишиги номини олган чиқиш, жўналиш бирикувида ҳам шундай уйғунлашишни кўрамыз.

3. Жўналиш келишиги шаклини олган, воситали тўлдирувчи ёки ҳол вазифасида келган асос лексема ўзидан кейин ўтимли/ўтимсиз феъл билан бирикиш ҳосил қилади. Ва, аксинча, ўтимли/ўтимсиз феълнинг жўналиш келишигидаги сўзни бошқариш хусусияти унинг лисоний табиатида мавжуд: *настга қарамоқ, укасига айтмоқ, ўқишига бормоқ* каби. Мисолдан кўриниб турганидек, жўналиш келишиги шакли ўзи қўшилган асос лексема (исм/феъл)ни ҳар хил замон/макон, сабаб/мақсад маъноси билан воситали тўлдирувчи/ҳол сифатида феъл/исм билан тобе алоқага киритади. Чунончи, *мактабга бормоқ, вараққа кўчирмоқ, ўқишига келмоқ, укасига айтмоқ* каби бирикувда «бормоқ», «кўчирмоқ», «келмоқ», «айтмоқ»

¹Назарова С.А. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари: филол.фан.номз.дисс.автореф. –Т., 1997.

феъли [-га] кўшимчаси билан ифодаланган воситали тўлдирувчи//ҳол билан бирикиш имкониятли валентлигига эга бўлса, жўналиш келишиги шаклини олган *мактабга, вараққа, ўқишга, укасига* каби сўзшакл феъл бошқарувчи билан бошқарилишни талаб қилади ва мазкур бирикувда ўтимли/ўтимсиз феъл [-га] шаклига зарурий валентлик даражасида туради.

Шунингдек, жўналиш келишиги шакли сўзга шу келишик шаклининг зарурий валентлиги бўлган *кўра, биноан, қарши, қадар, нисбатан ...* каби кўмакчи билан бирикиш имкониятини ҳам беради.

4. Чиқиш келишиги шакли ўзи кўшилган асос сўзнинг семантик валентлигига маъно ва семантик-синтактик валентлик нуқтаи назаридан айириш, ажратиш, узоқлашиш, фарқлаш ва ҳоказо маъноли феъл ва исмнинг шу келишик билан бирикиш имкониятли валентлигини воқелантиришга хизмат қилади ва [-дан] кўшимчали асос лексемани чиқиш шакли бошқарувчиси билан тобе мавқеда боғланишини зарурий синтактик валентлик даражасига кўтаради. Чунончи, *олмоқ* феъли [-дан] кўшимчаси билан ифодаланган воситали тўлдирувчи билан бирикиш имкониятли валентлигига эга бўлса, *китобдан* сўз шакли *олмоқ* типигадаги бошқарувчи билан бошқарилишни талаб қилади ва *Китобдан олмоқ* сўз бирикмасида зарурий грамматик – синтактик валентлик (-дан шаклида) ва имкониятли (факультатив) валентлик (*олмоқ* лексемасида) бирикиб ҳамда уйғунлашиб, *китобдан олмоқ* сўз бирикмасини беради.

5. Ўрин-пайт келишиги шакли макон келишиги орасида ўзига хос ҳам синтактик, ҳам маъновий хусусиятга эга. Унинг синтактик ўзига хослиги шундаки, бу келишик ихтисослашган синтактик вазифага – гапда ҳол бўлиб келишига асосланган ва гапда ҳол ҳам, тўлдирувчи ҳам бўлиб кела оладиган жўналиш, чиқиш келишигига зид туради. Бундан ташқари мазкур шаклдаги сўзнинг исм/феъл томонидан бошқарилиши ҳам жўналиш, чиқиш келишигидаги сўзнинг бошқарилишидан заифроқ. Исм/феълни замон/макон маъноси билан бошқа феъл/исм билан ҳол мавқеида тобе алоқага киритиш ўрин-пайт келишигининг туб, субстанциал моҳиятини ташкил қилар экан, *тонгда йигилмоқ, уйда бўлмоқ, Бухорода яшамоқ* каби бирикмадаги ўтимсиз феъл [-да] кўшимчаси билан шаклланган ҳол билан бирикиш имкониятли валентлигига эга бўлади. Ўрин-пайт келишиги шаклидаги макон/замон маъноли ҳол учун

юқоридаги феъл (бошқарувчи) зарурий валентлик мақомида туради ва мазкур зарурий ҳамда имконий валентлик бирлашиб, уйғунлашиб Т → Ҳ (тобе → ҳоким) муносабатини воқелантиради. Сўзнинг лексик-семантик валентлигига янги синтактик қобилият бағишловчи қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин, чиқиш келишиги хусусияти билан танишгач, бош келишик ва унинг синтактик валентлиги ҳақида фикр юритса бўлади. Илмий адабиётда бош келишик сўз шаклининг ўзига хос синтактик вазифаси деярли ҳар бир тавсифда оддий ҳақиқат сифатида қайд этилса-да, баъзан тадқиқотчи уни «эсдан чиқариб қўйишади». Ўзбек тилида гап қурилишида эга мавқеида келган бирликнинг морфологик шакли фақат бош келишик шаклигина бўла олади; бош келишик шакли гапда эгадан бошқа бўлак мавқеида бемалол кела олади, лекин гапнинг эгаси бош келишикдан ўзга бўлак шаклида бўла олмайди. Бош келишикнинг қолган барча келишик шакли маъно ва вазифасида кела олиши эса, бу шаклнинг грамматик категория ичида доминанта (нейтрал) шакл мавқеида келаётганидан далолат беради.

Юқоридаги тавсифдан хулоса қилишимиз мумкинки, келишик шакли ўзи бирикиб келган асос лексема семантик-синтактик валентлигига шу келишик шакли билан бирикиш факультатив имкониятига эга бўлган бирлик билан тобе мавқеида боғланиш зарурий валентлигини беради. Бунда эгалик ва келишик категорияси орасида асос лексема лексик-семантик валентлигини кенгайтиришда ўзаро зиддиятли йўналиш ва қобилият мавжуд: эгалик шакли сўз бирикмаси таркибида ҳоким мавқеида келиш ва шу асосда тобе бўлак билан имконий бирикиш валентлигини берса, келишик шакли сўз бирикмаси таркибида тобе мавқеида келиш ва шу келишик шакли билан имконий бирикишга эга бўлган бирликка тобеланишни зарурий валентлик сифатида беради.

4-§. Морфология лисоний тизим яхлитлигида

Луғавий маъно ва морфология. Лексема луғавий маъносини нутққа олиб чиқиш, воқелантириш ва фарқлашда морфологик шакл ўзига хос аҳамиятга эга. Лекин луғавий маънони шакллантириш ва воқелантиришда морфологиянинг роли луғавий маънонинг кўринишини фарқлаш билан чегараланмайди. Морфологиянинг луғавий маънони шакллантиришдаги

ҳал қилувчи аҳамияти ўзбек тилида таснифловчи катъегория – луғавий шаклнинг мавжудлигида намоён бўлади. Борлиқдаги ҳар бир манба каби сўз (лексема) ҳам серқирра ҳодиса бўлиб, у фонетик, семантик, морфологик ва синтактик қобилиятининг мажмуаси сифатида воқеланади. Лекин бу томон лексемада механик бирликда эмас, диалектик-асимметрик муносабаликда туради. Шунинг учун бу тўрт томондан биридаги энг кичик фарқ ҳам, албатта, қолган уч томонда тафовут бўлишини талаб этавермайди. Тилдаги семантик, морфологик ва синтактик томоннинг нисбий мустақиллиги ва бутунлиги тил тараққиётидаги асосий омил. Тилда шакл ва мазмун (жумладан, функция ва вазифа) томони қандай асимметрик дуализмда қаралган бўлса,¹ семантика, морфология ва синтаксис ҳам ўзаро шундай диалектик муносабаликда туради. Шу боисдан сўз туркумини ажратаётганда ҳам семантик, морфологик ва синтактик омил нисбий мустақилликда қаралмоғи лозим² ва шу асосда сўзнинг семантик, морфологик ва синтактик томонини ажратиш мумкин.³ Мана шу жараёнда семантик ва синтактик омилнинг морфологик омил билан кесишиш, бирлашиш нуқтаси ҳосил бўлади. Маълумки, барча мустақил сўз синтактик нуқтаи назардан бир хил хусусиятга эга бўлиб, гапда унинг бирор бўлаги мавқеида келиш умумий синтактик қобилиятига эга. Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида «фeyл кесим, эга ва тўлдирувчи вазифасида келади» каби туркий тил тизимида мутлақ ёт бўлган ҳулосадан воз кечилган. Мустақил лексеманинг барчаси гапда бирор бўлак вазифасида кела олиш қобилияти билан бирлашади ва бу жиҳатдан у дифференциал белгига эга эмас. Мустақил лексемада синтактик белги фарқловчи эмас, балки бирлаштирувчи омил бўлиб, унинг ёрдамчи лексема билан ўзаро муносабатида бу фарқловчи омил сифатида намоён бўлади. Мустақил сўз тўпламини грамматик умумий маъно жиҳатдан фарқлаш жараёнида, луғавий маъно билан бир қаторда, морфологик омил

¹ Карцевский С. Об асимметричном дуализме лингвистического знака / Звегинцев В.А. История языкознания XIX–XX века в очерках и извлечениях. Ч. II. – М., 1965.

² Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Мадраҳимов И. Сўзнинг серқирралиги ва уни тасниф қилиш асоси: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Т., 1994.

³ Мадраҳимов И. Сўзнинг серқирралиги ва уни тасниф қилиш асоси: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф.–Т., 1994.

ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Маълумки, мустақил сўз гуруҳи маъно қобилияти жиҳатидан дастлаб учта катта гуруҳга ажралади:

1. **Атов лексемаси.** Бу шундай лексемаки, у маълум бир, нарса, воқеа-ҳодиса, белги, хусусият, алоқа-муносабат, ҳаракат-ҳолатни атаб келади (*одам, пари, қизил, тўқ, бир, икки, энди, ёз, ухла*).

2. **Ишора сўз (олмош).** Бу сўзнинг луғавий маъноси матн билан боғлиқ бўлиб, унинг бирор таркибий қисмига ишора қилиш билан нутқда муайян мазмун касб этади.

3. **Тасвирловчи сўз (ундов ва тақлид).** Ҳозирги кунда у таркибига модал ва тасдиқ-инкорни ҳам киритиш мумкин.¹

Сўзнинг бу уч гуруҳи унинг маъновий қобилияти асосида ажратилади.

Юқорида кўрсатилган маъновий гуруҳнинг ички бўлиниши морфологик омил асосида амалга оширилади ва ажратиш шу вазифага ихтисослашган морфологик восита – таснифловчи грамматик категория ёрдамида юзага чиқади. Грамматик категория сўзнинг маълум бир луғавий хусусиятга эга бўлган гуруҳига хос бўлиб, унинг грамматик маъносини шакллантиришга, моҳиятан анча кенг ва чегараси қатъий бўлмаган маъновий белгини грамматиканинг қатъий қолипига тортишга хизмат қилувчи категория. Таснифловчи категория сифатида нисбат, сон, даража, тартиб ва морфологик ўзгармаслик категорияси юзага чиқади. Шунинг учун лексеманинг морфологик хусусиятга кўра парадигмаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

- 1) шаклан ўзгармас номема;
- 2) нисбатланувчи;
- 3) сонланувчи;
- 4) даражаланувчи;
- 5) мўътадил.

Морфологик шаклини мутлақо ўзгартира олмайдиган сўз сифатида равиш сирадан чиқади. У маъно ва вазифа жиҳатидан от, сифат, сон, демак, қисман, олмошга ўхшаш бўлса-да, луғавий шакл қўшимчасини қабул қила олмаслиги билан ажралиб туради. Равиш ва исм қўп ҳолда

¹ Бобокалонов Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Т., 2000.

ўхшаш бўлиб, шу боис бир қатор ва сифат равишга жуда ҳам яқинлашади. Масалан, *кеча, кундуз, тонг, оқшом* (пайт и), *барвақт, бир маҳал, кеч* (пайт сифати), *атроф, тегра, ўрта, ичкари, таиқари, ўнг, чап, олд, орқа*(ўрин и), *олдин, кейин, юқори, паст, баланд*(ўрин сифати), *оз, кўп, мўл, бутун, тўла* (миқдор сифати) шулар жумласидан. Илмий тадқиқот, дарслик ва грамматикада бу сўзнинг равиш сифатида қаралиб келганлиги маълум. Чунки бундай сўзга бошқа тилдаги (хусусан, европа тилларидаги) ўзгармас сўз – равиш мос келади. Бироқ равишнинг ўзгармаслик қонуниятига таяниладиган бўлса, унинг бу туркум сирасида қаралиши мақсадга мувофиқ эмас.¹ Бу ҳақда сўз туркумига бағишланган фаслда махсус тўхталинади.

Луғавий маъно ва луғавий шакл. Қуйида морфологик омилнинг луғавий маънога таъсири масаласини айрим луғавий шакл мисолида ҳам муайянлаштиришга ҳаракат қилинади.

Кичрайтириш-эркалаш шакли. От туркумида луғавий маънога таъсир қилувчи грамматик восита сифатида кичрайтириш ва эркалаш кўрсаткичи ҳам ажратилади. *-ча, -чоқ (-чак)* қўшимчаси ўзбек анъанавий тилшунослигида нинг кичрайтириш-эркалаш шакли сифатида атрофлича ва батафсил тавсифланган.²

Кичрайтириш шакли от лексемага нутқ жараёнида қўшилиб, унинг луғавий ва грамматик маъносига турли томондан ва турли даражада таъсир қилади. Маълумки, **-ча** шакли шахсдан бошқа денотат ифодаловчи бўлган (нарса-предмет ва ҳайвон номи)га қўшилганда «соф кичрайтириш» маъносини намоён қилади.³ 1. *Ҳовузча лабига бориб, сувда қизиқ манзарани кўрди. Тикилиб қараса, тўрт энлик-тўрт энлик келадиган сап-сарик балиқчалар.*(Ҳ.Наз.). 2. *Оптоқ капалакчалар еру кўкни тўлдириб тўзиб кетган, кумуш қанотчасини оҳиста силкитиб чарх уришади.*(Ҳ.Наз.). Кичрайтириш шакли га қўшилар экан, аввало, унинг

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. – Т.: Фан, 1989, с. 17–18; Нейматов Ҳ., Ғуломов А., Қодиров М., Абдураимова М. Она тили. 6-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2000, 144–149- б.

² Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1980, 242–243- б.

³ Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1980, 242- б.

луғавий маъносига муайянлик киритади. Масалан, *ҳовуз, балиқ, капалак, қанот* сўзида «катталик» белгиси ҳам, «кичиклик» белгиси ҳам мавжуд бўлиб, сўз маъноси бу жиҳатдан нейтрал. У ҳам «катта», ҳам «кичик» семасини воқелантириш қувватига эга. Шу боисдан турли катталикни (катта, ўрта, кичик каби) билдирувчи сўз билан шу жиҳатдан эркин бирикаверади. Кичрайтириш шакли *-ча* эса сўзни шакллантирар экан, унинг семантикасидаги ушбу мавҳум нуқтани ойдинлаштириб юборади. Бу қўшимчани олган семемада «катта» семаси сўнади. Семантикада юз берган ўзгариш лексеманинг синтактик қобилиятини ҳам ўзгартиради. Бу ҳақда юқорида айтилди. Лексеманинг бирикувчанлик (валентлик) имкониятини чекловчи шакл қаторида турадиган *-ча* бирликни «кичик»ка зид бўлган маънони ифодаловчи сўз билан бирикиш имкониятидан маҳрум қилади. Дейлик, *китобча* сўзшакли *ўрта, катта, улкан* каби лексема билан бирикиш имкониятига эга эмас. *-ча* кичрайтириш шакли соф «кичрайтириш» маъноси билан лексеманинг норелевант аташ семасига таъсир қилади, унга муайянлик киритади. Шакл шахс оти лексемасига бирикканда, кичрайтириш, ҳурмат, эркалаш ёхуд камситиш маъносини ифодалайди.¹ Бу жараёнда унинг лексема луғавий маъносига кўрсатадиган таъсири масаласи ҳақида анъанавий тадқиқот ва дарсликда йўл-йўлакай бўлса-да, маълумот баён қилинган. *-ча* шакли бу маънони ифодалар экан, бунда у лексеманинг ҳам аташ, ҳам ифода семасига таъсир қилади. 1. *Уни эсли-хушли йигитча деб ўйлайман.* (Ҳ.Наз.) 2. *Қизчани хафа қилиб қўйманг тагин.* (Ҳ.Наз.) 3. *Сал ўзингизни босиб олинг, йигитча.* (Ҳ.Наз.) 1-, 2- мисолда, лексеманинг аташ семаси билан биргаликда, ифода семемасида ҳам мўътадил ҳолдаги «ҳурмат» семаси муайянлашган ва дахлдор сема қаторига кириш даражасида кучайган. 3- мисолда эса, «кичрайтириш» билан биргаликда, «камситиш» маъноси лексема ифода семасини модификация қилган. *-ча* кичрайтириш аффикси билан ясалган «кичрайтириш» маъноси янгиланган моҳият касб этиши, сўз янги сўзга айланиши мумкин. Бунда «кичрайтириш» маъноси

¹ Шаҳобиддинова Ш. Босқичли мавҳумлаштириш умумий грамматик маънони очиш усули сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1995. -№ 3; Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Самарқанд, 1994.

йўқолади(*шолча, боғча*).¹ Келтирилган бу далил илгари сурилаётган фикр учун таянч вазифасини ўтовчи, шаклнинг луғавий маънога таъсирини, унинг луғавий шакллик хоссасини намоён қилувчи муҳим омил.

-чоқ(-чак) аффикси -ча шаклининг айрим сўз учун хосланган кичрайтириш ва эркалаш маъноси қоришган кўриниши бўлиб, у кўпроқ ифода семасига таъсир кўрсатади, уни муайянлаштиради. Лексеманинг синтактик имкониятига таъсир қилиш қобилияти унда -ча аффиксига нисбатан устунлиги билан характерланади. 1. *Бир кун кўрмаганига саман йўрға уйда қолган тойчоғини эслатяпти.*(М.Маҳм.) 2. *Ўйинчи ёш қиз каби тароватли, келинчак каби кўркам, ёр каби дилдор эди* (М. Исм.)

Отнинг эркалаш шакли сифатида қайд қилинувчи -жон, -хон, -ой, -лоқ аффикси луғавий маънога таъсир қилиш қобилиятига кўра ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, -жон, -хон аффикси ҳам аташ, ҳам ифода семасига таъсир кўрсатса, -ой, -(а)лоқ шакли лексеманинг, асосан, ифода семасига таъсир қилади. 1. *Акажоним, дўптим қоқиб, силар эди бошимни.* 2. *Опахон, сиздан бир гап сўрасам.* 3. *Хурматойнинг бригадаси илгор ва тажаббускор чиқди.* 4. *Ҳа, эсимда, бўталоқ бирам кўхликкина, кўзлари катта эди.* Мазкур восита билан шаклланган сўзда шахсий муносабат маъноси мўътадил бўлади. Шакл эса бу маънони реаллаштиради. Шу билан бирга, -жон ва -хон шакли сўзнинг тўғри ва ҳосила маъносини фарқлайди. Масалан, *Ота, сиздан бир нарсани сўрасам* гапида *ота* сўзининг «ўз отаси» ёки «ёши катта эркак» маъносидалиги аниқ бўлмай, гоҳ у, гоҳ бу маъноси юзага чиқиш мумкин. Бироқ, «*Отажон, шеър ёзсам майлими?*» гапида *отажон* сўзи «жисмоний ота» маъносини, олдинги гапда эса «ота» маъноси ҳосила - «хурмат» маъносини воқелантираётганлиги аён бўлади. -ой эркалаш шакли, -(а)лоқ кичрайтириш шакли сўзловчининг муносабати билан боғлиқ ифода семасини муайянлаштириб, уни дахлдор сема қаторига қўяди.

Ҳаракат тарзи шакли. Ҳаракат тарзи шакли феълнинг луғавий маъноси билан зич боғланган. Бу шаклнинг қўлланилиши фақат унинг грамматик маъноси билангина эмас, балки етакчи феълнинг мазмун силсиласи билан ҳам белгиланади. Чунки унинг ўзаро мувофиқлиги

¹ Шоабдурахмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1980, 243- б.

шаклнинг нутққа киритилишига асос бўлади. Масалан, (ёз) кўмакчи феъли, асосан, бажарилиши лозим бўлган, лекин тўла бажарилмаган иш-ҳаракатни ифодаловчи феълга қўшимча маъно беради. Бу маъно, ўз-ўзидан, бўлишли-бўлишсизлик маъноси билан мувофиқ келмайди. Бу эса *йиқилаёзди, тугатаёзди* каби сўзшаклининг бўлишсиз шаклда бўлолмаслиги сабабини ойдинлаштиради.

«Ҳаракат тарзи шакли» атамаси илк бор умумтаълим мактабининг 6-синфи учун «Она тили» синов дарслигида қўлланган¹ ва у «ҳаракатнинг давомийлиги ёки қисқалиги, мунтазам ёки узлуксиз эканлиги, кутилмаганлиги, фоилнинг ҳаракатни бажара олмаслиги каби ўнлаб маъно нозиклигини ифодалайди»² дейилиб, тарз ҳосил қилувчи 12 та феълдан иборат парадигмаси берилган. Умуман олганда, ҳаракат тарзи атамаси остида ўрганилаётган ҳодиса тилшуносликда янги қўйилган муаммо эмас. Зеро, бу ҳодиса ва унинг рус тилидаги вид категорияси масаласига бағишлаб бир нечта илмий анжуман ўтказилган. Унинг моҳиятига доир айрим иш амалга оширилган.³ Бироқ, ўзбек тилшунослигида унга, айниқса, кам эътибор берилади. Бугунги кунда кўмакчи феълнинг луғавий шакл сифатида тутган ўрни ва лисоний моҳияти масаласи кун тартибида турган муаммодан ҳисобланади.

Ҳаракат тарзи шакли сираси, мавжуд манбага кўра, 27 феълдан иборат бўлиб, унинг етакчи феълга қўшилиши -а(й) ва -(и)б равишдош шакли асосида юз беради. Демак, аналитик-синтетик шакл сифатидаги бу лисоний моҳият табиатан мураккаб бўлиб, мазкур феълнинг мустақил ҳолда ҳам қўллана олиши, умуман, ўзбек тили соф кўмакчи феъл вазифасида келувчи сўзга эга эмаслиги унинг табиатини янада мураккаблаштиради. Зеро, тадқиқотчининг бу шаклда турли-туман, баъзан бир-бирига зид маънони қайд қилиши мураккаблик сабабини мазкур феълнинг ўзидангина эмас, балки етакчи феъл, равишдош шакли ва кўмакчи феълнинг мустақил қўлланишдаги луғавий маъноси тажаллисининг қоришган ҳолда намоён бўлишидан қидирмоқ

¹ Неъматов Ҳ., Гуломов А., Қодиров М., Абдураимова М. Она тили. 6- синф учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2000, 52- б.

² Неъматов Ҳ., Гуломов А., Қодиров М., Абдураимова М. Она тили. 6-синф учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2000, 52- б.

³ Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъл. –Т.: Фан, 1966.

лозимлигини зарур қилиб қўяди. Масалан, А.Ҳожиев (тур) кўмакчи феълнинг маъно хусусияти ҳақида гапирар экан, шундай ёзади: «Етакчи феълдаги ҳаракатнинг маълум белгили вақт ичида, бирор ҳаракат ёки ҳодиса амалга ошгунча бажаралиш маъносини, «вақтинча» деган маънони билдиради. Бундай ҳолда контекстда етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиш муддатини (қай вақтгача давом этишини) кўрсатувчи сўз ёки сўз бирикмаси қатнашиши ҳам мумкин. *То шаҳардан муаллим келгунча, бўлис ўзлари ўқитиб турадилар.*¹ Мисол сифатида келтирилган гапнинг биринчи қисми олиб ташланса, иккинчи қисмидан «вақтинча» маъноси англашилмаслиги мумкин: *Бўлис ўзлари ўқитиб турадилар.* Энди гапдан «давомлилик» англашилади-ю, унинг «вақтинчалик» маъно оттенкаси йўқолади. Бунда синтактик ҳодиса тажаллиси кўмакчи феъл маъносини мураккаблаштирганлиги аён бўлади. Буни муаллифнинг ўзи ҳам эътироф этади: «*тур* кўмакчи феъли айрим феълга бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг худди нутқ momentiда бўлаётганлиги ёки такрорланиб давом этаётганлиги маъноси фақат контекстда реаллашади».² Олдинги фаслда таъкидланганидек, матнда, боғлиқ қуршовдагина реаллашадиган маъно билан бирликнинг моҳияти ҳақида сўз юритиш маъқул эмас. А.Ҳожиев буни куйидагича тушунтиради: «*кет* кўмакчи феъли айрим феъл билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бошланиши ва давом этиши маъносини билдиради(*дўппослаб кетди, гапга тушиб кетди, мақтаб кетди*). Бундай ҳолда ҳам маъно, кўпинча, кучли оттенка билан ифодаланади».³ Эътибор берилса, ҳаракатнинг давомлилиги *дўппосламоқ, гапга тушмоқ, мақтамоқ* бирлигининг табиатига хос бўлиб, бу ўринда фақат «кучли оттенка» (кет) феълнинг ҳиссаси. Шунингдек, муаллиф «*кет* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикси билан ясалган турига бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бошланиш ва шу хилда давом этиши маъносини билдиради: *Токчадан бир тахта қозғоз олиб, ўқий кетди*, деб таъкидлайди. Бунда ҳам «давомлилик» маъноси равишдош шаклига хос бўлиб, (кет) кўмакчи феъли «кучли оттенка» маъносини сақлаб қолади.

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъл. –Т.: Фан, 1966, 51- б.

² Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъл. –Т.: Фан, 1966, 51- б.

³ Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъл. –Т.: Фан, 1966, 146- б.

Ҳаракат тарзи шакли сифатида кўмакчи феълнинг ўзинигина тушуниш ярамайди. Буни Ҳ.Неъматов ва унинг ҳамфиқри ҳам алоҳида таъкидлайди.¹ Зеро, бу феъл ўз маъносини равишдош шакли билан биргаликдагина воқелантиради. Чунки, масалан, *ўқий олмоқ* сўз шаклида «қодирлик», «қобилият» маъноси юзага чиққан бўлса, *ўқиб олмоқ* сўз шаклида «адресат» ёки «субъектнинг ўзига йўналиш» маъноси воқеланади ва равишдош шакли алмашиши билан юзага чиқаётган маънода ҳам кескин ўзгариш содир бўлади. Бу ва бош қа хусусияти ҳақида “Ҳаракат тарзи категорияси” фаслида махсус фикр юритилади.

Ҳаракат тарзи шакли феълни грамматик жиҳатдан шакллантирар экан, унинг луғавий маънони муайянлаштирувчи, кўп семемали сўз семемасини фарқловчи муҳим омил сифатида ҳам намоён бўлади. Таъкидланганидек, синтактик қолип, луғавий маънони нутққа олиб кириш вазифасини ўташ билан биргаликда, семемани фарқловчи восита бўлиб ҳам хизмат қилади. Бироқ синтаксиснинг семемани фарқлаш имкони чегараланганда, луғавий шакл бу масалада устуворлик касб этади. Масалан, *босмоқ* лексемаси 4 семемали лексема бўлиб, «унинг бирор нарсани сирт томондан оғирлик кучи билан тагида қолдириш ҳаракати» семемаси *қол, кет, ўт, тур* кўмакчи феъли билан мувофиқ келади. Масалан, «*Қол босиб қолди*», «*Оёғи билан босиб турди*» каби. Бироқ лексема ушбу семемаси билан нутққа кириши учун *бошла, юбор, кет* каби луғавий шакл ҳосил қилувчи билан шакллана олмайди.

Лексема «бирор нарсани сирт томондан куч билан бевосита ёки восита асосида сиқмоқ» семемаси билан воқеланганда *бошла* кўмакчи феъли билан бирика олади. Масалан, *кнопкани боса бошламоқ* каби. Бу ерда *бошла* шакли ўрнини *қол* шакли эгаллай олмайди. Ёки (ҳайдамоқ) лексемаси «техника-транспортни бирор йўналишда бошқармоқ» семемаси билан воқеланганда *кет, юр* шакли билан шаклланади. *машинани ҳайдаб юрмоқ* каби. Бироқ *юбор* ҳаракат тарзи шакли бу семемани бошқа - «нарсани ёки шахсни бирор томондан бошқа томонга куч билан йўналтирмоқ» семемасидан ажратиб туради. Аниқроғи, *қўйларни ҳайдаб юборди* ҳосиласи ўзбек нутқи учун меъёрий ҳол бўлса, *машинани ҳайдаб юборди*

¹ Неъматов Ҳ., Гуломов А., Қодиров М., Абдураимова М. Она тили. 6-синф учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2000, 52- б.

тарзида бирикув тузиш мумкин эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, луғавий шакл сифатида ҳаракат тарзи воситасининг луғавий маъно семик таркибига, шунингдек, воқеланаётган лексема турини фарқлашга таъсири бошқа шаклга нисбатан кучлироқ сезилади. Бунинг сабаби, бизнингча, у асосида, биринчидан, луғавий бирлик ётганлиги бўлса, иккинчидан, шаклнинг табиатан аналитик-синтетик характерда эканлиги. Ҳаракат тарзи шакли феълни воқелантирар экан, аввало, унинг норелевант «тарз» семасига таъсир қилади. Ифода семаси сифатида ўрин олувчи бу семик парча феълнинг аташ семасига нисбатан дахлсиз бўлиб, унга жиддий таъсир қилиш табиатдан йироқ ва, асосан, феълни ҳар томондан тавсифлайди, холос.

Морфологик шакл умумий грамматик маъносини воқелантириш ва оралик грамматик маъносини фарқлашда лексик ва синтактик омил ҳамкорлиги. Морфологик шакл умумий грамматик маъносини ўз ҳолича юзага чиқара олмайди. Улар бунинг учун бошқа сатҳ – лексик ва синтактик сатҳ бирлиги ёрдамига эҳтиёж сезади. Буни қуйида айрим морфологик шакл маъносининг нутқий воқеланиши мисолида кузатамиз.

Сон шакли. Маълумки, сон категориясига мансуб (0) шакл умумий грамматик маъноси сифатида «бўлинмас аниқ-ноаниқ миқдор» тикланган.¹ Бу шаклга хос субстанциал моҳиятнинг воқеланиши ҳам уни тиклашдаги каби қатор қийинчиликни келтириб чиқаради. Даставвал, шаклнинг моддий кўрсаткичдан холилиги масалани мураккаблаштирувчи сабаб бўлса, иккинчидан, унда бирлик ва кўплик миқдорий моҳияти билан қоришган ҳолда яшайдиган ноаниқлик-аниқлик сифатий моҳият тажаллиси унинг ўзига хос хоссасини тиниқ идрок қилиш имконини чеклайди.

Тадқиқотчилар шаклнинг бир нечта оралик маъносини фарқлайди. Хусусан, Ҳ.Неъматов (0) шаклнинг бевосита миқдор билан боғланган ёки

¹ Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И., Махмудов Н.М., Мухамедова Д.А., Нурманов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков. Тезиси формально-функционального исследования // Советская тюркология. 1984. -№ 5. –С. 16; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989. с. 45

боғланмаган 8 та маъно турини ажратади.¹ Ш.Шаҳобиддинова шакл умумий грамматик маъносини 3 та оралиқ грамматик маъно асосида тиклайди.²

Шакл умумий грамматик маъноси нутқда тажаллиланар экан, у бевосита ўз «борлиғи»ни ўзи намоён қила олмайди. Бунда нутққа чиқаётган ва қуршов ҳосил қилаётган лексеманинг роли беҳад улкан. Меъёрий қуршов шаклга намоён бўлувчи хоссани бермайди, аксинча, шакл бу хоссага эга бўлганлиги боис, ушбу қулай қуршовда уни намоён қилади.

(0) шакл оралиқ грамматик маъносини ойдинлаштиришда синтактик омил лексик омилга нисбатан устуворлик касб этади. Аниқроғи, бунда (0) шакл билан нутққа кириб, отга аниқловчи сифатида иштирок этадиган сўз муҳим аҳамият касб этади. Айрим оралиқ грамматик маънонинг баъзи хоссаси сўзшаклга асос бўлаётган лексеманинг табиати билан белгиланади.

(0) шаклли от нутққа ҳеч қандай аниқловчисиз кирар экан, бунда унинг «тур» маъноси юзага чиқади. Бошқача айтганда, (0) шакл лексема атаётган денотатни тур сифатида бошқа турдан фарқлаш вазифасини ўтайди: *Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин*. Тур маъноси лексеманинг маъновий табиатига боғлиқ равишда юзага чиқади. Лексема аниқловчи олса, бу маъно бироз тораяди. 1. *Етук олим бўлинг*. 2. *Жамият тараққиётини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади*. Демак, лексик омил мазкур маънони воқелантирса, синтаксис уни муайянлаштирувчи омил сифатида намоён бўлади. Шунингдек, атоқли да ҳам (0) шакл «тур», «ажратиш» маъносини воқелантиради. Бу, албатта, атоқли нинг ўзига хос семантик табиатдан келиб чиқади. Демак, атоқли нинг маъновий хоссаси шаклнинг ўзига хос тур маъносини янада муайянлаштирувчи восита. Бунга ҳодисани атоқли нинг кўплик сон шаклида қўлланган ҳолатига қиёслаш билан амин бўлиш мумкин.

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989, с. 45.

² Шаҳобиддинова Ш.Х. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Самарқанд, 1994. 16- б.

Демак, (0) шаклнинг «тур-ажратиш» оралик грамматик маъносини воқелантиришда луғавий омил етакчилик қилади ва синтактик омил унга кўмаклашади. (0) шакл умумий грамматик маъносини аниқлашда аниқловчининг характери муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бирор сўз (0) шаклдаги отга аниқловчи бўлиб келар экан, унинг умумий грамматик маъносига хос бирлик миқдорий хоссани ноаниқлик сифатий хоссаси билан бир бутун ҳолда намоён қилади. 1. *Сизни мактаб ҳовлисида бир киши кутяпти.* Демак, (бир) сўзи каби аниқ миқдор аниқловчиси билан нутққа кирган от аниқ ёки ноаниқ бўлиши мумкин: *3 та ўқувчи - 3 та аълочи ўқувчи* каби.

(0) шаклнинг маъновий муайянлаштирилмаган даги маъноси 2 хил бўлади: ноаниқ нарсанинг ноаниқ миқдори (*китоб ўқиш*) ва ноаниқ шаклнинг аниқ миқдори (*бир китоб*). Бу маънонинг воқеланишида аниқ миқдор аниқловчиси билан бир қаторда ноаниқ миқдор аниқловчиси ҳам муҳим ўрин тутади: (*кўп/ анча/ бир қанча китоб*). Демак, миқдорий аниқ маъноли сўз (0) шаклнинг миқдор жиҳатини муайянлаштиради ва сифат жиҳатини мавҳумлигича қолдиради. Сифат аниқловчиси эса унинг миқдор хоссасига аниқлик кирита олмайди.

бу, ушбу, шу кўрсатиш олмоши аниқловчи мавқеида келганда ҳам шакл бирлик оралик грамматик маъносини воқелантиради: *Ушбу ёдгорликка мурожат килар эканман, менинг мақсадим битта (О. Матжон).*

Луғавий муайян сифат аниқловчиси билан келганда (0) шакл чекланган кўплик маъносини ифодалаш мумкин. Тадқиқотчи Ш.Шаҳобиддинова таъкидлашича, «кўплик «аниқ» ёки «ноаниқ» сифат билан нутққа киради. Бунга аниқ миқдор ёки ноаниқ миқдор ифодаловчи сўз муҳим аҳамият касб этади: 1. *Пахта тозалаш машинаси тинмай ишлар, тўрт киши доим у билан овора эди.* 2. *Совиб қолган чойдан бир-икки тиёла ичди.* Бунда кўплик (0) шаклга хосми ёки ундаги синтактик восита тажаллисими? деган савол туғилади. Аниқроғи, гапдаги аниқ кўплик (тўрт), иккинчи гапдаги ноаниқ кўплик (бир-икки) сўзи тажаллиси эмасми? Демак, шундай экан, бирлик сон шакли (0) дан кўпликни қидириш маъқул эмас. Кўплик бўлиб туюлаётган ҳодиса ҳам (0) шакли

кўлланишида кўзга ташланади: *Гадонинг душмани гадо бўлади*. Бунда жамлик оралик грамматик маъноси ҳам лексеманинг маъновий табиати ва матнга боғлиқ равишда намоён бўлади ва луғавий ҳамда синтактик омилнинг тенг қийматли ҳамкорлиги кузатилади.

Демак, (0) шаклда ноаниқ ва аниқ миқдор умумий грамматик маъноси турлича воқеланар ва бунда ҳамкор воситанинг роли турлича экан, бу, аввало, нинг атоқли ва турдош, аниқ ва мавҳум каби турланишидан, қолаверса, бирикувчи сўзнинг маъновий табиати ва синтактик ўрнидан келиб чиқади.

Сон категорияси (-лар) шакли умумий грамматик маъноси сифатида «миқдорий ноаниқлик ва сифатий бўлинувчанлик» ажратилади¹ ва у «кўплик», «жамлик» «боғлиқлик ёки ўхшашликка асосланган кўплик» оралик грамматик маъносидан синтезланади.

(-лар) шакли оралик грамматик маъноси воқеланишида синтактик омилга нисбатан лексик омил устуворлик қилади ва (-лар)ли сўзшаклга асос бўлаётган лексема семантикаси бунда муҳим роль ўйнайди. (-лар)ли сўзшакл турли аниқловчини ҳам қабул қилиши мумкин. Бу эса шакл маъносини тўғри ва равшан идрок этишга маълум маънода тўсиқ ҳам бўлади.

(-лар) кўплик сон шакли атоқли отни нутққа олиб кирар экан, у ўзининг умумий грамматик маъносини «ўхшашликка ёки боғлиқликка асосланган кўплик» сифатида жузбийлаштиради: *Фарҳодлар келди. Мирзачўллар обод бўлди*. Сўзшаклга асос бўлаётган лексеманинг атоқлилиқ характериға боғлиқ равишда шаклнинг мазкур оралик грамматик маъноси янада бўлинади ва 2- бўғин оралик грамматик маъно фарқланади. Масалан, киши атоқли оти «ўхшашликка асосланган кўплик» оралик грамматик маъносини фарқлайди ва юзага чиқаради: *Дарёнинг йўлига гуллар сочгали Ширинлар - қадлари шамшодлар келди*(Уйғун). Жой номи атоқлари ида эса «боғлиқликка асосланган кўплик» оралик грамматик маъноси юзага келади. Демак, «қуршов маъноси ўзига хос

¹ Шаҳобиддинова Ш.Х. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994, 15- б.

оттенка билан ифодаланади, бундай оттенка **сўзнинг лексик маъноси** (таъкид бизники – Б.М.) асосида юзага келади.¹

Кўринадикки, оралик грамматик маънонинг ҳар иккала жузъий намояндаси ҳам ўзи мансуб умумий грамматик маънонинг «ноаниқ кўплик» унсурини ифодалайди. Бунда оралик грамматик маънонинг «боғлиқликка ёки ўхшашликка асосланган» қисми дахлдорлик даражасига кўра устунлик касб этади.

(-лар) шакли кўплик оралик грамматик маъносини воқелантирар экан, бунда шакл уни миқдорий ноаниқлик ва сифатий бўлинувчанликнинг яхлит бирлиги сифатида воқелантиради.² Бу оралик грамматик маънонинг фарқланиши ва юзага чиқишида луғавий бирликнинг ички табиати муҳим роль ўйнайди. Аниқроғи, маъновий моҳиятидаги «саналадиган» иррелевант семаси (-лар) шаклининг юзага чиқишига сабаб бўлади ва шакл ҳар бир қўлланишда бирдан ортиқ маъносини воқелантираверади, бу эса оралик грамматик маънонинг бошқа ташкил этувчисига нисбатан устувор дахлдорликка эга бўлади: *1. Жасур ўғлонларни нега тузасиз? 2. Ана шу кўзларда теваракдаги чироқлар сингари шуълалар милтирар эди.*³

Кўринадикки, Ш.Шаҳобиддинова таъкидлаганидек, мисолда кўплик ўзининг ноаниқлик ва бўлинувчанлик белгиси билан яхлит воқеланган. Кўплик оралик грамматик маъноси отнинг қайси маъно турини нутққа олиб кираётганлигига қараб турлича жилваланади. Дона нарса ида у «соф кўплик» (*бу жойларни обод қилиш учун*), «чама- тахмин» (*яқин кунларда*), мавҳум да «кўп, ҳар хил» (*ўтмиш сарқитлари*) тарзида юзага чиқади.⁴ Зикр этилган маъновий кўринишнинг бир қисмида шакл маъноси фарқланиши учун луғавий маънонинг ўзи етарли бўлса, баъзисида синтактик омил кўмагига кучли эҳтиёж сезилади (*ўша пайтлар, булоқ бўйларида, дастлабки вақтларда*).

¹ Ўзбек тилининг изоҳли Луғати. 2 томли. 1- том / З.Маъруфов таҳрири остида. –М.: Рус тили, 1981, 130- б.

² Шаҳобиддинова Ш.Х. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Самарқанд, 1994, 15- б.

³ Шаҳобиддинова Ш.Х. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Самарқанд, 1994, 16- б.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли Луғати. 2 томли. 1- том / З.Маъруфов таҳрири остида. –М.: Рус тили, 1981, 139- б.

«Ноаниқ кўплик» умумий грамматик маъноси воқеланишида синтактик ва луғавий омил роли ҳақида гап борар экан, баъзи аниқ миқдор ифодаловчи сўз ҳам шаклда гоҳ луғавий, гоҳ синтактик омил сифатида ноаниқ кўплик оралиқ грамматик маъноси учун хизмат қилишини таъкидлаш жоиз: 1. *Адашмасам, унинг бурнига уриб қонатганида уч ёшларда эдим.* 2. *Соат учлар эди.* Биринчи гапда аниқ миқдор ифодаловчи сўз синтактик ва иккинчи гапда луғавий омил сифатида (**-лар**) шакл оралиқ грамматик маъносига таъсир қилган.

Шакл умумий грамматик маъноси жамлик ифодалаганда «миқдорий ноаниқлик» «кўплик» сифатида қолади, бироқ «бўлинувчанлик» «бўлинмас сифат» тарзида юзага чиқади. Бу эса ушбу от «жамлик» сифатида «бирлик» ва «кўплик» оралиқ грамматик маъноси орасидаги бўғин эканлигидан далолат беради: 1. *Қумларни аста сийпалаб юрган шамол.* (Ж.Аб.). 2. *Дарё кучли қарсиллаб, музлар ёрилди* (Ж.Абд). 3. *Ёшлар уюшмаси қандай булиши керак.* 4. *Қариялар уйи.* Маълум бўладики, кўплик шакли саналмайдиган да ҳам, саналадиган да ҳам «жамлик» оралиқ грамматик маъносини юзага чиқаради. Саналмайдиган отни нутққа киритиш асосида «жамлик» оралиқ грамматик маъносини намоён қилишда асос лексеманинг луғавий маъноси, саналадиган да эса синтактик омил (*қариялар уйи* бирикувида *уй*, *ёшлар уюшмаси* бирикувида *уюшма* каби) устуворлик касб этади.

«Кучайтирилган маъно ифодалаш» ҳам (**-лар**) шакли умумий грамматик маъносига хос оралиқ грамматик маъно бўлиб, бу бир қарашда гўё «миқдор» умумий моҳиятига бевосита дахлдор эмасдек туюлади. Бироқ мантиқан «оз нарсага нисбатан кўп нарса кучлироқ ва устуворроқ аҳамият касб этади».¹ Шу боисдан алоҳида диққат қилиш лозим бўлган ўринда нарсанинг миқдорини кўп қилиб кўрсатиш мақсадида отни гарчи якка бўлса-да, кўплик сон шаклида бериш холи учрайди. Бу оралиқ грамматик маънони фарқловчи омил сифатида лексеманинг луғавий маъноси юзага чиқади. Асосан, инсоннинг якка, баъзан жуфт аъзосини ифодаловчи, шунингдек, мавҳум шаклнинг бу оралиқ грамматик маъносини бўрттиради: 1. *Тилларим ачишиб кетди.* 2. *Баданларим музлаб*

¹ Шаҳобиддинова Ш.Х. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Самарқанд, 1994, 15- б.

кетди. 3. Қовоқларим ёрилай дейди. 4. Шодлигим сизмас дилимга. 5. Уйқуларим қочиб кетди.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, кўплик сон шакли оралиқ грамматик маъносини воқелантиришда луғавий омил устувор бўлиб, бу шаклда омил нисбати (0) шаклдагига нисбатан тескари нисбатда.

Эгалик шакли. Туркий тиллардаги эгалик категорияси маъновий хусусиятига хос талқинни умумлаштирган ҳолда категория умумий грамматик маъносини «ҳоким мавқедаги от ёки от вазифасидаги сўзни қаратқич келишигидаги отга ёки от вазифасидаги сўзга боғлаш ва шунга дахлдор маъновий муносабатни ифодалаш» деб таърифлаш мумкин.¹ Шунингдек, тадқиқотларда категориянинг бир нечта ички тармоғи ҳам фарқланади. Хусусан, туркийшунос С.Иванов эгалик категориясининг изофали бирикмадаги, сифатдошдаги ва, шунингдек, гапнинг партитив бўлаги таркибидаги маъносини категория умумий моҳиятининг алоҳида-алоҳида турланиши сифатида ажратади.² Ҳ.Неъматов қарашида эса партитив қарашлилиқ ва шахс-сон оралиқ маъноси фарқланади. Биз эгалик категориясининг тадқиқотчи Ш.Шаҳобиддинова томонидан тикланган³

умумий грамматик маъноси асосида учта – «мансублик», «шахс-сонга ишора» ва «партитив» оралиқ грамматик маъносини фарқлашни маъқул кўрамиз. Бу оралиқ грамматик маъно турли курсовда ва турли луғавий ҳодиса билан воқеланиши асосида алоҳида нисбий моҳият сифатида намоён бўлади.

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Иванов С.Н. Тюркские атрибутивные конструкции с показателем относительной связи // Ученые записки Ленингр. ун-та. Серия востоковедческих наук. вып. 11. 1959; Шаҳобиддинова Ш.Х. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Самарқанд, 1994; Ўзбек тили грамматикаси. 1- том. –Т.: Фан, 1975; Дмитриев Н.К. Категория принадлежности // Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Ч.II. –М., 1956; Иванов С.Н. К истолкованию категории принадлежности // Сов. тюркология. 1973. –№ 1; Севортян Э.В. Категория принадлежности // Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков. Ч.II. –М., 1956.

² Иванов С.Н. Тюркские атрибутивные конструкции с показателем относительной связи // Ученые записки Ленингр. ун-та. Серия востоковедческих наук. вып. 11. 1959; Иванов С.Н. К истолкованию категории принадлежности // Сов. тюркология. 1973. –№ 1; Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1959.

³ Шаҳобиддинова Ш.Х. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фан. номз. ... дисс. –Бухоро, 1993.

Эгалик категорияси оралиқ грамматик маъносини фарқлашда ҳам унинг умумий грамматик маъносини тиклашдаги каби синтактик, морфологик ҳамда луғавий ҳодиса тажаллиси мураккаб ҳолатда қоришиб, масала моҳиятини беҳад чигаллаштиради. Масалан, изофали бирикувда эгалик категорияси нафақат «мансублик» оралиқ грамматик маъносинигина намоён қилади, балки унда шахсга ишора қилувчи морфологик, тобеликни кўрсатувчи мураккаб синтактик мазмун ҳам ҳамкорлик қилади. Шунингдек, сўзнинг луғавий маъносига боғлиқ равишда турли маъновий муносабат қоришган ҳолда юзага келади. Тадқиқотчининг бундай маъновий муносабат сонини элликтагача етказгани маълум.¹

«Мансублик» оралиқ грамматик маъноси категория шаклининг (И^{к.к.}-И^{э.к.}) лисоний синтактик қолипи турида воқеланади *1. Наҳотки шу оламшумул ишларда менинг ҳам улушим бўлса. 2. Унинг бригадаси Моҳидилнинг бригадасига қараганда анча олдинда.*

Қолипда семема умуман исм туркумидан бўлиб, оралиқ грамматик маънонинг хусусийланиши исмнинг тармоқланиши асосида бўлади. Натижада хусусий грамматик маъносигача иккинчи босқич тармоқланиш, яъни иккинчи босқич оралиқ грамматик маъноси ажратилади. Масалан, оралиқ грамматик маъно₁¹ да аниқланмиш мавқеида шахс маъносига эга бўлмаган нарса-предметни ифодаловчи келиб, бунда «мансублик» оралиқ грамматик маъноси ҳақиқий муайян соф эгалик тарзида хусусийлашади: *бизнинг уйимиз, менинг бобом* каби.

Оралиқ грамматик маъно₁² аниқланмиш шахс идан ифодаланганда воқеланади ва бунда оралиқ грамматик маъно тобелик тарзида намоён бўлади: *менинг одамим, отасининг ўғли* каби.

Оралиқ грамматик маъно₁³ аниқланмиш мавҳум билан ифодаланганда воқеланади ва у «ташилувчи» тарзида юзага чиқади: *яшашнинг завқи, ўқитувчининг бахти, уйнинг тозалиги* каби.

¹ Майзель С.С. Изафет в турецком языке. –М., –Л.: Изд-во АН СССР, 1957; Чариев А. Синтаксическо-семантические признаки родительного падежа узбекском и английском языках. –Т.: Фан, 1990.

Оралиқ грамматик маъно⁴ аниқланмиш миқдор маъноли сўз билан ифодаланганда намоён бўлиб ажратиш хусусиятига эга бўлади: *одамларнинг кўти, қизларимизнинг бари, китобларнинг беш-олтитаси.*

Бу каби иккинчи босқич оралиқ грамматик маъноси биринчи босқич («мансублик») оралиқ грамматик маъноси учун хусусийлик, муайян гапдаги хусусий қўлланиш учун эса умумийлик сифатида юзага чиқади. Масалан, *Сизларнинг суҳбатингиз мароқли* гапида эгалик шаклининг маъноси қандай? деган саволга юқорида таърифланган умумий грамматик маънони жавоб сифатида келтириш кенг қамровли ва мавҳум жавобдек туюлса, «мансублик» оралиқ грамматик маъноси ҳам, «амалга оширилувчи жараён» деб аталмиш оралиқ грамматик маъноⁿ ҳам худди шундай бўлиб, бунда муайян характердаги **сизлар** денотати томонидан амалга оширилувчи суҳбат хусусий грамматик маъносигина кўз олдимизда намоён бўлади. Демак, бундай ҳолда қайси умумий грамматик маъно ёки эгалик категорияси умумий грамматик маъносининг қайси оралиқ грамматик маъноси воқеланиши мавжуд? тарзидаги савол ўзининг устувор мантикийлик даражаси билан ажралиб туради.

Эгалик категорияси умумий грамматик маъносининг яна бир оралиқ грамматик маъноси унга хос шаклининг сифатдош таркибида келиши билан боғлиқ равишда воқеланади. Бу синтактик қуршов

[Исм^{к.к.} + Сифатдош^{э.к.}]

кўринишида бўлиб, бунда иш-ҳаракатининг бажарувчига муносабати юзага чиқади. Бундай қурилмада сифатдош субстантив моҳият заррасига эга бўлади. 1. *Унинг бу ерга келгани номаълумлигича қолди.* 2. *Шоҳдан эшитгани бир сари бўлди-ю..* Кўринадики, феъл ўтимсиз бўлганда (*келгани*), колип [И^{к.к.} + Сифатдош^{э.к.}] тарзида бўлса, ўтимли феъл (*эшитганда*) отлашмаганда, бу

[Исм^{к.к.} + Феъл - От^{э.к.}]

тарзида бўлади. Бу колипда воқеланган сифатдош эгалик қўшимчасини олмайди ва ўз-ўзидан шахсга муносабати ҳам сўнади. Бу эса мазкур оралиқ грамматик маъно учун [Исм^{к.к.} + Сифатдош^{э.к.}] қуршовининг зарурий шарт эканлигидан далолат беради. Бажарувчи шахс-сонига муносабат оралиқ грамматик маъноси «мансублик» оралиқ грамматик маъноси билан бир умумийлик тагида бирлашса-да, «мансублик» маъноси

ўзига хос тарзда бунда ҳам воқелангандек тасаввур уйғотади. Бирок *Сиздан эшитганимни сир тутдим* гапидаги сифатдош субстантивликдан халос этилса (*сиздан эшитган гапим*), бу ерда қарашлилик маъноси мутлақо юзага чиқмаётганлиги аён бўлади. Демак, шакл бундай қўлланишда ҳаракатнинг кимга тегишли эканлигига ишора қилади.

Категориянинг учинчи оралик грамматик маъноси «нисбий партитивлик» атамаси билан номланган бўлиб, туркийшунос С.Н.Иванов уни XVII аср ёзма ёдгорлиги мисолида¹ ҳамда ҳозирги ўзбек тили материали асосида² атрофлича ва батафсил тадқиқ қилган. Бу оралик грамматик маъно мураккаб аниқловчи таркибидаги сифатдошга тобеланувчи от таркибида келиб, бунда қаратувчини ундан олдин тиклаш ёки уни шу тарзда бордек тасаввур қилиш мумкин эмас. 1. *Маҳаллага озори тегмайдиган Тошпўлат...* (О. Мух.). 2. *Мулла Ҳасаннинг бўйи етган қизи бор экан.* Бундай аниқловчи таркибида келиш сифатга ҳам хос: *сочи қора қиз, кўзи оч одамлар.* Бу қурилмада сифатдош ҳам, сифат ҳам уларга атрибутив хусусият беради. У семантик жиҳатдан эгалик шаклидаги сўз билан боғланади, бу сўз орқали аниқланмиш билан муносабатга киришади. Эгалик категориясининг бу тарздаги ва позициядаги воқеланиши унинг фақат туркий тилгагина хос хусусияти.³ Айниқса, бу оралик грамматик маъно сифатдош ва сифат отлашганда янада яққол кўзга ташланади: *сўзи дурлар, дили оғриганлар* каби. оралик грамматик маъно

[Исм^{э.к.} + Сифатдош +Исм]

қуршовида нутққа киритилади.

Ҳар учала оралик грамматик маъно бир-биридан гоҳ луғавий, гоҳ синтактик омил фаоллиги асосида фарқланади. «Мансублик» оралик грамматик маъноси «шахс-субъект» оралик грамматик маъносидан луғавий омил асосида фарқланади. Зеро, 1- оралик грамматик маъно учун

¹Иванов С.Н. Тюркские атрибутивные конструкции с показателем относительной связи // Ученые записки Ленингр. ун-та. Серия востоковедческих наук. вып. 11. 1959.

²Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1959; Иванов С.Н. Родословное древо – тюрк Абул-Гази-Хана. Грамматический очерк. (Имя и глагол. Грамматичес-кие категории.) –Т.: Фан, 1969.

³Иванов С.Н. Тюркские атрибутивные конструкции с показателем относительной связи // Ученые записки Ленингр. ун-та. Серия востоковедческих наук. вып. 11. 1959, с. 110.

эғалик аффиксидаги исм туркумига хос лексема бўлиши талаб қилинади, куршов эса иккинчи планга сурилади. Чунки 2- оралик грамматик маъно учун воқелантириш воситаси бўлган [Исм^{к.к.} + Сифатдош^{э.к.}] синтактик куршови [Исм^{к.к.} + Исм^{э.к.}] қолипнинг хусусийлашуви бўлиб, куршовнинг сифатдош билан ифодаланган аъзоси аслида исмлик моҳиятига эга ва бу ҳодиса унинг эғалик аффиксини олишини таъминлайди, бироқ сифатдошнинг исмлик табиати шаклини ўз асл феъллик моҳиятига хос хусусият касб этган бажарувчининг шахс-сон маъносига эга бўлган ҳолда воқелантиришга олиб келади. Демак, 1- ва 2- оралик грамматик маъно фарқланиши учун луғавий омил ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу эса синтактик омилнинг анча заифлашувига олиб келади. 1- ва 3- оралик грамматик маънони фарқлаш учун куршов ва синтактик позиция етакчи омил сифатида намоён бўлади. Зеро, ҳар иккала оралик грамматик маъно ҳам эғалик аффикси олган исмнинг луғавий хоссасига бефарқ. Бироқ мантиқий қаратувчининг эғалик аффиксини олган исмдан кейин жойлашуви (*тили аччиқ одам*) 3- оралик грамматик маънонинг фарқланиши ва воқеланиши учун зарурий шарт. 3- ва 2- оралик грамматик маъно ўзаро луғавий омил асосида фарқланади ва нутққа киритилади. Зеро, 2- оралик грамматик маъно, айтилганидек, эғалик аффиксининг сифатдош таркибида келиши натижасида юзага чиқади. Бу оралик грамматик маъно воқеланиши учун куршов ва синтактик позициянинг ҳам роли луғавий омил билан «бўйлашади». Чунки 2-оралик грамматик маънода аниқловчи вазифасида қаратқич келишигидаги исм келади. 3-оралик грамматик маъно воқеланиши учун қаратқич келишигидаги исмнинг бўлиши мутлақо талаб этилмайди. Шунингдек, у имплицит тарзда ҳам мавжуд эмас.

Кўринадикки, эғалик категорияси умумий грамматик маъноси оралик грамматик маъносини фарқлаш ва воқелантиришда луғавий ва синтактик омил мувофиқлиги даражаси турлича. Ундан айримида луғавий омил устуворлик қилса, баъзисида синтактик омил муҳим роль ўйнайди. Демак, шакл оралик грамматик маъносини ажратувчи омил ва уни воқелантирувчи омил фарқланиши лозим. Айрим категория умумий грамматик маъносини воқелантиришда баъзан бу омил тенг келса, баъзисида у тескари нисбатда бўлиши мумкин.

(-ча) кичрайтириш шакли. Бу луғавий шакл умумий «кичрайтириш» маъносига эга бўлиб, у сўзнинг луғавий маъносига таъсир қилиши билан ўзи ҳам луғавий ва синтактик омил таъсирида умумий грамматик маъносини турли кўриниш орқали воқелантиради. Фарқланувчи маъно турининг намоён бўлиши «сўзнинг лексик маъноси ва бошқа фактор таъсирида келиб чиқадиган оттенка» эканлиги мавжуд манбада ҳам қайд этилади.¹ *-ча* шакли нарса ига қўшилганда, ўз умумий грамматик маъносининг «соф кичрайтириш» оралиқ грамматик маъносини намоён қилади. 1. *Ҳовузча лабига бориб, сувда қизиқ манзарани кўрди. Тикилиб қараса, тўрт энлик-тўрт энлик келадиган сап-сарик балиқчалар.*(Ҳ.Наз.) *Шўрва тайёр бўлиб, сопол косаларга сузилаётганда, Гулнор папкадаккина чамадонча кўтарган бир аёлни бошлаб кирди.* (Ҳ.Наз.) Жонсиз нарса ида «соф кичрайтириш» оралиқ грамматик маъноси ҳар хил субъектив муносабатдан холи бўлади. Бироқ *-ча* шакли ҳайвон ёки парранда ини нутққа киритар экан, бунда у синтактик ёки бошқа бирор контекстуал омил асосида эркалаш оттенкасига ҳам эга бўлиши мумкин. 1. *Тинмай ўйнар шўх қизчалар тоза ҳавода.* Гапда сўзловчининг эркалаш муносабати матндан ва (*шўх*) сўздан англашилган ва натижада «эркалаш» маъно компоненти мавжуд оралиқ грамматик маъно фарқланган.

Шакл (ўғил), (қиз) сўзи билан қўлланганда «кичрайтириш», «эркалаш» оралиқ грамматик маъносини воқелантиради. 1. *Саҳнага қизчалар - гулчалар чиқишди.* 2. *Менинг уч яшар ўғилчам бор.* Шунингдек, бу оралиқ грамматик маъно воқеланишида ва фарқланишида синтактик ва контекстуал омил ҳам луғавий омилга ҳамкорлик қилади. 1. *Бу қобил, эсли-хушли йигитча ким бўлди?* Англашиладики, айрим сўзда ((ўғил), (қиз)) **(-ча)** шакли оралиқ грамматик маъноси фарқланиши учун луғавий омил етарли бўлса, кўплаб сўзда ((йигит), (домла), (бола)) аниқловчи мақомидаги бирликнинг - синтактик, услубий омилнинг роли кучлироқ сезилади. Зеро, синтактик омил таъсирисиз «кичрайтириш» умумий грамматик маъноси «кичрайтириш-эркалаш» оралиқ грамматик маъносига мутлақо зид равишда «кичрайтириш-камситиш» оралиқ грамматик маъноси юзага чиқиши мумкин. 1. *Сал ўзингизни босиб олинг,*

¹ Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 1980, 243- б.

йигитча .Х.Наз.) 2. Миниб олди! Елкангдан тушириб кўр-чи, Бўғаман,- дейди. Бу отинча ҳам ўша тоифадан.(С.Аҳм). (-ча) шакли киши исмига қўшилганда, умумий грамматик маъно воқеланиши учун луғавий омил устувор характер касб этади ва «кичрайтириш-камситиш» оралик грамматик маъноси воқеланади. 1. Қилган ишингни биласанми, Ҳасанча, - дейди Ўктам унинг юрагини синамоқчи бўлиб. 2. «Каримча», «Карим читтак» энди Мирзакаримбойга айланган эди. (Ойб.)

Маълум бўладики, **-ча** луғавий шакли умумий грамматик маъноси учта оралик грамматик маъно - «соф кичрайтириш», «кичрайтириш-эркалаш», «кичрайтириш-камситиш» маъноси орқали нутққа чиқади. «Соф кичрайтириш» оралик грамматик маъносининг фарқланиши ва воқеланиши учун луғавий омил устувор аҳамият касб этади. Чунки бу маъно, асосан, нарса-буюм ида юзага чиқади. «Кичрайтириш-эркалаш» оралик грамматик маъноси воқеланиши учун айрим ҳолда ((ўғил), (қиз) каби сўзда) луғавий омил устуворлик қилса, кўп ҳолда луғавий, синтактик ва услубий омилнинг кучли ҳамкорлиги кузатилади. «Кичрайтириш-камситиш» оралик грамматик маъноси, асосан, шахс и билан, айниқса, киши исми билан қўлланганда юзага чиқади. Бунда ҳам шакл, асосан, услубий мақсадда қўлланганлиги туфайли синтактик омил – аниқловчи мавқеидаги бирликнинг ҳамда гап таркибидаги бошқа услубий воситанинг роли катта бўлади.

Нисбат шакли. Нисбат шакли умумий грамматик маъно ва оралик грамматик маъноси бир неча назарий манбада тикланган ва фарқланган.¹ Бироқ нисбат шакли орасида аниқ нисбат мураккаб табиати билан ўзига хос ўрин тутди. Аниқроғи, у бошқа шакл каби ҳаракатнинг бажарувчи(субъекти)сига муносабат билдирар экан, бунда субъект феълнинг луғавий маъноси, грамматик шакли таъсирида турли хусусиятини намоён қилади. Бу эса унинг умумий грамматик маъносини бошқа шакл умумий грамматик маъносидан фарқли даражада тиклашга

¹Иванов С.Н. Тюркские атрибутивные конструкции с показателем относительной связи // Ученые записки Ленингр. ун-та. Серия востоковедческих наук. вып. 11. 1959; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1980.


имкон бермайди.¹ Зеро, у ўзида барча бошқа нисбат шакли хоссасини мужассамлаштирган бўлиб, нутқдаги гоҳ у, гоҳ бу маънодан бирортасини ҳам бош нисбатгагина хос қилиб қўйиш ярамайди. Шунингдек, аниқ нисбатнинг бу хоссаси тилнинг ички қонуниятига зид эмас, албатта. Айтилганидек, тилшунос Ҳ.Неъматов бу ва бу каби бошқа категория бош шаклининг ўзига хос табиати ҳақида фикр юритар экан, шундай ёзади: «фёълнинг барча шаклини иккига – категория ичидаги шаклнинг ўзаро зиддиятида аниқ бир белгига эга бўлган белгили шакл ва бу зиддиятда аниқ белгига эга бўлмаган белгисиз (нейтрал) шаклга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ белгили шаклнинг қўлланилиши ва маъно оттенкаси доираси ўзи мансуб бўлган категориянинг белгиси ва ҳар бир шаклнинг категория ичидаги оппозициядаги белгиси билан чекланган бўлади. Иккинчи гуруҳ белгисиз шаклининг қўлланилиши ва маъно оттенкаси доираси эса фақат ўзи мансуб бўлган категориянинг белгиси билан чекланган бўлади(масалан, аниқ нисбат, -ар қўшимчали замон шакли, - (и)б равишдоши). Яъни биринчи гуруҳ шаклнинг қўлланилиш доираси ва маъно оттенкаси категория ичидаги муносабати билан белгиланса, иккинчи гуруҳ шаклнинг қўлланилиш доираси ва маъно оттенкаси категорияро муносабат билан белгиланади ва бу шакл шу категориянинг репрезентанти ролини ўйнайди. Шунинг учун маълум категорияга мансуб бўлган шаклнинг маъноси шу категориянинг репрезентант шакли маъноси билан белгиланади».² Демак, аниқ нисбатда нисбат шаклидан ё у, ё бу шаклга хос бўлган фаол субъект (ўтимли ва ўтимсиз нофаол фёьда) аниқ ёки ноаниқ субъект фёълнинг кесимлик шаклига боғлиқ равишда қўзғатувчи субъект буйруқ майлидаги фёъл ёки ҳамкор субъект кўплик сондаги фёьлидаги каби маънони ифодалаши тасодифий ҳол эмас. Аниқ нисбатнинг бошқа нисбат шаклидан фарқи шундаки, у барча нисбат шакли маъносини ифодалай олади, бироқ бошқа бирорта шакл унинг битта маъносини ифодалай олади, холос. Демак, аниқ нисбатда нисбат

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Ломтев Т.П. Принципы построения формулы предложения // Филологические науки. 1965. -№ 5; Неъматов Ҳ., Бобокалонов Р., Раупова Л. Ўзбек тилида номустақил кесимлик шакли // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. -№ 1; Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. –М.: Наука, 1974.

² Неъматов Ҳ. Фёьл, унинг форма ва категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. -№ 1. -Б. 43.

категорияси умумий грамматик маъноси нисбатан(мутлақ эмас) тўлиқрок намоён бўлади.

Тадқиқотчилар шакл умумий грамматик маъносининг воқеланиши ва оралиқ грамматик маъносининг фарқланишида феъл луғавий маъновий типининг муҳим роль ўйнашини алоҳида уқтиришади. Шу боисдан ушбу ўринда жаҳон тилшунослиги, туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида ажратилган феъл луғавий маъновий типининг мавжуд манбадаги талқинига зарурат тақозосига кўра қисман тўхталиш лозим. Зеро, бундан сўнг феълнинг мана шу гуруҳланишига таянилади. Талқиннинг барчасини умумлаштирган ҳолда феълни маъновий синтактик хоссасига кўра қуйидагича гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ:



Маълумки, ўтимли-ўтимсизлик туркий тилда, хусусан, ўзбек тилида луғавий характерга эга. Тадқиқотчилар унинг дастлаб синтактик табиатга эга бўлганлигини, кейинги даврда луғавий хусусият касб этганлигини таъкидлашади.¹ Ўтимли рефлексив феъл воситали адресат тўлдирувчисига эга бўлмаган, бажарувчисига қайтувчи ҳаракатни ифодалайдиган феълдир: *кий, е, ич, бил, эшит, кўр* каби. Бунда феъл кенгайтирувчиси билан қуйидаги лисоний синтактик қолипда юзага чиқади:

[Бажарувчи + Феъл + От^{т.к.}]

Ўтимли норефлексив феъл ҳам воситали, ҳам жўналиш келишигидаги адресат воситасиз тўлдирувчисига эга бўлган феълдир: *ол, бер, эк, қил*

¹ Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. Т.П. Ч.І. –М.: Изд-во АН СССР, 1952, с. 333; Севортян Э.В. Об историческом положении категорий переходности и непереходности в тюркских языках // Вопросы языкознания. 1958. -№ 2; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989, –с. 18; Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. –М. –Л.: Изд-во АН СССР, 1948, с. 180.

каби. Бу феълни муҳим хоссаси билан воқелантирувчи кенгайган лисоний синтактик қолипни қуйидагича бериш мумкин:

[Бажарувчи+ Феъл + От^{т.к.}+ От^{ж.к.}_{адресат}]

Ўтимли натижали феъл **verba operiendi** типдаги феъл бўлиб, объектни физик ўзгартириш (шакл хусусиятини ўзгартириш) ҳаракатини ифодалайди: *ёз, буз, ёр, бўя* каби. Бу феълнинг фарқли воқеланиши учун қуйидаги кенгайган лисоний синтактик қолипга эҳтиёж сезилади:

[Бажарувчи + Феъл + От^{т.к.} + От^{ж.к.}]

Ўтимли натижасиз феълга объектни ўзгартиришга қодир бўлмаган ҳаракатни ифодаловчи ва

[Бажарувчи + Феъл + От_{адресат}^{ж.к.} + О^{т.к.}]

кенгайган лисоний синтактик қолипида воқеланадиган *бор, сот, узат* типдаги феъл киради.

Ўтимсиз феъл ҳам ўз ўрнида иккига бўлинади. Ўтимсиз фаол феъл бажарувчи томонидан ҳис қилинувчи ҳаракат, шунингдек, рухий ҳолат феъли. У, асосан, икки кенгайтирувчи бўлиб (*кишина, гужурла, югур, йўргала*),

[Бажарувчи+ Феъл]

ва (*ёт, тур, кет, қоч, яша, ранжи, кул, йиғла, ишон, сизин*)

[Бажарувчи + Феъл + От^{макон келишиги}]

лисоний синтактик қолипида воқеланади.¹

Ўтимсиз нофаол феъл бирор ташқи куч таъсирисиз бажарувчида юз берувчи ва унда қандайдир ўзгариш ҳосил қилиш ҳаракатини ифодаловчи феъл бўлиб (*қури, иви, қизар, оз, қайна*),

[Бажарувчи + Феъл]

лисоний синтактик қолипида воқеланади. Бу феъл, асосан, бир кенгайтирувчи.

Шу асосда бош нисбатдан ташқари (унинг хусусияти ҳақида фикр юритилди) нисбатнинг оралиқ грамматик маъноси фарқланиши ва воқеланиши ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

¹Бульгина Т.В. Грамматические и семантические категории и их связи // Аспекты семантических исследований. –М., 1980, с. 15–62.

Ўзлик нисбати. Бу нисбатнинг бир нечта оралиқ грамматик маъноси фарқланади ва шу асосда умумий хоссаси тавсифланади. Тадқиқотчиларнинг қарашларидан келиб чиққан ҳолда, нисбат шаклининг икки оралиқ грамматик маъносини фарқлашни маъқул деб биламиз:

- а) «соф ўзлик» оралиқ грамматик маъноси;
- б) «адресатли ўзлик» оралиқ грамматик маъноси.

Шаклининг «соф ўзлик» оралиқ грамматик маъноси унинг умумий грамматик маъносини «ўзини-ўзи» типда хусусийлаштиради. умумий грамматик маъно «адресатли ўзлик» оралиқ грамматик маъносида «ўзини-ўзига» тарзида намоён бўлади. Биринчи оралиқ грамматик маънода воситасиз объект, иккинчи оралиқ грамматик маънода у билан бирга адресатли объект мантиқан уқилади. Демак, ўзлик нисбат шакли «соф ўзлик оралиқ грамматик маъносини воқелантирадиган феъл (*қашш, юв, бега, ўйла, ос, ил, ифлосла, ёз, бур, оч, ёп, яшир, бошла, пара, чўз, ташла, ёр*) аниқ нисбатда икки кенгайтирувчи бўлиб, у субъект ва воситасиз объектдир: Бу қуршовни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

[Бажарувчи+ Феъл + От^{т.к}]

«Адресатли ўзлик» оралиқ грамматик маъноси аниқ нисбатда уч кенгайтирувчи феълдан (*сўзла, мақта, такрорла, яхшила, тила, сот*) бўлиб, унинг қуршови қуйидаги шаклга эга бўлади:

[Бажарувчи + Феъл + От^{т.к} + От^{ж.к}]

Демак, ўзлик нисбат шакли оралиқ грамматик маъноси фарқланиши феълнинг маълум бир луғавий-маъновий тип билан белгиланмаган. Бунда унинг бирикувчанлик имконияти - семантик-синтактик омил етакчилик қилади.

Орттирма нисбат. Орттирма нисбатда феълнинг юқорида фарқланган маъновий-синтактик гуруҳи муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиққан ҳолда орттирма нисбат шаклининг умумий грамматик маъноси «фаол», «фаол орттирма», «адресатли орттирма», «соф орттирма» каби оралиқ грамматик маъноси орқали юзага чиқади.

Ўтимсиз нофаол феълда орттирма нисбат субъектнинг фаоллигига ишора қилади (*оқартирмоқ, қорайтмоқ*). 1. *Юртимни яшнатди баҳор еллари.* Феъл ва унинг кенгайтирувчисини аниқ нисбатдаги кўринишига қиёслаш орттирма нисбатнинг бу оралиқ грамматик маъносини янада

ойдинлаштиради: 1. *Юртим яшинади*. Дикқат қилинса, гапдан биринчисида бажарувчи (*юрт*) пассив, иккинчисида фаол. Орттирма нисбатда субъект фаоллигининг ошиши сўз ясалишигача боради. Зеро, ортторма нисбат шакли нофаол феълдан натижали ўтимли феъл ҳосил қилади.

Орттирма нисбат шакли умумий грамматик маъносининг яна бир кўриниши фаол «орттирма» оралиқ грамматик маъноси бўлиб, буни ўтимсиз фаол феъл юзага чиқаради. Бунда фаол ортторма нисбатдаги феълнинг субъекти «кўзғатувчи» сифатида намоён бўлади: 1. *Анорхон камтирни суяб тургазди, қучоқлаб сўридан пасга тушириб, офтобада сув келтириб берди*. оралиқ грамматик маънонинг фарқланишида синтактик омил лексик омилга ҳамкорлик қилади. Аниқроғи, бош асосдаги бир бошқарилувчи ёнига иккинчи бошқарилувчи ҳам қўшилади. Қиёсланг:

[Бажарувчи + Феъл]

[Бажарувчи + Феъл^{о.н.} + От^{т.к.}]

Бунда феълнинг қайси маъновий-синтактик типдан эканлиги муҳим роль ўйнайди. Зеро, унинг ҳар иккаласи ҳам (*турмоқ, тургазмоқ*) биринчи қуршов субъекти билан боғланган, иккинчи қуршовда фаол ортторма нисбатдаги феъл фоилини кўзғатувчи сифатида қабул қилади. Бу эса ўтимсиз феъл типига хос эмас. «*У мени тургазди*» қурилмасида зиддият ҳам кўзга ташланади. Бунда ортторма нисбатдаги феъл «танла, лекин мана буни» типдаги ҳуқуққа эга бўлиб, у ўтимли феъл сифатида истаган тўлдирувчини олиши мумкин эди. Бироқ «турмоқ» феълининг субъектини тўлдирувчи сифатида олишга мажбур. Чунки «нисбатли ўтимлилик» хоссаси уни шундай бўлишга мажбур этади. Шунингдек, воситасиз тўлдирувчи типи ҳам ҳар қандай ўтимли феъл доирасида ҳар хил бўлиши мумкин. Бироқ «нисбатли тўлдирувчилик» маъноси уни «нисбатли ўтимлилик» маъносидаги феълга боғлиқ қилиб қўяди.

Маълумки, туркий тилда ўтимли-ўтимсизлик луғавий табиатга эга. Шу боисдан ўтимли-ўтимсизликнинг семантик ривожини турли луғавий тизим бўйлаб юз беради. Маъновий тараққиёт натижасида фаол ортторма нисбат тўлдирувчи сифатида аниқ нисбат субъектини олмаса, бу ерда сўз ясалиши ҳақида сўз боради. 1. *У мenden машқни кўчирди*. Бунда фоил «кўзғатувчи» эмас, балки «фаол».

Ортгирма нисбатнинг адресатли ортгирма оралик грамматик маъноси ўтимли рефлексив феъл ҳосил қилади ва нутққа жўналиш келишиги билан шаклланган тўлдирувчи ҳам киради. 1. *Мен дори юборай, сиз дарров ичиринг.* 2. *Нигор ойим Мансурга қолган оини едириб қўйиши билан ора-сира гапга ҳам қулоқ солгандай бўлар эди.* Қурилманинг куршови

[Бажарувчи + Феъл^{о.н.} + От^{т.к.} + От_{адр.}^{ж.к.}]

типида бўлиб, қолипдаги адресат объект феълнинг бош нисбат шакли (*ичмоқ, емоқ*) учун бажарувчи фоил.

«Адресат ортгирма» оралик грамматик маъноси учун ўтимли норефлексив феъл маъновий-синтактик типи ҳам кучли таъсир қилади. Шу боисдан адресат тўлдирувчининг аниқ нисбатдаги феъл субъекти билан алоқаси воситасиз тўлдирувчиникига қараганда кучсиз бўлади. Қиёсланг: 1. *Саломатой онасини ухлатиб қўйиб..* . (Ҳ.Ғулом) – *онаси ухлади.* 1. *Марияга бошдан оёқ мусулмонча либос кийдирадилар(Ойб).* – *Мария либос кийди.* Кўринадики, феълнинг аниқ нисбатдаги маъносининг объектга муносабати турлича.

Шаклнинг «соф ортгирма» оралик грамматик маъносини ўтимли норефлексив феъл нутққа олиб киради: 1. *Қурбонали билан хотини ерни тракторга ағдартиргач, таноб тортиб, қозик қоқдилар.* 2. *Декчадаги балиқ куйиб кетаётганини кўриб, капгир билан ағдартирди.*

Ортгирма нисбат шакли умумий грамматик маъноси оралик кўринишининг барчаси учун хизмат қилувчи умумий синтактик омил аниқ нисбатдаги феъл бажарувчининг тўлдирувчига айланиши. Бироқ бу нисбат шакли феълнинг қайси типига бирикаётганлигига қараб, турлича характер касб этади. Масалан,

[Бажарувчи + Феъл^{о.н.} + От^{т.к.}]

куршовида, асосан, «фаол» ва «фаол ортгирма» оралик грамматик маъноси юзага чиқса, «адресатли ортгирма» ва «соф ортгирма» оралик грамматик маъноси учун

[Бажарувчи + Феъл^{о.н.} + От^{т.к.}]

қолипи хос. Демак, лексик омил кучайган шароитда синтактик омил сусаяди ва, аксинча, синтактик омил кучайганда, луғавий омил заифлашади.

Мажхул нисбат. Мажхул нисбатда ҳам орттирма нисбатда бўлгани каби аниқ нисбатдаги феъл субъекти таъсирга учрайди. Аммо мажхул нисбатдаги феъл янги объектга эга бўлмайди, асос қурилманинг воситасиз тўлдирувчиси субъектга айланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мажхул нисбат умумий грамматик маъноси «соф мажхул», «нофаол мажхул» ва «шахссизлик» оралиқ грамматик маъноси орқали нутқий воқеликка айланади. Шаклнинг «соф мажхул» оралиқ грамматик маъносини ўтимли-натижасиз феъл фарқлайди. 1. *Бу қий-чув орқасидан меҳмонларга қуюқ-суюқ тортилди.* Мажхул нисбат шаклидаги феъл икки кенгайтирувчили бўлиб, асос лисоний синтактик қолипнинг «фоил» аъзоси ифодаланмайди ва ноаниқлигича қолади:

[Бажарувчи + Феъл + От]

Кўринадики, берилган мисолда ҳаракат бажарувчиси номаълум ва ифодаланмаган бўлиб, асос қурилма ((*кимдир*)*қуюқ-суюқ берди*)даги тўлдирувчи субъектга айланади. Демак, мажхул нисбат шакли «соф мажхуллик» оралиқ грамматик маъноси билан воқеланганда асос қурилманинг бошқаруви ҳам ўзгариб кетади.

Қуршов оралиқ грамматик маънони воқелантиришда феъл типи умумий луғавий маъносига ҳамкорлик қилади.

Шаклнинг «нофаол мажхул» оралиқ грамматик маъносини ўтимли-натижали феъл воқелантиради. 1. *У Кароматни қонга бўялган паранжисига ўраб, ердан кўтариб олди-да, бағрига босиб уйга жўнади.* (Ҳ. Ғул.) оралиқ грамматик маъно воқеланиши учун

[Бажарувчи + Феъл^{М.Н.} + От_{вос.}^{Ж.К.}]

қуршови талаб этилади. Бунда мажхул нисбат оралиқ грамматик маъноси учун икки кенгайтирувчига зарурат сезилади. Баъзан восита кенгайтирувчиси норелевант аъзо бўлиб, оралиқ грамматик маъно учун бир кенгайтирувчили қолип ҳам етарли:

[Бажарувчи + Феъл^{М.Н.}]

Мисолдан маълум бўладики, мажхул нисбатдаги феъл ифодалаган ҳаракатда асос қурилма фоили эсланмайди. Ҳаракат объект(*Каромат, одамлар*)га пассив объект эмас, балки нофаол фоил сифатида қарайди. Шунингдек, ҳаракат бирор ташқи куч таъсирида юз бермаётганлиги ҳам

англашиб туради. Агар бажарувчи сифатида асос қурилманинг воситасиз тўлдирувчиси намоён бўлса, бунда «нофаол мажхул» ва «соф мажхул» оралик грамматик маъноси фарқланиши учун контекст талаб қилинади. Масалан, (очилмоқ) феъли *эшик очилди* ва *эшик (бирор киши томонидан) очилди* бирикувида воқеланса, лисоний қолип унинг бирида «нофаол-мажхуллик», иккинчисида «фаол мажхуллик» маъноси воқеланаётганлигига ишора қилади.

Мажхул нисбатнинг «шахссизлик» оралик грамматик маъносини ўтимсиз фаол феъл фарқлайди ва воқелантиради: 1. *Бугун стадионга борилади.*

Маълум бўладигани, мажхул нисбатда феълнинг «мажхуллиги» фарқли хусусиятга эга бўлиб, «соф мажхуллик» оралик грамматик маъносида бажарувчи тасаввур қилинади (*қуюқ-суюқ* (кимдир томонидан) *тортилди*). «Шахссизлик» оралик грамматик маъносида бажарувчини тиклаш имкони йўқ (*Бугун* (масалан, Салим томонидан) *стадионга берилади*). Демак, феъл «шахссизлик» оралик грамматик маъносини воқелантирганда қолип

[Феъл^{М.Н.}]

тарзида бўлиб, феъл «фоил» кенгайтирувчисига эга бўлиши ва гапнинг эгаси бўлиши мумкин эмас.

Биргалик нисбат. Биргалик нисбат шакли ўзлик нисбат билан бирга, ўз оралик грамматик маъносининг ҳаракат бажарувчисининг фаоллиги асосида эканлиги билан орттирма ва мажхул нисбатга зид туради. Шунингдек, бу шакл оралик грамматик маъноси воқеланиши учун луғавий омилдан кўра синтактик омилнинг устуворлиги ҳам унинг ўзига хос моҳиятга эга эканлигини кўрсатади. Бунда шакл оралик грамматик маъноси фарқланиши феълнинг маълум бир маъновий типи билан эмас, балки шакли нутққа олиб кирувчи синтактик қолип билан боғлиқ равишда юз беради. Айниқса, бу биргалик нисбатда ёрқинроқ намоён бўлади.

Тадқиқотчилар биргалик нисбат шакли умумий грамматик маъноси оралик грамматик маъносини турлича белгилайди.¹ Унинг қарашини умумлаштирган ва ундан келиб чиққан ҳолда шаклда иккита оралик грамматик маънони ажратишни маъқул деб биламиз:

а) «биргалик-ёрдамлашиш» оралик грамматик маъноси;

б) «биргалик-кўплик» оралик грамматик маъноси.

Таъкидланганидек, «биргалик-кўплик» оралик грамматик маъноси учун феълнинг ўтимли ёки ўтимсизлиги аҳамиятсиз.²

Демак, маълум бўладики, луғавий омилнинг сусайиши, албатта, фарқловчи синтактик омилнинг кучайишига олиб келади. Мазкур оралик грамматик маъно фарқланиши учун

[Бажарувчи^{лар} + Феъл^{б.н} + (От^{билан})]

куршови зарур бўлиб, бунда қолипнинг (Б^{лар}) аъзоси кўплик шаклида ёки уюшган бўлак сифатида нутқий воқеликка айланади. *1. Отни хирмон яқинидаги каллак урилган тутларга боғлашиб, ўзлари хирмонга пиёда боришиди.* (М.Исм.)

Лисоний синтактик қолипнинг От^{билан} аъзоси шаклнинг ушбу маъноси учун норелевант унсур бўлиб, унинг юзага чиқиши бажарувчи субъектнинг ҳаракати бир-бирига йўналган ҳолдагина аҳамият касб этади. Бу оралик луғавий маъноси билан биргалик шакли кесимнинг кўплик шакли билан маънодошлик касб этади. Киёсланг:

Улар хирмонга пиёда боришиди.

Улар хирмонга пиёда бордилар.

«Фаол ёрдамлашувчи субъект» оралик грамматик маъноси учун шакл феълнинг, асосан, ўтимли нофлексив ва ўтимли натижали гуруҳини танлайди. *1. Бола дадасига ер ҳайдашиди, пахта экишиди. 2. Кўшинисига чиқиб дераза ромларини бўйшиди.* Оралик луғавий маънони воқелантирувчи лисоний қуршов

[Бажарувчи + Феъл^{б.н.} + От^{адр. ж.к.}]

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989, с. 98–100; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 1- том / З.Маъруфов таҳрири остида. –М.: Рус тили, 1981, 453–455- б.

² Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989, с. 101.

кўринишида бўлиб, қуршовнинг От^{ж.к.}_{адр.} аъзоси асосий кенгайтирувчи. Қуршов ёки гап таркибидан ушбу аъзо ва унинг ҳосиласи чиқарилса, бу оралиқ грамматик маъно ўрнини «биргалик- кўплик» оралиқ грамматик маъноси эгаллайди. Қиёсланг:

Болалар дадасига ер ҳайдашди.

Болалар ер ҳайдашди.

Шунингдек, мазкур оралиқ грамматик маъно воқеланиши учун фоилнинг ҳам, асосан, бирлик сонда бўлиши муҳим. Агар у кўпликда бўлса, кесим ҳам шунга мувофиқ бўлади.

(-ган) сифатдош шакли. **-ган** шаклининг маъновий ва вазифавий хусусияти фавқулудда ранг- баранг бўлиб, шу боисдан унинг талқинида қарама-қарши нуқтаи назарни кўплаб учратиш мумкин. Туркийшуносликда ва ўзбек тилшунослигида бу шаклга доир жуда кўп иш амалга оширилган. Шунинг учун ўқувчи диққатини унинг талқини шарҳига доир муҳим манбага жалб қилиш билангина чекланамиз¹ ва ҳодисанинг сифатдош шакли сифатидаги умумий грамматик маъноси ҳамда унинг оралиқ грамматик маъно орқали воқеланишида сатҳлараро муносабатни ойдинлаштириш масаласи билан банд бўламиз. Сифатдош шакли **(-ган)** бошқа морфологик шакл қатори маъновий ва синтактик хосса бирлигидан иборат бутунлик бўлиб, унинг умумий грамматик маъноси мана шу диалектик яхлитлик асосида тикланади. Шаклнинг маъновий жиҳати «фёлга сифатлик хусусиятини бериш» бўлса, синтактик вазифасини «фёлни от ва от вазифасидаги сўзга боғлаш» ташкил этади. Демак, шакл умумий грамматик маъносини «фёлга сифатлик хусусиятини бериш ва фёлни отга боғлаш» дея таърифлаш мумкин.² Сифатдош шакли умумий грамматик маъносининг синтактик томони

¹ Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1959. с. 4–10; Мухтаров Ж.З. История развития причастных форм в узбекском языке: автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. –Т., 1971; Шахназарова М.Д. Синтаксис причастия в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Т., 1971; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989.

² Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва синтактик имкониятлари: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Т., 1996, 76- б; Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик ва хусусийлик диалектикаси талқинида. Махсус курс учун маърузалар. –Андижон: Нашриётсиз, 1994; Вейнрейх У.О семантической структуре языка // Новое в лингвистике. Вып. 5. –М., 1970.

деярли ўзгаришсиз — «фёълни отга боғлаш» тарзида хусусийлашади, боғланувчи фёъл ёки от бу вазифани ўзига хос тарзда модификация қила олмайди. Бироқ маъновий жиҳат тўғридан-тўғри эмас, балки муайян оралиқ грамматик маъноси орқали нутққа чиқади, хусусий ҳолда намоён бўлади. Тадқиқотчилар шаклнинг фёълни аниқловчи сифатида нутққа олиб киришга асос бўлувчи синтактик имкониятида икки хусусият кўзга ташланишини қайд этишади.¹ У «тугалланганлик» ва «ҳолат» маъноси. «Қарийб барча туркий тилларда ўтган замон сифатдоши аниқловчи позициясида тугалланган ҳаракатни, шунингдек, «доимий белги» маъносини ифодалайди.² Сифатдошда ҳаракатнинг «тугалланган-лик» маъноси осонгина «доимий ҳолат» характериға эға бўлиш ҳам мумкин.³ «Тугалланганлик» маъносида шакл ҳақиқий сифатий хоссаға эға бўлади. Тугалланган ҳаракат нарса-предметнинг атрибутив белгисига айлантиради. «Ҳолат» маъноси эса ҳаракатнинг ҳали давом этаётганлиғига ишора қилади. Бунда фёъл гарчи давомли замон кўрсаткичига эға бўлмаса-да, ундан давомийлик, узлуксизлик уқилиб туради. Бошқача айтганда, «тугалланганлик» маъноси баъзи фёъл гуруҳида «ҳаракатнинг натижаси» тушунчаси билан боғланади (чегарали фёъл), бошқа гуруҳ фёъли эса ҳаракатнинг натижасига бефарқ муносабатда бўлади (чегарасиз фёъл).⁴ Маълумки, чегарали фёъл бирор чегараға етишни ифодалайди ва бўлинмас, яхлит ҳаракатни акс эттиради. Бу европа тили, хусусан, рус тилидаги тугалланган видға мувофиқ келади. Чегарасиз фёъл эса ҳолат фёълидек давомийлик мазмуниға эға бўлади (*ухламок, ётмоқ*). Бу бўлиниш фёълнинг динамик тавсифи ҳам дейилади.⁵ С.Н.Иванов чегарали фёъл ўзагидан англашилган ҳаракат кесимдан англашилган ҳаракатдан олдин, чегарасиз фёълда эса у билан бир вақтда

¹ Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1959, с. 42; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989, с. 39.

² Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989, с. 135.

³ Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1959, с. 140–142.

⁴ Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1959, с. 42.

⁵ Лингвистический энциклопедический словарь /Гл. ред. В.Н. Ярцева. –М.: Сов. энциклопедия, 1990, с. 151).

юз беришни таъкидлайди.¹ (Бизнингча, тадқиқотчи бунда ўтган замондаги кесимни назарда тутган – Б.М.). Демак, (-ган) шакли оралик грамматик маъносини фарқлашда феълнинг ўзига хос гуруҳланишига таянилади. Аниқроғи, луғавий омил чегарали ва чегарасиз феъл оралик грамматик маъноини фарқловчи омил бўлиб хизмат қилади. (-ган) шакли умумий грамматик маъносининг «туғалланганлик» оралик грамматик маъносини чегарали феъл юзага чиқаради. С.Н.Иванов чегарали феълнинг қуйидаги кўринишини фарқлайди:

1. Ҳаракат феълининг кўпгина қисми: *Синфдан **чиққан** Холмурод Эргашни кучоқлаб деди.* (П.Турс.)

2. Ўтимли феълнинг кўпгина қисми: *Бу вақтда қизнинг Қутбияга **берган** баҳоси менинг назаримда тўғри кўринди.* (Айн.)

3. Ҳаракатнинг ҳолатга ўтишини ифодаловчи феъл: *Чўлда **қолган** одам қандай тирикчилик қилади.* (П.Турс.)

4. Мажхул нисбатдаги феъл: *Холмурод икки кундан бери касал болалар учун **ажратилган** хонада ётар эди.* (П.Турс.)

Чегарасиз феъл гуруҳи шаклнинг «ҳолат-давомийлик» оралик грамматик маъносини воқелантиради. Олим бу феъл сирасига қуйидагини киритади:

5. Узлуксиз ҳаракат феъли: 1. *Шу вақт у қизнинг **жовдираган** кўзларида бахтли, улуг, қувончли туйғуни кўрди.* 2. *Холмурод юлдузлар милтилаган бўз осмонга қаради* (П. Турс.).

6. -ёт, -тур, ўтир феъли: 1. *Мулла Бурҳон **ётган** жойидан кўрғоннинг шарқ томонидаги пастқам эшигини ҳам кўрипти*(Айн.). 2. *Назми қурилиш участкасида **турган** бир йигитни чақирди.* (А.Мух). 3. *Сиддиқжоннинг ёнида **ўтирган** киши хўплаган чойини тўкиб юборди* (А.Қах.).

7. Ёт, тур, ўтир сўзли мураккаб феъл: 1. *Йигитча уни лойи атала бўлиб **ётган** бир кўчага бошлаб кетди* (П.Турс.). 2. *Унинг **чақнаб турган** кўзлари қуёш нурида ялтираб кўринди* (Ш.Раш.). 3. *Узун-узун столларда кимнидир **кутиб ўтирган** болалар гурунглашарди* (П.Турс.).

¹ Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1959, с. 43.

8. Мустақил ёки кўмакчи феъл вазифасидаги юр сўзи: 1. *Кўшиқни Давронов Сибирда сургунда юрган кезларида рус мужигидан ўрганиб олган эди* (П.Турс.).2. *Сиз бу кунгача қўрқиб юрган кишиларнинг ишлари ишининг бошланиши эди* (Айн.).¹

Мисолдан аён бўладики, чегарасиз феъл мақсадсиз ҳаракатни ифодалайди. Ҳаракатга ҳолат маъносини беради. Бу эса унинг фаол бўлмаган ҳаракат эканлигидан келиб чиқади. Чегарали ёки чегарасиз феъл (-ган) шакли оралик грамматик маъносини фарқловчи бўлганлиги каби унинг фарқланишида ҳам морфологик ва синтактик омилнинг ўзига хос ўрни бор. Масалан, қайси келишик шаклидаги сўз сифатдошдан англашилган ҳаракатни ўз устига олганлигига қараб бу феъл чегаравийлик ёки чегарасизлик маъносини англатиши мумкин. Киёсланг: 1. *У кийимига ўтирган кўмир тўзонларини тирноғи билан чертиб тозалай бошлади*(Айн.). 2. *Удда қилолсангиз, сўзга чиқинг-да, - деди олдинги бурчакда ўтирган кимдир* (А.Қ.).

Биринчи гапда «чегаравийлик» маъносига эга бўлган феъл (-ган) шаклининг «тугалланганлик» оралик грамматик маъносини нутққа киритади. «Чегаравийлик» эса кийим сўзининг жўналиш келишиги шаклида келишига боғлиқ. Иккинчи гапда эса ўрин-пайт келишигидаги сўз (*бурчакда*) феълдаги «чегарасизлик» маъносини юзага чиқарган. Натижада (-ган) шакли ҳолат оралик грамматик маъносини намоён қилади.

Маълум бўладики, (-ган) шакли оралик грамматик маъносини фарқлаш ва воқелантиришда ўзак феълнинг қайси гуруҳ (чегаравий феъл, чегарасиз феъл)дан эканлиги (луғавий омил) муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, синтактик омил (феъл – сифатдош томонидан бошқарилувчи сўзшакл) феълнинг «чегаравий-лик», «чегарасизлик» хоссасига таъсир қилиши билан -ган шаклининг оралик грамматик маъноси воқеланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Шунингдек, (-ган) шакли сифатдошининг пайт кенгайтирувчиси ҳам унинг «тугалланганлик» оралик грамматик маъносини фарқлайди. Шу билан бир вақтда чегарасиз феълни чегаравий феълга яқинлаштириб

¹ Гиясов С.Т. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных в узбекском языке: автореф. дисс. ... канд. филол наук. –Т., 1983, с. 44.

қўяди. Қиёсланг: *мен севган қиз – мен у йиллари севган қиз*. Демак, синтактик кенгайиш «ҳолат» маъносини кучсизлантиради, бунинг ҳисобига ҳаракат маъносини кучайтиради. Бу эса лисоний бирликлар умумий маъносини хусусийлаштириш, оралиқ маъносини фарқлашда сатҳлараро муносабатнинг нақадар аҳамиятли эканлигига ишора қилувчи муҳим далил.

2- БЎЛИМ

ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ ВА ГРАММАТИК МАЪНО

1-§. Грамматик маъно ва унинг таркиби

Грамматик шаклнинг умумий грамматик маъноси ва унинг таркибий қисми. Категориал ва нокатегориал маъно. Тил ҳодисасини назарий ўрганиш босқичи морфологик ҳодисанинг чексиз нутқий маъноси замиридаги лисоний жиҳатини – умумий грамматик маъносини тиклашни кун тартибига қўйди. Чунки “ўзбек тилшунослигида грамматик маъно, унинг табиати, моҳияти, умумий ва хусусий маъно муаммоси яқин вақтгача махсус қўйилмаган эди.”¹ Грамматик шакл умумий грамматик маъноси муаммосига жаҳон тилшунослигида 30-, туркийшуносликда 60-йилдан бошлаб С.Н.Иванов, В.Г.Гузев, Ҳ.Ғ.Неъматов, А.Нурмонов, Ғ.Н.Зиқриллаев тадқиқотида алоҳида эътибор қаратилди.² Замонавий ўзбек тилшунослигида эса Ш. Шаҳобиддинова, Б.Менглиев, Б.Баҳриддинова, О.Шукуров тадқиқотида бу масала атрофлича текширилди ва ўзбек тили барча морфологик категорияси лисон–нутқ бўлинишида теран тадқиқ этилди.³ ҳамда “умумий грамматик маъно тил

¹ Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фан. номз.... дис. автореф. – Самарқанд, 1993. –Б. 3.

² Гузев В.Г., Насилов Д.М. Слово-изменяемые категории в тюркских языках и понятие «грамматическая категория» // Советская тюркология. 1981. --№3. –С.23–35; Зиқриллаев Ғ.Н. Фельнинг шахс, сон, хурмат категорияси системаси. –Т.: Фан, 1990; Иванов С.Н. Категория залога в причастии узбекского языка. В книге «Исследования по истории культуры народов Востока»// Сборник в честь академика И.А. Орбели. –М.: Л., 1960. С. 123–134; Неъматов Ҳ.Ғ. Тажалли тасаввуф билиш назарияси ва тилшуносликда синтаксисни ўрганиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, –1993. --№2. –Б. 27–30; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди, 2001.

³ Баҳриддинова Б.М. Фель лугавий шакли тизими. Фельнинг тур категорияси: Филол. фан. номзоди.... дис. –Самарқанд, 2002; Менглиев Б. Р. Лисоний тизим яхлитлигида сатҳлараро муносабатлар: филол. фан. док.... дис. –Т., 2002. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди. 2001; Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: Филол. фан. док... дис. автореф. –Т., 2001; Шукуров О. Ҳаракат тарзи шакли парадигмаси: филол. фан. номз.... дис. –Самарқанд, 2005. –126 б.

бирлигининг минглаб турли хил матнда юзага чиқадиган ва бевосита кузатишда берилган хусусий (нутқий) грамматик маъносининг умумий йиғиндиси бўлмай, хусусий грамматик маъно негизида ётган, унга нисбатан диалектик умумийлик вазифасини ўтайдиган маъно”¹ сифатида қайд этилди. Бу борада амалга оширилган ишни умумлаштирган ҳолда ўзбек тили морфологик категорияси умумий грамматик маъносини (1-) жадвалда қуйидагича бериш мумкин:²

1-жадвал

категория	Категориянинг маъновий хусусияти	Категориянинг синтактик имконияти
1	2	3
Келиш	Маъновий аниқлик/ноаниқлик, сифат ва предмет, манба, сабаб, мақсад, пайт, ўрин, восита, чегара ва ҳ.к.	Тобе сўзни ҳоким сўзга боғлаш.
Эғалик	Эғалик, шахс – сон, тегишлилик ва ҳ.к.	Кейинги сўзшаклнинг ол-динги сўзшаклга муносабатини ифодалаш.
Сон	Микдор, микдорий аниқлик/ноаниқлик, сифатий бўлинувчанлик/бўлинмаслик ва ҳ.к.	Сўзшаклга янги валентлик бериш

¹ Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фан. номз.... дис. автореф. – Самарқанд, 1993. Б. 21

² Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва синтактик имкониятлари.: филол. фан. номз... дисс. –Бухоро, 1995. -Б.70–71.

Даража	Белгининг нисбийлигини ифодалаш	Микроматн таркибий қисмини боғлаш, синтактик қурилма маъносини ўзида му-жассамлаштириш.
Нисбат	Ҳаракатнинг объектга муносабатини, ўтимли/ўтимсизлигини, медиал /номедиаллигини ифо-далаш.	Феъл валентлигини ўзгартириш, унинг фоилига муносабатини ифодалаш.
Ўзгалоғчи	Феълга сифатлик, равишлик ва отлик хусусиятини бериш.	Феълни от/феълга, феълни феълга боғлаш, феълга от вазифасини бериш.
Майл – замон	Сўзловчининг ҳаракат-га ва ҳаракатнинг нутқ momentiга муносаба-тини ифодалаш.	Гап кесимини шакл-лантириш, сўзшаклга янги валентлик бериш, микротекст таркибий қисмини боғлаш.
Шахс – сон	Ҳаракат бажарувчисининг шахси ва сонини, аниқлик/ноаниқлигини ифодалаш.	Гапнинг эга ва кесими алоқасини таъминлаш.

Кўринадики, морфологик категорияни ҳар бирининг умумий грамматик маъноси ўзига хос, серқирра ва бўлинувчан бўлиб, бу бўлинувчанлик ва серқирралик грамматик шакл умумий грамматик маъносининг мураккаб табиатлилигини кўрсатади. грамматик шакл умумий грамматик маъносининг серқирраллиги ва камида икки қирраллиги у ички ва ташқи муносабатининг ҳам мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Грамматик шакл умумий грамматик маъноси серқирраллиги улар табиатининг қарама-қаршиликли, зиддиятли эканлигини кўрсатади. Нарсанинг моҳиятини англаш эса ана шу “зиддиятли, ўзаро инкор этувчи, қарама-қарши тенденцияни очиш (тан олиш)ни тақозо этади.”¹

Лисоний ҳодиса серқирра экан, у камида икки парадигмага мансуб бўлади. Тил ҳодисасига формал-функционал ёндашувнинг асосий

¹ Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.:ЛГУ, 1959. –С. 24.

тамойилидан бири ҳам, ҳар бир лисоний бирликнинг камида икки парадигмага мансублиги.¹ “Лисоний бирликнинг бир неча, камида икки парадигмада иштирок эта олиши диалектика ва тасаввуфда нарсанинг (истаган тадқиқ манбаининг) серқирралиги билан боғлиқ. Маълумки, диалектикада нарсанинг, яъни лисоний бирликнинг серқирралиги деганда, шу нарсанинг ўзига ўхшаш ҳамда ноўхшаш, алоқадор ва алоқасиз чексиз нарса билан ранг-баранг муносабатга кириша олиши ва шулар асосида зиддиятли хусусиятга, томонга эга эканлиги тушунилади”.²

Лисоний бирликнинг серқирралиги унинг бир парадигмага кириши бошқа парадигматик белгининг кучсизланишини келтириб чиқариши билан боғлиқ. Бошқача айтганда, “лисоний бирлик бир неча парадигмага кирар экан, ҳар бир парадигмага фақат бир қирраси билан киради, бошқа қирраси эса шаклни бошқа парадигмага олиб киради.”³ Умумий грамматик маъно, демак, ҳам у, ҳам бу парадигмага кира олади, уни бир парадигма билан чеклаб бўлмайди. Шу билан биргаликда, бир вақтнинг ўзида бир парадигмага мансуб бўлади. Грамматик шакл умумий грамматик маъносининг ”бир шаклнинг иккинчи шаклга муносабати, яъни бир қатор зиддият асосида келтириб чиқариш уни беҳад жўнлаштириш бўлади, ҳолбуки, парадигматик шакл(грамматик категория)нинг муносабати ранг–баранг.”⁴

Чунки шаклнинг бевосита муносабати асосида унинг моҳияти эмас, балки қандайдир алоҳида қирраси очилади.

Грамматик шакл ўзи мансуб грамматик категория умумий грамматик маъносини жузъийлаштириш ва қай даражада жузъийлаштириши билан умумий грамматик маънога муносабатини билдиради. Маълумки, грамматик категория грамматик шаклнинг оддий арифметик йиғиндисига тенг эмас ва улар орасида, одатда, тур-жинс муносабати мавжуд бўлади.

¹ Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. –Т., 2004. –Б. 8.

² Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. –Т., 2004. –Б. 8.

³ Қурбонова М. М. Ҳозирги замон ўзбек тили. (Содда гап синтаксиси учун материаллар). –Т., 2002. –Б.10.

⁴ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989. –С.4.

Бошқача айтганда, грамматик шакл грамматик категория умумий грамматик маъносини лисоний сатҳда ўзича жузъийлаштиради ҳамда нутқий шароитга мос равишда турли кўринишда муайянлаштиради. Агар категория умумий грамматик маъноси билан унинг алоҳида шакли нисбий умумий грамматик маъноси орасида номувофиклик мавжуд бўлса, ҳар бир ҳолат алоҳида тавсифланиши лозим.¹

Грамматик шакл грамматик категория умумий грамматик маъносини турлича «парчалайди» ва бу «парча»га ўзига хос ҳиссасини қўшади. масалан, ўзгаловчи категорияси «фёълни ҳоким сўзга боғлаш» умумий грамматик маъносига эга бўлиб, тадқиқотчилар унинг ҳар бир шакли (равишдош, сифатдош, ҳаракат номи) бу умумий грамматик маънони ўзига хусусийлаштиришини (равишдошда фёълни фёлга боғлаш, сифатдошда фёълни отга боғлаш, ҳаракат номида фёлга от вазифасини бериш) ва унга нимадир «қўшиш» (равишдош фёлга равишлик хусусиятини бериш, сифатдош фёлга сифатлик хусусиятини бериш, ҳаракат номида фёълни статиклаштириш)ни таъкидлашади. Бу шаклнинг кўриниши эса умумий грамматик маънодан «узоқлашиб», ундан ўзига хослик янада кучаяди. Бу, масалан, равишдош шаклида қуйидагича:

– «-гач – бошқа бир ҳаракатнинг бошланиш чегарасини кўрсатиш;

– гунча – бошқа бир ҳаракатнинг тугалланиши чегарасини кўрсатиш;

– ганда – бошқа бир ҳаракатнинг содир бўлиш фонини ифодалаш;

– (и)б – ҳолат, пайт;

– а/й – давомлилик ва такрорийлик;

– гани – мақсад.

Бу шаклнинг барчасида равишдошга хос умумий белги – «фёълни фёлга боғлаш» сақланган, бироқ ҳар бири ўзича бошқа маънони ҳам ифодалайди. «Барча равишдошда равишдошнинг умумий маъноси мавжуд фёълни фёлга боғлайди. Лекин бу умумий грамматик маъно биринчи–олтинчи формада парчаланмайди, бўлинмайди ва биринчи–иккинчи–учинчи қатордаги шаклнинг ўзаро зидланиш категория умумий грамматик маъноси кўриниши асосида эмас, балки пайт, замон, давомли–

¹ Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва синтактик имкониятлари.: филол. фан. номз... дисс. –Бухоро, 1995. –Б.64.

давомсизлик, сабаб–мақсад каби ушбу категория умумий грамматик маъноси (феълни–феълга боғлаш)га хос бўлмаган маъно асосида тузилади.”¹ Равишдошлик нуктаи назаридан бу шаклнинг барчаси бир хил маънога эга. Бу шакл орасидаги зидланиш равишдошлик (феълни феълга боғлаш) эмас, замон, тарз, сабаб, мақсад маъноси асосида. Шунинг учун у равишдошнинг турли замон ва тарз шакли эмас, замон ва тарз категориясининг равишдошдаги кўриниш сифатида қаралиши лозим. Демак, маълум бўладики, грамматик шаклда бу шакл мансуб категорияга хос ва бошқа категорияга хос маъно ҳам мавжуд бўлади.

Хўш, бу мавжудлик шунчаки грамматик иллюзиями ёки унинг асосида қандайдир лисоний қонуният ётадимиз?

Лисоний бирлик серқирра экан, у асосий белгиловчи хоссаси билан биргаликда унга ёндош иккинчи даражали хоссага ҳам эга бўладики, бу иккала жиҳат диалектик бутунликни ташкил этади.

“Грамматик шаклда категориал (моҳият) маъно билан биргаликда қатор йўлдош маъно ҳам мавжуд бўладики, бу улар моҳиятининг камида икки қатор зиддиятда очилишини кўрсатади.”² Масалан, “сон категорияси умумий грамматик маъноси аталмишининг миқдорий ва сифатий тавсифини беришдан иборат. Бу умумий категориал маъно [0] шаклда миқдорий аниқлик–ноаниқлик, сифатий бўлинмасликни, [-лар] шаклида “миқдорий ноаниқ кўплик ва сифатий бўлинувчан ҳамда бўлинмасликни ифодалаш” каби ихтисослашган кўринишга эга.”³ Категориянинг номидан маълумки, у миқдор ифодалашга ихтисослашган морфологик ҳақиқат. Шунингдек, умумий грамматик маънодаги “ноаниқ”, “аниқ”, “сифат”, “бўлинувчан”, “бўлинмас” каби унсур бевосита унинг марказидаги (моҳияти ҳисобланадиган) “миқдор” унсурига бевосита дахлдор эмас. Бирок, “бевосита дахлдор эмаслик” унинг моҳиятидан айричалик мустақиллик хоссаси мавжудлигини кўрсатмайди. Чунки, дейлик, [-лар] шакли миқдорни (яъни кўпликни) ифода экан, у бир пайтнинг ўзида ўз-

¹ Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: филол. фан. док... дис. автореф. –Т., 2001.

² Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989. –С. 5.

³ Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. I қисм. –Андижон, 1994. –Б. 21.

ўзидан юқорида зикр этилган “сифатий бўлинувчанлик–бўлинмаслик”, “ноаниқ” белгисини ҳам ифодалаб юборади. Демак, шаклда миқдор белгиси ҳар доим сифат белгиси билан бақамти яшайди, диалектик боғланишда туради. Чунки, “маънодан бирининг кучайиши бошқасининг сусайишига, бошқасининг кучайиши биринчисининг сусайишига олиб келади.¹ Масалан, ”*Дўконда сувлар бор*” гапида –лар шакли миқдор ҳам, сифатий белги (бўлинувчанлик, тур хил) ҳам ифодаламоқда. Бироқ бунда сифатий белги (*ҳар хил сув бор*) устуворлик касб этиб, миқдор белгиси кучсизланганлиги сезилиб туради. Маълум бўладики, грамматик шакл умумий грамматик маъно таркибий қисмидан бири категория умумий грамматик маъносининг моҳиятини жузъийлаштириш бўлса, бошқаси унга ёндош, моҳият таркибига мансуб бўлмаган, бироқ у билан диалектик яхлитлик касб этган маъно. Шунинг учун грамматик шакл умумий грамматик маъноси таҳлилида соф категориал (грамматик шакл мансуб категория моҳиятига мансуб) ва унга ёндош ҳодиса фарқланиши лозим.

Айрим тадқиқотда шаклнинг категориал моҳиятига ёндош ҳодисани нокатегориал маъно сифатида баҳолаш ҳоли учрайди.² Бунда ҳодисага бир ёқлама муносабат кўзга ташланади. Чунки нокатегориал маъно сифатида қаралган ҳодиса, айнан шу ҳодиса учун нокатегориал бўлса-да, уни мутлак нокатегориал деб баҳолаб бўлмайди. Масалан, замон шакли умумий грамматик маъноси таркибида умумий грамматик маънонинг категориал “мағзи” билан биргаликда, унга турли хил майл маъноси йўлдошлик қилади. Бу маъно замон маъносини ифодаловчи шакл учун нокатегориал бўлса-да, майл ифодаловчиси учун категориал, яъни майл шакли умумий грамматик маъносининг категориал “мағзи”ни ташкил этади. Шу боисдан, умумий грамматик маъно таркибидаги “нокатегориал” маънони “ёндош маъно” атамаси билан бериш ҳақиқатни маълум даражада ёрқинроқ ифодалайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, “категориал маъно” ва “ёндош маъно” атамаси ҳам биз томондан шартли равишда қўлланади. Чунки бир томондан ёндош бўлган маъно бошқа томондан категориал, бир

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989. –С. 158.

² Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: филол. фан. док... дис. автореф. –Т., 2001. –Б. 5.

томондан категориал ҳисобланувчи моҳият бошқа умумий грамматик маъно таркибида ёндошлик касб этади. Шунинг учун умумий грамматик маъно таркибий қисмидан у ёки бу унсурни категориал ёки ёндош деб аташ мутлақо шартли бўлиб, бу грамматик шакл умумий грамматик маъносининг иккиланган табиатга эгаллигига ишора қилади.

Грамматик категорияда категориал ва ёндош маъно сифатий ва миқдорий ўзига хосликка ҳам эга. Маълумки, грамматик категория таснифида ҳам формал-функционал таҳлил усулининг “лисоний бирикнинг серқирралиги” омилига таянилади.

Ш.Шаҳобиддинова ушбу асосда грамматик категория шаклининг маъновий таркибига кўра таснифини берар экан, уни содда ва мураккаб типга ажратади. Тадқиқотчи содда категория деганда “формаси ўзи мансуб бўлган маълум бир категория маъносини ва унга ҳамроҳ бўлган ёндош маънони ифодалашга хизмат қилиб, бутун моҳияти билан битта категорияга мансуб бўлган” категорияни тан олади ва бу қаторга сон, қиёслаш, келишиқ, нисбат, субъектив муносабат категориясини киритади. Буни у шундай изоҳлайди: “Соддалиқни бу ўринда диалектик тушунмоқ лозим. Соддалиқ бу категорияни ички диалектик қарама-қаршилиқдан озод этмайди. Аммо бу қарама-қарши томон ўзаро бир-бирини тақозо этади, бир-биридан келиб чиқади. Масалан, сон категориясининг маъноси миқдорий ва сифатий белгининг маълум йиғиндисидан иборат. Бу икки маънони бир-биридан ажратиш имкони йўқ. Шунингдек, фақат сифатий, фақат миқдорий маъно ифодаловчи бошқа мустақил категория ҳам мавжуд эмас.”¹

Бундан маълум бўладики, олима грамматик шаклдаги “нокатегориал” маъно сифатида бошқа грамматик категорияга хос маънонигина ажратади ва ёндош маъно бундай мансублиқка эга бўлмаса, уни “нокатегориал маъно” сифатида қарамайди. Масалан, келишиқ категорияси “сўз бирикмасидаги олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаши”, нисбат

¹ Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. I қисм. –Андижон, 1994. – Б. 23.

категориясининг “феъл англатган бажарувчининг тавсифини ифодалаши.”¹

Мураккаб категория сифатида эса бир шаклда турли грамматик категорияга мансуб категория тушунилади. Масалан, «Эгалик категориясида уч хил маъно мужассамланган:

1. Лисоний ва нолисоний эгалик муносабатини ифодалаш (эгалик категорияси учун нокатегориал маъно).

2. Шахс маъноси (эгалик категорияси учун нокатегориал маъно).

3. Сон маъноси (эгалик категорияси учун нокатегориал маъно)» дейилади ва улар сирасига эгалик, ўзгаловчи, кесимлик категорияси киритилади.”²

Демак, олиманинг категориал ва нокатегориал маънони фарқлашида ва маъновий таркибига кўра таснифлашида изчиллик мавжуд эмас. Бу қуйидагида кўзга ташланади:

биринчидан, нокатегориал маъно аслида бошқа грамматик категорияга мансуб бўлса, ажратилади;

иккинчидан, агар грамматик шакл “нокатегориал маъно”га эга бўлса, у мансуб грамматик категория мураккаб грамматик категория сифатида қаралади;

учинчидан, моҳиятини кўрсатишда грамматик категориянинг зотий таснифидан келиб чиқилмайди.

Биз “нокатегориал маъно” қатъиятига ёндош маънонинг барчаси қайсидир категорияга мансублигини таъкидлаймиз. Фақат ёндош маъно морфологик эмас, бошқа, дейлик лексик, синтактик категорияга мансуб бўлади. Фақат категорияни умумийлик сифатида, тор–сатҳий эмас, балки кенг–лисоний моҳиятли мавжудлик сифатида қабул қилиш лозим. Чунки “категориал бўлмаган маъно мавжуд эмас.”³

Иккинчидан, грамматик категориянинг содда- мураккаблигини умумий грамматик маъно табиатидан келиб чиқиб белгиламоқ лозим. уни

¹ Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. I қисм. –Андижон, 1994. – Б. 23.

² Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. I қисм. –Андижон, 1994. – Б. 21.

³ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989. – С. 158.

“нокатегориал” маъно хос грамматик категория мавжудлиги асосида қидириш бир ҳодисани бошқа ҳодиса асосида белгилашдан ўзга нарса эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, грамматик категория ҳамиша серқирра ва унинг умумий грамматик маъноси ҳам мураккаб тузилишга эга. Фақат ўзига хос маънодангина ташкил топган категория умумий грамматик маъноси мавжуд эмас. Категорияда ёндош маъно борлигининг ўзиёқ уни соф, содда категория дейишга йўл қўймайди. Демак, бутун моҳият эътибори билан фақат битта категорияга мансуб категория шакли йўқ экан, грамматик категориянинг содда-мураккаблигини бу йўл билан белгилаш лисоний ҳолатни объектив баҳолашга тўсиқ бўлади ва унда содда категориянинг ўзи бўлмайди.

Бошқа категорияга нисбатан кесимлик категориясини мураккаб категория сифатида қараш мумкин. Чунки у бошқа категориядан фарқли ўлароқ унинг ташкил этувчиси мустақил грамматик категориядир: шахсон, замон, майл, тасдиқ–инкор. Бу категория ўзида нисбий қарама-қаршилиқни мужассамлаштиради. Яъни бу категориянинг ҳар бири кесимлик категориясига нисбатан шакл, кесимликдан ташқарида алоҳида категория. Бошқа категорияда эса бундай ҳолат кузатилмайди.

Бу категория мураккаблигининг яна бир жиҳати шундаки, содда категорияда грамматик категория ва грамматик шакл орасида умумийлик – хусусийлик диалектикаси ҳукмрон бўлса, кесимлик категорияси ва уни ташкил этувчиси орасида бутун–бўлак муносабати мавжуд. Бутун – бўлак муносабати эса мантиқан мураккаблиқнинг асоси.

Хўш, кесимлик категорияси мураккаб категория экан, бу категория умумий грамматик маъноси таркиби қандай ва унда категориал ҳамда ёндош ҳодиса қандай белгиланади? Бу саволга жавоб бериш учун фикрни аёнроқ бўлган лексик асосда далиллашга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, полисемантик лексема семемаси икки хил муносабатда бўлади:

- а) асос – аниқ ҳосилавийлик;
- б) асос – ноаниқ ҳосилавийлик.

[қанот] лексемасининг “қушнинг икки ёнидаги учиш аъзоси” семемаси бош, асос семема бўлиб, “самолётнинг икки ёнидаги учиш мосламаси” семемаси асос семемадан чиққан ҳосила семема.

[олма] лексемасидаги “дарахт” ва “мева” тушунчасини атайдиган икки семемадан қайси бири асос ва қайсиси ҳосила эканлигини аниқлашнинг имкони йўқ. Шу боисдан бундай семема ёндош семема сифатида қаралади.

Ўзгалоғчи категорияси умумий грамматик маъноси таркибидаги “фёълни бошқа сўзга боғлаш ва унга равишлик, сифатлик ва отлик хусусиятини бериш”, кесимлик категорияси умумий грамматик маъноси таркибидаги шахс-сон, замон, майл ва тасдиқ/инкор категорияси тенг қийматли моҳиятга эга бўлиб, категорияда унинг бирортасига устуворлик бериш мумкин эмас. Чунки ўзгалоғчи категория морфологик категория сирасида ҳам таснифловчи, ҳам синтактик категория оралиғида “оралиқ учинчи” мақомига эгаллиги унда икки хил моҳиятнинг мужассамлашганлиги билан белгиланади.¹ Бунда умумий грамматик маънонинг таркибий қисми (“фёълни кейинги сўзга боғлаш” ва “фёлга равишлик/сифатлик/отлик белгисини бериш”)ининг бири иккинчиси учун, иккинчиси биринчиси учун ёндош, шу билан биргалликда, ўз-ўзига категориал маъно ҳисобланади.

Кесимлик мураккаб категория бўлганлигининг ўзи ҳам ундан бирортасига асосийлик мақоми беришга йўл қўймайди ва унинг ҳар бири гап марказини шакллантириш умумий грамматик маъносининг турли қиррасини ўзида сақлайди. Шу боисдан, мураккаб категориядаги ҳар бир категория ёндош категория, ҳар бир умумий грамматик маъно парчаси ёндош маъно сифатида баҳоланиши лозим. Бу маъно бир вақтнинг ўзида категориал маъно ҳам. Масалан, *Ўқиялман* гапидаги “биринчи шахс”, “ҳозирги замон”, “тасдиқ”, “аниқлик майли” маъносининг ҳар бири кесимлик категорияси таркибида ёндош маъно бўлиб, ўзи бевосита тегишли бўлган категория учун эса нокатегориал маъно.

¹Баҳриддинова Б. М. Фёъл луғавий шакли тизими. Фёълнинг тур категорияси: филол. фан. номзоди.... дис. –Самарқанд, 2002. –Б. 70–72.

Демак, ўзбек тили грамматик категорияси умумий грамматик маъноси таркибий қисмининг ўзаро муносабати ва табиатига кўра иккига бўлиш мумкин:

а) умумий грамматик маъноси таркибий қисми ўзаро категориаллик ва ёндошлик табиатига эга бўлган категория (келишик, сон, нисбат, майл, замон, бўлишли-бўлишсизлик);

б) умумий грамматик маъноси таркибий қисми ўзаро ёндошлик табиатига эга бўлган категория (ўзгаловчи, кесимлик).

Грамматик шакл умумий грамматик маъносидаги ёндош маънони таснифлашда унинг миқдори, қандай сатҳ категориясига мансублигидан келиб чиқиши лозим бўлади: морфологик ёндош маъно, лексик ёндош маъно, синтактик ёндош маъно, услубий ёндош маъно.

Категориал маънонинг тури. Категориал ва ёндош маъно муносабатидаги яна бир нисбий ҳолатни алоҳида таъкидлаш лозим.

Категориал маъно грамматик шаклда хусусийлашган грамматик категориянинг зотий моҳияти бўлиб, ёндош маъно қанчалик кучаймасин ва у қанчалик сусаймасин, барибир категориал моҳиятини тўла-тўқис йўқотмайди. Масалан, *-лар* шакли сон категориясининг “миқдор” ва “сифат” категориал маъносининг ўзида айрим ҳолда ўзига хос тарзда жузъийлаштирилади: *Тилларимга кўчолмайди бўғзимдаги овозим.*(У.Азимов) *Дадамлар келдилар.* Гапнинг биринчисидagi сон категорияси шаклини олган (тилларимга) сўзшаклида бу шакл маъно кучайтириш вазифасини бажарган бўлса, иккинчи гапдаги (дадамлар) сўзшаклида “ҳурмат” маъноси ифодаланган. “Кучайтириш” ва “ҳурмат” маъноси ушбу ҳолатда *-лар* зотий табиатига мувофиқ бўлмаган нокатегориал маъно. *-лар* шаклининг категориал маъноси “кўплик миқдори” бўлиб, бу вазиятда у бевосита зоҳир бўлмаган ва ноль даражага тушгандек тасаввур уйғотади. Аммо категориал маънонинг ҳатто ушбу ҳолатда ҳам қандайдир сақланиб қолганлиги ҳақидаги илмий далилни Ш.Шаҳобиддинова фикридан уқамиз: «Бу ҳодиса (тилларимга) одатда [-лар] шаклининг маъно кучайтирув ҳолати сифатида изоҳланади. Бундай хусусий грамматик маънонинг юзага чиқишига [-лар]нинг қандай хусусияти сабаб бўлади? Маълумки, кўп нарса ҳамиша кўп ёки якка нарсага нисбатан кучлироқ, аҳамиятлироқ туюлади. Шу сабабли кучли

эътибор ва таъкид зарур бўлган ҳолатда нарсанинг миқдорини кўп қилиб кўрсатишга интилиш кузатилади. Аслида битта бўлган миқдоран кўп сифатида тасаввур қилинади. Юқоридаги мисолда ҳам шундай ҳолат кўринади. Яъни тил битта. Бироқ маъно кучайтириш мақсадида у кўпдай тасаввур қилинмоқда.”¹

Бу фикрни -лар шаклининг “ҳурмат” маъносини ифодалаган ҳолатига ҳам далил сифатида қўллаш мумкин бўлади.

Грамматик шаклининг категориал ва ёндош маъносини чегаралашда грамматик категориянинг маълум бир сўз туркумига ёки гап бўлагига хослиги юзасидан таснифи муҳим аҳамият касб этади.

Туркийшуносликда грамматик категория тилшунос Ҳ.Неъматов томонидан туркий тил ёдгорлиги мисолида маълум бир гап бўлагига хос, яъни гап бўлагини, синтактик қурилмада тобе ёки ҳоким узвни шакллантирувчи (келишик, эгалик, кесимлик) ҳамда маълум бир туркумгагина хос (сон, нисбат, функционал шакл) категория ажратилди. Бу эса жаҳон тилшунослигида грамматик шакли лексик ва синтактик шаклга ажратиш ғоясининг ривожлантирилган кўриниши. Ўзбек тилшунослигида бу ғоя дастлаб унчалик оммавийлик касб этмади. Чунки ўзбек тилшунослиги бошқа тилшунослик таъсири остида эди. «Ўтган давр мобайнида ўзбек тили морфологик кўрсаткичининг таснифи яратилди, аммо хулоса аввалига араб, сўнгра рус тили грамматик меъёрига асосланган ҳолда бериб келинди. Ўзбек тилида морфологик қўшимчага нисбатан форма ҳосил қилувчи деб қаралиб, у иккига – сўз ўзгартирувчи ва шакл ҳосил қилувчига бўлинарди. Сўз ўзгартирувчи сифатида сўзни бир-бирига боғлаш вазифасини бажарувчи эгалик, келишик ва шахс-сон қўшимчаси ажратилса, шакл ҳосил қилувчига сўз маъносига бироз таъсир этадиган, аммо янги маъноли сўз ҳосил қилмайдиган деб таърифланадиган кўрсаткич киритиларди. Диққат қилинса, бу қўшимчанинг бири синтактик вазифа билан, иккинчиси луғавий маъно билан боғлиқ.”²

¹ Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди. 2001. –Б. 104.

² Баҳриддинова Б.М. Феъл луғавий шакли тизими. Феълнинг тур категорияси: филол. фан. номзоди.... дис. –Самарқанд, 2002. –Б. 3.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим тизимида туб ислохот бошланиб, 1999 йил 16 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “УЎТ ДТСларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 390- қарори билан 1999–2000 ўқув йилидан бошлаб “она тили” курси бўйича янги, индуктив мазмунли дастур таълим тизимига жорий этилди. Дастур асосида яратилган “Она тили” дарслиги аввалги дарсликдан тубдан фарқ қилиб, таълим мазмунида она (ўзбек) тилининг онтологик қурилишини акс эттириш ўз ифодасига эга бўлди. Бу эса, аввало, истиқлол туфайли, қолаверса, Президентимиз И.А.Каримовнинг қўллаб-қувватлаши билан ўзбек тилининг мумтоз тавсифини бериш, ўзбек тилшунослигини яратиш имкони вужудга келганлиги билан белгиланади. Янгиланган она тили дарслигида морфологик шаклни луғавий шакл ҳосил қилувчи, синтактик шакл ҳосил қилувчи сифатида таснифлашда яққол кўзга ташланади.

Таълим тизимидаги туб бурилиш тилшунослик фани олдига ҳам муайян талабни қўйди. Хусусан, ўзбек тилшунослигида илк марта морфологик шакл янгича тасниф асосида илмий тадқиқ этилди.

Б.Баҳриддинова морфологик шаклнинг янгича таснифини берди . Олима луғавий шакл ҳосил қилувчи сирасига даги сон, феълдаги нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, ҳаракат тарзи, сифатдаги даража, синтактик шакл ҳосил қилувчига келишиқ, эгалиқ, кесимлик, луғавий синтактик шакл ҳосил қилувчига ўзгаловчи категорияни киритди: “1. Луғавий шакл ҳосил қилувчи – лексеманинг луғавий маъносини нутқ талабига мувофиқ равишда модификациялайди. 2. Синтактик шакл – лексемани муайян гап бўлиб келишига хослайди ва синтактик алоқага киритиш вазифасини бажаради. Луғавий синтактик шакл лексеманинг ҳам луғавий маъносига таъсир қилади, ҳам унинг синтактик вазифасини белгилайди. Луғавий-синтактик шакл том моҳияти билан луғавий ва синтактик шако оралик учинчи мақомига эга бўлади.”¹

¹ Баҳриддинова Б. М. Феъл луғавий шакли тизими. Феълнинг тур категорияси: филол. фан. номзоди... дис. автореф. –Самарқанд, 2002. –Б. 21.

Қараш ва таснифдан маълум бўладики, морфологик шаклнинг умумий грамматик маъносида категориал маъно ё синтактик, ё луғавий ёхуд луғавий-синтактик табиатга эга бўлади.

1. Морфологик шакл ҳосил қилувчи категория сон, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, ҳаракат тарзи, даража категориясининг умумий грамматик маъносида категориал маъно луғавий асосга эга.

2. Синтактик шакл ҳосил қилувчи келишиқ, эғалиқ, кесимлик категорияси шаклининг категориал маъноси синтактик табиатга эга.

3. Луғавий-синтактик шакл ҳосил қилувчи ўзгалоғчи категориясининг категориал маъноси луғавий-синтактик табиатга эга бўлади.

Қуйида ҳар грамматик категория шаклининг категориал ва ёндош маъносини алоҳида-алоҳида кўриб ўтағимиз.

Ёндош маънонинг тури. Грамматик категория умумий грамматик маъносидаги ёндош маъно табиати, асос ва илдизи асосида фарқланади. Айтилганидек, ёндош маъно грамматик категория умумий грамматик маъносидаги бошқа ҳодиса тағаллиси. Бу ҳодиса эса турли сатҳга мансуб бўлади. Шу асосда ёндош маънони морфологик, лексик, синтактик турга ажратиш мумкин. Бу сатҳаро алоқанинг ўзига хос янги кўринишидир ва у махсус тадқиқ қилиниши лозим.

Морфологик ёндош маъно. Морфологик ёндош маъно асоси бошқа бир морфологик категория бўлади. Қуйидаги гапта ажратилган сўздаги морфологик шаклда ёндош маъно воқеланишига диққат қилағимиз: 1. *Шу пайт чорбоғдан эчки **етаклаб** Дилбар кириб келди.* (С.Аҳмад) (*етаклаб – тарз-тус*) 2. *Муяссар **шоша-пиша** унга кечаси ўйлаган ўйларини гапира бошлаган эди...*(О.Ёқубов)(*шоша-пиша – тарз – тус*) 3. *Гулсум она Барнони бир кўрай деб бухгалтерияга **кирди**.* (О.Ёқубов) (*кирди – майл*) 4. *Қарол ва мардикорлар тиз чўкиб, қўлларини қовуштириб ўтиришиди. Ғирашира тонг ёришиб **келаётган** эди.* (А.Қаҳ.) (*келаётган – тарз*). 5. *Бир камтир Элмуродга ўғлининг дўптиси билан қўйлак ва камзулини **кийгизди**.* (П.Турс.) (*кийгизди – майл*).

Гаптаги феъл сўзшаклини кузатағимиз. Биринчи гаптаги *етаклаб* сўзшаклидаги *-б* кўрсаткичи *-(и)б* инвариант равишдош шаклининг нутқий кўриниши бўлиб, бунда ўзгалоғчи категория умумий грамматик

маъносига мансуб “фёълни фёълга боғлаш” зотий моҳиятини фёълга “иш ҳаракат тарзини ифодалаш” маъносини бериш билан бирга воқелантирган. “Ҳаракат тарзи” маъно бўлакчаси фёъл ҳаракат тарзи категориясининг ўзгаловчи категорияси шаклида юзага чиқаётган категориал маъно билан яхлитлик касб этган. 2- гапдаги *шоша-пиша* сўзшаклида ҳам “тарз” морфологик ёндош маъноси воқеланган. 3- гапдаги *кирди* сўзшаклида “замон” умумий грамматик маъноси билан бирга ижро майли кўриниши ҳам юзага чиққан. Ёки, аксинча, майл категорияси умумий грамматик маъноси воқеланиши “ўтган замон” ёндош маъноси воқеланишини тақозо этган. Маълумки, “ўтган замон давом фёъли” умумий грамматик маъно парчаси “-ётган эди” шаклида омикталашиб, “давом” маъно бўлакчаси “замон” умумий грамматик маъноси кўриниши учун ёндош маъно. Бунда энди замон ва майл категориясидаги каби муносабат кузатилади. Чунки “тарз” ёндош маъноси ҳаракат тарзи категориясидагина категориаллик касб этади. Бундай морфологик ёндош маънога ўзгаловчи категориясидаги модаллик, хусусан, унинг ҳаракат номи шаклидаги бўлишли/бўлишсизлик, сифатдош ва ҳаракат номидаги замон, кесимликдаги барча ёндош маънони жамликдаги шахс-сон каби ёндош маънони киритиш мумкин. Шу ўринда бир ҳодисани алоҳида таъкидлаш лозим. Маълум бир морфологик шакл ўзи мансуб категория умумий грамматик маъносининг муайян парчасини, кўринишини воқелантиришга хосланган бўлади. Масалан, биргалик нисбат шакли нисбат категорияси умумий грамматик маъносини “иш–ҳаракат бажарувчисининг биргалиги” тарзида хусусийлаштиради. Бироқ, шу билан биргаликда, ўзида аниқ нисбат учун хосланган “бажарувчи аниқлиги” маъносини ҳам юзага чиқаради. Бошқача айтганда, “биргалик” ”аниқлик” билан яхлитлик касб этади. Бироқ “биргалик” ҳамиша бу шаклда “аниқлик”ка нисбатан устувор ва “биргалик” асосий категориал ва “аниқлик” ёндош категориал маъно сифатида юзага чиқади. Демак, бир категориянинг турли шакли категория умумий грамматик маъносини ўзига хос тарзда жузъийлаштиришга ихтисослашган бўлиб, бир вақтнинг ўзида бошқа шакл учун хос маънони ҳам ифодалаш мумкин. Буни шартли равишда асосий категориал маъно ва ёндош категориал маъно дейиш мумкин.

Лексик асосли ёндош маъно. Лексик асосли ёндош маъно лексик сатҳ бирлиги айрим лексема ёки лексема гуруҳига хос умумий категориал (нокатегориал) маънонинг морфологик шакл умумий грамматик маъносидаги тажаллиси. Масалан, нисбат категорияси шаклидаги ўтимли-ўтимсизлик ёндош маъноси шундай ҳодисадан бири. Ўтимли-ўтимсизликнинг зотий табиати ҳақида илмий манбадан қуйидагини билиш мумкин. Маълумки, феълда ўтимли-ўтимсизлик нисбат категорияси билан зич боғланганлиги, нисбат категориясининг ўтимли-ўтимсизликка таъсири, бу ҳодисанинг диалектик бирликда мавжудлиги деярли барча тилшунос томонидан таъкидланади. Лекин уни айримлар феъл категорияси, баъзилар категория эмаслиги ҳақида гапиради. “Ўтимли/ўтимсизлик ҳақида фикр билдирилган ишнинг барчасида ҳам феълнинг ўтимли/ўтимсизлик кўрсаткичга эга эмаслиги ҳақида гапирилади. Морфологик кўрсаткич йўқ экан, грамматик маъно ҳақида ҳам гапириш мумкин эмас.”¹ Ҳақиқатан ҳам, “ўтимли/ўтимсизлик тилда мустақил категория сифатида мавжуд бўлса, унинг, А.Ҳожиев таъкидлаганидек, ўз расмий кўрсаткичи бўлиши лозим эди.”² Маълумки, лисоний тизимда феъл лексема ўтимли ёки ўтимсиз ҳолда мавжуд бўлади: *борди, ўқиди* каби. Лекин ўтимсиз феъл айрим маъносида ўтимли (*заводда ишламоқ – масалани ишламоқ*) бўлиши мумкин. Ўтимли-ўтимсизлик феъл лексема семантик табиатида мавжуд бўлиб, нисбат ана шунга таъсир қилади, холос. Шунингдек, “нисбат кўрсаткичининг вазифаси фақат ўтимли феълни ўтимсиз феълга, ўтимсиз феълни ўтимли феълга айлантиради, дейиш масалага бир ёқлама ёндашув бўлади.”³ “Ўтимли-ўтимсизлик, дарҳақиқат, луғавий ҳодиса бўлиб, унинг морфологик категория эмаслигининг икки асоси бор:

а) ўтимли-ўтимсизликни ифодаловчи, мунтазам зиддият тизимига эга шакл йўқ;

б) айна бир сўз мунтазам равишда фақат ўтимли-ўтимсизлигига кўра фарқланувчи ҳосила шаклга эга бўлолмайди.”⁴ Хуллас, ўтимли-

¹ Ҳожиев А.П. Феъл. Мас. муҳ. Шоабдурахмонов Ш.Ш. –Т.: Фан,1973. –Б. 82.

² Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълда нисбат категорияси. –Т.: Фан, 1992. –Б. 16.

³ Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълда нисбат категорияси. –Т.: Фан, 1992. –Б.17.

⁴ Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди. 2001. –Б. 127.

ўтимсизлик луғавий ҳодиса экан, унинг морфологиядаги тажаллисини нисбат категорияси умумий грамматик маъносидаги лексик асосли ёндош маъно сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ .¹

Эгалик категориясидаги партитив–қарашлилик, сон категориясидаги бўлинувчанлик/бўлинмаслик, ўзгаловчи категориясидаги равишлик, сифатлик каби ёндош маъно ҳам лексик илдизга эга.

Синтактик ёндош маъно. Синтактик ёндош маъно грамматик шаклнинг зотий моҳияти билан бирга келиб, сўз шаклининг бирикувчанлик имкониятига таъсир кўрсатади. Ортгирма нисбат шакли (*кийгизди*) нисбат категориясига хос “иш-ҳаракатнинг субъектга муносабати” умумий грамматик маъносини “фёъл бирикувчанлигини белгилаш” ёндош маъноси билан биргаликда юзага чиқарган. Фёъл валентлиги фёълга тобеланувчини белгилаб, бу ҳоким сўзнинг тобега муносабати. Ҳокимнинг тобега муносабати эса “кейинги сўзни олдинги сўзга боғлаш” категориал моҳияти билан уйғун.

Эгалик категориясидаги унинг зотий моҳиятига хос бўлмаган “олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш” ёндош маъноси, нисбат категориясининг фёъл бирикувчанлик имкониятини ўзгартириш, кесимлик категориясидаги шахс-соннинг кесимни эга билан мувофиқлаштириши каби ёндош маъно синтактик зотийликнинг морфологиядаги тажаллиси.

Қоришиқ асосли ёндош маъно. Маълумки, айрим морфологик шакл ёндош маъно сифатида модал маънони ҳам ташийди. Масалан, эгалик шаклидаги “сизлаш”, “сенсираш”, кўплик шаклидаги “хурмат”, “кесатиш”, “менсимаслик” каби маъно шулар жумласидан. Маълумки, модал маъно ижтимоий омил билан зич боғланган бўлиб, ўзбек тилида бу маънони ифодаловчи восита турли сатҳга мансуб бирлик. Хусусан, Ғ.Зикриллаев ”хурмат” маъносини ифодалаш учун уч хил морфологик (-сиз , -сизлар, -нгиз, -нгизлар, -ларингиз, -(и)нг, -(и)нглр, -(и)нгиз, -(и)нгизлар), луғавий (сиз, сизлар, ўзингиз, ўларингиз), синтактик (Карим

¹ Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. –М.: Изд. Акад. наук СССР, 1952. Т. II, Ч. I.; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; Гузев В.Г., Насилов Д.М. Слово-изменительные категории в тюркских языках и понятие «грамматическая категория» // Советская тюркология, 1981. -№3. С. 23–35.

ака, Аҳмад амаки, Ҳайдар ота, ҳурматли меҳмон, муҳтарам устоз) усуллар қўлланишини айтади.

Модал маъно эгалик шаклининг айрими учун ёндош маъно. Масалан, “ҳурмат” модал маъноли II шахс кўплик шакли учун “сенсираш” доимий ёндош маъно. Лекин III шахс кўплик, I шахс кўплик шакли учун “ҳурмат” ифодалаш мунтазам эмас.

Модал маъно эгалик категориясининг айрим шакли учун ёндош маъно бўлиб, ўзининг асос грамматик категориясига эга эмас. Бироқ, ўзбек тилида “ҳурмат” функционал-семантик майдони борлигини рад этиб бўлмайди.

Демак, асоси муайян бир грамматик категория ёки маълум бир сатҳагина хос бўлмаган ёндош маънони қоришиқ асосли ёндош маъно сифатида баҳолаш мумкин.

Ҳамроҳ маъно. Нутқ лисонга нисбатан беҳад бойлиги, ранг–баранглиги ва ўта зиддиятлилиги билан характерланади. Ҳар бир нутқий сўзшаклда грамматик шаклининг умумий грамматик маъноси билан биргаликда у бирикаётган сўз, ҳамроҳ шакл, бирикма ҳосил қилаётган бирлик ҳамда эркин бирикув қолипи, гап қурилиши, сўзловчининг ўз фикрига муносабати, нутқ услуби ва вазияти каби қатор омил қоришиб, чирмашиб шундай бир мураккабликни вужудга келтирадики, бир қарашда шаклдаги зотий ва тажаллий жиҳатни, қайси ҳодисанинг қандай моҳиятга тегишли эканини аниқлаш мушкул бўлиб қолади. Тилга система сифатида ёндашиб, лисоний ва нутқий жиҳатни изчил фарқлаётган тилшунослар нутқнинг беҳад мураккаблиги, лисоннинг эса ўта соддалигини алоҳида уқтиради. Фикримизни “Ўзбек тилининг структур синтаксиси” қўлланмасидан олинган далил билан қиёслаймиз. Маълумки, қаратқич келишиги ва эгалик шакли билан ҳосил қилинган сўз бирикмаси – қаратувчили бирикмада турли хил муносабат англашилади. Қиёсланг:

2-жадвал

Сўз бирикмаси	Маъновий муносабат
Салимнинг қалами	Эга – эгалик қилинувчи нарса
Одамнинг қўли	Бутун – қисм
Илмнинг ташаббускори	Нарса – алоқадор шахс

Одамнинг яхшиси	Тур – жинс
Уйнинг тозалиги	Белги эгаси – белги
Боланинг йиғлаши	Субъект – унинг ҳаракати
Яшашнинг завқи	Ҳолат – унинг натижаси
Урушнинг асорати	Жараён – унинг оқибати
Эътиборсизликнинг илллати	Сабаб – натижа

Тадқиқотчилар қаратқич келишиги 50–60 тагача маънога эгаллигини таъкидлашади.

Дарҳақиқат, дейлик, *столнинг оёғи* бирикувидаги бутун ва қисм муносабати *-нинг* ва *-и* шаклига тегишлими, ёки бирикув қисмидан келиб чиқадими, ёхуд *стол* ва *оёқ* сўзининг зотий моҳиятига боғлиқми деган саволга бир хил жавоб кутиш қийин. Масалан, *дадамлар* сўзшаклидаги “хурмат” маъносининг ифодаловчисини бир қарашда аниқлаб бўлмайди.

Нутқий ҳодисада лисоний имконият қоришган ҳолда воқеланиб, мураккаб бир ҳолатни вужудга келтирадики, буни тадқиқотчилар бирор бир матонинг турли бўёқ солинган идишга ботириб олинган кўринишига қиёслашади. Бунда матонинг асл рангини аниқлаш қанчалик мушкул бўлса (лекин иложсиз эмас), нутқда воқеланган лисоний бирликдаги асл моҳиятига тегишли бўлмаган воқеланиш билан зотий хоссаси кўринишини ажратиш ҳам тадқиқотчидан машаққатли меҳнат талаб қилади. Зеро, диалектика уқтирганидек, ҳар қандай алоҳидаликда турли умумийликнинг хусусий кўриниши қоришган ҳолда намоён бўлади ҳамда тегишли умумийликнинг хос кўринишини тўсиб қўяди ва, натижада киши оддий фаҳмий усулда уни аниқлай олмайди. Дейлик, кўз олдимиздаги стул маълум бир оддий умумийликка (аниқроғи, стул умумийлигига) хос алоҳидалик бўлиб, унда турли хил умумийлик (хом ашё, ёғоч, пласмасса, металл, бўёқ, мато)нинг алоҳидалиги биргаликда юзага чиққан. Бунинг таъсири ўлароқ, стулнинг асл зоти воқеланиши, унга хос алоҳидалик тўсиб қўйилган ва бир қарашда уни аниқлаб бўлмайди. Лисоний умумийликнинг нутқий воқеланишида барча–фонологик, лексик, морфологик, синтактик, услубий ва деривацион омил ўз изини қолдиради. Тилшунослар таъкидлашганидек, ҳар бир морфологик шакл нутқда хусусийлик сифатида юзага чиқар экан, унинг асл маъносига у бирикаётган сўз, ҳосил бўлган сўзшаклга боғланаётган сўз, бирикув қолипи ва услубий омили ўз

таъсирини ўқазмасдан қолмайди. Қуйидаги гапга диққат қилайлик: 1. *Йўлнинг икки томонига чўзилган қир ёнбағирларини эндигина ёриб чиқаётган ўтлар қоплаган.* (П.Турсун) 2. *Селдан кейин гўзаларни ўт босган, ҳашорат оралаган.* (Ҳ. Назир) . 3.– *Бормадим. – Боргансан!* (*Бўлмаса кечикмас эдинг*). Манбада “қўлланган – ган замон шакли “ҳаракатнинг бажарилганлиги ва ундан юзага келган ҳолатнинг ҳозир ҳам мавжуд эканлиги” маъносини, иккинчи гапда қўлланган замон шакли “сўзловчининг ўзи кузатмаган, кейин хабардор бўлган ҳаракат”, учинчи гапда эса ”ҳаракатнинг аниқ бажарилганлиги” маъносини ифодалаганлиги таъкидланади.¹ Маълумки, адабиётларда замон категорияси «ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини ифодалаши», “ҳаракат бажарилиш вақтининг нутқ моментига муносабатига қараб, феълнинг уч замони фарқланиши: 1) нутқ моментигача бўлган ҳаракат – ўтган замон; 2) нутқ моментига бўлаётган ҳаракат – ҳозирги замон; 3) нутқ моментидан кейин бўладиган ҳаракат – келаси замон” таъкидланади. Кўринадики, бир шакл турли нутқ шароитига хосланган матнда замон маъносидан ташқари “ҳаракат натижасида юзага келган ҳолатнинг мавжуд эканлиги” (1- гапда), “сўзловчининг ўзи кузатмаган, кейин хабардор бўлганлиги” (2- гапда), ва “аниқ бажарилганлик”(3- гапда). Маъно компоненти ҳам мавжуд бўлиб, у муайян замон маъносининг турланиши сифатида қаралади. Замон шаклининг ушбу қўлланишидаги мазкур “йўлдош” маънонинг юзага чиқишини шаклни алмаштириш натижасидаги ҳолатидан излашга ҳаракат қиламиз: *Йўлнинг икки томонига чўзилган қир ёнбағирларини эндигина ёриб чиқаётган ўтлар қоплаган / қоплайди / қопляпти.* Бу матнда ҳам «ҳаракат натижасида юзага келган ҳолатнинг мавжудлиги» (*қоплади*), “ушбу ҳолатнинг мавжуд бўлиши (келажакда)” (*қоплайди*) кузатилади. Демак, шакл алмаштирилганда ҳам зикр этилган маъно бўлаги сақланиб қолаверади. *Қопламоқ* феълнинг ўрнига *ўсмоқ, чиқмоқ* феъли қўлланганда ҳам «натижалилик» сақланиб қолаверади. Аммо *борган, келган, ўтган* сўзшаклида *-ган* шакли «юзага келган ҳолатнинг мавжудлиги» маъносини воқелантирмайди. Демак, *ё -ган* шакли умумий грамматик маъноси таркибида мавжуд “ҳаракат натижасида юзага келган

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1980. –Б. 354.

ҳолатнинг ҳозир ҳам мавжудлиги” маъно компоненти маълум бир сўз билан бирикканда воқеланиб, бошқа сўз таркибида юзага чиқмайди, ёки бу маъно баъзи лексема семик таркибида мавжуд бўлиб, бошқаси бунга эга эмас. С.Н.Иванов ўзининг ўзбек тилидаги *-ган* шаклига бағишланган тадқиқотида феълни таснифлар экан, *-ган* шаклини олган барча феъл «мутлақ ёки нисбий тугалланганлик» ҳамда «ҳолат» (бизнингча, ҳаракат натижаси) характерига эга бўлишини таъкидлайди. Бошқача айтганда, “тугалланганлик” маъноси баъзи феъл гуруҳида “ҳаракатнинг натижаси” тушунчаси билан боғланади (чегарали феъл), бошқа гуруҳ феъл эса ҳаракатнинг натижасига бефарқ муносабатда бўлади (чегарасиз феъл) ¹ Чегарасиз феъл «ҳолат–давомийлик” маъносига эга бўлиб, у узлуксиз ҳаракатни ифодалайди: “*Холмурод юлдузлар милтиллаган осмонга қаради.*” (П. Турс.) ²

Кўринадикки, биз юқорида таҳлилга тортган *қопламоқ* феъли ҳам чегарасиз феъл бўлганлиги боис *-ган* кўрсаткичи билан шаклланган бу кўрсаткич маъносига унинг маъновий таркибидаги “ҳаракатнинг давомийлиги” маъноси қоришиб, шакл умумий грамматик маъноси тажаллисини қориштирган ва замон маъноси бошқа ҳодиса ёрдамида турланган. Демак, *-ган* шакли “сўзловчи бевосита кузатмаган ўтган замон” маъносига эга бўлиб, замон маъноси оттенкасида бошқа тажалли нокатегориал, замон категориал маъноси устида қаватланувчи “бегона” маъно саналади. *-ган* шакли *-ди* шакли каби кесим вазифасида келган ҳолда *кеча, ўтган йили* каби сўзни *-ган* кенгайтирувчиси сифатида қабул қилади. Бироқ, *-ди* шакли феъл кесим *ҳозир* сўзини ҳол сифатида қабул қилгани ҳолда, *-ган* шакли феъл бундай хусусиятга эга эмас. Қиёсланг:


1. *Ҳозир келди /ўқиди / ёзди.*

2. *Ҳозир келган /ўқиган / ёзган.*

Кўринадикки, иккинчи бирикув ғайримеъёрий. Бу эса *-ган* шаклининг яқин ўтган замон маъносини ифодалай олмаслигига боғлиқ бўлиб, бунга кўра мазкур шакл нотўлиқ зиддиятда туради ва бунда зиддият белгиси “узоқ ўтган замонни ифодалаган” бўлади.

¹ Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.: ЛГУ, 1959. –С.42.

² Менглиев Б. Р. Лисоний тизим яхлитлигида сатҳлараро муносабатлар: филол. фан. док.... дис. –Т., 2002. –Б. 200.



Зиддиятда - *ди* шакли мўътадил белгилари аъзо саналади. Бунда эса -ган шакли “ўтган замон” умумий грамматик маъносини “узоқ ўтган замон” тарзида хусусийлаштириши келиб чиқади ва бу маъно категориал, яъни замон умумий грамматик маъноси тажаллиси. Шунингдек, адабиётда -(и)б аффиксли равишдошни шахс-сон билан тушлаш орқали ҳам:

- а) ўзгандан эшитиб билганлик;
- б) кейин хабардор бўлганлик

маъноси ифодаланиши таъкидланади¹ ва бунга “1) *Эшитишимга қараганда, Қўчқор қайтиб келмабди.* 2) *Тош елкасига тушибди.*” мисоли келтирилади. Биринчи гапдаги “*эшитишимга қараганда*” қисми олиб ташланса, ҳар иккала гапдан ҳам “ҳаракатнинг бажарилгандан кейин хабардор бўлганлик” маъноси уқилади. Демак, мазкур шаклга хос биринчи маънодаги “ўзгандан эшитиб билганлик” бўлакчаси боғланаётган *эшитишимга қараганда* сўзшакли таъсирида вужудга келган замон умумий грамматик маъносига хос бўлмаган нокатегориал маъно ўзга (яъни синтактик) ҳодиса тажаллиси. Маълум бўладики, нутқий парчадаги зотий ва тажаллий жиҳатни ажратиш тамойили асосида иш юритиш грамматик шаклдаги категориал ва нокатегориал маънони фарқлаш, нутқдаги қоришиқ тажалли таъсирида туғиладиган алдамчи тасаввурдан узилиш имконини беради. Демак, грамматик шакл ўзи умумий грамматик маъносига мансуб категориал ва ёндош маънодан ташқари икки хил тажаллини нутқда воқелантиради: 1) бирга қўлланаётган бирликнинг таъсирида ҳосил бўлаётган маъно; 2) ўзига хос бўлмаган, аммо бирга қўлланаётган йўлдош бирликнинг таъсирида ҳам вужудга келмаган маъно. Биз бу маънони *ҳамроҳ маъно* атамаси билан номлашни маъқул кўрдик. Тилшуносликда *ҳамроҳ маъно* атамаси қўлланган бўлиб, у кўп ҳолда грамматик категориянинг “нокатегориал” маъноси атамасига муқобил равишда ишлатилган.² *Ҳамроҳ маъно*, аввало, нутқий тажалли бўлиб,

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1980. –Б. 254.

² Нурмонов А. Гап ҳақида синтактик назариялар. –Т.: Фан, 1982. –Б. 146.

эмпирик ёндашувда у ўзига хос бўлмаган шаклга хос қилиб қўйилган. Шу боисдан, бу босқичда грамматик шаклнинг маъноси беҳад “кўпайтириб” юборилган. Бир қарашда маълум бир шаклга хос туюлган, аслида бошқа моҳиятга мансуб бўлган бундай нутқий тажалли грамматик иллюзия (алдаш)ни вужудга келтиради. Демак, грамматик шаклда икки хил ўзга ҳодиса тажаллиси фарқланади: а) лисоний тажалли маъно; б) нутқий тажалли маъно.

Лисоний тажалли маъно грамматик шакл умумий грамматик маъносидаги ёндош маъно бўлиб, у категориал маъно билан диалектик яхлитлик касб этади. Бу тажаллисиз грамматик шакл умумий грамматик маъносидаги категориал маънони воқелантира олмайди. нутқий тажалли сифатидаги ҳамроҳ маъно эса грамматик шакл умумий грамматик маъносига дахлдор бўлмай, соф нутқий ҳодиса. Ҳамроҳ маъно категориал маъно билан диалектик боғланмаган ва унинг нутққа чиқиши умумий грамматик маъно томонидан белгиланмаган. У юзага чиқиши ҳам, чиқмаслиги ҳам мумкин.

Ёндош ва ҳамроҳ маъно муносабатини қуйидагича бериш мумкин:

лисоний – нутқий

барқарор – ўткинчи

Умумий грамматик маънога дахлдор – умумий грамматик маънога дахлсиз

ижтимоий – индивидуал

Бир шакл учун ёндош бўлган маъно турли бошқа ҳодиса учун ҳамроҳ, бир шакл учун ҳамроҳ бўлган маъно бошқаси учун ёндош маъно сифатида юзага чиқиши мумкин. Масалан, “ҳурмат” маъноси II шахс кўплик эгалик шакли учун, «сенсираш» маъноси эса II шахс бирлик шакли учун ёндош маъно бўлса, “ҳурмат” маъноси сон категориясининг *-лар* шакли, эгалик категориясининг III шахс кўплик шакли учун ҳамроҳ маъно ҳисобланади. Ёндош маъно нисбатан ҳамроҳ маъно, нутқий тажалли бўлганлиги туфайли, беҳад ранг-баранглик ва зиддиятлилик билан ажралиб туради.

Ҳамроҳ маъно ҳам ёндош маъно каби ўз илдизи ва асосига кўра фарқланади. Чунки у ҳам, айтилганидек, грамматик шакл учун ўзга ҳодиса тажаллиси. Ўзга ҳодиса эса, маълумки, шакл умумий грамматик маъносига хос бўлган ҳар қандай лисоний, қолаверса, нолисоний

мавжудлик. Ҳамроҳ маънони, ёндош маънода бўлгани каби, морфологик, луғавий, синтактик, услубий ҳамда қоришиқ асосли турга ажратишни маъқул кўрдик. Биз грамматик шаклдаги нутқий тажалли маъно икки хил бўлиб, биринчиси грамматик шаклда ифодаланаётгандек туюлувчи, аслида ёндош бирликка хос маънони грамматик иллюзия санаб, уни тадқиқ манбаимиздан четда қолдирганимизни, таҳлилга фақат иккинчи тур, яъни биз текшираётган грамматик шакл маълум бир нутқ шароити ва вазиятидагина ифодаланиши ўз зиммасига олган маънони топганимизни яна бир бор таъкидлашни ўринли деб биламиз.

Морфологик ҳамроҳ маъно. Морфологик ҳамроҳ маъно орасида яна фарқловчи чизик ўтказиш мумкин. грамматик шаклдаги айрим ҳамроҳ маъно морфологик категория доирасида бўлса, айрими грамматик шакл мансуб грамматик категорияга хос бўлади. Бу маъно грамматик шакл умумий грамматик маъносига мансуб бўлса-да, лекин у буни ифодалашга хосланмаган бўлади, нутқ вазиятидан келиб чиқиб, баъзан бу масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин. Қиёсланг: 1. *Ақллари борми?* – *укасига истехзоли кулди Салим*. 2. *У кишининг фикрлари бизга маъқул* Биринчи гапда *ақллари* сўзшаклидаги *-лари* эгалик шакли “кесатиш” маъноси ҳам (аслида *ақлинг*), шунингдек, шаклдан II шахс, бирлик маъноси ҳам англашилмоқда. Кесатиш, умуман, эгалик категорияси умумий грамматик маъносига дахлдор эмас. Лекин “II шахс бирлик” маъноси категориянинг *-(и)нг* шаклига хос категориал маъно бўлиб, *-лари* шакли бу маънони ифодалаш учун хосланганлик ва унга вақтинча “ёпишган” тажалли ҳисобланади. Унинг бундай хусусиятга эгаллиги ушбу “ноқулай” ифодаловчи билан нутққа чиқиши учун зарур нутқий шароит, боғлиқ қуршов талаб қилаётганлиги билан ҳам белгиланади. Зеро, гапдан “укасига истехзоли кулди Салим” муаллиф гапи олиб ташланса, *-лари* шаклидан англашилаётган ушбу ҳамроҳ маъно уқилмай қолади. Сон категорияси кўплик шакли *-лар* учун “бирлик”, нисбат категорияси аниқ нисбат шакли учун “ўзлик”, майл категорияси буйруқ-истак майли *-син* шакли учун “шарт” ва ҳоказо маънодан саналади. Сон категорияси O шакли орқали ифодаланадиган “биргалик” (нисбат умумий грамматик маъносига хос) ўзгаловчи категориясидаги тарз-тус (ҳаракат тарзи), тасдиқ-инкор (кесимлик категорияси), замон (замон категорияси), замондаги истак, шарт

маъноси умуман бошқа морфологик категорияга хос ҳамроҳ маъно ҳисобланади.

Лексик ҳамроҳ маъно. Лексик ҳамроҳ маънонинг илдизини лексик сатҳдан қидириш лозим. Лексик ҳамроҳ маънони маълум бир муайян лексик семемасининг грамматик маъно сифатида жузъийлашуви сифатида қараш маъқул эмас. У маълум бир лексик гуруҳга, сўз туркуми умумий маъносига хос нутқий тажалли ҳисобланади. Сон категориясининг *-лар* кўплик шакли айрим ҳолда предметнинг ноаниқ кўплигини ифодалаш билан биргаликда унинг хилма–хиллиги, турли–туманлиги маъносини ҳам ифодалайди. Масалан: 1. *Ота–она, ошина–оғайниларни соғиниб, юрак-бағримиз қон эзилиб юраверайлик.* (Ж.Абдуллахонов). 2. – *Ҳаммаси бўлади, – деди у ўзига, – боғлар ҳам, гуллар ҳам, тўй –томошалар ҳам.* (Ж.Абдуллахонов) “Бу ерда *ошина –оғайнилар* – “кўп ва ҳар хил” ошна-оғайни, *тўй-у – томошалар* – “кўп ва ҳар хил” тўй–томоша. Ўзбек тилида бу маъно ҳар хил бирликдан *турли, турли-туман, хилма-хил, ранг-баранг, турфа* каби лексик бирликдан иборат луғавий-маъновий гуруҳнинг умумий архисемаси. Шу боисдан, *-лар* кўплик шаклидаги мазкур ҳамроҳ маънони лексик моҳиятнинг сон категорияси воқеланишидаги тажаллиси дейишга асос етарли.

Қоришиқ асосли ҳамроҳ маъно. Қоришиқ асосли ҳамроҳ маънонинг илдизини бир сатҳдан қидириб бўлмайди. Масалан, сон–категориясидаги аниқлик, шахс, тахмин, ҳурмат, нисбат шаклидаги ўхшатиш, майл категориясидаги истак каби маъно бир сатҳагина мансуб асосга эга бўлмасдан, уни барча сатҳда ўз бирлиги мавжуд функционал-семантик майдондан излаш лозим бўлади.

Келишиқ категорияси шаклидаги сабаб, мақсад, қиёс, белги, тенглик, сон категорияси шаклига хос жуфтлик, қуршов, нисбат шаклидаги галмагал бажариш, ўрин-жой алмаштириш маъноси ана шу маъно сирасига мансуб.

Умумий омилнинг таъсири натижасида шаклда “кучайтирув” (-лар кўплик сон шакли) “кесатиқ” (эгаллик категорияси I, II, III шахс кўплик шакл) майл категориясидаги турли хил услубий маъно вужудга келади.

2-§. Грамматик категория таснифи

Грамматик категория ва грамматик шакл масаласи ҳар доим грамматиканинг долзарб ва муаммоли масаласи бўлиб келган. «категория» асли фалсафий термин бўлиб, манбаларда «...объектив борлиқ ва билишдаги моҳиятан кўпроқ қонуний алоқа ва муносабатни акс эттирувчи умумий тушунча» деб изоҳланади. Фалсафада ҳам, тилшунослиқда ҳам категория бир хил нарсани атайди, яъни категория учун жуфтлик ва яккалик бўлиши шарт ва зарур. Фалсафада жуфтликни сабаб-натига, моҳият-ҳодиса, бутун-қисм; яккаликни борлиқ, миқдор, макон ташкил этса, тилшунослиқда категория атамаси остида қатъий зидланган ва ўзига хусусий белгига эга бўлган шакл тизими бирлаштирилади. Демак, грамматик категория деганда муайян маъно умумийлиги асосида бирлашган ва ўзаро зидланувчи шакл системаси тушунилади. Грамматик категория шаклнинг оддий арифметик йиғиндиси эмас, балки маълум турдаги шаклнинг барқарор муносабати тизмасидан иборат бўлган янги бир бутунлик.

Айни пайтда ўзбек тилшунослигида қуйидаги грамматик категория ажратилади:

1. Эгалик категорияси
2. Келишиқ категорияси
3. Сон категорияси
4. Нисбат категорияси
5. Замон категорияси
6. Майл категорияси
7. Шахс-сон категорияси
8. Даража категорияси
9. Бўлишли-бўлишсизлик категорияси
10. Ҳаракат тарзи категорияси
11. Ўзгаловчи (фёълнинг хосланган шакли) категорияси.

Грамматик категорияни таснифлашда у ўз остида бирлаштирган грамматик шаклнинг семантик, морфологик, синтактик табиатига асосланилади. Грамматик шакл таснифи нафақат тилшунослиқ, жумладан, ўрта ва олий таълим грамматик тизимининг муҳим тушунчасидан бири

бўлганлиги сабабли, ҳамма даврнинг долзарб мавзуси бўлиб келган. Ўтган давр мобайнида ўзбек тили морфологик кўрсаткичининг таснифи яратилди, аммо хулоса аввалига араб, кейинчалик рус тили грамматик меъёрига асосланган ҳолда бериб келинди. Ўзбек тилида морфологик кўшимчага нисбатан форма ҳосил қилувчи деб қаралиб, у иккига – сўз ўзгартирувчи ва шакл ҳосил қилувчига бўлинарди. Сўз ўзгартирувчи сифатида сўзни бир-бири билан боғлаш вазифасини бажарувчи эгалик, келишик ва шахс-сон кўшимчаси ажратилса, шакл ҳосил қилувчига сўз маъносига бироз таъсир этадиган, аммо янги маъноли сўз ҳосил қилмайдиган деб таърифланадиган кўрсаткич киритиларди. Диққат қилинса, бу кўшимчанинг бири синтактик вазифа билан, иккинчиси луғавий маъно билан боғлиқ.

Сўз ўзгартирувчи, форма ясовчи атамаси ўзбек тилшунослигига ички флексияга асосланган рус тили грамматик меъёри асосида кириб келган бўлиб, ўзбек тилининг туркона табиатини ёритиб бермас, танланган атама ва тушунча ўртасида номувофиқлик мавжуд эди. Аниқроғи, сўз ўзгартирувчи ва шакл ясовчи сифатида ажратилган морфологик восита ўзбек тилида сўз шаклига ҳеч қандай ўзгартириш ёки яшаш даражасида таъсир этмайди. Бу шаклнинг бири сўз луғавий маъносига бироз таъсир этиши билан, иккинчиси сўзга синтактик имконият (боғлаш, бириктирувчанлик, муайян вазифада келиш) бериши билангина характерланади.

Ўзбек тилшунослиги 50–90- йилларда сўз шакли, сўз шакл, сўз формаси каби атамалардан фойдаланиб келди¹. Луғавий шакл атамаси истиқлолдан кейин амалиётга киритилиб, кўп ҳолда сўз формаси ёки сўз шакли каби анъанавий атаманинг янги кўриниши сифатида қабул қилинди. Аслида эса бу икки давр атамаси ўртасида жиддий фарқ мавжуд.

Сўз формаси тушунчаси ўзбек тилшунослигига XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб кириб кела бошлаган. Бунда Европа тилшунослиги ва

¹Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас.мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972. –610 б. –Б. 66–67; Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Олий ўқув юрталари учун. 3-нашри. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –399 б.; Усмонов С. Морфологические особенности слова в современном узбекском языке: автореф. дисс. док. филол. наук. –Т., 1964. –50 с.; Ғуломов А. Ўзбек тили морфологиясига кириш. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. –Т.: Фан, 1953. –28 б.

ўзбек (сарт, чиғатой) тили бўйича европаликлар томонидан яратилган дарслик туртки бўлган¹. Араб тилшунослиги ички флексияга эга араб тили қоидаси асосида иш тутганлиги сабабли², бу асосда туркий тилларнинг агглютинатив табиатини тўғри баҳолаб бўлмас ва мазкур дарсликларда сўзнинг ўзагига тизилиб келувчи кўшимча (у араб тили юкламаси - (харфи)га ўхшаш бўлганлиги сабабли) ҳарф деб баҳоланар эди. Ҳатто туркийшунос Маҳмуд Қошғарий ҳам *-ган*, *-дан*, *-гани*, *-га* каби кўшимчани ҳарф деб баҳолаган. Ўрта аср тилшуносидан Мирзо Маҳдихон ҳам туркча кўшимчага ҳарф сифатида қарайди ва бир сўзнинг турли шаклини парадигма - қаторга бирлаштирмайди.

Сўз шакли ва унинг парадигмасини ажратиш Н.Остроумов, Г.Вамбери ва бошқа тадқиқотидан бошланади. Е.Д.Поливанов асари³, хусусан, А.Фитратнинг «Сарф» ва «Наҳв» дарслигидан кейин сўз шакли тушунчаси ўзбек тилшунослигида оммалаша бошлади.

Бу даврда сўз шакли деганда ўзакка кўшилиб келган ҳар қандай кўшимча тушунилиб, *китоблар* ҳам, *китобча* ҳам, *ёздик* ҳам, *ёзди* ҳам сўзнинг шакли деб талқин этилади. 40-йилларда, юқорида айтилганидек, С.Барҳударов дарслиги намунаси асосида янги турдаги ўзбек тили дарслиги яратила бошлагач, ўзбек тилшунослигига Ф.Ф.Фортунатов асос солган Москва лингвистик мактабининг форма яшаш, сўз ўзгартириш⁴, форма ясовчи кўшимча, сўз ўзгартирувчи кўшимча ва негиз атамаси кириб кела бошлади. 70- йилларга қадар мактаб грамматикасида форма ясовчи ва сўз ўзгартирувчи кўшимча фарқланмай, барчаси сўз формаси деб атаб келинди. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, олий мактаб дарслигида ва морфология бўйича илмий тадқиқотда форма яшаш ва сўз ўзгартиришни фарқлаш 50-йиллардаёқ бошланган бўлиб, мисол тариқасида 1965 йилда нашр этилган У.Турсунов, Ж.Мухторов ва Ш.Раҳматуллаевнинг «Ҳозирги

¹Vamberu H. Das Dschagotaischi Spach studiev. 1869.; Остроумов Н. Этимология сартовского языка. –Т., 1910.

²Звегинцев В.А. История арабского языкознания. Краткий очерк. –М., 1958. –80 с.; История лингвистический учений Средневекового Востока. От ред. А.В. Гесницкая. –М.; -Л.: Наука, 1977.

³Поливанов Е.Д. Краткая грамматика узбекского языка. –Т., –М.: Туркпечат, 1926. –124 с. С. 80–81.

⁴Фортунатов Ф.Ф. Сравнительное языкознание. Общей курс // Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Т. I. –М.: Наука, 1957. -160 с.

ўзбек адабий тили» қўлланмасидан қуйидаги жумлани келтириш мумкин: «...аффикс маъно ва вазифасига қараб 3 хил бўлади: сўз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартирувчи»¹. Форма ясовчига қуйидагича таъриф берилади. «Сўзнинг лексик маъносини ўзгартирмай, унга ҳар хил семантик-грамматик оттенка, қўшимча маъно киритадиган аффикс форма ясовчи аффикс дейилади. Форма ясовчи янги сўз ясамайди, шу билан бирга, сўзнинг ўзаро муносабатини кўрсатиш учун ҳам хизмат қилмайди»². Сўз ўзгартириш эса: «Грамматик маъно ифодалаб, ўзи қўшилиб келган сўзнинг бошқа сўз билан муносабатини билдирадиган аффикс сўз ўзгартирувчи аффикс дейилади. Сўз ўзгартирувчи аффикс турловчи ва тусловчи аффиксга бўлинади» деб таърифланади. Шу билан ўзбек тилшунослигида форма яшаш (resp. форма ясовчи қўшимча) ва сўз ўзгартириш (resp. сўз ўзгартирувчи қўшимча) тушунчаси мустақкам ўрнашди. 70-йиллардан кейин «мактабни фан билан боғлаш», «фан янгилигини мактабга киритиш» шиори остида она тили таълимига дастлаб сўз ўзгартирувчи қўшимча киритилиб, у турловчи ва тусловчи билан чегараланди. Форма ясовчи эса шарҳланмади. Кейинчалик «форма яшаш» тушунчаси ҳам мактаб дастуридан жой олди.

Ўзбек тили академик грамматикасида форма яшаш ва сўз ўзгартирувчи қўшимча қуйидагича умумлаштирилади: «Форма ясовчи аффикс янги сўз ҳосил қилмайди, маънони кескин равишда бошқа қилиб юбормайди, балки ҳар хил оттенка орттиради, модификация қилади. Ясовчи лексик маъно билан боғланса, у грамматик маънога эга бўлади. Бу кичрайтириш, эркалалаш, чегаралалаш, камлик, ошириш, қўпайтириш, гумон, тахмин, эмоционаллик кабини билдириш - асосий маънога шуни қўшиш билан характерланади. Бу орттирган қўшимча маъно ясовчи даражасидаги айрим маъно эмас. Англашиладики, форма ясовчи, сўз ўзгартирувчидан ҳам фарқланади: лексик маънога қўшимча оттенка бериш, синтактик характерга эга эмаслик, парадигма ҳосил қилмаслик ва бошқа. Форма ясовчи аффикс: от туркумида (кенг маънода); кичрайтириш, эркалалаш,

¹Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. Лексикология. -Т.: Ўқитувчи, 1965. -180 б., -Б. 5.

²Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. Лексикология. -Т.: Ўқитувчи, 1965. -180 б., -Б. 6.

ачиниш, камайтириш, тахмин, гумон каби маъно билдирадиган аффикс (*қизча, бўталоқ, қўзичоқ, онажон, болагина, семизроқ, оқиш, қорамтир, қисқача ва б.*); даги (олмошда ҳам) кўплик кўрсаткичи (*болаларни, нималарни*), соннинг турли кўринишини ҳосил қиладиган аффикс (*-та, -инчи, -ала, -ча, -тача*), гумон олмоши ҳосил қилувчи –дир (кимдир, нимадир) аффикси, феъл туркумида; бўлишсизлик кўрсаткичи –*ма*, феълнинг «кенгайтирувчи» - интенсивлик билдирувчи, кучайтирувчи, вид-тус, ҳаракатнинг такрорланиши, узоқ давом этиши ва кучсизланишини билдирадиган аффикси (*-қи, -қа, -ги, -ги, -ла, -инқира, -и, -а кабилар; бур – бура, чай – чайқа, тўз – тўзги, қўзи – қўзга, юл – юлқи, теп – тепкила, оқарди – оқаринқиради, кулди – кулимсиради ва бошқа. Қиёсланг; терлади – терчилади, терди – термачалади*); буйруқ-истак майлининг «кучайтирувчиси» (*-гил, -ин; -боргил, -билайин*), замон, майл кўрсаткичи; феъл функционал формасини ҳосил қилувчи аффикс (сифатдош, равишдош, ҳаракат номи) даража кўрсаткичи, тақлид сўзнинг кенгайган формасини ҳосил қиладиган *-ир* каби аффикс ҳам форма ясовчига киради: *тақ-туқ, тақир-туқир*).

Сўз ўзгартирувчи аффикс сўзни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. У эгалик, келишик, феълдаги шахс ва сон кўрсаткичи.

Сўз ўзгартирувчининг маъноси соф грамматик характерда. Форма ясовчи билан сўз ўзгартирувчининг иккаласи ҳам фақат бир туркум доирасида бўлади»¹

Шу билан ўзбек тилшунослигида форма яшаш ва сўз ўзгартириш катъий ажратилди ва шундай изчилликда ўрганиб ва ўргатиб борилди.

Форма яшаш ва сўз ўзгартириш ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳодиса эмас. Ҳар икки тушунча ҳам табиатан флектив бўлган рус тили меъёри асосида ишлаб чиқилган. Чунки флектив тилда «окончание» (тугалланма) мавжуд бўлиб, у сўзнинг маълум бир шаклига қўшилади. Сўз ўзгартирувчи кўшимча сифатида фақат «окончание» танланади, ундан бошқа кўшимча форма ясовчи сирасига киритилади. Масалан:

Они узнали

Она узнала

Они узнавали


Она узнавала

¹Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мах.мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972. –610 б. –Б. 83.

Бу икки феълда *-л* ўтган замон формасини ясайди, *-и*, *-а* «окончание»си эса бу формани сон ва род бўйича ўзгартиради. Ўзбек тилига «окончание» хос эмас ва сўзга рус тили учун хос бўлган ва основа деб аталадиган «окончание»сиз қисм ҳам аҳамиятсиз. Шунинг учун форма ясалиши ва сўз ўзгартиришни ажратишга кескин зарурат йўқ. Лекин ўзбек тилида ҳам ўзакка қўшиладиган қўшимчани сўз ясовчи ва сўзнинг айрим шаклини ясовчига ажратиш хос. Бу ўринда сўз ясовчининг сўзнинг ҳар хил шаклини ясовчи қўшимчадан фарқи хусусида тўхталинмайди. Фақат шуни айтиш мумкинки, сўз ясовчи қўшимча сўз маъносини тамоман ўзгартиради. Масалан, *китоб-китобхон*. Сўз шаклини ясовчи қўшимчанинг эса сўз маъносига таъсир этадигани ҳам, таъсир этмайдигани ҳам бор. Кўринадики, айрим шакл сўзнинг нутқий боғланишини таъминласа, баъзиси унинг бирикувчанлик имкониятига таъсир қилади. Демак, у дастлаб «луғавий маънога таъсир қилиш», «синтактик алоқани таъминлаш» белгиси асосида мутаносиб зиддиятда турувчи икки гуруҳга ажралади.

Луғавий шакл ясовчи сифатида сўз маъносини қисман ўзгартирувчи, аниқлаштирувчи, муайянлаштирувчи қўшимча ажратилади. Масалан, *китоб* сўзида бирлик маъноси ҳам (*Бу китоб жуда қизиқарли*), кўплик маъноси ҳам (*Дўконга китоб келди*) мужассамланган. Нутқ шароити, матн, контекст *китоб* сўзида бирлик ёки кўплик маъноси воқеланишини ажратиб беради. Шу сўзга *-лар* кўплик қўшимчаси қўшилса, у *китоб* сўзида мужассамланган кўплик маъносини бирлик маъносидан чегаралайди, яъни луғавий маънони муайянлаштиради - торайтиради. Шунинг учун *китоблар* [*китоб*] лексемасининг бир луғавий шакли сифатида воқеланади. *Китоб-китобча* сўзида ҳам шу ҳолатни кўрамиз. *Китоб* сўзида катта маъноси ҳам (*минг саҳифали китоб*), кичик маъноси ҳам (*10–15 саҳифадаги китоб*) мавжуд. *Китобча* сўзида эса шу икки луғавий маънодан бири иккинчисидан чегараланган. Худди шундай феълда нисбат, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи, шунингдек, ҳаракат тарзи шакли ҳам феълнинг луғавий маъносида мужассамланган белгини у ёки бу даражада муайянлаштиради. Масалан, *ёзмоқ* феълида ҳаракат бажарувчиси бу ҳаракатни бировнинг илтимоси ёки тазйиқи билан

бажарганлиги ёки бажармаслиги маъноси йўқ. *Комилжон хатни ёзди* гапиди олиб кўрайлик. У қуйидаги бирикмада кела олиши мумкин:



Лекин *Мен хатни ёздирдим* гапида ҳаракат, яъни, *ёзиш* кимнингдир сабабчилиги натижасида содир бўлгани англашилиб турибди. Демак, орттирма нисбат шакли феъл ифодалаган ҳаракат кимнингдир таъсири остида бажаришини ифодалаб, феълнинг луғавий маъносини муайянлаштириб келади. Шунингдек, муайянлаштириш лексик воситалар билан ҳам амалга оширилиши мумкин эди. Масалан: *Онаси Салимжонга уйни сунуртирди*. Бу мазмунни қуйидаги гап билан ҳам бериш мумкин. *Онасининг илтимосига кўра / гапига кўра/таъйиқи остида/ сабабчилигида/ ундаши билан Салимжон уйни сунуртирди*.

Луғавий шакл ҳамisha сўзнинг луғавий маъносига таъсир этади, шунинг учун жаҳон тилшунослигида луғавий шакл сифатида ажратилган сон, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, соннинг, олмошнинг маъновий тури, сифат даражаси сўз ясалиши ва форма ясалиши орасидаги мунозара бўлиб келмоқда.

Нисбат шакли, тартиб сон, нинг кичрайтириш шакли, шунингдек, сифат даражасининг сўз ўзгартириш ва сўз ясашга муносабати тилшуносликнинг азалий муаммосидан бири. Бу масалани ҳеч қачон узил-кесил ҳал этиб бўлмайди. Том моҳияти билан луғавий шакл тилшуносликнинг сўз ясалиши ва сўз ўзгартириш тизими орасидаги оралик учинчидир¹

Маълумки, сўзнинг маъновий жиҳатида юз берган ўзгариш унинг синтактик табиатига ҳам таъсир қилади. Зеро, тилшунос В.Г.Гак таъкидлаганидек, «Синтаксис қанчалик семантик табиатга эга бўлса, семантика ҳам шунчалик синтактикдир»². Морфологик шакл лексеманинг бирикувчанлик имкониятини кенгайтириш ёки торайтириш қобилиятига

¹Нигматов Х.Г. Включенное третье в морфологической системе тюркских языков// Сов.тюркология. 1976. -№ 3. –С. 31–36.

²Гак В.Г. К проблемы семантической синтакматики // Проблемы структурной лингвистики. – М. 1972. –С. 367.

эга. Масалан, кўплик кўшимчаси *-лар*, кичрайтириш шакли *-ча* сўзга кўшилар экан, бу сўз мазкур шакл маъносига номувофиқ сўз билан бирикиш имкониятини юзага чиқара олмайди. Уй лексемаси аниқ миқдор ифодаловчи, *китоб* лексемаси ҳажман меъёрдан ортиқлик маъносини ифодаловчи сўз билан ҳам бирикаверса, *уйлар*, *китобча* сўзида бу имконият юзага чиқмайди. Луғавий маънодаги бу ўзгариш сўз таркибидаги грамматик шакл эвазига юз беради. *Китобни*, *китобим*, *ўқидим* сўзшаклидаги морфологик шакл бу хусусиятдан холи бўлиб, у сўзнинг синтактик алоқаси учун восита вазифасини ўташга хосланган.

Синтактик шакл ҳосил қилувчи сўз луғавий маъносига таъсир этмай, сўзни бир-бири билан боғлашга ёки унга маълум синтактик вазифа беришга хизмат қилади. Анъанавий таърифдан фарқланиб, алоқа-муносабат (синтактик) шаклининг қўлланиши луғавий шаклдек маълум сўз туркуми билан чегараланмайди, яъни бу шакл истаган мустақил сўз туркумига мансуб сўзга кўшилиб, уни ўзидан кейин ёки олдин келган сўз билан алоқасини таъминлайди: *қорасини олмоқ*, *қизили ёқади*, *келганимни ёқтирмади*, *ўқини яхши эмас*, *шундайидан бер*, *кўтини ўтказди* ва х.

Синтактик шаклдан келишик шакли тобелантирувчи, яъни, бир сўзнинг иккинчи сўзга тобеланиб келишини ифодаловчи шакл, эгалик шакли эса ҳоким сўз шакли сифатида баҳоланади. *Лоланинг китоби* бирикмасида эгалик кўшимчаси *китоб* сўзининг *Лола* сўзи билан бирикишига имконият яратади. Натижада эгалик ва келишик шаклининг қарама-қарши йўналтирилган (тобелантирувчи - тобени талаб қилувчи) синтактик имконияти ўзаро уйғунлашади¹. Келишик шаклида маълум бир синтактик вазифа учун хосланганлик ҳам ажратилади. Яъни:

Б.к. - гапнинг эгаси шакли

Қ.к. - қаратқичли аниқловчи

Т.к. - воситасиз тўлдирувчи

Ж.к.

Ч.к. } - воситали тўлдирувчи ёки ҳол

Ў.-п.к.

¹ Назарова С.Н. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари: филол. фан. номз. дисс. автореф. –Т., 1997, –21 б. –Б. 9.

Яқингача форма ясовчи деб қаралувчи майл ва замон шакли ҳам синтактик шакл сифатида баҳоланади. Бунинг сабаби шундаки, майл ва замон шакли бўлишли-бўлишсизлик, шахс-сон шакли билан биргаликда гапнинг кесимига хос бўлиб, шу мавқеда қандай сўз келишидан қатъи назар, бу категория маъноси воқеланади. Масалан: *Мен талабаман* гапида ҳам, *талабаман* сўз шакли кесимлик шаклидир, бўлишли (бўлишсизи – талаба эмасман), аниқлик майли (шарт майли – *талаба бўлсам*), ҳозиргикеласи замон (ўтган замонда – *талаба эдим*), I шахс (II шахсда – *талабасан*), бирлик сонда(кўплик сонда – *талабамиз*) шаклида. Кесими феъл билан ифодаланган *Мен ёзаман* гапи ҳам юқорида санаб ўтилган шаклда ўзгаради.

Кўриниб турибдики, гапнинг кесими феъл ёки от билан ифодаланганидан қатъи назар, бўлишли-бўлишсизлик, майл, замон, шахс-сон маъно ва шакли кесим таркибида бўлади. Шу сабабли, янги дастур ва дарсликда алоҳида кесимлик категорияси ажратилиб, майл, замон, шахс-сон шакли феъл шакли тизимидан чиқарилди ва кесимлик категорияси тизимига бирлаштирилди. Бундай тасниф атоқли тилшунос академик И.И. Мещаниновнинг «феъл феъл бўлгани учун эмас, гапда кесим бўлиб келгани учунгина тусланади»¹ деган фикрига асосланиб амалга оширилган.

Морфологик шакл бўйича замонавий ўзбек тилшунослигининг сўнгги ютуғи асосида амалга оширилган муҳим тадқиқот сифатида Б.Менглиев, Ш.Шаҳобиддинова ва Б.Баҳриддинова ишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ш.Шаҳобиддинова грамматик шаклнинг эмпирик таҳлил усули асосида ўрганилган ва бевосита кузатишда берилган хусусий грамматик маъносини босқичли мавҳумлаштириш асосида умумлаштириш йўли билан умумий грамматик маъносини тиклаш усулини тавсия этди ва сон категорияси шакли мисолида уни амалда синаб, ҳар шакл ва категория умумий грамматик маъноси зиддиятли иккиланган, яъни маъновий ва синтактик жиҳатнинг диалектик бутунлигидан иборат эканлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди². Б.Менглиев эса диалектик зиддиятли моҳияти асосида

¹ Мещанинов И.И. Глагол. –М., - Л.: Изд. АН СССР, 1949. - 199 с. –С.123.

² Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини ҳақида;филол.фан.номз...дисс. –Самарқанд, 1993. –152 б.

тилшуносликдаги шаклнинг синтактик-носинтактиклик белгиси асосида бўлиниши, ҳамда ҳар бир морфологик шакл маъновий жиҳати билан бирга синтактик имкониятга ҳам эгаллигини илмий асослади. Бунда тадқиқотчи синтактик хусусият тушунчасини анъанадагидан кенгроқ, лексеманинг валентлик имкониятига таъсир қилиши, мустақил содда гапнинг биринкетинлик муносабатини ифодалаш даражасига кенгайтди¹ ва бундай қарашини кейинги тадқиқотида тўла асослаб берди. Б.Баҳриддинова унинг ишини давом эттириб грамматик шаклнинг барчаси семантик табиат ва синтактик имкониятга эгаллиги, унинг айримида луғавий маънони модификациялаш, айримида гап қурилишида иштирок этиш хусусияти моҳиятни белгилаш даражасида бўлиши, айримида эса ҳар икки жиҳат муштараклигини илгари суриб, ўз фикрини сифатдош, равишдош, ҳаракат номи шакли мисолида исботлаб, ўзбек тили грамматик шаклини уч гуруҳга – луғавий шакл, синтактик шакл, луғавий-синтактик шаклга бўлиб таснифлаш мақсадга мувофиқлигини асослаб берди²

Шакл ясовчи, луғавий шакл деб юритиб келинган ўзгаловчи категорияси шакли – равишдош, сифатдош ва ҳаракат номининг ўзига хос мураккаб табиати на луғавий шаклга, на синтактик шаклга берилган таърифга мос келади. Сабаби мазкур шакл сўз луғавий маъносини муайянлаштириш билан бирга, феълни ўзидан кейин келган от ёки феълга тобелантириб боғлаш ва шу асосда унинг гапдаги мавқеига ҳам кучли таъсир этиш хусусиятига эга. Кейинги тадқиқотларда³ мазкур шакл хусусида гап кетганда «феъл келишиги» терминининг ишлатилиши ҳам бежиз эмас. Луғавий маънони муайянлаштириши, аниқлаштириши ва фақат феълга хослиги равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шаклини синтактик шакл сифатида баҳолашга, феълни ўзидан кейинги сўзга тобелаб боғлаши ва гапдаги функциясини белгилаши луғавий шакл

¹Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва синтактик имкониятлари: филол. фан. номз...дисс. – Бухоро, 1995, –144 б.

²Баҳриддинова Б.М. Феъл луғавий шакли тизими (тур категорияси): филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 2002. –146 б. Баҳриддинова Б. Ҳозирги ўзбек тили (Кўшимчалар таснифи юзасидан материаллар). –Қарши: Насаф, 2004. 92 б.

³Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва синтактик имкониятлари: филол. фан. номз. дисс. – Бухоро, 1994. –146 б.

сифатида баҳолашга тўсиқ бўлади. Демак, мазкур шакл ўзида ҳам луғавий, ҳам синтактик шакллик моҳиятини мужассамлаштирган. Масалан: *кулган бола, айтар гап, кулиб гапирмоқ, ўқигач билмоқ* бирикувида сифатдош шакли феълни отга тобелантириб боғляпти ва шу билан бирга феълдаги ҳаракат семасини кучсизлантириб, белги маъноси билан нутққа олиб кирапти. Худди шунингдек, равишдош шакли ҳам феълни ўзидан кейинги феълга тобелантириб боғлаб, ҳаракат семасини кучсизлантирган ҳолда ҳолат, пайт, сабаб маъноси билан нутққа воқелантиряпти.

Равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакли тизимини кузатиш шуни кўрсатдики, мазкур шаклдаги луғавий ва синтактик имконият бирдек мутаносибликда эмас. Шаклнинг луғавий маънога таъсири кучайиши билан унда синтактик қобилият (турлаш) кучсизланиб боради. Равишдош шаклида феълни феълга тобелантириш имкони кучли, бироқ аташ семасига таъсир нисбатан кучсиз. Сифатдош ҳар икки жиҳатнинг бирлиги билан «оралиқ учинчи» мақомига эга бўлади. Ҳаракат номи шаклида аташ семасига таъсир анча жиддий, айрим ўринда у от ясалиши сифатида қаралади, аммо феълни бошқа сўз билан алоқага киритиш имконияти тамоман сўниб боради. Семантика, хусусан, сўз семантикаси бўйича қўлга киритилган ютуқ бевосита яхлит система сифатида амал қилувчи тилнинг узвий қисми бўлган морфологик шакл талқини бўйича ҳам муайян вазифани адо этишни зарур қилиб қўймоқда. Луғавий шакл ҳосил қилувчи сифатида талқин этилган ўзгаловчи категорияси шакли, юқорида таъкидланганидек, ўзига хос мураккаб табиатга эга бўлиб, унинг серқирра моҳияти луғавий шаклга ҳам, синтактик шаклга ҳам берилган таърифни гўё чигаллаштириб юборади. Чунки у ҳар икки сирага хос бўлган хусусиятни ўзида сақлайди ва шу хусусияти билан бу икки қарама-қарши сатҳ орасида туташиш – узлуксизлик мавжуд эканини исботлайди.

Туркий тилнинг миллий табиатидан келиб чиққан ҳолда, ўзбек тили грамматик шаклини учга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Луғавий шакл ҳосил қилувчи – сўзнинг луғавий маъносини нутқ талабига мувофиқ равишда модификациялайдиган, сўзнинг аташ маъносига муайянлаштириш, торайтириш, аниқлаштириш даражасида таъсир этадиган қўшимча тури. даги кичрайтириш, сон, шахсий муносабат шакли; феълнинг нисбат, бўлишсизлик, ҳаракатнинг кучли, кучсиз

даражасини кўрсатувчи синтетик ҳаракат тарзи шакли; соннинг маъно турини ҳосил қилувчи, сифатнинг даража шаклини ясовчи бу гуруҳни ташкил этади. Луғавий шакл ҳосил қилувчи сўз туркумининг таснифловчи, яъни бир сўз туркумини бошқа сўз туркумидан ажратиб турувчи грамматик категория ҳисобланиб, унинг ишлатилиши ўзи мансуб туркум билан чегараланади: кичрайтириш отга, даража сифатга, нисбат феълга, дона, чама, тартиб сонга ва ҳ.

2. Синтактик шакл ҳосил қилувчи – лексеманинг муайян гап бўлаги бўлиб келишга хослайдиган ва синтактик алоқага киритиш вазифасини бажарадиган шакл. Келишиқ, эгалиқ, кесимлик шакли бу гуруҳни ташкил этади. Бу шаклнинг қўлланилиши бир туркум билан чегараланмайди, сўзнинг таснифий белгисига кирмайди. Қандай сўзга қўшилишига кўра синтактик шаклни иккига ажратиш мумкин:

1. Феълнинг муносабат шакли: замон, шахс-сон, майл шакли¹.

2. Исмнинг муносабат шакли: эгалиқ, келишиқ, исмни кесимга хословчи шакл².

Кесим вазифасида келган ҳар қандай сўз кесимлик шаклини (замон, шахс-сон, майл, боғлама вазифасидаги синтактик бирлик), эга, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи вазифасида келувчи ҳар қандай сўз эгалиқ, келишиқ шаклини қабул қилиши мумкин. Мазкур шакл том моҳияти билан синтактик табиатга эга бўлиб, эгалиқ ва келишиқ шакли сўз бирикмасини, кесимлик гап маркази – кесимни шакллантириш учун хизмат қилади.

3. Луғавий-синтактик шакл ҳосил қилувчи – лексеманинг ҳам луғавий маъносига таъсир қилади, ҳам унинг синтактик вазифасини белгилайди. Сифатдош, равишдош, ҳаракат номи шакли иккиёқлама табиати билан бу гуруҳдан ўрин эгаллайди ва оралиқ учинчи мақомига эга бўлади. Чунки мазкур шакл феълни феъл ёки отга тобелантириш билан бирга сўз луғавий маъносига ҳам сезиларли таъсир этади. Аниқроғи, унда луғавий шаклга хос белги ҳам, синтактик шаклга хос белги ҳам моҳиятни белгилаш

¹ Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Собиров ва б. Она тили. 6- синф учун дарелик. –Т.: 2005., 73–90- б.

² Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Собиров ва б. Она тили. 7- синф учун дарелик. –Т.: 2005., 36–54- б.

даражасида сезиларли бўлади. Ушбу шакл муайян тизим - категорияга бирлашади. Кўриб ўтилганидек, мазкур категория ва унинг қисми ниҳоятда кенг қиррали ва мураккаб табиатли бўлиб, унинг ҳар бир қирраси алоҳида таснифни талаб этади. Буни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Тузилишига кўра: ички парадигмага эга мураккаб категория (кесимлик) ва содда категория (нисбат, сон);

2. Семантик ва синтактик моҳиятига кўра: функционал морфологик (сон, даража) ва функционал-синтактик (кесимлик), морфологик-синтактик (ўзгаловчи) категория;

3. Лексеманинг қайси семасига таъсир этишига кўра: аташ семасига таъсир этувчи, вазифа семасига таъсир этувчи, ифода семасига таъсир этувчи, ҳам аташ ҳам вазифа семасига таъсир этувчи категория.

4. Фақат бир туркумга хослиги ёки бир неча сўз туркумига мансублигига кўра ва ҳ.

Саналган ичида энг муҳими категориянинг умумий моҳияти билан бевосита боғлиғи морфологик ва синтактик категорияга ажратиш.

Морфологик категория сўзнинг луғавий маъносига алоқадор бўлиб, сўз туркумининг таснифий белгиси ҳисобланади, бошқа туркумдан ажратиб туради ва қўлланилиши асосан шу туркум билан чегараланади: отда сон, феълда нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, ҳаракат тарзи, сифатда даража.

Синтактик категория моҳияти синтактик шакл моҳияти билан боғлиқ бўлиб, сўзнинг луғавий маъноси билан алоқадор бўлмайди, гап бўлаги вазифасида кела оладиган исталган сўз туркумига кўшилиб, гап қурилишида иштирок этади: эгалик, келишик, кесимлик (ички парадигмасини замон, майл, шахс-сон ташкил қилади).

Морфологик-синтактик категория ҳар икки гуруҳга кирувчи категория моҳиятини ўзида кучсиз даражада сақлайди. Бу - ўзгаловчи категорияси.

Таснифловчи категория

3- §. Сон категорияси

Сон категорияси тадқиқи тарихидан. Ўзбек тилида сон категорияси, унинг шакли, ҳар бир шаклнинг маъновий хусусияти, бириктиш имконияти, қўлланиши ҳақида А.Ғуломов, А.Ҳожиев, Ш.Раҳматуллаев, Ш.Шоабдурахмонов, Ё.Тожиев, С.Усмонов, Ғ.Зикриллаев, Ш.Шаҳобиддинова каби олимнинг ишини алоҳида қайд этиш лозим¹. Хусусан, анъанавий ўзбек тилшунослиги асосчисидан бири А.Ғуломовнинг замонавий ўзбек тилшунослигининг шаклланиш бўсағасида носинтактик морфологик категорияни тавсифлаш намунаси сифатида яратилган «Ўзбек тилида кўплик категорияси» асарининг қайта нашр эттирилиши ва оммалашини² ва А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари» силсиласидаги саккизинчи Мақ.аси³ сон шакли грамматик валентлигининг моҳиятини белгилашни анча енгиллаштиради.

Дастлаб ўзбек тилида сон категорияси, яъни бир неча (одатда, бирлик ва кўплик) шаклидан иборат парадигма мавжудми, деган муаммога муносабат билдириш зарур. Зеро, А.Ғуломов рисоласи, сарлавҳасидан кўриниб турганидек, сон категориясига эмас, кўплик категориясига бағишланган ва устоз от, олмош, феълда мавжуд шакл, мазмун ва вазифа жиҳатидан ўхшашлик ва фарққа эга бўлган кўплик шаклини алоҳида бир парадигмага – кўплик категориясига бирлаштиради. А.Ҳожиев сон шаклига бағишланган Мақ.асида ўзбек тилида бирлик сон шакли йўқ, деган ғояни илгари суради: “Шу боис «бирлик категорияси» бирикмаси қўлланган тақдирда ҳам у ҳақда (унинг «моҳияти» ҳақида) бирор асосли гап айтишнинг ўзи мумкин эмас. «Ўзбек тилида бирлик сон шакли кўплик шаклига зидланишда белгиланади» деган ва шу каби қуруқ гапдан нарига

¹ Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. –Т., 1944. –56 б.; Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. –Т., 1979. –80 б.; Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари//Тилшунослик масалалари. –Т., 1964. 42- китоб. –Б. 126–127; Шоабдурахмонов Ш. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т., 1980; Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. –Т., 1992. –68 б.; Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993.

² Айюб Ғуломовнинг илмий мероси. (3- китоб) Морфемикага оид мақолалар. –Т., 2007.

³ Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари(саккизинчи мақола)// ЎТА, 2007. - №5.

ўта олмасликнинг сабаби ҳам шунда. Шундай экан, ўзбек тилида предметнинг бирдан ортиқлигини (кўплик маъносини) ифодаловчи (-лар аффикси билан ясалувчи) махсус шакл мавжудлиги ҳамда унинг моҳияти ҳақида фикр билдиришнинг ўзи кифоя. Бу билан ҳеч нарса йўқотилмайди. Аксинча, ҳақиқий ҳолат, мавжуд ҳодиса ўз ифодасини топади.

Айтилгандан маълум бўладики, отнинг ҳеч қандай шакл кўрсаткичига эга бўлмаган (шаклсиз) ҳолати бирлик сон шакли ҳисоблаб келинаётган бўлса-да, аммо, ўзбек тилида ҳақиқатан ҳам бирлик маъносига эга бўлган ва кўплик шаклига зидлик муносабатида бўла оладиган шакли (бирлик сон шакли) борлиги ўз исботини топгани йўқ. Бизнингча, грамматик бирлик маъносига (умуман, сон маъносига) эга бўлмаган грамматик шаклсиз ҳолатдаги сўзни (отни) бирлик сон (бирлик сон шакли) ҳисоблаш учун асос ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ. Бундай қилиш шаклсиз ҳолат имкониятининг сунъий равишда чекланишига олиб келади, холос. Бунинг ўрнига грамматик шаклсиз ҳолатнинг мавжудлиги, унинг сабаби ҳамда имкониятини тўла ёритиш муҳим аҳамият касб этадики, масаланинг ана шу томонига эътиборни кучайтириш асосий вазифа ҳисобланади”.

Эслатиб ўтиш лозимки, туркий тилларда бирлик сон шаклининг мавжуд эмаслиги, сон категориясининг бир аъзоли – фақат –лар кўшимчали шаклдан иборат эканлиги ғояси янги эмас. Ўтган асрнинг 70-йилларида бу ғояни рус туркийшуноси В.Г. Гузев, Д.М.Насилов, Г.П.Мельников илгари суришган¹. Бу муаммо билан боғлиқ равишда шуни айтиш мумкинки, борликда, табиатда, онгда, тафаккурда зидланишсиз ҳодиса бўлмайди ва бўлолмайди². Шунинг учун лингвистик таҳлилда ҳам истаган грамматик шакл бошқа бир – унга зидланган шакл билан қиёсда олинади ва системавий таҳлилнинг асосини ташкил этади. Шу асосда айта оламизки, систем тилшуносликнинг, тил систем-структур таҳлилининг асосий тушунчасидан бири [о] морфема ва [о] кўрсаткичли

¹ Гузев В.Г., Насилов Д.М. Словоизменительные категории в тюркских языках и понятие «грамматическая категория» // Советская тюркология, 1981. -№ 3; Гузев В.Г., Насилов Д.М. К интерпретации категории числа имен существительных в тюркских языках // Вопросы языкознания, 1975. -№3; Гузев В.Г., Насилов Д.М. Конкретно-предметное значение имени существительного как зона релевантности категорий числа и определенности/неопределенности // Советская тюркология, 1971. -№6.

² Туленов Ж., Фафуров З. Фалсафа. –Т., 1997; Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантик. –Т., 1993; Хегел. Наука логики. –М., 1971. с. 65–66.

шакл муаммосидир¹. Бундай кўшимчасиз ёки А.Ҳожиев таъбирича, «отнинг ҳеч қандай шакл кўрсаткичига эга бўлмаган (шаклсиз) ҳолати»нинг системадаги ўрни ва моҳияти ҳақида ўзбек тилшунослигида 70-йиллардаёқ қуйидаги ғоя ва талқин илгари сурилган эди: “Феълнинг барча формасини иккига – категория ичидаги форманинг ўзаро оппозициясида маълум аниқ бир белгига эга бўлган белгили формага ва бу оппозицияда аниқ белгига эга бўлмаган белгисиз (нейтрал) формага ажратиш мумкин. Биринчи группа (белгили) форманинг қўлланилиш ва маъно оттенкаси доираси ўзи мансуб бўлган категориянинг белгиси ва ҳар бир форманинг категория ичидаги оппозициядаги белгиси билан, иккинчи группа (белгисиз) форманинг қўлланилиш ва маъно оттенкаси доираси эса фақат ўзи мансуб бўлган категориянинг белгиси билан чекланган бўлади (чунончи, аниқ нисбат, -(а)р кўшимчали замон формаси, -(и)б равишдоши). Бошқача айтганда, биринчи группа форманинг қўлланилиш доираси ва маъно оттенкаси категориядаги формааро муносабат билан белгиланса, иккинчи группа (белгисиз) форманинг қўлланилиш ва маъно оттенкаси категорияро муносабат билан белгиланади ва бу форма шу категориянинг репрезентанти (умумий намояндаси) ролини ўйнайди. Шунинг учун маълум категорияга мансуб бўлган форманинг маъноси шу категориянинг репрезентант формасининг маъноси асосида белгиланади”².

Иқтибосдан кўришиб турибдики, отнинг шаклсиз ҳолати худди мана шундай – категория доминантаси мавқеига эга. Шунинг учун уни категория таркибидан чиқариш система моҳиятини укмасликдан ўзга нарса эмас. Бу шаклни қандай атама билан аташимиз тамоман бошқа масала: бирлик сон шакли, сон категориясининг асос/бош/доминанта/илк/таянч шакли каби. Лисоний моҳият эса **«шаклсиз ҳолатнинг шаклли ҳолатга зидланишидан иборат»**. Табиийки, шаклсиз ҳолат [-лар]сиз, шаклли ҳолат [-лар]ли бўлгандан, [-лар]ли ҳолат кўплик деб қабул қилингандан кейин [-лар] сиз ҳолат мантиқан «ноқўплик»/»кўплик эмас»/»кўпликка зид» қабалида номланиши керак.

¹ Исаченко А. В. О грамматическом значении // Вопросы языкознания, 1961. -№1. Исаченко А. В. Бинарность, привативные оппозиции и грамматическое значение // Вопросы языкознания, 1963. -№2. Русская грамматика. Под редакцией Шведовой. I – II том. 187§, 1134§ – 219§; 274§ – 282§; 1317§- 1377§.

² Неъматов Ҳ.Ғ. Феъл, унинг форма ва категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. -№2. 49- б.

Табийки, бундай мазмун – моҳият «кўплик сон» зидлигида «бирлик сон» атамаси билан ифодаланиши лозим. Бу ерда сон парадигмаси аъзоси таркиби масаласига тўхталишнинг сабаби шундаки, бу муаммо бошқа грамматик категория таҳлилида ҳам қалқиб чиқади ва унда категориал доминанта гоҳ «шаклсиз ҳолатда (келишик, нисбат каби категорияда), гоҳ махсус шаклли ҳолатда келади (замон, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи ва бошқа парадигмада). Доминанта юқоридаги иқтибосда кўрсатилган семантик функционал қобилиятга эга бўлган ҳолда тизимда ўзига хос мутлақ қийматга ҳам эга бўлиши мумкин. Чунончи, келишик тизимида категориал доминанта бош келишик шундай мутлақ функцияга – эга вазифасида келиш, эгани шакллантириш хусусиятига эга. Морфологик грамматик категорияда доминанта билан қуршов аъзоси орасидаги бундай муносабат эҳтимол лексик тизимнинг умумий қонуниятидан бири бўлса керак. Чунки шундай муносабатни лексик микросистемада ҳам Р.Сафарова, З.Юнусова, Л.Неъматова тасвирлаганидек кўриш мумкин.¹ Чунончи, “қўй” гипонимик уясида доминанта *қўй* лексемаси, “товуқ” гипонимик уясида *товуқ* доминантаси доминант маъно ва функция билан бирга хусусий «урғочи» қийматиغا, «юлдуз» гипонимик уясида эса «юлдуз» лексемаси «собит» қийматиغا эга.

Сон категорияси ҳақида умумий маълумот. Зиддиятли муносабатда бўлган бўлган бирлик ва кўплик маъноси ва бу маънони ифодаловчи шакл системаси грамматик сон категориясини ташкил этади.

Мантиқий ва грамматик сонни аралаштирмаслик керак. Масалан, жамловчи (*халқ, қўшин, пода, сурув*) мантиқан предмет жамини билдиради, лекин грамматик жиҳатдан бирликда деб қаралади.

Сон категориясининг икки: *-лар* аффикси билан ясалувчи шакли ва шунга оппозицияда бўлган ноль кўрсаткичли шакли бор. Бундан *-лар* аффикси отнинг кўплик шаклини ясайди, бирлик шакл эса ноль кўрсаткичли шакли.

¹ Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. –Т.: Ўқитувчи, 1996; Юнусова З. Ўзбек тилида луғавий микросистема ва унинг тараққиёти: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Т., 2004; Неъматова Л. Ўзбек тилида привативлик (нофонологик сатҳлар) : филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Т., 2002.

-лар шаклининг кўпликни ифодалаш масаласида барча тилшунослар ҳамфикр. Аммо ноль кўрсаткичли шакл масаласида ҳар хил қараш бор.

Кўп ҳолда ноль шакл фақат бирлик маъносининг ифодаловчиси сифатида қаралади. Баъзилар эса у на кўplik, на бирлик ифодалашини таъкидлаб, бу шаклининг сон категорияси таркибидаги ўрнига шубҳа билан қарайди.¹ Зеро, ноль шакл миқдорий грамматик маъно англатишдан маҳрум экан, унда *-лар* шакли билан айнан бир хил қуршовда ўрин алмашишини қандай тушуниш керак? Унда *Аскар ўраб олди ўндан-у сўлдан* (Мирт.) гапида мантиқан *аскарлар* сўзшакли ишлатилган бўлур эди.²

Демак, *-лар* ва ноль шакл ҳозирги ўзбек адабий тилида миқдор англатувчи грамматик шакл. Бу улар соф миқдор англатади, дегани эмас, албатта. Миқдор белгиси бу шаклда категориал маъно бўлса, унда сифатий ёндош ва бошқа ҳамроҳ маъно ҳам мавжуд.

Сон категорияси шакли. Бирлик сон шакли. Ноль кўрсаткичга эга бўлган бирлик сон шакли бир кўплаб хусусий грамматик маънони ифодалашга хизмат қилади: «бирлик», «кўplik», «жамлик», «боғлиқлик ёки ўхшашликка асосланган кўplik». Бу тилшунос Ш.Шаҳобиддинованинг номзодлик диссертацияси батафсил тадқиқ қилинган.

Жамлик ифодалаш. Ноль шакл турдош отга кўшилиб белгилинмаган сони билдираверади. Шу билан биргаликда ифодаланаётган нарсалар-предметни турга бўлмайди, бир бутун сифатида кўрсатади. Ўзбек тилида бирлик ва кўplik сон шаклига оппозицияда бўлган қандайдир жуфтлик ёки жамлик ифодаловчи грамматик восита йўқ. Шу боисдан тилда мавжуд икки шакл нутқ вазияти ва қуршовдан келиб чиққан ҳолда бу маънони ифодалаб кетаверади. Бироқ шаклининг маъно тафовути сақланиб қолаверади. Бошқача айтганда, кўplik сон шакли жамлик ифодалаганда бу жамликнинг бўлинувчанлик хоссасига эгаллиги, ноль шаклининг эса маънони яхлитлик кўрсатиши сақланиб қолаверади.

¹ Гузев В.Г.Насилов Д.М. Конкретно-предметное значение имени существительного как зона релевантности категорий числа и определенности-неопределенности // Советская тюркология, 1971, -№ 5. -С. 98.

² Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. -Т.: Янги аср авлоди, 2001. -Б. 101.

Қуйидаги мисолни кузатамиз: *Бугунги ўқувчи кечаги ўқувчидан мустақил фикрининг устунлиги билан ажралиб туради. (Газетадан)* . Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма. (Мақ.) . Гапдаги ўқувчи, мулла сўзи бирлик сон шаклида бўлса-да, матн мазмунидан унинг яқка ўқувчи эмаслиги, яъни ўқувчи жамини англатаётганлиги, бироқ бу жамлик бўлинувчанликдан холи, яхлит эканлиги яққол кўриниб турибди. Бирлик сон шакли бўлинмас жамлик маъносини воқелантириши учун синтактик курсов, матн талаб қилинади. Тадқиқотда матннинг сон категориясига таъсирини нокатегориал ҳодиса сифатида баҳолашади. Бироқ бунда сон грамматик маънони ифодалаш ва грамматик воқелантиришга ҳамкорлик қилиш тушунчаси фарқланиши лозим. Ҳар қандай грамматик ёки лексик маънонинг воқеланишида бошқа сатҳ ёки ҳодисанинг кўмаклашуви тилнинг лисоний тизими яхлитлиги мисолида тилшуносликда ҳал этилган.¹ Жамлик маъноси бирлик сон шаклининг субстанциясида мавжуд бўлиб, у фақат буни воқелантиришида мустақил ҳаракат қила олмайди.²

Кўплик ифодалаш. Бирлик сон шакли ўрни билан – матн ва курсов талабидан ҳамда ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда кўплик маъносини ҳам ифодалашга қо. Бу унинг кўплик сон шакли билан бир категория таркибига кириши ҳамда ўзбек тилида тежамкорлик хусусиятининг мавжудлиги билан изоҳланади. Бошқача айтганда, нутқий тежамкорлик талаби билан кўплик сон туширилиши ва кўпликни ифодалаш бирлик сон шаклининг зиммасига юкланиши мумкин. Кўплик сон шаклининг туширилишини грамматик шаклнинг белгисиз қўлланиши сифатида тушуниш маъқул эмас.

Бирлик сон томонидан ифодаланётган кўплик маъноси матн ва курсов шароитига боғлиқ равишда аниқ ёки ноаниқ табиатли бўлиши мумкин. Қуйида унинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Маълумки, аниқ ва ноаниқ миқдор маъносини ифодаловчи восита бутун тил сатҳи бўйлаб сочилган. Грамматик сон категорияси ва равиш туркумига мансуб лексема кўплик маъносини ноаниқ ифодалашга

¹ Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: филол.фан.докт.дисс. –Т.: 2002.

² Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: филол.фан.номз.дисс. ...автореф. –Самарқанд, 2004.

хосланган. Бироқ сон туркумига мансуб сўз, одатда, кўплик маъносини аниқ ифодалайди. Бирлик сон шакли матнда сон туркумига мансуб тегишли лексема билан мувофиқлашар экан, ундаги кўплик муайянлашади. Айрим мисол келтирамиз: 1. *Йўлга тушди икки чол, Тўйга борши қарз бешак.* (А.Орип.). 2. *Пахта тозалаш машинаси тинмай ишлар, тўрт киши доим у билан ишлар эди.* (Шарқ юлдузи). Матндаги чол ва киши сўзи бирлик сон шаклида бўлиб, матн ва ундаги аниқ миқдор ифодаловчи сон лексема ёрдамида кўплик ва аниқлик маъноси англашилган. Биринчи гапда чол сўзи икки сўзсиз бирлик маъносини ифодалайверар эди. Бироқ аниқ миқдорни лексема унга кўплик маъносини берган ва бирлик сон шакли «бирлик» маъносидан маҳрум бўлган. Бу юзага келган «кўплик» маъносининг аниқлик оттенкаси билан янада кучайтирилган. Бир қарашда бунда бирлик шакли борлигига шубҳа бўлиши ҳам мумкин. Бироқ нутқда ҳар қандай отнинг ҳар доим сон категориясининг бирор шаклида бўлиши илмий асосланган. Демак, *икки чол* бирикувидаги от бирлик сонда бўлсада, ундаги «бирлик» маъноси сўнган. Аммо шакл маъносиз бўлиши мумкин эмас. Кўринадикки, бирлик сон шакли *икки* сўзи ёрдамида ўз-ўзидан «аниқ кўплик» маъносига эга бўли қолган. *Киши* сўзининг бирлик сон шаклида аниқ миқдор билдирувчи сўзсиз қўлланиши кам учрайдиган ҳодиса. Лекин мазкур гапда у *тўрт* сўзи билан бирга келиб, аниқ кўплик маъносини билдирувчи бирлик сондаги от сифатида юзага чиққан. Келтирилган мисол бирлик сон шаклининг аниқ кўплик маъносини ифодалашга етарли асос бўлади.

Миқдорий ноаниқ кўплик ифодалаши ҳам бирлик сон шаклининг ўзига хос хусусияти, матн ва қуршов ҳамда лисоннинг нутқда яхлит воқеланиши, сатҳнинг ўзаро ҳамкорлиги хусусиятидан келиб чиқади. Миқдорий ноаниқ кўплик ифодалаш бирлик сондаги отнинг ноаниқ миқдор ифодаловчи сўз билан бирикувида намоён бўлади. Мисол: 1. *Беш-олти ойдан кейин сайргоҳнинг чимзоридида саллали ҳинду Яна пайдо бўлди.* (Шарқ юлдузи) 2. *Орадани кўп кун ўтди. Соҳиб Лаъл менга эътиборлироқ бўлиб қолди.* (А.Мухтор). Гапдаги ой ва кўп сўзи бирлик сон шаклида. Лекин ноаниқ миқдор билдирувчи *беш-олти* ва *кўп* сўзи ёрдамида кўплик ва унинг «ноаниқ» кўриниши воқеланган.

Мисолдан маълум бўладки, бирлик сон шакли ўрни билан, матн ва курсивга боғлиқ равишда кўплик маъносини ҳам ифодалаш мумкин. Бироқ бу маъно бирлик сон шаклининг мустақил ҳолда ифодаланадиган маъносидан фарқли равишда бирикувчи сўз ёрдамидагина юзага чиқади. Демак, бирлик сон шаклининг баъзи маъносини синтактик омил (сўзнинг эркин бирикуви) юзага чиқаради.

Бирлик ифодалаш. Бирлик сон шаклининг «бирлик» маъноси унинг типик ифодаланувчиси эмас. Биринчидан, бу маъно мазкур шакл имкониятидан бири. Иккинчидан, у бу маънони ифодалаш учун баъзан *битта*, *якка*, *ягона*, *ёлғиз*, *танҳо* каби сўз, айрим олмошнинг кўмагига ҳам эҳтиёж сезади. Мисол: 1. -*Ҳа, мен уни битта ошга туширганман.* (Т.Малик.) 2. *Бир вақтлар невараси Мўмин мирзонинг ўлдирилишига сабаб бўлган Хадичабегим, эҳтимол, келажакда Бадиуззамон мирзони ҳам йўқ қилиш ва ўглини якка подшоҳга айлантириш мақсадида.* (П.Қодиров) 3. *У кейинги кунларнинг, шубҳасиз, ягона қаҳрамонига айланди.* (Н.Эшонкул) 4. *Бундан бир ярим йил аввал Хонзода бегим ёлғиз ўғилчаси билан Балхдан Қундузга келаятганида унинг юрагини титратган номаълум хавфхатарлар гўё манна шу оғир чекиниш пайтини кутиб ётган эди.* (П.Қодиров) 5. *Ҳозир уйда Отабек бўлмагани учунми, нимадан бўлса ҳам, ҳар нечук Зайнаб ўз уйида куймаланишиб ётар ва меҳмонларни Ўзбек оиймининг танҳо ўзига ташлаган эди.* (А.Қод.). 6. *Ушбу ёдгорликка мурожаат қилар эканман, менинг мақсадим битта...* (О.Матжон).

Бирлик сон шаклининг «бирлик» маъноси «ноаниқлик» маъноси билан биргаликда ҳам воқеланиши мумкин. Бунда *бир* сўзининг аҳамияти катта. Бир сўзи билан қўлланган бирлик сондаги отнинг «бирлик» ёки «ноаниқ бирлик» ифодалаш ҳам тил сатҳининг ўзаро ҳамкорлигига таянади. Қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик: 1. *Бойсун орқали Ҳисорнинг Қоратогига чекиниб келган Бобур етти минг Аскар ва уқруги билан сайхон бир ўтлоқда тунамоқда эди.* (П.Қодиров). 2. *Қишлоқда бир бўз бола бор эди.* (Т.Мурод). 3. *Ҳали бир ўрин совимай туриб, иккинчи тўшакни етим қолдирмоқни қасд қилган Кесакполвон бу ерга нима учун келганини ҳам унутган эди.* 4. *Ойбек домла билан учрашувларимни, ҳамда кечирган ҳаяжонларимни қозоғга туширсам бир рисола бўлар.* (А.Орип.). *Бу уй Терсотада қурилган биринчи уйлاردан эди ва Райим полвоннинг*

отаси Шукур оқсоқол бир аср муқаддам туғилажак фарзандларига кенг уй ва йилдан-йилга кўпайиб бораётган йилқиларга отхона солиши мақсадида Терсота сойининг офтобрўясида қишлоқнинг биринчи пойдеворини қурдирди. (Н.Эшонқул). Эътибор қилинса, бир сўзи урғусиз талаффуз қилинганда, бошқача айтганда бир сўзи ва у бирикиб келаётган сўз бир умумий урғуга эга бўлса, «бирлик ноаниқлик» маъноси уқилади. Гапдаги *бир ўтлоқда, бир бўз бола* бирикувида шундай ҳол кузатилади. Бир ўрин, бир рисола, бир аср бирикувида эса бир ва у бирикувчи сўзнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида урғу билан талаффуз қилинади ва «ноаниқлик» маъноси воқеланмайди. Демак, бирлик сон шаклининг «бирлик ноаниқлик» маъносини воқелантирувчи восита - фонетик ҳодиса. Бу фонетика ва грамматиканинг ўзаро алоқадорлиги ва нутқда яхлитликда, ҳамкорликда воқеланишига далил.

Таъкидланганидек, сон категориясига мансуб бирлик сон шакли умумий грамматик маъноси сифатида «бўлинмас аниқ-ноаниқ миқдор» тикланган. Бу шаклга хос субстанциал моҳиятнинг воқеланиши ҳам уни тиклашдаги каби қатор қийинчиликни келтириб чиқаради. Даставвал, шаклнинг моддий кўрсаткичдан холилиги масалани мураккаблаштирувчи сабаб бўлса, иккинчидан, унда бирлик ва кўплик миқдорий моҳияти билан қоришган ҳолда яшайдиган ноаниқлик-аниқлик сифатий моҳият тажаллиси унинг ўзига хос хоссасини тиниқ идрок қилиш имконини чеклайди.

Тадқиқотчилар шаклнинг бир нечта оралик маъносини фарқлайди. Хусусан, Ҳ.Неъматов бирлик сон шаклининг бевосита миқдор билан боғланган ёки боғланмаган 8 та маъно турини ажратади¹. Ш. Шаҳобиддинова шакл умумий грамматик маъносини 3 та оралик грамматик маъно асосида тиклайди.²

Шакл умумий грамматик маъноси нутқда воқеланар экан, у бевосита ўз «борлиғи»ни ўзи намоён қила олмайди. Бунда нутққа чиқаётган ва қуршов ҳосил қилаётган лексеманинг роли беҳад улкан. Меъёрий қуршов

¹ Нигматов Х. Указ. Соч. –С.45.

² Шаҳобиддинова Ш.Х. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Самарқанд, 1994. – Б. 16.

шаклга намоён бўлувчи хоссани бермайди, аксинча, шакл бу хоссага эга бўлганлиги боис, ушбу қулай қуршовда уни намоён қилади.

Бирлик сон шакли оралиқ грамматик маъносини фарқлашда синтактик омил лексик омилга нисбатан устуворлик касб этади. Аниқроғи, бунда бирлик сон шакли билан нутққа кириб, отга аниқловчи сифатида иштирок этадиган сўз муҳим аҳамият касб этади. Айрим оралиқ грамматик маънонинг баъзи хоссаси сўзшаклга асос бўлаётган лексеманинг табиати билан белгиланади.

Бирлик сон шакли от нутққа ҳеч қандай аниқловчисиз қирар экан, бунда унинг «тур» маъноси юзага чиқади. Бошқача айтганда, бирлик сон шакли лексема атаётган денотатни тур сифатида бошқа турдан фарқлаш вазифасини ўтайди: *Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин*. Тур маъноси лексеманинг маъновий табиатига боғлиқ равишда юзага чиқади. Лексема аниқловчи олса, бу маъно бироз тораяди. 1. *Етук олим бўлинг*. 2. *Жамият тараққиётини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади*. Демак, лексик омил мазкур маънони воқелантирса, синтаксис уни муайянлаштирувчи омил сифатида намоён бўлади. Шунингдек, атоқли да ҳам бирлик сон шакли «тур», «ажратиш» маъносини воқелантиради. Бу, албатта, атоқли нинг ўзига хос семантик табиатдан келиб чиқади. Демак, атоқли нинг маъновий хоссаси шаклининг ўзига хос тур маъносини янада муайянлаштирувчи восита. Бунга ҳодисани атоқли нинг кўплик сон шаклида қўлланган ҳолатига қиёслаш билан амин бўлиш мумкин.

Кўринадикки, бирлик сон шаклининг «тур-ажратиш» оралиқ грамматик маъносини воқелантиришда луғавий омил етакчилик қилади ва синтактик омил унга кўмаклашади. Бирлик сон шакли умумий грамматик маъносини аниқлашда аниқловчининг характери муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бирор сўз бирлик сон шаклидаги отга аниқловчи бўлиб келар экан, унинг умумий грамматик маъносига хос бирлик миқдорий хоссани ноаниқлик сифатий хоссаси билан бир бутун ҳолда намоён қилади. 1. *Сизни мактаб ҳовлисида бир киши кутяпти*. Демак, (бир) сўзи каби аниқ миқдор аниқловчиси билан нутққа кирган от аниқ ёки ноаниқ бўлиши мумкин: 3 *та ўқувчи* – 3 *та аълочи ўқувчи* каби.

Бирлик сон шаклининг маъновий муайянлаштирилмаган даги маъноси 2 хил бўлади: ноаниқ нарсанинг ноаниқ миқдори (*китоб ўқиш*) ва

ноаниқ шаклнинг аниқ миқдори (*бир китоб*). Бу маънонинг воқеланишида аниқ миқдор аниқловчиси билан бир қаторда ноаниқ миқдор аниқловчиси ҳам муҳим ўрин тутади: (*кўп/ анча/ бир қанча китоб*). Демак, миқдорий аниқ маъноли сўз бирлик сон шаклининг миқдор жиҳатини муайянлаштиради ва сифат жиҳатини мавҳумлигича қолдиради. Сифат аниқловчиси эса унинг миқдор хоссасига аниқлик кирита олмайди.

Бу, ушбу, шу кўрсатиш олмоши аниқловчи мавқеида келганда ҳам шакл бирлик оралиқ грамматик маъносини воқелантиради: *Ушбу ёдгорликка мурожат қилар эканман, менинг мақсадим битта* (О.Матжон).

Луғавий муайян сифат аниқловчиси билан келганда бирлик сон шакли чекланган кўплик маъносини ифодалаши мумкин. Тадқиқотчи Ш.Шаҳобиддинова таъкидлашича, «кўплик «аниқ» ёки «ноаниқ» сифат билан нутққа киради. Бунга аниқ миқдор ёки ноаниқ миқдор ифодаловчи сўз муҳим аҳамият касб этади: 1. *Пахта тозалаш машинаси тинмай ишлар, тўрт киши доим у билан овора эди.* 2. *Совиб қолган чойдан бир-икки пиёла ичди.* Бунда кўплик бирлик сон шаклига хосми ёки ундаги синтактик восита тажаллисими деган савол туғилади. Аниқроғи, гапдаги аниқ (*кўплик тўрт*), иккинчи гапдаги ноаниқ кўплик (*бир-икки*) сўзи тажаллиси эмасми? Демак, шундай экан, бирлик сон шаклидан кўпликни қидириш маъқул эмас. Кўплик бўлиб туюлаётган ҳодиса ҳам бирлик сон шаклини қўлланишида кўзга ташланади: *Гадонинг душмани гадо бўлади.* Бунда “жамлик” оралиқ грамматик маъноси ҳам лексеманинг маъновий табиати ва матнга боғлиқ равишда намоён бўлади ва луғавий ҳамда синтактик омилнинг тенг қийматли ҳамкорлиги кузатилади.

Демак, бирлик сон шаклида ноаниқ ва аниқ миқдор умумий грамматик маъноси турлича воқеланар ва бунда ҳамкор воситанинг роли турлича экан, бу, аввало, нинг атоқли ва турдош, аниқ ва мавҳум каби турланишидан, қолаверса, бирикувчи сўзнинг маъновий табиати ва синтактик ўрнидан келиб чиқади.

Кўплик сон шакли. –лар шакли ўзбек ва умуман туркий тилнинг барчасида кўпликни ифодаловчи махсус ягона кўшимча ҳисобланади. Тилшунос Ш.Шаҳобиддинова бу шаклнинг лисоний ва нутқий маъносини

умумийлик-хуссийлик диалектикаси нуктаи назаридан талқин қилар экан, уни шартли равишда икки гуруҳга жамлайди:

- 1) сон категорияси доирасидаги маъно;
- 2) сон категорияси доирасидан чиқувчи маъно.

Фикр сон категориясининг субстанциал маъноси – сон-миқдор ифодалаш хусусияти ҳақида борар экан, бунда сон категорияси доирасидаги маъно билан чекланиш мақсадга мувофиқ.

Кўплик ифодалаш. Бу маъно сон категориясининг хосланган ва энг кўп учровчи маъноси ҳисобланади ва отнинг барча грамматик маъно тури билан юзага чиқаверади. Тилшунослар кўпликнинг бу турида миқдорий бўлинувчанлик/бўлинмаслик ва сифатий ноаниқлик маъноси бир вақтда юзага чиқишини таъкидлашади. Мисолга мурожаат қиламиз: *Юз йилдан бери терсоталикларнинг гурури ва фахри бўлиб келган, замонавий қилиб қурилган равоқли уйлар қаршисида юздаги чипқондек қишлоққа кўримсизлик ва кексалик бағишлаб турган, номаълум ва мудҳиш синоатларга тўла ва қадим кўрғонни эслатувчи Байна момонинг уйини, худди унуттишга ва йўқолишга маҳкум этилган хотирадек, ниҳоят бузиб ташлашга киришишиди: темир тирноқли бульдозерлар уйнинг деворларини қулатар эканлар, уй билан қўшиб, ўзларининг ҳам нимасинидир бузиб, вайрон қилишаётгандек, терсоатликлар бир чеккада жимгина кузатиб туришар ва нақ эллик йилча тақдирнинг бешафқат ўйинига қарши кураша-кураша дунёдан ёлғиз ва изсиз ўтиши азобини кўтариб келган, ҳаёти ўзларига ҳамон тушунарсиз ва мавҳум туюлаётган Байна момони эслаган аёллар кўзларига ёш олиб, болаларини бағирларига босганча, олис ва замгин хотираларга берилиб, мунгайган алфозда ўтирардилар.* (Н.Эшонкул) Барча мисолдаги қорайтирилган сўзнинг ифодаловчиси бирдан ортиқлиги, лекин нечта эканлиги ноаниқлиги, шу билан биргаликда, бу кўпликнинг бўлинувчанлиги (масалан: бульдозер= бульдозер+ бульдозер+ бульдозер+...) аён. Воқеланган кўплик маъносини шу асосда «ноаниқ ва бўлинувчан кўплик» сифатида баҳолаш мумкин.

Ноаниқ кўплик маъноси *-лар* шаклининг саналадиган ёки саналмайдиган нарса-пердметни ифодаловчи сўзга қўшилишига кўра бўлинувчан ёки бўлинмаслик каби хусусий маънога парчаланади. Мисол:

1. *Балки улар шу келишида Андижоннинг устидан учиб ўтгандирлар? Ёки Тошкент ва Самарқанд атрофларидаги сокин сувлар бўйида қўниб дам олгандирлар.* (П.Қодиров). 1. *Булоқ сувларига юзини ювди.* (Т.Мурод). 3. *«Сиз сутга қўшган сувлар йиғилиб, селга айланди-ю, сурувни суриб кетди», - дебди Чўпон.* (Т.Малик). 4. *Майдон четидаги байроқ осилган мухташам бинода тенглик ва инсонпарварлик ҳамда Фан, тараққиёт тўғрисида қандайдир даъваткор шиорлар осилгани, гўё бу шиордаги сўзга ёмғирнинг гам гаши келгандай қизил алвонни оққа бўяб ташлаганди.* (Н.Эшонқул). Эътибор қилинса, дастлабки гапдаги кўплик шаклида қўлланган сувлар нутқий бирлиги орқали ифодаланган кўплик маъносидан ноаниқ кўплик билан биргаликда унинг бўлинмаслиги ҳам намоён бўлмоқда ва сифатий белги сувнинг саналмаслиги хусусиятидан келиб чиқади. Учинчи гапдаги қорайтирилган бирликдан сифатий бўлинувчанлик маъноси уқилади. Чунки сўз нутқда ажралган ва уни санаш мумкин бўлади. Бундай маъновий фарқланиш воситасидан бири матн бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *Дўконда сувлар бор* гапдаги сув сўзи орқали миқдорий ноаниқлик сифатий бўлинувчанлик билан бирга юзага чиқади. Чунки бундаги сув сўзининг семантикаси ва денотати аввалги гапдаги сувдан фарқланади (қадоқланган сувни санаш мумкин).

Жамлик ифодалаш. «Жамлик» маъноси бирлик ва кўплик орасида «оралиқ учинчи» мақомига эга бўлади. Бу маъно бирлик сон шаклида кузатилгани каби, айрим кўплик турида ҳам чққол кўзга ташланади. Масалан, саналмайдиган нарса-предметни ифодаловчи кўплик сон шаклини олганда аксарият ҳолатда жамлик маъноси уқилади. Мисол: 1. *Орқада ҳам сени қуролли кишилар қуршаб олганди – фақат битта йўл, кўприк очиқ эди* (Н.Эшонқул). 2. *Дилда гашлик бўлмайд яшасанг, хуллас, Бахтли одамлардай бахтли бўлсанг.* (А.Орип.) 3. *Бобур яна сайдарбошини чақирди ва Гулбаданга Ҳиндистонда келтирилган тўтиқушларни ҳадя қилишини буюрди* (П.Қодиров). 4. *Қизлар катта тут остига гуж бўлди.* (Т.Мурод). *Кўзи келинларнинг нигоҳлари билан тўқнашигач, шу болаларни тугиб катта айб иш қилиб қўйгандай бошини ҳам қилди.* (Т.Малик). Тилшунослар «жамлик» маъноси кўпинча турғунлашиб қолган туркий изофаларда кўзга ташланишини таъкидлашади: *ўқитувчилар газетаси, физкультурачилар газетаси,*

талабалар уйи, ёшлар маркази, хотин-қизлар қўмитаси, китоблар уйи, аёллар маслаҳатхонаси, эркаклар салони, тадбиркорлар палатаси, фуқаролар йиғини каби.

Боғлиқлик ва ўхшашликка асосланган кўпликни ифодалаш. Айтилганидек, кўплик сон шакли қандай маъновий табиатли отга кўшилишига қараб турлича маъно ифодалайди. Масалан, бу шаклнинг атоқли отга кўшилиши турдош отга кўшилишидан фарқланади. Мисол: **Фарҳодлар** келишиди канал қазмоққа, **Ширинлар** келишиди пешвоз бўлмоққа. (Кўш.). **Кумушлар** энди йўқ, **Зайнаблар** тирик. (М.Юсуф) Кўринадики, *фарҳодлар* ёки *ширинлар* сўзшакли айнан афсонавий Фарҳодни эмас, балки фарҳодмонанд паҳлавонларни, Шириндек маликаларни ифодаламоқда. *Кумушлар* ва *зайнаблар* ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Ундаги яна бир умумий жиҳат уларнинг энди шу шакл ва қўлланишда атоқли сирасидан чиққанлиги. Шунингдек, сўзшаклдан кўплик маъноси уқилаётган бўлса-да, унга ёндош «ўхшашлик» маъно унсури ҳам намоён бўлган. *-лар* шаклининг «боғлиқликка асосланган кўплик»ни ифодалашини эса қуйидаги мисолда юзага чиққан: **Салимларга** ёрдам гишит қуйиб бердим (Салим ва у билан боғлиқ оила аъзосига). **Мақсудалар** ўқишини ҳам тамомлашди. (Мақсудага ўхшаганлар). Бу гапларда қўлланган сўзшакл, юқоридагидан фарқли равишда, атоқлилиқ хусусиятини сақлаган. Бир умумийлик остида бирлашган бу икки маъно атоқли/турдошлиқ хусусияти билан нутқий зиддияли муносабатга киришади. Демак, кўринадики, кўплик сон шаклининг «боғлиқлик ва ўхшашликка асосланган кўплик» маъносининг хусусий кўриниши ўзаро кўплик сон кўшимчасини қабул қилувчи сўзнинг луғавий маъноси – лексик омил асосида фарқланади.

Тахмин ифодалаш. Кўплик сон шаклининг «тахмин» маъноси воқеланиши учун боғлиқ қуршов талаб қилинади – у вақтни тахмин билан ифодаловчи сўзга бирикканда намоён бўлади. Мисол: 1. *Талабалар анча тинчиб қолишган, тепасида тик туришган ўрта ёшлардаги одамларни кўрмасликка олиб, энди таиқарига қараб туришарди.* (Н.Эшонқул). 2. **Қирқ ёшлардан** ошган бу йиғит Бобурнинг Ҳиндистонга қилган аввалги юришида кўп хасорат кўрсатган эди. (П.Қодиров.) 3. *Оллоёр асли Самарқанддан бўлди, Каттақўрғоннинг Минглар қишлоғидан бўлди. XVII-*

XVIII асрларда яшаб ўтди. (Т.Мурод) 4. *Бундай онларда она-боланинг йиглаб кўришмоғи айб саналмайди, биров ажабланмайди ҳам.* (Т.Малик). 5. – *Суратларингизни кўрсам бўладими? Йигирманчи йиллардаги суратингизни?* (Н.Эшонқул). 6. *Боболаримизнинг айтишича, қайси бир замонларда Навоий бобомиз Самарқанддан Бухорога анна шу Кўнғиртовни ошиб ўтган эмишлар.* (А.Орип.).

Бу маъно аниқ бир пайтни эмас, балки кўп вақтни қамраб олаётганлиги билан кўплик сон шакли умумий грамматик маъносига дахлдор бўлади. Кўплик сон шаклининг бу маъно тури воқеланиши учун боғлиқ қуршовнинг талаб қилиниши – грамматик маъно юзага чиқишида синтактик омилнинг ҳамкорлигидан далолат беради. Шу билан биргаликда, «тахмин» маъносини ифодаловчи мазкур грамматик шакли бириктирувчи сўз (*ёш, пайт, йил, он* каби) нинг ҳам вақт-пайт и эканлиги бу вазиятда лексик омил – сўзнинг луғавий маъноси ҳам бефарқ эмаслигини кўрсатади. Демак, кўплик сон шаклининг «тахмин» грамматик маъноси воқеланиши учун синтактик (боғлиқ қуршов) ва лексик омил (кўплик шаклини олувчи сўзнинг луғавий маъноси) ўзаро ҳамкорлик қилади.

Кучайтирилган маъно ифодалаш. Тилшуносликда **-лар** шаклининг кучайтирилган ёки ҳурмат маъносини ифодалаш бу кўрсаткичнинг нокатегориал грамматик маъноси сифатида қаралади. Бироқ кузатишдан маълум бўладики, ҳар қандай нокатегориал маъно замирида категориал маъно ётишини ҳам унутмаслик керак. Масалан, кўплик сон шакли кучайтирилган маъно ифодалар экан, бу маъно бир қарашда “кўплик” умумий грамматик маъносига дахлдор эмас ва кўчма характерга эга. Мисол: 1. *Лекин менинг ёдимда ҳамон ўша қиёфада – кўкиш гулли оқ кўйлақда ловуллаб ёниб турган алангага ўхшайсан, бу аланга тилларигача оқ.* (Н.Эшонқул). 2. *Ҳа, ўзинг ёрлақа, яратган эгам, Иблис юракларга қутқу солмасин.* (А.Орип.). 3. *Тилларимга кўчолмайди бўғзимдаги овозим.* (У.Азимов). Ажратилган сўздаги кучайтирилган маъно “кўплик” умумий грамматик маъноси асосида. Чунки кучайтириш замирида бир нарсани кўпдек қилиб кўрсатишга интилиш бор. Демак, кўплик сон шаклининг кучайтирилган маъноси, грамматик маънонинг лисон ва нутққа муносабати нуқтаи назаридан, нокатегориал – ҳамроҳ маъно бўлса-да,

унинг шакл умумий моҳиятига алоқаси сезилиб турибди. Шу боисдан бу маънони ҳам кўплик сон шаклига дахлдор қилиб кўрсатишда маълум даражада асос бор.

Кўплик сон шаклининг ҳурмат маъносини ифодалашини ўзбек тили морфологиясига доир қарийб барча адабиётда қайд этилади. Бунга мисол келтирамиз: 1. *8 март бу кун – онамларнинг байрами.* 2. *Қизларингиз тугилса энди, отини Меҳрихон қўйинг.* (А.Орип.). Кўплик сон шакли ҳурмат маъносини ифодалашини учун ҳар доим ўзидан олдин эгалик шаклининг бўлишини тақозо қилади. Демак, бунда “ҳурмат” маъноси муракаб шакл – “эгалик қўшимчаси+кўплик қўшимчаси” морфологик қолипи асосида юзага чиқади ва ҳурмат маъносини фақат кўплик сон шаклига хос қилиб қўйиш маъқул эмас.

Сон категорияси кўплик шакли умумий грамматик маъноси сифатида «миқдорий ноаниқлик ва сифатий бўлинувчанлик» ажратилди¹ ва у «кўплик», «жамлик» «боғлиқлик ёки ўхшашликка асосланган кўплик» оралиқ грамматик маъносидан синтезланади.

Кўплик шакли оралиқ грамматик маъноси воқеланишида синтактик омилга нисбатан лексик омил устуворлик қилади ва (-лар)ли сўзшаклга асос бўлаётган лексема семантикаси бунда муҳим роль ўйнайди. (-лар)ли сўзшакл турли аниқловчини ҳам қабул қилиши мумкин. Бу эса шакл маъносини тўғри ва равшан идрок этишга маълум маънода тўсиқ ҳам бўлади.

(-лар) кўплик сон шакли атоқли отни нутққа олиб кирар экан, у ўзининг умумий грамматик маъносини «ўхшашликка ёки боғлиқликка асосланган кўплик» сифатида жузыйлаштиради: *Фарҳодлар келди. Мирзачўллар обод бўлди.* Сўзшаклга асос бўлаётган лексеманинг атоқлилиқ характериға боғлиқ равишда шаклининг мазкур оралиқ грамматик маъноси янада бўлинади ва 2- бўғин оралиқ грамматик маъно фарқланади. Масалан, киши атоқли оти «ўхшашликка асосланган кўплик» оралиқ грамматик маъносини фарқлайди ва юзага чиқаради: *Дарёнинг йўлига гуллар сочгали Ширинлар - қадлари шамшодлар келди*(Уйғун). Жой

¹ Шаҳобиддинова Ш.Х. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 21 б. –Б.15.

номи атоқли отида эса «боғлиқликка асосланган кўплик» оралик грамматик маъноси юзага келади. Демак, «куршов маъноси ўзига хос оттенка билан ифодаланади, бундай оттенка **сўзнинг лексик маъноси** (таъкид бизники - Б.М.) асосида юзага келади.¹

Кўринадик, оралик грамматик маънонинг ҳар иккала жузъий намояндаси ҳам ўзлари мансуб умумий грамматик маънонинг «ноаник кўплик» унсурини ифодалайди. Бунда оралик грамматик маънонинг «боғлиқликка ёки ўхшашликка асосланган» қисми дахлдорлик даражасига кўра устунлик касб этади.

Кўплик шакли кўплик оралик грамматик маъносини воқелантирар экан, бунда шакл уни миқдорий ноаниқлик ва сифатий бўлинувчанликнинг яхлит бирлиги сифатида воқелантиради.² Бу оралик грамматик маънонинг фарқланиши ва юзага чиқишида луғавий birlikнинг ички табиати муҳим роль ўйнайди. Аниқроғи, маъновий моҳиятидаги «саналадиган» иррелевант семаси кўплик шаклининг юзага чиқишига сабаб бўлади ва шакл ҳар бир қўлланишда бирдан ортик маъносини воқелантираверади, бу эса оралик грамматик маънонинг бошқа ташкил этувчисига нисбатан устувор дахлдорликка эга бўлади: *1. Жасур ўғлонларни нега тугасиз? 2. Ана шу кўзларда теварақдаги чироқлар сингари шуълалар милтирар эди.*³

Кўринадик, Ш.Шаҳобиддинова таъкидлаганидек, мисолда кўплик ўзининг ноаниқлик ва бўлинувчанлик белгиси билан яхлит воқеланган. Кўплик оралик грамматик маъноси отнинг қайси маъно турини нутққа олиб кираётганлигига қараб турлича жилваланади. Дона нарса отида у «соф кўплик» (*бу жойларни обод қилиши учун*), «чама- тахмин» (*яқин кунларда*), мавҳум да «кўп, ҳар хил» (*ўтмиш сарқитлари*) тарзида юзага чиқади.⁴ Зикр этилган маъновий кўринишларнинг бир қисмида шакл

¹ Ўзбек тилининг изоҳли Луғати. 2 томли. 1- том / З.Маъруфов таҳрири остида. –М.: Рус тили, 1981. – Б. 130

² Шаҳобиддинова Ш.Х. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. –Б.15.

³ Шаҳобиддинова Ш.Х. Кўрсатилган асар. –Б. 16.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли Луғати. 2 томли. 1- том / З.Маъруфов таҳрири остида. –М.: Рус тили, 1981. – Б.139.

маъноси фарқланиши учун луғавий маънонинг ўзи етарли бўлса, баъзисида синтактик омил кўмагига кучли эҳтиёж сезилади (*ўша пайтлар, булоқ бўйларида, дастлабки вақтларда*).

«Ноаниқ кўплик» умумий грамматик маъноси воқеланишида синтактик ва луғавий омиллар роли ҳақида гап борар экан, баъзи аниқ миқдор ифодаловчи сўз ҳам шаклда гоҳ луғавий, гоҳ синтактик омил сифатида ноаниқ кўплик оралиқ грамматик маъноси учун хизмат қилишини таъкидлаш жоиз: 1. *Адашмасам, унинг бурнига уриб қонатганида уч ёшларда эдим.* 2. *Соат учлар эди.* Биринчи гапда аниқ миқдор ифодаловчи сўз синтактик ва иккинчи гапда луғавий омил сифатида (**-лар**) шакл оралиқ грамматик маъносига таъсир қилган.

Шакл умумий грамматик маъноси жамлик ифодалаганда «миқдорий ноаниқлик» «кўплик» сифатида қолади, бироқ «бўлинувчанлик» «бўлинмас сифат» тарзида юзага чиқади. Бу эса ушбу от «жамлик» сифатида «бирлик» ва «кўплик» оралиқ грамматик маъноси орасидаги бўғин эканлигидан далолат беради: 1. *Қумларни аста сийпалаб юрган шамол.* (Ж. Абдуллахонов). 2. *Дарё кучли қарсиллаб, музлар ёрилди* (Ж. Абдуллахонов). 3. *Ёшлар уюшмаси қандай булиши керак.* 4. *Қариялар уйи.* Маълум бўладики, кўплик шакли саналмайдиган да ҳам, саналадиган да ҳам «жамлик» оралиқ грамматик маъносини юзага чиқаради. Саналмайдиган отни нутққа киритиш асосида «жамлик» оралиқ грамматик маъносини намоён қилишда асос лексеманинг луғавий маъноси, саналадиган да эса синтактик омил (*қариялар уйи* бирикувида *уй, ёшлар уюшмаси* бирикувида *уюшма* каби) устуворлик касб этади.

«Кучайтирилган маъно ифодалаш» ҳам кўплик шакли умумий грамматик маъносига хос оралиқ грамматик маъно бўлиб, бу бир қарашда гўё «миқдор» умумий моҳиятига бевосита дахлдор эмасдек туюлади. Бироқ мантиқан «оз нарсага нисбатан кўп нарса кучлироқ ва устуворроқ аҳамият касб этади».¹ Шу боисдан алоҳида диққат қилиш лозим бўлган ўринда нарсанинг миқдорини кўп қилиб кўрсатиш мақсадида отни гарчи яқка бўлса-да, кўплик сон шаклида бериш ҳоли учрайди. Бу оралиқ грамматик маънони фарқловчи омил сифатида лексеманинг луғавий

¹ Шаҳобиддинова Ш. Кўрсатилган асар. –Б. 15.

маъноси юзага чиқади. Асосан, инсоннинг якка, баъзан жуфт аъзосини ифодаловчи, шунингдек, мавҳум шаклнинг бу оралиқ грамматик маъносини бўрттиради: 1. *Тилларим ачишиб кетди.* 2. *Баданларим музлаб кетди.* 3. *Қовоқларим ёрилай дейди.* 4. *Шодликларим сизмас дилимга.* 5. *Уйқуларим қочиб кетди.*

Демак, хулоса қилиш мумкинки, кўплик сон шакли оралиқ грамматик маъносини воқелантиришда луғавий омил устувор бўлиб, бу шаклда омил нисбати бирлик сон шаклидагига нисбатан тескари нисбатда.

Сон шакли парадигматикаси. Сон категориясининг бирлик ва кўплик шаклининг умумий ва хусусий грамматик маъносини кузатиш унинг бирлаштирувчи ва фарқловчи жиҳати ўзига хослиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўлади. Аввало бу шакл ифодалайдиган сифатий ва миқдорий белгисининг ўзига хослигига кўра фарқланади.

Шаклнинг биринчи оппозитив белгиси миқдор маъносини ифодалашида кўзга ташланади. Бирлик сон шакли ҳам, кўплик сон шакли ҳам жамлик маъносини ифодалайди. Бироқ бирлик сон шаклидаги жамлик бўлинмасликка мойиллиги билан, кўплик сон шаклидаги сифат бўлинувчанликка мойиллиги билан характерланади. Чунки кўплик сон шакли кўпроқ бўлинувчанликни ифодалашга хосланган ва кам ҳолда бўлинмасликни ифодалайди – бирлик сон шакли эса бирликни ҳам, кўпликни ҳам ифодалайверади. Буни тилшунос Ш.Шаҳобиддинова қуйидагича тавсифлайди: “Кўплик шаклига бўлинувчанлик ва бўлинмасликни ифодалаш бирдай хос. Унинг бири рўёбга чиққанда, иккинчиси хиралашади, аммо бутунлай йўқолиб кетмайди, қулай шароит туғилиши билан дарҳол юзага чиқади. Масалан, қиёсланг: 1. *Одамларнинг таоми ҳам турли туман бой.* (А.Орип.). 2. *Ёпирилиб келарди одамлар гужгон....*(А.Орип.). –лар шакли орқали биринчи мисолда жамлик – умуман одам, иккинчи мисолда эса чегараланган, бўлинувчан ноаниқ миқдорий кўплик маъноси ифодаланган. Аммо биринчи мисолда ҳам нутқий шароит талаби билан бўлинувчанлик юзага чиқиши мумкин бўлганидек, иккинчи мисолдаги сўзшакл ҳам бўлинмас сифат – жамликни ифодалай олади. Шунга кўра, жамлик маъноси қатъий бўлиши лозим

ҳолда –лар эмас, бирлик сон шакли қўлланади: *Орзу билан тирикдир одам*.
...(Шухрат).¹

Шаклнинг соф категориал маъноси – кўпликни ифодалашда ҳам бу шакл ўзига хосликка эга. Бирлик сон шакли бирлик миқдорни ҳам, кўплик миқдорни ҳам тўғридан-тўғри англатаверади. Айниқса, тилдаги тежам қонунияти бунга кенг йўл очади. Кўплик сон шакли бирлик маъносини ифодалаганда ҳам (*тилларим, юракларим*), айтилганидек, кўплик умумий грамматик маъносининг таъсири сезилиб туради.

Шаклнинг сифатий белги ифодалашда ҳам ўзига хослик бор. Бирлик сон шаклида миқдорий кўплик бўлинмас сифатий тавсифга эга бўлса, кўплик сон шаклида ҳам бўлинмас (сувлар, қонлар), ҳам бўлинувчан (йигитлар, китоблар) табиатга эга. Шунингдек, бирикувчи сўзнинг таъсирида ҳам шаклнинг сифатий табиатида жиддий ўзгариш юз беради. Аниқ миқдор билдирувчи сўз бирлик сон шаклидаги бўлинувчан кўпликни воқелантирса, саналмайдиган жисм оти билан бирикув натижасида бўлинмаслик юзага чиқади. Бирлик сон шакли аниқ миқдор билдирувчи сўз билан ҳам, ноаниқ миқдор билдирувчи сўз билан ҳам бирикаверганлиги каби, кўплик сон шакли фақат ноаниқ миқдор ифодаловчи сўз билангина бирика олади. Сон категорияси шаклнинг хусусий маъноси ва парадигматик муносабатини кузатиш асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

– бирлик сон шакли ҳам аниқ, ҳам ноаниқ миқдор маъносини ифодалай олади, кўплик сон шаклида эса миқдор ҳамиша ноаниқдир;

– бирлик сон шакли миқдорий белги қандайлигидан қатъи назар сифатий бўлинмасликни ифодалайди, кўплик сон шакли эса миқдоран ноаниқ нарсанинг ҳам бўлинмас, ҳам бўлинувчан сифатини кўрсатаверади.

Буни жадвалда қуйидагича бериш мумкин:

Шакл	Миқдор тавсифи	Сифат тавсифи	Жами
Бирлик сон	аниқ/ноаниқ (0)	бўлинмас (+)	0 +

¹ Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б. 106.

шақли			
Кўплик сон	ноаниқ (+)	бўлинмас/бўлинувчан (0)	+ 0
шақли			

Демак, бирлик сон шақли аниқ ва ноаниқ миқдорни бирдай, бўлинмас ҳолда, кўплик сон шақли эса бўлинмас ва бўлинувчан сифатни бирдай, ноаниқ ҳолда ифодалайди. Бу эса ҳар бир шаклнинг умумий грамматик маъносидир:

1. Бирлик сон шақли: “аниқ ва ноаниқ бўлинмас миқдорни ифодалаш”;

2. Кўплик сон шақли: “бўлинувчан ва бўлинмас ноаниқ миқдорни ифодалаш”.

Ҳар бир шаклга хос умумий грамматик маъно нутқда матн, нутқ вазияти ва қуршовга боғлиқ равишда турли-туман кўринишда воқеланади. Беҳисоб нутқий маънонинг асоси эса ўта содда ва жўн: “аниқ/ноаниқ миқдорни бўлинувчан/бўлинмас кўринишда ифодалаш”. Бу сон категориясининг икки шакл умумий маъносидан синтезланадиган лисоний моҳияти – умумий грамматик маъноси.

4- §. Шахсий муносабат категорияси

Шахсий-муносабат категорияси ҳақида умумий маълумот. Шахсий муносабат категориясига оид шакл сўзловчининг объектив борлиққа ва ўз нутқида ижобий ёки салбий муносабатни ифодалашга хизмат қилувчи восита.

Шахсий муносабатнинг, кичрайтириш, эркалаш, хурматлаш, камситиш, кучайтириш маъносининг турли хил кўшимча ёки аффиксоид ёрдамида ифодаланиши ўзбек тилида кенг тарқалган. Масалан, *қизча, йигитча, келинчак, қўзичоқ* каби сўздаги **-ча, -чак, -чоқ** кўшимчаси кичрайтириш маъносини англатса, *болагина, укажон, холажон, акахон, Раҳимбой, Кўчқортой, Гулсинбиби, Раънохон, Мохирабону* сўзидаги **-гина, -жон, -хон, -той, -бой, -биби, -бону** каби аффиксоид эркалатиш (кўп ҳолда) ва камситиш (баъзан) маъносини келтириб чиқаради. Демак,

шахсий муносабат шаклини кичрайтириш, эркалаш ва ҳурматлаш маъносини билдирувчи деб икки катта гуруҳга бўлиш лозим.

Ўзбек тилида шахсий муносабат ифодалашнинг учинчи тури ҳам бор: у **-лар** кўшимчасини қавм-қариндошлик билдирувчи сўзда эгалик кўшимчасидан сўнг келтириш билан ҳосил қилинади: *опамлар, дадамлар, амакимлар, бобомлар* каби. Бунда ҳурматлаш маъносида ҳурмат шакли юзага келади.

Бундай гуруҳлаш бир жиҳатдангина тўғри, чунки шахсий муносабат шакли ўз ичида лексик-грамматик куршов, нутқий муҳит, оҳанг, фикр кимга қаратилганлиги билан боғлиқ равишда яна турли-туман маъно нозиклигини келтириб чиқариши ёки айрим шакл ҳам кичрайтириш, ҳам эркалатиш, камситиш, ҳурматлаш маъносини англантиши мумкин. Масалалан, *дўндиқча, келинчак* типигаги сўз ҳам кичрайтириш, ҳам эркалаш ва ҳурматлаш маъносини ифодалаш мумкин.

Шахсий муносабат категориясига оид шакл фақатгина кичрайтириш, эркалаш ва ҳурмат маъносинигина билдирмайди, балки бундан ҳам бошқа ҳис-ҳаяжон (муносабат) маъносининг келиб чиқишида иштирок этади. Модал маъно гапирувчининг ёши, ижтимоий ўрни ва у ким ҳақида гапираётганлиги билан боғлиқ равишда ўзгариши мумкин. Хуллас, шахсий муносабат категорияси шаклининг англантилган маъносига қараб, унинг гуруҳи ўртасига қатъий равишда чегара қўйиш мумкин эмас. Айниқса, кичрайтириш ва эркалаш маъноси бир-бири билан шу даражада чатишиб кетганки, уни бир-биридан чегаралаш қийин.

Шахсий муносабат категорияси сўзнинг лексик маъносини ўзгартириб юбормайди (унинг сўз ясовчилик воситаси (*ўргимчак, қўғирчоқ, кўрпача, боғча* каби) бундан мустасно), балки асосдан англашилган маънога кўшимча (коннататив) маъно киритади, яъни *стул* ва *стулча* иккита сўз бўлса ҳам, асосан битта нарсани (стулни) билдиради.

Шахсий муносабат ифодаловчи шаклда услубий бўёқ очик-ойдин сезилиб туради. Шунинг учун шоир ва ёзувчи образ ва персонажнинг характер-хусусиятини очишда, унинг нутқини ўзига хослашда (индивидуаллаштиришда) шахсий муносабат шаклига мурожаат қилади. Шахсий муносабат шакли кўпроқ бадий нутқ ва сўзлашув нутқи учун характерли тасвирий восита.

Хуллас, шахсий муносабат шаклининг услубий қиймати унинг турли хил маъно нозиклигини ҳосил қилиши, баҳолаш хислатига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Шахсий муносабат маъносини ҳосил қилишнинг фонетик, лексик, лексик-грамматик хусусияти ҳам бор, лекин ўзбек тилида шахсий муносабат маъноси асосан морфологик усул билан – яъни сўз асосига шахсий муносабат маъносини ифодаловчи турли хил қўшимчани ёки аффиксоидни қўшиб ҳосил қилинади.

Шахсий муносабат категорияси тадқиқи тарихидан. Шахсий муносабат категориясига оид морфологик шакл қадимги туркий (V–VII аср), эски туркий (XI–XIV асрнинг 1- ярми) даврига оид ёзма ёдгорлик тилида ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамовнинг «Қадимги туркий тил» (Т., 1982) китобида қадимги туркий тилда **-ак (-ак), -қи (-қи), -чиқ (чик), -ч** каби кучайтириш ва эркалаш қўшимчаси: *йўл-йўлак* («сўқмоқ»), *ўғлан-ўғланчиқ* («йигитча»), *ата-атақи* («отажон»), *ата-атач* («отагина») каби шакл мавжудлиги кўрсатилади.

Ўзбек тили тарихида «Эски ўзбек адабий тили» (XIV асрнинг 2-ярми - XIX асрнинг 2-ярми) даври шахсий муносабат категориясини ташкил этувчи шаклнинг ранг-баранглиги ва маъно кўламининг кенглиги билан ажралиб туради.

-қина (-ғина, -гина) қўшимчаси. Махмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» асарида **-қина (-ғина, -гина)** қўшимчасида кичрайтириш билан бирга эркалаш маъно кирраси ҳам ифодаланиши айтилади. Эски туркий тил (XI аср) да бу қўшимчанинг **-қина (-қина)** шаклда қўлланиши ҳам учрайди. Масалан: *ўғулқийа* (*ўғилча*), *қизқийа* (*қизча*), *арқийа* (*кичкина киши*), *ерқийа* (*кичкина ер*)¹.

Шу замон тилида эркалашни билдирувчи **-қи** қўшимчаси ҳам мавжуд эди. Масалан, *отоқи* (*отагина*), *опоқи* (*опагина*, *суюкли опа*) каби. Бу қўшимча ҳозирги тилда қўшимчалик ҳолатини йўқотган бўлиб, Тошкент шевасидаги *опоқи* сўзи яқинлик, қариндошиқ билдирувчи туб сўз (тарихан ясама сўз) тарзида тасаввур этилади.

¹ М.Кошғарий. Девони луғотит турк. 3- том. 184–185- бетлар.

-кина (-гина, -гина) кўшимчасининг отга кўшилиб кичрайтириш, эркалалаш шаклини ҳосил қилиши ҳақида Абулғози Баҳодурхоннинг «Шажараи турк» асарида берилган қуйидаги изоҳ эътиборни тортади: «*Лафзи жон араб тили турур. Тоҗик хуш дер ва ўзбак тан теюр. Ул «кичиккина» маънисина бўлур. Ўзбак ани -гина теюр, гоҳи -гина (-кина) теюр, нечукким, кичик атни атгина, ва кичик кишини кишигина теюр*».

Мазкур кўшимчанинг қадимги ва эски туркий тилдаги шакли (кўрсаткичи), унинг грамматик ва семантик хусусияти ҳақида қисқа, лекин ҳамма белгисини қамраб олган фикрни профессор А.Ғуломов айтган: «**-гина** аффикси. Бу элемент қадимги ёдгорликда **-кийа, -кийа** формасида учрайди. Эски ўзбек тилида у **-гина, -гина; -кина, -кина** формасида учрайди. Ҳозирги ўзбек тилида бу аффиксининг асосий формаси **-гина . -гина** аффикси кенг маънода кичрайтириш маъносининг модификациясидир (маънонинг торайиши). Биз умуман гапга тааллуқли бўлган **-гина** модал юкламасини ва биргина сўзга тааллуқли бўлган худди шу аффиксни фарқлаймиз. Биринчи ҳолатда чегаралаш маъноси (фақат) англашилади, иккинчи ҳолатда у кичрайтириш-эркалатиш аффикси сифатида кўринади. Ҳозирги замон ўзбек тили бу икки маънони фарқлаш учун фонетик воситадан фойдаланди: чегаралаш, айириш (фақат) маъносидаги **-гина** аффикси урғусиз, бошқа ҳамма ҳолатда у урғуни сақлайди. Бу элемент ҳамма сўз туркумига кўшила олади... Унинг ёрдамида предмет, белги ва ҳаракатнинг «субъектив баҳоси» ифодаланади (форма ясалиши)».

-ан кўшимчаси. Эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили манбасида учрайдиган **-ан** кўшимчаси икки ҳил талқин қилинади: 1) кўплик кўшимчаси; 2) кичрайтириш-эркалалаш кўшимчаси.

Махмуд Кошғарийнинг «Девони Луғотит турк» (индекс) охирига илова қилинган «Грамматик кўрсаткич»да ҳам, Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров томонидан ёзилган «Грамматик очерк»да ҳам **-ан** кўплик кўрсаткичи сифатида талқин қилинган: *ўглан иглашди, эран урпашди* каби. Лекин «Грамматик очерк»да *ўглан, эран* сўзи бирликни кўрсатиш учун ҳам қўлланганлиги айтилиб, *ўглан эритти, қурч эран* мисоли келтирилади. «Индекс»нинг бир ўрнида (190- бетида) *ўглан* сўзи 1) ёш ўғил бола, 2) болалар изоҳланади. Демак, **-ан** кўшимчаси икки вазифада (кичрайтириш

ва кўплик) қўллангани эслатилади. Лекин «Девон» нинг ўзида **-ан** кўшимчасининг кичрайтириш маъносида изоҳланганини учратамиз: *ўглан биликсиз-ёш* болада ақл йўк, *иккиз ўглан-эгизак* бола (Индекс, 141,160).

Кўринадика **-ан** кўплик кўшимчаси деб ҳисобланган ўринда таркибида *ўглан, эран* сўзи бўлган бирикманинг ҳоким компоненти феълнинг биргалик нисбати шаклида, **-ан** бирлик деб ҳисобланган ўринда эса феъл сўз аниқлик нисбат ва бирлик шаклида. Демак, *ўглан, эран* сўзининг бирлик ёки кўпликни кўрсатиши у билан боғланган феъл орқали аниқланади, бирликда қўлланганда кичрайтириш-эркалаш маъносини беради.

Бу ҳақда проф. А.Ғуломов ёзади: «Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк»и ҳақида кўп гапирилади-ку, лекин унга танқидий ёндашиш ҳақида индалмайди, ундаги хато чуқур анализ билан тўла, очик кўрсатилмайди. Масалан, Маҳмуд Кошғарий *ўглон* сўзидаги **-он** аффиксини кўплик кўрсаткичи деб изоҳлайди (тожик тилидаги кўплик кўрсаткичи **-он** каби). Ҳолбуки, бу аффикс кичрайтириш-эркалаш билдирадиган маълум **-ан** морфемасидир»¹. «Девон»нинг ўзидаги мисол ҳам 11- асрда туркий тилда **-ан** кўрсаткичининг кўпроқ кичратйиришни билдирадиган кўшимча эканини исбот қилади.

Бугунги ўзбек тилида **-он** (тарихий **-ан**) кўшимчаси маъносида силжиш юз берган: «катталаштириш», «улуғлаш». *Ўглон* сўзи ҳозирги ўзбек тилида ҳам асосан ёш кишига ишлатилади, аммо ўзбек тилида у катталаш-эркалаш маъносини ифодаловчи восита сифатида қўлланмоқда. Мисол: 1. *Залнинг тўрида, кичкина холдор бир эшикча ёнида, атлас кўрпача устида ўн беш ёшлар чамалик қизил духобадан кийинган кўркам бир ўглон палов еб турар эди* (А.Қод.).

2. *«Ўзбекистон» номли тулпорда ўглон*

Оппоқ тўлқинларда этарди парвоз...

Ёвни пулемётдан қийратган ўглон,

Анави эмасми менинг жигарим (Ҳ.Ғ улом).

¹ Ғуломов А.Ғ. Республика олий мактабларида ўзбек тилшунослиги дисциплиналари // Ўзбек тили нутқ маданияти масалаларига бағишланган республика тилшунослик конференцияси. –Т., 1969, 54-бет.

-чак (-чак, -чик) қўшимчаси эски туркий тилда ҳам, эски ўзбек адабий тилида ҳам кичрайтириш ва эркалаш шакли сифатида кўзга ташланади: *бақачуқ* (бақанинг кичкинаси)¹, *келинчак* (ёш, янги келин, Фурқат).

Ўзбек тилида **-чак, -чок, -чик** морфемали сўз (*ўргимчак, луччак, аргимчоқ, қўғирчоқ, ўқчиқ* каби) борки, у ҳозирги замон ўзбек тили нуқтаи назаридан асос ва қўшимчага ажратилмайди. Лекин, шунга қарамасдан, бу сўз таркибидаги қўшимча, барибир, сўзга кичрайтириш оттенкасини ишора қилиб туриши сезилади.

Ўзбек тилида каммаҳсул ҳисобланадиган, ҳатто баъзиси ўз вазифа ва маъносини йўқотган қўшимча борки, у ўзбек адабий тилида жуда кам қўлланади. Баъзисининг, масалан, **-как** (*эркак, хуркак, жиккак*), **-гай** (*қудагай*), **-к** (*ойнак*), **-чин** (*барчин*) кичрайтириш қўшимчаси эканлигини аниқлаш учун диахроник кузатиш олиб бориш талаб қилинади.

Ҳозирги ўзбек тилида кичрайтириш маъносини ифодаловчи **-ак** қўшимчаси ҳам бор. У, бир томондан, тожик тилидан қабул қилинган *мўйчинак, гаиштак, даиштак* каби сўзда, иккинчи томондан, соф туркий-ўзбекча *канизак, қирмизак, тугунак, шаршарак* каби сўз таркибида ҳам учрайди.

Тарихан жуда каммаҳсул, аммо кичрайтириш оттенкасига эга бўлган бир неча кўрсаткич борки, унга ҳозирги ўзбек тилидан айрим мисол келтириш билан чекланамиз.

-ка қўшимчаси: *Лекин,-деди кулиб,-ўриснинг яхшиси энди келибди: йўлкада тўқнаш келиб қолсанг, четланиб йўл беради* (А.Қаҳ.).

-кай қўшимчаси: *Онанг омонми, хотининг, болакайинг қалай, дудрустми?* (Назармат).

Илгари кенг қўлланишда бўлиб, кичрайтириш, эркалаш, ҳурматлаш маъноси учун хизмат қилган қўшимча борки, у ҳозирги замон ўзбек тилида деярли учрамайди. Масалан, **-(а)ч** қўшимчаси «Девону луғотит турк»да қуйидаги маънога эга: *ўғулич (улич)-ўғилча, атач ўғул* (ўзини катта кишидек кўрсатувчи ўғил), *анач* (она қиз, яъни ўзининг зийраклиги, ақли

¹ М.Кошғарий. Девони луғотит турк. 3- том, –Т.:ФА нашри. 1963. 246- б.

билан барчанинг онасидек ҳисобланувчи ёш қиз), *экач* (зийрак қиз), *бекач* (шаҳзода).

Бекач «юқори табақага мансуб бўлган аёл» маъносида бека сўзидан ясалган бўлиб, «севикли, ҳурматли қиз» маъносини англатган: *бекач арслан тегин* каби.¹

*Ишққи, бўлса ёмону яхшидин, эй кўнгул,
Йўқ тафовут гар бекач бўлса ва ёхуд гар мирак*
(Навоий).

Хулоса қилиб айтганда, шахсий муносабат маъносини ифодаловчи шакл ва унинг маъно доираси ўзбек тили тараққиёти давомида ўзгариб борди, унинг кўпчилиги ҳозирги тилмизда истеъмолда эмас, баъзиси давр оша лексик асос таркибида синтезлашиб, унинг ажралмас қисмига айланиб қолган.

Шахсий муносабат категорияси шакли. Кичрайтириш шакли. Кичрайтириш маъносига эга бўлган луғавий шакли **-ча, -чок, -чак, -чик** қўшимчаси билан ҳосил қилинади.

Кичрайтириш маъносини ифодаловчи қўшимчани олган сўз, ўз лексик маъносига алоқадор бўлган ҳолда, қўшимча равишда кичикликни ҳам билдиради: 1. *Чироқни тўнтариглик товоқчага қўйиб, ўзи сандалга ўтирди* (М.Исмоилий.) 2. *Кўлида бир тугунча, қаттиқ босган бағрига, Сўйлагил эй келинчак, бунча чопасан нега?* 3. *Оппоқ капалакчалар ер-у кўкни тўлдириб тўзиб кетган кумуш қанотчасини оҳиста силкитиб чарх уришарди* (Э.Усмонов). 4. *Бир кун кўрмаганига саман йўрға уйда қолган тойчоғини қўмсаб йиғляпти* (М.Муҳамедов).

1. **-ча** қўшимчаси. Бу қўшимча ёрдамида ясалувчи луғавий шакл асосан кичрайтириш маъносини ифодалайди: *куракча, қушча, кўзача, ўрдакча, китобча, супача* каби. Масалан: 1. *Ойиси уни зўрға тутиб туриб, майкаси устидан оқ шойи қўйлакчасини аранг кийгизди* (Н.Аминов). 2. *Бетма-бет келганимдагина мен унинг қучогидаги ўша оппоқ бароқнинг қучукча эканини кўриб қолдим* (С.Зуннунова). 3. *Ҳовузча лабига бориб, сувда қичиқ манзарани кўрди... Тикилиб қараса, тўрт энлик-тўрт энлик келадиган сап-сариқ балиқчалар* (Ҳ.Наз.).

¹ М.Кошғарий. Девони луғотит турк. 1- том, –Т.: ФА нашри. 1961. 339- б.

Баъзан **-ча** кўшимчасини олган сўз кичиклик маъносини ифодаловчи *жажжи, кичкина, кичгинагина* каби сўз билан кўшиб ишлатилади (аниқловчига эга бўлади). Бундай ҳолатда кичрайтириш маъноси янада бўрттирилади. Масалан: 1. *Саври хола ошни сузиб келтирди, кичкина ликончада Қобилжонга солиб, устига гўшт майдалаб берди* (Р.Файзий). 2. *Ваҳобжон жажжи кроватча олиб келди, бўлмади...* (Р.Файзий). 3. *Олти қарич кенгликда узундан узоқ тор кўча, тор кўча бетида кичкинагина эшикча бор эди* (А.Қод.). 4. *Мунчоқ кўзини кўзингга тикиб, оппоқ кичкинагина кўлчасини чўзиб, ёқангни тортқилайди...* (С.Зуннунова).

Демак, **-ча** кўшимчаси кичик нарсани ифодаладиган сўзга кўшилса, кичрайтириш маъносини юзага келтиради, бу шаклдаги сўз олдидан кичрайтириб кўрсатувчи аниқловчи қўлланса, кичрайтириш билан бирга эркалатиш маъно қирраси ҳам ифодаланади. Берилган уч қатордаги сўзнинг маъноси тенг эмас:

<i>эшик</i>	<i>эшикча</i>	<i>кичкина эшикча</i>
<i>сингил</i>	<i>сингилча</i>	<i>кичкина сингилча</i>
<i>қалпоқ</i>	<i>қалпоқча</i>	<i>кичик қалпоқча</i>
<i>кўл</i>	<i>кўлча</i>	<i>жажжи кўлча</i>

Биринчи устундаги сўзда кичрайтириш маъноси йўқ, иккинчи қатордаги сўз кичрайтириш маъно оттенкасига эга, учинчи қатордаги сўзда эса кичрайтириш маъносига кўшимча равишда сўзловчининг шахсий муносабати ҳам ифодаланди: кичрайтириш-эркалатиш маъноси келиб чиқди.

-ча кўшимчаси жонли нарсани англатувчи отга ҳамда тана аъзоси номига кўшилганда сўзда фақат кичрайтириш маъноси эмас, балки эркалатиш маъноси ҳам вужудга келади. Масалан, 1. *Қиз умид билан кўтарган бошчасини яна ёстиққа қўйди* (М.Исмоилий). 2. *«Қани бўлмаса, тингла, ўғилча» – дейди чол ва йўталиб тарихини бошлайди* (Ойбек).

Мисолдан кўришиб турибдики, **-ча** кўшимчасини олган сўз кичрайтириш ва эркалаш маъносига эга бўлган. Кичрайтириш-эркалаш маъносини жуфт ҳолда ифода этилиши кўпроқ сўзнинг луғавий маъноси билан боғлиқ.

Кичрайтириш билан эркалашнинг жуфт ҳолда ифода этилишида контекст ва оҳанг ҳам маълум бир вазифани ўтайди. Унинг таъсирига

кўра гоҳ кичрайтириш маъноси, гоҳ эркалаш маъноси яқолланиши мумкин. Масалан, *чиройлигина қушча* бирикмасида кичрайтириш маъносига нисбатан эркалаш маъноси устунроқ, *кичкинагина қушча* бирикмасида эса, аксинча, аниқловчи ёрдамида кичрайтириш маъноси биринчи ўринга ўтиб, эркалаш маъноси кучсизланади.

Қуйида келтирилган мисолда **-ча** қўшимчаси контекст билан боғлиқ равишдагина кичрайтириш-эркалаш маъносини англатишга ҳизмат қилади: 1. *Булбулчадан ўргилиб кетай!* (В.Ғафуров). 2. *Тентак қизча фалокат келтиришига сал қолди-я! Ҳа, хотинча, йўллари бўлсин?* (С.Аҳмад).

Мана бу мисолда эса **-ча** қўшимчаси қўшилиб келган сўзнинг ўзида кичрайтириш, баҳо оттенкаси сезилади, **-ча** эса баъзан шу маънони кучайтириши учун ҳизмат қилса, баъзан асосдаги маънога қўшимча эркалаш оттенкасини келтириб чиқаради: 1. *Бир тойча ориқ оёқларини сув ичида кериб, сув ичарди.* 2. *Жўжача расми солинган бу суратдан қаламини маҳкам ушлаб Абдулҳамид қараб туради* («Ҳ.Олиимжон ҳақида эртақлар» китобидан). 3. *Чақалоқчаси - ўғилча, кўзлари қоп-қора маржондай...* (Газетадан).

Бу мисолдаги *той, жўжа, чақалоқ* сўзининг ўзи алоҳида синганда ҳам, қиёсан кичик нарсани кўрсатади, ундаги **-ча** қўшимчаси эса кичрайтириш маъноси билан бирга ўша ўша нарса буюмга сўзловчининг муносабатини ҳам ифодалайди, салбий ёки ижобий шахсий муносабатини англатишга ҳизмат қилади.

-ча қўшимчаси воситасида шахс билдирувчи дан эркалаш шакли ясалганда, кичрайтириш билан бирга ҳурматлаш ёки камситиш маъноси ифодаланиши мумкин. Лекин бу маъно кичрайтириш маъносига қўшимча тарздаги, сўзнинг луғавий маъноси ва бошқа нутқий фактор таъсирида келиб чиқадиган маъновий оттенка бўлади: 1. *Сизни қобил, эсли-ҳушли йигитча деб ким айтади?!* (Ҳ.Наз.) 2. *Сал ўзингизни босиб олинг, йигитча!* (Ҳ.Наз.). 3. *Қизиқ эртақ экан, отинча, энди зерикмайдиган бўлдим* (Ойбек). 4. *Бу отинча ҳам ўша тоифадан* (С.Анорбоев).

Нутқий шароитга кўра бу қўшимча объектга субъектнинг салбий шахсий муносабатини билдириши мумкин. Бундай вақтда маъно сўзловчининг нарса-воқеага нисбатан ўзини устун қўйиш ҳиссиётига

асосланади: сўзловчи тингловчини маълум сўзга **-ча** кўшимчасини кўшиш ва оҳангни ўзгартириб талаффуз қилиш орқали камситади: 1. *Қани, Жамшидча, доскага чиқ,-деди ўқитувчи* («Шарқ Юлдузи»дан). 2. *Қани гапир, галстуг таққан махсимча!* (Мирмуҳсин). 3. *Хўш, бой, хотинчангизга раҳмингиз келдими?* (Ҳамза)

Нутқимизда **-ча** кўшимчаси қиз сўзига кўшилганда, асосан кичрайтириш-эркалаш маъносини, йигит сўзига кўшилганда, асосан кичрайтириш-камситиш маъно қиррасига эгадир: 1. *Сотиболди қизчасини унинг ёнидан олиб, бошқа ёққа ётқизаётганда қизча уйғонди ва кўзини очмасдан одатдагича дуо қилди: Худоё, аямди дайдига даво бейгин...* (А.Қаҳ.). 2. *-Сен, йигитча дейман, мактаб очаман деб мунча катта кетмасанг?!* (Ч.Айтматов)

Лекин, нутқ шароитига боғлиқ равишда, йигит сўзига кўшиладиган **-ча** баъзан ижобий муносабат ҳам ифодалаши мумкин, аммо қиз сўзига кўшиладиган **-ча** сўзининг салбий муносабат ифодалаши йўқ даражада.

-ча кўшимчаси билан ясалган кичрайтириш шакли янги лексик маъно касб этиши, янги сўзга айланиши мумкин. Бунда кичрайтириш маъноси йўқолади: *шолча, кўрпача, боғча, декча* каби. Масалан: 1. *Абдулла муздек беқасам кўрпача устига чўзилди* (Ў.Усмонов). 2. *Аммамдан яшириб оишхонага кирдим-да, катта хурмачани кўтариб, бозорга келдим* (Ғ.Ғулом). 3. *Ойиси ортиқча жом, декчаларни кўрсатиб «хоҳлаганингча ола қол» деган экан* (Х.Нўъмон). 4. *Тагин қози поччангиз сизга янги аяча топган бўлмасин, Холматжон!* (Ҳамза). 5. *Нафиса опа илгари болалар боғчасида мураббия бўлиб ишларди* (Мирмуҳсин).

Кичрайтириш-эркалаш шаклини ҳосил қилувчи **-ча** ни сифат, равиш ясалишида ва мураккаб сўз ясовчи кўшимча таркибида келадиган **-ча** кўшимчасидан фарқлаш лозим.

-чоқ, -чак кўшимчаси. (1 Эски ўзбек тили манбасида ва ҳозирги айрим шевада бу кўшимчанинг **-чиқ** варианты ҳам учрайди.) Бу кўшимча турли сўзга кўшилиб кичрайтириш, шунингдек, эркалаш маъносини ифодалайди: *қўзичоқ, тойчоқ, келинчак, тугунчак* каби. Масалан: 1. *Акрамнинг чиройли рангпар юзидаги табассум, гўё қоракўл қўзичоқнинг баррасидай жингалак-жингалак сочига шула солиб ялтирарди* (С.Анорбоев). 2. *Бир кун кўрмаганига саман йўрға уйда қолган тойчоғини*

эслаб кишняпти (М.Мухамедов). 3. *Үйинчи ёш қиз каби тароватли, келинчак* каби кўркам, *ёр* каби дилдор эди (М. Исмоилий).

Бу қўшимча кичрайтириш маъносидан ташқари сўзловчининг у ёки бу нарса-воқеага нисбатан бўлган шахсий муносабатини ҳам ифодалаш мумкин. Бу эса мазкур қўшимчани олган асоснинг ўзидаги маълум даражадаги кичрайтириш маъно қирраси билан изоҳланади.

Кичрайтириш-эркалаш маъноси -чак, чоқ қўшимчаларини олган сўздан аввал турли хил аниқловчи-эпитетни кнелтириш ёки шу қўшимча шаклидаги сўздан сўнг **-дек**-**дай** қўшимчасини келтириш билан юз беради. Бошқача айтганда шахсий муносабат ўхшатиш нарса-ҳодисага -**чак**, **-чоқ** ни қўшиб кичрайтириш орқали юзага келади. Масалан, *қўғирчоқдек қиз, қўғирчоқдай бола, келинчакдай баҳор, сулув келинчак, шўх қўзичоқ*. Мисол: 1. *Шу ёшлик, шу чирой, умринг баҳори, Сарғайиш билмасин сулув келинчак*. (Зулфия). 2. *Саман **тойчоқ** ниҳоят йилқиларга келиб қўшилганида Турғун билан Танабой уни тинч қўйишди* (Ч.Айтматов). 3. *Тўйган қўзичоқдай ухлаб ётар эди* (А.Қаҳ.). *Баротни кўринглар қўғирчоқдек ясанган бойваччани қўлга туширибди* (З.Самадий).

-чак, **-чоқ** қўшимчаси баъзан қўшилган сўз орқали ифодаланган нарса-буюмни кўрсатувчи сўз метафорик равишда ишлатилиб, у орқали киши тушунилади. Сўзловчи бу ўринда нарса-буюмни кичрайтириш эмас, балки метафора орқали ифодаланган кишига нисбатан шахсий муносабатини, ўз ҳис-ҳаяжонини ифодалашни мақсад қилиб қўяди. Масалан: 1. *Қарангки, менинг ўрнимни ақли норасо мана бу қўғирчоқ эгаллабди!* (Р.Тагор). 2. *Сиз, қўзичоқларим, фуқаронинг пешвоси бўласиз...* (Ғ.Ғулом). 3. *Ҳа, **тойчоғим**, нега ухлмаяпсан?* (Ч.Айтматов). 4. *Алла болам, алла-ё, қўзичоғим алла-ё, Эркин юртда туғилган қулунчоғим алла-ё.* (Қўш.).

Ҳозирги ўзбек тилида *ўргимчак, беланчак, сўкчак, лўпчак, бурчак, луччак, кемирчак; мунчоқ, аргимчоқ, қўғирчоқ* каби **-чак**, **-чоқ** морфемали сўз борки, у лексик морфема ва қўшимча морфемага ажратилмайди, демак, тарихий сўз ясалиши ҳодисаси сифатида изоҳлаш мумкин.

Демак, да шахсий муносабат категориясининг бир кўриниши бўлган кичрайтириш шакли **-ча**, **-чоқ**, **-чак** қўшимчасидан иборат бўлиб, у луғавий асоснинг лексик маъносига алоқадор бўлган кичрайтириш,

кичрайтириш-эркалаш ва киноя-камситиш маъносини ҳосил қилади. Киноя-камситиш маъносини нутқий шароит ва оҳанг юзага келтиради.

Эркалаш шакли. Ўзбек тили, бошқа туркий тилдан фарқли ўлароқ, эркалаш маъносини ифодалаш учун махсус-яъни кичрайтириш билан алоқадор бўлмаган қўшимчага эга. Ўзбек тилида хилма-хил лексик маъноли дан эркалаш шакли яшаш мумкин.

Бу гуруҳга кирувчи шахсий муносабат шакли сўзда, асосан, эркалатиш маъносини келтириб чиқариш учун хизмат қилади. Аммо у нутқий шароит, урғу, оҳанг билан боғлиқ равишда кичрайтириш, пичинг, кесатиш, киноя маъно оттенкасини ифодалашда ҳам иштирок этади.

Отнинг эркалаш маъносига эга бўлган луғавий шакли **-гина (-кина, -қина), -жон, -хон, -бой, -бек, -қул, -той, -ой, -бека, -пошша, -биби, -бону, -нисо, -пари, -гул, -лоқ** каби қўшимча воситасида ҳосил қилинади.

Эркалаш маъноли шахсий муносабат шаклини семантик мундарижасига кўра уч катта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Эркак ва аёл жинсини билдирувчи сўзнинг ҳар икки гуруҳига қўшилиб, эркалаш маъносини ифодаловчи шакл (**-гина, -кина, -қина, -вачча, -лоқ**).

2. Эркаклик жинсини билдирувчи сўзга қўшилиб эркалаш маъносини ифодаловчи шакл (**-жон, -бой, -бек, -қул**).

3. Аёл жинсини билдирувчи отга қўшилиб эркалаш маъносини ифодаловчи шакл (**-хон, -ой, -гул, -бону, -бека (бекач), -биби, -нисо**).

1. **-гина (-кина, -қина)** қўшимчаси. га, отлашган сўзга **-гина (-кина, -қина)** қўшимчаси қўшилиб, эркалаш маъносини билдиради. Масалан, *Ойқизгинам, сен билан маслаҳатлашадиган ишларим кўпайиб кетган* (Ш.Рашидов). *Болагинам най чаляпти... кўзимнинг нури* (Газетадан). *Тентаккинангиз савлатлигина йигит бўлиб қайтди-я саллотликдан* (Ғ.Ғулом).

Баъзан кичрайтириш қўшимчаси билан эркалаш қўшимчаси қўшалок ҳолда келиши ҳам мумкин: *Тойчоққинам, хўжалик осонгина тузилмаган... қон тўкканмиз* (Р.Файзий). *Кўзичоққинангни боғчасидан ола келдим...* (Газетадан).

Баъзан **-гина (-кина, -қина)** қўшимчаси маъно жиҳатидан -ча қўшимчасига тенглашиб кичрайиш маъносини беради: *қизгина-қизча,*

қушигина-қушча каби. Бу қўшимчанинг жон қўшимчаси билан ҳам синонимик муносабати кузатилади: *болагинам-болажоним, холагинам-холажоним*.

-гина (-кина, -қина) қўшимчаси отга қўшилиб ҳис-ҳаяжон ифодалашда ҳам иштирок этади, лекин шунда ҳам кичрайтириш-эркалаш оттенкаси мавжуд бўлади. Сўзловчи отга **-гина (-кина, -қина)** қўшимчасини қўшиб, кичрайтириш-эркалаш маъносига ўзининг салбий ёки ижобий муносабатини билдиради: 1. *Ишва бирла ўйнатиб кўз, танда жоним ўйнатур, Тортар ком-кўз етмагандек бағрила ханжаргина* (В.Саъдулла). 2. *Мен ўғлингнинг отини эҳтиёт шартидан Ёдгор қўйдим. Сендан қоладиган туёққина* (Ғ.Ғулом).

Мазкур мисолда **-гина (-кина, -қина)** қўшимчаси эркалаш маъносидан ташқари, ҳис-ҳаяжон англашга ҳам хизмат қилган. Шундай турли маъно бу қўшимчадан сўнг эгалик қўшимчаси қўшилганда янада сезиларлироқ бўлади. Эгалик қўшимчаси ҳис-ҳаяжонни аниқ кўринишига хизмат қилади. Мисол: 1. *Дўстгинам, хаёлан қучаман сени, Хазон даврасида қутаман сени* А.Орип.). 2. *Худоё умргинангиз узун бўлсин, бола-чақаларингиз орзусини кўринг* (П.Турсун). 3. *Оҳ, онагинанг ўргилсин, болам, сен энди саллотга кетаётибсан...* (Ғ.Ғулом). 4. *Бироқ кета олмайди дилгинаси доғмидир, Чунки қай бир бешафқат қўлларга у боғлидир.* (О.Матжон).

От ва отлашган сўзга қўшилиб, асосан эркалаш ва кичрайтириш-эркалаш маъносини ҳосил қилувчи **-гина (-кина, -қина)** қўшимчасини отлашган сифат (*каттагина, чиройлигина, тинчгина, озгингина*), равиш (*озгина, секингина, тезгина, оҳистагина*), олмош (*сенгина, ўзигина, шугина, ўшандагина*), сон (*биттагина, уч мартагина, иккинчисигина, биттачагина*), равишдош (*ийманибгина, қизганибгина, шошмайгина, кўрмайгина*) га қўшилиб, кучайтириш, чеклаш, чегаралаш, айириб кўрсатиш каби маънони берувчи **-гина (-кина, -қина)** қўшимчасидан фарқлаш лозим.

2. **-лоқ** қўшимчаси. Бу қўшимчани олган кичрайтириш-эркалаш маъносини билдиришга хизмат қилади: *чақалоқ, қизалоқ, бўталоқ, тойлоқ* каби. Мисол: 1. *Бўталоқ онасига етолмай қийналиб орқада қолди* 2. *Тугилди-ю тонг чоғида жажжжи чақалоқ, Қўлларини титирлатиб йиғлади*

шу чоқ (Д.Тожиева) 3. *Ҳа, шунча қолди, қизалогим!*-деб икки бармогини кўрсатди (Журн.).

Шахсий муносабат ифодаловчи шундай шакл ҳам борки, у фақат киши атоқли оти ва қавм-қариндошликни билдирувчи сўзга кўшилиб сўзловчининг воқеа-ҳодисага муносабатини билдиради. Бундай гуруҳга кирувчи кўшимча, асосан, эркалатиш ва ҳис-ҳаяжон билдириш учун хизмат қилади.

Эркаклик жинсини билдирадиган ёки шунга алоқадор сўзга кўшилиб, эркалаш маъносини ҳосил қиладиган кўшимчага **-жон, -бой, -бек, -қул, -той** аффикси киради.

Ҳозирги ўзбек адабий тили меъёри ва тарихий миллий анъана нуқтаи назаридан *Раҳим* исмини *Раҳимжон, Раҳимбой, Раҳимбек, Раҳимтой* шаклида, *Аҳмад* исмини *Аҳмаджон, Аҳмадбой, Аҳмадбек* дейиш маъқул.

Эркаклик жинсига оид отга кўшилувчи кўшимча ичида **-жон** жинс учун бефарқ. Бу кўшимча қавм-қариндошликни билдирувчи сўзда эркаклик жинсига оид сўзга ҳам (*отажон, дадажон, бобожон, акажон, укажон, тогажон, амакижон* каби), аёллик жинсига оид сўзга ҳам (*онажон, опажон, холажон, келинжон, овсинжон* каби) кўшила олади. Шунингдек, **-жон** кўшимчаси аёл атоқли отида ҳам учрайди: *Ўғилжон, Қизларжон, Қоражон* каби.

Эркаклик атоқли отига **-хон** шаклининг кўшилиб, *Азизхон, Лазизхон, Мусахон, Алихон, Ботирхон* тарзида кўшилиши, бир томондан шевага оид хусусият бўлса, иккинчи томондан у тарихий миллий анъана билан боғлиқ.

Демак, ўзбек тилида **-жон** ва **-хон** кўшимчасини атоқли доирасида синоним сифатида бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин: *Лазизжон-Лазизхон, Ботиржон-Ботирхон, Ўғилжон-Ўғилхон, Мусажон-Мусахон* каби.

Эслатма: **-бек, -хон, -гул, -ой** аффиксоиди киши исмининг таркибий қисмига кириши, унинг ажралмас компоненти бўлиши мумкин. Бунда эркалаш маъноси ифодаланмайди: *Дурбек, Қушбек, Ойхон, Онажон, Ойгул, Роҳатой* каби.

1. **-жон** кўшимчаси. Бу аффиксоид киши атоқли отидаги каби қавм-қариндошлик атамаси таркибида ҳам, асосан, эркалаш оттенкали шахсий муносабатни билдириш учун хизмат қилади. Мисол: 1. *-Ҳўп, дадажон!*

Раҳмат, дадажон!-деди Ҳилола бошини дадасининг елкасига қўяркан. -
Ўзимнинг доно **дадажоним!** (Ё.Шукуров). 2. *Мени хаёл олиб кетди сенга, онажон!* (Ҳ.Олимжон). 3. *Бувижоним!*-деб ўрнимдан туриб, югуриб юқорига чиқсам, ҳа-ҳа, **бувижоним** белини оқ дока билан боғлаб, бошига лаккисини ўраб олибди (Х.Тўхтабоев). 4. *-Акажон, бормисиз, акажон?!* (С.Аҳмад). 5. *Хафа бўлма, укажон, аканг билан дадангни чақириб юборишади* (С.Кароматов). 6. *Орқангиздан борайми, онажон?-яна пичирлаб сўради ковушфуруш* (С.Улуғзода).

-жон аффиксоиди қавм-қариндошликни билдирувчи сўздан ташқари, муурожаат сўзида ҳам ишлатилади. Бундай ҳолда ҳам сўзловчининг нутқи қаратилган шахсга муносаби ифодаланиб, у ижобий бўлади: 1. *Ўртоқжон, мен сенинг раҳбарлигингда одам бўламан деб, этагингни маҳкам ушлаганман* (А.Қаҳ.). 2. *Э-э, докторжон, бу жойларнинг нимасини айтасиз, турган-битгани мўъжиза* (М.Муҳамедов). 3. *Ўн минг сўмга рози қилдим, тақсиржон, Фақат ҳеч ким билмасин деб ялинди* (Ҳ.Олимжон). 3. *Эй, ўзларими, лаббай, хўжайинжон, Гаплаша олмайман, афсуски, шу он* (С.АбдуҚаҳ.).

-жон шаклидан сўнг баъзан эгалик қўшимчаси қўшилади ва бунда эркалаш маъноси кучаяди: *-Болам, болажоним! Бу сўзни қандай топдинг? Қайси қаландар?..* (О.Ёкубов).

Баъзан **-жон** қавм-қариндошлик билдирувчи сўздан олдинга ўтказилади, у мустақил сўз сифатида кўринади. Эгалик қўшимчаси эса қавм-қариндошликни билдирувчи сўзга қўшилади: 1. *-Қаёққа борасиз, жон болам, мен сизни ҳеч қаёққа юбормайман* (Шухрат). 2. *Салом, дейди - жон қизим, Ерга эгилади чол* (Ҳ.Олимжон).

Эгалик қўшимчасининг ҳар икки сўзга қўшилиб келиш ҳолати ҳам кузатилади. Бунда эркалаш маъноси кузатилади: 1. *Тез ўсиб катта бўлсин, жоним болам, алла, Менинг тилак мақсадим шунинг ўзи, алла* (Ҳ.Наз.). 2. *Зайнаб мунда қалбига бирдан Яшин урган каби санчилди, Ва бошини кўтариб ердан Жоним, онам, тўхтагил!*-деди (Ҳ.Олимжон).

2. **-бой, -бек, -қул, -той** қўшимчаси. Бу аффиксоид ҳам баъзан эркалаш маъносига эга бўлади. Аслида бу қўшимча киши ўртасидаги амал ва ижтимоий мансаб билан боғлиқ бўлган фарқни кўрсатиш учун

ишлатилган. Лекин ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан бундай маъносини йўқотган.

Бу аффиксоиднинг кишига атаб қўйилган исмда учрашини шу исм таркибидаги ажралмас компонент сифатида тушуниш керак, у эркалаш маъносини ифодаламайди. Мисол: 1. *Мирзакаримбой-илоннинг ёгини ялаган одам, ҳамма бойлар каби айёр, муғамбир, пухта-пишиқ* (Ойбек). 2. *Тўғонбек ҳам қаддини ростлаб, енгиллашиб олди-да, эрта билан келишга ижозат сўраб, дўсти билан бирга қўзгалди* (Ойбек). 3. *Ҳамроқул наридан-бери дов-дастгоҳини йиғиштириб жўнади* (А.Қаҳ.). *Омонтой матросчасига гурс-гурс юриб чиқиб кетди* (С.Аҳмад).

Эркалаш маъноси ўз асосида **-бой, -бек, -қул, -той** қўшимчаси бўлмаган атоқли отга шу қўшимчани қўшиб ишлатганда содир бўлади. Бундай ҳодиса бадий бадий асардаги персонаж тилида ва оғзаки сўзлашув услубида учрайди. Масалан, «Қутлуғ қон» романининг бош қаҳрамони-Йўлчи. Аммо ёзувчи Унсин персонажи тилидан уни бир-икки ўринда Йўлчибой ака деб атиди, бу билан эркалаш, хурматлаш маъно қиррасини ҳосил қилади: *Йўлчибой акам соғмилар?* (Ойбек).

Сўзлашув нуткида аслида *Лазиз, Бахтиёр, Азим* исмли кишини *Лазизбек, Бахтиёрбой, Азимтой* шаклида **-бой, -бек, -той** қўшиб қўллашда ҳам эркалаш маъноси ифодаланади.

Бадий асарда, айниқса фельетон жанридаги асарда образ ёки персонаж характериға мослаб топилган номга **-бой, -бек, -қул, -той** қўшимчаси қўшилади, бунда эркалаш маъноси эмас, балки кинояли салбий муносабатни билдирувчи баҳо қирраси ҳосил қилинади: *Олғирбой, Кейинбой, Тўймасбек, Файратқул, Ёмонтой, Сўқирбек* каби. Мисол: *Кейинбой қани, қаяққа зойиб бўлди?* («Шарқ юлдузи»). *Сатимқул шу сўзни айтди-ю, отнинг бошини буриб жўнаб қолди* (Ч.Айтматов).

Демак, **-бой, -бек, -қул, -той** қўшимчаси асосан кишининг атоқли отига қўшилиб ва айрим ҳолда эркалаш маъно қиррасига эга бўлади.

-той киши отидан бошқа сўзга ҳам қўшила олади: кенжатой, кичкинтой, эркатой ва кичрайтириш-эркалаш маъносини англатади, лекин ёқимтой сўзидаги **-той** сўз ясовчи қўшимча сифатида намоён бўлади.

Аёллик жинсини билдирувчи сўзга қўшилиб, эркалаш маъносини ифодаловчи шакл:

1. **-хон** кўшимчаси. Бу кўшимча ҳозирги ҳозирги ўзбек тилида аёллик жинсини билдирувчи атоқли отга кўшилиб эркалаш, эркаклик жинсидаги атоқли от ва бошқа сўзга кўшилиб ҳурматлаш маъносини билдириш учун хизмат қилади. Қиёс қилайлик: *Назира – Назирахон, Ойша – Ойшахон, Мунис – Мунисхон, Соҳиба – Соҳибахон; Лазиз – Лазизхон, Ботир – Ботирхон, Ҳасан – Ҳасанхон, Ўтқир – Ўтқирхон* каби. Масалан: 1. *Шеърим Қумрихонга соч попуқ бўлармикан, Сатримдан Қумрихоннинг оқ кўнгли тўлармикан* (Ғ.Ғулом). 2. *Эрталаб Ҳасанхон акамлар кириб келдилар* (Газетадан).

Хотин-қиз исмига кўшилган **-хон** аффиксоидидан сўнг I шахс эгалик кўшимчаси кўшилса, эркалаш маъносининг бўртиброқ ифодаланишига ёрдамлашади. Мисол: 1. *Ҳожархоним тирикчилик учун зарур бўлган ҳеч қандай маблағга эга бўлмаган ҳолда... бева қолган... эди* (Ў.Камол). 2. *Хайрли тонг, Соҳибахоним!* (Ё.Шукуров).

-хон (-хоним) кишининг исмидан бошқа сўзга кўшилганда ҳам сўзловчининг тингловчи шахсга муносабати ифодаланади. Бунда кўпинча киноя маъно муносабати англашилади: 1. *Ҳа-ҳа, шундай пошшохон! Билиб қўйинг, сиз ҳозир фақат валиаҳднинг онасисиз* (Ж.Икромий). 2. *- Пошшохоним ранжимасинлар,-дея гап бошлади титроқ овозда Шарвон...* (З.Самаадий).

-хон кўшимчаси эркаклик жинсидаги қавм-қариндошлик атамасига кўшилганда эркалаш, ижобий ҳис-ҳаяжон билдириш учун хизмат қилади: *- Аскияларингизни яхши кўраман-да, акахон* (Х.Тўхтабоев). – *Отахон, мен мулла эмасман* (Ч.Айтматов).

Кўринадик, **-хон** аффиксоиди асосан аёл исмига кўшилади, шу билан бирга эркакнинг атоқли отига ҳам кўшилади кўшилади. Бу хусусияти билан **-жон** аффиксоидига ўхшаб кетади.

Эркалаш шаклини ҳосил қилувчи **-хон** аффиксоидини *китобхон, газетхон, ваъзхон, бедилхон(лик), навоийхон(лик)* кабидаги сўз ясовчи **-хон** кўшимчасидан, шунингдек, *Қорахон, Тўрахон, Ойхон, Бобохон* кабида шу атоқли таркибига сингиб кетган **-хон** элементидан фарқлаш лозим.

2. **-ой** кўшимчаси. Бу аффиксоид аёллик жинсини билдирувчи атоқли отга кўшилганда эркалаш маъносини юзага елтиради. Қиёслайлик: *Адолат*

– *Адолатой, Офтоб – Офтобой, Асал – Асалой, Чўлпон – Чўлноной, Барчин – Барчиной, Кумуш – Кумушой* каби.

Шахсий муносабат шакли **-ой** эркалаш маъносида атоқли таркибида **-хон, -бека, -биби, -нисо** аффиксоиди билан синоним бўла олади. Кўп ўринда унинг бири ўрнида иккинчисини ишлатиш мумкин: *Адолатой-Адолатхон-Адолатбиби, Кумушой-Кумушхон-Кумушибиби-Кумушибека, Хуриой-Хурихон-Хуриниса, Қутлихон-Қутлибека-Қутлибиби* каби. Бунда диалектал хосланиш ҳам кўзга ташланади.

3. **-бека** кўшимчаси. Бу аффиксоид хотин-қиз атоқли отига кўшилиб эркалаш маъносини ифодалаш учун хизмат қилади: *Тўйбека, Марямбека, Қутлибека, Рисолатбека* каби.

-бека ҳозирги ўзбек тилида кўшимчани қабул қилганда **-бек(-бег)** шаклига киради: *Нодирабегим, Хадичабегим, Зулфиябегим* каби.

4. **-биби** кўшимчаси. Бу аффиксоид атоқли отга кўшилганда эркалаш, иззат қилиш, ҳурматлаш каби маъно оттенкасини ҳосил қилади: *Кумушибиби, Ҳожарбиби, Саодатбиби, Хуширўйбиби, Норбуви, Камолабуви, Раънобиби* каби. Мисол: 1. *Сиз ўзингизни тупроқ билан тенглаштирмоқчи бўлсангиз, мен сизни Кумушга ҳам қаноат қилмай, **Олтинбиби** деб аташга тушдим* (А.Қод.). 2. *Синглимиз **Раънобибига** салом айтурсиз* (А.Қод.). 3. ***Пошшобибининг** муборак бошлари омон бўлсин,-деди Оймулло* (Ж.Икромий).

5. **-бону, -нисо, -гул** кўшимчаси. Бу аффиксоид ҳам хотин-қиз атоқли отига кўшилиб, эркалаш, ҳурматлаш маъно оттенкасини беришга хизмат қилади: *Хушидабону, Лутфинисо, Баҳринисо, Тўтанисо, Наргизабону, Тошгул* каби. Мисол: 1. *Хушидабону қўлини кўксига қўйганича чекиниб, унга йўл берди* (О.Ёқубов). 2. ***-Баҳринисо**, жонгинам! Номингиз ўзингиздан ҳам чиройли* (Ғ.Ғулом). 3. *Шу он ташиқаридан **Тошгул** шошилиб кириб келди* (Н.Аминов).

6. **-пошша** кўшимчаси. Бу аффиксоид келин сўзига кўшилганда эркалаш маъносини англатади. Бундай хусусият оғзаки ва бадий нутқ учун характерли. Мисол: 1. *Ҳа, бас энди **келинпошша**, қолганини кейин қиларсиз...* (Шухрат). ***Келинпошша** хижолат бўлмасин деб, кеча тилграм бердириб қўйгандим* («Шарқ юлдузи»дан).

-**пошша** аффиксоиди қавм-қариндошлик атамаси таркибида гап оҳанги ва нутқ шароити билан боғлиқ равишда эркалаш маъносини эмас, балки киноя-кесатиш маъносини ҳам англатиши мумкин: 1. *Айланай, келинпошша, биз сени тушгача эркаланиб ётсин деб келин қилганимиз йўқ* (М.Шолохов). 2. *Келинпошша ҳалитдан тўқимини қорнига олиш тараддудиди,-деди Уматиллага эшиттириб* (Шухрат).

Ўзбек тилидаги яна бир ўзига хос хусусият шундаки, эркалаш маъноси эгалик қўшимчаси орқали ҳам ифода этилади: 1. *Айланай, ширин қизим, жоним қизим, деб топ-тоза ҳовлида... юриб қизчани эркалади* (Ойбек). 2. *Гуласалим, гул юзларинг мунча сўлибди?* (Уйғун). 3. *Келинлар, қизалоқларим, гуллоларим, ўтиринлар* (Ойбек). 4. *Кечир, арслоним, ҳозир уйингга бормоқчи эдим* (Ойбек).

Ҳурмат шакли. Ҳурмат шакли **-лар** қўшимчаси воситасида ҳосил қилинади. Аслида кўплик қўшимчаси бўлган **-лар** қавм-қариндошлик маъносини ифодаловчи отга (кўпинча эгалик қўшимчасидан кейин) қўшилганда ҳурмат маъносини юзага келтиради: **онамлар, дадамлар** каби. Мисол: 1. *Оға, соғ борсангиз, аввал Дадамларга салом айтинг* (Ҳамза). 2. *Ойимлар шаҳарга, бувимларникига кетдилар* (Н.Аминов). 3. *Исмат Ҳожии амакимларни қозига чақиртираман деяётган эмиш* (Ойдин). 4. *Аданлар ишда, телефон қилганингни айтиб қўяман, хурсанд бўладилар* (Мирмуҳсин).

Гапда сўз тартибини алмаштириш фикр баёнига бирор жихатдан қўшимча маъно юклаганидек, сўз таркибида қўшимча ўрнининг алмашинуви ҳам унинг грамматик маъносини ўзгартиради.

От туркумига оид сўз нутқда ҳамма вақт сон ва келишик шаклида бўлади: *Олмаларни териб олдик* гапида *олма* сўзи кўплик ва тушум келишиги шаклидадир, лекин у эгалик шаклига эга эмас. Демак, эгалик шаклига эга бўлмаган от сўз кўплик шаклига эга бўлаверади. Ҳурмат шаклидаги от эса эгалик шаклида (кўпинча) бўлади. Қиёслайлик: *ишчиларнинг уйлари* (кўплик)-*тоғамнинг уйлари* (ҳурмат), *тоғамларнинг уйи* (ҳурмат), *тоғамларнинг уйлари* (ҳурмат).

Ҳурмат шакли **-лар** баъзан эгалик қўшимчасидан олдин келади, эгаликсиз сўзда ҳам қўлланиши мумкин, лекин ҳурмат маъносини англатади: 1. *Қосим бойваччанинг уйларига кўп келаман-да, биламан*

(А.Қах.). 2. *Куёв бола йўқларми дейман, тақ-туқлари эшитилмай қолди* (Р.Файзий).

Баъзи шевада, масалан, Марғилон шевасида **-лар** кўшимчасини эгалик кўшимчасидан кейин келтириш ҳурмат ифодалаш билан бирга, умумлаштириш, жамлаш маъносини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади (*акамлар, тоғамлар*). Бундай маъно Тошкент шевасида эгалик кўшимчаси билан кўплик кўшимчаси ўртасига **-ги** элементини кўшиш орқали ифодаланади: *Опамлар айтишиди* (Марғ.шеваси)-*опамгила айтишиди* (Тошк.шеваси). Масалан, **Опамгилар** келиб қолишиди (Ў.Умарбеков).

Қуйидаги мисолда кўшимчанинг тартиби ҳурматнинг кимга тегишли эканлигини ифодалайди: *Бу киши Азимовнинг қизлари* (ҳурмат Азимовга тегишли). **Бу киши Азимовнинг қизилар** (ҳурмат Азимовнинг қизига тегишли).

Феъл таркибида **-лар** кўшимчаси шахс кўшимчасидан сўнг келиб, у билан биргаликда мураккаб кўшимча ҳосил қилади: *Сухбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоқлар* (Муқимий). Бу феъл учун одатдаги тартиб. Тошкент шевасида эса одатдаги тартибнинг акси ҳам бор. Бундай тартибда тингловчини менсимаслик, камситиш каби салбий шахсий муносабат англашилади: *Бўлди! Йўқолларинг ҳамманг! Йўқолларинг!!!* (Ў.Умарбеков).

Демак, сўз таркибида **-лар** аффикси одатдаги ўрнининг ўзгариши кўп ўринда семантик, грамматик, услубий ва шу каби хусусият билан боғлиқ.

Шахсий муносабат шакли парадигматикаси. Шахсий муносабатни ифодаловчи шакл отнинг хусусий луғавий шакли бўлиб, бу шакл мажмуаси лексик-морфолик категория ҳисобланади. Чунки у зотий маъно умумийлиги остида бирлашади (тизимни ташкил этади), лекин ўзаро зотий маънонинг парчаланиши, хусусийлашуви асосида бир-биридан фарқланади. Бошқача айтганда, грамматик категория бир умумий маъно остида бирлашуви, шу асосда бир-бирини тақозо этувчи ва бу умумий маънонинг парчаланиши асосида бир-биридан ўзгаланувчи шакл тизими.

Ҳар қандай грамматик шаклнинг умумий грамматик маъносида грамматик категориал маъно ва унга ёндош маъно бўлганидек, шахсий муносабат шаклида ҳам категориал маъно ва ёндош маъно мавжуд. «Сўз ҳар қандай тилда, ҳар қандай қўлланишда ўзининг асосий (предметлик

маъносидан ташқари, яна экспрессивликка-яъни стилистик бўёққа ҳам эга бўлади», – деб ёзган эди машҳур рус тилшуноси Б.В.Томашевский.

Морфологик шакл ичида алоҳида олганда фақат шахсий муносабат шаклидагина экспрессив (ҳис-ҳаяжон) бўёғи сезилиб туради. Шахсий муносабат шаклининг экспрессив бўёғи ўзи қўшилиб келган луғавий асоснинг маъноси билан боғлиқ бўлиб, унда асосий маънодан ташқари қўшимча (ёндош) маъно ҳам ифодаланиши мумкин.

Отнинг шахсий муносабат категориясига кучайтириш шакли ва ҳурмат шакли киради.

Кичрайтириш шакли парадигматикаси **-ча, -чоқ, -чак** шаклидан иборат бўлиб, қуйидаги маънони ифодалайди:

-ча қўшимчаси:

А) шахс ёки предметнинг кичик эканлигини: *қизча, йигитча, куракча, қушча, супача, балиқча, кўзача;*

Б) кичрайтириш-эркалашни: *бошчасини ёстиққа қўймоқ, ўгилчамга атадим, чиройлигина қушча, булбулчамдан ўргилиб кетай;*

В) кичрайтириш-ҳурматлашни: *Қизик эртак экан, отинча, энди зерикмайдиган бўлдим (Ойбек).*

Г) кичрайтириш-камситишни: 1. *Сал ўзингизни босиб олинг, йигитча!* (Ҳ.Наз.). 2. *Сен, йигитча дейман, мактаб очаман деб мунча катта кетмасанг* (Ҷ.Айтматов).

Д) сўзловчининг шахсий-салбий муносабатини: *Қани, гапир, галстуг таққан махсимча!* (Мирмуҳсин). *Хўш, бой, хотинчангизга раҳмингиз келдими?! (Ҳамза).*

-чоқ, -чак қўшимчаси:

А) кичрайтириш-эркалашни: *қўзичоқ, келинчак, тойчоқ, тугунчак;*

Б) кичрайтириш билан бирга сўзловчининг муносабатини: 1. *Ҳа, тойчоғим, нега ухламаяпсан?* (Ҷ.Айтматов). 2. *Алла болам, алла-ё, қўзичоғим алла-ё* (Қўш.);

В) камситишни: *Ҳа, келинчак, шуни ҳам билмайсизми?!*

Эркалаш шакли парадигмаси **гина (-кина, -қина), -жон, -хон, -бой, -бек, -қул, -той, -ой, -бека, -пошша, -биби, -бону, -нисо, -пари, -гул, -лок** шаклидан иборат бўлиб, қуйидагича маънони ифодалайди:

гина (-кина, -қина) қўшимчаси:

А) эркалаш ва кичрайтириш-эркалашни: *болагинам, Ойқизгинам, тентаккинангиз, тойчоққинам, холагинанг, қўзичоққинам;*

Б) кичрайтиришни: *қизгина (қизча), қушгина (қушча), болагина (болача);*

В) эркалаш ва ҳис-ҳаяжонни: 1. *Худоё умргинангиз узун бўлсин, болачақаларингиз орзусини кўринг* (П.Турсун). 2. *Дўтгинам, хаёлан қучаман сени, Хазон даврасида кутаман сени* (А.Орип.). 3. *Бироқ кета олмайди, дилгинаси доғлидир, Чунки қай бир бешафқат қўлларга у боғлидир* (О.Матжон).

-лоқ қўшимчаси:

Фақат кичрайтириш-эркалаш маъносини ифодалаш учун хизмат қилади: *қизалоқ, чақалоқ, тойлоқ, бўталоқ.*

-жон, -бой, -бек, -қул, -той аффиксоиди:

А) асосан эркак кишининг атоқли отига қўшилиб эркалаш-маъносини ифодалайди: *Аҳмаджон, Раҳимбой, Озодбек, Мелиқўул, Омонтой;*

Б) қавм-қариндошликни билдирувчи сўзга қўшилиб эркалаш ва қурматлаш маъносини ифодалайди: *бобожон, отахон, опагон, келинжон, сингилжон;*

В) бадий асарда салбий маънодаги исмга қўшилиб, кинояли муносабатни: *Олғирбой, Тўймасбек, Сўқиржон, /айратқул, Ёмонтой.*

-хон, -ой, -бека, -пошша, -биби, -бону, -нисо, -пари, -гул аффиксоиди:

А) асосан аёл кишининг атоқли отига қўшилиб, эркалаш маъносини: *Сохибахон, Асалой, Қутлибека, Хушрўйбиби, Хуришдабону, Баҳринисо, Аноргул, Султонпошша;*

Б) исмдан бошқа сўзга -хон аффиксоиди қўшилганда киноя маъно муносабатини: 1. *Пошиахоним ранжсимасинлар, -дея гап бошлади титроқ овозда...* (З.Самадий).

В) қавм-қариндошлик атамаси таркибида **-пошша** аффиксоиди киноя, кесатиш маъносини: 1. *Айланай келинпошша, биз сенитушгача эркаланиб ётсин деб келин қилганимиз йўқ* (М.Шолохов). 2. *Бунинг сирини сингилпошиангиздан сўранг* («Муштум»дан).

Ҳурмат шакли аслида кўплик қўшимчаси **-лар** ни эгалик қўшимчасидан сўнг келтириш орқали ҳосил қилинади:

А) қавм-қариндошлиқни ифодаловчи таркибида ҳурмат маъносини ифодалайди: *бобомлар, дадамлар, онамлар, бувимлар*.

Б) кесатиш маъносини ифодалайди: ***Бошлари*** *озғиб қолибди-да... Ақллари борми ўзи?!*

Ўзбек тилидаги шахсий муносабат шакли жадвали

Шахсий муносабат шакли	Кўрсаткичи	Мисол	
Кичрайтириш шакли	-ча	қизча	
	-чоқ	қўзичоқ	
	-чак	келинчак	
	Эркалаш шакли	гина (-кина, -қина)	қизгина
		-лоқ	қизалоқ
		-жсон	Баҳодиржсон
		-хон	Раънохон
		-бой	Азимбой
		-бек	Суръатбек
		-қул	Асрорқул
-той		Омонтой	
-ой		Чўлтоной	
-бека		Раҳимбека	
-биби	Ойшабиби		
-бону	Хуришдабону		
-нисо	Лутфинисо		
-пари	Ойпари		
-гул	Ойгул		
-пошиша	Султонпошиша		
Ҳурмат шакли	-лар	бобомлар	

Жадвалда шахсий муносабат шаклининг фақат категориал маъносига мисол берилди, ёндош маъноси (киноя, кесатиш, кучайтириш, камситиш каби) контекст, нутқ шароити ва оҳанг билан боғлиқ бўлгани учун, у жадвалга киритилмади.

5- §. Даража категорияси

Даража шаклини ўрганиш тарихидан. Ўзбек тилидаги даража маъносини ифодаловчи восита, такрор бўлса-да, айтиш жоизки, А.Н.Кононов, Т.И.Грунин, А.Ғуломов, С.Н.Иванов, Ф.Исҳоқов, А.Мадраҳимов, З.Маъруфов, М.Асқарова, Ғ.Абдурахмонов, Ҳ.Ғ.Неъматов, М.Содиқова ва уларнинг издошлари томонидан атрофлича тадқиқ этилган.¹ Ш.Шаҳобиддинова систем ёндашув асосида даража категориясини махсус текширди ва даража ҳамда қиёс категориясини фарқлаш лозимлиги ҳақидаги қарашини илгари сурди. Умуман олганда, ўзбек тилидаги даража маъносини ифодаловчи воситанинг тадқиқ этилишини бир неча аспект ва ёндашувда кузатиш мумкин ва уни қуйидаги таснифда кузатамиз:

1.Даража маъносининг диахроник тадқиқи:

- а) формал диахроник тадқиқ;
- б) формал-функционал диахроник тадқиқ.

2.Даража маъносининг синхроник тадқиқи:

- а) формал синхроник тадқиқ;
- б) формал-функционал синхроник тадқиқ.

Ўзбек тилшунослигида даража маъносини ифодаловчи воситанинг формал синхроник тадқиқининг илк намунасини А.Н.Кононовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг грамматикаси» монографиясида кузатамиз. Олим сифат даражаси икки кўриниш (қиёсий ва орттирма) га эга бўлишини кўрсатади ва қиёсий даражаси уч усулда ифодаланишини таъкидлайди: а) морфологик; б) синтактик; в) синтактик-морфологик.

¹Исхаков Ф.Г. Имя прилагательные. ИСГТЯ, II, -С.143-145. Мадраҳимов А. Ўзбек тилида сифат ва янги ясалган сифатлар масаласига доир. Изд. АН Уз ССР, Серия общественных наук, 1957. --№ 1. -С.41-47. Маъруфов З. Ўзбек тилида сифатларнинг қиёсий даражалари. А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари, биринчи китоб. -Т., 1949. -С.131-143.

Қиёсий даражанинг морфологик усулда ифодаланиши –роқ аффикс воситасида амалга оширилади. Олим бунда мазкур шаклнинг келиб чиқиши масаласида икки хил қараш борлигини кўрсатади:

1. Бётлингк, Банг, Дени, Рясянен, Менгесу қарашига кўра, *-роқ* аффикси *йироқ* сўзининг тараққиёти натижаси.

2. Рамстет, Броккельман нуқтаи назарича, аффикс отдан феъл ясовчи *ра* ва феъллашган исм қўшимчаси бўлган *к* асосида эканлигини таъкидлайди.

А.Кононовнинг ўзи аффикснинг аслида кичрайтиришни ифодаловчи *-лоқ* қўшимчасидан келиб чиққанлиги фикрида.

Аффикснинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги қуйидаги маъноси характерлилиги уқтирилади:

а) сифатнинг нотўлиқ ўлчови: *майдароқ, баландроқ, иссиқроқ* каби;

б) икки предметни қиёсламасдан бирида белгининг ортиқ даражадалиги (бунда олдинда *яна* равиши келади): *яна кучлироқ, яна гўзалроқ, яна бойроқ* каби.

Бу аффикс равиш, сифатдош, равишдош ва айрим отда сифатнинг тўлиқ эмаслигини ифодалайди: *берироқ, ичкарироқ, ўқиганроқ, кулганроқ, озроқ, қўрқиброқ* каби.

А.Кононов қиёсий даража ифодаланишининг синтактик усули икки кўринишда бўлишини уқтиради:

а) қиёсланаётган предмет чиқиш келишигида бўлиб, ундан кейин сифат келади: *темирдан оғир, болдан ширин, қиличдан ўтқир*;

б) *қараганда, нисбатан, кўра* кўмакчиси жўналиш келишигидаги сўздан кейин келиб: *қандга қараганда ширин, Андижонга нисбатан каттароқ* каби.

Синтактик-морфологик усулда морфологик восита ва синтактик қурилма маънони ифодлашда уйғунлашади: *олмадан ширинроқ, ўғлидан яхшироқ* каби.

А.Кононов ортгирма даража воқеланишининг 5 усулини ажратади:

а) *энг, жуда, гоят, ниҳоят* сўзи воситасида: *энг яхши, жуда чиройли, гоят совуқ, ниҳоятда иссиқ* каби;

б) эгалик қа чиқиш келишиги қўшимчасини *барча, ҳамма, бари* сўзига қўшиш орқали: *барчасидан/ҳаммасидан/баридан кучли* каби;

в) сифатни қаратувчи бирикма сифатида такрорлаш асосида: *яхишининг яхисиси, дононинг доноси* каби.

г) қаратувчи отга қаралмиш сифатни боғлаш асосида: *қовуннинг яхисиси, шоирнинг улуғи, одамнинг ақллиси* каби;

д) чиқиш келишигидаги отга эгалик шаклидаги сифатни бо-лаш асосида: *қовундан яхисиси, шоирдан улуғи, одамдан ақллиси* каби.¹

А.Хометова («Превосходная и преувеличительная степени имен прилагательных в тюркских языках»),² Ф.Г.Исҳоқов («Имя прилагательные»), А.Мадрахимов («Ўзбек тилида сифат ва янги ясалган сифат масаласига доир»), З.Маъруфов («Ўзбек тилида сифатнинг қиёсий даражаси») асарида ҳам шунга монанд фикрни кузатамиз.

Ўзбек тилининг академграмматикасида сифат даражасига муносабатнинг ўзига хос кўриниши мавжуд. Унда сифатнинг даража шакли қуйидагича эканлиги таъкидланади:

- 1) орттирма даража белгининг ортиқлигини ифодалайди;
- 2) озайтирма даража белгининг камлигини ифодалайди;
- 3) қиёсий даража белгининг ортиқ-камлигини турли чоғиштириш усули воситасида аниқлайди.

Орттирма даражани ифодаловчи воситанинг қуйидаги типи кўрсатилади:

Морфологик усул (бу интенсив усул деб ҳам юритилади) да интенсив шакл бир предмет белгисини бошқа предметдаги шундай белгига қиёс этмаган ҳолда ифодалайди. Унинг кўриниши сифатида қуйидаги ажратилади:

а) сўзнинг биринчи бўғини ажратилиб, унга кейинги бўғиндаги биринчи ундошни қўшиб ёпиқ бўғин ҳосил қилиш ва унинг кетидан асл ўзакни қўшиб айтиш асосида: *дум-думалоқ, сип-силлиқ, қоп-қоронғи, нес-нобуд, ям-яшил* каби;

б) сўзнинг аввалги икки товуши ажратилиб, унга *п, м, с* товуши қўшилиб, ёпиқ бўғин ҳосил қилинади ва сўнгра ўзак қўшиб айтилади: *кап-*

¹Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М.-Л.: Изд-во академии наук СССР, 1960. –448 с. –С.162-165.

²Хаметова А. Превосходная и преувеличительная степени имён прилагательных в тюркских языках (на материалах современных узбекского, уйгурского, казахского и туркменского языков): автореф.дисс. ...канд.филол.наук, -Т.: Фан, 1969. –30 б.

катта, сап-сарик, қип-қизил, сип-силлик, қоп-қоронғи, нес-нобуд, ям-шил каби;

в) сўз олдидан такрорланувчи қолип бўғин икки (ёпиқ, очик) бўғиндан иборат бўлади, бошқача айтганда ажратиб олинган икки товушга п товушини қўшиш орқали ёпиқ бўғин ҳосил қилинади ва унга ясама бўғин –на қўшилади: *тўппа-тўғри, сонпа-соғ, оппа-осон, қуппа-қуруқ, теппа-тенг, ҳаппа-ҳалол каби.*¹

Кўринадики, академграмматикада морфологик (интенсив) усул деганда сўз ўзгариши ҳодисаси эмас, балки фонетик усул назарда тутилади. Демак, бунда атама ҳодиса моҳиятига унчалик тўғри келмайди.

Академграмматикада лексик усулнинг бир неча кўриниши фарқланади:

а) махсус кучайтирувчи сўз орқали: *жуда, зоят, энг, ниҳоятда, бир, бирам, тим, нақ, зап, беҳад, бениҳоя, чексиз, мислсиз, тенгсиз, ниҳоясиз, беқиёс каби;*

б) такрорий сўз воситасида: *зўр-зўр, бармоқдай-бармоқдай, не-не, каттадан-катта каби;*

в) турлича сўз бирикмаси, идиоматик ибора воситасида: *ҳаддан зиёд чўтир, ҳаддан таиқари қонли, мисли йўқ бир тўй, баҳоси йўқ жувон, минг марта яхши, ақл бовар қилмас гап, мутлақо нотаниш одам, ҳусни бир жаҳон аёл каби.*²

Лексик-семантик усул лексик усулдан маълум бир фарқли кўринишга эга. Бунда белги билдирувчи сўз ўрнида бошқа кўчма маъноли сўз қўлланади: *шакар қовун, шайтон қиз, олов бола каби.*

Академграмматикада ажратилган фонетик усул интенсив (морфологик) усулдан кескин фарқланмайди. Бунда асосан урғу, интонация, товуш такрори каби фонетик восита аҳамият касб этади: *балаанд, каатта, ям-яшил, қипп-қизил, юм-юмалоқ каби.*³

Озайтирма даражада кўпроқ ранг-тус белгисига хослиги қайд этилиб, унинг ифодаловчи қуйидаги восита фарқланади:

¹Ўзбек тили грамматикаси. I том. –Т.:Фан, 1975. –612 б. –Б.296-297.

²Ўзбек тили грамматикаси. I том. –Т.:Фан, 1975. –612 б. –Б.298.

³Ўзбек тили грамматикаси. I том. –Т.:Фан, 1975. –612 б. –Б.296-300.

1) аффиксация:

а) *-иш/-иш* (*қиз-иш, сар-иш, кўкиш, оқиш*), *-(и)мтир* (*қорамтир, қиз-иш, кўкимтир*) шакли;

б) *-роқ* аффикси (*эскироқ туфли*);

2) лексик восита: *ярим, ним, оч, хиёл, сал, айтарли, унча, унчалик... эмас, у қадар... эмас*;

3) лексик-морфологик усул. Бунда белги маъносни бериш учун лексик унсур морфологик шакл билан қўлланади: *Буниси хиёл китчикроқ*.

Қиёсий даража шаклини ясовчи энг муҳим воситадан бири сифатида *-роқ* аффикси ажратилади. Бунда шакл ушбу маънони контекстдагина англатиши таъкидланади ва қиёсий даража учун қуйидаги тартибда тузилган гап келтирилади: *-га қараганда ...роқ, -га нисбатан ...роқ, -дан кўра ...роқ, -дан ҳам –роқ*.

Шунингдек, кўмакчи сўзсиз ҳам қиёсий даража ифодаланиши айтилади: *ташаққурдан қимматлироқ мукофот борми одам боласига*.

-роқ аффиксининг турли қуршов, сўзловчининг субъектив муносабати асосида бошқа воситасиз қиёсий даража маъносини ифодалаши таъкидланганлиги эътиборга молик. Масалан, *Аҳмаднинг бўйи баланд, Йўқ, Валининг бўйи ҳам ундан баландроқ* гапи қиёсланса, бунда *-роқ* шаклининг ортиқчалиги кўринади.

Академграмматикада *энг, янада, баттар, бешбаттар* каби содда, *бир-биридан, биридан-бири, кундан кун, йилдан-йил, ойдан-ой* каби такрорий сўз қиёслаш воситаси сифатида хизмат қилиши, булар воситасида қилинган қиёсда ҳам белги маъносида ортиқлик ифодаланиши таъкидланади.¹

Маълум бўладики, академграмматикада сифат даражаси кўрсаткичининг белгининг ортиқ ёки камлигини англатиш хусусияти – даража маъносини ифодалаши, бу сирага турли-туман (фонетик, лексик, семантик, лексик-морфологик, контекстуал, субъектив муносабат) восита киритилади. Демак, академграмматикада зимдан сифат даражасини грамматик категориядан кенгроқ бир ҳодиса сифатида қарашга интилиш яққол сезилиб туради. Бу даража ифодаловчи воситанинг китобдаги

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. –Т.:Фан, 1975. –612 б. –Б.298.

«Грамматик категория» мавзуси остида алоҳида морфологик категория сифатида махсус таъкидланмаганлиги билан ҳам муस्ताҳкамланади.¹ Чунки сон, эгалик, келишик, даража, бўлишли-бўлишсизлик, майл, замон шакли мажмуига нисбатан *категория* атамаси ишлатилган. Бу, албатта, даража маъносини ифодаловчи воситанинг турли сатҳга мансублиги, бошқача айтганда «мазмунан бир хиллик» ва «шаклан ҳар хиллик» хусусиятига эгалиги грамматик категория сифатида қаралишига монелик қилганлиги билан белгиланади.

«Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида сифат даражасига академграмматикалагидан бирмунча фарқли муносабат кўзга ташланади. Масалан, «ранг-тус билдирувчи айрим сифатда қўланувчи *-иш, (-и)мтир* аффикси белгининг кучсиз даражасини билдирмайди, балки белгининг сифат билдирган ранг-тусга мойиллигини, шунга яқинлигини кўрсатади: *оқиш, кўкиш, кўкимтир* каби. *Қора, қизил, оқ сариқ* кабида ҳам худди шундай маъно ифодаланади: *қора қизил – қорага яқин* (қорага мойил) *қизил, оқ сариқ – оққа яқин* (оқ рангга мойил) *сариқ*.²

Дарсликда даража маъносини ифодаловчи восита академграмматикадагидан сезиларли фарқланмайди, бироқ уни турга ажратишда ўзига хослик кузатилади. Масалан, академграмматикада эътиборга олинган айрим жиҳат дарсликда қуйидагича талқин қилинади: «Сифатнинг даражаси оддий даражага нисбатан белгиланади. Бир предметнинг белгиси иккинчи бир предметнинг белгисига нисбатан қиёсан олиниши мумкин. Бунда бирининг белгиси ортиқ, бириники кам бўлади: *темир ёғочдан оғир, у сендан кучли* каби. Лекин бундай ифодаланиш даражанинг махсус тури бўла олмайди. Чунки бунда бир предмет белгиси бошқа предмет белгисига нисбатан олинади. Даража категорияси эса белгининг оддий даражага муносабатини кўрсатади. Юқоридаги каби қиёслашда эса сифат оддий даража, орттирма даража ёки о зайтирма даража формасида бўла олади: *ундан ширин – ундан жуда*

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. –Т.:Фан, 1975. –612 б. –Б.60-63.

² Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Педагогика институтларининг филология факультети студентлари учун дарслик. – Т.:Ўқитувчи, 1980. –448 б. –Б.256.

*ширин – ундан ширинроқ каби.»*¹ Дарслик муаллифлари даража маъносига грамматик категория нуқтаи назаридан муносабатда бўлишиб, уни морфологик категорияга қўйиладиган умумий маъно – хусусий воқеланиш диалектикаси асосида талқин қилишади. Бу эса даража маъносини ифодаловчи воситанинг грамматик шакл сифатида маълум даражада миқдоран чекланишига олиб келган.

Даража маъносини ифодаловчи воситанинг турга ажратилишида ҳам ўзгачалик кузатилади. Дарслик муаллифлари академграмматика талқинидан фарқли равишда сифатнинг дастлабки товуши такрорланиши натижасидаги товуш ўзгаришини (*дум-думалоқ, сонпа-соғ*) даража ифодаланишининг фонетик усулига киритади. Шунингдек, даража воситаси сифатида лексик-морфологик усул ажратилмайди. Умуман олганда, дарсликда таъкидланишича, «даража маъносини ифодаловчи махсус грамматик кўрсаткичга эга бўлган форма фақат битта. У ҳам бўлса, *-роқ* аффикси ёрдамида ясалувчи озайтирма даража формаси.»²

Демак, талқиндан маълум бўладики, дарслик муаллифлари даража маъносини ифодаловчи грамматик шакл битталигини эътироф этишиб, қолгани маъновий жиҳатдан грамматик, шаклан эса бошқа сатҳ ҳодисаси эканлигини уқтиришади. Бу эса даража маъносини ифодаловчи воситани барибир майдон сифатида қарашга интилиш мавжудлигидан далолат беради.

У.Турсунов, Ж.Мухторов ва Ш.Раҳматуллаев муаллифлигидаги «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида даража категория сифатида талқин этилади ва даражанинг икки шакли фарқланади:

- 1) озайтирма даража;
- 2) орттирма даража.

Шунингдек, сифатнинг озайтирма ва орттирма даража ясовчисини олмаган формаси оддий даража деб юритилиши, унда нарса белгиси ортиқ-камлиги жиҳатидан қиёс қилинмай, балки тўғридан-тўғри, бевосита

¹Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Педагогика институтларининг филология факультети студентлари учун дарслик. – Т.:Ўқитувчи, 1980. –448 б. –Б.254.

²Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Педагогика институтларининг филология факультети студентлари учун дарслик. – Т.:Ўқитувчи, 1980. –448 б. –Б.255.

англашилиши, озайтирма ва орттирма даражада эса белги маъноси оддий даражада ифодаланган белгига чоғиштириш асосида ифодаланиши айтилади.¹ Муаллифлар озайтирма нарса белгисининг оддий даража ҳолатидан камлигини, кучсизлигини билдириши ва унинг морфологик кўрсаткичи *-роқ* аффикси эканлигини таъкидлашади. Шунингдек, баъзан предмет белгисининг нисбий ортиқлигини кўрсатиш учун чоғиштирилувчи нарсанинг номи чиқиш ёки жўналиш келишигида бўлиши, *кўра*, *қараганда*, *нисбатан* сўзи билан келиши айтилади. Таъкидлаш лозимки, муаллифлар ранг-тус билдирувчи сифатда предметнинг белгиси камлиги, кучсизлигини кўрсатувчи шакл ҳам ишлатилиши (а) оддий даражадаги сифатга *-иш* аффиксини қўшиш орқали: *оқиш*, *кўкиш*, *қиз-иш*, *сар-иш*; б) сифат асосига *-(и)мтир* аффиксини қўшиш билан: *қорамтир*, *кўкимтир*) уқтирилар экан,² бундан мазкур шаклнинг ҳам озайтирма даража сифатида қаралаётганлигидан далолат беради.

Дарсликда сифатнинг орттирма даража шакли лексик (яъни сифатдан олдин *энг*, *жуда*, *-оят*, *ниҳоятда*, *беҳад* каби сўзни келтириш йўли билан), фонетик усул билан ифодаланиши, шунингдек, олдинги дарсликдан фарқли равишда «икки предмет» белгиси ўзаро чоғиштирилганда ҳам белгининг ортиқлиги маъноси англашилиши (*ҳаммасидан яхши*, *барчасидан катта*, *баридан чиройли*)» ҳам таъкидланади. Кўринадики, муаллифлар ифодаловчи воситаси турли сатҳга мансублигидан қатъи назар, даража маъносини ифодаловчи шаклни грамматик категория сифатида қараш тарафдори.

Профессор Ш.Раҳматуллаев «Университет» нашриётида чоп этилган «Ҳозирги адабий ўзбек тили» дарслигида сифатдаги даража ифодаловчи воситани анъанадагидан фарқли равишда грамматик категория сифатида қарашдан чекинади. Шунингдек, бошқа грамматик категорияга кирувчи шаклни парадигма сифатида баҳолаш баробарида, сифатдаги даража маъносини ифодаловчи воситани парадагима термини билан ҳам

¹Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили: олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун дарслик. –Т.: 1992. –399 б. –Б.283.

²Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили: олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун дарслик. –Т.: 1992. –399 б. –Б.284.

бермайди.¹ Бу мазкур воситанинг, айтилганидек, турли сатҳга мансублигидан ва турли шаклга эгаллигидан келиб чиқади. Зеро, тилшунос таъкидлаганидек, сифат лексемага қўшиладиган аффикс, аффиксоид ва бошқа тур восита ифода жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам турли-туман бўлиб, бир бутун парадигмага бирлашмайди, нопарадигматик (якка) морфема сифатида намоён бўлади. Сифат даражаси деб келинган ҳодисани яхлит бир парадигмага (тизимга) бирлаштириш учун етарли асос йўқ.»² Бу фикр мазкур восита сирасини алоҳида функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш фикримизни қувватлайди.

Даража маъносининг синхрон-формал-функционал талқинини берувчи тилшунослар унинг морфологик ва лингвистик хусусиятини ўрганишда диалектик методология асосида иш кўради. Хусусан, ўзбек тилшунослигида формал-функционал ёндашувнинг асосчиси бўлган С.Н.Иванов сифатдаги даражани махсус грамматик категория сифатида ажратмаган ва у грамматик категориянинг фақат от ва феълда мавжудлигига урғу беради.³

Грамматик категорияни туркий ёднома асосида текширган Ҳ.Неъматов «Грамматик категория таснифи» мавзуси остида қиёсий даража (степени сревнения – Ҳ.Н.) нинг маълум бир туркум (аниқроғи, сифат)га хос бўлган таснифловчи категория эканлигини эътироф этиш билан чекланади, холос.⁴

Ғ.Зикриллаев «Ўзбек тили морфологияси»да даража асосан сифатнинг луғавий маъносида мавжуд бўлишини таъкидлайди.⁵ Муаллиф даража маъносини ифодаловчи воситанинг категориал хусусиятига эътибор қаратмасдан, шаклнинг структур хусусиятига кўра ўзига хос таснифини беради. Бунга кўра шакл туб, ясама, такрорий ва қўшма турга бўлинади.

¹Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили (дарслик). –Т.:Университет, 2006. –464 б. - Б. 151-153.

²Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили (дарслик). –Т.:Университет, 2006. –464 б. - Б. 153.

³Иванов С.Н. Родословное древо-тюрк Абул-Гази-Хана. Грамматический очерк. (Имя и глагол. Грамматические категории). –Т.: Фан, 1969. –204 с.

⁴Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. –Т.: Фан, 1989. – 192 б. –Б.155.

⁵Зикриллаев _Н. Ўзбек тили морфологияси: Филологик ихтисосликлар учун қўлланма. – Бухоро: НС, 1994. – 164 б. Б. –129.

Туб шакл деганда бошқа шакл ясаши учун асос бўлган шакл тушунилади. Бу, албатта, аслий сифатнинг ўзак-негизи. Ясама шакл сифатида олим анъанавий фонетик усулнинг бир қисмини назарда тутди. Бунда унли чўзиқ талаффуз қилиниб, урғу олади ёки ундош ортирилади: *балаанд, маайда, чўўп, тооза, ёмоон, чуқуур, қаари* каби. Фонетик усулнинг бир кўриниши эса такрорий шакл сифатида эътироф этилади: *кўм-кўк, бўм-бўш, дўмбоқ-дўмбоқ, дум-думалоқ, бус-бутун, калта-култа, майда-чуйда, узундан-узоқ* каби.

Кўшма шакл туб шаклга ёрдамчи сўз (юклама) кўшиш билан ясади: *энг, жуда, беҳад, зоятда, ниҳоятда, ҳаддан ташқари, сал, пича, андак* каби.¹ Муаллиф томонидан бу сўз юклама вазифасини бажариб, озликни муайянлаштириш учун хизмат қилиши, бундай ҳолда зоҳиран сўз бирикмаси, мазмунан лексик-грамматик шакл мавжудлиги таъкидланган. Бу ҳолат эса, ўз-ўзидан мазкур ифодаловчи тизими грамматик категория, морфологик категория мезонига мувофиқ келмаслигини кўрсатади.

Тилшунос О.Бозоров сифат даражаси категориясининг шакллантирилиш асоси ва унинг семантик хусусияти ҳақида фикр юритар экан, ҳодиса бутун борлиқ ҳодисаси даражаланиши учун умумий бўлган «оз-меъерий-кўп» тамойилидан келиб чиқилса, кўпгина анъанавий тушунчамизнинг нотўлиқ, шартли эканлиги маълум бўлишига диққатни тортади:

а) меъерий (нормал) даража маъноси учун хизмат қилиб келган «оддий даража» атамасининг қўлланилиши ўринли эмас. Мантиқан олганда, «оддий» тушунчаси аслида «мураккаб» тушунчасига зид қўйилиши лозим бўлиб, бу тушунча ўзида «миқдор даражаси», «белги даражаси тури» каби маънони акс эттира олмайди;

б) «оддий-қиёсий-орттирма» зидланувидаги «қиёсий» атамаси ҳам ўзи англатиб турган даража белгисининг (масалан, «озлик»нинг) маъносини ўзида акс эттира олмайди. Аслида «қиёсий» тушунчаси хусусий маъно туридан бирининг эмас, балки барча хусусий маънонинг шакллантирилиши асоси бўлган усулнинг атамаси.»²

¹Зикриллаев _Н. Ўзбек тили морфологияси: филологик ихтисосликлар учун қўлланма. – Бухоро: НС, 1994. – 164 б. Б. –130.

²Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: филол.фанл.докт.автореф. –Т.:1997. –51 б. -Б.34.

Кўринадик, О.Бозоров сифат даражаси категорияси шаклининг номланиши хусусида фикр юритиб, унинг номинация мантикига мос келмаслигини таъкидлайди.

Олим сифат даражаси қиёс асосида бўлиб, бу қиёс ифодаланган ва ифодаланмаган турда бўлишини кўрсатади. Масалан, *энг катта бино, жуда яхши одам, қизғин байроқ, кўм-кўк осмон* сўзшаклида белги ортиқ-камлиги мавжуд бўлиб, у ифодаланмаган нарса белгисига зимдан қиёсланаётганлиги сезилиб турибди. Бироқ *–роқ* шаклли айрим сўзшаклда белги ифодаланмаган «эталон» билан қиёсланган: *Узоқдан новчароқ одам кела бошлади*. Тадқиқотчи буни *Нок олмадан ширинроқ* гапидаги муайян қиёсланувчили белги билан муносабатига кўра баҳолайди. Чунки бунда белги аниқ қиёсга эга.¹

Даража категорияси талқинига бағишланган формал-функционал тадқиқот сирасида тилшунос Ш.Шаҳобиддинова иши алоҳида ажралиб туради.

Ш.Шаҳобиддинова ўзбек тилшунослигида биринчи марта қиёслаш категориясини ажратиш тарафдоридир ва бу фикрни илгари суради. «Бизнингча, белгининг даражаси ва белгининг қиёси фарқли. Энг қизил олма бирикмасида, дарҳақиқат, ранг-тус белгисининг бошқа предметниқидан айрича даражада (ортиқ) эканлиги маъноси бор. Бу «каби орттирма даража формаси асосида тўлиқ (яққол), лекин конструкцияда бевосита акс этмаган қиёслаш туради».² Бизнингча, бу қиёслаш «акс этмаган» эмас, балки нолисоний. Маълумки, нолисоний омил тил сатҳи, аниқроғи, лисон сатҳи («лисон - нутқ» дихотомиясида) даги морфологик категория учун дефиниция асоси бўла олмайди.

«Энг қизил олмани танлаш учун», шубҳасиз, уни бир нечта бошқа (улар ҳам қизил) олма билан қиёслаш лозим. Бироқ бу қиёслаш ўзининг лисоний (морфологик) аксини топмаган.

¹Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: филол.фанл.докт.автореф. –Т.:1997. -Б.34.

¹Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий морфологияси. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. –164 б. –Б.151-153.

²Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: филол.фанл.докт.автореф. –Т.:1997, -Б.34.

«Эскироқ рўмол» бирикмасида эса қиёслаш ўзининг лисоний аксини топганлиги қиёсланувчи аниқ бўлмаганда ҳам (эталон билан таққомлаганда) ҳам реаллашув имконини беради.

Олима даражада қиёслаш мавжуд бўлганда ва бу ҳолат морфологик восита билан ифодаланганда категориал аҳамият касб этишини уқтиради. «Кўринадики, ноль кўрсаткичининг маъно имконияти кенгроқ бўлиб, белгининг қиёсий ва ноқиёсий ҳолатига бирдек ишора қилади. *-роқ* эса фақат қиёсий ҳолат ифодалаш учун хизмат қилади.

Демак, қиёслаш категорияси икки аъзоли бўлиб, у қуйидаги: 0 ва *-роқ*.

0 – белгининг қиёсий-ноқиёсий эканлигини кўрсатади, «олдингига» бо-лиқликка ишора қилади.

-роқ – белгининг қиёсий эканлигини кўрсатади, «олдингига» бо-лиқликка ишора қилади.

Қиёслаш категорияси – белгининг қиёсий-ноқиёсий эканлигини кўрсатади, олдингига боғлиқликка ишора қилади.»¹

Айтилгандан маълум бўладики, тадқиқотчи даражанинг номорфологик ифодаланиши ва воситасининг бирлашуви қиёслаш-ноқиёслаш асосида эканлигидан келиб чиққан ҳолда, уни грамматик категория сифатида баҳолашдан тийилади. Фақат қиёслаш учун хизмат қилувчи *-роқ* аффиксини унинг парадигматик зидди бўлган ноль шакл билан биргаликда қиёслаш категорияси сифатида қараш тарафдори.

Тўғри, бу грамматик категория талқинини мукамаллаштириш сари қўйилган ижобий кадамдан бири. Бироқ у ҳам умуман даража маъносини ифодаловчи воситани яхлит тизим сифатида ўрганиш муаммосини йўққа чиқармайди ва, шу билан биргаликда, муаммо ечимига олиб келмайди ҳам. Аксинча, мазкур восита тизимини майдон сифатида ўрганиш масаласининг долзарблигини кучайтиради, холос. Чунки қиёслаш категорияси ажратилар экан, белгининг ортиқ-камлигини кўрсатувчи бошқа қатор восита эътибордан холи қолаверади.

Бошқа морфологик ҳодиса қатори даража категориясини ҳам «формал-функционал» таҳлил қилиш мақсад қилиб қўйилган Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев, Г.Боқиева ва бошқа «Ҳозирги ўзбек адабий

¹Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. –164 б. –Б.151-153.

тили» ўқув қўлланмасида ҳам даража категориясига муносабатда анъанадагидан чиқиб кетишолмайди. Улар даража ифодаловчи воситани «гетероген» шаклли категория сифатида баҳолашиб, қуйидагига эътибор қаратишади: «ранг-тус билдирувчи айрим сифатда қўлланувчи *-(u)ш, -(u)мтир* аффикси белгининг кучсиз даражасини билдирмайди. Масалан, *оқиш* сўзи *оқ* рангининг, *қорамтир* сўзи *қора* рангининг кучсиз дараждаси эмас, *оқ, қора* бўлмаган, балки уларга ўхшаш ранг тури.»¹

Таҳлилдан маълум бўладики, барча тилшунос ўзбек тилида даража маъноси ва унинг ифодаланиши мавжудлигини эътироф этишгани ҳолда, унинг категориал хусусияти, таркиби ва ифодаловчи воситаси масаласида яқдил эмас. Ишонч билан айтиш мумкинки, ўзбек тилидаги бирорта ҳодиса даражадек ранг-баранг талқинга эга эмас. Бунинг барчаси даража маъносини ифодаловчи восита ҳар хиллиги, қамрови кенглиги, аниқроғи, грамматик категория мезонига сиғмаслиги билан белгиланади. Бу эса даража ҳодисасини грамматик категориядан кенгроқ «уюшма» - функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш учун тўлақонли асос бўла олади.

Ўзбек тилшунослигида ҳам даража маъноси «белги даражаси» умумий грамматик маъносига эга бўлиб, у турли сатҳга мансуб (гетероген) шакл ёрдамида ҳосил қилиниши таъкидланади: *гўзал-гўзалроқ-жуда гўзал*.

Аслий сифатда белгининг уч даражаси ажратилади:

а) оддий даража; б) орттирма даража; в) озайтирма даража.

Оддий даража ҳеч қандай воситасиз ифодаланади. Унда даража умумий маъноси «белгининг ортиқ-камлигига муносабат билдирмаслик» шаклида хусусийлашади: *ёмон, юмшоқ, ориқ, семиз, тор, юксак, эгри каби*.

Орттирма даража белгининг меъёрий ҳолатдан ортиқлиги, кучлилигини ифодалаб, у даража умумий маъносини «белгининг меъёрдан ортиқлигини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Орттирма даража махсус морфологик шаклга эга эмас. Даража маъноси ифодаловчисининг гетерогенлиги ушбу даражада яққол кўзга ташланади.

¹Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Ўқув қўлланмаси. –Т.: НС, 2007. –380 б. –Б.230-231.

Зеро, орттирма даража, айтилганидек, қуйидаги усул билан ҳосил қилинади:

1. **Фонетик усул.** Бунинг бир неча кўриниши бор: а) *қоп-қора, яп-япалок, дум-думалоқ*; б) урғули товушнинг чўзилиши: *у'зун, бала'нд, чиро'йли*.

2. **Лексик усул:** *жуда ақлли, зоятда ачинарли, ниҳоятда юксак*.

3. Белгининг ортиқ даражаси **аналитик шаклда** ҳам ифодаланади. Бу шакл икки узвли бўлиб, биринчи узвини чиқиш келишиги шаклида қўллаш орқали ҳосил қилинади: *узундан узоқ, шириндан ширин*.

Озайтирма даража даража умумий маъносини «белгининг меъёрдан камлигини ифодалаш» кўринишида хусусийлаштиради. Манбаларда бу маънонинг ҳам икки усул билан юзага чиқиши айтилади:

1. **Лексик усул:** *сал дуруст, бир оз яхши, хиёл очиқ*.

2. **Морфологик усул:** *каттароқ, кўпроқ, озроқ*;

Маълум бўладики, ўзбек тилида грамматик маънони ифодаловчи кўплаб восита грамматик категория сифатида қаралганидан жуда кўпгина эркин синтактик бирикма ҳам грамматик категорияга нисбат берилади ва натижада даражанинг морфологик ифодаси билан бошқа номорфологик ҳодиса қориштирилади. Аслида ўзбек тилида мазкур маъно турли сатҳда турлича восита билан ифодаланади ва у битта функционал-семантик майдонни ташкил этади. Тилшуносликдаги айтилган категория доирасидаги мавжуд муаммо уни функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш асосидагина бартараф этилади.

Демак, ўзбек тилида айрим категория маъносини ифодаловчи воситани яхлит функционал-семантик майдон сифатида қамраб олиш ва тадқиқ қилиш долзарб вазифадан саналади.¹

Даража шакли «белги даражаси» умумий маъносига эга. Даража турли (гетероген) шакл ёрдамида ҳосил қилинади: *чиройли-чиройлироқ-жуда чиройли*.

Аслий сифатда белгининг даражасини ифодалашга кўра уч даража ажратилади:

¹ Бондарко А.В. Грамматическая категория и контекст . –Л.:Наука, 1971. Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лисоний-нуткий хусусияти: филол.фан.номз.дисс. ...автореф. –Самарқанд, 2004.

а) оддий даража; б) орттирма даража; в) озайтирма даража.

Оддий даража ҳеч қандай воситасиз юзага чиқади. Унда даража категорияси умумий маъноси «белгининг ортиқ-камлигига муносабат билдирмаслик» тарзида юзага чиқади: *яхши, қаттиқ, семиз, кенг, баланд, тўғри, юмшоқ* каби.

Орттирма даража белгининг меъёрий ҳолатдан ортиқлиги, кучлилигини ифодалаб, даража категорияси умумий маъносини «белгининг меъёрдан ортиқлигини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Орттирма даража махсус морфологик шаклга эга эмас. Даража ифодаловчининг гетерогенлиги ушбу даражада яққол кўзга ташланади. Орттирма даража қуйидаги усул билан ҳосил қилинади:

1. **Фонетик усул.** Бунинг бир неча кўриниши бор: а) *қоп-қора, яп-япалок, дум-думалок*; б) урғули товушнинг чўзилиши: *у'зун, бала'нд, чиро'йли*.

2. **Лексик усул:** *жуда кучли, зоятда қўрқинчли, ниҳоятда баланд*.

Белгининг ортиқ даражаси аналитик шаклда ҳам ифодаланади. Бу шакл икки узвли бўлиб, биринчи узвини чиқиш келишиги шаклида қўллаш орқали ҳосил қилинади: *узундан узоқ, шириндан ширин*.

Озайтирма даража даража шакли умумий грамматик маъносини «белгининг меъёрдан камлигини ифодалаш» кўринишида хусусийлаштиради. Бу маъно икки усул билан юзага чиқади:

3. **Лексик усул:** *сал дуруст, бир оз яхши, хиёл очиқ*.

4. **Морфологик усул:** *каттароқ, кўпроқ, озроқ*.

Даража шакли. Ўзбек тили грамматик категориясини шаклининг бир сатҳга ёки ҳар хил сатҳга мансублигига кўра иккига бўлиш мумкин:

а) гомоген шаклли категория;

б) гетероген шаклли категория.

Гомоген шаклли категория сифатида келишик, сон, нисбат ва ўзгаловчи категорияни кўрсатиш мумкин. Бу категориянинг ташкил этувчиси фақат битр сатҳ (морфемика) га тегишли. Шу боисдан уларга нисбатан гомоген атамасини қўллаш ўринли.

Кесимлик, бўлишли-бўлишсизлик, даража, ҳаракат тарзи категорияси шакли гетероген шаклли категория ҳисобланади. Чунки унинг ташкил этувчи бирлиги бирдан ортиқ сатҳга мансуб бўлади.

Мисол сифатида феълнинг бўлишли-бўлишсизлик категориясини олиб кўрайлик. Ҳар қандай феъл нутқда ё бўлишли, ё бўлишсиз шаклда бўлади. Бўлишли шакл юз берган /бераётган/берадиган, бўлишсиз шакл эса юз бермаган/бермаётган/бермайдиган ҳаракатни ифодалайди. Бўлишли-бўлишсизлик маъносининг ифодаловчиси гетероген (ҳар хил) табиатли, яъни турли сатҳга мансуб лисоний бирлик. Чунки бу маънони ифодалашда *-ма, -май, -маслик* морфологик кўрсаткичидан ташқари, *на* номуस्ताқил сўзи ҳам иштирок этади. Айрим адабиётда, шунингдек, *йўқ, эмас* инкор ифодаловчи сўзини ҳам шу категория сирасида кўради. Бу фикрга, албатта, қўшилиб бўлмайди. Зеро, бу сўз феъл кесим вазифасида келгандагина инкор маъносини воқелантириб, шунингдек, бу маънони ифодалаш учун у доирасидан ташқарига чиқади. Тўғри, нутқда *ўқигани йўқлигини билмайман* типдаги қурилмада *йўқ* сўзи қатнашади. Бироқ бу қурилма *ўқигани йўқ* предикатив қўшилмаси трансформацияси, холос. Демак, барибир, *йўқ* сўзи феълнинг эмас, балки кесимликнинг инкор шакли бўлиб қолаверади.

Эмас инкор шакли ҳақида ҳам шундай табиатга эга. Баъзан ундан қиёсланаётган икки ҳаракатдан ўзгаловчи шаклидаги феъл билан ифодаланган иш-ҳаракатнинг инкорини ифодалаш учун фойдаланилиши айтилади: *Кулиб эмас, йиғлаб гапирди. Юриши эмас, кулиши ёқади*. Бундай бирикув ҳам предикатив қўшилманинг қисқаруви натижасидир: *Кулиб гапирди эмас, йиғлаб гапирди. Юриши чиройли эмас, кулиши ёқади каби*.

Бўлишли-бўлишсизлик категориясининг умумий грамматик маъноси «ҳаракатнинг содир бўлиш/бўлмаслигини кўрсатиш» бўлиб, у категориянинг семантик қиймати ҳисобланади, унинг синтактик жиҳати ўта кучсизлиги билан характерланади. Чунки у ўзи бирикаётган лексеманинг валентлигига жуда оз таъсир қилади (яъни унинг *ҳеч, ҳеч қачон* бирлиги билан бирикувига олиб келади, холос).

Кўринадикки, даража категорияси сифатида қаралаётган тизимнинг ўзини ҳам бир категория сифатида эмас, балки ундан каттароқ бутунлик сифатида қарашга эҳтиёж мавжуд.

Ўзбек тилшунослигида ҳам даража маъноси «белги даражаси» умумий грамматик маъносига эга бўлиб, у турли сатҳга мансуб

(гетероген) шакл ёрдамида ҳосил қилиниши таъкидланади: *гўзал-гўзалроқ-жуда гўзал*.

Аслий сифатда белгининг уч даражаси ажратилади:

а) оддий даража; б) орттирма даража; в) озайтирма даража.

Оддий даража ҳеч қандай воситасиз ифодаланади. Унда даража умумий маъноси «белгининг ортиқ-камлигига муносабат билдирмаслик» шаклида хусусийлашади: *ёмон, юмшоқ, ориқ, семиз, тор, юксак, эгри каби*.

Орттирма даража белгининг меъёрий ҳолатдан ортиқлиги, кучлилигини ифодалаб, у даража умумий маъносини «белгининг меъёрдан ортиқлигини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Орттирма даража махсус морфологик шаклга эга эмас. Даража маъноси ифодаловчисининг гетерогенлиги ушбу даражада яққол кўзга ташланади. Зеро, орттирма даража қуйидаги усул билан ҳосил қилинади:

1. **Фонетик усул.** Бунинг бир неча кўриниши бор: а) *қоп-қора, яп-япалок, дум-думалоқ*; б) урғули товушнинг чўзилиши: *у'зун, бала'нд, чиро'йли*.

2. **Лексик усул:** *жуда ақлли, гоятда ачинарли, ниҳоятда юксак*.

3. Белгининг ортиқ даражаси аналитик шаклда ҳам ифодаланади. Бу шакл икки узвли бўлиб, биринчи узвини чиқиш келишиги шаклида қўллаш орқали ҳосил қилинади: *узундан узоқ, шириндан ширин*.

Озайтирма даража даража умумий маъносини «белгининг меъёрдан камлигини ифодалаш» кўринишида хусусийлаштиради. Манбаларда бу маънонинг ҳам икки усул билан юзага чиқиши айтилади:

5. **Лексик усул:** *сал дуруст, бир оз яхши, хиёл очиқ*.

6. **Морфологик усул:** *каттароқ, кўпроқ, озроқ;*¹

Маълум бўладики, ўзбек тилида грамматик маънони ифодаловчи кўплаб восита грамматик категория сифатида қаралганидан жуда кўпгина эркин синтактик бирикма ҳам грамматик категорияга нисбат берилади ва натижада даражанинг морфологик ифодаси билан бошқа номорфологик ҳодиса қориштирилади. Аслида ўзбек тилида мазкур маъно турли сатҳда

¹ **Эслатма.** Ранг-тус бидирувчи айрим сифатларда қўлланувчи *-(u)ш, -(u)мтир* аффикслари белгининг кучсиз даражасини билдирмайди. Масалан, *оқиш* сўзи оқ рангининг, *қорамтир* сўзи қора рангининг кучсиз даражаси эмас, балки оқ, қора бўлмаган, балки уларга ўхшаш бўлган ранг турлари.

турлича восита билан ифодаланани ва у битта функционал-семантик майдонни ташкил этади. Биз юқорида тилга олган гетероген шакл мазкур нуқтаи назардан махсус тадқиқ этилмаган. Тилшуносликдаги айтилган категория доирасидаги мавжуд муаммо уни функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш асосидагина баргараф этилади.

Демак, ўзбек тилида айрим категория маъносини ифодаловчи воситани яхлит функционал-семантик майдон сифатида қамраб олиш ва тадқиқ қилиш долзарб вазифадан саналади.¹

Даража категорияси (қиск. ДК) «белги даражаси» умумий грамматик маъносига эга. Даража турли (гетероген) шакл ёрдамида ҳосил қилинади: *чиройли-чиройлироқ-жуда чиройли*.

Аслий сифатда белгининг даражасини ифодалашга кўра уч даража ажратилади:

а) оддий даража; б) орттирма даража; в) озайтирма даража.

Оддий даража ҳеч қандай воситасиз юзага чиқади. Унда даража категорияси умумий грамматик маъноси «белгининг ортиқ-камлигига муносабат билдирмаслик» тарзида юзага чиқади: *яхши, қаттиқ, семиз, кенг, баланд, тўғри, юмиоқ* каби.

Орттирма даража белгининг меъерий ҳолатдан ортиқлиги, кучлилигини ифодалаб, даража категорияси умумий грамматик маъносини «белгининг меъёрдан ортиқлигини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Орттирма даража махсус морфологик шаклга эга эмас. даража категорияси ифодаловчисининг гетерогенлиги ушбу даражада яққол кўзга ташланади. Орттирма даража қуйидаги усул билан ҳосил қилинади:

1. **Фонетик усул.** Бунинг бир неча кўриниши бор: а) *қоп-қора, яп-япалок, дум-думалоқ*; б) урғули товушнинг чўзилиши: *у'зун, бала'нд, чиро'йли*.

2. **Лексик усул:** *жуда кучли, зоятда қўрқинчли, ниҳоятда баланд*.

¹ Бондарко А.В. Грамматическая категория и контекст . –Л.: Наука, 1971. Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лисоний-нуткий хусусияти: филол.фан.номз.дисс. ...автореф. –Самарқанд, 2004.

Белгининг ортиқ даражаси аналитик шаклда ҳам ифодаланади. Бу шакл икки узви бўлиб, биринчи узвини чиқиш келишиги шаклида қўллаш орқали ҳосил қилинади: *узундан узоқ, шириндан ширин*.

Озайтирма даража даража категорияси умумий грамматик маъносини «белгининг меъёрдан камлигини ифодалаш» кўринишида хусусийлаштиради. Бу маъно икки усул билан юзага чиқади:

7. *Лексик усул: сал дуруст, бир оз яхши, хиёл очиқ.*

8. *Морфологик усул: каттароқ, кўпроқ, озроқ;*

Эслатма. Ранг-тус бидирувчи айрим сифатда қўлланувчи *-(и)ш, -(и)мтир* аффикси белгининг кучсиз даражасини билдирмайди. Масалан, *оқиш* сўзи оқ рангнинг, *қорамтир* сўзи қора рангнинг кучсиз даражаси эмас, балки оқ, қора бўлмаган, балки унга ўхшаш бўлган ранг тури.

Даража шакли парадигматикаси. Ўзбек тилидаги даража ифодаловчи восита ўзаро зидланади. Бу зидланиш, аввало, ноль шаклнинг серқирралиги асосида приватив асосда бўлади. “Белгининг даражаси” умумий моҳияти асосида бирлашувчи шакл “белгини қиёссиз ифодалаш” умумий зиддият белгиси асосида ажралади. Бунда оддий даража воситаси сифатида қаралувчи 0 (ноль) шакл зиддиятнинг белгисиз, мўътадил аъзоси. Зеро, у белгини даражасиз ҳам, даражалаб ҳам ифодалай олади.

Бошқа даража воситаси “белгининг ортиқ ёки камлигини ифодалаш” зиддият белгиси асосида приватив муносабатда бўлади. Бунда *-роқ* шакли зиддиятнинг мўътадил, қолгани кучли аъзо сифатида намоён бўлади.

6-§. Нисбат категорияси

Нисбат категорияси ҳақида умумий маълумот. Тилшуносликда феъл нисбати (даражаси) энг кўп мунозарага бағишланган мавзудан бири. Ўзбек тилшунослигида нисбат феълнинг луғавий шакл категорияси сифатида атрофлича тадқиқ этилган. Шу боисдан бу масала 1970 йилда унинг моҳиятини белгилаш даражасида ва иккинчи марта 1975 йилда турли қурилишли тилда нисбатнинг хусусияти структур-типологик асосда муҳокама қилинган. Бироқ нисбат ўтимли-ўтимсизлик, каузатив, шахс-сон, фаол ва нофаол қурилма тугунига дахлдор бўлиб, ҳозиргача феъл мавзусига доир барча тадқиқотдан у ёки бу даражада ўрин олиб келаётган

бўлса-да, ўзининг тугал ечимига эга бўлмаган. Ўзбек тилшунослигида нисбат категориясини ўрганган барча тадқиқотчи фикрини уч гуруҳга бирлаштириш мумкин:

1) нисбат шакли ҳаракатнинг бажарувчи ва объектга муносабатини ифодалайди;

2) нисбат категорияси ҳаракатнинг бажарувчи ва объект орасидаги боғланишини тавсифлайди;

3) нисбат категорияси ҳаракатнинг субъектга муносабатини ифодалайди.¹

Ўтимли-ўтимсизлик ва нисбат тушунчаси ҳамيشа боғлиқ тушунча сифатида қаралади. Чунки феълнинг бош луғавий шакли сифатида нисбат қараладиган бўлса, феълнинг валентлиги аввало унинг ўтимли-ўтимсизлигига таъсир қилади. Нисбат моҳиятини белгилашнинг муаммолиги унга диалектик боғлиқ бўлган ўтимли-ўтимсизликка турлича қарашнинг мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Чунки уни айрим тадқиқотчилар грамматик ҳодиса дейишса, бошқаси луғавий моҳият сифатида қарашади. Ўтимли-ўтимсизликни луғавий ҳодиса сифатида қаровчи фикрини қуйидагича асослашади:

Биринчидан, ўтимли-ўтимсизликни мунтазам ифодаловчи шакл тизими ўзбек тилида мавжуд эмас;

Иккинчидан, ҳар қандай феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз шаклга эга эмас.

Тўғри, айрим нисбат шакли мунтазам равишда ўтимли-ўтимсизлик учун хизмат қилади. Бироқ у феъл туркумини бошдан-оёқ қамраб ололмайди, балки унинг айрим гуруҳи билан чекланади.

Нисбат категорияси феъл луғавий маъносига бошқа категорияга нисбатан кўпроқ таъсир қилиши билан ажралиб туришини таъкидлашади. Бу унинг феъл ўзак-негизига қўшилиш ўрни билан белгиланади. Умуман

¹ Ғуломов А. Феъл. –Т., 1954. –Б. 56; Ҳожиев А. Феъл. –Т.: Фан, 1973. Ўзбек тили грамматикаси. –Т.: Фан, 1975; Нигматов Х.Г. Функциональная грамматика тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989; –Б. 82; Султонсаидова С. Ўзбек тилидаги грамматик категориянинг ўзаро муносабати: филол.фан.докт.дисс. ...автореф. –Т., 1994, –Б. 48; Аъламова Н. Ўзбек тилидаги феълда нисбат категорияси: монография. –Т.: Фан, 1992; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б. 130–139.

олганда, нисбат категорияси бўйича билдирилган фикр қанчалик ранг-баранг бўлмасин, уни бир жиҳат бирлаштириб туради: нисбат шакли феълга хос категориал тизим.

Жаҳон тилшунослигида нисбат категориясининг моҳиятини белгилашдаги қараш ҳам учга бўлинади:

семантик йўналиш тарафдори (Ф.Ф.Фортунатов, А.М.Пешковский, Р.О.Якобсон ва бошқ.) нисбатнинг семантик томонига асосий эътибор беради;

синтактик йўналиш тарафдори (А.В.Исаченко ва бошқ.) бу категория феълнинг эгага муносабатини кўрсатади деган қарашни илгари суришади;

семантик-синтактик йўналиш тарафдори юқоридаги ҳар икки қарашни бирлаштиради (А.И.Моисеев ва бошқ.)¹

Туркийшуносликда нисбатни сўз ясовчи-шакл ясовчи восита сифатида қараш ҳам маълум вақт урф бўлиб², бунинг натижасида феълнинг нисбат кўрсаткичли шакли ҳатто изоҳли луғатдан ҳам ўрин олди. Масалан, ҳақиқатан ҳам, ўзбек тилидаги айрим феъл бутунлай семантик ўзгаришга учрайди: келмоқ – келишмоқ, кермоқ – керилмоқ, оғримоқ – оғринмоқ, севмоқ – севинмоқ, сурмоқ – суриштирмоқ каби. Аммо айрим феълдаги семантик силжишга қараб нисбат шаклининг сўз ясовчилик хусусиятига эгаллиги ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Мисолга эътибор қилайлик:

а) *гапир – гапиртир – гапиртирилди*;

б) *юв – ювин – ювинтир*;

в) *ишла – ишлаш – ишланди*.

Далилдан маълум бўладики, нисбат шаклининг қўшилиши натижасида вужудга келадиган семантик ўзгариш шакл ясалиши чегарасидан ташқарига чиқмайди ва бундай ҳолни барча луғавий шакл

¹ Храковский В.С. Очерки по общему и арабскому синтаксису. –М.: Наука, 1973. –С. 168; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б. 124.

² Баскаков Н.А. Выражение глагольных категорий в тюркских языках // Типология грамматических категорий. –М.: Наука, 1975. Иванов С.Н. Родословное древо тюрков Абул-Гази-Хана. –Т.: Фан., 1969; Нигматов Х.Г. Функциональная грамматика тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989. –Б. 82.

ясовчи восита сирасида ҳам кузатиш мумкин. Бироқ нисбат шаклидаги феълни изоҳли луғатда беришганда ҳам, барибир нисбат кўрсаткичини сўз ясовчи сирасига қўйишмайди. Демак, бундан нисбат сўз ясайдими ёки нисбат шаклини олган феъл тадрижий тараққиёт натижасида лексемага айланадими деган саволни қўйган ҳолда муаммога муносабат билдириш лозимлиги уқилади. Кўринадик, масалага сўз ясаши ва сўзшаклнинг лексемага айланиши ҳодисасини фарқлаш асосида ёндашув муаммога ечимига олиб келади. Албатта, барча борлик, хусусан тил ҳодисасида бўлгани каби луғавий шакл кўрсаткичида ҳам сўз луғавий маъносига таъсир кучи даражали характерга эга. Бошқача айтганда айрим луғавий шакл ҳоисил қилувчи кўрсаткич ўзи бирикаётган сўзнинг луғавий маъносини кўпроқ ўзгартирса, бошқасида ўртача, айримида ўта суст бўлади. Масалан, равишдош шакли феълнинг маъносини оз, сифатдош ўртача, ҳаракат номи эса кучли ўзгартиришга қо.

Тилшунослар нисбат шаклининг моҳияти ҳақида сўз юритишганда кўпроқ унинг бошқарувга таъсир қилиш имкониятига эътибор қаратишади. Шу боисдан валентликнинг тубдан ўзгариши уни гоҳ тўла синтактик, гоҳ соф семантик ҳодиса сифатида қарашга олиб келишади. Ўзи бирикаётган сўзнинг валентлик имкониятига кучли таъсир қилиш бошқа категория ва шаклда ҳам мавжуд. Масалан, эгалик категорияси кўрсаткичи асос сўзнинг валентлик имкониятига сифат жиҳатдан таъсир қилса, яъни унинг сонини ўзгартирмасдан, бирикувчининг семантик жиҳатдан мувофиқлигини таъминласа, кичрайтириш-эркалаш шакли асос сўз валентлигининг миқдорий жиҳатига таъсир кўрсатади.

Тўғри, нисбат шаклида луғавий маънога таъсирнинг кучлилиги унинг асос сўзни танлашида кўзга ташланади. Масалан, айрим нисбат шакли феълнинг баъзи грамматик маъно гуруҳини танласа, бошқаси буни инкор қилади. Ўзлик нисбат шакли баъзан ўтимли, баъзан ўтимли феъл гуруҳини танласа, орттирма нисбат кўшимчаси ўтимсиз феълни ўтимлига айлантиради.

Ўзбек тилида нисбатнинг беш тури ажратилади ва унинг айрими ўзига хос фонетик вариантга эга:

Нисбат	Бош шакли	фонетик
--------	-----------	---------

		варианти
Аниқлик нисбати	-	-
Ўзлик нисбати	-н/-л	-ин/-ил
Мажхул нисбат	-н/-л	- ин/-ил
Ортгирма нисбат	-дир, -газ, -т, -из, - ир, -ат, -сат	-тир, -гиз, -каз, - киз, -қаз
Биргалик нисбати	-и	-иш

Нисбат категорияси тадқиқи тарихидан. Ўзбек тилшунослигида нисбат категориясини жиддий ўрганиш академик А.Н.Кононовнинг 1948 йилда чоп этилган «Грамматика узбекского языка» асаридан бошланди. Олим бу асарини қайта ишлаб, 1960 йилда «Грамматика современного узбекского литературного языка» номи билан нашр қилди.¹ Асарда бошқа грамматик категория каби нисбат категорияси, унинг бугун ажратиш анъана бўлган 5 тури ва унинг ҳар бирини ташкил этувчи кўрсаткич тизими, маъноси, маъновий бўлиниши ва воқеланиш хусусияти, туркий тилларда қўшимчанинг шаклланиш ва ўрганилиш тарихи ҳақида маълумот берилди. Шундан сўнг ўзбек тилшуноси А.Ғуломов “Феъл” асарида ўзининг нисбат категорияси ҳақидаги фикрини баён қилди.² *Нисбат* термини ўрнида *даража* атамасини қўллаган олим ҳам 5 та нисбат (даража)ни эътироф этиб, унга “ҳаракат субъекти ва объекти орасидаги муносабатни – унинг ўзаро алоқасини кўрсатади”ган категория сифатида ёндашади. Олим рисолада аниқ даражанинг “феъл ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилиши”ни, мажхул даража “феъл ҳаракатнинг грамматик объект томонидан бажарилиб, грамматик субъектга ўтганлигини”, ўзлик даражадаги феъл “бажарувчининг шу ҳаракат объект ҳам эканлигини, бунда субъект ўз ҳаракатининг объекти ҳам бўлиши, кесим вазифасидаги бундай феъл эга

¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М. –Л.: Издательство Академии наук СССР, 1960. –Б.187–198.

² Ғуломов А. Феъл. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. –Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1954.

билан ифодаланган шахс томонидан бажарилган ва унинг ўзига ўтган ҳаракатни билдириши”, биргалик даражадаги феъл “ҳаракатнинг бир неча субъект томонидан бажарилиши”ни, орттирма даражадаги феъл ҳаракатнинг ўтимлилашиши, восита билан бажарилиши” каби маънони билдиришини таъкидлайди. А.Ғуломов уқтиришича, “феълнинг даража категорияси эга билан кесим орасидаги алоқанинг характерини, шунингдек, объектга муносабатини ифодалайди (объект қатнашганда), бу синтактик хусусият билан боғлиқ. ... Даража категорияси феълдан феъл ясайдиган аффикс орқали ҳосил қилинади.”¹ Шу асосда нисбат (даража) шаклининг грамматик ва синтактик хусусияти қатор тилшунос томонидан тадқиқ этилди. Тилшунос Ж.Мухторов ўзбек тилидаги феъл даражасининг айрим масаласини², Т.Хўжаев орттирма нисбат ва ўтимли-ўтимсизлик масаласини ўрганган бўлса, С.Султонсаидова даражанинг ўтимли-ўтимсизликка муносабатини Абдулла Қаҳҳонинг “Синчалак” қиссасидан олинган мисол асосида тадқиқ қилди.³ Тилшунос Қ.Холиқов ахборотида *даража* атамаси ўрнида *нисбат* термини қўлланади.⁴ Бунда олим ҳаракат феълда нисбат категориясининг воқеланиш хусусияти ҳақида сўз юритади.

Айрим тилшунос нисбат категориясининг баъзи шаклини алоҳида тадқиқ қилди. Масалан, Э.Фозилов ўзлик, Э.Фозилов ва Т.Хўжаев орттирма нисбатни текширишди.⁵ А.Ҳожиёвнинг “Феъл” асарида нисбат категорияси бўйича анъанавий тавсифий иш умумлаштирилиб, айрим ҳал қилинмаган жиҳати тадқиқ қилинди ва у “Ўзбек тили грамматикаси” дан

¹ Ғуломов А. Кўрсатилган асар. –Б. 57.

² Мухторов А. Ўзбек тилида феъл даражалари. – Ученые записки УзГУ, Самарканд, 1956; Турсунов У., Мухторов А. Ўзбек тилида феъл даражалари тўғрисида – ЎзГУ асарлари, Янги серия, 66-сон, Филология факультети, Ўзбек тилшунослиги кафедраси, –Самарканд, 1956.

³ Султонсаидова С. Феълда даража ва ўтимли-ўтимсизлик категорияси (А.Қаҳҳонинг “Синчалак” повести асосида) – “Ўзбек тилшунослиги масалалари”, Тошкент университетининг илмий асарлари, 443- чиқиши. –Т., 1973.

⁴ Холиқов Қ. Ҳаракат феълнинг нисбат формалари – Материалы XXIII научной конференции профессорско-преподавательского состава СамГУ по итогам выполнения научно-исследовательских работ за 1965 год. Серия филологических наук (19–22 апреля 1966), Самарканд, 1966.

⁵ Фозилов Э. Ўзбек тилида феълнинг ўзлик даражаси / Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1960, - № 5; Фозилов Э. Ўзбек тилида феълнинг орттирма даражаси / Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1961, - № 1; Хўжаев Т. Ўтимли феъл ва орттирма нисбат ҳақида / Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари. –Т.: Фан, 1966.

ҳам ўрин олди.¹ Тилшунос М.Миртожиевнинг Мақ.асида ҳам ўтимли-ўтимсизлик ва нисбатнинг айрим масаласига доир анъанавий тадқиқ усули ҳақидаги фикри баён этилди.²

Ўзбек тилидаги нисбат категориясини ўзига хос тадқиқи тилшунос М.Аъламова ишида кўзга ташланади. Олиманинг монографиясида тилшуносликнинг мураккаб масаласидан бўлган нисбат категорияси ўзбек тилшунослигида илк марта нутқдаги барча кўриниши билан ягона тартибот асосида яхлит система сифатида ўрганилди. Унинг феълга хос ўтимли-ўтимсизлик билан ўзаро муносабатига доир муаммо хусусида фикр билдирилди. Ҳар бир нисбат шаклининг семантик-синтактик жиҳати валентлик назарияси асосида текширилди. Айниқса, нисбат шакли билан тузилувчи содда гап тарзидаги қурилма ва ундаги нисбат ўзгариши билан боғлиқ ҳолат кўрсатилди.³ Тилшунос субъект, объект ва предикатнинг ўзаро муайян муносабатини *нисбат* термини билан, бу муносабатнинг нутқий вазиятда намоён бўлиш босқичи *даража* термини билан аталган. “Нисбат категориясининг грамматик маъноси тўрт даражада турлича намоён бўлади. Шунга қараб, нисбат тартиботини шундай кўрсатиш мумкин: I даража грамматик маъно бош нисбатдан иборат. II даража бош нисбатдан ясалувчи ўзлик, биргалик, орттирма (каузатив) ва мажҳуллик нисбатидан; III даража ундан ясалувчи орттирма (каузатив) ва мажҳуллик нисбатидан ҳамда IV даража фақат мажҳуллик нисбатидан иборат.”⁴

Ҳозирги ўзбек тилидаги нисбат категориясининг субстанциал тадқиқи тилшунос Ш.Шаҳобиддинова томонидан амалга оширилди. Олима нисбат категориясининг умумий грамматик маъносини диалектик умумийлик-хусусийлик категорияси асосида текширди. Нисбат ва диатеза ҳодисаси муносабатининг фалсафий асосини баён қилди.⁵

¹ Ҳожиёв А. Феъл. –Т.: Фан, 1973; Ўзбек тили грамматикаси. 2 томлик. 1- том. –Т.: Фан, 1975.

² Миртожиев М. Ўтимсизлик ва ўзлик нисбати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, -№ 2. –Б. 34–36; Миртожиев М. Мажҳул нисбат масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985, -№ 2. –Б. 35–37.

³ Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълда нисбат категорияси: монография. –Т.: Фан, 1992.


⁴ Аъламова М. Кўрсатилган асар. –Б. 136.

⁵ Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б. 101.

Нисбат шакли. Аниқ нисбат. Ҳозирги ўзбек тилида феълнинг таснифловчи категорияси бўлган нисбатнинг беш шакли ажратилади: аниқ нисбат, ўзлик нисбати, мажхул нисбат, орттирма нисбат, биргалик нисбати.

Тадқиқотчилар нисбат шакли умумий грамматик маъносининг воқеланиши ва оралиқ грамматик маъносининг фарқланишида феъл луғавий маъновий типининг муҳим роль ўйнашини алоҳида уқтиришади. Шу боисдан ушбу ўринда жаҳон тилшунослиги, туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида ажратилган феъл луғавий маъновий типининг мавжуд манбадаги талқинига зарурат тақозосига кўра қисман тўхталиш лозим. Зеро, бундан сўнг нисбат шаклининг маъно хусусияти ҳақида сўз юритилганда феълнинг мана шу гуруҳланишига таянилади.

Талқиннинг барчасини умумлаштирган ҳолда феълни маъновий синтактик хоссасига кўра қуйидагича гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ:



Маълумки, ўтимли-ўтимсизлик туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида луғавий характерга эга. Тадқиқотчилар унинг дастлаб синтактик табиатга эга бўлганлигини, кейинги даврда луғавий хусусият касб этганлигини таъкидлашади. Ўтимли рефлексив феъл адресат (ҳаракат йўналган) воситали тўлдирувчисига эга бўлмаган, бажарувчисига қайтувчи ҳаракатни ифодалайдиган феълдир: *кий, е, ич, бил, эшит, кўр* каби. Бунда феъл кенгайтирувчиси билан қуйидаги қуршовда юзага чиқади:

[Бажаравчи + Феъл + Объект ^{тушум келишиги}]

Ўтимли норефлексив феъл ҳам воситали, ҳам жўналиш келишигидаги адресат воситасиз тўлдирувчисига эга бўлган феълдир: *ол, бер, эк, қил* каби. Бу феълни муҳим хоссаси билан воқелантирувчи кенгайган қолипни қуйидагича бериш мумкин:

[Бажарувчи+ Феъл + Объект^{тушум келишиги}+ Объект^{жўналиш келишиги}_{адресат}]

Ўтимли натижали феъл **verba operiendi** типдаги феъл бўлиб, объектни физик ўзгартириш (шакл хусусиятини ўзгартириш) ҳаракатини ифодалайди: *ёз, буз, ёр, бўя* каби. Бу феълнинг фарқли воқеланиши учун қуйидаги кенгайган қолипга эҳтиёж сезилади:

[Бажарувчи+ Феъл + Объект^{тушум келишиги}+ Объект^{жўналиш келишиги}]

Ўтимли натижасиз феълга объектни ўзгартиришга қодир бўлмаган ҳаракатни ифодаловчи ва

[Бажарувчи + Феъл + Объект_{адресат}^{жўналиш келишиги} + Объект^{т.к}]

кенгайган қолипида воқеланадиган *бор, сот, узат* типдаги феъл киради.

Ўтимсиз феъл ҳам ўз ўрнида иккига бўлинади. Ўтимсиз фаол феъл бажарувчи томонидан ҳис қилинувчи ҳаракат, шунингдек, руҳий ҳолат феъли. У, асосан, икки кенгайтирувчили бўлиб (*кишина, гужурла, югур, йўргала*),

[Бажарувчи + Феъл]

ва (*ёт, тур, кет, қоч, яша, ранжи, кул, йиғла, шион, сизин*)

[Бажарувчи + Феъл + О^{чиқиш/жўналиш/ўрин-пайт келишиги}]

қолипида воқеланади.

Ўтимсиз нофаол феъл бирор ташқи куч таъсирисиз бажарувчида юз берувчи ва унда қандайдир ўзгариш ҳосил қилиш ҳаракатини ифодаловчи феъл бўлиб (*қури, иви, қизар, оз, қайна*),

[Бажарувчи + Феъл]

колипида воқеланади. Бу феъл, асосан, бир кенгайтирувчи.

Қуйида нисбат шакли, унинг маъновий, синтактик ва нутқий воқеланиши хусусиятининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб ўтамиз.

Аниқ нисбат категория шакли сирасида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу нисбатда иш-ҳаракатнинг бажарувчиси (субъекти) га муносабат феълнинг луғавий маъноси орқали ифодаланади ва ўзигагина хос белгии билан тавсифланмайди. Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ ҳам (*Салим уйга борди*), ноаниқ ҳам (*Хом сувни ичиб бўлмайди*), фаол ҳам (*Қуш парвоз қилди*), нофаол ҳам (*Хўкиз йўқолди*), ундовчи ҳам (*Қодир укасига иш буюрди*), манфаатдор ҳам (*Узоқларга саёҳат қилсам*), якка шахс ҳам (*Мен йиғламайман*), ҳамкор шахс ҳам (*Кеча кун бўйи ишладик*) ва ҳ. бўлиши ҳам мумкин.

Аниқ нисбатнинг яна бир муҳим жиҳати унинг ноль шакллилиги билан белгиланади. Маълумки, феълнинг барча шаклини иккига – категория ичидаги шаклнинг ўзаро зиддиятида аниқ бир белгига эга бўлган белгили шаклга (масалан, аниқ нисбатдан бошқа нисбат шакли) ва бу зиддиятда аниқ белгига эга бўлмаган шаклга (масалан, аниқ нисбат шакли) ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ шакл ўзи мансуб категориянинг умумий грамматик маъносидан аниқ бир кўринишни «хусусийлаштириб» олади. Иккинчи гуруҳ шаклида хусусийлашма ноаниқ бўлади. Иккинчи гуруҳ шакли (бизнингча, аниқ нисбат) ўзи мансуб категориянинг умумий намояндаси бўлади. Шунинг учун у матн ва шароит талаби билан бошқа шакл маъносини ифодалаши мумкин. Аниқ нисбат ҳам белгисиз шакл сифатида бошқа нисбат шакли ўрнида бемалол қўлланавериши мумкин. Бошқача айтганда, грамматик категориядаги ноль шакл бош шакл сифатида категориянинг бошқа шакли ўрнини ҳам маълум даражада қоплай олади. Аниқ нисбат мажхул нисбат маъносини ҳам (*Бу пулга ҳеч нарса бермайди*), биргалик нисбат маъносини ҳам (*Иккита тошдан*

“дарвоза ясаб олган” болалар копток *тепаяпти*), ўзлик нисбат маъносини ҳам (*Бола ўзига-ўзи гапириб борарди*), орттирма нисбат маъносини ҳам (*Кичик полвон катта полвонни йиқитибди*) ифодалаш мумкин. Бироқ бунда, албатта, услубий чекланиш, мазкур маънони ифодалаш учун бошқа қандайдир “ёрдамчи куч”га эҳтиёж сезилиши табиий. Масалан, юқорида ўзлик нисбат маъносини ифодалаш учун ўзига-ўзи бирлигининг кўмагига зарурат кўзга ташланди.

Аниқ нисбат асос феъл ифодалаётган ҳаракат субъектининг грамматик аниқлиги ва ҳаракат объектининг воситали (*Кесак билан тушириб қолгим келди-ю, дадамдан ҳайиқдим*) воситасиз ҳам (*Рашид ака Икром акани силтаб ташлади*) бўла олиши билан характерланади. Бошқача айтганда аниқ нисбат бошқа барча нисбат шакли маъноси учун бефарқ бўлиб, нутқ вазияти тақозоси билан у маънодан бирини ифодалаб юбориши мумкин, бироқ бу маънодан ҳеч бири унинг учун зарурият эмас. Демак, нисбат категориясининг барча маъносига – бажарувчи, объект ва ҳаракат муносабатининг ранг-баранг маъносига умумий ҳолда аниқ нисбат эга. Бошқа нисбатда бундай ҳол ўта чегараланган ва мавжуди ҳам маълум бир доирадагина амал қилади.

Аниқ нисбат шакли умумий грамматик маъноси «ҳаракатнинг учала шахсдан биридаги киши ёки предмет томонидан бажарилиши ёки бажарилмаслигини билдириш»дир: *билди, кўрди, сўради, айтди, қайтди* каби. Бу нисбатдаги феъл ўтимли (*олди*) ёки ўтимсиз (*ухлади*) бўлиши мумкин.

Демак, ноль шакл умумий грамматик маъноси ўзи мансуб категориянинг моҳиятини бошқасига нисбатан тўлароқ акс эттиради. Хуллас, бунга *ҳаяжонланмоқ, қувонмоқ, сесканмоқ, бекинмоқ, каби феъл асосида янада яққол амин* бўлиш мумкин. Шунингдек, бу аниқ нисбатнинг бошқа нисбат шакли ва маъноси учун асос эканлиги ҳамда шу боисдан нутқда бир неча баробар кўп қўлланиши билан ҳам изоҳланади.

Аниқ нисбатдаги феъл ўтимли ҳам, ўтимсиз ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун аниқ нисбатдаги ўтимли ва ўтимсиз феълнинг бошқарувида ва шунга мувофиқ равишда нисбат семантикасида турли-туман ҳолат кўзга ташланади.

Ўтимсиз феъл объект валентлигига эга бўлмаганлиги боис гап таркибида сўз кенгайтирувчиси бўлган воситасиз тўлдирувчи иштирок этмайди. Мисол: 1. *“София”* *нашриёти чоп этган “Алкимёгар”* романининг биринчи нашрини қўлга олиб, чин дилдан **қувондим.** (А.Отабоев). 2. Энди хонадон келажакда **ушалажак** умид билан **яшай бошлайди.** (Т.Малик) 3. Бу умид баъзан тилга **қўчади.** (Т.Малик) 4. *“Фарзандимиз фалон-фалон мартабага эришсин...”* каби ният **айтилиб,** дуо қилинади. (Т.Малик) 5. Фарзанда **улгая борган** сари қалбдаги умид қанотини кенг ёяверади. (Т.Малик). Субъект-объект кенгайтирувчидан биргина субъект (1.Уфқ қизарди. 2. Дара гумбурлайди. 3.Бола соғлом ўсяпти. 4. Ҳаво совиди. 5. Нидо келади.), субъект ва бир объект (1.Арчазор эрталабки шабадада шовуллайди. 2. Ғўза сувга қонди. 3. Мен трамавайга қараб югурдим.4. Ой тепага келган. (С.Аҳмад)), субъект ва икки объект (1.Йигит, вақтинча тоғдан пастга тушма. (С.Нуров). 2. Ҳамиша сенга бир нарса дейишга чўчийман. (С.Нуров), 3. Сурув тоғда мўл озиқ билан қишлайди (Н.Эшонқул) бўлиши мумкин.

Аниқ нисбат ўтимли феъл билан келганда ўтимсиз феълдагидан бир кенгайтирувчи - воситасиз тўлдирувчиснинг мавжудлиги билан фарқланади. Шу боисдан фаниқ нисбатдаги феълнинг кенгайишида субъектли ва бир воситасиз объектли (1.Тутун ҳамма ёқни **буркади.** Гуландом ҳикоясини **бошлади.** (Ойбек). 2.Тоғу тошни сел **бузар,** Эл орасини сўз **бузар.** (Мақ.). 3. Нури деразани оҳиста **ёнди.** (Ойбек), субъектли ва бир воситали, бир воситасиз объектли (1.Чанг ҳамма нарсани бир хил рангдаги оқиш, жонсиз ранга **бўяди.** (А.Мухтор). 2. Мен сизни фақат яхши пахтакор деб **билар эдим.** (А.Қах.). 3. Аччиқ гапни биз фақат Сиздан **эшитамиз** (Н.Эшонқул), бир субъектли ва бир воситасиз, икки воситали объектли (1.У хатни дафтар варақларига қалам билан тез-тез **ёзарди.** Назокат юз-қўлини илиқ сувда хушбўй атир совун билан **ювди.** Ҳовуз четидаги тошдан ишланган арслон оғизидан гулзорга сувни шиддат билан **пуркайди.** (С.Аҳмад). Кўринадики, ўтимли феълли қурилмада иш-ҳаракат бажарувчидан тшақаридаги объектга йўналтирилган фаол ҳаракат сифатида намоён бўлади. Бош нисбат ўтимсиз феълни шакллантирганда ҳаракатнинг алоҳида объекти йўқлиги маълум бўлади.

Ўзлик нисбати. Ўзлик нисбати асосан **-н**, баъзан **-л** кўрсаткичи ёрдамида ўтимли феълдан ҳосил бўлади. Айрим тилшунос томонидан ўзлик нисбат шакли ясовчи **-и** аффикси ўзлик нисбати ҳосил қилишда каммаҳсул: *керишиди, жойлашиди, қоришиди* каби сўзшаклдагина буни кузатиш мумкин. Феъл ўзлик нисбат шаклига ўтгач унинг табиатида рўй берадиган семантик-синтактик ўзгаришни, асос ва ўзлик нисбати орасидаги фарқни изоҳлаш мушкуллиги тилшунос томонидан эътироф этилган.¹ Масалан, тилшунос А.Ҳожиёв аниқ ва ўзлик нисбатининг ўзаро муносабатини объектли феълни объектсиз феълга айлантириш деб лўнда ифода этади.² М.Миртожиёв «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон қилинган “Ўтимсизлик ва ўзлик нисбати” мавзусидаги Мақ.асида қуйидагини баён этади: Ўтимли туб ва ясама феълда ўтимсизликни ифодалаш эҳтиёжи ўзлик нисбат формантини юзага келтирди. Ўтимсиз феълда англашилган ҳаракат ёки ҳолат объекти унинг ағенси эканлиги каби ўзлик нисбат феълда ҳам ҳаракат ёки ҳолат объекти унинг ағенси бўлади.”³ Аниқ нисбатдаги ўтимсизлик ва ўзлик нисбат феълни ҳосил қилган ўтимсизлик орасидаги фарқ ва ўхшашлик диққатга сазовор. Аниқ нисбатдаги ўтимсиз феълда воситасиз объект бўлмайди. Бироқ ўтимли феъл ўзлик нисбат воситасида ўтимсиз феълга айланганда, воситали объект йўқолиб, субъект ва ҳаракат муносабати қолади, объектнинг туширилиши эса субъектнинг мавқеини кўтаради –мустаҳкамлайди. Бунда чиқиб кетаётган воситасиз объект субъект билан бирлашмайди ва тўлдирувчи эга билан қовушмайди – балки у гап семантикаси ва синтактик тузумидан бутунлай чиқиб кетади: 1. *Ғуломжон апил-тапил кийимини кийди.* (М.Исмоилий) - *Ғуломжон апил-тапил кийинди.* 2. *Далабой бирпас безрайиб турди-да, уни гудраниб сўкди.* (Ў.Ҳош.) - *Далабой бирпас безрайиб турди-да, гудраниб сўкинди.* Кўринадики, феълнинг аниқ нисбатдан ўзлик нисбат шаклига ўтиши натижасида, биринчидан, ўтимли феъл ўтимсизлашаётган бўлса, иккинчидан воситасиз объект гап қурилмасидан чиқиб кетмоқда.

¹ Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълда нисбат категорияси: монография. –Т.: Фан, 1992. –Б. 43.

² Ҳожиёв А. Кўрсатилган асар. –Б. 33

³ Миртожиёв М. Ўтимсизлик ва ўзлик нисбати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, -№ 2. –Б. 34–36; Миртожиёв М. Мажхул нисбат масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985, -№ 2. –Б.35–37.

Аниқ нисбатдаги феъл ўзлик нисбатига ўтгач, қуйидаги семантик-синтактик ўзгариш юз беради.

1. Феълнинг семантикаси ва шунга мувофиқ, синтактик бошқарув ҳам ўзгаради: *Уста болани четга сурди ва йўл очди – Уста четга сурилди.* Биринчи гапда сурилган объект бола, субъект эса уста. Иккинчи гапда сурилган ҳам, сурган ҳам устанинг ўзи.

2. Аниқ нисбатдаги феъл ўзлик нисбатига икки хил шаклда ўтиши мумкин. *Гулбаҳор Фазилатни ўқишга тайёрлади:* 1. *Гулбаҳор ўқишга тайёрланди.* 2. *Азиза ўқишга тайёрланди.* Биринчи гап аниқ нисбатдаги феълли гапнинг семантик муқобили эмас. Лекин субъект мақоми ўзгаришсиз сақланган. Иккинчи гапда субъект ва объект мақоми ўзгарган, шу боисдан уни асос гапнинг семантик вориси ва синтактик ўзгариши сифатида қараш мумкин. Феъл икки кенгайтирувчи (субъект, объект) бўлганда у аниқ нисбатдан ўзлик нисбатига ўтганда, объект субъектга айланар экан, унда дастлабки субъектнинг мақоми ва таъсири нолга айланади. Масалан, *Ҳалима кўйлакнинг чокини сўкди – Кўйлакнинг чоки сўкилди.* Чунки бунда чок биров томонидан эмас, балки ўз-ўзидан сўкилган бўлади.

Ўзлик нисбатидаги феъл моҳият эътибори билан орттирма ва мажҳул нисбатга қарама-қарши туради. Масалан, ўзлик нисбатида субъект фаол ва ҳаракатнинг бевосита бажарувчиси бўлса, орттирма ва мажҳул нисбатдаги феъл нофаол (пассив), бажаришга ундовчи субъект сифатида намоён бўлади. Умуман олганда, ўзлик нисбат аффикси субъектга айланган ёки субъект мақомидаги бажарувчини фаоллаштиради. Бошқа нисбатда эса субъект фаол ҳам нофаол ҳам, бажартирувчи ҳам, биргаликда ҳаракат қилувчи ҳам бўлиши мумкин.

Айрим ҳолда грамматик шакл ўзлик нисбатники бўлса-да, бу шакл ҳаракатнинг бажарувчига қайтишини, бажарувчи ҳам ҳаракат объекти эканини билдирмайди. *Бир маҳал Ғуломжон туйнукдан эриниб чиқаётган тутунга қараб сўзланди.* (М.Исм.) *Сўнг узун дўнглик ортига ўтиб, кўринмай кетди.* (П.Қод.) *Йигит кўзини яширишга жой тополмай қийналди.* (С.Аҳм.) *Давлатбековнинг туғилган қишлоғи Бодомзор бу ердан ўн бир чақирим настда.* (П.Қод.) Ўзлик нисбати шакли ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантиради.

Ўзлик нисбат шакли ҳар қандай ўтимли феълдан ҳам ясалавермайди. Масалан, *ўқи, ҳайда, кес, эк, мин, тик, сугор* каби феълдан ўзлик нисбат шакли ҳосил қилинмайди. Шунингдек, орттирма нисбатдаги ўтимли феълдан ҳам ўзлик нисбати вужудга келмайди.

Семантикасида маъновий силжиш рўй бераётган айрим ўзлик нисбати шаклига эга феъл бу нисбатдан холи қаралиши лозим. *Юзи семизликдан тирсиллаган Араббой керилган бир ҳолда сўради.* (П.Турсун.) *Бу қишлоқда Авазнинг энг очилиб гаплашадиган тенгдоши шу Замонали эди.* (П.Қодиров.) Ана шундай ҳол айрим муаллифнинг баъзан нисбатни сўз ясалиши сифатида қарашига сабаб бўлади.

Шаклнинг тўлақонли ўзлик нисбати эканлиги ёки эмаслигини аниқлашда бошқариладиган сўз ёрдам беради. Аслида ўзлик нисбатдаги феъл ўтимсиз бўлганлиги сабабли тушум келишигидаги феъл билан боғланмайди. Айрим ҳолда бу шаклдаги феъл билан бошқача ҳол кузатилади. Масалан, *чопонини ёпинди* бирикувида ўзлик нисбат шаклидаги феъл тушум келишигидаги феълни бошқармоқда. Демак, бунда нисбат шакли бўлса-да, мазкур нисбатга тегишли маъно мавжуд эмас. Маъно ва шакл яхлит эмас экан, бу бирикувда ўзлик нисбатини қидириш маъкул эмас.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзлик нисбатида ҳаракат субъекти «субъект-объект» қиёфасига кириб, аввалги объект йўқолади. Қиёсланг: *Салим кийимини кийди – Салим кийинди.* Биринчи гапда *Салим* субъект, *кийим* объект, иккинчи гапда объект йўқ, *Салим* эса «субъект-объект».

Айтилган асосида ўзлик нисбати умумий грамматик маъноси «ҳаракатнинг субъекти ва объектини бирлаштириш, ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантириш» тарзида тиклаш мумкин. Бунда фақат грамматик – морфологик маъно ва синтактик вазифа ўзгаришининг яхлит юз бериши кузатилади. Демак, ўзлик нисбати ҳам нисбатнинг умумий хоссаси – феълло луғавий маъносига кучли таъсири билан ажралиб туради. Бироқ бу ўзгариш, айрим ҳолда, турғунлашиши – лисоний мақомга эришиши – лексема вужудга келиши мумкин.

Бу нисбат умумий грамматик маъносининг бир нечта оралик грамматик маъноси фарқланади ва шу асосда умумий хоссаси тавсифланади. Тадқиқотчиларнинг қарашидан келиб чиққан ҳолда, нисбат

шаклининг икки оралиқ грамматик маъносини фарқлашни маъқул деб биламиз:

- а) «соф ўзлик» оралиқ грамматик маъноси;
- б) «адресатли ўзлик» оралиқ грамматик маъноси.

Шаклининг «соф ўзлик» оралиқ грамматик маъноси унинг умумий грамматик маъносини «ўзини-ўзи» типидида хусусийлаштиради. Умумий грамматик маъно «адресатли ўзлик» оралиқ грамматик маъносида «ўзини-ўзига» тарзида намоён бўлади. Биринчи оралиқ грамматик маънода воситасиз объект, иккинчи оралиқ грамматик маънода у билан бирга адресатли объект мантиқан уқилади. Демак, ўзлик нисбат шакли «соф ўзлик оралиқ грамматик маъносини воқелантирадиган феъл (*қашш, юв, бега, ўйла, ос, ил, ифлосла, ёз, бур, оч, ёп, яшир, бошла, пара, чўз, ташла, ёр*) аниқ нисбатда икки кенгайтирувчи бўлиб, у субъект ва воситасиз объектдир: Бу қуршовни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

[Бажарувчи+ Феъл + Объект^{тушум келишиги}]

«Адресатли ўзлик» оралиқ грамматик маъноси аниқ нисбатда уч кенгайтирувчи феълдан (*сўзла, мақта, такрорла, яхшила, тила, сот*) бўлиб, унинг қуршови қуйидаги шаклга эга бўлади:

[Бажарувчи + Феъл + Объект^{тушум келишиги} + Объект^{жўналиш келишиги}]

Демак, ўзлик нисбат шакли оралиқ грамматик маъноси фарқланиши феълнинг маълум бир луғавий-маъновий типиди билан белгиланмаган. Бунда унинг бирикувчанлик имконияти – синтактик омил етакчилик қилади.

Ортгирма нисбат. Ортгирма нисбат шакли қуйидаги:

- дир (-тир)**: *чиздир, ёндир, уринтир.*
- газ (-гиз,- газ, -гиз, -каз, -киз, -қаз, -қиз)**: *кўргаз, киргиз, тургиз, ютқиз, ўтқаз, кеткиз, юргаз.*
- (и)т**: *ўқит, ишлат, тугат, бошлат, юрит, кирит.*
- из**: *оқиз, томиз, эмиз.*
- ир**: *битир, учир, пишир, қочир, очир, шошир, ошир, ботир, қотир.*

-ар: чиқар, қайтар.

-сам: кўрсат.

Орттирма нисбат шаклининг маъносини ойдинлаштириш учун иккита қурилмани кузатамиз: *Пахта қуриди. Пахтани қуритди*. Икки қурилмада ҳам субъект мавжуд бўлиб, у эга мавқеида. Бироқ қурилманинг иккинчисида иштирок этаётган субъект фаоллиги, биринчисида эса у (пахта) пассивлигича, “қуруклик” белгисини ўзига қабул қилаётган предмет сифатида қолаётганлиги кўзга ташланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам орттирма нисбатдаги феъл ифодалаган ҳаракат ундовчи субъектга тегишли саналади. *Мен турдим* ва *У мени турғизди* қурилмаси ундашнинг бор-йўқлигига кўра фарқланади ва уни осонгина бир-бирига айлантириш мумкин. Орттирма нисбатдаги феълли қурилма янги объект билан бойитилади – феълнинг синтактик валентилиги сони ортади. Бундан орттирма нисбат шаклининг феъл валентилигига таъсири намоён бўлади. Келтирилган мисолдаги икки қурилма ҳам бир умумий компонентга эга, яъни у биринчи шахс бирликдаги олмош бўлиб, нисбат ўзгариши асосидаги бошқарув шаклига кўра фарқланади, холос.

Бироқ *У мени турғизди* типидagi қурилма ўзида қатор қарама-қаршилиқни акс эттиради. Биринчидан орттирма нисбатдаги феъл ўтимли феъл сифатида ҳар хил семантик табиатли воситасиз тўлдирувчи билан бирикиши мумкин, аммо нисбат ўзгариши эътиборга олинadиган бўлса, у фақат асос қурилма (*Мен турдим*) даги субъектнинггина ўзига воситасиз тўлдирувчи сифатида қолдиради. Демак, ўзбек тилидаги ўтимли феълнинг воситасиз тўлдирувчиси қандай маъновий гуруҳдан бўлиши чекланмаган характерга эга, лекин орттирма нисбатдаги феълли қурилма “орқага қайтарилганда”, тўлдирувчи эгага айланиб қолади.

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида. Айтилганидек, ўтимли-ўтимсизлик асосан лексик характерга эга. Яъни феъл аниқ нисбатда ҳам ўтимли ёки ўтимсиз бўлиши мумкин. Шунинг феълнинг барча маъновий гуруҳи кузатилганда ўтимли-ўтимсизлик асосидаги фарқланиш унинг бошидан-охиригача чўзилган бўлади. Фақат нутқда унинг бу ҳолатини ўзгартиришга, яъни унинг нутқий модификацияси учун нисбат шакли хизмат қилади. Агар маъновий силжиш натижасида орттирма нисбатдаги феълли қурилма “орқага айлантирилганда”, ундаги воситасиз объект

субъектга айланмаса, бунда орттирма нисбат шаклидаги феълнинг лексикализацияси кўзга ташланади. Масалан, Совхоз директори чўпонларни тоққа **кўчирди** (Н.Эшонкул) гапидаги орттирма нисбат шаклидаги феълни аниқ нисбатга “қайтарсак” (*Чўпонлар тоққа кўчди*) воситасиз объект субъектга айланади. Шу боисдан бунда орттирма нисбатни қидириш маъқул. Бироқ айрим ҳолда бундай “қайтариш” операциясини амалга ошириб бўлмайди: *Замира хатни оққа кўчирди*. Яъни бунда *Хат оққа кўчди* шаклидаги курилмани шакллантириб бўлмайди. Демак, кўринадики, хатга нисбатан ишлатилган **кўчирмоқ** феълени орттирма нисбатдаги феъл сифатида баҳолаш мумкин эмас ва у луғатда лексема сифатида алоҳида изоҳланади.

Қайд қилинганидек, ўзбек тилида бир шаклнинг бир неча кўриниши, варианти ва муқобили бўлиши табиий ҳол сифатида қаралади. Бундан орттирма нисбат ҳам мустасно эмас. Аммо бу тилнинг тарихий тадрижий тараққиёти, айрим грамматик шаклдаги сўзнинг лексемалашуви билан характерланади. Маълум бир шакл сўз билан яхлитланиб борар экан, янги бир кўрсаткичга эҳтиёж туғилади ёки кўшимчанинг янги-янги фузион шакли пайдо бўла боради: *кўч+ир+тир, қўп+ар+тир, туна+t+тир* каби.

Орттирма нисбатдаги лексик ва грамматик жиҳатнинг қоришиб кетиши ҳозирги айрим сўзнинг орттирма нисбат шаклида бўлиб, аниқ нисбатга қайта олмаслигидир: *ўргат, тиргуз (тирилтир), уйғот, ютқиз, айт, сурт* каби.

Демак, орттирма нисбат шакли орттирма нисбатни ҳам, ўз моҳиятидан узоқлашиб, аниқ нисбатни ҳам кўрсатадиган бўлиб қолиши мумкин.

Орттирма нисбатнинг умумий грамматик маъноси «ҳаракат бажарувчисини орттириш, жараёнга «ортиқча» бажарувчини киритиш ва ўтимсиз феълни ўтимли феълга айлантириш». Орттирма нисбатда иш-ҳаракатнинг субъекти ортиб, у бевосита субъект ва билвосита субъектга ажралади. *Салим ўқиди. Салим укасини ўқитди*. Биринчи гапда субъект битта. Иккинчи гапда у иккита бўлиб, *Салим билвосита, укаси* бевосита бажарувчи. Бевосита субъект, гарчи у ҳаракатнинг фаол бажарувчиси бўлса-да, унчалик аҳамиятли бўлмайди, шунинг учун у кўп ҳолда ифодаланмай қолаверади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, орттирма нисбат шакли феълга бирдан ортиқ қўшилиши мумкин. Бунда аввалги бевосита субъект билвосита субъектга айланиб кетаверади: *Салим тўлади. Салим укасига тўлатди. Салим укасига тўлаттирди.* Жумла ғализлиги келиб чиқмаслиги учун кейинги гапдаги бевосита субъект тушириб қолдирилган.

Орттирма нисбат шаклли феъл семантикасида маъновий силжиш рўй бериб, унга хос морфема ажралмайдиган ҳолга келиб қолган мисолни кузатар эканмиз (*тузат, суриштир, солиштир, ярат, уйғон, юпан, эркалат, (далил, мисол) келтир* типдаги феъл ҳам шулар жумласидан), буни орттирма нисбат шаклининг сўз яшаш хусусияти сифатида қарамаслик керак. Чунки сўз таркибидаги орттирма нисбат шаклидаги феъл шу шаклни олиши натижасида эмас, балки узоқ тарихий тараққиёт натижасида лексема ҳолига келиб қолади. Демак, бунда сўз ясалиши эмас, лексемалаштириш ҳодисаси борлиги кўзга ташланади.

Орттирма нисбатда феълнинг юқорида фарқланган маъновий-синтактик гуруҳи муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиққан ҳолда орттирма нисбат шаклининг умумий грамматик маъноси «фаол», «фаол орттирма», «адресатли орттирма», «соф орттирма» каби оралиқ грамматик маъноси орқали юзага чиқади.

Ўтимсиз нофаол феълда орттирма нисбат субъектнинг фаоллигига ишора қилади (*оқарттирмоқ, қорайтмоқ*). 1. *Юртимни яшинатди баҳор еллари.* Феъл ва унинг кенгайтирувчисини аниқ нисбатдаги кўринишига қиёслаш орттирма нисбатнинг бу оралиқ грамматик маъносини янада ойдинлаштиради: 1. *Юртим яшинади.* Дикқат қилинса, гапдан биринчисида бажарувчи (*юрт*) пассив, иккинчисида фаол. Орттирма нисбатда субъект фаоллигининг ошиши сўз ясалишигача боради. Зеро, орттирма нисбат шакли нофаол феълдан натижали ўтимли феъл ҳосил қилади.

Орттирма нисбат шакли умумий грамматик маъносининг яна бир кўриниши фаол «орттирма» оралиқ грамматик маъноси бўлиб, буни ўтимсиз фаол феъл юзага чиқаради. Бунда фаол орттирма нисбатдаги феълнинг субъекти «қўзғатувчи» сифатида намоён бўлади: 1. *Анорхон камтирни суяб турғазди, қучоқлаб сўридан пасга тушириб, офтобада сув келтириб берди.* Оралиқ грамматик маънонинг фарқланишида синтактик

омил лексик омилга ҳамкорлик қилади. Аниқроғи, бош асосдаги бир бошқарилувчи ёнига иккинчи бошқарилувчи ҳам қўшилади. Қиёсланг:

[Бажарувчи + Феъл]
[Бажарувчи + Феъл^{о.н.} + Объект^{тушум келишиги}]

Бунда феълнинг қайси маъновий-синтактик типдан эканлиги муҳим роль ўйнайди. Зеро, унинг ҳар иккаласи ҳам (*турмоқ, турғазмоқ*) биринчи қуршов субъекти билан боғланган, иккинчи қуршовда фаол орттирма нисбатдаги феъл бажарувчисини кўзғатувчи сифатида қабул қилади. Бу эса ўтимсиз феъл типига хос эмас. «*У мени турғазди*» қурилмасида зиддият ҳам кўзга ташланади. Бунда орттирма нисбатдаги феъл «танла, лекин мана буни» типдаги ҳуқуққа эга бўлиб, у ўтимли феъл сифатида истаган тўлдирувчини олиши мумкин эди. Бироқ «турмоқ» феълнинг субъектини тўлдирувчи сифатида олишга мажбур. Чунки «нисбатли ўтимлилик» хоссаси уни шундай бўлишга мажбур этади. Шунингдек, воситасиз тўлдирувчи типи ҳам ҳар қандай ўтимли феъл доирасида ҳар хил бўлиши мумкин. Бироқ «нисбатли тўлдирувчилик» маъноси уни «нисбатли ўтимлилик» маъносидаги феълга боғлиқ қилиб қўяди.

Айтилганидек, туркий тилда ўтимли-ўтимсизлик луғавий табиатга эга. Шу боисдан ўтимли-ўтимсизликнинг семантик ривожини турли луғавий тизим бўйлаб юз беради. Маъновий тараққиёт натижасида фаол орттирма нисбат тўлдирувчи сифатида аниқ нисбат субъектини олмаса, бу ерда сўз ясалиши ҳақида сўз боради. 1. *У мenden машқни кўчирди*. Бунда бажарувчи «кўзғатувчи» эмас, балки «фаол».

Орттирма нисбатнинг адресатли орттирма оралиқ грамматик маъноси ўтимли рефлексив феъл ҳосил қилади ва нутққа жўналиш келишиги билан шаклланган тўлдирувчи ҳам киради. 1. *Мен дори юборай, сиз дарров ичиринг*. 2. *Нигор ойим Мансурга қолган ошни едириб қўйиши билан орасира гапга ҳам қулоқ солгандай бўлар эди*. Қурилманинг қуршови

[Бажарувчи + Феъл^{о.н.} + Объект^{тушум келишиги} + Объект^{адр. жўналиш келишиги}]

типида бўлиб, қолипдаги адресат объект феълнинг бош нисбат шакли (*ичмоқ, емоқ*) учун бажарувчи фоил.

«Адресатли орттирма» оралиқ грамматик маъноси учун ўтимли норефлексив феъл маъновий-синтактик типи ҳам кучли таъсир қилади. Шу боисдан адресат тўлдирувчининг аниқ нисбатдаги феъл субъекти билан алоқаси воситасиз тўлдирувчиникига қараганда кучсиз бўлади. Қиёсланг: 1. *Саломатой онасини ухлатиб қўйиб..* (Х.Ғулом) – *онаси ухлади. 1. Марияга бошдан оёк мусулмонча либос кийдиради(Ойб).* – *Мария либос кийди.* Кўринадики, феълнинг аниқ нисбатдаги маъносининг объектга муносабати турлича.

Шаклнинг «соф орттирма» оралиқ грамматик маъносини ўтимли норефлексив феъл нутққа олиб киради: 1. *Қурбонали билан хотини ерни тракторга ағдартиргач, таноб тортиб, қозиқ қоқди.* 2. *Декчадаги балиқ куйиб кетаётганини кўриб, капгир билан ағдартирди.*

Орттирма нисбат шакли умумий грамматик маъноси оралиқ кўринишининг барчаси учун хизмат қилувчи умумий синтактик омил аниқ нисбатдаги феъл бажарувчининг тўлдирувчига айланиши. Бироқ бу нисбат шакли феълнинг қайси типига бирикаётганлигига қараб, турлича характер касб этади. Масалан,

[Бажарувчи + Феъл^{о.н.} + Объект^{тушум келишиги}]

куршовида, асосан, «фаол» ва «фаол орттирма» оралиқ грамматик маъноси юзага чиқса, «адресатли орттирма» ва «соф орттирма» оралиқ грамматик маъноси учун

[Бажарувчи + Феъл^{о.н.} + Объект^{тушум келишиги}]

қолипи хос. Демак, лексик омил кучайган шароитда синтактик омил сусаяди ва, аксинча, синтактик омил кучайганда, луғавий омил заифлашади.

Мажхул нисбат. Мажхул нисбат *-л* ва *-н* шакли ёрдамида ҳосил қилинади: *ювилди, тозаланди, айтилди, гапирилди, олинди* каби. Бу нисбатли феъл «субъектсизлашади», аниқроғи, объект устуворлашиб, эга вазифасига ўтади, мантиқий объект грамматик эга мақомини олади. *Бу ерда четан билан ўралган мол қўраси бор эди.* (П.Қод.) *Бобохўжа домла ишдан бўшатилди.* (П.Турсун)

Мажхул нисбат асосан ўтимли (*ўралган, йиғилган, сочилган, терилган*), қисман ўтимсиз (*бўшатишганқ, тушилган, борилган*) феълдан ҳосил қилинади. Ўтимсиз феълдан ясалганда эгасиз гап (шахссиз феъл) ҳосил бўлади: *Бу кўча билан икки-уч юз одим юрилгач, қишлоқ гузарига етилади.* (Ҳ.Шар.) *Расми, ёмон хотиндан қочилади, замона шум бўлса, яхши хотиндан ҳам қочар экан киши.* (А.Қах.) Баъзи ҳолда мажхул нисбатда қўлланиши лозим бўлган феъл аниқ нисбатда бўлса ҳам, мажхул нисбат маъноси ифодаланади: *Анчагина юргач, ўнг томонда паҳса уй кўзга ташланади.* (С.Нуров) Бунда шакл ва маъно мувофиқлиги йўқ. Шунинг учун нисбатни аниқлашда қайси нисбат шакли ёки қайси нисбат маъноси бор тарзидаги муқобил саволдан бири қўйилиши керак. Бир-бирига боғланган контакт ҳолатдаги икки феълдан иккинчисигина мажхул нисбатда бўлади: *Бу дори спиртада ивителиб, қиём қилиб ичилади.* (Н.Сафаров) *Эшакка тескари миндириб сазойи қилинди.* (М.Исмоилий)

Ўзлик ва мажхул нисбат омонимик хусусиятга эга. Масалан, *осилди, ташланди, тўкилди* феълнинг ўзлик ёки мажхул нисбатда эканлиги қуршовда маълум бўлади.

Мажхул нисбатда ҳам орттирма нисбатда бўлгани каби аниқ нисбатдаги феъл субъекти таъсирга учрайди. Аммо мажхул нисбатдаги феъл янги объектга эга бўлмайди, асос қурилманинг воситасиз тўлдирувчиси субъектга айланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мажхул нисбат умумий грамматик маъноси «соф мажхул», «нофаол мажхул» ва «шахссизлик» оралик грамматик маъноси орқали нутқий воқеликка айланади. Шаклнинг «соф мажхул» оралик грамматик маъносини ўтимли-натижасиз феъл фарқлайди. 1. *Бу қий-чув орқасидан меҳмонларга қуюқ-суюқ тортилди.* Мажхул нисбат шаклидаги феъл икки кенгайтирувчи бўлиб, асос қолипнинг «бажарувчи» аъзоси ифодаланмайди ва ноаниқлигича қолади:

[Бажарувчи + Феъл + Объект]

Кўринадики, берилган мисолда ҳаракат бажарувчиси номаълум ва ифодаланмаган бўлиб, асос қурилма (*(кимдир)қуюқ-суюқ берди*)даги тўлдирувчи субъектга айланади. Демак, мажхул нисбат шакли «соф

мажхуллик» оралик грамматик маъноси билан воқеланганда асос қурилманинг бошқаруви ҳам ўзгариб кетади.

Қуршов оралик грамматик маънони воқелантиришда феъл типини умумий луғавий маъносига ҳамкорлик қилади.

Шаклининг «нофаол мажхул» оралик грамматик маъносини ўқимли-натижали феъл воқелантиради. 1. *У Кароматни қонга бўялган паранжисига ўраб, ердан кўтариб олди-да, бағрига босиб уйга жўнади.* (Ҳ. Ғулом) Оралик маъно воқеланиши учун

[Бажарувчи + Феъл^{мажхул нисбат} + Объект^{воситали} жўналиш келишиги]

қуршови талаб этилади. Бунда мажхул нисбат оралик грамматик маъноси учун икки кенгайтирувчига зарурат сезилади. баъзан восита кенгайтирувчиси норелевант аъзо бўлиб, оралик грамматик маъно учун бир кенгайтирувчили қолип ҳам етарли:

[Бажарувчи + Феъл^{мажхул нисбат}]

Мисолдан маълум бўладики, мажхул нисбатдаги феъл ифодалаган ҳаракатда асос қурилма фоили эсланмайди. Ҳаракат объект (*Каромат, одам*)га пассив объект эмас, балки нофаол фоил сифатида қарайди. Шунингдек, ҳаракат бирор ташқи куч таъсирида юз бермаётганлиги ҳам англашиб туради. Агар бажарувчи сифатида асос қурилманинг воситасиз тўлдирувчиси намоён бўлса, бунда «нофаол мажхул» ва «соф мажхул» оралик грамматик маъноси фарқланиши учун контекст талаб қилинади. Масалан, (очилмоқ) феъли *эшик очилди* ва *эшик (бирор киши томонидан) очилди* бирикувида воқеланса, лисоний қолип унинг бирида «нофаол-мажхуллик», иккинчисида «фаол мажхуллик» маъноси воқеланаётганлигига ишора қилади.

Мажхул нисбатнинг «шахссизлик» оралик грамматик маъносини ўқимсиз фаол феъл фарқлайди ва воқелантиради: 1. *Бугун стадионга борилади.*

Маълум бўладики, мажхул нисбатда феълнинг «мажхуллиги» фарқли хусусиятга эга бўлиб, «соф мажхуллик» оралик грамматик маъносида бажарувчи тасаввур қилинади (*қуюқ-суюқ* (кимдир томонидан) *тортилди*). «Шахссизлик» оралик грамматик маъносида бажарувчини

тиклаш имкони йўқ (*Бугун* (масалан, Салим томонидан) *стадионга берилади*). Демак, феъл «шахссизлик» оралиқ грамматик маъносини воқелантирганда қолип

[Феъл^{мажхул нисбат}]

тарзида бўлиб, феъл «фоил» кенгайтирувчисига эга бўлиши ва гапнинг эгаси бўлиши мумкин эмас.

Биргалик нисбати. Биргалик нисбат *-и* аффикси ёрдамида ҳосил қилиниб, унинг умумий грамматик маъноси «ҳаракатни бажаришда бажарувчининг биргалашуви».

Биргалик нисбати асос феъл бошқарувига оддий воситали тўлдирувчини кўмакчили воситали тўлдирувчига айлантириш даражасида ўзгариш бериши мумкин.

Биргалик нисбат шаклида «биргалик ёрдамлашиш» ва «биргалик-кўплик» оралиқ грамматик маъноси фарқланади. «Биргалик-кўплик» маъноси учун феълнинг ўтимли-ўтимсизлиги аҳамиятсиз. *Катта ўша ерда. Арз қил, ёрдам беришади, йўл-йўриқ кўрсатишади.* (П.Турсун) «Биргалик-ёрдамлашиш» маъноси воқеланиши учун эса шакл ўтимли феълни танлайди. *Бола دادасига ер ҳайдашди, экин экишди.* (С.Нуров)

Баъзан кўплик шакли ҳам нутқий ортиқчалик сифатида биргалик нисбат шакли устига «қаватланади». *Шарофат холанинг сўзига завқланиб кулишди.* (Н.Сафаров) *Она-бола узоқ йиғлашди, кўз ёшлари битгунча бўзлашди.* (А.Қод.)

Биргалик нисбат шакли ўзлик нисбат билан бирга, ўз оралиқ грамматик маъносининг ҳаракат бажарувчисининг фаоллиги асосида эканлиги билан орттирма ва мажхул нисбатга зид туради. Шунингдек, бу шакл оралиқ грамматик маъноси воқеланиши учун луғавий омилдан кўра синтактик омилнинг устуворлиги ҳам унинг ўзига хос моҳиятга эга эканлигини кўрсатади. Бунда шакл оралиқ грамматик маъноси фарқланиши феълнинг маълум бир маъновий типи билан эмас, балки шаклни нутққа олиб кирувчи синтактик қолип билан боғлиқ равишда юз беради. Айниқса, бу биргалик нисбатда ёрқинроқ намоён бўлади.

Тадқиқотчилар биргалик нисбат шакли умумий грамматик маъноси оралиқ грамматик маъносини турлича белгилайди. Уларнинг қарашини

умумлаштирган ва ундан келиб чиққан ҳолда шаклда иккита оралик грамматик маънони ажратишни маъқул деб биламиз:

а) «биргалик-ёрдамлашиш» оралик грамматик маъноси;

б) «биргалик-кўплик» оралик грамматик маъноси.

Таъкидланганидек, «биргалик-кўплик» оралик грамматик маъноси учун феълнинг ўтимли ёки ўтимсизлиги аҳамиятсиз. Демак, маълум бўладики, луғавий омилнинг сусайиши, албатта, фарқловчи синтактик омилнинг кучайишига олиб келади. Мазкур оралик грамматик маъно фарқланиши учун

[Бажарувчи^{лар}+ Феъл^{биргалик нисбати}+(Объект^{билан})]

куршови зарур бўлиб, бунда қолипнинг (Бажарувчи^{лар}) аъзоси кўплик шаклида ёки уюшган бўлак сифатида нутқий воқеликка айланади. *1. Отни хирмон яқинидаги каллак урилган тутларга боғлашиб, ўзлари хирмонга пиёда боришиди.* (М.Исмоилий)

Қолипнинг Объект^{билан} аъзоси шаклнинг ушбу маъноси учун норелевант унсур бўлиб, унинг юзага чиқиши бажарувчи субъектнинг ҳаракати бир-бирига йўналган ҳолдагина аҳамият касб этади. Бу оралик грамматик маъноси билан биргалик шакли кесимнинг кўплик шакли билан маънодошлик касб этади. Қиёсланг:

1. Улар хирмонга пиёда боришиди.

2. Улар хирмонга пиёда бордилар.

«Фаол ёрдамлашувчи субъект» оралик грамматик маъноси учун шакл феълнинг, асосан, ўтимли нофлексив ва ўтимли натижали гуруҳини танлайди. *1. Бола дадасига ер ҳайдашиди, пахта экишиди. 2. Кўшинисига чиқиб дераза ромларини бўяшиди.* ОЛМни воқелантирувчи лисоний куршов

[Бажарувчи + Феъл^{биргалик нисбати} + Объект^{адресат.} ^{жўналиш келишиги}]

кўринишида бўлиб, куршовнинг Объект^{адресат.} ^{жўналиш келишиги} аъзоси асосий кенгайтирувчи. Куршов ёки гап таркибидан ушбу аъзо ва унинг ҳосиласи чиқарилса, бу оралик грамматик маъно ўрнини «биргалик- кўплик» оралик грамматик маъноси эгаллайди. Қиёсланг:

1.Бола дадасига ер ҳайдашди.

2.Болалар ер ҳайдашди.

Шунингдек, мазкур оралиқ грамматик маъно воқеланиши учун фоилнинг ҳам, асосан, бирлик сонда бўлиши муҳим. Агар у кўпликда бўлса, кесим ҳам шунга мувофиқ бўлади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, нисбат категорияси умумий грамматик маъноси «ҳаракатнинг бажарувчига муносабатини ифодалаш» бўлиб, бу категориал маънога «ўтимли-ўтимсизликка муносабат» ёндош маъно сифатида қоришади.

Демак, нисбат категорияси луғавий шакл ҳосил қилувчи категория сифатида феъл лексема семемасини субъект валентилиги ва ўтимли-ўтимсизлик нуқтаи назаридан модификация қилади.

Нисбат шакли парадигматикаси. Нисбат категорияси шаклининг маъновий ва валентлик муносабатини текшириш асосида айрим парадигматик жиҳатни ажратиш имконини беради. Нисбат шакли маъносини уч типга ажратиш мумкин: 1) нисбатга хос бўлган соф грамматик; 2) луғавий-грамматик; 3) луғавий (яъни сўз ясаш); 4) нисбатга хос бўлмаган грамматик маъно.

Нисбатга хос соф грамматик маъно нисбат шакли қурилмани асос (аниқ нисбатдаги) қурилмага “қайтариш” мумкин бўлган ҳолда кузатилади. Бунда асос қурилманинг субъекти ва ва объекти сақланади, аммо жиддий сифат ўзгаришига учрайди. “Соф орттирма”, “соф мажҳул”, “адресатли ўзлик” маъноси фикримизнинг далили.

Нисбат категориясининг луғавий-грамматик маъно типи асос ва ҳосила қурилманинг ўзаро муносабатидаги ўзгаришда кўзга ташланади. Агар ҳосила нисбатли қурилмада асос нисбатнинг субъекти воқеланмай, фақат идрок этилса, имплицит тарзда мавжуд бўлса, ҳосила қурилмани асос қурилмага “қайтариш” мумкин бўлади ва бунда фақат соф грамматик нисбат маъноси юзага чиққан бўлади. Агар ҳосила қурилмада асос қурилмадаги бажарувчи (субъект) воқеланмаса, уни объект тарзида тиклашнинг имкони бўлмаса, нисбат шакли маъноси луғавийлашган, лексик-грамматик характер касб этган бўлади. *Гул очилди, барглар тўкилди* каби мисолда ана шу ҳолат кузатилади.

Нисбат шакли маъноси грамматик кўрсаткичнинг қотиб қолиши, нисбат шаклли феълнинг шу шаклда семантик силжишни бошдан кечириши натижасида юз беради.

Нисбат категорияси шаклида бошқа категорияда бўлагин каби категориал ва нокатегориал маънони кузатиш мумкин. Бунда шахс тавсифи ёки шахссизлик (шахс), шахснинг битталиги ёки кўплиги (сон) маъноси ноактегирал маъно бўлиб, нисбат шаклининг категориал маъносига ёндош маъно сифатида мавжуд.

Нисбат категориясининг соф категориал маъноси субъект ва объект муносабати.

Аниқ нисбат ҳаракатни бажарувчи мантиқий субъект ва объектни грамматик эга ва воситасиз тўлдирувчи сифатида, мантиқий –грамматик мувофиқлик сифатида бошқара олади. Мажхул нисбатда мантиқий объект грамматик субъектга айланса, ўзлик нисбатида мантиқий объект бутунлай йўқолади. Аммо ҳар иккала нисбат ҳам воситали объектни аниқ нисбат каби бошқара олади.

Ортирма ва биргалик нисбати субъектни бошқаришда бир-бирига ҳамоҳанг. Аммо воситасиз объектни бошқаришда бу ҳамоҳанглик барҳам топади. Ортирма нисбатда, албатта, воситасиз объект бошқарилади. Биргалик нисбат шакли бу белгига бетараф. Айрим ҳолда воситасиз объект мавжуд бўлса (қизлар ўтларни юлишди), баъзан у бўлмаслиги мумкин ва уни тиклашнинг ҳам иложи йўқ (Қизлар юлишди).

Кўринадикки, субъектни бошқарув жиҳатидан нисбат шакли зидланмайди. Мантиқий субъект қандай грамматик характерда бўлишидан қатъи назар, нисбат томонидан гапда бошқарила олади. Аммо объектни бошқаришда хусусий ҳол мавжуд. Аниқ ва орттирма нисбат воситасиз объектни бошқаради, мажхул ва ўзлик нисбат бундай хусусиятга эга эмас. Биргалик нисбат воситасиз объектни бошқариш хусусиятига кўра бошқа нисбат оралиғида туради.

Шу билан биргаликда субъектнинг семантик тавсифига муносабат жиҳатидан ҳам нисбат шакли фарқланади. Бунга кўра мажхул нисбат ноаниқ, бошқа нисбат аниқ субъектга эгалиги бўртиб туради.

Бу маъновий хусусият ҳар бир нисбат шаклида ўзига хос тарзда воқеланади. Аммо шаклнинг категориал парадигматик муносабати қуйидаги ҳолатда бўлади:

1. Орттирма ва биргалик нисбати кўп субъектли нисбат сифатида ўзлик ва мажҳул нисбатига қарама-қарши туради. Чунки ўзлик ва субъект миқдorigа бетараф муносабатда бўлади. Ўзлик ва биргалик нисбатидаги субъект иш-ҳаракатнинг фаол юзага келтирувчиси бўлиб, орттирма ва мажҳул нисбатга қарама-қарши туради. Чунки бу нисбатдаги субъект чеккага сурилади, факультатив табиат касб этади, фақат воситали тўлдирувчи сифатида қурилма таркибидан жой олиши мумкин.

2. Кўп субъектли биргалик ва орттирма нисбат ўзаро “қўзғатувчи”нинг мавжуд-мавжуд эмаслиги билан фарқланади. Бу орттирма нисбатда мавжуд бўлиб, биргалик нисбатда ифодаланмаган.

Бир субъектли мажҳул ва ўзлик нисбати “субъект ва объектнинг бирлашуви” белгиси асосида зидланади. Бу белгига ўзлик нисбати ижобий ва мажҳул нисбат бетараф муносабатда бўлади.

3. Ассос қурилмадаги субъект ўз мавқеини йўқотган орттирма ва мажҳул нисбат “субъектнинг пассивлиги” белгиси билан зидланади. Субъектнинг пассивлашиш даражаси мажҳул нисбатда ифодаланган, орттирма нисбат бу белгига бетараф муносабатда бўлади.

4. Асос қурилмадаги субъектнинг мақомини сақлаб қолган ўзлик ва биргалик нисбати ўзаро “субъектнинг ҳамкорлиги” белгиси асосида зидланади. Бу биргалик нисбатда белгили ва ўзлик нисбатда белгисиз.

Умуман олганда, нисбат шакли субъект ва объектни бошқаришга муносабат нуқтаи назаридан синтактик, субъектнинг аниқ-ноаниқлиги жиҳатидан семантик оппозицияда бўлади.

7- §. Ўзгаловчи категорияси

Ўзгаловчи категорияси ҳақида умумий маълумот. Таҳлил этилаётган таснифловчи(яъни, бу фақат феъл туркумига оид сўзга алоқадор), вазифавий(феълга гап таркибида маълум бир мавқе, вазифа бағишловчи) ва луғавий шакл ҳосил қилувчи(феълнинг луғавий маъносига маълум даражада таъсир этувчи) шакл сирасига нисбатан қўлланиши

фёълнинг бу шакл сирасини яхлит бир категорияга бирлаштириш ва шу категорияга мансуб шаклни алоҳида бир парадигмага тизиш имкониятини беради. Мантиқ, аниқроғи, сўз ва тушунча орасидаги мураккаб мутаносибликдан маълумки, тушунча сўз қобиғида шакллантирилмас, у яхлитлик касб этмайди.¹

Фёълнинг бундай шакли сираси маълум бир атама остида бирлаштирилмас экан, бу сиранинг яхлитлиги ноаниқ ва чегараланмаган бўлиб қолаверади. Маълумки, тилшуносликда бир неча йилдан бери нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, келишиқ, эгалиқ, замон категориясининг ранг-баранг шакли маълум бир парадигмага(шаклан ва мазмунан аниқ чегараланган шакл сирасига) бирлаштирилади. Бироқ биз ўзгаловчи категорияси атамаси остида бирлаштираётган шакл сираси алоҳида парадигма сифатида камдан-кам таҳлил этилади. Ўзбек тилшунослигида Ҳ.Неъматов ва Б.Менглиевдан бошқа тадқиқотчи ишида бу шаклни бир парадигмага бирлаштиришга уринишни учратмаймиз.

Ўзгаловчи – мураккаб категория. Чунки бу категорияни ташкил этувчи ҳаракат номи, сифатдош, равишдош ва фёълнинг кесимлик шаклидан ҳар бири ўз ичида ўзига хос парадигмани ташкил қилади ва таркибида учтадан олти-еттитагача шаклни бирлаштиради. Ўзгаловчи категориясини алоҳида бир категория сифатида ажратилмаслигига асосий сабаб ҳам бу категориянинг бевосита ташкил этувчисининг мураккаб эканлигида.

Бугунги кунда фанда «система-элемент» муносабатининг нисбий табиатга эга эканлиги атрофлича тадқиқ этилган.² Элемент яхлитлик сифатида фақат системага нисбатан юзага чиқади. Ваҳоланки, элементнинг ўзи мураккаб бўлиши ва шу элементни ташкил этувчига нисбатан система сифатида воқеланиши лозим. Бу ҳодиса тил материали, хусусан, лексика материали асосида И.Қўчқортоев, А.Цалкаламанидзе, Р.Расулов, М.Нарзиева, Ш.Искандарова, Г.Неъматова, Р.Сафарова, Б.Қиличев ишида аниқ ва равшан ёритиб берилган. Шунингдек,

¹ Ҳақбердиев М., Хайруллаев М. Мантиқ. –Т.: Ўқитувчи, 1984. 360- б.

² Ломтев Т.П. О некоторых вопросах структуры предложения // Ломтев Т.П. Общее и русское языкознание. Избр. труды. –М., 1976. –С. 140–157; Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Издание 2-ое, дополненное. –М.: Наука, 1977.

ходисанинг синтаксис сатҳида ҳам мавжудлигини Р.Сайфуллаева ва олиманинг шогирдлари исботлаб беришди. Р.Сайфуллаева қўшма гапнинг умумий минимал қолипни $[WP_m V WP_m]$ яхлитлик сифатида ажратиб, уни $[WP_m, WP_m]$, $[WP_m - WP_m]$, $[WP_m \bar{WP}_m]$ каби таркибий қисмдан иборат деб талқин этса¹, бу яхлитликнинг таркибий қисми бўлган $[WP_m, WP_m]$, $[WP_m - WP_m]$, $[WP_m \bar{WP}_m]$ каби қўшма гап қурилиш қолипининг ўзи ҳам мураккаблиги ва ўз навбатида ички парадигма ҳосил қилиши кейинги тадқиқотларда кўрсатиб ўтилди.²

Демак, лексик ва синтактик сатҳда парадигманинг (системанинг) таркибий қисми сифатида (элементи) яна парадигма чиқиши исботланган. Бундан тахмин қилиш мумкинки, морфологик тизимда ҳам мураккаб, яъни элементи сифатида парадигма воқеланган система (resp: парадигма) бўлиши мумкин. Шунинг учун ўзгаловчи категорияси ҳам феълнинг алоҳида бир парадигмаси сифатида бемалол ажратилиши мумкин.

Бу парадигманинг бир томондан бошқа парадигма билан, иккинчи томондан, ўз аъзоси билан муносабати қандай деган ҳақли савол туғилади. Тадқиқотчининг бу масалага эътирозига тўла изоҳ берилмагунча, ўзгаловчи категориясининг ўзбек тилида объектив ҳодиса эканлигини исботлаш қийин.


Луғавий шакл от, сифат, сон, олмош каби мустақил сўзда луғавий маъно билан алоқадор бўлиб, у нутққа, гап таркибига алоқа-муносабат шакли воситасида киритилади ва бу алоқа-муносабат шакли - эгалик ва келишик категорияси - маълум бир сўз туркуми билан чегараланган эмас. Лекин ўзгаловчи категорияси феълни нутққа олиб кириши билан алоқа-муносабат шаклидан фарқланади.

Кесимлик шакли (тасдиқ / инкор, майл / замон ва шахс-сон) одатда, феъл шакли доирасида ўрганилади, бироқ унинг қўлланиш доираси фақат феъл билан чекланмайди. Бу ҳақда ишнинг биринчи бобида баҳс юритилди. Ўзгаловчи категорияси кесимлик категориясини ҳам ўз таркибига бириктирадигандек кўринади. Лекин ҳақиқатда бундай эмас.

¹ Сайфуллаева Р. Ҳозирги оёзбек адабий тилида қўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини: филол. фан. док. дисс... автореф. –Т., 1993.

² Сайфуллаева Р., Абузалова М. Гапнинг энг кичик қурилиш қолиплари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, -№ 5. –Б. 42–47.


Кесимлик категорияси феълнинг кесимлик шаклини ажратиб олади. Чунки кесимлик категорияси феълликдан кенг, яъни кесим вазифасида келиш нафақат феълга, балки барча мустақил сўз туркумига хос хусусият. Кесимлик категорияси феълнинг кесимлик шаклини белгилайдими ёки уни феълнинг бошқа категориясидан фарқлайдими деган саволга ҳеч иккиланмай кесимлик категорияси феълнинг кесимлик шаклини бошқасидан ажратади деб жавоб бериш мумкин. Шу сабабли сифатдош, равишдош, ҳаракат номи бир томондан синтактик шаклини эслатса, фақат феъл туркумига оидлиги ва феълнинг луғавий маъносига ҳам таъсир этиши билан луғавий шаклга яқинлигини кўрсатади. Шунинг учун ўзгаловчи категорияси феъл шакли тизимида луғавий ва синтактик шакл орасида оралиқ учинчи сифатдош баҳоланиши лозим.



Ҳаракат номи, сифатдош, равишдош, кесимлик шакли парадигмасидаги зиддиятда дастлаб «кесим вазифасида кела олиш» белгиси туради. Бу белги асосида тузиладиган зиддият моҳиятан нотўлиқ бўлиб, унда кучли аъзони феълнинг кесимлик шакли ташкил этиб, кучсиз (мўътадил, нейтрал) аъзони қолган шакл ташкил этади. У зиддиятининг юқорида саналган белгисига нисбатан бетарафлиги дастлаб шунда намоён бўладики, ҳаракат номи, сифатдош, равишдош гапда кесим позициясини эмас, балки бошқа мавқени эгаллашга ихтисослашган. Лекин айрим ҳолатда унинг ҳар бири кесим вазифасида келиши мумкин. Шунга қарамай, ҳаракат номи ва сифатдош кесим вазифасида келганда ҳам, агар ундан алоҳида замон шакли ривожланмаган бўлса, ўзининг ҳаракат номи ва сифатдошлик табиатини сақлаб қолади. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳаракат номи ва сифатдош(замон шакли эмас)нинг кесим вазифасида

келишига кўплаб мисол келтириш мумкин: 1. *Қилмиш – қидирмиш*. 2. *Бу бола бўладиган*. 3. *Дуб дарахтининг эгилгани – сингани*.

Равишдошнинг гап кесими вазифасида келиши анъанавий синтаксисда кўшма гап учун меъёрий ҳолат эди: *Баҳор келиб, кунлар исиб кетди*. Формал-функционал таҳлилда юқорида кўрсатилган ҳолатда равишдошнинг кесим вазифасида келиши инкор этилса-да, уюшган кесимнинг луғавий асоси ёки уюшган гапнинг кесими мавқеида келиши тўла-тўқис тан олинади. Демак, ҳаракат номи, сифатдош ва равишдошга ўзлигини сақлаган ҳолда кесим вазифасида келиш ёт эмас. Шундай қилиб, саналган шакл ички зиддиятининг биринчи сирасини қуйидагилар ташкил этади:



Ҳаракат номи, сифатдош, равишдош, ўз навбатида, феълни феъл билан ёки феълдан бошқа сўз туркуми билан боғлаш белгиси асосида ҳам зиддият каторини ташкил этади. Бунда фақат феълни феъл билан боғлашга (бир феълни иккинчисига тобелантиришга) хизмат қилувчи равишдош, бу белгига нисбатан нейтрал бўлган сифатдош ва ҳаракат номига қарама-қарши туради, яъни:



Сифатдош ва ҳаракат номининг бу белгига нисбатан нейтраллиги сифатдошнинг ҳам феъл, ҳам бошқа сўз туркуми билан боғлана олиши ва

тарихан, кўп ҳолда ҳозир ҳам ҳаракат номидан фарқланмаслиги билан боғлиқ.

Сифатдош ва ҳаракат номи шаклининг ўзаро қоришуви туркий тилнинг қадимги давридан ҳозиргача хос. Ғ.Абдурахмонов XI асрда сифатдош ва ҳаракат номи шаклини фарқлаш қийинлигини таъкидласа,¹ ҳозирги ўзбек тилшунослиги тадқиқотчиси «*Акаснинг келганини эшитиб, Дилбар хурсанд бўлди*» каби бириқувда *-ган* шаклининг ҳаракат номи вазифасида келаётганини қайд этмоқда.²

Сифатдошни ҳаракат номидан фарқлаш тарихан анча мушкул бўлса-да, ҳозирги тил учун унинг ўзаро фарқланиши ўзига хос грамматик хусусият касб этган. Сифатдош бошқа сўз билан ҳам битишув, ҳам мослашув (аниқроғи – туркий изофа)³ усули билан алоқага кириша олса, ҳаракат номи, бошқа исм билан фақат мослашув усули билангина бирикади: *Бу азоблардан қутулишининг иложи борми?* (Ў.Ҳош.)

Феълнинг луғавий шакли тизимида алоҳида бир парадигма сифатида ажратиладиган ўзгалоғчи категорияси шаклининг категория ичида ўзаро муносабати юқорида кўриб ўтилди. У феълни маълум бир синтактик функцияга мослаштиради ёки феълни бошқа сўз билан боғлашга хизмат қилади, яъни том маънода синтактик вазифа бажаради. Аммо бундай синтактик моҳият битта сўз туркуми доираси билан чегараланган, қолаверса, феълнинг ўзгалоғчи категорияси шакли ўзи қўшилиб келаётган ўзакнинг луғавий маъносига нисбатан ҳам тўла фарқ деб бўлмайди. Хусусан, ҳаракат номи, сифатдош, равишдош шаклининг феълнинг луғавий маъносига таъсири шунчалик кучлики, қатор тилшунос, жумладан, И.И.Мешчанинов⁴ равишдош ва сифатдошни алоҳида сўз туркумига ажратган бўлса, В.В.Виноградов ва унинг давомчиси⁵ сифатдош, равишдош, ва ҳаракат номини гибрид (икки сўз туркумининг

¹ Абдурахманов Ғ. Исследования по старотюркскому синтаксису (XI век) –М.: Наука, 1967.

² Ғуломов А. Ўзбек тили морфологиясига кириш. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. –Т.: Фан, 1953; Ҳожиёв А. Инкор ифодаловчи воситалар ва феълнинг бўлишсиз формаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 4- сон, –Б. 43–45.

³ Майзель С.С. Изафет в турецком языке. –М., –Л.: Изд. АН СССР, 1957; Салаев Р.Б. Ўзбек тилида исми фоиллар: филол. фан. номз. дисс. автореф. –Самарқанд, 1994.

⁴ Мешчанинов И.И. Члены предложения и части речи. –Л.: Изд. Наука, 1978.

⁵ Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. –М. –Л.: ГУ-ПИМП РСФСР, Учпедгиз, 1947.

маъноси чатишган) сўз сифатида баҳолайди. Шу сабабли ўзгаловчи категориясини – биз том маънода феъл келишиги деб айта олмаймиз. Чунки келишик луғавий маънога таъсир этмайди. Ўзгаловчи категорияси шакли эса луғавий маънога феълни бошқа сўз туркумига маъно жиҳатидан якинлаштириш даражасида таъсир этади. Шунинг учун уни моҳиятан келишик категорияси билан тенглаштириш мумкин эмас.

Ўзгаловчи категорияси тадқиқи тарихидан. Академик И.И.Мешчанинов таъкидлаганидек, дунёнинг барча тилида феъл гап таркибида у ёки бу бўлак вазифасида келиши учун маълум бир шаклни қабул қилади. Қизиғи шундаки, феълни гап таркибига олиб кирувчи бундай шаклнинг ҳар бири ўзининг турли атамасига эга. Масалан, ҳаракат номи – рус тилида феълнинг ноаниқ шакли – «инфинитив», Европа тилида «герундий», арабча «масдар», сифатдош – русча «причастие», европача «партицип», арабча «исми фоил» ёки «исми мафъул», равишдош – русча «деепричастие», европача «адвербиюм», соф феъл – русча «феълнинг тусланган шакли», европача «вербум финитум», арабча «феъл» каби атама билан юритилади. Лекин бу тўрт турдаги шакл тизими (ўзбек тилида) ўзининг махсус атамасига эга эмас. Рус тилшунослигида бу сира феълнинг функционал формаси деган ноаниқ атама билан бирлаштирилади ва ўзбек тилшунослигига ҳам бу калька асосида кириб келади. Атаманинг ноаниқлиги ва категориянинг номи бўла олмаслиги ҳақида кўпгина тилшунос фикр билдирган. Аммо бу категория учун умумий бир лексемали қулай атамани камдан-кам тадқиқотчи таклиф этган. Жумладан, И.И.Смирницкий¹ бу тизим учун «категория репрезентации» атамасини қўллайди. Туркийшуносликда ҳам бу атама. Ҳ.Неъматов томонидан маъкул деб топилди.² Ўзбек тилшунослигида мазкур категория учун бирмунча муносиб ном Б.Менглиев томонидан таклиф этилди. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартида бу ҳодисага нисбатан – феъл тури атамаси қўлланди.³ Аммо бу атамани ҳам муайянлаштириш лозим. Чунки *тури* деган тушунча ўта мавҳум. Атама хилма-хиллигига йўл

¹ Смирницкий А.И. Морфология английского языка. –М.: Изд. лит. по иностр. яз., 1959.

² Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Изд. Фан, 1989.

³ Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури. Она тили. Адабиёт. «Таълим тараққиёти». 1-махсус сон. –Т.: Шарқ, 1999. –Б. 95–96

қўймаслик мақсадида бошқа яна бир янги атамани киритиш фикрида эмасмиз. *Тур* атамасига қараганда *ўзгаловчи* атамасини қўллаш ҳодиса моҳиятига яқинроқ бўлгани боис, ишда феълнинг ўзгаловчи категорияси терминидан фойдаланиш маъкул деб топилди.

Айтилганидек, шўро тилшунослигида феълнинг функционал шакли алоҳида морфологик категория сифатида қаралган эмас. Лекин унинг ички бўлиниши(равишдош, сифатдош, ҳаракат номи)га нисбатан *морфологик категория* атамаси қўлланилиб келинган.¹

Ҳақиқатдан ҳам, бир қарашда феъл тури категорияси(равишдош, сифатдош, ҳаракат номи)нинг ҳар бир шакли маълум бир умумийликка эга бўлиб, бу умумийлик алоҳида шакл (равишдош шакли, сифатдош шакли, ҳаракат номи шакли) хоссасидан тикланганидан категориал моҳиятдек тасаввур уйғотиши табиий. Зеро, ҳар қандай морфологик категориянинг субутий хоссаси бўлмиш «икки ёки ундан ортиқ оппозицияда турувчи, бир-бирини тақозо ва ўз навбатида, инкор этувчи, бир грамматик маъно тагида бирлашадиган грамматик шакл тизими» белгиси бу ҳодиса учун ҳам хос. Дейлик, равишдош кўрсаткичи бўлмиш *-а /й, -(и)б, -гач, -гунча, -гани, -ганда, -ганча* шакли категориянинг юқорида зикр этилган мумтоз таърифига мувофиқ келади. Бироқ, муаммога тасаввуф диалектикасининг зот ва тажалли, мумтоз тилшуносликнинг категориал ва нокатегориал маъно каби умумфалсафий ва умумлингвистик методологик омилидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, шунингдек, бу шакл ўзаро равишдош моҳиятининг хусусийлашуви асосида фарқланадими деган саволни кўндаланг қўйиш масала моҳиятига чуқурроқ кириб бориш учун туртки вазифасини ўтайди.

Маълумки, ҳар бир шакл ўзи мавжуд категория умумий грамматик маъносини парчалайди - хусусийлаштиради. Демак, равишдош шакли бир бутун ҳолда алоҳида морфологик категорияни ташкил этар экан, унда унинг ҳар бир шаклига категория умумий грамматик маъносини хусусийлаштириш талаби қўйилади. Агар юқорида саналган шаклнинг зотий моҳияти ўзи мансуб категория умумий грамматик маъноси жузъийлашмаси ва, шунингдек, ўзи мансуб йирикроқ моҳиятнинг парчаси

¹Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва синтактик имкониятлари: филол. фан. номз ... дисс. –Бухоро, 1995, –Б. 82.

бўлмаган, бироқ шундай кўринган, аслида ўзга категория умумий грамматик маъносининг ўзидаги тажаллиси билан ажралса, у яхлитлик сифатидаги алоҳида категориал моҳиятни ташкил эта олмайди. Равишдош шакли бир-биридан равишдошлик умумий грамматик маъноси парчаланиши асосида эмас (ваҳоланки, равишдошлик умумий грамматик маъноси парчаланмайди, балки, ҳар бир шаклда шу ҳосила такрорланади), балки ўзи учун нокатегориал бўлган лисоний унсур - замон, тасдиқ / инкор, пайт, мақсад, тарз, давомлилик каби ўзга категория маъноси тажаллиси асосида зидланади. Зиддият белгиси равишдош учун хусусий бўлмай, унинг шакли, кўриниши учун, юқорида таъкидланганидек, ёндош маъно. Демак, аён бўладики, *-а / й, -(и)б, -ганча* шаклидаги «ҳолат», «давомийлик» маъноси тарз категориясининг, *-гунча, -гач, -ганда* шаклидаги пайт маъноси замон категориясининг, *-гали, -гани* шаклидаги «мақсад» маъноси майл категориясининг равишдош шаклидаги инъикоси. Маълумки, ҳодисада синтезланган ўзга ҳодиса тажаллиси идрокий йўл билан четлатилса, нарсанинг зотий моҳияти ойдинлашади[3].

Бу ҳолни сифатдош ва ҳаракат номи шаклида ҳам кузатиш мумкин. Чунки сифатдош шакли ўзаро замон, ҳаракат номи шакли эса қўлланиш меъёри белгиси асосидагина фарқланади, холос.

Аён бўладики, феъл тури шакли бўлмиш равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи алоҳида-алоҳида парадигмани ташкил этади, бироқ бу парадигма равишдош, сифатдош, ҳаракат номи умумий грамматик маъносининг хусусийлашмаси эмас, балки равишдош, сифатдош, ҳаракат номи табиатини тўсувчи, уни мураккаблаштирувчи ўзга, улар моҳиятига дахлдор бўлмаган ҳодиса асосида тузилади.

Ўзгаловчи категорияси шакли. Равишдош. Ўзгаловчи категориясининг таркибий қисмидан бўлган равишдош шакли бир феълни иккинчи бир феълга боғлаш учун хизмат қилади. Бу жиҳати билан у келишикка ўхшаб кетади.¹ Равишдошнинг синтактик моҳиятини равишдош ҳосил қилувчи бошқа шакл учун умумий ва мутлақ бўлган «олдинги феълни кейинги феълга тобе аъзо сифатида боғлаш билан

¹ Неъматов Ҳ.Ф. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б. 43.

фeълни нутққа киритиш» вазифаси, морфологик моҳиятини «фeълга равишлик белгисини бериш» маъноси ташкил этади.

В.В.Виноградов равишдошни ўзида фeъллик ва равишлик хоссасини мужассамлаштирувчи ўзига хос моҳият сифатида баҳолаган эди.¹ Ҳозирги ўзбек тилида қуйидаги шакл равишдош шакли сифатида ажратилади:

- (и) б*
- а / й*
- май / масдан*
- ганча*
- гач*
- гани*
- гунча*
- ганда*

Бундан ташқари, ўзбек тили грамматикасида *-гудек* шакли ҳам киритилган бўлиб,² бу шаклнинг маъновий ва синтактик моҳияти саналган равишдош шаклидан бирмунча фарқ қилади. Равишдош шакли учун мутлақ вазифа сифатида «фeълни фeълга боғлаш», сифатдош учун эса «фeълни фeъл ва отга боғлаш» хослиги айтиб ўтилди. Шунингдек, равишдош ҳолат, сифатдош эса ҳаракат ва предмет белгисини билдиради ва бу хусусияти билан сифатга яқинлашиб келади.

-гудек шакли ўз маъно ва синтактик хусусияти билан кўпроқ равишдошга эмас, балки сифатдошга яқин туради: *Мақтанишига а р з и г у д е к хусни йўқ эди. Тогни урса талқон қ и л г у д е к кучи бор. У менга еб қ ў й г у д е к тикилиб турар эди.* Шунингдек, бу шаклни қабул қилган сўзда худди сифатдош каби субстантивациялашув(отлашиш)ни кузатиш мумкин: *Камоқхона махбуслари ичидан қорачадан келган, тоғни урса талқон қ и л г у д е г и ўрнидан туриб, мен томонга яқинлаша бошлади*(А.Камю.Бегона).

¹Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. I қисм. –Андижон. 1994. – Б. 308].

²Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас.мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972. –Б. 523–524.

Сифатдошнинг инкор маъноли гап таркибида қўлланувчи унумсиз -
гулик шакли -гудек шакли билан баъзан синонимлик ҳосил қилади.
Қиёсланг: *арзугулик сабаб – арзигудек сабаб*. Ёки:

Сен мени боргулик қилдингми?

Сен мени боргудек қилдингми?

Сен мени борадиган қилдингми?

Кўриниб турибдики, -гудек шаклини равишдош шакли сирасига киритиш маъкул эмас. Бизнингча, бу ҳолат «фёълнинг барча тусланмаган шакли тарихан сифатдошдан келиб чиққан»¹ деган фикр билан боғлиқ. Поляк тилшуноси В.В.Котвич томонидан илгари сурилган бу фикр Н.А.Баскаков томонидан мутлақлаштирилган ва туркий тилнинг умумий хусусияти даражасига кўтарилган эди. Шу сабабли сифатдош, равишдош, ҳаракат номи шакли орасида баъзан бир-биридан узилмаслик ҳоли учраб туради. Равишдош шакли «фёълни фёлга боғловчи» восита экан, қуйида фақат шу вазифага хосланган шакл хусусида тўхталинади.

«Фёълни фёлга боғлаш» умумий вазифаси билан бирлашувчи шакл тизими ҳақида гап борар экан, бу шаклнинг тўлиқ сирасини юқоридаги етти тур билан чекласак, саналган шакл ичида берилган *-май*, *-масдан* шакли бўлишли- бўлишсизлик категорияси, *-ганда* кўрсаткичи эса замон категорияси унсурунинг равишдошда воқеланган шакли сифатида равишдош шакли сирасидан ўзига хос ўрин эгалламайди.

-ганда қўшимчали ҳосиланинг моҳиятан равишдош эканлигини илк марта турколог олим С.Н.Иванов ўзининг номзодлик диссертациясида асослаган эди.² Чунки *-ганда* шакли *-гач*, *-иб* шакли билан бир хил маъно ва вазифа ўтайди. Кейинчалик туркий тил морфологиясини системавий тадқиқ қилиб, морфологик шаклда синтактик ва маъновий омилни фарқлаган Ҳ.Неъматов «Сифатдош ҳаракат номи + келишиқ кўшимчаси» қолипни ҳосиланинг маъно ва вазифа жиҳатидан равишдошга тенг келиши ҳақидаги қонуниятни асослаган эди.³

¹ Котвич В.В. Исследование по алтайским языкам. Перевод А.И.Толкачева. об. ред. Н.А. Баскакова. – М., 1962, –Б. 221.

² Иванов С.Н. К истолкованию категории принадлежности // Сов. тюркология. 1973. -№ 1. –С. 76–78.

³ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Изд. Фан,1989, –Б. 151].

-май, -масдан шакли исталган нутқий шароитда деярли ҳеч қандай маъно бўёғисиз ўрин алмаша олганлиги сабабли, *-масдан* шакли ҳам «Сифатдош, ҳаракат номи + келишик қўшимчаси» қолипи ҳосиласи сифатида равишдош сирисига киритилади¹:

Топмай қўймайман.

Топмасдан қўймайман.

Кўрмай чиқиб кетди.

Кўрмасдан чиқиб кетди.

«Феълни феълга боғлаш» умумий вазифаси хусусида фикр кетганда, юқорида саналган равишдош шакли қаторига, равишдошнинг «сифатдош, ҳаракат номи+келишик қўшимчаси» ясалиш қонуниятидан фойдаланган ва қўмакчининг маъно ва функциясига кўра келишик категорияси шаклига яқин турганлигига асосланган ҳолда *-гандан бери(буён, бошлаб, сўнг , кейин)*, *-ган сари(ҳамон)*, *-гандан аввал* каби шаклли ҳосиланинг ҳам моҳиятан равишдош эканлигини англаб олиш қийин эмас. «Феълни феълга боғлаш» вазифасини бажарувчи сирасига кирадиган бу аналитик шакл равишдошнинг синтетик шакли билан ҳам вазифавий, ҳам маъновий жиҳатдан ўхшашлик ва умумийликка эга. Шаклнинг умумий грамматик маъноси тавсифини беришда бу ёндош шакл муносабатини эътиборга олиш муҳим.

Лексема нутқда воқеланар экан, унинг мазмун плани – семема таркиби бошқа ҳодиса – морфологик ва синтактик сатҳ таъсирида турли ўзгаришга учрайди – модификация қилинади. Феъл лексеманинг нутқий реаллашувида синтактик сатҳ билан биргаликда феълнинг ўзига хос таснифловчи категорияси – нисбат ва феъл тури категорияси шакли муҳим роль ўйнайди. Бу сирада ўзгаловчи категорияси таркибий қисми бўлмиш равишдош шаклининг феъл луғавий маъносига таъсири айрича.

Равишдош кўрсаткичининг луғавий шакллик табиати унинг умумий синтактик моҳияти – «феълни феълга боғлаш» вазифасига монанд бўлиб, бу вазифа феълга тобе узвлик мақомини беради ва, шу билан бирга, унинг

¹ Кононов А.Н. Опыт реконструкции тюркского деепричастия на *-/-п//б-/-/б/*, *-/-/пан///-/бан/*, *-банн,-/-/* Материалы к сравнительно-исторической грамматике тюркских языков // Вопросы языкознания. 1966, -№ 5. –С. 81–87.

мазмун структурасида ҳам тобеликни таъминловчи белгини бўрттиради, яъни феъл табиатан тобе узвликка ихтисослашган туркум сирасига кирувчи – равиш маъно ва вазифа оттенкасига эга бўлади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, равишдош шаклининг луғавий маънога таъсири нутқий ҳодиса бўлиб, бу таъсири лексема семемасига таъсир қилиш, ўзгартириш тарзида тушуниш ярамайди. Негаки, таъсир лексема мазмун структураси – семеманинг нутқий кўринишига киритилган ўзгариш бўлиб, бундай ҳодиса хусусиятига баҳо беришда нутқий ҳодиса хоссасидан келиб чиқмоқ лозим. Масалан, *севиниб гапирмоқ* бирикмасидаги «*севинмоқ*» сўзининг маъно таркибида «тарз» маъно оттенкасининг вужудга келиши [*севин*] лексемасининг лисоний моҳиятига таъсир қилмайди, у ўз ҳолича қолади. Зеро, лисоний бирлик барқарор, ўзгармас моҳият.

Ҳар бир равишдош шакли феъл лексемани нутққа «мослар» экан, унинг воқеланаётган тажаллисини турли томондан модификация қилади. Бироқ бу ўзгаришнинг барчаси ҳам интеграл хоссага эга бўлиб, унинг тавсифи аввалги бўлимда умумий ҳолда зикр этилди. Қуйида ҳар бир шаклнинг сўз луғавий маъноси ва синтактик хусусиятига таъсири масаласи бирма-бир кўриб ўтилади.

- а/й шакли. -а/й шакли якка ҳолда қўлланиб равишдошли бирикма ҳосил қилиши кам учрайдиган ҳодиса. Якка ҳолда қўлланганда бу шаклли равишдош фоилнинг бир ҳаракатни бажарган ҳолда тезлик билан иккинчи ҳаракатни бажаришга ўтишини ифодалайди: *Жўхори туяётган хотини унинг қўлидаги тугунни кўриб, келисонни қ ў я чопди.*¹ –а/й равишдош шакли алоҳида қўлланар экан, тобе феъл маъносидаги «ҳаракат» маъно бўлакчаси «сиқилиб», бўшаган ўрин «тарз» маъноси билан тўлдирилади ва бундай феъл «тарз маъносидаги ҳаракат» умумийлигига эга бўлади. Аммо мазкур шакл ҳосил қилган равишдошнинг такрорий ҳолда ҳоким феълга боғланиши нутқда кўпроқ кузатилади.

Шакл такрорий равишдош ҳосил қи экан, бундай феълда «тарз» маъноси ҳам, «ҳаракатнинг давомийлиги» маъноси ҳам юзага чиқади.

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас.мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972, –Б. 519.

Хўш, бунда «давомийлик» маъносини ҳам равишдош шакли таъсирида вужудга келган дейишга асос борми? Йўқ, албатта. Чунки ҳар қандай феъл(ҳатто кесим вазифасида келганда ҳам) такрорий қўлланар экан, давомий ҳаракат/ҳолат англашилади. Қиёсланг: *Кейин э н т и к и б-э н т и к и б* йиғлаб юборди – *Ранги ўчган куйи лаби титраб, юзимга қараб т у р д и-т у р д и-да, Омонни кўтариб уйга кириб кетди* (Ў.Ҳош.). Аён бўладики, *-ағй* шаклли такрорий равишдошда «давомлилик» маъно бўлакчаси такрорлаш таъсирида туғилган маъновий ўзгариш бўлиб, бу равишдош кўрсаткичининг луғавий шакл сифатида феъл маъносига таъсири эмас. *-а/й* шакли луғавий шакл сифатида ўзи қўшилиб келган лексема маъносига «тарз» маъно оттенкасини орттиради, холос: 1. *С ў р а й-с ў р а й* Маккани топибди. 2. *Т о м а-т о м а* қўл бўлур(Мақ.).

Мавжуд грамматикада *-а/й* шаклли қўшилмага нисбатан «..феъл формаси такрорланиши билан равиш ясалади..» деб қуйидаги мисол келтирилади: ”*Бозорда қари чолни ўғри дея тутди, У р а-с у р а шўрликни подшо сари элтди* (Х.Олимжон)”.¹ Бизнингча, «*ура-сура*» шакли феълликдан тамоман халос бўлгани йўқ, у равиш(тарз) ва феъл(ҳаракат)лик маъносини ўзида сақлаган равишдош шакли.

-(и)б шакли. Равишдошнинг *-(и)б* шакли кейинги феълдан олдин юз берган ҳаракатни ёхуд бошқа қатор маънони англантиши билан равишдош шакли сирасида алоҳида ўрин тутди. Бу шакл *-а/й* шакли билан ўхшаш ва фарқли жиҳатга эга. *-а/й* шакли деярли ҳамма вақт такрор ҳолда қўлланиб, у ифодалаган ҳаракат давомлилик бўёғига эга бўлса, *-(и)б* шакли бу белгига нисбатан бефарқ бўлиб, ҳам яққа, ҳам такрор қўлланаверади. Гапда *-(и)б* шаклли равишдош такрор қўлланмаганда ҳам давомлилик ёки давомсизлик бўёғига эга бўлиши мумкин: *Хазиначилар сипоҳлар орқасидан икки отни е т а к л а ш и б ҳудайчи ёнига етдилар*. Сезилиб турибдики, бу гапда *-(и)б* шаклли равишдош такрор қўлланмаса-да, тобе феъл маъносидаги ҳаракат «давомийлик» бўёғига эга. Бу давомлилик «етакламоқ» феълнинг луғавий маъноси таъсирида воқеланади. Келтирилган мисолда равишдош ифодалаган ҳаракат ҳоким феълдан англашилган ҳаракат билан бир вақтда юз бермоқда. Бу шакл юқорида

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас.мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972, -Б.535.

айтилганидек, давомлилик белгисига эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда тобе феъл ҳоким феъл ифодалаган ҳаракат билан олдинма-кейин(яъни кетма-кет) юз беради: 1. *Қушбеги яроғли йигитларни қайтишга б у ю р и б, гуноҳкорларни ювоиғина қилиб ўз олдига чақирди*(А.Қод.). 2. *Орадан уч-тўрт ойни ў т к а з и б бизнинг Ҳомид Мирзакарим аканикига совчи киргизди*(А.Қод.). 3. *Хўрак ораси Отабек Зайнабдан с ў р а б, Кумушнинг ухлаб ётганини билди.* (А.Қод.)

-(*у*)*б* шакли такрор ҳолда қўлланиш хусусиятига ҳам эга бўлиб, бундай ҳолатда тобе феълда «тарз» маъноси ҳам, «ҳаракатнинг давомлилиги» маъноси ҳам юзага чиқади; 1. *Иккинчи қоровул м ў р а л а б-м ў р а л а б йўлга қаради.* 2. *Қоғозни б у р а б-б у р а б тили билан бир ҳўллаган эди, папирос тайёр бўлди-қолди.* Айрим ҳолда равишдош англатган ҳаракат/ҳолатнинг давомийлиги ҳоким феъл ифодалаган ҳаракатнинг ўзида ҳам давомлилик белгиси мавжудлигини кўрсатади, яъни равишдош ҳоким феълнинг ҳам **луғавий маъносига таъсир этади**: *Яқин орада обжувоз пойкўпининг зарби ерни с и л к и т и б-с и л к и т и б тўлқин берар эди.*

-(*у*)*б* шаклли равишдошда турли нутқий ҳосилада ҳоким феълдан англашилган ҳаракатдан илгари юз бериб, унинг содир бўлишига «сабаб бўлиш» маъноси ҳам воқеланиши мумкин: 1. *Шу пайт ичкаридан хотинларнинг фавқулодда қий-чув товушлари э ш и т и л и б, иккисининг ҳам қулоқлари тиккайди.* 2. *Олимжон гапирганда Зухра келиннинг тириклигини э ш и т и б хурсанд бўлган эдим.*

Кўп ҳолда равишдош шаклини фарқлашда хатоликка йўл қўйилади. Мавжуд дарслик ва қўлланмада -(*у*)*б* шаклли равишдошнинг қуйидаги қўшилма таркибидаги кўриниши ажратилмай, -*овлашиб* жамловчи сон ҳосил қилувчи деб қаралади.¹ Аслида, бу шакл икки аффиксал морфема - феъл ясовчи -*лаш* ва -(*у*)*б* равишдош шаклидан таркиб топган: - *икки-овлаш-иб* - *икковлашиб бажардик.* -*овлашиб* шакли жамловчи сон ҳосил қилувчи тизимида ҳаракат/ҳолат маъносига эгалиги билан ўринлаша олмайди.

¹ Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Т.: Ўқитувчи, 1980, –Б. 282.

Демак, *-(и)б* шакли феълни нутққа киритар экан, луғавий шакл сифатида феъл аташ семаси сирасидаги «ҳаракат» маъно бўлакчасининг торайиши ва унинг ўрнига «тарз», «пайт», «сабаб» маъно бўёғининг тажаллиланишига олиб келади. Таъкидлаш лозимки, асос феълдаги «ҳаракат» белгисининг «сиқилиши» кучсиз бўлиб, ҳаракат/ҳолат маъноси бирдек мутаносибликда бўлади. Шаклнинг феъл аташ семасига таъсири ўз навбатида вазифа семасида ҳам ўзгариш келтириб чиқаради - асос феълда тобелик белгиси кучайиб, «ҳоллик» вазифа семаси орттирилади: 1. *Фожиянинг йигирманчи кунда яна хатми қуръон қ и л и н и б, бутун юртга ош берилди. (А.Қод.)*. 2. *Фотиҳа ў қ и л и б куёв қайнонага узр айтди(А.Қод.)*. 3. *Энсам қ о т и б б у р и л и б кетаётган эдим, биров биллагимдан ушлади.*

-гач(-кач,-қач) шакли. *-гач(-кач,-қач)* кўрсаткичи билан шаклланадиган равишдошдан англашилган ҳаракатда унинг ҳоким феъл ифодалаган ҳаракатга нисбатан тугалланганлиги ва бу тугалланганликнинг кейинги ҳаракат учун бошланиш нуқта эканлиги уқилади.

-гач шакли феълни нутққа олиб кирар экан, луғавий шакл сифатида асос феълдаги вазифа ва аташ семасига сезиларли таъсир кўрсатади. Бундай шаклли равишдошда пайтга муносабат белгиси равшан сезилиб туради: 1. *Кўзи уйқуга б о р г а ч, фақат шуни кутиб ўтирган Зайнаб қўлида елтигичи билан ёстиқ ёнига келди. (А.Қод.)*. *Отабек номини э ш и т г а ч, секингина кўтарилиб қўйди.*

-гач шакли равишдош билан ҳоким феълнинг фоили битта ҳам, ҳар бириники алоҳида-алоҳида ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолат шаклнинг луғавий маънони қай даражада модификациялашига таъсир қилмайди. Айрим ҳолда равишдош «сабаб» оттенкасига ҳам эга бўлиши мумкин: 1. *Эркалатгач онаси, талтаяди боласи(Мақ.)*. 2. *Кумуш ў т и р а в е р м а г а ч, Офтоб ойим қизишди. (А.Қод.)*

Маълум бўладигани, *-гач* шакли луғавий шакл ҳосил қилувчи сифатида асос феълдаги «ҳаракат» аташ семасига жиддий таъсир кўрсатиб, феълни «пайт», айрим ҳолатда «сабаб» маъно бўёғи билан нутқда воқелантиради. Аташ семасидаги ўзгариш вазифа семасига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, феъл гапда кесим эмас, ҳол вазифасида тобе узв сифатида иштирок этади. Аммо такрор бўлса-да, таъкидлаб ўтиш лозимки, равишдош феълнинг

нутқда воқеланиш шакли бўлганлиги сабабли, асос феъл феълликдан тамоман ўзгаланмайди. Алоҳида, нутқдан ташқари ҳолатда олинган равишдош мутлақ замон маъносига эга эмас, у ўзи орқали ифодаланаётган ҳаракатнинг пайтини кейинги кесимлик ёки бошқа шаклдаги феълдан англашилаётган замонга нисбатан белгилайди.

-май/масдан шакли. *-май* шакли *-а/й* ва *-(и)б* шаклининг бўлишсиз кўрсаткичи бўлиб, у нутқий шароит талаби билан ҳар икки шакл ўрнида қўллана олади. *-а/й* шакли кўп ҳолда такрор қўлланганлиги боис ҳаракатнинг давомийлигини бўрттиради, *-май* шакли эса содир бўлмаган ҳаракатни ифодалаганлиги сабабли, давомли ёки давомсизликка ишора қилмайди. Айрим ўриндагина бу шакл такрор ишлатилиб, бўлишсизликнинг давомийлиги бўёғига эга бўлиши мумкин. Мисол: *1. И н д а м а й-и н д а м а й бошига чиқариб олди.* Бундай ҳолда ҳоким феъл, албатта, бўлишли шаклда бўлади. Алоҳида ҳолда қўлланганда *-май* шаклида кўпроқ *-(и)б* шакли грамматик маъносига хос хусусиятни кўриш мумкин. Қиёсланг: *кулиб гапирди – кулмай гапирди.*

-май/масдан шакли феълни нутққа олиб кирар экан, асос феълдаги “ҳаракат” маъносининг “торайиши” ва ”тарз” маъносининг “кенгайиши” кузатилади. Нутқий куршов таъсирида бу шаклли равишдош “тарз”(1), ”сабаб”(2), ”пайт”(3) каби маъно оттенкасига эга бўлиши мумкин: *1. У гапиртиришига ҳам қ ў й м а й қўлимдан судраб кетди. И н д а м а й ерга қараб ўтиравердим. Чироқни ўчирдим, анчагача у х л о л о л м а й ётдим. Орқамга қ а р а м а й югурдим. 2. Қанотини қуш қ о қ м а й и н, Уйғонар эл полвонлари. 3. Қўрбоши ниҳоят ч и д о л м а й, ўрнидан турди.*

-масдан шаклига мавжуд грамматикада равиш ясовчи сифатида қаралиб, шундай изоҳланади: “Бўлишсиз формадаги сифатдош чиқиш келишигидаги равишга айланади: *шошмасдан, индамасдан, чарчамасдан, қарамасдан..*”¹ Кўринадик, бу шаклнинг бўлишсиз равишдош шакли эканлиги фаҳмланмай, сўзшаклга нисбатан лексема сифатида қаралмоқда.

-гани/ гали шакли. *-гани/гали* шаклли равишдош маъноси асосида ҳоким феълдан англашилган ҳаракат билан бир вақтда содир бўлувчи ҳаракатни ифодалаш ётади. Бундай шаклли равишдош ва ҳоким феълнинг

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас.муҳ. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. Т.: Фан, 1972. –Б.536].

фоили ҳар доим битта бўлади: ...*Раъно келинойимнинг онасини кўргани бордик, деб баҳона қилардик.*

-гани шаклли равишдошда бошқа равишдош шаклидан фарқланиб “пайт” маъносига ишора қилинмайди. Равишдошнинг бу шаклида феълга модал бўёқ бериш маъноси хос бўлиб, у бажарилмаган ҳаракатни ифодалаш маъноси билан мустаҳкамланади.

-гани/гали шаклли равишдош нутқда воқеланар экан, асос феъл аташ семасидаги “ҳаракат” белгиси “кучсизланади” ва унинг ҳисобига “тарз/мақсад” маъно бўёғи юзага чиқади: 1. – *Сиздан ўзимни чақдиргалли келган эмасман! – деди йиғлаган куйи Зайнаб...* (А.Қод.). 2. *Кўргани келдингму ёр, Куйдиргани келдингму ёр*(Кўш.).

-гунча(-кунча-кунча) шакли. -гунча шаклли равишдош ҳоким феъл ифодалаган ҳаракатнинг тугаш чегарасини ифодалайди. Бундай шаклли равишдош ва ҳоким феълнинг фоили кўп ҳолда бошқа-бошқа бўлади: 1. *Арава омборга бориб-келгунча, лавлагини хирмон қилиб ўйиб ташлаймиз*(Ў.Ҳош.). Баъзан тобе феъл – равишдош ва ҳоким феълнинг фоили битта бўлиши ҳам мумкин: *Уто сога ймагунча уйдан чиқмади.* Кўриниб турибдики, бунда -гунча кўрсаткичи бўлишсиз шаклда бўлади.

-гунча кўрсаткичи луғавий шакл сифатида феълни нутққа олиб кирар экан, асос феълдаги аташ семаси – “ҳаракат” маъносига сезиларли таъсир этиб, уни кучсизлантиради ва “пайт” маъносини юзага чиқаради. Бошқа равишдош шакли сингари -гунча шакли ҳам нисбий маънога эга бўлиб, у воқелантирган “пайт” маъноси ҳоким феълга нисбатан белгиланади.

-гунча шакли айрим ўринда ўзи шакллантирган сўзшакл маъносига «пайт» бўёғини бериш вазифасидан фарқли ҳолда, турли нутқий қуршов таъсирида феъл ўзақдаги «ҳаракат» маъносини кучсизлантириб, “қиёс, ўхшатиш” маъно оттенкасини ҳам юзага чиқаради. Аниқроғи, феъл лексема нутқда қиёслаш маъноси билан воқеланади: 1. *Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл.* 2. *Менга ўргатгунча ўзинг ўрган.* *Бериб яхши бўлгунча бермай ёмон бўл* (Мақ.). Мисолдан кўриниб турибдики, мазкур шаклли равишдош билан ҳоким феълнинг фоили - бажарувчиси битта ҳам, бошқа-бошқа ҳам бўлиши мумкин. -гунча шакли

“қиёслаш” бўёғига эга бўлганда *-гандан кўра* аналитик равишдош шакли билан синонимлик ҳосил қилади.

-гунча шаклли равишдошда давомли ҳаракатнинг сўнгги чегараси - “пайт” маъноси, ҳоким феълдан англашган ҳаракатнинг амалга ошиши учун бажарилиши “шарт” бўлган маъно, шунингдек, “қиёс, ўхшатиш” маъноси ҳам нутқ талабига кўра тажаллиланиши мумкин: 1. *Раънони эгасига топширмагунча, у қўйилмайдиганга ўхшайди (А.Қод.)*. 2. *Тонг откунча қишлоққа етиб олиш керак*. 3. *Қуёш чиққунча кўчалар супуриб бўлинди*. 4. *Баҳор келгунча, уруғликни тахлаб қўйиш керак*. 5. *Бурнимни қонатган анови Кўзивойнинг хумдек бошини ёрмагунча тинчимайман*. 6. *Ёмон билан юргунча, ёлғиз юргин ўлгунча (Мақ.)*.

-ганда шакли. *-ганда* шакли замон маъносига эга бўлган *-гач* ва *-гунча* шакли қаторида алоҳида ўрин тутади. Бу шакл *-ган* ва *-да* шакли маъносининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Бундай шаклли равишдошда ҳаракатнинг бирор чегараси эмас, балки унинг содир бўлиш пайти ифодаланади. *-ганда* шаклли қурилмада равишдош ва ҳоким феъл ифодалаган ҳаракатнинг давомийлиги белгиси ва унинг замонда бир-бирига тўғри келиши ҳам ўзига хос. Агар равишдош давомли ҳаракат феъли билан ифодаланса, ҳоким феъл ифодалаган ҳаракат унинг бирор нуктасига, замондаги маълум “кесма”сига тўғри келади (*Мен бозда юрганда у келган эди*). ҳоким феъл давомли феълдан бўлса, равишдош ифодалаган ҳаракат ҳоким феълдан англашилган ҳаракатининг маълум бир қисмига тўғри келади (*Мен келганимда у бозда юрган эди*). Равишдош ҳам, ҳоким феъл ҳам давомли ҳаракатни ифодаловчи феъл билан ифодаланган бўлса, унинг бўлиб ўтиш пайти бир-бирига тўғри келади (*Мен ухлаётганда у юрган эди*).

Юқоридагидан хулоса қилиш мумкинки, *-ганда* шакли луғавий шакл сифатида феълни нутққа олиб кирар экан, асос феълдаги “ҳаракат” маъноси “сиқилиб”, унинг ўрнини “пайт” маъно бўлакчаси эгаллайди: 1. *Айни ўрик гуллаганда қора совуқ бўлиб ҳаммаёқни қақшатиб кетди (Ў.Ҳош.)*. 2. *Бироқ арава яқинроқ келганда похол иляпасини бостириб олган семиз одамни илғадиму ҳаммасини англадим (Ў.Ҳош.)*.

-ганда шакли бўлишсизлик кўрсаткичи билан қўлланганда, яъни бўлишсиз кўринишда бўлганда, асос феълда «пайт» маъносига қараганда

«шарт» маъноси бўёғи кўпроқ воқеланади: 1. *Балки Мунаввар бўлмаган да Шерзод билан уришиб қолмасмидик*(Ў.Ҳош.). 2. *Йўлдошхон қўлимдан тутиб қолмаган да отардим* (Ў.Ҳош.).]

-ганда шаклидаги «содир бўлиб ўтиш пайти» маъноси феъл бир-бирини тақозо этувчи ҳаракатни ифодалаганда ҳам «шарт» маъноси билан қоришади: *Август охида планни бажарганингиз да салом берамиз*(Ў.Ҳош.).

-ганча шакли. Равишдош ҳосил қилувчи бу шакл адабиётларда деярли қайд этилмайди.¹ Кўп ҳолда унга - *гунча* шаклининг варианты сифатида қаралади. Аммо - *ганча* шаклининг маъновий хусусияти унга мустақил равишдаги шакл сифатида қарашни талаб этади. Юқорида кўриб ўтилганидек, -*гунча* шакли луғавий шакл сифатида феълга «пайт», «шарт», «қиёс» оттенкасини берса, -*ганча* шакли асос феълни «тарз» маъносини бериш билангина нутққа олиб киради. Таққосланг: *Шуни врач қилганча оёғи олти, қўли етти бўлиб югурди-ку, «аячаси!»* (Ў.Ҳош.). - *Ерда чўккалаб ўтирганча «мен сенинг онангман» деб йиғлаган хотин хаёлимдан кетмасди*(Ў.Ҳош.). *Ҳатто боядан бери ўша томонга интилаётган чолим ҳам пуштага чўккалаганча оғир киприк қоқди. У қирғоқдаги кесакларни таталаганча эмаклар юқорига чиқа бошлади*(Ў.Ҳош.).

-*ганча* шакли равишдошнинг ўзига хос хусусиятидан бири шуки, гапда равишдош ва ҳоким феълнинг фоили ҳар доим битта бўлади ва бу шакл ўзи шакллантираётган сўздаги «ҳаракат» маъносини кучсизлантириб, нутқда «тарз» маъно бўёғини орттирган ҳолда воқелантиради: *Жиннидек чинқирганча закончига талтиндим*(Ў.Ҳош.).

Равишдош шакли тизимининг луғавий шакл ҳосил қилувчилик хусусиятини кўриб ўтиб, унинг маъновий моҳиятини умумлаштирган ҳолда қуйидагича хулосалаймиз.

Равишдош гарчи умумий, барқарор синтактик моҳиятга эга бўлса-да, ўзаро ўзга категория тажаллиси асосида хилма-хил маъновий парадигматик муносабатда бўлади. Хусусан, -*гани* ва -*гунча* шакли ҳоким

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас.мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972, –Б. 141.

феъл ифодалаган ҳаракатдан кейин юз берувчи ҳаракатни ифодалайдиган кўрсаткич қаторини ҳосил қилади. Шу билан бирга, у ўзига хос хусусияти асосида тенг қийматли зиддият ҳосил қилади. Аниқроғи, *-гани* шакли ўзида майл категорияси тажаллиси кучлилиги ҳамда бажарувчининг яккалиги билан бунга салбий муносабатда бўлган ва ўзида замон категорияси тажаллиси кучли даражада мавжуд бўлган *-гунча* шаклига қарама-қарши туради.

-гач ва *(-и)б* шакли тобе ва ҳоким феъл ифодалаган ҳаракатнинг бажарувчиси билан ўзаро зидланади. Тобе узв *(-и)б* кўрсаткичи билан шаклланганда, ҳар иккала феъл субъекти битта бўлади: *Салим хатни ўқиб ўйланиб қолди*. Тобе ўзв *-гач* кўрсаткичи билан шаклланганда тобе ва ҳоким феъл бажарувчиси битта ҳам (*Салим хатни ўқигач, ўйланиб қолди*), бошқа-бошқа ҳам (*Салим хатни ўқигач, ҳалим ўйланиб қолди*) бўлиши мумкин. Кўринадики, *Салим хатни ўқиб, ўйланиб қолди* гапида *ўқимоқ* ва *ўйланмоқ* феълнинг бажарувчиси бошқа-бошқа бўлиши мумкин эмас. *-гач* шаклида бунга тўсиқ бўлиш имконияти йўқ.

Бундай зиддиятли нуқтани ҳар бир шакл мисолида кўплаб келтириш мумкин. Ортиқча тафсилотдан тийилиб, равишдош шакли парадигматик муносабатини яхлитлик нуқтаи назаридан хулосалашга ҳаракат қиламиз.


«Феълни феълга боғлаш» умумий грамматик маъноси остида бирлашган шакл даставвал «бошқарувчи феъл ифодалаган ҳаракат пайтига муносабат» белгиси остида приватив зиддият ҳосил қилади. *-а / й, (-и)б, -май / масдан, -ганча, -гали* шаклида пайтга муносабат белгиланмаган бўлиб, у имконият сифатидагина мавжуд бўлади: 1. *С ў з л а й - с ў з л а й гапчил бўларсан, И ш л а й - и ш л а й эпчил бўларсан*. 2. *Т о м а - т о м а кўл бўлур*(Мақ.). 3. *Оқсоқол т а й и н л а б - т а й и н л а б айтувдилар*(Ў.Ҳош.). 4. *Лойга б е л а н и б кетмон чопгандан кўра, табелчи бўлсангиз ёмонми!...* (Ў.Ҳош.). 5. *Бобом саҳарлаб эшак м и н и б колхозга чиқиб кетади*(Ў.Ҳош.). 6. *Унинг эсига ҳалиги миш-мишлар т у ш и б, юраги бигиз санчгандай оғриди*. 7. *Т е р г а м а й - т е р г а м а й бошига чиқариб олди*. 8. *Қанотини қуш қ о қ м а й и н уйғонар эл полвонлари*. 9. *Этигини т о п о л м а й каловланиб турди...* (Ў.Ҳош.). 10. *Ойим елкамдан қ у ч о қ л а б нафаси г и ж и л л а г а н ч а қулогимга шивирлайди* (Ў.Ҳош.). 11. *Ойим ҳ а р с и л л а б нафас о л г а н ч а қоронгида тугунчани*

титкилайди (Ў.Ҳош.). 12. *Хатни чала т а ш л а б, чироқ к ў т а р г а н ч а айвонга чиқдим*(Ў.Ҳош.). 13. *Тошкентдан атайлаб к ў р г а н и борсам, Олимжон акам хурсанд бўлади*(Ў.Ҳош.). 14. *Сизни к ў р г а н и келдим*(Ў.Ҳош.).

-гач,-гунча,-ганда шаклида бу белгига – пайтга муносабат аниқ ифодаланган бўлади: 1. *Кавшандозда бир пой калишимни е ч а ё т г а н и м д а мункиб кетдим*(Ў.Ҳош.). 2. *Ўн қадамча қ о л г а н д а шарпа тўхтади*(Ў.Ҳош.). 3. *Биз чиққан арава Нўғайқўрғондан Кўтармага е т г у н ч а қоронғу тушди*(Ў.Ҳош.). 4. *Отаси к е л а в е р м а г а ч, болалар ваҳимага туша бошладилар.*


-а/й, -(и)б, -ганча, -май/масдан, -гани шакли “бошқарилувчи ва бошқарувчи феъл ифодалаган ҳаракатнинг бир вақтдагилиги” белгиси асосида зиддиятда бўлади. Бу зиддиятнинг рамзий тасвири куйидаги кўринишда акс этади:

“бошқарилувчи ва бошқарувчи феъл ифодалаган ҳаракатнинг бир вақтдалиги”



Белгига ижобий муносабати билан -ганча ва а/й шакли унга бетараф муносабатли -(и)б шакли билан приватив, бу белгига салбий муносабатдаги -гани шакли билан эквиолент зиддият ҳосил қилади. -гани шакли “ҳаракатнинг ҳар вақтдалиги“ белгиси билан –а/й ва -ганча шаклига қарама-қарши туради.

-а/й ва -ганча шакли эса ўзаро “равешдош ифодалаган ҳаракатнинг такрорийлиги” белгиси асосида зидланиб, бу зиддият приватив характерда бўлади:



+

-ганча

о

-а/й

Рашишдош парадигмасининг иккинчи гуруҳ ташкил этувчиси бўлган *-гач*, *-гунча*, *-ганда* кўрсаткичи «ҳаракат чегарасига муносабат» белгиси асосида қарама-қарши туради. Бу привативлик белгиси *-гач*, *-гунча* шаклида ижобийлиги, *-ганда* шаклида бетарафлиги билан характерланади. Чунки *-ганда* шаклига, асосан, ҳаракатнинг пайт фонини ифодалаш хосдир, айрим ҳолда ҳаракат чегарасига муносабат ҳам кузатилади.

Кўринадики, рашишдош шакли бир умумий белги (кучли синтактик имконият – “фeyлни фeyлга боғлаш” белгиси) асосида бирлашиб, рашишдошнинг зотий моҳиятига дахлдор бўлмаган белги асосида турли хил зиддиятли муносабатда бўлади. Шу боис зотий моҳиятнинг парчаланиши асосида эмас, балки зотга дахлдор бўлмаган хосса асосида фаркланиши рашишдош шаклини яхлит морфологик парадигмага - категорияга бирлаштириш учун монeълик қилади ва барча шаклини битта рашишдошнинг қоришиқ маъно билан мураккаблашган турли кўриниши сифатида қарашга асос бўлади.

Сифатдош. Олдинги бўлимда айтилганидек, лексема нутқда воқеланар экан, унинг аташ ва вазифа семаси воқеланишида турли морфологик ва синтактик қуршов таъсирида сезиларли ўзгариш кузатилади. Фeъл лексеманинг нутқий реаллашувида асосий ўрин тутувчи таснифловчи ўзгаловчи категорияси аъзосидан бири бўлмиш сифатдош шакли фeълнинг мазмун плани – семема таркибига жиддий таъсир этиши билан ажралиб туради.

Сифатдош нокесимлик шакли бўлиб, фeълни нутққа воқелантирар экан, уни ўзидан кейинги от(баъзан фeъл)га боғлашдек синтактик ва ўзи шакллантираётган фeълга сифатлик белгисини беришдан иборат морфологик маънони намоён қилади.

Сифатдош кўрсаткичининг луғавий-синтактик шаклик табиати унинг умумий синтактик моҳияти – фeълни от(ёки фeъл)га тобе узв сифатида боғлаш ва шу билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан маъновий хусусият – фeъл англатган ҳаракат ва ҳаракат натижасини нарса-предметнинг белгиси сифатида нутқда воқелантиришдан иборат.

Сифатдош шаклининг сўз луғавий маъносига таъсири нутқий ҳодиса бўлиб, исталган феъл нутқ таркибида киргандагина сифатдошлик хусусиятини намоён қилади. Шаклнинг луғавий маънога таъсири лексема семасига таъсир қилиш деган гап эмас. Масалан, *ўқиган бола* бирикмасидаги “ўқимоқ” сўзи маъносида орттирилган “белги” оттенкаси *ўқи* лексемасининг лисоний моҳиятини ўзгартирмайди.

Луғавий маънога таъсир ўзгаловчи категориясининг барча шаклида бирдек эмас. Равишдош ўзгаланиш жараёнида феълнинг луғавий маъносини кучли ўзгартирмай, унга, асосан, тобеловчи синтактик вазифа юкласа, сифатдош феълдаги динамик белгини барқарорлаштириб, унинг луғавий маъносини қисман бўлса-да, ўзгантиради. Шунинг учун айрим назариётчи сифатдошни алоҳида сўз туркуми сифатида қарайди.¹

Ўзбек тилшунослигида сифатдош шакли сифатида қуйидаги ажратилади:

-ган

-(a)p

-(y)вчи

-миш

-ажак

-аси(гуси).

Таҳлилни ҳар бир шаклнинг луғавий маъно ва синтактик имкониятга таъсири мисолида олиб борамиз.

-(a)p шакли. -(a)p шакли сифатдош ҳосил қилувчи ичида каммаҳсуллиги билан ажралиб туради. -(a)p шаклига дарслик ва адабиётда умумзамон, доимийлик маъносини ифодаловчи шакл сифатида қаралади. Ўзбек тилининг академик грамматикасида бу шакл ҳақида шундай дейилади: “Сифатдош ясовчи аффиксдан бири -(a)p (бўлишсизи-мас) аффикси. Тарихан -(a)p аффикси ёрдамида ясалувчи форма жуда кўп вазифада қўлланган. Шунингдек, ҳозирги ўзбек тилидаги *келади*, *ишлайди* ва *келадиган*, *ишлайдиган* формасига хос маънони ифодалаш учун ҳам -(a)p аффикси билан ясалувчи форма қўлланган. Умуман, -(a)p аффикси

¹ Мухторов Ж.З. История развития причастных форм в узбекском языке: Автореф. дисс... док. филол. наук. –Т., 1971; Смирницкий А.И. Морфология английского языка. –М.: Изд. лит. по иностр. яз., 1959.

ёрдамида сифатдош ясалиши жуда пассив ҳодиса. Бу аффикс билан ясалган айрим сўз феълдан кўра сифатга кўпроқ яқин туради: *о қ а р сув, с ў н м а с ҳаёт* каби. Ҳозирги келаси замон феълнинг келади, *ишлайди* ва *келадиган, ишлайдиган* типигаги формаси келиб чиққач, *-(а)р* аффикси ёрдамида ясалувчи форма ҳозирги келаси замон феъли формасига айланган». ¹

Бу шаклнинг бўлишсиз кўриниши *-мас* айрим ўринда тамоман янги лексема ҳосил қилувчанлик хусусиятига эга бўлади, яъни сўз луғавий маъносига таъсири «жиддийлашади». Академграмматикада сифат ясовчи санаб ўтилар экан, «каммаҳсул ясовчи» сифатида (*-мас*) шакли ҳам берилиб куйидаги келтирилади: *ўтмас (пичоқ), индамас (одам), бўлар-бўлмас (ган), билмас (бола), тиниб-тинчимас(киши)*.² Ўзбек тили грамматикаси бўйича яратилган бошқа асосий дарсликларда ҳам³ бу шакл «асли сифатдош ясовчи бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида *-(а)р, -мас* аффикси ёрдамида сифатдош ясалишнинг пассивлашиб кетиши натижасида, мазкур аффикс ёрдамида сифат ясалиши активлашиб бормоқда» деб изоҳланади.⁴

Академграмматиканинг ва юқорида айтилган дарсликнинг «Сифатдош» баҳсида эса *-(а)р* шаклининг бўлишсиз кўриниши деб *-мас* шакли кўрсатилиб, мисол тариқасида *сўнмас ҳаёт* бирикмаси берилган. Хўш, бу шакл асли сифат ясовчимиз ёки сифатдош ҳосил қилувчимиз деган саволнинг туғилиши табиий. Чунки *ўтмас пичоқ* ва *сўнмас ҳаёт* бирикмасининг орасида деярли ҳеч қандай тафовут йўқ эканлигини сезиш қийин эмас. Ҳар иккала шаклда ҳам ҳаракат маъносига қараганда белги маъноси устунлик қилмоқда. Аниқроғи, ҳар икки бирикмадаги *-мас* шаклининг луғавий маънога таъсири бирдек кучли бўлиб, бу шакл луғавий шакл ясовчиликдан кўра, янги лексема ясовчиликка яқин туради. Айрим ўринда сифатдошнинг сўзшакл ҳолида бошқа сўз туркумига кўчиши юз

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас.мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972, –Б. 514.

² Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас.мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972, –Б. 284.

³ Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. –Т.: Ўқитувчи, 1980. –Б. 191.

⁴ Ярцева В.Н. Иерархия грамматических категорий и типологическая характеристика языков // Типология грамматических категорий. –М., 1975. –С. 191.

беради. ҳозирда от туркумига мансуб *чопар, каллакесар, бешиктерватар* каби бирикув тарихан сифатдош шакли бўлиб, уни *-(a)p* шаклининг луғавий маънога таъсири кучайиши натижасида сўз ясовчилик касб этиши деб изоҳлаш мумкин. Юқоридагидан келиб чиқиб, *-мас* ва унинг бўлишли *-(a)p* шаклини тамоман сўз ясовчи сирасига киритиб юбориш мумкинми деган ўринли савол туғилади. Нутқимизда қўлланувчи «*К е т а р одамга йўл яхиши*», «*Ў л а р ҳўкиз болтадан қайтмас*», «*А й т а р гапни айт, а й т м а с гапдан қайт*», «*Мол т о п м а с йигит бўлмас, ўғил т у з м а с аёл бўлмас*» каби Мақ. ва афоризм таркибидаги, шунингдек, жонли сўзлашувдаги «*Опамнинг к е л а р вақти яқинлашган эди*», «*душанбага ў т а р кечаси*», «*ғиёҳ у н м а с жой*» каби бирикмадаги мазкур шаклининг сўз ясаш эмас, луғавий шакл ясашга мойиллиги аниқ сезилиб турибди.

Демак, *-(a)p* ва унинг бўлишсиз кўриниши бўлган *-мас* шакли ҳозирда сўз луғавий маъносига таъсири доирасига кўра айрим ўринда сўз ясовчи, айрим ўринда луғавий шакл ясовчи сифатида аффиксал омонимияни келтириб чиқаради. Мазкур шакл сўз ясовчи сифатида ҳам, луғавий шакл ясовчи сифатида ҳам унумли аффикс сирасидан чиқарилади. Умуман, сифатдошнинг сифатга ўтиши туркий тил таракқиётида типик ходиса. *-қ(-ик, -уқ, уз), гин(-гин, -қин, -кин), -гун(-кун, -қун), -гу(-ку, -қу, -ғу, -ги, -қи), -қур(-гур, гир, -гир, -қир)* ва шу каби айрим феълдан от ва сифат ясовчи кўшимчанинг барчаси тарихан сифатдош шакли сифатида амал қилган.¹ Бугунги кунда луғавий маънога муносабатнинг ўзгаришига қараб, *-(a)p, -мас* шакли мисолида сифатдошнинг сифатга кўчиши – ўтиш жараёнининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, *-(a)p* шакли луғавий шакл ҳосил қилувчи сифатида нутқда ўзи воқелантираётган феъл лесеманинг аташ ва вазифа семасига сезиларли таъсир этади, яъни асос феълдаги «ҳаракат» ва «бошқарувчилик» хусусиятини «сиқиб», унга «белги» ва «тобе узвлик» хусусиятини акс эттиради: 1. *Е м а с ерга ўт битар, И ч м а с ерга сув битар* (Мақ.). 2. *Сувни сеп с и н г а р ерга, Сўзни қил с и г а р ерга* (Мақ.). 3. *К ў р и н м а с бало - оёқ остида*(Мақ.). 4. *Завол кўрма ҳеч қачон, ўлкам,*

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Изд. Фан,1989. Мухторов Ж.З. История развития причастных форм в узбекском языке: Автореф. дисс... док. филол. наук. –Тошкент, 1971.

Завол б и л м а с шу ёшинг билан. 5. Менинг бу оламда ўз а й т а р сўзим, Ва ўзим с и г и н а р мазорларим бор(А.Орип.).

-миш шакли. *-миш* сифатдошнинг тарихий шакли бўлиб, «перфакт кесим орқали англашилган ҳаракатга нисбатан амалга оширилган, содир бўлган» ҳаракат маъносини ифодалайди. Ҳозирги ўзбек адабий тили учун бу шакл меъёрий шакл саналмайди. Аммо ўзи қўшилган лексема маъносидаги ҳаракат маъносини белги маъносига мувофиқлаштириши билан унинг том маънодаги сифатдош шакли эканлигини инкор этолмаймиз. Масалан: *Келин б ў л м и ш қиз қўшни қишлоқдан экан.* Бу шакл айрим сўз таркибида луғавий маънога таъсир даражасининг ошиши билан сўз ясовчилик касб этиб, ажралмас ҳолга келиб қолган: *ў т м и ш ҳаёт // ўтмиш, қилмиш // кечмиш* унумсиз от ясовчи. Бунда ҳам *-(а)р* шакли ҳақидаги фикримиз ўз ифодасини топади.

-ажжак, -аси / гуси, -(у)вчи шакли. Сифатдош шакли сирасига киритилувчи *-ажжак, -аси / гуси* кўрсаткичи архаик кўрсаткич бўлиб, ўзбек тилининг тарихий тараққиёти натижасида бу шакл айрим сўз таркибида ҳозирда деярли ажралмас ҳолга келиб қолган. Исталган феъл ўзак-негизига қўшилиб янги луғавий шакл ҳосил қилолмаслиги сабабли у унумли сифатдош ҳосил қилувчи сирасидан чиқарилади. *-ажжак, -аси / гуси* шакли айрим ўринда сўз луғавий маъносига жиддий таъсир этиши билан луғавий шакл ясовчиликдан бегоналашиб боради: *к е л а ж а к (ҳаёт), б ў л а ж а к (куёв), к е л г у с и (йил), б ў л г у с и (она), к е л а с и (ой)*каби.

-(у)вчи кўрсаткичли сўзшакл ҳозирги ўзбек тилида нисбатан кўп кузатилади: *и з л о в ч и(киши), я с о в ч и(қўшимча), б и ч у в ч и(киши), қўшиқ а й т у в ч и(бола), кечикиб к е л у в ч и(ўқувчи)* ва ҳоказо. Айрим ишда бу шакл исми фоил ясовчи деб талқин қилинади ва сифатдош сирасидан чиқарилади. Аммо баъзан бу шаклга нисбатан сўз ясовчи атамасини қўллаш хатоликка олиб келади: *Отабек қўлларини б ў ш а т у в ч и қўрбошининг бунчалик титраб, қалтирашидан ўз рақибларидан биттаси шу эканини пайқади* (А.Қод.).

Демак, юқорида санаб ўтилган *-(а)р/-мас, -миш, -ажжак, -гуси/аси* шакли каби *-(у)вчи* шакли ҳам ҳозирги кунда баъзан том маънодаги луғавий шакл ҳосил қилувчи (*Кечикиб к е л у в ч и болалар сони камайди.*), баъзан луғавий маънога таъсир этиш даражасининг кучлилиги

билан сўз ясовчига (*узловчи(киши), ҳайдовчи(киши)*) яқинлашиб келади. Ҳозирги кунда от туркуми доирасида ўрганилаётган *сайловчи, ўқитувчи, бошловчи, боғловчи, тусловчи, ўқувчи* бирлиги тарихан сифатдошдан урчиб чиққан, яъни сифатдошнинг субстантивациялашуви, тамоман отга кўчишига, сабаб бўлган. Чунки юқоридаги бирликда ҳаракат маъносига қараганда шахс маъноси устунлик қилмоқда.

-ган шакли. Ҳозирги ўзбек тили адабий меъёри учун том маънодаги сифатдош шакли сифатида *-ган, -ётган, -адиган/-йдиган* кўрсаткичи тан олинади. Бу шакл юқорида кўриб ўтилган *-(а)р, -(у)вчи, -ажак, -гуси/аси* шаклидан фарқланиб, сўз луғавий маъносини кескин янгиламайди, луғавий шакл ҳосил қилувчи сифатидагина модификациялайди, холос. Шу сабабли ҳақиқий сифатдош шакли сифатида *-ган(-ётган, -адиган, -йдиган)* шаклини тан оламиз ва асосий таҳлилини шу шакл мисолида олиб борамиз.

Маълумки, *-ган* кўрсаткичига ўтган замон маъносини ифодаловчи шакл сифатида қаралади. Лекин у замон маъносини кўрсатувчи *-ётган, -адиган, -йдиган* шаклига шу маъноси билан ўтмайди. Ҳар учала кўрсаткич бир-биридан замон маъноси билан фарқланганлиги ва бу замон кесимга нисбатан белгиланувчи нисбий замонга айланганлиги сабабли, биз уни сифатдош шаклининг замон билан фарқланувчи кўриниши сифатида қараймиз.

-ган кўрсаткичи билан шаклланган сифатдошнинг маъновий хусусияти асосида кесимдан англашилган ҳаракатдан илгари содир бўлувчи ҳаракатни предметнинг атрибутив белгиси сифатида ифодалаш ётади.¹ Кесими чегара феълидан бошқа феъл билан ифодаланган гапдаги сифатдошдан англашилган ҳаракат кесимдан англанадиган ҳаракат билан қарийб бир вақтда юз беради. Аммо, сезилмас даражада бўлса-да, ундаги кетма-кетлик уқилиб туради: 1. *Тоб ташлаб қолган дарвозанинг бир тавақасини очгунча ҳарсиллаб кетдим* [Ў.Ҳош.]. 2. *Мунгайиб ўтиргани Фотима келин ҳам ҳандон отиб кулиб юборди* [Ў.Ҳош.).

¹ Гузев В.Г. Система именных форм глагола в тюркских языках. Тюркология // К семидесяти летию акад. А. Н. Кононова. –Л., –С. 54–56; Иванов С.Н. К истолкованию категории принадлежности // Сов. тюркология. 1973, –№ 1, –С. 76–78.

-ган шаклли сифатдошдаги ҳаракат семаси ўтган замонга оид бўлиб, унинг натижасининг давомийлигини ифодалайди. Айниқса, *ёт, тур, ўтир, юр* каби ҳолат феълига қўшилганда мазкур шакл юқоридаги маънони юзага чиқаради. Бу ҳолат феълнинг луғавий маъносига ҳам боғлиқ бўлади, албатта. Соф ўтган замон: 1. *Ёш қ у й и л и б к е л а ё т г а н кўзларимни артиб-артиб босма ҳарфда ёзилган хатни ўқидим*(Ў.Ҳош.). 2. *М у з л а г а н қорни зарч-гурч босганча қадамимизни тезлаштирдик* (Ў.Ҳош.). Ҳаракатнинг ўтган замонга оид бўлиб натижасининг давомийлиги: 1. *Улар орасида жияги ситилиб кетган дўпти к и й г а н Олимжонни кўриб қолдим*(Ў.Ҳош.). 2. *Омборнинг қамишлари о с и л и б ё т г а н шифтини кўтариб юборгудай қулги янгради*(Ў.Ҳош.). 3. *Аммам ҳокандозда т у т а б т у р г а н исуриқ кўтариб кирди*(Ў.Ҳош.).

Юқоридаги мисолдан фаҳмлаш мумкинки, -ган шаклли сифатдош феъллик хусусияти – ҳаракат, замон (*ўқиган, ўқиётган, ўқийдиган*), нисбат(*ўқилган, ўқитган*), бўлишсизлик (*ўқилмаган китоб*), ҳаракат тарзи (*кўрқиб кетган бола*) маъносини ўзида сақлайди. Аммо коммуникация жараёнида реаллашганда сифатдош шакли ёндош ҳодиса таъсирида юқоридаги феъллик хусусиятини «кучсизлантириб» – тобе узвликка мослашиб белги билдирадиган сўз – сифат мақомига эга бўлади. Шакл сўзнинг аташ семасига таъсир қилиш билан вазифа семасини ҳам янгилайди, яъни сифатдош шаклидаги феъл бошқарувчилик хусусиятини кучсизлантириб ўзидан кейин келган сўзга тобе узв сифатида боғланади ва гапда сифатловчи-аниқловчи (феъл- кесимга боғланганда вазият холи) вазифасида келади - ўз маъно моҳияти билан белги билдирадиган сўз - сифатнинг сўроғини қабул қилади: 1. *Дунёни қизганма мендан, азизим, Сен и ч г а н булоқдан ичмасман асло*(А.Орип.). 2. *Б ў ш а г а н тоғорани дастурхонга ўраб кўтараётган эдим, Фотима келин қўймади*(Ў.Ҳош.). 3. *Димоққа қ и з и г а н асфальт ҳиди урилади*(Ў.Ҳош.). 4. *Ўртасига қор ў й и б қ ў й и л г а н каталакдек ҳовли...* (Ў.Ҳош.). 5. *Кўз ўнгимда яна ўша қ о р б о с г а н ҳовли, м у з л а г а н перрондан ю г у р г а н онам жонланди*(Ў.Ҳош.).

-ётган шаклининг маъновий моҳияти давомий ҳаракат/ҳолатни нарсашахснинг белгиси сифатида ифодалашдир: 1. *У т и т р а б к е т а ё т г а н бармоқлари билан оғзини тўсди*(Ў.Ҳош.). 2. *Зум ўтмай нўхтадан ч а н г*

а л л а г а н куйи жар буйидан келаетган одам гира-шира кўринди (Ў.Ҳош.).

-ётган шаклли сифатдошдаги ҳаракат/ҳолатнинг давомийлиги, ҳозирги замон маъноси, асосан, *ёт* элементининг маъновий хусусияти асосида бўлади. *-ган* қисми эса атрибутив белги ифодалаш ва кейинги сўзга боғлаш вазифасини бажаради.


-адиган/йдиган шаклининг маъновий моҳияти давомий ҳаракат ҳолатни нарсанинг атрибутив белгисига айлантиришдир, яъни феълни нутққа «ҳаракат» бўёғини кучсизлантирган ва «белги» оттенкасини беришга мослаган ҳолда воқелантириш. Бу шаклдаги замон маъноси доимий ҳаракат / ҳолат ифодалаш – унинг таркибий қисми бўлган *-ади* нинг қадимда ҳолат феъли бўлганлигига бориб тақалади. Мазкур шаклли сифатдошдан англашилган ҳаракат / ҳолат кесимдан англашилган ҳаракатдан олдин ёки кейин, баъзан у билан бир пайтда юз бериши мумкин: 1. *Лазакат хола тиёланинг оғзича к е л а д и г а н* қулчани бешик бошига қўйди(Ў.Ҳош.). 2. *Менинг ўғилларим бекорга ў л и б к е т а д и г а н* болаларма. (Ў.Ҳош.). 3. *Ё қ м а й д и г а н* ҳеч нарса егани йўқ,-деди онаси (А.Қод.). 4. *Ч и қ м а г а н* жондан умид (Мақ.).

-ган, -ётган, -адиган шакли луғавий шакл сифатида ўзи нутқда воқелантирган сўз маъносидаги «ҳаракат билдириш» ва «бошқарувчилик» бўёғини хиралаштириб, унга «сифатлик» белгисини беради. Аммо такрор бўлса-да, айтиб ўтиш керакки, бу ўзгариш лексема семасига таъсир этмайди, балки унинг нутқдаги тажаллисини турли томондан модификациялайди, холос.


Сифатдош шакли талқинини умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, барча сифатдош шакли кўриб ўтилганидек, битта умумий маъно - «ҳаракатни атрибутив белгига айлантириш ва уни отга(қисман феълга) боғлаш белгиси остида бирлашади. Аммо ҳар бир шакл контекстга боғлиқ равишда турли ёндош ҳодиса таъсирида ўзига хос хусусиятга ҳам эга бўлади. Масалан, «кесимдан англашилган ҳаракатдан олдин содир бўлиш» белгиси *-ган* шакли учун ижобий, *-ётган, -адиган, -йдиган* шакли учун мажхул, «доимий замон» белгиси эса *-адиган / йдиган* шаклида мусбат кўринишда, қолган шакл учун мажхул, «давомийлик» белгиси *-ётган*

шаклида ижобийлиги билан бошқа шаклга зидланади. Буни чизмада куйидагича берамиз:

«Кесимдан англашилган ҳаракатдан олдин содир бўлиш»



«давомийлик»



Сифатдош шаклининг сўз луғавий маъносига таъсири, равишдош шаклига караганда жиддийроқ. Буни айрим сифатдош шаклининг (-ар, -мас, -миш, -ажак, -гуси / аси, -(у)вчи) бугунги кунда тайёрича сифат ёки отга кўчганлиги билан асослаймиз (ўтмиш, чопар, қилмиш, келажак, изловчи, боғловчи). Аниқроғи, сифатдош ҳосил қилувчи, равишдош ҳосил қилувчига караганда сўзнинг аташ семасини, яъни асос феълнинг «ҳаракат» белгисини кўпроқ «сиқади» ва натижада айрим ҳолда «ҳаракат» белгиси томоман «сўниб» бошқа сўз туркумига кўчиб кетиш ҳоли учрайди. Сифатдош шаклининг тизимдаги бошқа аъзодан яна бир фарқи – субстантивизациялашиш(отлашиш) хусусиятиги эга эканлигида. Отлашган сифатдош ҳам отлик, ҳам феъллик, ҳам сифатлик белгисини намоён қилади ва гапда –

эга: *Ў л г а н келмас, ў ч г а н ёнмас* [Мақ.].

тўлдирувчи: *Йў л ю р г а н г а қисқарар* [Мақ.].

кесим: *Аёлнинг ўттизга киргани - ў т и н б ў л г а н и* [Мақ.].

қаратқич аниқловчи: *К ў р м а г а н н и н г кўргани курсин* – каби вазифада келади.

Кўриб ўтилганидек, сифатдош ўз микроtizими ичида сифатлик белгисини барқарорлаштириш ва феълни отга (қисман феълга) тобе узв сифатида боғлаш белгисини муайянлаштириш жиҳатидан эмас, балки замон, ҳаракат тарзи категорияси учун категориал, сифатдош учун нокатегориал бўлган маънони ифодалаш жиҳатидан фарқланади. Санаб ўтилган *-ган, -ётган, -адиган / йдиган* шакли турли хил сифатдош эмас, балки тур категориянинг битта шакли сифатида намоён бўладиган сифатдошнинг замон, ҳаракат тарзи каби бошқа категорияга хос маъно билан фарқланувчи кўриниши. Шу сабабли сифатдошни алоҳида грамматик категория – парадигма сифатида баҳолашга асос йўқ.

Ҳаракат номи. Феъл лексема нутқий алоқада расмийлашар экан, юқорида айтилганидек, ўзгаловчи категорияси шаклидан бирини қабул қилиши шарт. Феълни нутққа олиб кирувчи шакл орасида ҳаракат номи алоҳида ўрин тутади. Кўриб ўтилган сифатдош ва равишдош шакли коммункация жараёнида феълни феълликдан “узоклаштириб”, унга тобе узвлик мақомини берган ҳолда ўзидан кейинги сўзга боғлаш вазифасини юкласа, ҳаракат номи шакли эса феълликни кучсизлантириш учунгина хизмат қилади. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, бу шакл воситасида нутқда реаллашган феъл ўз феъллик белгисини сифатдош ва равишдошга қараганда кўпроқ хиралаштиради, яъни ҳаракат/ҳолат белгиси кучсизланиб, предметлашиш – гапда отга хос белги билан синтагматик муносабат ҳосил қилиш кузатилади. ҳаракат номи шакига нисбатан қатъий ”предметлашиш” терминини қўлламаймиз, албатта. Чунки, мазкур сўзшакл феъллик белгисини(нисбат – *ўқитиш, изланиш*, қисман бўлишсизлик – *истамаслик, чекмаслик*) ҳам ўзида сақлаб қолади.

Ўзбек тилшунослигида ҳаракат номи шакли сифатида қуйидаги ажратилади:

-(у) в

-моқ

-ганлик

-(и) ш

Мавжуд адабиётда бу шаклнинг маъновий жиҳатдан фарқланмаслиги айтилади. Аммо мазкур шаклнинг барчасига нисбатан бирдек ёндашиш ҳам мунозарали бўлганлиги боис, ҳар бир шаклнинг бу тизимдаги ўрни ҳақида алоҳида тўхталамиз.

-(у) в шакли. -(у) в кўрсаткичи ҳаракат номининг тарихий шакли бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида унумли ва кенг истеъмолли аффикс сирасига киритилмайди. Мавжуд адабиётда¹ мазкур шакл “ҳаракат номи сифатида *-(u)ш* формасига нисбатан анча кам қўлланади. Бу вазифада қўлланган ўринда ҳамма вақт *-(u)ш* аффикси билан ясалувчи формани ишлатиш мумкин...” деб таърифлаб ўтилади. *-(у)в* шаклининг моддий қисм луғавий маъносига таъсири кучайиши натижасида, феъл сўзшаклдаги ҳаракат/ҳолат белгиси, умуман, феъллик йўқолиш даражасига келиб, нутқда от лексемага хос хусусиятни намоён қилади ва бундай шаклли айрим ҳаракат номи бутунлай отга кўчади: *тинтув, қидирув, ёзув, сайлов, ўқув* ва бошқа. Шунинг учун биз бу шаклни ҳаракат номи шакли тизимидан чиқариб уни тарихий ҳодиса сифатида баҳолаймиз, аниқроғи, бу шакл ҳозирги кунда сўзшакл ҳолида отга кўчган - от лексемага айланган.

-моқ шакли. *-моқ* шакли ҳам худди сифатдошнинг *-(a)p, -мас, -гуси/аси* шакли, ҳаракат номининг *-(у)в* шакли каби сўз луғавий маъносига жиддий таъсир этиши билан луғавий шакл ҳосил қилувчилик моҳиятини қоронғилаштирган. *-моқ* шаклли ҳаракат номи жонли нутқда, умуман, кам қўлланади. Ўзбек луғатчилигида феълнинг луғат шакли – ноаниқ шакли – сифатида шартли равишда қоидалаштирилган (*келмоқ, айтмоқ, билмоқ, истамоқ*). Ҳаракат номи шакли сифатида қўллаган ҳолда ҳам, от лексемага хос белгига кўпроқ эгаллиги билан феълдан узоқлашади: 1. *К е л м о қ - ихтиёр билан, к е т м о қ - ижозат билан*(Мақ.). 2. *Пулни т о п м о қ осон, уни сарфлай б и л м о қ қийин*(Мақ.). 3. *Юртимизда аланга порлар с е в м о қ учун с е в и л м о қ учун* (Кўш.). Айрим ўринда тамоман от ясовчига айланган: *топишмоқ, қуймоқ*. Шу туфайли *-моқ* шаклини ҳам унумли ҳаракат номи шакли тизимидан чиқарамиз.

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас.мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972. –Б. 374.

-ганлик шакли. *-ганлик* кўрсаткичининг ҳаракат номи шакли эканлиги мунозарали бўлиб, санокли тилшуносгина унга ҳаракат номи шакли сифатида қарайди. Бу шакл жонли нутқда деярли ишлатилмайди. Тарихан ҳаракат номи ва сифатдош фарқланмаслиги натижасида вужудга келган. Чунки, тарихан сифатдош ва ҳаракат номи (луғавий)шакл ҳосил қилишига кўра эмас, гапдаги вазифасига қараб ажратилган. Ҳақиқатдан ҳам, исталган субстантивизацияга учраган сифатдош шакли ҳаракат номи маъносини воқелантиради: 1. *Ўз с у й г а н и н г ўзингга сулув*(Мақ.). 2. *Ўчоққа олов ё қ и л м а г а н и н и энди кўрдим*(Мақ.). 3. *Бобом бўйи калта бў л г а н и г а зарда қилиб... лой кечиб кетаяпти* (Мақ.).

Демак, *-ганлик* шакли сифатдош ва ҳаракат номининг тарихан умумийлиги, унинг сўз ўзгартириш ва коммуникация жараёнидагина фарқланиши ўлароқ ҳосил бўлган шакл. Қиёсланг: 1. *У ўзини к ў р м а г а н л и к к а* (*к ў р м а с л и к к а*, *к ў р м а г а н г а*) *солиб турарди*. 2. *Айбим, камбағал бў л г а н л и г и м м и !*

-маслик шакли. *-ганлик* кўрсаткичига ўхшаш шакл бўлиб, ҳаракат номи шаклининг барчаси учун бўлишсиз кўриниш сифатида қўлланади. Ҳар икки шаклда ҳам *-лик* қўшимчасини қўшиш ҳаракат номини сифатдошдан ажратишга интилиш оқибати. Жонли сўзлашувда кам ишлатилиши билан унумсиз шакл сирасига киради. Умуман, бундай шаклли ҳосилага нисбатан луғавий шакл атамасини қўллаш баъзан хатоликка олиб келади. Сабаби, *-маслик* шакли луғавий шакл ҳосил қилувчилик табиатини қоронғилаштириб, айрим ҳолатда ўзи шаклланган сўзшакл ҳолида отга кўчиб кетади: 1. *Б и л м а с л и к айб эмас, билишни х о х л а м а с л и к айб*. 2. *Шу куниёқ уйга қ а й т м а с л и к к а қасд қилдим*.

Айтилгандан хулоса қилиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида унумли ва серистеъмол ҳаракат номи шакли сифатида фақат *-(и)ш* кўрсаткичини ажратиш мумкин.

-(и) ш шакли. *-(и)ш* шакли ҳаракат номи ҳосил қилар экан, феъл ўзақдаги феъллик белгиси – ҳаракат/ҳолат, замон маъносини ниҳоятда кучсизлантириб, нутқда отга хос белги билан воқеланади: 1. *К е к к а й и ш саҳрода юрган норга ярашади*. 2. *Юзни ерга қ а р а т и ш бундан ортиқ бўладими* (Ў.Ҳош.).

Мазкур шаклли ҳаракат номи тўла-тўқис турланиш хусусиятига эга бўлиб, унда равишдош ва сифатдошдаги каби боғланиш ёки тобеланишни кузатмаймиз. Нутқда расмийлашганда ҳам бу шакл от лексемасига хос унсур билан қўшничилик(синтагматик) муносабатида бўлади: 1. *Кўрқаман деб й и з л а ш и м з а қарамай мени ёлғиз қолдирди(Ў.Ҳош.).* 2. *Шундоқ отанг фалаж бўлиб ётса-ю, трактор ҳ а й д а ш з а бало борми(Ў.Ҳош.)..* 3. *Кичкинализгимда тол баргак т а қ и ш н и яхши кўрардим(Ў.Ҳош.).*

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳаракат номи шакли сифатида ажратилаётган *-(u)ш* кўрсаткичи феълни нутқда воқелантириш жараёнида асос феълдаги “ҳаракат / ҳолат” белгисини сўндириб, унинг ўрнини “предметлик” белгиси билан тўлдиради. Айрим ўринда сўз луғавий маъносига таъсир анча жиддий тус олиб, ҳаракат номи сўзшакл ҳолида от лексемага хос белгини намоён қилади, отга кўчади. Ҳозирги кунда ясама от сифатида саналадиган *уруш, қуришиш, оғоҳлантириши, кириши, турланиши* каби ҳосила тарихан ҳаракат ном шакли. Академик грамматикада от ясовчи санаб ўтилар экан, *-моқ(-мак), -(u)ш, -(y)в* шакли ҳам бу сирага киритилиб, “..ҳозирги ўзбек тилида асосан ҳаракат номи формасини ясайди” дейилади.¹ Ҳаракат номи шакли сирасини кўриб ўтиб хулоса қила оламизки, ҳозирги ўзбек адабий тилида меъёрий ҳаракат номи шакли сифатида, асосан, *-(u)ш* шаклли ҳосиланигина кўрсатиш мумкин. Ҳаракат номи шакли ўзида феълнинг таснифловчи нисбат, қисман бўлишсизлик маъно ва шаклини сақлай олади: *ўқитишининг самарадорлигини ошириши, озода кийиниши, кўринмасликка ҳаракат қилиши* каби.

Шаклнинг сўз аташ семасига таъсири ўзгаловчи категориясининг бошқа шаклига қараганда кучли бўлиб, бу таъсир вазифа семасини ҳам ўзгартиради. Исталган ҳаракат номи шакли нутқда “расмийлашар” экан, от лексемага хос унсур билан қўшничилик муносабатида бўлади, эркин турланади, номлаш, мавҳумлашиш маъноси кучаяди ва гапда отга хос вазифа – эга, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи вазифасида келади: 1. *Одам эсдан о з и ш и ҳеч гап эмас экан(Ў.Ҳош.).* 2. *Илтижоли т е р м у л и ш и н и қара(Ў.Ҳош.).* 3. *Кечалари ёстиқ қучоқлаб ё т и ш жонига*

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас. мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972. –Б. 255.

теккандир(Ў.Ҳош.). 4. Уйдаги сирни кўчага олиб чиқишнинг нима кераги бор(Ў.Ҳош.).

Ҳаракат номи шакининг барчаси битта умумий маъно – “фeyлни ”предметлаштирган“ ҳолатда нутққа олиб кириш” – остида бирлашиб, нутқий қуршов таъсирида отлик белгисини намоён қилган ҳолда иштирок этади. ҳар бир шакл ўзига хос хусусий грамматик маъно асосида фарқланмаганлиги боис ҳаракат номи шаклини ҳам алоҳида парадигма сифатида баҳолашга асос йўқ.

Ўзгаловчи шакли парадигматикаси. Ўзгаловчи категорияси элементининг тизимда туган мавқеи қандай белгиланади? Шу вақтга қадар фeyлга бағишланган тадқиқотда улар:

ҳаракат номи
сифатдош
равишдош¹;
сифатдош
равишдош
ҳаракат номи²;
равишдош
сифатдош
ҳаракат номи

тартибида³ бериб келинган бўлиб, ҳар учала тартибда ҳам маълум бир асос мавжуд. Фақат шуни таъкидлаш лозимки, мазкур сирада фeyлнинг кесим шакли – кесимлик категорияси томонидан тўла-тўқис қамраб олинмаганлиги сабабли алоҳида ажратилмаган. Ҳаракат номи шаклини бу сиранинг бошида қўйилишининг илмий асоси шундаки, ўзбек тилшунослиги XX асрнинг бошида Европа грамматик таҳлил усулига ўтгач, фeyлнинг бош формаси сифатида инфинитив (ҳаракат номи) шаклини ўзлаштирди. Шу сабабли ҳаракат номига фeyлнинг бош шакли, атов шакли мавқеи берилди, луғатда ҳам фeyлнинг бош луғавий шакли

¹Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиёв А. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Т.: Ўқитувчи, 1980.

²Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас.мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972, –Б. 510–528.

³Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва синтактик имкониятлари: Филол. фан. номз ... дисс. –Бухоро. 1995. –Б. 75–121.

сифатида ҳаракат номи шаклини бериш одат тусига айланди. Воҳоланки, XX асргача араб лингвистик анъанаси изидан борган туркийшуносликда феълнинг бош (луғавий – луғатда бериладиган) шакли сифатида аниқ нисбат, хабар майли, аниқ ўтган замон, учинчи шахс, бирлик сон шакли қабул қилинган эди. Шунинг учун М.Қошғарий(XI аср)дан бошлаб, Фатҳ Али Кожарий даври(XIX аср)гача луғатда феъл *ўқиди, ёзди, келди* шаклида берилар эди. Феълнинг бош шакли сифатида луғатда ҳаракат номи шаклини бериш Европа тилшунослигидан кўчирмачилик бўлса, *ўқиди, ёзди* каби юқорида келтирилган шаклда бериш эса флектив табиатли араб тилшунослигига эргашиш. Туркий тилнинг агглютинатив табиатидан келиб чиқиладиган бўлса, феълнинг бош шакли сифатида туб феъл, яъни феълнинг ўзак қисми(*ёз, кел, е, де, кўрқ*), ясама феълнинг негиз қисми(*ишла, яша, сарғай, бирик, ялтира*) берилиши лозим. Жумладан, рус туркийшунослигининг етакчи вакили В.В.Радлов ўзининг машҳур “Опыт словаря тюркских наречий” луғатида шу йўлдан борган эди. Туб феълнинг ўзак, ясама феълнинг негиз қисми моддий жиҳатдан буйруқ майли, иккинчи шахс, бирлик сон шаклининг кўшимчасиз кўринишига мос келади. Феълнинг бош луғавий шаклини танлашда, туркий тил табиатидан келиб чиқиладиган бўлса, буйруқ майли, иккинчи шахс, бирлик сон шаклини кўшимчасиз кўринишини қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Бу талабга феъл тури тизимидан феълнинг кесимлик шакли – соф феъл тўла жавоб беради. Шу сабабли кесимлик шаклининг тизимнинг бошида туриши ҳар жиҳатдан маъқул.

Сифатдошни бу тизимнинг бошида қўйишда ҳам маълум бир асос мавжуд. Чунки туркий тилда қадимдан ҳозиргача сифатдош ҳаракат номи ва равишдошдан узилмаган. Э.Севортян¹, Ғ.Абдурахмонов², Ш.Шукуров³ ва бошқа сифатдош ҳамда ҳаракат номининг тарихан бир-биридан ажралмаслигини диахроник нуқтаи назардан асослаб берган эди. Сифатдошнинг равишдош билан алоқаси эса жўналиш, ўрин, чиқиш елишиги шакли, макон ва замон кўмакчиси билан келган кўриниши

¹Севортян Э.В. Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке. –М.: Наука, 1982.

²Абдурахмонов Г. Исследования по старотюркскому синтаксису (XI век). –М.: Наука, 1967.

³Шукуров Ш.Ш. Ўзбек тилида феъл майллари таракқиёти. –Т.: Фан, 1980.

моҳиятан равишдош эканлиги тадқиқотда изоҳланган¹. Бундан ташқари, сифатдошнинг феъл майл/замон шакли билан алоқаси туркийшуносликда кенг ўрганилган. Поляк тилшуноси В.В.Котвич томонидан «феълнинг барча тусланмаган шакли тарихан сифатдошдан келиб чиққан» деган фикр ҳам билдирилган эди². Н.А.Баскаков бу фикрнинг туркий тилга ҳам хос эканлигини эътироф этди³. Шу сабабга кўра, сифатдош феъл шакли тизимида биринчи ўринга қўйилган.

Равишдош шаклини бу сиранинг бошида қўйишда ҳам маълум бир асос бор. Равишдош феълнинг кесим шаклига маъно ва вазифа жиҳатидан жуда яқин туради. Туркий тилда от ва сифат анча ривожланган бўлиб, «гибрид» сўз сифатида баҳоланувчи сифатдош ва ҳаракат номи феълдан анча узоқлашса, равиш унчалик ривожланмаганлиги сабабли, равишдошда «гибрид»лик унча сезилмайди, яъни феъллик маъно ва вазифаси унчалик қоронғулаштирилмайди. Феъллигини анча сақлаб қоладиган шакл сифатида равишдош тизим бошига қўйилган.

Айтилгандан келиб чиқиб, феълнинг ўзгаловчи категорияси элементини қуйидаги тартибда жойлаштириш маъқул деб топилди:

Равишдош
Сифатдош
Ҳаракат номи.

Бу тартиб тизимда феъллик маъно ва вазифасининг камайиши, яъни шаклнинг луғавий маънога таъсирининг кучайиши ва синтактик қобилиятнинг кучсизланиб бориши даражасини кўрсатиб беради.

8- §. Ҳаракат тарзи категорияси

Ҳаракат тарзи категорияси ҳақида умумий маълумот. Маълумки,

¹ Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Изд. Фан, 1989; Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва синтактик имкониятлари: филол. фан. номз ... дисс. –Бухоро, 1995; Иванов С.Н. Категория залога в причастиях узбекского языка. // Исследования по истории культуры народов Востока. –М.; –Л., 1960, –С. 123–134.

² Котвич В.В. Исследование по алтайским языкам. Перевод А.И.Толкачева. об. ред. Н.А. Баскакова. – М., 1962. –Б. 221.

³ Баскаков Н.А. Историка-типологическая характеристика структуры тюрских языков. –М.: Наука, 1975.

Ўзбек тилидаги морфологик шакл, асосан, синтетик табиатли. Бирок сўзнинг аналитик (*Карим учун, қалам билан*) ва синтетик-аналитик (*уйга томон, қишлоққа қадар*) шакли ҳам мавжуд. Ҳаракат тарзи шакли ҳам, айтилганидек, сўзнинг синтетик (*боролмайман, юборавер*), синтетик-аналитик (*ўқий бошлади, кўриб чиқди*) ҳамда аналитик (*сотди-қўйди, кетди-қолди*) морфологик шаклини ҳосил қилади.

Аналитик кўринишдаги ҳаракат тарзи шаклида ёрдамчи сўзга хос ҳам шаклий, ҳам маъновий жиҳатдан ўз лексемалик табиатини сақлашнинг кучлилиги эмас, балки уни етакчи феълга боғлаётган равишдош кўрсаткичини сиқиб чиқариб, етакчи феъл билан маъновий зичлашишга ҳамда етакчи феълнинг кесимлик кўрсаткичи билан шаклланиши натижасида шаклий мустақиллигини сақлашга интилишидан иборат шаклий-маъновий зиддият кўзга ташланади. Шу кунгача фанда ва таълимда бу ҳодисага нисбатан истеъмолда бўлган *кўмакчи феълли сўз қўшилмаси* атамаси ўрнида таълимда *ҳаракат тарзи шакли* истилоҳи қўллана бошлаган бўлса-да, бироқ иккала атаманинг фарқли моҳияти ва ўзаро муносабати ҳақида бирорта ҳам фикр билдирилмади.

Кўмакчи феъл атамаси икки жиҳати билан ҳодиса моҳиятига унчалик яқин эмас. Биринчидан, маълумки, ўзбек ва, қолаверса, дунё тилшунослигида лисоний ҳодиса, одатда, ифодаланмишнинг маъноси асосида (кам ҳолда вазифасига кўра) номланади: замон, нисбат, кишилиқ, майл каби. Шунга кўра, кўмакчи феъл етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг тарзини ифодалаганлиги боис ҳам *ҳаракат тарзи шакли* атамасини қўллаш анъанага мувофиқ келади: кесимлик шакли, нисбат шакли каби. Шундай экан, кўмакчи феъл атамасида унинг шакллик, аниқроғи, луғавий шакллик моҳияти унчалик акс этмайди. Шунингдек, бу вазифадаги айрим феълнинг қўшимчалашиб бораётганлиги (*ёт, ёз, бер, ол: бораётган, ўқийвер, келаёзди, кўролмайд* каби) ҳам янги атаманинг олдингисига нисбатан қулайликка эгаллигини кўрсатади. Иккинчидан, ҳаракат тарзи шакли фақат кўмакчи феълдангина иборат эмас, балки *равишдош шакли+кўмакчи феъл* кўринишидаги мураккаб қурилишга эга бўлиб, синтетик-аналитик шакл. Кўмакчи феъл равишдошнинг тегишли шакли билангина бирикиб нутққа чиқади. Демак, тарз равишдош шакли ва кўмакчи феъл яхлитлиги орқали ифодаланар экан, анъанавий *кўмакчи*

феъл атамаси аталмишнинг бир парчасинигина ифодалайди. *Кўмакчи феъл* истилоҳи қўлланганда мураккаб шаклнинг бир қисми эътибордан соқит қилинган бўлади. Ана шу икки асос ҳаракат тарзи шакли атамасини қўллашда ҳодисанинг асл моҳиятини нисбатан тўлиқроқ акс эттиришини кўрсатади. Шунингдек, анъанадаги етакчи *феъл+кўмакчи феъл* бирикуви учун қўлланган нисбатан мураккаб *кўмакчи феълли сўз қўшилмаси* ўрнида *ҳаракат тарзи шакли* атамасини қўллаш нутқий тежамкорликни таъминлайди. Қолаверса, *кўмакчи феълли сўз қўшилмаси* истилоҳи таркибидаги *сўз қўшилмаси* узви *сўз бирикмасига* оппозицияда бўлган *сўз қўшилмаси* (*сўзнинг тенг боғланиши*)га нисбатан қўлланганлиги боис ҳам айрим чалкашликни келтириб чиқаради. Бироқ бутун (*ҳаракат тарзи шакли*)нинг таркибий қисми ҳақида *сўз кетганда кўмакчи феъл, равишдош шакли* истилоҳидан воз кечиб бўлмаслигини таъкидлаш лозим бўлади.

Ҳаракат тарзи шакли ҳисобланган *кулиб юборди, топиб олди* каби мисолда биринчи *сўз* мустақил лексик маънога, иккинчи *сўз* эса номустақил, грамматик маъно моҳиятига эга бўлган *сўз*. Агар у юқорида зикр этилган (*китоб ва дафтар, ўқувчи ва ўқитувчи*) эркин *сўз қўшилмасига* қиёсланса, *кўмакчи феълли сўз қўшилмаси* ўрнига *ҳаракат тарзи шакли* атамаси мувофиқлиги кўзга ташланади.

29 *кўмакчи феълнинг -а/-й* ҳамда *-(и)б* равишдоши билан бирика олиш имкониятини ҳисобга олсак, ўзбек тилида нутқимизни, айниқса, *сўзлашув нутқини* гўзаллаштирувчи 50 га яқин *ҳаракат тарзи шакли* намоён бўлади.

Ҳаракат тарзи категорияси тадқиқи тарихидан. Аналитик шакл ҳақидаги қараш 300 йилдан ортиқроқ тарихга эга. Ҳаракат тарзи шакли туркий тилнинг муҳим онтологик хоссаси бўлганлиги боис у жаҳон тилшунослигида ҳам мутахассисларнинг алоҳида диққатини тортган.

Жаҳон тилшунослигида ҳам, туркийшуносликда ҳам дастлабки қараш мисоли сифатида татар тили грамматикасига оид И.Гиганов тадқиқотини айтиб ўтиш лозим. У татар тилида 12 та аналитик шакл (*бўл, кел, ол, эди* каби)ни кўрсатиб, уни морфологик кўрсаткич қаторига қўяди ва луғавий маънога эга бўлмаган аналитик шакл сифатида изоҳлайди¹.

XIX асрнинг ўртасидан бошлаб туркийшуносликда аналитик шаклни

¹ Гиганов И. Грамматика татарского языка. СПб. 1801. с. 120.

янгича талқин қилишга киришилди. Жумладан, О.Бётлинк аналитик шаклни, аввалги ишлардан фарқли ўлароқ, морфологик шакл билан бир қаторга қўймасликни тавсия этиб, уни мустақил морфема сифатида *перифрастик ясалми* деб атади¹.

Рус тилшунослигида аналитик шаклга доир кенг ва синчковлик билан айтилган фикр А.Потебня ишида учрайди. У кўмакчи феълнинг гуруҳга ажратиш мезони қилиб унинг *лексик маънони йўқотиши* белгисини кўрсатади². А.Потебнянинг фикрини Ф.Фортунатов ўз ишида ривожлантирди. Тадқиқотчи кўмакчи феълни *нотўлиқ сўз* деб номлади ва уни, ўз навбатида, бир неча гуруҳга ажратди. У *нотўлиқ сўзга* ўз шаклини бошқа сўз маъносига мувофиқ ўзгартирадиган ҳамда унинг янги шаклини ясайдиган сўз, дея таъриф беради³.

Ҳаракат тарзи шаклининг кейинги босқич текширишида «шаклдан мазмунга» тамойили устуворлик қилади. Хусусан, А.Потебня ва Ф.Фортунатов ишининг давомчиси А.Шахматовнинг бу масалага ёндашишини олдинга қўйилган бир қадам сифатида баҳолаш мумкин. У мазкур масалада асосий диққатни кўмакчи феълнинг грамматик хусусиятига кўра ажратилишига қаратиб, уни икки гуруҳга бўлади:

1. Лексик маъносини қисман йўқотган кўмакчи феъл.

2. Лексик маъносини бутунлай йўқотган кўмакчи феъл⁴. Тадқиқотчи ҳаракат тарзи шакли маъноси ҳақида фикр юритар экан, бунда унинг маъносини белгиловчи асосий восита контекст ва лексик маъно ифодаловчи феъл, деб кўрсатишади⁵. Д.М.Насилов кузатишида феълнинг ҳаракат тарзи маъноси уч хил грамматик усул асосида ифодаланиши кўрсатиб ўтилади: кўшимча, такрорийлик (редупликация) ва аналитик шаклдаги кўмакчи феъл⁶. Шунингдек, туркий тилда кўмакчи феълни

¹ Bohtlingk O. Kritische Bemerkungen zur zweiten Ausgabe von Kasembek...s türkisch-tatarischen Grammatik. Zum Original und zur deutschen Übersetzung // «Bull. de la cl. Sciences Hist., Philol. et Polit. De L...Academie Imperiale des Scieeces», vol. V, -¹ 22. St.-Petersburg, 1848. c. 82.

² Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. I. –Воронеж, 1874. с. 91.

³ Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Т. I. –М.: Наука, 1956. с. 94.

⁴ Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Вып.1. –Л.: Учпедгиз, 1941. с. 103

⁵ Ганиев Ф.А. Вопросы морфологии татарского языка. –Казань,: Наука, 1980. с. 51.

⁶ Насилов Д.М. Проблемы тюркской аспектологии. Акциональность. –Л.: Наука, 1989. с. 14.

ўрганишда Л.Харитонов, И.Маманов, А.Харисов каби¹ тилшуноснинг монография ва Мақ.аси муҳим аҳамият касб этади. Туркий тил доирасида феълнинг вид категорияси мавзусига доир бир неча номзодлик диссертацияси бажарилган, монография ва кўплаб Мақ.а ёзилган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам ҳаракат тарзи шаклининг ўрганилиши, асосан, XX асрнинг 40–50-йилдан авж олди. Дастлаб ўзбек тилида ҳаракат тарзи шакли тавсифий усул асосида *кўмакчи феъл* атамаси остида атрофлича ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида бу борада С.Фердаус, Г.Шарипов, С.Акбаров, Т.Альмаматов, ишини ҳамда А.Кононов, А.Гуломов, А.Ҳожиев, У.Турсунов, Ж.Мухторов, Б.Жўраев каби тилшуноснинг ўқув кўлланма ҳамда Мақ.аси шу мавзуга бағишланган. Кўмакчи феъл мавзусида ўрганилган бу иш орасида академик А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тилида кўмакчи феъл» монографияси алоҳида эътиборга молик. Тадқиқотчи ўзининг мазкур монографиясида туркий адабиётда, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам ўша вақтга қадар юритиб келинган *қўшма феъл*, *ёрдамчи феъл*, *кўмакчи феъл* каби истилоҳ моҳиятини очиб бериб, ундан ягона *кўмакчи феъл* атамаси моҳиятга яқинроқ келишини изоҳлаб берди ва тилшунослик термини саргардонлигидаги муаммосидан бирига ойдинлик киритди². Шунингдек, у козоқ тилида э- тўлиқсиз феълени кўмакчи феъл қаторига киритган тилшунос И.Мамановнинг фикрига эътироз билдириб, уни кўмакчи феъл сирасидан чиқаргани ҳолда, тўлиқсиз феъл сифатида кўрсатиб ўтади. Монографияда ҳозирги ўзбек адабий тилида истемолда бўлган 27 та кўмакчи феълнинг етакчи феълга *-а/й*, *-(у)б* равишдоши билан бирикувчи шакли ҳамда жуфт ҳолатда келган кўмакчи феълли сўз кўшилмаси таҳлилга олинган. Туркийшуносларнинг бу борадаги тадқиқоти кузатилганда эса, кўмакчи феълнинг сони туркий тилда миқдоран фарқланиши кўзга ташланади. Масалан, озарбайжон, ёқут, кўмик, нўғой, қирғиз, қорачой-болқор тилида аналитик шаклининг 40 дан 50 гача етиши, тува тилида эса 30 дан ортиқ эканлиги кўрсатиб ўтилган³.

¹ Маманов И. Вспомогательный глаголи в казахском языке. Алма-Ата.: Изд-во АН КазССР, 1949. с. 90; Харисов А. Категория глагольных видов в башкирском языке. –Уфа: Башкнигоиздат, 1944. с.163; Харитонов Л. Формы глагольного вида в якутском языке. –М., –Л.: Изд-во АН СССР, 1960. с. 176.

² Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966. 106- б.

³ Юлдашев А. Аналитические формы глагола в тюрских языках. –М.: Наука, 1965. с. 78.

Ўзбек тилшунослиги пойдевори асосчисидан бири бўлган А.Ғуломов «Феъл» монографиясида ҳодисани феъл+феъл типига кўшма феъл деб атайди ва «Иккинчи элемент бу ўринда ўз асл маъносини йўқотиб, биринчи элементнинг маъносига турли кўшимча маъно орттиради: ундаги турли оттенкани, бу маънонинг модификациясини ифодалайди», - деб таърифлаб ўтади¹.

1956 йил Олмаотада бўлиб ўтган туркий тилда вид категорияси ва эргашган кўшма гап масаласига бағишланган махсус кенгаш²да тилшунослар туркий тилда вид категорияси мавжудлиги ҳақида аниқ бир ечимга кела олмаганлиги сабабли масалага ойдинлик киритилмади. Ўзбек тилшунослигида бу мавзуга оид кенгроқ қараш тадқиқотчи С.Фердаус ишида учрайди. Кузатишда феъл види турлича: давомлилик, давомсизлик, такрорланиш ва такрорланмаслик каби гуруҳга бўлиниши таъкидланса-да, бироқ тилшуносликда айнан феълда нечта вид борлиги масаласи ноаниқлигича қолади³. Тилшунос А.Ҳожиев «Ўзбек тилида кўмакчи феъл» монографиясида масалага ёндашар экан, ҳодисани оқламайди, балки «Агар ўзбек тилида ҳам грамматик вид категорияси мавжуд бўлганида ва бу тилда ҳам феълнинг икки хил види бўлганида, феъл ҳамма вақт виднинг ана шу икки туридан бирига мансуб ҳолда бўлар эди, чунки вид категорияси бор экан, феъл шу категориядан холи бўлмайди ва виднинг икки тури мавжуд экан, барча феъл шу икки турдан бирига мансуб бўлиши керак», – деб таъкидлаб ўтади⁴.

Таниқли туркийшунос А.Кононов кўмакчи феълни ҳаракат жараёнининг характерини кўрсатувчи феъл формаси мавзуси доирасида ўрганади. Олим унда вид кўриниши мавжудлигини кўрсатса-да, бироқ вид категорияси сифатида ажратиб бўлмаслигини билдиради⁵.

Ҳаракат тарзи категорияси шакли. Бугунги кун тилшунослигида

¹ Ғуломов А. Феъл. –Т.: Фан, 1954. 76- б.

²Материалы координационного совещания по проблемам глагольного вида и сложноподчиненного предложения в тюркских языках // Вопросы грамматики тюркских языков. 24–27 сент. 1956 г. –Алма-Ата, 1958, с. 45–51.

³Фердаус С. Феълнинг вид категорияси // Ўрта Осиё Давлат Университетининг илмий асарлари. Янги серия. 104- чиқиши. Филология фанлари. –Т., 1957. 84–86- б.

⁴ Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966. 210- б.

⁵ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М. –Л.: Изд-во АН СССР, 1960. с. 72.

тилни яхлит тизим сифатида тадқиқ қилиш муаммоси кўтарилган бўлиб, бу эса сатҳлараро муносабат, унинг ўзаро таъсири ва умумий маънонинг тажаллисини ўрганишдан иборат. Ҳар қандай лисоний бирлик ҳеч вақт айнан воқеланмайди. Унинг нутқдаги ҳар бир воқеланган ҳолатида лексик, морфологик, синтактик ёки услубий сатҳ зарраси қоришган ҳолда намоён бўлади. Аниқроғи, мазкур омил лисоний зотни ўз таъсири доирасида нутққа чиқарувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Феъл луғавий шакли сирасида бўлган ҳаракат тарзи шакли етакчи феълнинг семантик-синтактик имкониятига таъсир этади. Ҳаракат тарзи шаклининг тарз семаси мўътадиллашган феъл лексемага таъсири натижасида маълум бир ифодаланмаган ҳол кенгайтирувчининг нутққа тортилиши фаоллашади. Ҳол кенгайтирувчининг нутққа киритилиши эса феъл лексемадаги мўътадиллашган тарз семасини муайянликка қараб йўналишига сабаб бўлади.

Ҳаракат тарзи шакли ҳам воқеланар экан, тил сатҳи таъсиридан четда қолмайди. Ўрганилаётган ҳодиса грамматик шакл бўлганлиги боис унда омилнинг таъсир доираси кучли бўлади. Ўрни билан луғавий маънони йўқотиш белгисига асосланган кўмакчи феълда лексик сатҳнинг таъсир доираси кучли бўлса, баъзан синтактик ёки морфологик омил устуворлик қилади.

Луғавий шакл нутқда сўз билан бирикканда грамматик маъно ифодалаши билан биргаликда мазкур сўзнинг луғавий маъносига ҳам таъсир қилади. Ушбу ҳолат, айниқса, феълнинг луғавий шаклидан бири бўлган ҳаракат тарзи шаклида яққол ўз аксини топади. Ҳаракат тарзи шаклида ҳам кўшимча морфема каби етакчи феълга бирикиб, сўз маъносини қисман ўзгартириш, аниқлаштириш ва муайянлаштириш хусусияти намоён бўлади. Бироқ барча ҳаракат тарзи шаклида луғавий маънога таъсир бир хил эмас. Ҳаракат тарзи шаклининг луғавий маънога таъсири ҳақида фикр юритилганда, кўмакчи феълнинг луғавий маънони сақлаш хусусиятига кўра даражаланган қаторини эсга олиш лозим бўлади. Одатда, луғавий маънони кўпроқ сақлаган *-а/й+бошла*, *-(и)б+бўл* каби ҳаракат тарзи шаклида етакчи феълнинг луғавий маъносига таъсири кучлироқ. 1. *Ой... қора бахмал кечанинг юзига гавҳар парда ёпа бошлади (Ҳ.Шамс)*. 2. *Ўтап ўз улушига тушган зовурни хотини билан қайнасининг*

ёрдамида ҳаммадан аввал қазиб бўлди (Ҳ.Фулом). Мисолдан кўриниб турибдики, луғавий маъносини бутунлай сақлаган кўмакчи феъл ўз етакчи феълидан маъновий ажралишга ҳаракат қилади. Биринчи келтирган мисолдаги *ёна бошлади* ҳосиласи маъносини *ёнди* бирлиги орқали ифодалаб бўлмайди. Зероки, ёпиш ҳаракати даражали бўлиб, «бошланиш», «давом этиш», «тугалланиш» босқичига эга бўлади. Мазкур мисолда эса у «бошланиш» ҳолатида бўлиб, бунда *-а/й+бошла* ҳаракат тарзи шакли ўзидан олдин келган етакчи феълга зич боғланган. Натижада у ифодаланаётган лексик маънонинг ажралмас бир бўлаги каби нутқда намоён бўляпти. Шунингдек, иккинчи мисолдаги *қазиб бўлди* бирлиги ўрнини *қазиди* феъли билан тўлдириш мумкин. Бундай вазиятда кескин, «тугалланиш» маъноси йўқолиб, ҳаракат аниқликдан-ноаниқликка, муайянликдан-мавҳум (нонуайян)ликка қараб ўзгариб боради. Далил сифатида, *Азиз кўчада тўхтади* гапини олиб кўрайлик. У куйидагича кенгайиш хусусиятига эга:

1. Азиз кўчада бутунлай тўхтади.
2. Азиз кўчада тўсатдан тўхтади.
3. Азиз кўчада ҳозиргина тўхтади.

Бироқ *тўхта* феъли *-(и)б+бўл* ҳаракат тарзи билан шаклланганда, унинг семантикасидаги мисолда кўрсатилган мавҳум нуқта ойдинлашади. Ҳаракат тарзи шакли билан шаклланган семемада «тўсатданлик», «ҳозиргина» семаси йўқолади. Семантикада юз берган ўзгариш лексеманинг синтактик қобилиятини торайтиришга сабаб бўляпти.

Юқорида таъкидланганидек, ҳаракат тарзи шаклининг етакчи феъл луғавий маъносига таъсири турлича бўлади. Гоҳ ҳаракат тарзи шакли етакчи феълнинг аташ семасига таъсир қилса, гоҳ ифода семасига таъсир ўтказиши мумкин. Масалан, *Мажлис тамом бўлиб кишилар... тарқала бошлади* мисолида ҳаракат тарзи шакли етакчи феълнинг аташ семасига таъсир қилган бўлса, *Ана Арслонбек жаноблари токчадан бир тахта қозғоз олиб, ўқий кетди* мисолида эса ҳаракат тарзи шакли етакчи феълнинг аташ ҳамда ифода семасига таъсир ўтказган.

Нутқда мустақил лексема унинг ёрдамчи лексема сифатида воқеланадиган тарз маъносига турлича таъсир ўтказади. Баъзи мустақил феъл асосида юзага келган кўмакчи феълда аташ семаси кўпроқ сақланиб

қолиши мумкин, айримида эса ифода ёки вазифа семаси барқарор бўлади. Шунингдек, ҳаракат тарзи шаклининг мустақил феъл лексема билан бирика олиши фақат унинг грамматик маъноси билангина эмас, етакчи феълнинг мазмун силсиласи билан ҳам белгиланади. Чунки унинг ўзаро мувофиқлиги шаклнинг нутққа киритилишига асос бўлади.

Тилшунос А.Ҳожиёв *тур* кўмакчи феълнинг *-(u)б* равишдоши билан бирикканда ифодаляйдиган беш маъносини ва *-а/й* равишдоши билан бирикканда ифодаланаядиган уч маъносини фарқлайди ва таҳлил давомида *тур* кўмакчи феъли *-(u)б* равишдоши билан бирикканда «етакчи феълдаги ҳаракатнинг маълум белгили вақт ичида, бирор ҳаракат ёки ҳодиса амалга ошгунча бажарилиши – «вақтинча» деган маънони билдиради», – деб таъкидлайди¹. Таҳлил учун *Сиз ўқишга кетганингизда, дарахтларга ўзим қараб тураман* мисоли бериледи. Мазкур гапда «вақтинча» маъноси *-б+тур* ҳаракат тарзи шаклига тегишлига ўхшаса-да, *Сиз ўқишга кетганингизда* парчаси нутқдан соқит қилинса, гапнинг иккинчи қисмида «давомийлик» маъноси «вақтинча» маъносидан узилган ҳолатда юзага чиқади. Бу каби синтактик омилнинг лексемага таъсирини белгилашда лисоний сатҳда соф ва тажалли жиҳатни фарқлаш муҳим аҳамият касб этади. Кузатиш давомида юқорида келтирилган мисол

Дарахтларга мен қараб тураман.

Одатда дарахтга мен қараб тураман.

Дарахтларга мен ҳар куни қараб тураман тарзида ўзгартирилса ҳам, ундаги «давомлилик» маъноси «вақтинча» маъносидан холи равишда юзага чиқаётганлигига амин бўлиш мумкин.

Тур мустақил лексемаси семемаси ҳаракатли ёки ҳаракатсиз ҳолатга кўра ҳам фарқланар экан, ёрдамчи лексема вазифасида келган *тур* воситали ҳаракат тарзи шакли биргина семема асосида *- «бирор маконда, нарсада бўлмоқ»* семаси таъсирида шаклланади. Масалан, *Сиддиқжон анҳорнинг нариги ёғида анжир очаётган бўлиб, қизни кузатиб турган эди* (А.Қаҳ.). Бунда «иш-ҳаракатнинг давомлилиги» маъноси *-(u)б+тур* ҳаракат тарзи шакли орқалигина эмас, *кузатмоқ* мустақил лексемаси воситасида ҳам ифодаланаяпти. Зероки, *кузатмоқ* лексемаси лисоний

¹Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966. 51- б.

тизимда бир лаҳзада юз берувчи, тезликда бўлиб ўтувчи *чақнамоқ*, *яшинамоқ*, *чўчимоқ* феъл лексемаси билан тескари пропорционал парадигма ҳосил қиладиган *ўйламоқ*, *хаёл сурмоқ*, *семирмоқ* каби «маълум давомли вақтда» амалга ошувчи феъл лексема қаторида яшайди. Мисолдаги *кузатиш* ҳаракатининг «давомлилиги»ни $-(u)б+тур$ ҳаракат тарзи шакли воситасида «узоқ давомлилиқ» маъноси билан тўлдирилган деб тушуниш мумкин.

Тур кўмакчи феълли ҳаракат тарзи шаклининг ўзига хос хусусиятидан яна бири сифатида унинг мустақил лексема сифатида келувчи *тур* етакчи феълнинг ўзи билан бирикишини кўрсатиш мумкин. Масалан, *ёзиб тура тур* мисолида «давомлилиқ» маъноси билан биргаликда «вақтинча», «ҳозирча» маъноси ҳам ифодаланади. Айтиб ўтилганидек, «*тур* кўмакчи феъли етакчи феълга кетма-кет қўшилган ҳолда унинг маъноси таъкидланади ва етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиш муддати ишлаб тур формасидагига нисбатан ҳам, шунингдек, ишлай тур формасидагига нисбатан ҳам қисқароқ бўлади»¹. Бизга маълум манбада ҳаракат тарзи шаклининг ёлғиз бирикиш манбаи мустақил феъл бўлиши лозимлиги айтилади. Бироқ баъзи ўринда ҳаракат тарзи шакли гапнинг боғламали от кесимига қўшилиб, ҳаракат тарзи шаклига яқин маъно ифодаланиши ҳам мумкин. Буни тилшунос М.Миртожиев, Н.Маҳмудов куйидагича изоҳлайди: «*Чиқ* кўмакчи феъли гапнинг боғламали от кесимига қўшилиб, ўз кўмакчилиқ маъносини илова қилиши ҳам кузатилади. Масалан: *Дастлабки сотиш бу хилда бўлиб чиқди (Ойбек)*. Бу гапдаги кесим *бу хилда* оти бўлиб, унда эгадан англашилган сотув жараёни назарда тутилган. Гапдаги *бўлиб* боғламаси унинг амалга ошганини кўрсатса, *чиқ* кўмакчи феъли ўша жараён натижаланганлигини билдиради»².

Маълумки, ҳаракат тарзи шакли феълнинг луғавий шаклидан бўлиб, у маълум бир ҳаракатга нисбатан «давомийлиқ» ёки «қисқалиқ», «мунтазам» ёки «узлуксизлиқ», «кутилмаганлиқ» каби маъносини ифодалаб, етакчи феъл лексемадаги мўътадил «тарз» семасини муайянлаштиради. Юқорида келтирилган гапда муаллифлар изоҳлаганидек, гап маркази от кесим. *Чиқ* кўмакчи феъли от кесим

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966. 55- б.

² Маҳмудов Н., Миртожиев М. Тил ва маданият. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 56- б.

таркибидаги боғлама (бўл)га бирикиб, грамматик маъно ифодалашга хизмат қилган. Мазкур *-(u)б+чиқ* яхлитлиги ҳаракатга эмас, белгига алоқадор экан, шунга кўра у ҳаракат тарзи шакли қаторидан ўрин олмаслиги лозим. Шунингдек, у мустақил феъл қаторидан ҳам жой олмайди, фақат от кесим таркибидаги кўмакчи феъл сифатида изоҳланиши мумкин.

Ҳаракат тарзи шаклининг ҳам бош шакли етакчи феъл (ўқиди)нинг ўзига тенг бўлиб, ўқиб турибди, ўқиб олди, ўқиб бўлди мисолидаги тарз маъносининг барчаси мазкур бош шакл (ўқиди)да мавжуд бўлади. Ўрни билан нутқда тарз маъноси лексик, морфологик ва синтактик омил таъсирида муайянлашиб боради.

Аналитик шакл остида ўрганиб келинган ҳаракат тарзи шакли синтетик-аналитик (*топиб олди, бажариб қўйди*, аналитик (*чопди-кетди, олди-қўйди*) ҳамда синтетик (*тополмайди, ёзолади, боравер*) шаклини ҳосил қилар экан, бошқасидан фарқли ўлароқ, синтетик кўринишдаги ҳаракат тарзи шаклини феълда модал маънони ифодаловчи *-инқира, -имсира, -мачила, -кила, -қила* грамматик шакли қаторидан ўрин олишга интилаётган, қўшимчалашиш босқичини босиб ўтаётган шакл сифатида изоҳлаш мумкин.

Феъл луғавий шакли сирасида бўлган ҳаракат тарзи шакли етакчи феълнинг семантик-синтактик имкониятига таъсир этади. Ҳаракат тарзи шаклининг тарз семаси мўътадиллашган феъл лексемага таъсири натижасида ҳол кенгайтирувчининг нутққа тортилиши фаоллашади. Бунда равиш лексема билан нутқий-контекстуал маънодошлик муносабати юзага келади.

Ҳаракат тарзи шакли нутқда вокеланар экан, аксарият ҳолда ифодаланмаган ҳолат ёки пайт равиши мавжудлигига ишора қилиб туради. Масалан, *Лектор... хатга қараб, жаҳл билан яна бир марта «ўртоқлар» деди-ю, лекцияни бошлаб юборди* (А.Қаҳ.). Мисолда маънонинг кучайиши тезликка нисбатан бўлиб, «ҳаракатнинг жуда қисқа вақт ичида юз бериши» маъноси юзага чиққан. Бунда ҳаракат тарзи шакли *-(u)б+юбор* мазкур маънони бериш имкониятига яқин бўлган *тўсатдан, тезда, бирдан* каби ҳолат равишига ишора қилиб турибди. Баъзан эса бундай ҳолда ифодаланмаган гап кенгайтирувчиси вазифасидаги *шу ондаёқ, шу*

захотийёқ каби пайт ҳолини ҳам тўлдирувчи бўлак сифатида қўллаш мумкин. Бироқ нутқда, юқорида келтирилган каби, *Али тажанг буришиқ пешонасини силаб, лаб-лунжсини тутолмай, кулиб юборди* мисолидаги ҳаракат тарзи шаклини тушириб, уни шунга яқин маъно берувчи ҳолат равиши билан алмаштирганимизда мазкур шакл орқали ифодаланган услубий-таъсирий маъно маълум нозиклик билан фарқланади: *Али тажанг буришиқ пешонасини силаб, лаб-лунжсини тутолмай бирдан кулди*.

Ҳаракат тарзи шаклининг, кўриб ўтганимиздек, равиш лексема билан қуйидаги муносабати кўзга ташланади:

- 1) равиш лексемани эслатиб турувчи восита сифатида намоён бўлади;
- 2) равиш лексема билан бир синтактик яхлитликда яшаб, муайян маънони ифодалаш учун хизмат қилади ва нутқий-контекстуал маънодошлик муносабатида бўлади.

Ҳаракат тарзи шакли ўзбек тилининг зотий хусусиятини намоён этувчи воситадан бўлганлиги боис бошқа ноқардош тилдан ўзбек тилига матн таржимасида маънони бўрттириш ва таъсирчанлигини оширишда қўл келса, ўзбек тилидан чет тилига матнни ўгиришда эса баъзи бир муаммоли вазиятни келтириб чиқаради.

Маълумки, флектив тил гуруҳига кирувчи инглиз тилида ҳаракат тарзи шакли каби феъл кесимни модификация қилувчи грамматик восита мавжуд эмас. Шунга кўра, ўзбекча матндаги ҳаракат тарзи шакли маъносининг инглизча матнда қай тарзда берилиш имконияти ва шу имкониятни юзага чиқарувчида қайси воситадан фойдалана билиш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Инглиз тилида ҳам «*Auxiliary verbs*» мавзуси остида ўрганилувчи *to be, to do, shall, will, should, would* каби ёрдамчи (кўмакчи) феъл бор, лекин унинг гапдаги имконияти ва вазифаси ўзбек тилидаги ҳаракат тарзи шаклидан бутунлай фарқ қилади. Аввало, у дарак гапдан сўроқ гап ҳосил қилишда ёрдамга чақириладиган восита сифатида изоҳланади:

- *I go to the Karshi University every day.*
- *Whery do you go?*

Шунингдек, у нутқда от (кенг маънода)+феъл типидagi қўшма феъл ясашда, от кесимнинг кесимлик кўрсаткичи вазифасини бажаришда ва

замон маъносини ифодалашда хизмат қилувчи восита сифатида намоён бўлади:

You don't do harm me.

I am a student now.

We shall play tennis every evening. Кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги кўмакчи феъл билан инглиз тилидаги «Auxiliary verbs» ёрдамчи (кўмакчи) феъл моҳиятан бир-бирига яқин восита эмас. Тил ўрганишга киришган ҳар бир йигит-қиз мактаб давридаёқ ўзбекча матндаги ҳаракат тарзи шакли маъносини инглиз тилига ўгириш муаммосига дуч келади ва қизиқиб қолади. Маълумки, ҳаракат тарзи шакли қўшимча морфема қаторида турувчи грамматик шакл бўлганлиги боис, таржима қилувчи ўгиришда лексик маъно ифодаловчи янги бир мустақил лексема киритишга ботина олишмайди. Натижада:

У кулиб юборди – У кулди

He has laughed

У қараб қолди – У қаради

He has looked at...

У келаёзди – У келди

He has come

каби ҳолат юзага келиши мумкин. Натижада ҳаракат тарзи шакли қатнашган ёки қатнашмаган гап ҳам инглиз тилига бир хил таржима қилиниши лозим бўлиб қолади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳаракат тарзи шакли ўзбек тилининг зотий моҳиятини намоён этувчи онтологик хоссаси ҳисобланади. Демак, ҳаракат тарзи ўзбек тили табиатига хос экан, уни ўзга тилда, жумладан, инглиз тилида шунга яқин маъно ифодаловчи восита – гап кенгайтирувчи билан берилиши лозим бўлади. Бунинг учун эса ҳаракат тарзи шакли билан нутқий-контекстуал маънодошлик вазиятини юзага келтирувчи равишдан унумли фойдалана билиш зарур. Юқоридаги мисол куйидагича ҳол кенгайтирувчиси билан тўлдирилиши мумкин.

У кулиб юборди – He has laughed suddenly

У қараб қолди – He looked gradually

У келаёзди –

Юқоридаги таҳлил таржимачиликда масаланинг бир томони, холос.

Уни бошқа восита орқали ҳам инглиз тилида бериш имконияти мавжуд. Бироқ қиёсланганда, грамматик шакл тизимидаги ҳаракат тарзи шакли туркий тил, жумладан, ўзбек тилининг «Муҳокамат ул-луғатайн»идан жой олувчи фактдан. Зероки юқорида келтирилган *У келаёзди* мисолини инглиз тилига муқобил тарзда, грамматик восита асосида ўгиришга уриниш ҳар қандай тил билувчи моҳир таржимон учун ҳам самарасиз натижа берса керак.

Луғавий маънони сақлаш ҳаракат тарзи шаклида, шунингдек, *-a/ў* ёки *-(u)б* шакли равишдошда ҳам фарқланар экан, *-a/ў* равишдош шаклининг етакчи феълни ўзидан кейин келган кўмакчи феълга тобора яқинлаштириб, кўшиш имкониятига мойиллигини кузатиш мумкин. Юқорида айтилган *қарайвериб, ажралаёзди, кела олади, келаётибди* каби фикримиз далили. Кўшимчалашиш қанчалик кучайиб борса, шунга мувофиқ, кўмакчи феъл ҳам луғавий маънони сақлаш имкониятидан айрила боради.

Ҳаракат тарзи шакли грамматик хусусияти асосида таҳлил қилинганда, сўзшаклдан *-a/ў+кўр* ўзига хос хусусиятни намоён этади. Одатда, *кўр* кўмакчи феълнинг *-a/ў* равишдош шакли билан валентлик имконияти фақат буйруқ майли доирасидагина учрайди. *Кўр* феълнинг ўзи эса ҳамма вақт бўлишсиз формада қўлланади¹. Масалан, *Бу сирни ҳеч кимга айта кўрма (Файратий)*. Маълум бўладики, *-a/ў+кўр* тусланишга хосланмаган ҳаракат тарзи шакли бўлиб, унинг учун бўлишсизлик шакли нутқда ягона «яшаш имконияти» ҳисобланади. Шунга қиёсан *ёз* кўмакчи феъли таҳлил қилинганда, бунинг аксини кузатиш мумкин. *Ёз* кўмакчи феъли, асосан, бажарилиши лозим бўлган, лекин тўла бажарилмаган иш-ҳаракатни ифодаловчи феълга кўшимча маъно беради. Мазкур маъно, ўз-ўзидан, бўлишли-бўлишсизлик маъноси билан мувофиқ келмайди. Бу эса *йиқилаёзди, тугатаёзди* каби сўзшаклнинг бўлишсиз шаклда бўла олмаслиги сабабини ойдинлаштиради. Ҳаракат тарзи шакли грамматик хосланиш хусусиятига эга экан, бу унинг вазифа семаси асосида юзага чиқади. *-a/ў+сол* ҳаракат тарзи шакли ҳам *-a/ў+кўр* қолипши шакл каби тусланишга хосланмаган кўринишга эга. Тилшунос А.Ҳожиёв *сол* кўмакчи феъли равишдошнинг *-a* аффикси билан ясалган турига бирикканда, ўзи

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966. 178- б.

хам деярли ҳамма вақт *-(u)б* аффикси билан ясалган равишдош шаклида бўлиши ва етакчи феъл билан бирга содда гап таркибидаги равишдош оборотнинг кесими вазифасида келишини таъкидлайди¹. Масалан, 1. *Йўлчи пичоқни ура солиб, узоққа отди* (Ойбек). 2. *Саидгози қўлидаги қаламини қўя солиб, чапакка зўр берди.* (С.Анорбоев). Таҳлилдан хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки, ҳаракат тарзи шаклида грамматик хосланиш мавжуд бўлиб, у тусланиш ёки тусланмаслик, бўлишли-бўлишсизлик хусусиятига кўра фарқланади.

Морфологик шакл ҳисобланган ҳаракат тарзи нутққа чиқар экан, унга гоҳ синтактик сатҳ таъсири кучли бўлса, гоҳ лексик ёки морфологик омил таъсири устуворлик қилиши кузатилади.

Ҳаракат тарзи шаклининг маъновий хусусияти вазифавий хусусиятига қараганда кенг бўлиб, у маълум бир гуруҳ феъли билан алоқага киришганда ўзининг кўп маънолилиқ хусусиятини юзага чиқаради. Ҳаракат тарзи шакли бошқа морфологик шакл қаторида маъновий ва синтактик хосса бирлигидан иборат бутунлик бўлиб, унинг умумий грамматик маъноси диалектик яхлитлик асосида очилади. Шаклнинг маъновий жиҳати «ҳаракатнинг тарзини ифодалаш» бўлса, синтактик вазифасини «феъл сингари кесим вазифасида келиш» ташкил этади. Демак, шакл умумий грамматик маъносини «иш-ҳаракатнинг тарзини ифодалаш» деб таърифлаш мумкин. Ҳаракат тарзи шакли умумий грамматик маъносининг синтактик томони деярли ўзгаришсиз - «феълнинг тарз маъноли кенгайтирувчисини муайянлаштириш» тарзида хусусийлашади. Боғланувчи феъл бу вазифани ўзига хос тарзда модификация қила олмайди. Бироқ маъновий жиҳатдан тўғридан-тўғри эмас, балки муайян оралиқ грамматик маъно орқали нутққа чиқади, хусусий ҳолда намоён бўлади.

Маълумки, ҳаракат тарзи шаклининг маъносини белгилашда равишдошнинг *-a/й* ёки *-(u)б* шакли муҳим роль ўйнайди. Масалан, *ўқий олади, ўқиб олди* мисолида морфологик шаклга морфологиянинг таъсири устуворлик қилади. Бунда лексиканинг таъсир доираси мазкур омилга нисбатан заифроқ бўлади. *Кулмоқ* лексемаси *-(u)б* равишдош шакли

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966. 67- б.

воситасида қолди, қўйди, турибди, берди, ётибди, олди, юборди кўмакчи феъл билан бирика олиш имкониятига эга.

Фақат эга ва феъл кесим муносабатидан ташкил топган йиғиқ гапда ҳаракат тарзи шаклининг етакчи феъл лексемага валентлик имконияти мўътадил бўлади. Масалан, *Адҳам кулди*. Мазкур йиғиқ гап ҳол кенгайтирувчи билан кенгайганда ҳаракат тарзи шаклининг валентлик имконияти муайянлашади, чегараланади: *Адҳам бирдан кулиб юборди*. Аниқроғи, шаклий кенгайиш маъновий торайишни вужудга келтиради.

Ҳол кесимдан, хатто эгадан қўйи мавқени эгаллайди. Зероки, нутқий гапда кесим ортидаги эгани тиклаш ҳолни тиклашга қараганда ўнғай. *Адҳам кулиб юборди* каби мисолда ҳаракат тарзи шакли ифодаланмаган ҳолни тиклаш учун восита вазифасини ўтайди:

Адҳам кулиб юборди – Адҳам бирдан кулиб юборди.

Маълум бўладики, гапдаги ҳол кенгайтирувчи юқоридаги *-(u)б+қол*, *-(u)б+қўй*, *-(u)б+тур*, *-(u)б+бер*, *-(u)б+ёт*, *-(u)б+ол* ҳаракат тарзи шакли валентлик имкониятини тўсиб қўйган. Агар *Адҳам бирдан кулиб юборди* гапида *бирдан* лексемаси *секин* ҳол кенгайтирувчиси билан алмаштирилса, *-(u)б+юбор* ҳаракат тарзи шакли *-(u)б+қўй* шаклига ўз ўрнини бўшатиб беради. Юқоридаги ўринда морфологик шаклга синтактик омилнинг таъсири лексик омилга нисбатан кучлироқ сезилади.

-(u)б+ол қолипли ҳаракат тарзи шакли кўпгина чегарали (статик) *ўрганмоқ*, *чиқармоқ*, *тузатмоқ* каби феъл гуруҳи билан бирикканда иш-ҳаракатнинг бажарилиши маъносини ифодалайди. Масалан, *ўрганиб олди*, *чиқариб олди*, *тузатиб олди*. Бироқ *-(u)б+ол* қолипли ҳаракат тарзи шакли *йўталмоқ*, *қарамоқ*, *ботирмоқ*, *мўраламоқ* каби чегарасиз (динамик) феъл гуруҳи билан бирикканда, «иш-ҳаракатнинг бир марта бажарилиши» маъноси ифодаланади. Масалан, *йўталиб олди*, *қараб олди*, *ботириб олди*, *мўралаб олди* каби. Мазкур ҳолатда лексиканинг морфологик шаклга таъсири кучли бўлиб, етакчи феъл ҳаракат тарзи шакли маъносини белгилашда ҳокимлик табиатини юзага чиқармоқда.

Луғавий маъносини бутунлай сақлаган кўмакчи феълда лексик омилнинг таъсири кучсизроқ бўлса, синтактик омилнинг таъсири сезиларсиз даражада бўлади. Масалан, *Ўқувчилар кела бошлади* мисолида *тезда*, *аста-секин*, *бирин-кетин*, *югурганча* каби ўрин

кенгайтирувчисининг таъсири сезилмас даражада. *Бошла* кўмакчи феълининг «иш-ҳаракатнинг бошланиши» маъноси мазкур гапда етакчи феъл сифатида ифодалаётган ҳаракатга ўхшаса-да, луғавий маъносини кўпроқ сақлаш асосида тажаллиланган. Мазкур гапда аслида «субъектнинг мўлжал қилинган жойга етиши» маъноси етакчи хусусиятга эга бўлиб, «иш-ҳаракатнинг бошланиши» маъноси эса мазкур ҳаракатнинг тарзини ифодалаб келяпти.

Кўринадикки, ҳаракат тарзининг ифодаланишида лексик, морфологик, синтактик омил таъсири турлича бўлиб, мазкур ҳодисанинг тажаллиси асл морфологик зотни қоронғилаштиради.

Ҳаракат тарзи шакли парадигматикаси. Ҳаракат тарзи шаклининг умумий грамматик маъносини очишда, категориал хусусияти ва парадигматик муносабатини ойдинлаштиришга унинг таркибли, яъни кўшимча+феъл лексема тузилишга эга эканлиги ҳам маълум даражада монелик қилиши табиий. Чунки бунда масалани мураккаблаштирувчи бир неча ҳолат мавжуд:

1) шаклда уни ўзига бириктираётган лексеманинг ҳам, равишдош шаклининг ҳам, шунингдек, кўмакчи феълнинг маъноси ҳам қоришган ҳолда воқеланиб, умумий тарз маъносининг кўринишини мураккаблаштириши;

2) ҳаракат тарзи шаклини ҳосил қилишда иштирок этаётган кўмакчи феъл маъносининг мустақил қўлланишидаги луғавий маъноси билан алоқаси мавжудлиги, бу алоқанинг турли даража ва кўринишда эканлиги;

3) равишдош кўрсаткичининг ҳам, кўмакчи феълнинг ҳам маъновий мураккаблиги, серқирра моҳиятлилиги ҳаракат тарзи шаклининг ҳам кўп маънолилигини келтириб чиқариши ва шаклни айни бир маъно ифодаловчи восита сифатида муайян парадигмага киритиш имкониятининг чекланганлиги.

Маълум бўладикки, ҳаракат тарзи шакли гарчи «тарз» умумий грамматик маъноси остида бирлашса-да, уни бошқа грамматик категорияда бўлгани каби шаклдан келиб чиққан ҳолда парадигматик таҳлил қилиш имкони чекланган. Ўрганилаётган шаклнинг кўп маънолилиги «хусусийликдан умумийликка» асосида иш кўриш учун тўсиқ бўлади. Шу боисдан ҳаракат тарзи шакли парадигмаси лисоний

тизим сифатида таҳлилга тортилар экан, «хусусийликдан умумийликка» йўналишида эмас, балки «умумийликдан хусусийликка» тамойили асосида иш кўрмоқ лозим бўлади.

Морфологик шаклнинг фаҳмий ҳис қилинадиган алоҳида-алоҳида зоҳир бўлувчи маъносига хусусий грамматик маъно сифатида ёндашиш мумкин. Хусусий грамматик маъно тил сатҳига хос умумий грамматик маънодан синтагматик муносабатда рўёбга чиқиши, аниқлиги, вариативлиги, индивидуал қўлланиши билан фарқланади¹.

Ҳаракат тарзи шаклининг хусусий грамматик маъноси ҳам бевосита нутқ билан боғлиқ бўлиб, у фақат нутқий ҳосиладагина ўзининг хусусий грамматик маъносини юзага чиқаради. Ҳаракат тарзи шаклининг умумий грамматик маъноси эса бевосита кузатишда берилмаган бўлиб, тайёрлик, умумий, мажбурийлик, барқарорлик каби хусусиятга эга. Ҳаракат тарзи шаклининг умумий грамматик маъноси хусусийликнинг умумий хоссаси сифатида мазкур хусусийликда яшайди ва у орқалигина нутқда реаллашади.

Ҳаракат тарзи шаклининг хусусийлашуви умумий грамматик маънонинг муайян хоссаси асосида шаклланади. Ҳар қандай ҳодиса кўплаб моҳият заррасидан иборат бўлганлиги сабабли, нутқда қўлланилган муайян сўзшаклда турли умумий грамматик маънонинг хусусий грамматик маъно сифатида юзага чиққан зарра мавжуд бўлиб, у нутқий алоҳидалиқ сўзшаклда шундай зич бирлашганки, кўп ҳолда уни бир-биридан ажратиш қийин бўлиб қолади.

Миқдоран элликка яқин шаклни қамраб олган ҳаракат тарзи шакли, айтилганидек, «тарз» умумий грамматик маъноси остида бирлашади. Бу умумийлик муайян нутқий қўлланишгача бир неча оралиқ босқични босиб ўтади. Биринчи бўлиниш икки аъзоли бўлади: «жараёнлилик» ва «қобилият». Иккинчи бўлиниш «жараёнлилик» оралиқ грамматик маъносида аъзо сони учта: «иш-ҳаракатнинг бошланиши», «иш-ҳаракатнинг давомийлиги», «иш-ҳаракатнинг тугалланганлиги». «Қобилият» оралиқ маъноси «қодирлик» ва «синаш»га бўлинади.

Ўз навбатида иккинчи оралиқ маъно яна парчланади. Масалан, «иш-

¹ Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлигида сатҳлараро муносабатлар: филол. фан. докт. ... дис. –Т., 2002. 207- б.

ҳаракатнинг бошланиши» оралик маъноси «сониявийлик» ва «давомийлик» оралик бўлакчасига; «иш-ҳаракат давомийлиги» эса «узлуклилик» ҳамда «узлуксизлик» парчасига ажралади. «Иш-ҳаракат тугалланганлиги» оралик маъноси «тўла бажарилиш», «тўла бажарилмаганлик», «ўзига олиш», «сониявийлик» оралик бўлакчасига эга бўлади. «Иш-ҳаракатга қодирлик» оралик маъноси «жисмоний ва ақлий фаолият» ҳамда «ақлий фаолият» ораликларидан иборат бўлса, унга ёндош қаторда турувчи «синаш» оралик маъноси «текшириш», «синаш», «тажрибадан ўтказиш», «ҳаракатни билиш», «белгилаш» ҳамда «аниқлаш» қуйи оралиқига парчаланadi.

Ҳаракат тарзи шаклининг «тарз» умумий грамматик маъноси асосидаги парадигмасини энди нутқий ҳосилаларда кўриб ўтамиз. Аввало, *дўппослаб кетди* мисолида «ҳаракатнинг тўсатдан бошланиши» маъноси -*б+кет* шакли орқали «иш-ҳаракат бошланишининг сониявийлиги» оралик грамматик маъноси тикланади. *Ўқий бошлади* мисолида -*й+бошла* шакли орқали «иш-ҳаракат бошланиши ва давом этиши» оралик маъноси юзага чиқади. *Ёзиб турибди* мисолида эса «ҳаракатнинг такрор ҳолда давом этиши» -*иб+тур* шакли орқали «иш-ҳаракат давомийлигининг узлуклилиги» оралик маъноси ифодаланади. *Кузата тур* мисолида -*а+тур* шакли орқали «иш-ҳаракат давомийлиги» оралик маъноси «иш-ҳаракатнинг узоқ давом этиши»ни ифодаласа, *ёзиб ётибди* мисолида эса -*иб+ёт* шакли орқали «иш-ҳаракат давомийлигининг узлуксизлиги» оралик маъноси «ҳаракатнинг муттасил давом этиши» маъно нозиклиги билан фарқланади. *Тугаб кетди* мисолида -*б+кет* шакли орқали «ҳаракатнинг тўла юзага келиши» маъноси «иш-ҳаракат тугалланганлигининг тўла бажарилиши» оралик грамматик маъносини юзага чиқаради. *Келаёзди* мисолида -*а+ёз* шакли орқали «ҳаракатнинг бажарилишига яқинлашганлик» маъноси «иш-ҳаракат нотўлиқ тугалланганлиги» оралик грамматик маъносини ифодалайди. *Ўрганиб ол* мисолида «ҳаракатнинг ўз манфаатига йўналтириш» маъноси -*иб+ол* шакли орқали «иш-ҳаракат тугалланганлигини ўзига олиш» оралик грамматик маъносини юзага келтиради. *Чўчиб тушди* мисолида эса -*(и)б+туш* шакли орқали «ҳаракат ёки ҳолатнинг бир зумда бўлиб ўтиши» маъноси «иш-ҳаракат тугалланганлигининг сониявийлиги» оралик

грамматик маъносини юзага чиқаради. *Ўқий олади* мисолида *-й+ол* шакли орқали «ҳаракатни бажариш имкониятига эгалик» маъноси «иш-ҳаракатга қодирлик» оралиқ грамматик маъносида «жисмоний ва ақлий фаолият»ни ифодаласа, *кўрсата билди* мисолида эса *-а+бил* шакли орқали «ҳаракатни бажариш қобилиятига эгалик» маъноси «иш-ҳаракатга қодирлик» оралиқ грамматик маъносининг фақат «ақлий фаолият» кўринишини юзага чиқаряпти. Шу ўринда «иш-ҳаракатга қодирлик» маъносини юзага чиқарувчи *-а/й+ол* ва *-а/й+бил* шакли ҳақида фикр юритилганда шуни айтиш лозимки, *-а/й+ол* шаклини нутқда мазкур маънони ифодалашда ишлатиш ўзбек тили меъёрига мос келса-да, *-а/й+бил* шакли орқали «иш-ҳаракатни бажаришга қодирлик» маъноси ифодаланишини «нормадан четланиш» деб ҳисоблаш мумкин¹. *Бориб кўр* мисолида *-иб+кўр* шакли орқали «ҳаракатни текшириш ёки тажрибадан ўтказиш» маъносининг «синаш» оралиқ грамматик маъноси ифодаланса, *санаб боқ* мисолида *-б+боқ* шакли орқали «ҳаракатни билиш, белгилаш, аниқлаш» маъноси «иш-ҳаракатни синаш» оралиқ грамматик маъносини тиклаш учун хизмат қилади.

Хусусийликни тиклаш поғонали табиатга эга экан, хусусий грамматик маъно ва умумий грамматик маъно орасида уни боғловчи бўғин ажратилганда, оралиқ грамматик маънода хусусий грамматик маънонинг ҳам, умумий грамматик маънонинг ҳам хоссаси мавжуд бўлади.

Маълумки, ўзбек тилида шу кунгача энг катта морфологик парадигма саналган замон категорияси 18 аъзодан иборат². Ҳажман ундан-да катта бўлган, қарийб 50 га яқин аъзони ўз ичига олган ҳаракат тарзи шакли парадигмасини «тарз» умумий грамматик маъноси остида бирлаштириш мумкин. Бу қуйидаги кўринишда акс этган (1-жадвал. Ҳаракат тарзи категорияси).

Жадвалда ҳаракат тарзи маъносини ифодалашнинг биргина морфологик кўриниши ва ягона умумийлик остида яхлит тизим ҳосил қилиши акс этган. Хусусий грамматик маъно ўз умумий грамматик

¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М. -Л.: Изд-во АН СССР, 1960. с. 180.

² Баҳриддинова Б. Фезл луғавий шакли тизими. Фезлнинг тур категорияси: филол. фан. номз. дис. –Самарқанд, 2002. 45- б.

маъносига етиб бориши учун даражаланган оралик грамматик маъно босқичини босиб ўтади. Жадвалдаги тадрижий грамматик маънода ҳаракат тарзи шаклининг хусусий маъноси кўрсатилмаган. Бунинг сабаби шундаки, унинг хусусий грамматик маъноси контекст билан боғлиқ бўлиб, биргина шакл маълум нутқий жараёнда етакчи феъл лексема, равишдош шакли ва синтактик омил таъсири билан воқеланиб, ўзига хослик касб этади. Аниқроғи, маълум бир шаклнинг мисолда юқоридаги омил таъсирида турлича маъно ифодаланиши кузатилади. Шунга кўра айтиш мумкинки, ҳаракат тарзи шаклининг хусусий грамматик маъносини одатда контекст ҳал қилади.

Маълум бўладигани, умумий грамматик маъно нутққа киритилар экан, у қанчалик кўйиласа, унга бошқа ҳодиса- турли тил сатҳ таъсири ҳам муайянлашиб боради.

Маълумки, ўзбек тилида ҳаракат тарзи шаклини ҳосил қилувчи 30 га яқин феъл мавжуд бўлиб, бу феъл кўмакчи феъл сифатида англатаётган маънонинг мустақил қўлланишидаги маъносига муносабати жиҳатидан даражаланувчи қаторни ташкил қилади. Умумлингвистик қонуният бўлган даражаланишнинг ҳаракат тарзи шаклида хусусийлашуви ўзига хос.

Ўзбек тилидаги морфологик шакл синтетик табиатлидир, бироқ сўзнинг аналитик (*Адҳам учун, қалам билан*) ва синтетик-аналитик (*уйга томон, қишлоққа қадар*) шакли ҳам мавжуд. Ҳаракат тарзи шакли ҳам, айтилганидек, сўзнинг синтетик (*боролмайман, келаверади*), синтетик-аналитик (*ўқий бошла, кўриб чиқ*) ҳамда аналитик (*сотди-қўйди, кетди-қолди*) морфологик шаклни ҳосил қилади.

Ҳаракат тарзи шаклининг аналитик кўринишида кўмакчи феълнинг бошқа аналитик шаклида бўлгани каби ёрдамчи сўзга хос ҳам шаклий, ҳам маъновий жиҳатдан ўз лексемалик табиатини сақлашнинг кучлилигини эмас, балки уни етакчи феълга боғлаётган равишдош кўрсаткичини сиқиб чиқариб, етакчи феъл билан маъновий зичлашишга ҳамда етакчи феълнинг кесимлик кўрсаткичи билан шаклланиши натижасида шаклий мустақиллигини сақлашга интилишидан иборат шаклий-маъновий зиддият кўзга ташланади: *айтди-қўйди, кетди-қолди* каби.

Анъанавий талқинда ҳаракат тарзи шаклидаги даражаланишни, аввало, луғавий маънони сақлаш хусусияти асосида кўрсатишга интилиш

бўлганлигини сезиш мумкин. Бунда сиранинг бошида *бошла* ва охирида *ёз* феъли туради. Шу боисдан ҳаракат тарзи шаклидаги даражаланишга зимдан ишора қилиб ўтган академик А.Ҳожиев кўмакчи феълни тартиблаштиришда *бошла* феълени қатор бошига қўйиб, унинг кўмакчи феъл вазифасида ифодалайдиган маъноси кўпроқ «мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган маъносига тўғри келиши»ни бир неча марта таъкидлайди¹. Устоз тилшуноснинг қарашига таянган ҳолда биз ҳаракат тарзи шаклидаги кўмакчи феълнинг маъновий даражаланишини «луғавий маънони йўқотиш» белгиси асосида кузатамиз. Чунки кўмакчи феъл ўз луғавий маъносидан қанча узоқлашса, унинг грамматик шаклик хусусияти шунчалик кучайиб, феъл эса қўшимчалашиб боради. Бундай даражаланишда қатор бошига *ёз*, *ол*, *бер* тартибланишидаги феъл чиқади ва *бошла* феъли қатор охирига ўтади. Чунки бугунги кунда *ёз* феъли ўз сирасидан луғавий маъносини буткул йўқотганлиги, тахминий илдизи бўлган *озмоқ* феълдан узилганлиги билан фарқланиб туради².

Ҳаракат тарзи шаклининг барчасини луғавий маъносини йўқотиш даражасига кўра қатъий тартибга қўйишнинг иложи йўқ. Чунки унинг аксарияти кўп маъноли бўлиб, англатаётган баъзи маъноси мустақил маъноси билан боғланса, айрими мутлақо алоқадор эмас. Буни *ол* феъли мисолида кузатиш мумкин.

Ол кўмакчи феъл сифатида *-а/й* қўшимчаси билан ҳам, *-(и)б* қўшимчаси билан ҳам тарз шаклини ҳосил қилади. *-(и)б* қўшимчаси билан шаклланган ҳаракат тарзи «етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объектга томон, баъзан унинг манфаати учун йўналиши» маъносини ифодалайди ва бунда *олмоқ* мустақил лексемаси семантикаси билан алоқадорлик яққол кузатилади: *Сиддиқжон ҳаммасини йиғиштириб олдида, айвоннинг тоқчасига элтиб қўйди* (А.Қаҳ.). *Қурбон ота елиб югуриб, сал кунда қиши ва ёзги чойхонанинг кам-кўстини тўғрилаб олди* (А.Қаҳ.). *-а/й+ол* тарзида шаклланганда эса «ҳаракатни бажариш қобилияти, имкониятига эгалик» маъноси ифодаланади. 1. *Орадан олти ой ўтгандан кейингина у иш бошлай олди* (С.Аҳмад). 2. *Буни ҳам мен катта мақсадни*

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966. 63- б.

² Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966. 184- б.

кўзлаганлари учун шундай шаҳар қура олишган, деб ўйлайман (Р.Файзий).

Ҳаракат тарзи шаклининг бу маъносида кўмакчи феъл ўз мустақил луғавий маъносидан бутунлай узилган. Демак, *-(u)б+ол* шакли таркибида *ол* феъли даражаланиш қаторида луғавий маънони сақлаган феъл томон, *-a/й+ол* шакли таркибида эса луғавий маънони йўқотган бирлик томон силжийди. Мазкур ҳолатда шаклдаги даражаланиш равшан бўлса-да, унинг градуонимик парадигмасини тузишда мураккаб вазият юзага келади. Шу боисдан ҳаракат тарзи шакли таркибидаги феълнинг ҳар бирида луғавий маънони йўқотиш даражасига кўра ўрнини қатъий белгилашга интилиш кўпинча самарасиз бўлишини ҳисобга олиб, шаклни гуруҳлаган ҳолда даража қаторини тузиш мақсадга мувофиқ.

Луғавий маъносидан узилиш даражасига кўра фарқланмайдиган, аниқроғи, фарқланиши сезиларсиз бўлган феъл ўзаро бошқа белги асосида даражаланади. Масалан, *-(u)б+бўл* ва *-(u)б+битир* шаклидаги *бўл* ва *битир* феълени луғавий маънодан узоқлашиш даражасига кўра фарқлаш мушкул. Бироқ у ўзаро ҳаракат тугалланганлигининг қатъийлиги белгиси асосида даражаланса, бунда *битир* феълли шакл қатор олдида ва *бўл* феълли шакл кейин жойлашади. Қиёсланг: *ёзиб бўлди, ёзиб битирди, ёзиб олди*.

Нутқий ҳодисада асл ва тажалли хусусиятни ажратиш тамойили ҳам ҳаракат тарзи шаклидаги маъновий даражаланишни ойдинлаштиради. Мисол сифатида учта феълга мурожаат қилайлик: *ишлаб ётибди, ўйлаб ётибди, ухлаб ётибди*. Ҳар учала сўзшаклдаги кўмакчи феълнинг асл луғавий маъносига алоқадорлиги бир қарашда турлича: *ётмоқ* феълнинг «горизонтал ҳолатда бўлмоқ» луғавий маъносига унинг кўмакчи феъл вазифасида қўлланган ҳолатнинг учинчи тури (*ухлаб ётибди*)да алоқадорлик кучли, иккинчиси (*ўйлаб ётибди*)да ўртача ва биринчиси (*ишлаб ётибди*)да кучсиздай туюлади. Бироқ уйқу ҳолати, одатда, узала тушган ҳолда, ўйлаш тинч (*баъзан ётган, баъзан юрган, ўтирган, турган*) ҳолатда кечади. Ишлаш эса, одатда, ётмаган ҳолатда юз беради. Кузатишдан маълум бўладики, бу ҳолатда *ётиш* ҳаракати *ётмоқ* кўмакчи феълга эмас, балки мустақил феъл англатаётган маънога боғлиқ. Бунда *ишла, ўйла, ухла* феъли хоссаси ҳаракат тарзи шакли моҳиятини кузатувчидан тўсиб қўядиган ўзга ҳодиса тажаллиси бўлиб, тадқиқотчи *ёт* феълдаги аслиятни идрок этиш учун тажаллини эътибордан соқит қилиш

лозим деган хулосага келади. *Ёт* феъли *тур, ўтир, юр* феъли каби кўп маъноли бўлганлиги боис уни даражалаш луғавий маънони йўқотиш даражаси белгисига кўра эмас, балки ички иш-ҳаракатнинг интенсивлиги даражаси белгиси асосида кечади. Бу сирани қуйидаги мисолда кузатамиз: *тур, ўтир, юр, ёт*. Бунда ҳаракатнинг кучли ифодаси сира бошидан охирига қараб ўсиб боради. *Кўр, қара, боқ* кўмакчи феъли ҳаракат тарзи шакли ҳосил қилувчи восита сифатида мустақил қўлланишидаги луғавий маънодан узоқлашиш даражасига кўра бир гуруҳга кириб, бу белги асосида ўзаро фарқланмайди. Бунда етакчи феълдаги ҳаракатнинг дастлабки бажарилишда эканлиги унинг «синаш, билиш учун амалга оширилаётган ҳаракатини ифодалаш». Мазкур белгисига эга бўлган бу феъл илк даража қаторининг биринчи нуқтаси (луғавий маъносидан бутунлай узилган феъл гуруҳи)дан жой олади. Бу феъл ўзаро қўлланиш даражаси жиҳатидан фарқланади. Сирадаги *кўр* феъли кўп қўлланивчанлиги билан ажралиб туради. *Қара* феъли эса унга нисбатан анча пассив. *Боқ* янада кам истеъмолли феъл ҳисобланади. Шу тарзда кичик гуруҳдаги феълни ўзига хос белгиси асосида даражалаш мумкин. Масалан, ҳаракатнинг юқори (интенсив) фазасини кўрсатувчи *кет, юбор, ўл* феълени олайлик: *йиғлай кетди, йиғлаб юборди, йиғлаб ўлди*. Бунда *ўл* кўмакчи феъли *юбор* кўмакчи феълига қараганда ҳаракат-ҳолатнинг юқори даражадалигини ифодаласа, иккинчи ўринни *юбор*, сиранинг охирини эса *кет* кўмакчи феъли эгаллайди. Ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъл қуйидаги мисолда намоён бўлади: *семириб келяпти, семира бошлади, семириб кетди*. Бунда сиранинг бошида *кел* кўмакчи феъли туради, чунки *кел* кўмакчи феъли аста-секин, даражама-даража ривожланиб, сўнгра тўла (нормал) ҳолатда юз берувчи ҳаракатни билдирувчи феъл билан бирикканда ҳаракатнинг «бошланғич фазаси юзага келиши» маъносини билдиради. *Бошла* кўмакчи феъли эса ҳаракатнинг бошланиш, субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни бажаришга киришиш маъносини билдиради. Ҳаракатнинг бошлангандан кейин давом этган ёки давом этмаганлиги назарда тутилмайди. Хуллас, сиранинг иккинчисида *бошла*, охирида эса *кет* кўмакчи феъли туради. Даражаланишнинг кейинги турида *кет, ёз, ол, туш* кўмакчи феълени қиёслаш мумкин. Нутқда *тугаб кетди, кела ёзди, чўчиб тушиди* каби

нутқий ҳосила ишлатилади. Бунда биринчи (*тугаб кетди*) мисолдаги «тугалланиш» маъноси етакчи феъл ҳисобланган *тугамоқ* феълнинг луғавий маъноси ҳамда кўмакчи феълдаги замон кўрсаткичи грамматик маъноси, шунингдек, *-б+кет* ҳаракат тарзи шакли билан қоришиқ ҳолатда «тўла тугалланганлик», иккинчи мисол (*кела ёзди*)да «тўла тугалланмаганлик» («тўла тугалланишга яқинлашганлик»), учинчи мисол (*чўчиб тушди*)да «сониявийлик» маъноси билан ягона «тугалланганлик» белгиси остида даражаланади.

Анъанавий *кўмакчи феъл* атамаси остида ўрганилган ҳаракат тарзи шакли мураккаб табиатлилиги билан ажралиб туради. Ҳаракат тарзи шаклини юзага келтирувчи кўмакчи феъл сони ўттизга яқин. Агар равишдош шаклининг *-а/й* ва *-(у)б* шакли кўпинча бир-бирининг муқобили бўла олмайдиган даражада комбинация ҳосил қилиши эътиборга олинадиган бўлса, ҳаракат тарзи шакли миқдори яна икки баравар кўпайишига амин бўлиш мумкин. Ана шу кўмакчи феълнинг *-а/й* ёки *-(у)б* равишдоши билан бирикиши, шунингдек, кўпинча ҳар бир ҳаракат тарзи шаклининг ўзи икки-уч маъно ифодаланиши ҳаракат тарзи шаклида муайян даражаланиш қаторини аниқлашда мураккаб вазиятни юзага келтиради. Академик А.Ҳожиёвнинг кўмакчи феълга оид монографиясида 27 кўмакчи феълнинг *-а/й* ҳамда *-(у)б* равишдоши билан бирика олиши таққосланса, *-а/й* равишдошига қараганда *-(у)б* равишдошли кўмакчи феъл ҳаракат тарзи шаклини ҳосил қилишда фаол роль ўйнаши кузатилади. Кўмакчи феъл таҳлилга олинар экан, унга илова сифатида тилшунос М.Миртожиев, Н.Маҳмудов *ур* кўмакчи феълни ҳам шу сирага киритиб, кўмакчи феъл сонини 28 тага етказишди¹. Шунингдек, ҳозиргача бирорта илмий адабиётда айтиб ўтилмаган бўлса-да, бугунги кунда ушбу қаторга кўшилишга интилаётган *туга* кўмакчи феълни ҳам санаб ўтиш лозим. Бироқ унинг етакчи феълга бирикиш имконияти ҳозирда бошқа кўмакчи феълга қараганда анча тор: *ўқиб тугатди, ёзиб тугатди*. Равишдош шакли ва мазкур кўмакчи феъл асосида бутланувчи ҳаракат тарзи шаклини нутқда кўплаб етакчи феъл билан бирика олиш-олмаслигига қараб, унинг даража қаторини тузиш мумкин.

¹ Маҳмудов Н., Миртожиев М. Тил ва маданият. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 94- б.

Лисоний бирикма умумийлик хусусиятига эга бўлар экан, манбада у уч гуруҳ қолипи асосида шаклланиши кўрсатилади:

- 1) ясама сўз қолипи;
- 2) сўз бирикмаси қолипи;
- 3) гап қолипи¹.

Бундан ясама сўз қолипи лисоний деривацион қолип сифатида тил сатҳининг сўз ясалиши бўлимида қолдирилиб, синтактик қолип сифатида сўз бирикмаси ва гап қолипи олинади. Бироқ текширишда **равишдош шакли+кўмакчи феъл=ҳаракат тарзи** қолипи эътибордан четда қолдирилади. Маълумки, **равишдош шакли+феъл** қолипи орқали феълли бирикма ҳам юзага келади ва бу қолип кўплаб нутқий ҳосилани бирлаштиради. Мазкур сўз бирикмасига шаклдош турувчи ва умумийлик хусусиятига эга бўлган ҳаракат тарзи шакли қолипи ҳам лисоний морфологик қолип сифатида ажратилиши мумкин. Масалан, *ўқий олади*, *бориб кўр* ва *топа қол* мисолидаги фарқ эътибордан соқит қилинганда, лисоний морфологик умумийлик сифатида **равишдош шакли+кўмакчи феъл** қолипи тикланади. Бунда лисоний морфологик қолип ўзининг шаклий ва мазмуний томонига ҳам эга бўлиб, **равишдош шакли+кўмакчи феъл=ҳаракат тарзи** қолипининг чап қисми унинг шаклий томонини ташкил этса, ўнг қисми эса унинг мазмуний томонига тегишли бўлади.

Рашишдош шакли+кўмакчи феъл қолипи барча ҳаракат тарзи шакли учун ягона лисоний морфологик қолип бўлса-да, ички бўлинишда эса кичик қолипга ажралади:

1. Бирикиш доираси тор ҳаракат тарзи шакли: *-а/ў+бор*, *-(у)б+бит* (*битир*), *-(у)б+ет*, *-а/ў+кет*, *-(у)б+ўл*, *-а/ў+кўр*, *-(у)б+боқ*, *-(у)б+бошла*, *-(у)б+ур*, *-а/ў+тур*, *-(у)б+туга*.

2. Бирикиш доираси кенг ҳаракат тарзи шакли: *-а/ў+бошла*, *-(у)б+ёт*, *-(у)б+тур*, *-(у)б+юр*, *-(у)б+ўтир*, *-(у)б+бор*, *-(у)б+кел*, *-(у)б+бўл*, *-(у)б+чиқ*, *-(у)б+ўт*, *-а/ў+ол*, *-(у)б+ол*, *-(у)б+бер*, *-(у)б+қол*, *-а/ў+қол*, *-(у)б+қўй*, *-(у)б+кет*, *-(у)б+юбор*, *-(у)б+ташла*, *-(у)б+сол*, *-а/ў+сол*, *-(у)б+туш*, *-(у)б+кўр*, *-(у)б+қара*, *-а/ў+бил*, *-а+ёз*, *-а/ў+бер*.

¹ Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси. –Қарши: Насаф, 2003. 11- б.

Энди эса ўзи бирикувчи феъл лексемага қўшилиб, соддалашиш ҳолатидаги ҳаракат тарзи шаклини кузатамиз.

1. Қўшимчалашаётган ҳаракат тарзи шакли: *-a/й+бер*, *-a+ёз*, *-a/й+ол*, *-(u)б+юбор*.

2. Қўшимчалашган ҳаракат тарзи шакли: *-a+ёт*.

Шунингдек, нутқда етакчи феълга равишдош шаклисиз жуфтлашган ҳолатда бирикувчи кўмакчи феъл сони 6 та: *ол*, *бер*, *қол*, *қўй*, *кет*, *ташла*. Нутқда *ёзди-олди*, *айтди-қўйди* жуфтлашувчи шакли билан биргаликда ташлади-*ворди* каби кўмакчи феъл ҳам учраб туриши мумкин. Бундай мисол, асосан, сўзлашув услубига хос бўлиб, маълум бир ҳудудда кузатиладиган, қўлланиш доираси чегараланган ҳолат.

Нутқимизда тез-тез қўлланадиган *ёзиб турибди*, *кузата тур*, *ёзиб ётибди* каби нутқий ҳосилада даражаланиш иш-ҳаракатнинг давомийлиги белгиси асосида бўлади. Берилган биринчи мисол (*ёзиб турибди*)да ҳаракатнинг узлукли, такрор ҳолда бажарилаётгани маъноси ифодаланса, кейинги мисол (*кузата тур*)да ҳаракат узлуксиз, узоқ давом этиши, учинчи мисол (*ёзиб ётибди*)да эса ҳаракат узлуксиз, муттасил давом этиши билан фарқланади.

Юқоридагидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, ҳаракат тарзи шакли парадигматик табиатга эга бўлиб, унда ассоциатив муносабат, хусусан, даражаланиш ёрқин намоён бўлади. Даражаланиш асосида ҳам кўп сонли ҳаракат тарзи шакли катта ва кичик ёки ташқи ва ички парадигмага бўлинади. Даражаланиш катта парадигмада луғавий маънодан узоқлашиш белгиси асосида бўлса, кичик парадигма аъзоси ўзаро турли белги: иш-ҳаракатнинг интенсивлиги, иш-ҳаракатнинг давомийлиги, чегараси, қўлланиш миқдорининг даражаси асосида зидланади.

Шуни аниқ айтиш мумкинки, ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳаракат тарзи шакли орасида даражаланиш (фақат *-a/й* ва *-(u)б* равишдоши асосида таҳлил қилинганда) юқорида кўрсатилган 38 қолип доирасида амал қилади.

Ҳаракат тарзи шаклида гипонимия. Мустақил лексема каби ҳаракат тарзи шакли ҳам привативлик табиатига эга бўлади. Ҳаракат тарзи шаклида привативлик муносабатини кўриб чиқишдан аввал, ҳаракат тарзи

шаклигача лисоний тизим қурилишининг привативлик асосда бўлиниши ҳақида тўхталиш лозим. «Лексемани маъновий жиҳатдан таснифлаш унинг нутқий маъносига эмас, балки умумий маъносига кўра амалга оширилади. Тил бирлигининг барчаси лисонда ўзининг умумий маъно, вазифаси билангина яшайди. Бу умумий маъно эса нутқий хусусий маъно учун имкониятдир ва нутқий хусусий маънога нисбатан лисоний умумий маъно ҳисобланади»¹. Лисоний тизим бутунлик сифатида I босқичда фонетик, лексик ва грамматик сатҳга бўлинади. У «маъновийлик» оппозиция белгиси билан фарқланиб, фонетик сатҳ белгисиз, лексик ва грамматик сатҳ белгили аъзо вазифасида бўлади. Лексик сатҳ орасида привативлик II босқичда икки катта гуруҳга, яъни *мустақил сўз гуруҳи* ва *ёрдамчи сўз гуруҳига* бўлинади. Бунда оппозиция белгиси «маъновий номустақиллик». Белгили аъзо сифатида ёрдамчи сўз гуруҳи ажралса, белгисиз аъзо мавқеини эса мустақил сўз эгаллайди. III босқичда ҳам ёрдамчи сўз сатҳини икки гуруҳга - соф ёрдамчи ва нисбий ёрдамчи сўз гуруҳига ажратиш мумкин.

Оппозиция «дискрет эмаслик» (мустақилликка интилиш) белгиси сифатида намоён бўлиб, бунда белгили аъзо *соф ёрдамчи сўз гуруҳи* бўлса, белгисиз аъзо *нисбий ёрдамчи сўздан* иборат бўлади.

Нисбий ёрдамчи сўз сифатида *қараб, томон, кейин, бошида, устида, тепасида, орқасида* каби ёрдамчи лексема бўлган кўмакчи билан *тур, бор, кет* каби ҳам мустақил феъл, ҳам кўмакчи феъл вазифасида келувчи гуруҳ бир системани ташкил этади.

Ҳаракат тарзи шаклида привативлик 38 қолип доирасида амал қилиб, мазкур шакл бир неча гуруҳга бўлинади. Гуруҳ аъзоси сони 2 тадан 5-6 тагача боради. Лекин барча гуруҳда ҳам аъзо 2 гуруҳга бўлинади. Битта аъзода муайян оралик грамматик маъно белгиланган, иккинчисида белгиланмаган бўлади. Масалан, «*давомийлик*» оралик грамматик маъноси *-(u)б+тур, -(u)б+ёт, -(u)б+юр* қолипши шаклнинг ўзида мавжуд бўлиб, бу маъно нутқда ифодаланади: *ёзиб турибди, ўйлаб ётибди, кузатиб юрибди. -(u)б+қол* қолипши шакл эса «*давомийлик*» оралик грамматик маъносига бетараф (нейтрал). Шунинг учун бу шакл

¹ Мадрахимов И. Ўзбек тилида лексемаларнинг [ИМ] асосидаги таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. –Б. 22–24.

«давомийлик» маъносини нутқ, аниқроғи, феъл лексема ёрдамида ифодалайди. Мазкур шакл баъзи феълга бирикиб келганда шу феълнинг табиатига мослашиб, ўзга маъно ифодалаши кузатилади. Мисол: 1. *Сиддиқжон ичкарига киришини ҳам, кўчага чиқиб кетишини ҳам билмай остонада туриб қолди* (А.Қаҳ.). 2. *Ўшаларнинг ўриги ҳовли билан битта бўлиб тўкилиб қолибди* (М.Исмоилий). Биринчи мисолда «давомийлик» маъноси мавжуд бўлса, иккинчи мисолда эса бунинг аксини кўрамиз. Таҳлилга кўра айтиш мумкинки, *ёзиб турибди* ва *ўйланиб қолди* мисолидаги *-иб+тур* ва *-иб+қол* ҳаракат тарзи шакли нутқда «жараёнлилик» маъноси асосида ўзаро оппозитивдир ва бу оппозиция приватив табиатга эга. Бу приватив оппозициянинг белгиси «давомийлик» бўлиб, унинг белгили аъзоси *-иб+тур*, белгисиз аъзоси эса *-иб+ қол* ҳаракат тарзи шакли.

Кўпгина ҳаракат тарзи шакли нутқда ўзи бирикаётган феъл лексема табиатига қараб, ҳар гал турлича маъно ифодалаши, ўз полисемантик ҳолатини юзага чиқариши мумкин. Бироқ *-а/ў+бошла* ҳаракат тарзи шакли қайси феъл лексема билан бирикмасин, ўзининг ягона «иш-ҳаракат бажарилишининг бошланиши (киришиш)» маъносини ифодалайди: *Мажлис тамом бўлиб кишилар... тарқала бошлади* (А.Қаҳ.). «Иш-ҳаракатнинг бошланиши» маъносини баъзан *-а/ў+кет* ҳаракат тарзи шакли ҳам ифодалаши мумкин: *Ана шунда Арслонбек жаноблари тоқчадан бир тахта қоғоз олиб, ўқий кетди* (Ҳ.Ғулом). Мисолдаги *-а/ў+бошла* ва *-а/ў+кет* ҳаракат тарзи шакли «иш-ҳаракатнинг бошланиши» маъноси асосида ўзаро оппозитивдир ва бу оппозиция приватив табиатга эга. «Иш-ҳаракатнинг тўла бажарилиши» белгисига *-а/ў+бошла* ҳаракат тарзи шакли бефарқ, нейтрал. Мазкур шакл *-а/ў+кет* ҳаракат тарзи шаклини олувчи феъл лексема билан келганда ҳам унинг барчасида ягона - «иш-ҳаракатнинг бошланиши» маъносини юзага чиқаради. Шунга кўра, бу приватив оппозициянинг белгили аъзоси *-а/ў+кет*, белгисиз аъзо эса *-а/ў+бошла* ҳаракат тарзи шакли.

Маълумки, привативлик муносабати бутун лисоний тизим учун хос бўлган қонуният, бироқ ёрдамчи сўз ва грамматик шакл текширувида мураккаб таҳлилни тақозо этади. Зероки, унинг луғавий маъно ифодалай олмаслиги привативлик, синонимик ва градуонимик каби муносабатда

бўлишига тўсиқ бўла олмаса-да, нутқдан ташқари улар доирасида мазкур муносабатни текшириш учун йўл ҳам очмайди.

Ҳаракат тарзи шаклининг синонимик парадигмаси. Маънодошлик икки планли лисоний бирликнинг барчаси учун хос қонуният бўлиб, парадигматик муносабат сирасида асосий мавқега эга. Ҳаракат тарзи парадигмаси аъзоси ҳам ўзаро маънодошлик муносабатида бўлади.

Ўзбек тилшунослигида даражаланиш лингвистик қонуният сифатида тан олинган бўлиб, унинг бошқа лисоний муносабатда бўлгани каби синонимиядан фарқли ва ўхшаш жиҳати ҳақида ҳам бир қанча тадқиқотда фикр юритилади¹.

Ўзбек тилшунослигида шу вақтга қадар ҳаракат тарзи шакли синонимлиги алоҳида тадқиқ объекти сифатида ўрганилган бўлмаса-да, нутқда кўмакчи феълнинг маънодошлик ҳолатини тилшунос А.Ҳожиев қайд этган². Бундан аввалроқ кўмакчи феълда маънодошлик муносабатига тилшунос А.Ғуломов «Феъл» монографиясида ишора қилган эди³. Бирок ўзбек тилшунослигида кўмакчи феълнинг нутқий ишлатилиш имконияти ва маъноси тавсифий усулда етарлича ва батафсил ҳолатда «Ўзбек тилида кўмакчи феъл» монографиясида берилди. Биз баён қилмоқчи бўлган маънодошлик фақат кўмакчи феъл доирасидагина эмас, мураккаб тузилишга эга *равишдош шакли+кўмакчи феъл* компонентининг нутқий маъносидан иборат бўлади.

Луғавий маънодошлик семемаси таркибидаги аташ ва вазифа семаси бир хил, ифода семаси ҳар хил бўлган, бир турдаги нарса-буюм, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи лексемааро муносабат. Даражаланиш эса умумий аташ семаси бир хил, лекин маълум бир семанинг турли даражасини ифодаловчи лексема. Бундан ташқари, маънодошлик ва даражаланиш орасидаги иккинчи фарқ шундаки, маънодошлик қаторидаги лексема ўзаро ифода семаси билан фарқланса, даражаланиш қаторида бу шарт бўлмайди. Тадқиқотчи Ш.Орифжонова градуонимда луғавий парадигма бир етакчи (доминанта) атрофида

¹ Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: филол. фан. докт. дис. ... автореф. –Т., 1997. 62- б.

² Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966. – 222 б.

³ Ғуломов А. Феъл. –Т.: Фан, 1954. - 88 б.

бирлашишини таъкидлаб, «дарча» ва «дарвоза» сўзининг маъноси «эшик» етакчи сўзига нисбатан очилишини қайд этади¹.

Ҳаракат тарзи шакли феълнинг луғавий шаклидан бўлиб, ундаги маънодошлик ҳолати мустақил лексеманикидан фарқли равишда кўзга ташланади. Мустақил лексеманинг маънодошлик ҳолати таҳлил қилинганда, у нутқ таркибидан ташқарида ҳам ягона аташ семасига асосланавериши мумкин: *юз, бет, афт, башара, турқ*. Бироқ *-(u)б+чиқ, -(u)б+бўл* каби ҳаракат тарзи шакли фақат нутқ таркибидагина маънодошлик муносабатида бўлиши мумкин, чунки унинг лексик маънога эга эмаслиги бунга тўсиқ бўлади. Бундан ташқари, ўзбек тилида бирорта ҳам фақат кўмакчи феъл вазифасида келувчи лексема мавжуд эмас. Бироқ етакчи феълнинг кўмакчи феъл вазифасида кела олиш масаласи ҳануз тилда давом этиб келаётган ҳолатдан бири. Шунга мувофиқ, кўмакчи феъл мустақил лексема билан ёрдамчи лексема орасида «оралиқ учинчи» вазифасини эгаллайди.

Тилшунос А.Ҳожиев «Ўзбек тилида кўмакчи феъл» монографиясида *бошла, кел, кет* кўмакчи феълга маънодош сифатида ишора қилиб, уни «ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъл» гуруҳига киритади². Тадқиқотчи келтирган *гуллаб келяпти* мисолидаги *гулламоқ* лексемаси аста-секин бажариладиган иш-ҳаракатни ифодалаб, кўмакчи феълга қўшилаётган *-япти* замон кўрсаткичи «давомлилик»ни ифодалаяпти, «иш-ҳаракатнинг бошланиши» эса етакчи феълнинг ўзида юзага келаётган ҳолат. Демак, «бошланиш» маъноси бу ерда ҳаракат тарзи шакли ифодалаётган маъно эмас. Бироқ *ёза бошлади, ёза кетди* мисолидаги «иш-ҳаракатнинг бошланиши» маъносини эса *-а+бошла, -а+кет* ҳаракат тарзи шаклида ифодаланаётган маънодошлик ҳодисаси сифатида изоҳлаш мумкин. Ҳаракат тарзи шакли мураккаб [*равишдош шакли+кўмакчи феъл*] тузилишга эга бўлиб, ўзининг маънодошлик хусусиятини мазкур мураккаб компонент орқали фақат нутқ таркибидагина юзага чиқарар экан, агар кўмакчи феълнинг *-а/й* ёки *-(u)б* равишдоши билан бирикиш ўрни ўзгарса, бу ундаги маънонинг

¹ Орифжонова Ш. Ўзбек тилида лексик градуонимия: филол. фан. номз. дисс. ... автореф. –Т., 1996. 19-б.

² Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966. 189- б.

фарқланишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, *ёза кетди* ва *ёзиб кетди* мисолини кузатсак, биринчи мисолда «бошланиш» ва «давомийлик», кейинги мисолда эса «тугалланиш» маъноси юзага чиқяпти. Айтиш мумкинки, *ёза бошлади*, *ёза кетди* мисолида маънодошлик *-a+бошла* ва *-a+кет* қолипи маҳсули натижаси. Мустақил лексемада бўлганидек, ҳаракат тарзи шаклида ҳам бундай конструкциянинг маънодошлик муносабати доимо бир қуршов доирасида бўлавермайди. Масалан, *хавфли* лексемаси нутқда *зарарли*, *ёвуз*, *ёмон* лексемаси билан бир маънодошлик қаторида бўлса, бошқа қуршовда *оғир* лексемаси билан янги маънодошлик муносабатида бўлади: *хавфли жароҳат*, *оғир жароҳат*. Шунингдек, *-a/й+бошла* ва *-(u)б+кет* қолипли ҳаракат тарзи шаклидан ясалган нутқий ҳосилдан бир қисмидагина ундаги «иш-ҳаракатнинг бошланиши» маъноси асосидаги маънодошликни кузатиш мумкин. Бироқ (*шамол барглари*) *учириб кетди*, *супуриб кетди* мисолидаги «тўла бажариш» ёки «ўз ўрнидан бошқа томонга йўналиш» маъноси юқоридаги «иш-ҳаракатнинг бошланиши» маъноси ўрнини эгаллаган.

Ҳаракат тарзи шаклидаги маънодошлик муносабатини *тугаб бўлди*, *тугаб битди* мисоли асосида кузатадиган бўлсак, у «иш-ҳаракатнинг тўла яқунланиши» маъносида туташади. Агар эътибор берилса, мазкур луғавий маъносини кўпроқ сақлаган *бўл*, *бит* каби кўмакчи феълда етакчи феълнинг таъсири кучсиз бўлади. *-a/й+бил* ва *-a/й+ол* ҳаракат тарзи шакли ҳам нутқий ҳосилада «қодирлик» маъноси остида бирлашиб, маънодошлик муносабатига киришади: *ёза билди*, *эплай билди*. Бунда *ол* кўмакчи феълни юқоридаги фикримизга қиёслайдиган бўлсак, бу каби луғавий маъносини кўпроқ йўқотган кўмакчи феълда етакчи феълнинг таъсири кучли бўлиши ойдинлашади.

Мустақил лексемада, одатда, маънодош аташ ва вазифа сема (денототив ва функционал сема)си асосида бирлашиб, (коннототив маъно) ифода семасига кўра фарқланар экан, *ёзиб турмоқ*, *уйлаб қолмоқ* ҳаракат тарзи шакли ҳам шу каби «давомийлик» маъноси асосида синонимик муносабатда бўлади. Шунингдек, коннототив жиҳатдан у «давомийлик», «узлукли ёки узлуксиз», «ҳаракатли ёки тинч турган ҳолатда», «давомли ва узок давомлилик» маъносига кўра ҳам фарқланади. А.Ҳожиев таъкидлаганидек, *-(u)б+қол* ва *-a+ёз* ҳаракат тарзи шакли маълум

доирадаги *тугамоқ, етмоқ, бажармоқ, охирламоқ* каби етакчи феъл билан бириккандагина «иш-ҳаракатни бажаришга яқинлашганлик» маъноси асосида маънодошлик касб этади. Бироқ бу ҳаракат тарзи шакли бошқа ҳаракат тарзи шаклига қараганда ўзига хос хусусиятга эга. Нутқда қўлланаётган *равишдош шакли+кўмакчи феъл* қолипни нутқий ҳосилани кузатганимизда, узвнинг иккинчи қисми мустақил ёки ёрдамчи лексема эканлигига шубҳа туғилади. Бундай пайтда узвнинг охириги аъзосини тушириб кўриш ҳисобига луғавий маъно ўзгариши ёки ўзгармаслиги ҳолатини кузатамиз: *топиб келди - топди; ўйлаб олди - ўйлади* каби. Бироқ *келаёзди, (олтмишга) бориб қолди* мисолида эса *келди, борди* кабини текшириш асосида чиқарилган хулоса ғайритабиий ҳолатга ўхшаб қолади. Фақат бу кўмакчи феъл яқинлашмоқ каби «иш-ҳаракат натижасига етмаган» семали феъл билан бириккандагина маънодошлик муносабатини юзага чиқариши мумкин: яқинлашаёзди – яқинлашиб қолди – яқинлашди.

Ҳаракат тарзи шаклида мустақил лексема сингари маънодошлик, даражаланиш (градуонимия) каби муносабат кучли бўлиб, унинг маънодошлик парадигмаси тузиб чиқилганда, сиранинг бошида «иш-ҳаракатнинг бошланиши» ҳамда «давомийлик», «бажаришга яқинлашганлик» каби маъноли шакл, сиранинг охирида эса «тўла тугалланиш» умумсемали бирлик катори ўрин олади. Гуруҳ бир горизонтал тўғри чизиқ бўйлаб жойлаштирилса, даражаланган (градуонимик) катор юзага келади. Бунда доминанта вазифасини «ҳаракат кечимига муносабат» белгиси бажаради.

Бугунги кунда ҳам масала ўзининг тўлақонли ечимини топгани йўқ. «Чунки муаммонинг ўзи мураккаб, у ўтимли-ўтимсизлик, каузатив, шахс-сон ва ниҳоят, фаол ва нофаол тузилма масаланинг ўзаро боғлиқ, чигал тугунидан иборат»¹. Ҳаракат тарзи шакли ўзича ҳаракат билдириш, лексик маъно ифодалаш каби хусусиятга эга бўлмаса-да, ўзи бирикувчи етакчи феълни модификация қилади: майл, нисбат, замон, шахс-сон, бўлишли-бўлишсизлик кўрсаткичини олиб, феълнинг «тарз» семасини муайянлаштиради.

¹ Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълда нисбат категорияси. –Т.: Фан, 1992. 3-б.

Феъл нисбатининг ўзига хос жиҳатидан бири унинг сўз яшаш хусусиятига эгаллигида. Сўз яшаш нисбат шаклининг умумий маъноси таркибида ёндош маъно сифатида қаралмоқда. Жаҳон тилшунослигида ҳам мазкур қўшимчанинг сўз ясовчилик ёки шакл ясовчилик хусусиятига кўра мунозарасида бир тўхтамга келингани йўқ. Таъкидланганидек, айрим ҳолатда муайян нисбат кўрсаткичини олиш феъл семантикасининг кейинги тараққиётига йўл очади. Ур феълнинг урин, уриш, урдир, ва урил нисбат шаклининг нутқда қўлланилиши бунга мисол бўла олади¹.

Бугунги кунда ўзбек тилидаги сўзнинг бир туркумдан иккинчи туркумга ўтиш ҳоли ҳам тилшуносларимиз назаридаги масаладан бири. Жумладан, привативлик жиҳатдан кўмакчи сўзнинг соф кўмакчи ва кўмакчи вазифасидаги сўзга бўлиниши ҳам унинг тил тарихи давомидаги ривожланиш жараёнини кўрсатиб бера олади. Ҳаракат тарзи шакли ҳосил қилувчи кўмакчи феъл ҳам шу жараённи босиб ўтаётган сўз бўлса-да, соф кўмакчи феъл вазифасида келувчи аъзога эга эмас. Бироқ мустақил феълнинг кўмакчи феъл вазифасида кела олиши ва кўмакчи феълнинг валентлик каби хусусияти кенгайиб бормоқда. Шунингдек, нисбат шаклининг ҳам мустақил феълга бирикиб, унга маъновий жиҳатдан зичлашган ҳолатда сўз яшаш хусусияти кучайиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу ҳолат ҳатто нисбат кўрсаткичини олган кўмакчи феълга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Ҳаракат тарзи шакли мустақил феъл лексемага бирикар экан, ундаги нисбатланиш хусусияти сақланади. Фақат бу хусусият етакчи феъл лексеманинг табиатида мослашган ҳолда бўлади. Бунда, асосан, уч ҳолат кўзга ташланади:

1. Бошқа нисбат қўшимчаси етакчи феъл лексема таркибида жойлашади, ҳаракат тарзи шакли эса бош нисбатда бўлади.

2. Бошқа нисбат кўрсаткичи ҳаракат тарзи шаклига ўтади, етакчи феъл лексема бош нисбат кўринишида бўлади.

3. Муайян нисбат кўрсаткичи ҳар иккала қисмда ҳам мавжуд бўлади.

Нисбат кўрсаткичининг етакчи феъл лексемага қўшилиши, асосан, ўзлик, биргалик, орттирма, айрим ҳолда эса мажхул нисбат шаклида ҳам

¹ Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълда нисбат категорияси. –Т.: Фан, 1992. 137-б.

учрайди. Бироқ мажхул нисбат аксарият ҳолда иккинчи тасниф гуруҳидан жой олиб, ҳаракат тарзи шакли таркибида бўлади. Биргалик нисбат кўрсаткичининг ўзига хос хусусияти шундаки, у гоҳ етакчи феъл лексема таркибида, гоҳ ҳаракат тарзи шаклида, ўрни билан эса иккала қисмда ҳам бир пайтнинг ўзида қўшилиш имкониятига эга. *Туга* кўмакчи феъли орттирма нисбат кўрсаткичини ўзига бириктира олувчи ягона кўмакчи феъл. Мазкур феълнинг мустақил қўлланишдаги ҳолати кузатилганда, буни орттирма нисбат кўрсаткичи билан шаклланиб, маъновий силжиш жараёнини босиб ўтаётган лексема сифатида изоҳлаш мумкин.

Ҳаракат тарзи шаклининг услубий парадигмаси. Ҳаракат тарзи шаклида синонимия муносабати кучли бўлиб, бу ҳодиса нутқда уни услубий хосланиш – қўлланиш имкониятининг кенглиги ёки чегараланганлиги жиҳатидан фарқлаб туради.

Нутқда «иш-ҳаракатни бажаришга қодирлик» маъноси *-а/ў+ол*, *-а/ў+бил* шаклли ҳаракат тарзи орқали ифодаланади. Бироқ *-а/ў+ол* шаклли ҳаракат тарзи ўзи билан оппозицияда турувчи *-а/ў+бил* шаклига нисбатан кенг истеъмолда бўлиши ва умумуслубий меъёردа туриши билан фарқланса, зиддиятдаги *-а/ў+бил* шакли сўзлашув услубига хослиги ҳамда қўлланиш доираси чегараланганлиги билан ажралиб туради: *фойдалана олди, фойдалана билди*¹.

Юқоридаги таҳлилнинг изчил давоми сифатида умумий «тарз» маъноси остида бирлашиб, «иш-ҳаракатнинг тугалланганлиги» маъноси билан ажралувчи ҳаракат тарзи шакли кузатилганда, улар орасида ҳам услубий фарқ кўзга ташланади.

Маълумки, *-(у)б+бўл*, *-(у)б+ол*, *-(у)б+қўй*, *-(у)б+бит* ва *-(у)б+ет* каби шакл «иш-ҳаракатнинг тугалланиши» маъносини ифодалашга хизмат қилади. Мисол асосида берилганда эса, унинг қўлланиш имконияти фарқланиб қолишига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, *ўқиб бўлди*, *ўқиб олди*, *ёзиб қўйди*, *ёниб битди*, *бориб етди*. 1-, 2-, 3-мисолдаги шакл маъноси умумуслубга хос бўлиб, нутқда ишлатилиш имконияти кенг. 4-, 5-мисолда маъно, асосан, сўзлашув услубига хосланган бўлиб, унинг нутқда қўлланиш имконияти чегараланган.

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966. 180- б.

Давомийлик оралиқ грамматик маъноси остида бирлашувчи ва ўзига хос хусусийликка эга бўлган *-(u)б+тур*, *-(u)б+ўтир*, *-(u)б+юр*, *-(u)б+ёт* қолипли ҳаракат тарзининг услубий фарқланиши ҳам мисол асосида ойдинлашади. Мазкур шаклнинг маъновий хусусиятига кўра фарқланиши «иш-ҳаракатнинг узлукли ёки узлуксизлиги», «такрор ҳолдалиги», «узок давом этиши ёки муттасил давом этиши»га кўра бўлади. Унинг услубий жиҳатдан фарқланиши эса сўзлашув ва умумуслубий қўлланиш доирасида кузатилади: *суҳбатлашиб турибди*, *эшитиб ўтирибди*, *ўйлаб юрибди*, *кулиб ётибди*. Бунда 1-, 3-мисолда воқеланган маъно умумуслубга хосланган бўлса, 2-, 4-мисолдаги эса сўзлашув услубида ишлатилади.

Сўзлашув услубида ҳаракат тарзи шаклидаги айрим товуш тушиб қолиши ҳам тез-тез кузатилади: *обор* (<*олиб бор*), *сотвор* (<*сотиб юбор*), *боролади* (<*бора олади*) каби.

Ҳаракат тарзи шаклининг кўмакчи феъл валентлик имконияти асосидаги парадигмаси. Ҳаракат тарзи шаклида ёрдамчи лексема мустақил лексемага бирикиши учун маълум бир синтактик шаклда *-а/ў* ёки *-(u)б* равишдош қўшимчасидан бирини олган ҳолда бўлишини талаб қилади. Мазкур синтактик валентлик луғавий валентлик билан зич боғланган бўлиб, биринчиси ўзгарса, иккинчиси ҳам ўзгаради, бири йўқолса, иккинчиси ҳам бўлмайди. Масалан, *бит* ёрдамчи лексемаси *санат* мустақил лексемасини ўзига бириктира олмайди. Лекин *битир* ёрдамчи лексемаси *сана* мустақил лексемасини ўзига торта олади. Бунда *бит* лексемасининг синтактик валентлиги ўзгарди.

Кўмакчи феълнинг валентлик имконияти парадигмасини тузиб чиқиш учун, аввало, уни қуйидаги гуруҳга ажратиш лозим:

а) *-а/ў* ва *-(u)б* равишдоши билан бирикиб, алоҳида-алоҳида маъно ифодаловчи кўмакчи феъл;

б) *-а/ў* ва *-(u)б* равишдоши билан бирикиб, бир хил маъно ифодаловчи кўмакчи феъл;

в) фақат *-а/ў* равишдоши билан бирикувчи кўмакчи феъл;

г) фақат *-(u)б* равишдоши билан бирикувчи кўмакчи феъл.

Ҳаракат тарзи шакли, асосан, кўп маъноли бўлар экан, бу *-а/ў* ва *-(u)б* равишдош шакли орқали ҳам кенгайиб боради. Шунингдек, *-а/ў* ёки *-(u)б* равишдоши етакчи феълнинг қайси маъновий гуруҳига бирикишига қараб

хам ҳаракат тарзи шакли маъносини фарқлаш мумкин. *-a/й* ёки *-(u)б* равишдоши билан бирикиб алоҳида-алоҳида маъно ифодаловчи ҳаракат тарзи шакли иккала равишдош билан ҳам бирикиб маънодошлик ҳолатини юзага келтирувчи ҳаракат тарзи шаклига қараганда кўпроқ қисмни ташкил этади. *-(u)б* равишдоши ва *-a/й* равишдоши билан бирикиб алоҳида-алоҳида маъно ифодаловчи ҳаракат тарзи шакли ўзаро қиёсланганда, *-(u)б* равишдоши билан бириккан кўмакчи феъл ўз мустақил лексемасига «луғавий маънога боғлиқлик» маъноси асосида яқинлашса, *-a/й* равишдоши билан бирикувчи кўмакчи феъл «луғавий маънодан узоқлашиш» маъноси асосида зидланади. Масалан, *-(u)б+ол*, *-(u)б+бер* қолипли ҳаракат тарзи шакли етакчи феълга бирикканда «иш-ҳаракат субъектнинг манфаатига йўналиши» ёки «ўзганинг манфаатига томон йўналиши» маъноси сезилиб туради. Бунда кўмакчи феълнинг мустақил қўлланганда ифодалайдиган лексик маъносига яқинлиги бир қарашдаёқ маълум бўлади. Бироқ *-a/й+ол*, *a/й+бер* қолипли ҳаракат тарзи шакли етакчи феълга бирикканда мустақил ҳолатидаги лексик маъносидан узоқлашиб боради. Шунга кўра, *-(u)б* равишдош шаклининг *-a/й* равишдошига қараганда валентлик жиҳатидан ҳам, кўмакчи феълга мустақил ҳолатидаги лексик маъносини эслатиб турувчи восита сифатида ҳам фаоллигини кузатиш мумкин.

Ҳаракат тарзи шаклидаги кўмакчи феълнинг бирикиш имконияти *-(u)б* ва *-a/й* равишдош шаклига нисбатан турлича бўлиб, икки шаклнинг имконияти, асосан, ўзаро оппозитивдир ва бу оппозития приватив табиатга эга. Чунки кўмакчи феълнинг барчасини етакчи феълга доимий бириктириш белгиси *-(u)б* равишдош шаклида устувор. Лекин *-a/й* равишдош шакли бу белгига нисбатан бефарқ, нейтрал. Шунга кўра, бу приватив оппозитиянинг белгиси «доимий бириктириш», унинг белгилари аъзоси *-(u)б* равишдоши, белгисиз аъзоси эса *-a/й* равишдоши шакли. Бироқ *бил* ва *ёз* кўмакчи феъллари бундан мустасно.

Синтактик категория

9- §. Эгалик категорияси

Эгалик категорияси тадқиқи тарихидан. Эгалик категорияси воситасининг ясалиши, мазмуни, қўлланиши, ўзаро муносабати ўзбек тилшунослигида етарлича тадқиқ қилинган ва бирор тилшуносни бефарқ қолдирмаган. Туркийшуносликда Н.К.Дмитриев, С.Н.Иванов, Н.А.Баскаков, А.К.Боровков, Ҳ.Неъматов; ўзбек тилшунослигида Ш.Шоабдурахмонов, А.Ғуломов, Ш.Раҳматуллаев, Ғ.Зикриллаев, Ғ.Абдурахмонов, У.Турсунов каби қатор олим томонидан эгалик шаклининг миқдори, тури, тартиби, ўрни, бирикиши, мазмун томони, ўзаро ва бошқа категориал шакл билан муносабати, сўз туркуми билан алоқаси ўрганилган¹.

Эгалик шакли. Эгалик категориясининг кўрсаткичи қуйидаги: *-(u)м, -(u)миз, -(u)нг, -(инг)из, -(u)си*. Эгалик аффикси таркибида берилувчи *–лар* шахс ҳақида эмас, балки эгалик қилинаётган нарса/предмет ҳақида маълумот ташигани учун, шу нарсанинг кўплигига ишора қилганлиги туфайли уни бу категория билан боғлаб бўлмайди. Масалан, *...Антей кучни ердан олади, Саид Аҳмад ...уларнинг мақтовидан. Мақтови сўзшаклидаги –лар* мақтовнинг кўплигини кўрсатмоқда.

Бу категория шахс ва сон маъноси билан узвий боғланган. Шу боисдан эгалик категорияси нинг барча кўрсаткичида бир вақтнинг ўзида шахс маъноси ҳам, сон маъноси ҳам ифодаланади. Ҳолбуки бу маъно ушбу категориядан ташқарида ҳам мавжуд (масалан, кишилик олмошида, кесимлик категориясида, шунингдек, отнинг сон категориясида ва ҳ.). Аслида шахс-сон маъносини ифодалаш учун кишилик олмоши хосланган. Ундан бошқа лисоний бирликдаги шахс-сон маъноси олмош зотий моҳиятининг тажаллиси. Демак, эгалик категориясининг зотий моҳиятини

¹ Дмитриев Н.К. Категория принадлежности//ИСТТЯ. II. –М., 1956; Иванов С.Н. К истолкованию категории принадлежности // Советская тюркология, 1973, -№1; Баскаков Н.А. Природа притяжательных определительных словосочетаний и их роль в эволюции сложных синтаксических конструкций в тюркских языках// Советская тюркология, 1971. -№4; Боровков А.К. Природа «турецкого изафета» // Академику Н.Я. Марру. –М., Л. 1935; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т., 1989, с. 68–80; Шоабдурахмонов Ш. -(и)н эгалик кўшимчаси// ЎТА, 1993. -№2, 36–38- б.; Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т., 1987; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида тобе боғланишнинг турлари. –Т., 1993. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Т., 1975; Зикриллаев Ғ. Истиклол ва адабий тил. –Т., 2004. –б. 119; Турсунов У. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т., 1992.

шахс-сон маъносининг қўлланилиши билан боғлиқ ўзига хос ҳолатдан ташқаридан қидирмоқ лозим бўлади.

Эгалик категорияси асосидаги синтактик қурилма ранг-баранг маънони англатади. Бу ранг-баранглик шахс-сон, аниқлик/ноаниқлик каби тажалли маъно, тобе сўзнинг келишик шакли, бирикувчи сўзнинг семантикаси каби омил билан боғлиқ бўлади. Масалан, *гамим* сўзшакли контекст билан боғлиқ равишда икки хил маъно англатади: *гамимни едим* –*гамимни единг*.

Шу боисдан эгалик категорияси нинг фақат синтактик хусусияти унинг моҳиятига дахлдор. Зеро, эгалик категорияси умумий грамматик маъносидаги категориал маъно синтактик табиатли бўлиб, ундан англашиладиган турли маъно ёндош ва ҳамроҳ маъно. Хусусан, «шахс-сон» маъноси эгалик категорияси учун ёндош, шахс-сон категорияси учун категориал маъно.

Эгалик категорияси нинг синтактик (категориал) моҳияти «кейинги мустақил сўзнинг олдинги ифодаланган (а) ёки ифодаланмаган (б) мустақил сўзга синтактик муносабатини кўрсатиш. Масалан, а) *менинг китобим, менинг борганим, келишининг азоби*; б) *севинчим, ишинг*;

Эгалик категорияси қаратқич келишиги ва бош келишик шакли билан зич муносабатда бўлади. Аниқроғи, эгалик аффикси билан шаклланган сўздан олдинги, унга тобе сўз қаратқич (а) ёки бош келишикда (б) бўлиши мумкин: а) *менинг китобим, китобнинг варағи*; б) *март ойи, дам олиш кун*, *қиш пайти*. Кейинги бирикувдаги бош келишик шаклини белгисиз қаратқич келишиги сифатида тан олиш ҳам учраб туради.

Кўринадик, эгалик маъноси уч хил усул билан ифодаланади:

1. *Морфологик усулда* эгалик маъноси эгалик шакли билан ифодаланади, аммо қаратувчи сўз келтирилмайди: *китобим, ўқиганинг, тақ-туқи*.

2. *Морфологик-синтактик усул*. Бунда эгалик субъекти қаратқич келишигида, эгалик объекти эгалик шаклида бўлади: *менинг китобим, сенинг ўқиганинг, болганинг тақ-туқи, гулнинг қизили*.

3. *Синтактик усул*. Бунда эгалик субъекти қаратқич келишигида, эгалик объекти эгалик шаклисиз бўлади: *бизнинг уй, сизнинг кўча*.

Модал маъно эгалик категорияси учун нокатегориал, яъни ҳамроҳ маъно бўлиб, у ўзининг грамматик категориясига эга эмас. I шахс бирлик, III шахс қўшимчасидан бошқаси модал маъно ифодалайди. «Сизлаш», «сенсираш», «камситиш», «кесатиш», «ҳурмат» каби қатор маъно модал маъно. Бу, айниқса, қўпликда яққолроқ кўзга ташланади. *Акамнинг китоблари, дадамнинг машиналари* каби.

Эгалик қўшимчасининг хусусий қўлланишида «бутун-қисм» маъносининг юзага чиқишини ҳам кузатиш мумкин: *ўқувчиларнинг бири, талабаларнинг аълочиси, одамларнинг ўқигани* каби.

Эгалик категориясининг умумий грамматик маъноси категориал ва ёндош маъно асосида бир неча оралик грамматик маънога ажралади:

1. «Қарашлилик/мансублик»: *Илҳомнинг китоби, боланинг отаси, қўйнинг боши*.
2. «Фоил-ҳаракат»: *Адибанинг кулиши, сенинг қаришинг*.
3. «Аниқланмишни аниқловчига боғлаш»: *қовун бозори, гўшт дўкони*.

Бу оралик грамматик маънонинг ҳар бири боғланаётган сўзнинг хусусиятига боғлиқ равишда қатор хусусий грамматик маънода юзага чиқиши мумкин: *боланинг отаси, гулнинг барги, Моҳигулнинг китоби, қизларнинг биттаси*. Масалан, бола ва ота орасида қариндошлик муносабати бўлганлиги сабабли унинг ифодаловчиси бўлган *бола* ва *ота* сўзи эгалик шакли билан боғланганда хусусий грамматик маъно «қариндошлик» бўлади. *Илҳомнинг китоби* бирикувида уч хил хусусий грамматик маъно юзага чиқади: «Илҳом ёзган китоб», «Илҳомга қарашли китоб», «Илҳом ҳақидаги китоб».

Эгалик категорияси нинг иккинчи оралик грамматик маъноси боғлиқ курсовда – аниқланмиш вазифасида ҳаракат номи, сифатдош, баъзан феълдан ясалган от келган сўз бирикмасида воқеланади. Бундай бирикмада аниқланмиш ҳаракат-ҳолат маъносида, қаратқичли аниқловчи эса фоил/субъект маъносига эга бўлади: *Ситоранинг келиши, Муниранинг айтгани* каби.

Эгалик категориясининг учинчи оралик грамматик маъноси сўз бирикмаси тузиш, сўзаро синтактик алоқани ўрнатиш учун хизмат қилади.

Мисол: *Астрободнинг бир куни бир йилга тенг.* (Ойб.) *Ойгулнинг йўқлигидан бўлди.*

Эгалик категорияси шаклининг синтактик вазифа бажариши – отли бирикма ҳосил қилиш вазифаси асосида тадқиқотчи туркий тил сўз бирикмаси тизимида ҳам, гап қурилишида ҳам алоҳида қурилиш – поссессив (қарашлилиқ) қурилиши мавжудлигини қайд этади ва поссессив қурилиш номинатив қурилишга қарама-қарши қўйилади. Ҳақиқатан ҳам, истаган турдаги гап қаратувчи бирикма вариантыга эга бўлиши мумкин: *қизлардан битта – қизларнинг биттаси, молга қул - молнинг қули, ватан учун кураш - ватан кураши, қизил гул – гулнинг қизили.*

Эгалик категориясининг синтактик функцияси айрим сўз таркибида бутунлай сўниб кетади: *кечаси, ўрни, қайси* каби.

Айтилганидек, эгалик категорияси барча мустақил сўз туркуми учун умумий категория. Унинг феъл туркумида юзага чиқишига мисол: *унинг айтгани, бизнинг бормаганимиз, қизларнинг келгани.* Феълда эгалик категориясининг «кейинги мустақил сўзни олдинги мустақил сўзга боғлаш» умумий грамматик маъносини «кейинги феълни олдинги мустақил сўзга боғлаш» тарзида хусусийлаштиради.

Қуйида эгалик категориясининг феълда воқеланиш хусусиятидан айримига тўхталамиз.

Эгалик категорияси иккинчи аъзоси –*ган* сифатдош шаклида келувчи қурилма таркибида воқеланади: *нималар бўлаётганини, шабада юрмаётганидан, кимдир келаётганини.* Мисол: *Унинг замирида катта тарбия ётганини билмай қоламиз.* (Ж.Абд.) *Бу гап асосан қайси мақсадда айтилаётганини тушунишга уринарди.* (Ж.Абд.) *Манноп билан Нодир ҳам тунги сменага тушганлигини билгандан кейин...* (Ж.Абд.) Бунда тобе бирлик белгисиз қаратқич келишигидадир: *катта тарбия (нинг) ётгани, гап(нинг) айтилаётганини, Манноп билан Нодир(нинг) тушганлигини.*

Бу қурилмани унга ўхшаб кетувчи *режа бажарилганида* кўринишидаги қурилмадан фарқлаш лозим.

1) биринчи тур қурилмада қаратқич келишигининг белгисиз шаклини белгили шаклига айлантириш мумкин: *йигит келганини –йигитнинг келганини.* Иккинчи тур қурилмани бундай шаклга келтириб бўлмайди:

режа бажарилганида – *режанинг бажарилганида*. Бунда –*нинг* шакли ортиқча;

2) биринчи тур қурилмада эгалик аффиксидан олдин –*лик* субстантив шакл ясовчисини қўшиш мумкин (демак, бунда бош келишик эмас, балки қаратқич келишиги қатнашади): *йигит* – *йигитнинг келганлигини*. Иккинчи тур қурилмада –*лик* субстантив шакл ясовчисини қўшиб бўлмайди.

3) Биринчи тур қурилмада объект маъноси ифодаланиб, у тўлдирувчи ёки эга бўлиб келади: *келгани* – нима?, *келганини* – нимани?, *келганидан* – нимадан? Иккинчи тур қурилмадан эса пайт, шарт маъноси ифодаланиб, шунга кўра у ўрин келишигидан бири шаклини олиб, ҳол бўлиб келади: *режа бажарилганида*.

Иккинчи узви ҳаракат номи бўлган қурилма: *Душман самолёти ўқ ёздириб туришига қарамай, ҳаммаси рўёбга чиқишига, қалб бошқача ҳиссиёт билан тешиши* каби. Мисол: *Бунинг ҳаммаси кейин дилрабо қўшиқдай бўлиб қолишини ҳали билмайди.* (Ж.Абд.) *Кўз олдида аскар душман устига бало-қазодай ёпирилиши кеча бошлади.* (Ж.Абд.)

Бу қурилмани ҳам унга ўхшаб кетувчи *сув қайнаши* билан каби қурилмадан фарқ қилиш лозим. Чунки бу бирикмада ҳам белгисиз қаратқич келишиги мавжуд.

1) биринчи тур қурилмада қаратқич келишигининг белгисиз шаклини белгили шаклига айлантриш мумкин: *самолётнинг ўқ ёздириб туриши, қалбнинг ҳиссиёт билан тешиши, ҳаммасининг қўшиқдай бўлиб қолиши* каби. Иккинчи тур қурилмани бундай шаклга келтириб бўлмайди. Бунда –*нинг* шакли ортиқча бўлади.

биринчи тур қурилмада объект маъноси ифодаланиб, у тўлдирувчи ёки эга бўлиб келади: *тургани* – нима?, *турганини* – нимани?, *турганидан* – нимадан? Иккинчи тур қурилма *сув қайнаши* биланда таъкидланган хусусият йўқ.

Эслатма. *Мен айтганим* йўқ, *у боргани* йўқ типигаги қўлланишга назар ташласак, унда эгалик маъноси йўқолиб, шахс-сон маъноси кучайганлиги кўринади. Афтидан, эгалик қўшимчаси бу ўринда бошқа омил ва восита билан биргаликда кесимни шакллантиришга хизмат қилган. Бу мисолдаги *мен*, у сўзида –*нинг* аффикси бордек туюлади. Аммо

қолипнинг синхрон ҳолатида эга ва кесим орасида уни қидириш маъқул эмас. Шунинг учун уни эгалик категориясига нисбат бериб бўлмайди.

От туркуми эгалик категорияси умумий грамматик маъносини «кейинги отни олдинги сўзга боғлаш ва мансублик, хослик маъносини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Матн ва бирикувчи сўзнинг семантикасига боғлиқ равишда турли-туман грамматик маъно ифодаланиши мумкин. Лекин «кейинги отни олдинги сўзга боғлаш» категориал маъно хусусийлашмаси сифатида ўзгармай қолаверади. От туркумининг эгалик категорияси умумий грамматик маъносини хусусийлаштиришидаги ўзига хосликни кўриб ўтамиз.

От туркумида эгалик категориясининг ишлатилишида икки ҳолат бор:

1. Эгалик аффикси ўзи бириккан сўзнинг бошқа сўз билан боғланишида ишлатилади. Бу вақтда эгалик категориясидаги сўз қаратқич келишигидаги сўз билан келади: *менинг китобим, сенинг китобинг, унинг китоби*. Кишилик олмоши ва эгалик категорияси қўшимчаси шахс ва сонни ифодалайди. Шу боисдан қаратқич келишигидаги олмош тушириб қолдирилиши мумкин: *китобим, нутқинг*;

Эгалик категориясидаги сўз баъзан чиқиш келишигидаги сўз билан ҳам бирга қўлланилиши мумкин: *талабадан бири*. Бунда қаралмиш миқдор ёки белги ифодаловчи сўз билан ифодаланган бўлади.

2. Эгалик аффикси қаратқич келишигини талаб қилмайди. Бунда ҳам икки ҳолат фарқланади:

а) эркин бирикмада бош келишикдаги сўзни бошқаради: *Навоий кўчаси, Деҳқонобод тумани*.

б) эгалик категориясидаги сўзда аффикс маъноси ва вазифаси кучсизланиб, равишга ўтиб кетади: *кечаси, кундузи*; модал сўзга ўтади: *чамаси, яхшиси*.

Эгалик категориясининг бирлик ва кўплик шакли қўлланилишда фарқ бор. Кўпинча миқдор билдирувчи ўзакка бирлик сон шакли қўшилмайди: *бешовимиз, барчангиз*. Бу жиҳатдан III шахс эгалик аффикси фарқланади: *барчаси, бешови*.

Сифат туркуми эгалик категорияси умумий грамматик маъносини «кейинги сифатни олдинги сўзга боғлаш ва мансублик, хослик маъносини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Матн ва бирикувчи сўзнинг

семантикасига боғлиқ равишда турли-туман грамматик маъно ифодаланиши мумкин. Лекин «кейинги сифатни олдинги сўзга боғлаш» категориал маъно хусусийлашмаси сифатида ўзгармай қолаверади. Қуйида сифат туркумининг эгалик категорияси умумий грамматик маъносини хусусийлаштиришидаги ўзига хосликни кўриб ўтамиз.

Эгалик аффикси ўзи бириккан сўзнинг бошқа сўз билан боғланишида ишлатилади. Бу вақтда эгалик категорияси даги сўз қаратқич келишигидаги сўз билан келади: *олманинг қизили, одамнинг ақллиси*.

Эгалик категориясидаги сўз баъзан чиқиш келишигидаги сўз билан ҳам бирга қўлланилиши мумкин: *одамдан ақллиси*.

Эгалик категориясидаги сўзда аффикс маъноси ва вазифаси кучсизланиб, равишга ўтиб кетади: *яхшииси*.

Эгалик категориясининг бирлик ва кўплик шакли қўлланилишда фарқ бор. Кўпинча миқдор билдирувчи ўзакка бирлик сон шакли қўшилмайди: *ақлингиз, кўпимиз*. Бу жиҳатдан III шахс эгалик аффикси фарқланади: *нодони, рангдори*.

Сон туркуми эгалик категорияси умумий грамматик маъносини «кейинги сонни олдинги сўзга боғлаш ва мансублик, хослик маъносини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Матн ва бирикувчи сўзнинг семантикасига боғлиқ равишда турли-туман грамматик маъно ифодаланиши мумкин. Лекин «кейинги сонни олдинги сўзга боғлаш» категориал маъно хусусийлашмаси сифатида ўзгармай қолаверади. Қуйида сон туркумининг эгалик категорияси умумий грамматик маъносини хусусийлаштиришидаги ўзига хосликни кўриб ўтамиз.

Эгалик аффикси ўзи бириккан сўзнинг бошқа сўз билан боғланишида ишлатилади. Бу вақтда эгалик категориясидаги сўз қаратқич келишигидаги сўз билан келади: *олманинг бештаси, одамнинг ўнтаси*.

Эгалик категориясидаги сўз баъзан чиқиш келишигидаги сўз билан ҳам бирга қўлланилиши мумкин: *одамдан учтаси*.

Эгалик категориясининг бирлик ва кўплик шакли қўлланилишда фарқ бор. Кўпинча миқдор билдирувчи ўзакка бирлик сон шакли қўшилмайди: *бештангиз, икковимиз*. Бу жиҳатдан III шахс эгалик аффикси фарқланади: *бири, олтови*.

Эгалик шакли парадигматикаси. Эгалик шакли, айтилганидек, келишик шаклидан алоқанинг “йўналиши”га қараб фарқланади. Келишик бирикмадаги кейинги сўзга, эгалик шакли олдинги сўзга ишора қилади.

Эгалик шакли дастлаб бирлик сон ва кўплик сон шаклига ажралади. Бунда фарқланиш сон категориясининг ушбу шаклдаги тажаллиси асосида юз беради: бирлик сондаги шакли **(-и)м, -(и)нг, -(с)и** ва кўплик сон шакли **(-и)миз, -(и)нгиз, -лари**. Сон асосида бўлиниш вертикал кўринишга эга бўлса, шахс асосидаги бўлиниш горизантал кўриниш касб этади. Шахс асосидаги фарқланиш ҳам эгалик категориясида акст этган ўзга категорияга хос ҳодиса. Демак, “эгалик”, “сон” ва “шахс” маъносидан фақат биринчиси ушбу категорияга хос маъно ҳисобланади. Бошқа категория маъносининг тажаллиси асосида эгаликнинг олтига шакли фарқланади. Ўзга категория маъносидан халос қилинса, эгаликнинг биргина маъноси қолади, холос.

10- §. Келишик категорияси

Келишик категорияси ҳақида умумий маълумот. Умумий ва хусусий грамматик маъно грамматик шаклда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ҳар бир грамматик категориянинг маъноси унинг шаклининг маъносига нисбатан умумий маъно. Масалан, барча келишик шакли учун умумий бўлган «олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга боғлаш» маъноси келишик категориясининг умумий грамматик маъноси ҳисобланади. Бу категориал умумийлик алоҳида шаклнинг маъносига нисбатан белгиланади.

Бошқача айтганда, келишик категориясининг юқорида айтилган умумий грамматик маъноси унинг таркибига кирувчи 6 та келишик шаклининг маъносидан синтезланади, яъни келтириб чиқарилади.

Ҳар бир келишик шаклининг маъноси ундан қуйидаги маънога нисбатан умумий грамматик маъно ҳисобланади. Масалан, қаратқич келишигининг умумий грамматик маъноси олдинги исм туркумига кирувчи сўзни кейинги исм туркумига кирувчи сўзга боғлаш.

Грамматик маъно ҳар доим ҳам қуйи маънога нисбатан олинади. Масалан, келишик категорияси умумий грамматик маъноси қуйидаги

келишикнинг маъносига нисбатан олинса, ҳар бир келишикнинг умумий грамматик маъноси ундан қуйидаги бу келишик умумий грамматик маъносининг «парчаси»га нисбатан олинади. Чунки ота фарзандига нисбатан ота, отасига нисбатан фарзанд бўлганлиги каби келишик категорияси умумий грамматик маъноси ҳақида ҳақида гап кетаётганда ҳар бир келишикнинг маъносига нисбатан *умумий грамматик маъно* термини қўлланилмайди. Категория ва шакл маъноси ҳамда унинг хусусий кўриниши ҳақида баҳс кетганда, уни қандай баҳолаш муаммоси ҳам бор. Бунда диалектиканинг *умумийлик-махсуслик-алоҳидалик* категориясига методология сифатида таяниш лозим бўлади. Тилшуносликда грамматик маънога нисбатан бу *умумий грамматик маъно - оралик грамматик маъно – хусусий грамматик маъно* тарзида татбиқ этилган. Мисол сифатида тушум келишиги шакли маъносини олайлик. Келишик категориясининг «олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга боғлаш» , тушум келишигининг «олдинги исмни кейинги феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» ва тушум келишигининг муайян нутқ парчаси бўлмиш *китобни ўқимоқ* бирикувида воқеланган «*китоб* сўзини *ўқимоқ* сўзига воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» нутқий маъноси яхлитликда олинганда **умумий грамматик маъно – оралик грамматик маъно – хусусий грамматик маъно** муносабатида. Келишик категориясининг «олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга боғлаш» маъноси тушум келишигининг «олдинги исмни кейинги феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» маъносига нисбатан умумий грамматик маъно мақомида бўлиб, тушум келишигининг муайян нутқ парчаси бўлмиш *китобни ўқимоқ* бирикувида воқеланган «*китоб* сўзини *ўқимоқ* сўзига воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» нутқий маъноси хусусий грамматик маъно. Тушум келишигининг «олдинги исмни кейинги феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» маъноси эса умумий грамматик маъно ва хусусий грамматик маъно орасида турганлиги ҳамда уни боғловчи бўғин бўлганлиги учун оралик грамматик маъно мақомида. оралик грамматик маънонинг мавқеи нисбий. Масалан, келишик категориясининг умумий грамматик маъноси эътибордан соқит қилинса ва фикр фақат тушум келишиги ва унинг қуйи маъноси ҳақида кетса, мазкур оралик грамматик маъно умумий грамматик маъно сифатида қаралади.

Тушум келишигининг зикр этилган хусусий грамматик маъноси эътибордан соқит қилиниб, сўз келишик категорияси ва тушум келишиги муносабати хусусида кетса, бунда оралиқ грамматик маъно ушбу умумий грамматик маънога нисбатан хусусий грамматик маъно сифатида ҳам қаралиши ҳам мумкин.

Демак, борлиқ ҳодисаси умумийлик-махсуслик-хусусийлик (алоҳидалик) муносабатида бўлганлиги каби грамматик маъно ҳам умумий грамматик маъно-оралиқ грамматик маъно-хусусий грамматик маъно кўринишига эга.

Умумий грамматик маъно ва хусусий грамматик маъно грамматик шаклда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ҳар бир грамматик категориянинг маъноси унинг шаклининг маъносига нисбатан умумий грамматик маъно. Масалан, барча келишик шакли учун умумий бўлган «олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга боғлаш» маъноси келишик категориясининг умумий грамматик маъноси. Бу категориал умумийлик алоҳида шаклининг маъносига нисбатан белгиланади., Бошқача айтганда, келишик категориясининг юқорида айтилган умумий грамматик маъноси унинг таркибига кирувчи 6 та келишик шаклининг маъносидан синтезланади яъни келтириб чиқарилади. Ҳар бир келишик шаклининг маъноси ундан қуйидаги маънога нисбатан умумий грамматик маъно ҳисобланади. Масалан, қаратқич келишигининг умумий грамматик маъноси олдинги исм туркумига кирувчи сўзни кейинги исм туркумига кирувчи сўзга боғлаш.

Ҳар бир келишик шаклининг маъноси ундан қуйидаги маънога нисбатан умумий грамматик маъно ҳисобланади. Масалан, қаратқич келишигининг умумий грамматик маъноси олдинги исм туркумига кирувчи сўзни кейинги исм туркумига кирувчи сўзга боғлаш. умумий грамматик маъно ҳар доим ҳам қуйи маънога нисбатан олинади. Масалан, келишик категорияси умумий грамматик маъноси қуйидаги келишикнинг маъносига нисбатан олинса, ҳар бир келишикнинг умумий грамматик маъноси ундан қуйидаги бу келишик умумий грамматик маъносининг «парчаси»га нисбатан олинади. Чунки ота фарзандига нисбатан ота, отасига нисбатан фарзанд бўлганлиги каби келишик категорияси умумий грамматик маъноси ҳақида гап кетаётганда ҳар бир келишикнинг

маъносига нисбатан умумий грамматик маъно термини қўлланилмайди. Категория ва шакл маъноси ҳамда унинг хусусий кўриниши ҳақида баҳс кетганда уни қандай баҳолаш муаммоси ҳам бор. Бунда диалектиканинг *умумийлик-махсуслик-алоҳидалик* категориясига методология сифатида таяниш лозим бўлади. Тилшуносликда грамматик маънога нисбатан бу *умумий грамматик маъно – оралиқ грамматик маъно (қисқ.ОГМ) – хусусий грамматик маъно* тарзида татбиқ этилган. Мисол сифатида тушум келишиги шакли маъносини олайлик. Келишик категориясининг «олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга боғлаш» , тушум келишигининг «олдинги исмни кейинги феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» ва тушум келишигининг муайян нутқ парчаси бўлмиш *китобни ўқимоқ* бирикувида воқеланган «*китоб сўзини ўқимоқ сўзига* воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» нутқий маъноси яхлитликда олинганда умумий грамматик маъно – оралиқ грамматик маъно – хусусий грамматик маъно муносабатида. Келишик категориясининг «олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга боғлаш» маъноси тушум келишигининг «олдинги исмни кейинги феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» маъносига нисбатан умумий грамматик маъно мақомида бўлиб, тушум келишигининг муайян нутқ парчаси бўлмиш *китобни ўқимоқ* бирикувида воқеланган «*китоб сўзини ўқимоқ сўзига* воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» нутқий маъноси хусусий грамматик маъно. Тушум келишигининг «олдинги исмни кейинги феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» маъноси эса умумий грамматик маъно ва хусусий грамматик маъно орасида турганлиги ҳамда уни боғловчи бўғин бўлганлиги учун оралиқ грамматик маъно мақомида. Оралиқ грамматик маънонинг мавқеи нисбий. Масалан, келишик категориясининг умумий грамматик маъноси эътибордан соқит қилинса ва фикр фақат тушум келишиги ва унинг қуйи маъноси ҳақида кетса, мазкур оралиқ грамматик маъно умумий грамматик маъно сифатида қаралади. Тушум келишигининг зикр этилган хусусий грамматик маъноси эътибордан соқит қилиниб, сўз келишик категорияси ва тушум келишиги муносабати хусусида кетса, бунда оралиқ грамматик маъно ушбу умумий грамматик маънога нисбатан хусусий грамматик маъно сифатида ҳам қаралиши ҳам мумкин.

Демак, борлиқ ҳодисаси умумийлик-махсуслик-хусусийлик (алоҳидалик) муносабатида бўлганлиги каби грамматик маъно ҳам умумий грамматик маъно-оралиқ грамматик маъно-хусусий грамматик маъно кўринишига эга.

Келишик категорияси (қисқ. КК) морфологик категория сирасида устувор синтактик табиати билан ажралиб туради. У эгалик категорияси билан биргаликда синтактик шаклнинг сўз бирикмасига хос гуруҳини ташкил этиб, гапга хос кесимлик категориясидан фарқланади. Келишик категориясининг умумий грамматик маъноси «синтактик қурилмада олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш». Бу билан у эгалик категориясига қарама-қарши турса, кўмакчи, феълнинг ўзгаловчи категорияси, боғловчи ва кўмакчига яқин туради. Аммо ундан фарқли жиҳатга эга. Кўмакчидан морфологик кўрсаткич (кўшимча) эканлиги билан фарқланади. Кўмакчи грамматик маъно ифодалаш, сўзни бир-бирига боғлаш вазифасини бажарса-да, у лексик birlik ҳисобланади. Ўзгаловчи категория шаклидан барча мустақил сўзни синтактик алоқага киритиш, сўзнинг луғавий маъносига таъсир этмаслиги билан ажралади. Ҳолбуки, ўзгаловчи категорияси фақат феълга хос ва феълнинг луғавий маъносига таъсир этиши билан луғавий-синтактик моҳиятга эга. Шунинг учун у «феъл келишиги» деб ҳам юритилади. Боғловчидан эса тобе алоқа учун хизмат қилиб, сўз бирикмасига хослиги ҳамда грамматик кўрсаткич (кўшимча) эканлиги билан фарқланади.

Келишик категорияси олти шакли система бўлиб, унинг ҳар бири ўзига хос маъновий ва синтактик хусусият яхлитлигидан иборат. Келишик категорияси шакли системаси қуйидаги жадвалда акс этган:

-№	Келишикнинг номи	Кўшимчаси	Мисол
1	Бош келишик	-0	<i>Китоб, яши, ўн, мен, бориш</i>
2	Қаратқич келишиги	-нинг	<i>Китобнинг, яшининг, ўннинг, менинг, боришининг</i>
3	Тушум келишиги	-ни	<i>Китобни, яшини, ўнни, мени, боришни</i>
4	Жўналиш келишиги	-га	<i>Китобга, яшига, ўнга,</i>

			<i>менга, боришга</i>
5	Ўрин-пайт келишиги	-да	<i>Китобда, яхшида, ўнда, менда, боришда</i>
6	Чиқиши келишиги	-дан	<i>Китобдан, яхшидан, ўндан, мендан, боришдан</i>

Келишик категорияси тадқиқи тарихидан. Ўзбек тилшунослигида келишик шаклининг ўрганилиш тарихи тилшунос А.Ғуломов тадқиқотидан бошланди.¹ Олим ўзбек тилидаги келишикни ажратиб, асосий маъновий ва синтактик хусусиятини аниқлади – келишик системасини тиклади. Академик А.Н.Кононовнинг аввал “Грамматика узбекского языка» ва сўнгра «Грамматика современного узбекского литературного языка» асаридан бу системанинг формал тавсифи берилди.² Шундан сўнг келишик категориясининг алоҳида шакли формал тадқиқ усули асосидан И.Зиёева, Т.Иноятлов, А.Йўлдошев, Г.Рўзиев, А.Маъруфов, Р.Расулов, Ш.Раҳматуллаев каби томонидан атрафлича тадқиқ қилинди.³ Улар тадқиқотида келишикнинг нутқий маъноси ва синтактик хусусияти ёритилди.

Келишик шаклининг системавий тадқиқи Ҳ.Неъматов, Ш.Шаҳобиддинова, З.Қодиров томонидан амалга оширилди. Олимлар

¹Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар // Труды Узбекского филиала АН СССР. Сер. 2. Кн. 2. – Т.; 1941.

²Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М. – Л.:Издательство Академии наук СССР, 1960. –Б. 187–198.

³ Расулов Р. Ўзбек тилида бош келишик ва унинг грамматик функциялари // Ученые записки Андижанского госпединститута, выпуск III, –Андижан, 1956; Расулов Р. Чиқиш келишиги // Ученые записки Андижанского госпединститута, IV, Филологическая серия, –Андижан, 1957; Маъруфов А. Ўзбек адабий тилидаги икки келишик формаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1958, --№ 1; Зиёева И. Келишик аффиксларининг функционал алмашинувларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. --№ 3; Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек тили келишигини таснифлаш ҳақида // Научные записки Ташкентского государственного университета, вып. 359. «Вопросы русского и узбекского языкознания», –Ташкент, 1969; Иноятлов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида келишикларнинг ишлатилиш микёси // Научные труды ТашГУ . Вып.359. «Вопросы русского и узбекского языкознания», –Т., 1969; Йўлдошев А., Рўзиев Г. Ўзбек тилидаги жўналиш ва ўрин-пайтлари келишигига доир // Тошкент университетининг илмий асарлари, 327- китоб, “Ўзбек филологияси масалалари”, –Т., 1970; Иноятлов Т. Бош келишикнинг вазифалари // Тошкент университетининг илмий асарлари, 412- чиқиши, 1971; Иноятлов Т. Тушум келишигининг белгили ва белгисиз ишлатилиши ва грамматик омиллар (турдош от бўйича) // Тошкент университетининг илмий асарлари, 427- чиқиши, 1972.

ишида келишик категориясининг умумий – лисоний грамматик маъноси тикланди.¹

Келишик шакли. Бош келишик. Бош келишик (қисқ. БК) 0 шаклли бўлиб, унинг моҳияти бошқа келишикка қарама-қарши қўйилиш асосида белгиланади. бош келишик даги сўзшакл гап таркибида тобе мавқедаги истаган гап бўлаги, сўз ёки гап кенгайтирувчиси бўлиб кела олади. Мисол:

Эга: *Деразамнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади.* (Ҳ.Олим.)

Аниқловчи: *Билим - бахт калити.* (Мақ.)

Тўлдирувчи: *Кўрпангга қараб оёқ узат.* (Мақ.)

Ҳол: *Шип этди, Шибиргон кетди.* (Топ.)

Дарслик ва қўлланмада бош келишик кесим вазифасидаги сўзни ҳам шаклантиради дейилади: *Отам – ўқитувчи. Дил қулфи – тил* каби. Бироқ бунда *ўқитувчи, тил* сўзшакли кесим вазифасида бўлиб, бошқа бўлакка мутлақ ҳоким. Келишик категориясининг синтактик моҳияти эса «синтактик қурилмада олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш». Бу моҳият нуқтаи назаридан келишикка муносабатда бўладиган бўлсак, кесимда бош келишикни қидириш мантиқсиз. Чунки, а) кесимлик категорияси таркиби мураккаб бўлса-да, унда келишик шакли мавжуд эмас; б) келишик категорияси умумтуркумий категория экан, унда кесим вазифасидаги барча мустақил сўзда келишикни қидиришга тўғри келган бўлур эди; в) келишик категорияси синтактик моҳияти «олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш» экан, кесим энг охирги сўз бўлиб, ундан кейин боғланадиган бирлик йўқ; г) айрим тадқиқотда бундай пайтда келишик маъноси ва вазифаси ўта даражада кучсизлашади, дейилади. Аслида бунда кучсизлашиш шу даражадаки, келишик моҳияти мутлақо воқеланмайди – «кўринмайди». Бу эса ушбу позицияда келишикни қидирмасликни тақозо қилади.

¹ Неъматов Ҳ. -га ва -дан келишик қўшимчасининг функционал алмашинига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, --№ 4; Неъматов Ҳ. Чегара келишиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, --№ 4; Қодиров З.М. Ўзбек тили грамматик категориясини систем таҳлил этиш (Келишик категорияси) : филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Самарқанд, 1983; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б. 75–100.

Тилшунослар туркий тилларда «бош келишикдаги сўз гапнинг хоҳлаган бўлаги бўлиб кела олиши»ни таъкидлашади. бош келишик нинг бу хусусияти бошқа келишикнинг ўрнини алмаштира олиши билан белгиланади. Аммо бу имконият чегараланган. келишик категорияси системаси икки микросистемадан иборат: бош келишик, қаратқич келишиги (қисқ. ҚК), тушум келишиги (қисқ. ТК) ва жўналиш келишиги (қисқ. ЖК), Ўрин-пайт келишиги (қисқ. ЎПК), чиқиш келишиги (қисқ. ЧК). Бош келишик биринчи микросистемага мансуб бўлганлиги учун унинг қаратқич келишиги ва тушум келишигини алмаштириши бемалол. Жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги ва чиқиш келишиги га нисбатан бу имконият ниҳоятда чегараланган. Масалан, *икки кундан кейин* – *икки кун кейин*, *қишлоққа кетди* – *қишлоқ кетди*, *оқшомда кетди* – *оқшом кетди*.

Қаратқич келишиги. Қаратқич келишиги уч хил қўлланади: *китобнинг вараги*, *менинг уйим*, *қошин қароси*. Қаратқич келишиги кўрсаткичини олган сўз қаратқич, у боғланган сўз қаралмиш дейилади. Қаратқич-қаралмиш муносабати анча барқарор бўлиб, бу қаратқич келишиги кўрсаткичининг сўз бирикмасидаги ўрни анча барқарорлиги билан белгиланади.

Қаратқич келишиги *шунинг учун*, *шунинг сингари* каби бирикувда сўз бирикмаси ҳосил қилмайди, балки сўзнинг ажралмас қисмига айланади. Қаратқич келишигини олган сўз эгалик категориясини олган сўз билан бирга қўлланади. Бундай қурилишли сўз бирикмаси [қаратқич келишигидаги исм қаралмиш эгалик категориясидаги исм] сўз бирикмаси умумий қолипнинг воқеланиши.

Қаратқич келишигининг келтирилган уч хил кўриниши нутқ кўриниши, боғланувчи сўзнинг луғавий маъносига боғлиқ равишда юзага чиқади.

Тушум келишиги. Тушум келишиги ҳам бир неча морфологик кўрсаткичга эга: *-ни*, *-н*, *-и*. Тушум келишиги даги сўз фақат феъл билан боғланади. Феъл тушум келишигидаги сўзга муносабатига кўра, иккига ажралади: ўтимли феъл ва ўтимсиз феъл. Тушум келишиги ҳам кўп ҳолда бош келишик билан ўрин алмашади: *китобни ўқиди* – *китоб ўқиди*, *олмани еди* – *олма еди*. Тушум келишиги билан шаклланган сўз гап

таркибида сўз кенгайтирувчиси – тўлдирувчи вазифасини бажаради: *Новдаларни безаб гунчалар тонгда айтди ҳаёт отини.* (Ҳ.Олим.)

Келишикнинг белгили/белгисиз қўлланилиши масаласи мунозарали. Биз келишик категориясидаги сўз уюшганда олдинги сўзшаклдаги келишикнигина белгисиз дейиш тарафдоримиз. Масалан: *Салим, Карим ва Ҳалимни кўрдим* (белгисиз ТК). *Опаларим ва акаларимнинг дардлари бир дунё* (белгисиз ҚК). *На сада дарахтлари ости, на мачитлар, на доим базм қизийдиган гавжумда бирор шарна эшитасиз* (белгисиз ЎПК). (Ж.Абд.)

Жўналиш келишиги. Жўналиш келишиги кўрсаткичи *-га*. жўналиш келишиги семантикасига йўналганлик, хослик, тенглаштириш каби маъно тури хос. Бу маъно бирикувчи сўзнинг хусусиятидан келиб чиқиб ўзгариб кетаверади: *укамга олмоқ, мактабга бормоқ*. Биринчи бирикмада «аталганлик» маъноси *ука* ва *ол*, иккинчи бирикмада «йўналганлик» маъноси *мактаб* ва *бормоқ* сўзининг луғавий ва грамматик маъносига боғлиқ. Жўналиш келишиги умумий грамматик маънодаги категориал маъно эса «олдинги сўзни кейинги сўзга ҳол ва тўлдирувчи вазифасида боғлаш».

Ўрин-пайт келишиги. Ўрин-пайт келишиги кўрсаткичи *-да*. Ўрин-пайт келишиги келишик категорияси умумий грамматик маъносини «олдинги сўзни кейинги сўзга ҳол ва тўлдирувчи вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштиради. Ўрин-пайт келишиги ва жўналиш келишиги «йўналганлик» ва «ўринлашганлик» ёндош маъноси билан фарқланади.

Ўрин-пайт келишигининг бош келишик билан ўрин алмашишига мисол: *Ситора 1998 йил (да) тугилди*. Бундай алмашиш кам учрайди. Ўрин-пайт келишиги қўлланишида сўзда макон, замон, объект, восита каби маъно юзага чиқади: 1. *Мунира компьютерда ёзди* (восита). 2. *Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди менда* (пайт). (Ҳ.Олим.) *Ҳаммаси муқаддас китобларда айтилган* (макон).

Чиқиш келишиги. Чиқиш келишиги ягона кўрсаткичга эга: *-дан*. Бу кўшимча кўрсатиш олмошига қўшилганда бир *н* товуши орттирилади: *уҚданқундан, шуҚданқшундан*. Айтилганидек, бош келишик билан чиқиш келишигининг ўрин алмашиши ниҳоятда чекланган: *нондан энг-нон энг, чойдан ичинг-чой ичинг* каби. Чиқиш келишиги даги сўз гап таркибида ҳол,

тўлдирувчи, эга, кесим вазифасида келади. Эга ва кесим вазифасида келганда чиқиш келишиги моҳияти воқеланмагандек туюлади. Мисол: *Мунирада шу китобдан бор. Ҳижолати вазифани бажармаганидан.* Эътибор қилинса, бунда лисоний қисқарув мавжуд: *Мунирада шу китобдан (бир нечтаси) бор. Ҳижолати вазифани бажармаганидан(дир).* Биринчи гапда аслида *бир нечтаси* сўзшакли эга, иккинчи гапда *-дир (турур)* кесим бўлган.

Чиқиш келишиги тушум келишиги билан ҳам ўрин алмашиши мумкин. Бунда семантикада фарқ сезилади: *нондан энг-нонни энг, чойдан ичинг-чойни ичинг.* Чиқиш келишиги нинг қаратқич келишиги билан ўрин алмашишида ҳам шундай ҳол кузатилади: *ўқувчидан бири – ўқувчининг бири.*

Эслатма. Дарслик ва грамматикада ҳар бир келишикнинг йигирма-ўттиз маъно тури келтирилади. Унинг аксарияти келишик категорияси умумий грамматик маъносига хос бўлмаган, бирикувчи сўзнинг луғавий ва грамматик маъносига боғлиқ ҳодиса. Шу боисдан ҳар бир келишик моҳиятини келишик категорияси умумий грамматик маънодаги категориал маъно – «олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш» зотий моҳиятини қай тарзда хусусийлаштиришидан қидирмоқ лозим.

Эслатма. Туркий тилларда келишикнинг семантик ва вазифавий жиҳатини бир-биридан алоҳида ва ҳар хил микросистемага кескин бўлиб ўрганиб бўлмайди, чунки бу тиллар келишигининг маъно ва вазифаси диалектик бирликда яшайди, келишикнинг турли функцияси бир-бирига турли белгиси билан қарама-қарши қўйилади. Масалан, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги ва чиқиш келишиги бир хил – ҳол ва тўлдирувчи вазифасида кела олади. Бироқ у бу вазифани турлича бажаради.

Дарслик ва грамматикада ҳар бир келишикнинг йигирма-ўттиз маъно тури келтирилади. Унинг аксарияти келишик категорияси умумий грамматик маъносига хос бўлмаган, бирикувчи сўзнинг луғавий ва грамматик маъносига боғлиқ ҳодиса. Шу боисдан ҳар бир келишик моҳиятини келишик категорияси умумий грамматик маъносига категориал маъно – «олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш» субстанциал моҳиятини қай тарзда хусусийлаштиришидан қидирмоқ лозим.

Туркий тилларда келишикнинг семантик ва вазифавий жиҳатини бир-биридан алоҳида ва ҳар хил микросистемага кескин бўлиб ўрганиб бўлмайди, чунки бу тил келишигининг маъно ва вазифаси диалектик бирликда яшайди, келишикнинг турли функцияси бир-бирига турли белгиси билан қарама-қарши қўйилади. Масалан, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги ва чиқиш келишигидаги сўз бир хил – ҳол ва тўлдирувчи вазифасида кела олади. Бироқ улар бу вазифани турлича бажаради.

Келишик категорияси кўпроқ от туркуми сўзи учун хосланган. Бош келишикдаги от *ким, нима, қаер* сўроғига жавоб бўлиб, қуйидаги вазифада келади:

Эга: 1. *Салим* – энг ёш ўқитувчи. 2. *Дарвоза тепасига сандиқ қўйилганди.*

Ҳол: *Шу кун* Абдулла алламаҳалгача хаёл суриб ётди. (Ў.Умарбеков). *Ер ҳайдасанг, қуз ҳайда, қуз ҳайдамасанг, юз ҳайда.* (Мақ.)

Воситасиз тўлдирувчи: *Муротали қазиб қўйган чуқурга кўчат ўтқазарди.* (Ш.Рашидов) *Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади.* (Мақ.)

Қаратувчи аниқловчи: *Кўк юзини юлдузлар банд этди.* (Ж.Абдуллахонов) *Чўл қовуни пишай-пишай деб турибди.* (С.Ахмад)

Сифатловчи: *Шу пайт электр қўнғироқ аста жиринглади.* (Ҳ.Ғул.)

Изоҳловчи: *Дарёдан ўтилган кун генерал Погодин ҳарбий Кенгашига чақирилди.* (И.Раҳим)

Айтилганидек, от кесим (*Отам – ишчи*), ундалма (*Сиз бахтлисиз, Олимжон ака*), атов гап (*Кўм-кўк дала*) вазифасида келганда, уни бош келишикда дейиш тўғри эмас. Айтилганидек, бунда келишик умумий грамматик маъносига хос вазифа юзага чиқмаган.

Қаратқич келишигидаги отда келишик категорияси умумий грамматик маъноси «отни қаратқич аниқловчи вазифасида кейинги сўзга боғлаш» тарзида хусусийлашади: *Моҳидил инсон табиатининг нақадар мураккаблигига янада чуқурроқ тушуна борди.* (Ж.Абдуллахонов)

Манбаларда қаратқич келишигининг белгили ва белгисиз кўриниши фарқланади. Бош келишикнинг келишик категориясининг бошқа шакли ўрнини бемалол алмаштира олиши ҳақидаги назария «белгисиз қаратқич

келишиги»ни бош келишик сифатида қарашни тақозо қилади. Масалан, *ноннинг увози* – қаратқич келишигида, *нон увози* – бош келишикда.

Тушум келишиги даги от гапда иш-ҳаракатни қабул қилган предметга объект тусини беради ва тушум келишиги аффиксини қабул қилган от воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади. «Отга объект тусини бериш ва уни феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» тушум келишиги умумий грамматик маъносининг от туркумидаги хусусийлашуви.

Демак, қаратқич келишиги ва тушум келишигида таъкидлаш ва ажратиш маъноси бўлиб, унга эҳтиёж бўлмаганда бош келишик қўлланади.

Чиқиш келишиги келишик категорияси умумий грамматик маъносини умуман «олдинги сўзни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида боғлаш» тарзида, от туркумида эса «олдинги отни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида боғлаш» кўринишида хусусийлаштиради.

От туркумида чиқиш келишиги кўмакчи билан келиши мумкин: *таомдан кейин, ишдан сўнг.*

Чиқиш келишигидаги отнинг вазифаси:

а) воситали тўлдирувчи: *Гулнорнинг ўзидан сўраб кўрармиз?* («Саодат»)

б) ўрин ҳоли: *Эшиги очик нариги хонадан пианино овози эшитилмоқда эди.*(П.Қодиров)

в) сабаб ҳоли: *Юлдуз таажжубидан ўзини босолмади.*(М.Муҳамедов)

г) пайт ҳоли: *Иккаласи ёшлиқдан бирга ўсишган.* (М.Қориев)

д) кўмакчи билан бирга ажратилган бўлак вазифаси: *Қамишқапаликлар одамларни номлари билан аташдан кўра, хусусияти билан таърифлайдилар.* (А.Қаҳ.)

Чиқиш келишиги ўз вазифасини йўқотиши мумкин: *бирдан, тўсатдан, қўққисдан.*

Маъноси кучсизланиши ва гап қисқариши натижасида кесим вазифасида тусловчи олиши мумкин: *Қишлоқданмисиз?* Қисқарув ходисаси чиқиш келишигидаги сўзнинг эга бўлиб келишини ҳам таъминлайди: *Бу китобдан менда ҳам бор.*

Жўналиш келишигидаги от иш-ҳаракат йўналган предметни англатади: *мактабга, ишга, заводга, укамга*. Унинг инвариант аффикси –*га* бўлиб, нутқда турли фонетик, поэтик вариантга эга бўлади: *қуракка, тупроққа, буёна, қайга*.

Жўналиш келишиги кўмакчи билан синонимик муносабатга киришади: *уйга кетди - уй томон кетди, укасига олди – укаси учун олди*.

Жўналиш келишиги чиқиш келишиги, тушум келишиги ва ўрин-пайт келишиги вазифасини ҳам бажаради: *Биз ҳашаматли бино олдига(да) тўпландик. Бу гапга(ни) тушунмадим. Кўрсатишига(дан) уялдим*.

Жўналиш келишигидаги от гапда:

а) воситали тўлдирувчи: *Моҳидил шошилинч сафарга отлана бошлади. (Ж.Абдуллахонов) Дилдор Нафисанинг оппоқ чакноқ кўзига ҳавасланиб боқди. (Ҳ.Ғулом)*

б) ўрин ҳоли: 1. *Баҳор кўзи тўла ёшни яширмоқ учун эшикка югурди. (Ш.Рашидов). 2. Найман чўлига, тўқайига чинакам баҳор келди. (С.Аҳмад)*

в) пайт ҳоли: *Спорт мусобақалари баҳорга қолдирилди. («Қашқ.»)*

г) мақсад ҳоли: 1. *Балонинг олдини олмоққа не чора кўрмоқ лозим. (Ж.Абдуллахонов). 2. Баҳор Пулатни кузатишига ясаниб чиққан эди. (Ш.Рашидов)*

д) сабаб ҳоли: *Ўз вақтида даволанмаганимга жуда афсусланаман. Ситора спортда катта муваффақият қозонганига хурсанд бўлди.*

е) миқдор-даража ҳоли: *Раъно дўкондан беш сўмга турли ўқув қуроли сотиб олди.*

Қисқарган қолипчи гапда кесим вазифасида келади: *Китоб ҳаммага. Билим оммага.*

Кўринадикки, жўналиш келишиги от туркумида келишик категорияси умумий грамматик маъносини «олдинги отни кейинги феълга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштиради.

Ўрин-пайт келишиги от туркумида келишик категорияси умумий грамматик маъносини «олдинги отни кейинги феълга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштириб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, вақти, шароити, ҳолати, сабаби, мақсади каби маънони ифодалайди. Ўрин-пайт келишиги –*да* кўрсаткичига эга: *қишлоқда, ёзда, ҳовлида*.

Ўрин-пайт келишигидаги сўз уюшиб келганда олдингисида келишик белгисиз бўлади: *На сада дарахти ости, на мачит, на доим базм қизийдиган гавжумда бирор шарпа эшитасиз.* (Ж.Абдуллахонов)

Ўрин-пайт келишиги гапда:

а) воситали тўлдирувчи: *Ботирда бозбонликка меҳр болаликда уйғонди.* (Н.Сафаров)

б) ўрин ҳоли: *Катта-катта кўчада юрсин.* (Ў.Умарбеков)

в) пайт ҳоли: *Ўша кезде Ёлқин акам отда гўзани культивация қилар эди.* (П.Қодиров)

г) тарз ҳоли: *Қиз ҳорғин, паришон ҳолда уйга қайтди.* (Ойбек)

д) мақсад ҳоли: *Биз янги мактаб биноси қурилиши масаласида келдик.* (Ж.Абдуллахонов)

е) кесим: *Олимжоннинг икки кўзи кўм-кўк гўзада.* (Ш.Рашидов). *Катта иззатда, кичик хизматда.* Бунда ҳам синтактик қисқарув юз берган.

Ўрин-пайт келишиги гап бўлагига хосланганда англашиладиган маъно у бирикаётган сўзнинг луғавий хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, *кўча* сўзида ўрин маъноси бор, шунинг учун *кўчада* сўзшакли гапда ўрин ҳоли вазифасида, *ўша кез* бирикувидан пайт англашилади, шу боисдан бу бирикма ўрин-пайт келишигида пайт ҳоли бўлиб келган. Демак, ўрин-пайт келишиги моҳиятининг воқеланишида тажалли маънонинг роли беҳад катта.

Келишик категорияси феълда эгалик категорияси билан диалектик яхлитликда воқеланади. Яъни келишик категорияси кўрсаткичини қабул қилувчи феълда ундан олдин эгалик аффикси бўлиши шарт: *ўқиганимни, ўқиганимдан, ўқиганимга, боришимга, боришимда* каби. Келишик категорияси феълнинг асосан тусланмаган шаклида юзага чиқади. Келишик категориясидаги феъл бир қарашда тусланган феълдек тасаввур уйғотади. Масалан, *Барча айб менинг борганлигимда.* Бунда эгалик кўшимчаси қаралмиш феълни қаратувчига боғламоқда, эга эмас. Гапнинг эгаси *айб* сўзи бўлиб, кесимда шахс-сон категориясининг III шахс, бирлик шакли мавжуд. Эгалик категориясининг шакли эса I шахс бирлик.

Келишик категориясидаги феъл гапнинг барча бўлаги вазифасида кела олади: эга: *Менинг борганим* – сенинг борганинг; ҳол: *Аччиги чиққанидан*

ийглади; тўлдирувчи; Борганидан уялди; аниқловчи: Боришининг сирини мада? кесим: Ҳамма гап ишламаганида.

Келишик категориясидаги феъл матндан келиб чиқиб: а) «ҳаракатнинг объектлашиши»; б) «пайт»; в) «сабаб»; г) «эваз» каби маънони англатади: а) *Салимнинг борганини айтмоқ, ўқувчининг ўқиганини сўрамоқ*; б) *келганида гапирди, юрганида ўйламоқ*; в) *аччиги чиққанидан ийглади, қувонганидан гапиролмай қолди, гапирганига уялди*; г) *ишламаганига гап эшитди; бормаганига афсусланди*. Бу сирани бириқувчи сўздан англашилган воқеликнинг муносабатига қараб анча давом эттириш мумкин. Келишик категорияси умумий грамматик маъносидаги «олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш» категориал маъно феъл туркумида «олдинги феълни кейинги сўзга боғлаш» тарзида хусусийлашади.

Келишик категорияси сифатда эгалик категорияси билан бирга қўлланади.

Бош келишикдаги сифат эга вазифасида келади: 1. *Укамнинг кичиги - ўқитувчи*. 2. *Дарвоза тепасига шохнинг каттаси қўйилганди*.

Қаратқич келишигидаги сифатда келишик категорияси умумий грамматик маъноси «сифатни қаратқич аниқловчи вазифасида кейинги сўзга боғлаш» тарзида хусусийлашади: *Инсон ялқовининг баҳонаси кўп*. (Ж.Абдуллахонов)

Тушум келишигидаги сифат гапда иш-ҳаракатни қабул қилган предметга объект тусини беради ва тушум келишиги аффиксини қабул қилган сифат воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади. «Сифатга объект тусини бериш ва уни феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» тушум келишиги умумий грамматик маъносининг сифат туркумидаги хусусийлашувидир: *Гулнинг қизилини ажратди*.

Чиқиш келишиги келишик категорияси умумий грамматик маъносини умуман «олдинги сўзни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида боғлаш» тарзида, сифат туркумида эса «олдинги сифатни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида боғлаш» кўринишида хусусийлаштиради.

Чиқиш келишигидаги сифатнинг вазифаси:

а) воситали тўлдирувчи: *Қарзни одамнинг яхшисидан сўранг.*
(«Саодат»)

б) ўрин ҳоли: *Эшиги очиқ нариги хонадан пианино овози эшитилмоқда эди.*(П.Қодиров)

в) сабаб ҳоли: *Пиёзнинг аччиғидан кўзи қизарди.*(М.Мухамедов)

Жўналиш келишигидаги сифат иш-ҳаракат йўналган предметни белгиси билан англатади: *оғирига, яқинига.*

Жўналиш келишигидаги сифат гапда тўлдирувчи, ҳол каби бўлак вазифасида келади: 1. *Қизнинг кўзининг қорасига ҳавасланиб боқди.* 2. *Бола ҳовузнинг тўласига югурди.*

Кўринадики, жўналиш келишиги сифат туркумида келишик категорияси умумий грамматик маъносини «олдинги сифатни кейинги феълга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштиради.

Ўрин-пайт келишиги сифат туркумида келишик категориясини «олдинги сифатни кейинги сўзга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштириб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, вақти, шароити, ҳолати, сабаби, мақсади каби тажалли маънони ифодалайди: *Одамнинг писмигида гап кўп.*

Келишик категорияси сонда ҳам эгалик категорияси билан бирга қўлланади.

Бош келишикдаги сон эга вазифасида келади: 1. *Дафтарнинг учтаси менда.* 2. *Дарвоза тепасига шохнинг иккитаси қўйилганди.*

Қаратқич келишигидаги сонда келишик категорияси умумий грамматик маъноси «сонни қаратқич аниқловчи вазифасида кейинги сўзга боғлаш» тарзида хусусийлашади: *Сигирнинг иккитасининг сути кўп.*

Тушум келишигидаги сон гапда иш-ҳаракатни қабул қилган предметга объект тусини беради ва тушум келишиги аффиксини қабул қилган сон воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади. «Сонга объект тусини бериш ва уни феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш» тушум келишиги умумий грамматик маъносининг сон туркумидаги хусусийлашувидир: *Гулнинг учтасини ажратди.*

Чиқиш келишиги келишик категорияси умумий грамматик маъносини умуман «олдинги сўзни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз

тўлдирувчи вазифасида боғлаш» тарзида, сон туркумида эса «олдинги сонни кейинги феълга ўрин-пайт ҳоли ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида боғлаш» кўринишида хусусийлаштиради.

Чиқиш келишигидаги соннинг вазифаси:

а) воситали тўлдирувчи: *Қарзни одамнинг иккинчисидан сўранг.*

б) ўрин ҳоли: *Эшиги очиқ нариги хонанинг биринчисидан пианино овози эшитилмоқда эди.*

Жўналиш келишигидаги сон иш-ҳаракат йўналган предметни белгиси билан англатади: *биринчисига, учовига.*

Жўналиш келишигидаги сон гапда тўлдирувчи, ҳол каби бўлак вазифасида келади: 1. *Кўзининг **учовига** ҳавасланиб боқди.* 2. *Бола машинанинг **биринчисига** югурди.*

Кўринадик, жўналиш келишиги сон туркумида келишик категорияси умумий грамматик маъносини «олдинги сонни кейинги феълга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштиради.

Ўрин-пайт келишиги сон туркумида келишик категорияси умумий грамматик маъносини «олдинги сонни кейинги сўзга воситали тўлдирувчи ва ҳол вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштириб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, вақти, шароити, ҳолати, сабаби, мақсади каби тажалли маънони ифодалайди: *Бизнинг бешовимизда чора йўқ.*

Келишик шакли парадигматикаси. Келишик тобе сўзнинг ҳоким сўзга синтактик муносабатни кўрсатувчи категория экан, унинг баъзан кесим таркибида келиб, кейин келувчи ҳоким сўздан ҳоли бўлишида синтактик эмас, балки семантик вазифа бажариши кузатилади (*Бу совға сизга, Умидим сендан, Ҳурмат кичикдан*) ва у келишик категорияси умумий грамматик маъносидан ташқарига чиқади.

Келишик синтактик жиҳатдан парадигматик муносабатда бўлак экан, бунда икки позицияни фарқлаш лозим: 1) ҳоким-тобелик позицияси асосидаги зиддият; 2) гап бўлаги вазифаси асосидаги зиддият.

“Тобелик” позициясига эгалик” белгиси асосида келишик нотўлиқ зиддиятда бўлади. Бунга кўра, бош, қаратқич, тушум келишиги зиддиятнинг белгили, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги белгисиз аъзо мақомида нмаоён бўлади. Чунки бош, қаратқич, тушум келишиги ҳар

доим тобе сўз таркибида келади. Бошқа келишик баъзан ҳоким сўз (кесим) таркибида ҳам кела олади (*Бу совға сизга, Умидим сендан, Ҳурмат кичикдан*).

Гап бўлаги вазифаси асосида келишик кўп қаторли зиддиятни ҳосил қилади. Масалан, “эга вазифасида кела олмаслик” белгисига кўра бош келишик кучсиз, бошқа келишик кучли аъзо сифатида намоён бўлади.

“Воситасиз тўлдирувчи бўла олиш” белгисига кўра, бош, тушум, чиқиш келишиги нотўлиқ хиддиятда бўлади. Бунда воситасиз тўлдирувчи ҳам бўла оладиган бош, чиқиш келишиги белгисиз, тушум келишиги вфақат шу вазифага хосланганлиги учун белгили аъзо сифатида юзага чиқади. Ўрин-пайт келишиги, жўналиш келишиги ва қаратқич келишиги бу оппозитив қаторда иштирок этмайди, чунки у бу вазифага мутлақо хосланмаган. “Воситали тўлдирувчи бўла олиш” белгиси асосидаги нотўлиқ зиддиятда тушум келишиги ва қаратқич келишиги кучли, бошқа келишик кучсиз аъзо сифатида иштирок этади.

“Қаратувчи аниқловчи бўла олиш” белгиси асосидаги нотўлиқ зиддиятда қаратқич келишиги кучли, бош, ўрин-пайт келишиги кучсиз аъзо сифатида иштирок этиб, бу сирада бошқа келишик иштирок этмайди. Бу зиддиятда ўрин-пайт келишигининг иштирок этиши нисбий. У баъзан қаратқич келишиги шакли билан маъношлик муносабатида бўлади ва шу белгиси асосида мазкур зиддиятга дахлдор бўлади.

“Ҳол бўла олмаслик” белгисига кўра қаратқич ва тушум келишиги кучли, бошқа аъзо кучсиз аъзо сифатида иштирок этади.

“Кесим бўла олмаслик” белгисига бош, қаратқич ва тушум келишиги ижобий ва бошқа келишик салбий муносабатда бўлади.

“Биргина гап бўлагига хослик” белгиси остидаги зиддиятда тушум ва қаратқич келишиги белгили, бошқа келишик белгисиз муносабатда бўлади.

Муайян грамматик маъно гуруҳига тобелана олиши жиҳатдан тушум келишиги бошқа келишикдан ажралиб туради, яъни у фақат ўтимли феългагина тобеланади. Бошқа келишик бирор туркумни аниқ талаб қилмайди. Шунингдек, қаратқич келишигигина муайян грамматик шаклдаги (эғалик шаклидаги) сўзни талаб қилади, бошқа келишик бунда хусусиятга эга эмас.

Семантик белги ҳам зиддият асоси бўла олиши мумкин. Масалан, “аниқлик” белгисига эгалик” зиддият асосига кўра бош келишик кучсиз (чунки у аниқликни ҳам, ноаниқликни ҳам ифодалай олади) бошқа келишик аниқликни кўрсатади.

“Ўринни ифодалаш” белгисига кўра қаратқич келишиги кучли, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиги кучсиз аъзо сифатида наомён бўлади.

Бундай семантик оппозицияни кўплаб ажратиш мумкин. Бироқ, барибир, келишикнинг мустақкам ва барқарор зиддият асоси сифатида синтактик белги қолаверади. Бу мутлақ белги “сояси”да семантик белги ҳам яшайди. Келишик категорияси синтактик жиҳатдан тобеликни ифодалаш ва семантик жиҳатдан предметлик-ҳодисавийлик ва локалликни ифодалаш учун хосланган.

11- §. Кесимлик категорияси

Кесимлик категорияси тадқиқи тарихидан. Гап бўлагини шакллантирувчи махсус категория кесимлик категорияси бўлиб, у гап кесимини шакллантиради. Дарҳақиқат, туркий тилшуносликда кесимлик категориясини алоҳида грамматик категория сифатида Н.К.Дмитриев ажратди. У «Кесимлик қўшимчаси тарихига оид» номли Мақ.асида, жумладан, қуйидагини ёзади: «Қўшимчадан иборат морфологик категория мавжуд, аммо кесимлик категорияси тўлиқ синтактик функция бажаради. Туркий тилнинг хусусияти шунда»¹. Мазкур категорияни махсус морфологик категория сифатида формал-функционал тезис муаллифлари ҳам ишлатган². Кесимлик категориясининг туркий тиллар грамматик категорияси ичидаги ўрни Ш.Шаҳобиддинова, Л.Раупова томонидан ҳам

¹ Дмитриев Н.К. К истории аффиксов сказуемости // Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков. Морфология. –М., 1956. с. 5–15.

² Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И., Махмудов Н.М., Мухаммедова Д.А., Нурмонов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков (Тезисы формально-функционального исследования)// Сов.тюркология. 1984. -№ 5. – с. 3–10.

ўрганилди¹ ва бу категория шакли маъносининг мураккаблиги қайд қилиниб, шахс, сон, замон, майл-муносабат, тасдиқ- инкор маъносининг ушбу категория моҳиятининг маъновий томонини; кесимликни шакллантириш ва гапни эгаси билан боғлаш вазифаси унинг моҳиятида синтактик томонни ташкил этиши тўғрисида хулоса берилди. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, предикативлик категорияси билан кесимлик категориясини аралаштирмаслик керак ва уни мутлақо тенглаштириб ҳам бўлмайди. Предикативлик мантиқий категория бўлиб, ҳаракат ва унинг бажарувчиси, белги ва унинг соҳиби каби воқеликдаги муносабатнинг инсон онгида акс эттирилиши. Кесимлик категорияси эса соф лингвистик категория бўлиб, гап маркази – кесимни шакллантиради. Мазмун жиҳатдан тасдиқ/инкор (N), майл (M), замон (T), шахс/сон (P) маъно ва шаклининг яхлитлигидан иборат (NMTP) бу грамматик категория ва унинг мантиқий предикациядан туб фарқи тилшуносликда чуқур таҳлил қилинганлиги сабабли, қуйида унинг хулосасини келтириш билан кифояланилади²:

1. Ҳукмнинг тилда ифодаланиш шакли гап.

2. Ҳукм ҳамиша икки асосий (субъект, предикат) ва бир боғлама қисмдан иборат бўлади. Гап эса эга-кесимдан ташқари бошқа бўлакни ҳам ўз ичига олади.

3. Гапнинг гап бўлагига ажралиши билан шу гап замирида яширинган ҳукмнинг тушунчага ва S, P га бўлиниши кўпгина ҳолатда бир-бирига мос келмайди (S – субъект, P - предикат).

4. Гап бир таркибли ҳам, икки таркибли ҳам бўлиши мумкин. Дейлик, шахссиз гапда эга мутлақо йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳукм эса ҳамиша икки таркибли.

5. Предикативлик кесимликдан кўра кенг тушунча.

¹ Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. 2-жузв. Андижон, 1994. – 34 б.; Раупова Л. Ўзбек тилида номуस्ताқил кесим масаласи ва [WPm → WPm] қурилишли гаплар: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Т., 1999.

² Nematov H., Shirinova N. Tilshunoslikning falsafiy masalalari. (5 A 220102 –Tilshunoslik mutaxassisligi uchun qo'llanma). –Buxoro, 2005. 60–61- b.; Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем – структур талқини. –Т.: Фан, 2006.

Кесим гап бўлаги сифатида дунёдаги барча тилнинг синтактик системасида алоҳида ўрин тутади. Унинг мавқеи туркий тилларда, айниқса, муҳим.

Туркийшуносликда ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам кесимлик категориясини махсус морфологик категория сифатида кўрсатиш урф бўлмоқда. Зеро, у алоқа-муносабат шакли сирасида тўлиқ синтактик функция бажариши билан ажралиб туради. Туркий тилларнинг асосий хусусияти шунда. Чунки алоқа-муносабат категорияси сирасидаги келишик ва эгалик сўзни боғлашга хизмат қилса, кўп ҳолда гап бўлагини белгиламаса, кесимлик шакли сўзга алоҳида синтактик вазифа беради. Бошқача айтганда, «гап бўлагини шакллантириш» белгиси остидаги зиддиятда кесимлик категорияси бу белгига тўлиқ эгалиги билан ажралиб туради. Эгалик категорияси эса гап бўлагини белгиламайди, балки фақат сўзнинг синтактик муносабатини кўрсатади. Келишик категорияси бу белгига мажҳул муносабатда. Чунки, масалан, ўрин-пайт келишигидаги сўз ҳол вазифасида ҳам, бошқа вазифада ҳам бўлиши мумкин. Қиёсланг: Акам *шаҳарда* яшайди (*шаҳарда* – ҳол). *Шаҳарда* яшайдиган акам келди (*шаҳарда* – аниқловчининг таркибий қисми, ҳол эмас). Бош келишикдаги сўз эга вазифасида ҳам (*Акам келди*), эгадан бошқа вазифада ҳам (*Акам ўқиган китоб*) кела олади. Шунингдек, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиги ҳам муайян гап бўлагини шакллантирмайди.

Кесимлик категориясининг маъноси мураккаб бўлиб, у қуйидагидир:

- а) тасдиқ/инкор маъноси;
- б) майл-муносабат маъноси;
- в) замон маъноси;
- г) шахс маъноси;
- д) сон маъноси;

е) кесимни шакллантириш ва уни гапнинг эгаси ва ҳол билан боғлаш. Демак, кесимлик категориясида бешта маъновий хусусият ва бир синтактик вазифа мужассам. Кўринадики, «тасдиқ/инкор, майл-муносабат, замон, шахс, сон, маъносини ифодалаб, кесимни шакллантириш ва унинг гап кенгайтирувчиси (эга, ҳол) га синтактик муносабатини кўрсатиш» кесимлик категориясининг умумий маъносини ташкил қилади.

Кесимлик категорияси шакли учун шахс, сон, замон, майл-муносабат, тасдиқ/инкор маъносини яхлит ифодалаш хос бўлиб, бу маъно бир қўшимча билан ҳам, бир неча қўшимча билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *китобни ўқи* гапида *ўқи* сўзшакли иккинчи шахс, бирлик, ҳозирги-келаси замон, тасдиқ маъноси воқеланган бўлиб, битта ноль шакл билан юзага чиққан. *Отам – ишчи* гапида ҳам шундай ҳол кузатилади. *Китобни ўқимадингиз* гапида шахс маъноси *-инг*, сон маъноси *-из*, инкор маъноси *-ма*, замон маъноси *-ди* шакли билан алоҳида-алоҳида равишда ифодаланган. Бошқа сўз туркуми билан феъл орасида тусланишда, кесимлик билан шаклланишда жиддий фарқ борлигини айтиб ўтган эдик. Бу феълнинг кесимлик вазифасини бажариш имкониятининг кенглиги, кесим вазифасига қўпроқ хосланганлиги туфайли унда мазкур маънони ифодаловчи воситанинг кенг ривожланганлиги билан белгиланади.

Айтилганидек, кесимлик мураккаб категория бўлиб, унинг таркибий қисми тасдиқ-инкор, майл, замон, шахс-категорияси. Бу категория кесимлик категориясининг алоҳида шакли эмасми, унинг ҳар бирини категория сифатида баҳолашга асос борми деган савол туғилиши табиий. Чунки бунга ўхшаш ҳол ўзгаловчи категория мисолида кузатилган эди. Маълумки, категория шакли бир зотий маънони хусусийлаштириши керак эди. Кесимлик категориясининг зотий маъновий моҳияти мураккаб бўлиб, ундаги тасдиқ-инкор, майл, замон, шахс-сон маъноси нисбий алоҳидаликка эга. Шунингдек, бу категориянинг ички шакли бошқа категория маъноси асосида эмас, балки ўзи тегишли категория маъносини хусусийлаштиради. Масалан, замон категорияси шакли замон маъносини хусусийлаштиради (ўтган, ҳозирги, келаси). Шахс-сон категорияси (биринчи, иккинчи, учинчи шахс бирлик ва кўплик) шакли шахс-сон маъносинигина хусусийлаштиради. Бунда «бегона» категория тажаллисини кузатмаймиз. Демак, кесимлик категорияси ички категориал системадан иборат яхлитлик. Яхлитликнинг моҳияти шундаки, бу ички категориянинг бирортаси иккинчисисиз яшай олмайди.

Кесимлик шакли. Кесимлик категорияси мураккаб экан, унинг таркибий қисмининг юзага чиқишида уч ҳолат фарқланади:

а) кесимлик маъносининг йиғиқ ифодаланиши: *Ёз. Борай. Ўқигин. Ўқитувчиман. Шифокорсиз;*

б) кесимлик маъносининг ёйиқ ифодаланиши: *Ёзмасайдингиз. Ўқитувчидирман;*

в) кесимлик маъносининг тафсилий ифодаланиши: *Ўқиса бўлади. Ишчи эдим. Ёзса керак.*

Қуйида бу ички категориянинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб ўтамыз.

1. Тасдиқ-инкор категорияси (қисқ. ТИК) кесимдан англашилган фикрнинг тасдиқ ёки инкорини ифодалайди. ТИКнинг умумий маъноси «тасдиқ, инкор маъносини ифодалаш билан гап кесимни шакллантиришда иштирок этиш, унинг ҳол валентлигига таъсир қилиш».

Тасдиқ-инкор маъносини ифодалашда ноль шакл (тасдиқ), *-ма* бўлишсизлик шакли, *эмас, на* ёрдамчи, *йўқ* мустақил сўзи (инкор) иштирок этади. Мисол: *Мажлис ярим кечагача чўзилди.* (О.Мух.) *Узоқдан Навоийнинг қораси кўрингунга қадар у амирнинг келишига ишонмаган эди.* (Ойб.) *На хотин, на фарзанд кўрмаган, кимсасиз бечора бир йигит.* (Уйғ.) *Менинг фарзандим йўқ, гулбоғим йўқ.* (С.Нур.)

Бўлишли-бўлишсизлик категориясини ТИКдан фарқлаш лозим. Бўлишли-бўлишсизлик феълга хос ва унинг нокесимлик шакли. Бунда бўлишсизлик шакли бўлган *-ма* кўрсаткичининг ўрнини аниқ билиш лозим. Бу шакл бошқа (масалан, *-ган* шакли сифатдош шакли сифатида бошқа парадигмадан, кесимни шакллантириши билан бошқа парадигмадан жой олганлиги каби) грамматик шаклдек кўп вазифали (полифункционал) . У гап кесими таркибида кесимлик категориясининг умумий грамматик маъносидаги «гап кесимини шакллантириш» маъносини хусусийлаштирганлиги билан бўлишли-бўлишсизлик категориясидагидан бошқа бир қиррасини намоён қилади. Бу серқирра моҳиятли, кўп функцияли лисоний бирлик каби *—ма* шакли ҳам бирдан ортиқ парадигмадан ўрин олишини кўрсатади.

2. Майл категорияси. Майл категорияси (қисқ. МК) «кесимдан англашилган воқеликнинг борлиққа муносабатини ифодалаш ва гап кесимини шакллантиришда иштирок этиш» умумий грамматик маъносига эга. Майл категорияси умумий грамматик маъносида майл категориал

маъносига ҳар доим замон категорияси маъноси ёндош маъно сифатида яшайди.

МК ифодалаётган муносабат турли характерда бўлиши мумкин. Шунинг учун унинг қуйидаги тури ажратилади:

- а) *хабар майли*;
- б) *шарт майли*;
- в) *буйруқ-истак майли*;
- г) *мақсад майли*.

Хабар майли ҳаракат/ҳолат ёки ҳодисани унинг бажарилиш вақти билан ифодалайди. Бу майлда бажарилиш ҳақида хабар мавжуд. Шунинг учун бу майлдаги феъл, албатта, бирор замон шаклида бўлади: *келди, келяпти, келади*.

Хабар майли бирор кўрсаткичга эга эмас. У феълнинг замон кўрсаткичи орқали юзага чиқади. Хабар майли ва замон маъноси йиғиқ ифодаланишга эга.

Шарт майли –*са, -са эди, -ганда эди, -ган экан* шакли орқали ҳосил қилинади: *борсам, борсанг, борса, борсангиз, борсаларингиз, борсангизлар, борсалар; борганда эди* ва ҳ. Мисол: *Мана бу канал битса, янги ер очилса, пахта ҳам кўпаяди.* (А.Қ.) *Эртөө бир нимани сезмаса, бунчалик талвасага тушмас эди.* (О.Ёқуб.) *Бизнинг бундай улуг кунга эришганимизни отамиз ҳам кўрганда, қандай қувонар эди.* (Ибоҳон.) *Мен ҳам доим қишлоқда турганимда, машинани ўрганиб олардим.* (Ҳ.Наз.) *Тузалса эди, одамлардек юра олса, бошига кўтарарди.* (С.Аҳм.) *Қаердаки маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган экан, у ерда муваффақият қўлга киритилади.* («Ўзб.ов.») *Биз ишлаб чиққан мебеллар уйлариингизни қанчалик яхши безатар экан, биз шунчалик хурсанд бўламиз.* («Қарши универс.») *Истиқлол мендан фермер бўлишни талаб қилган экан, мен бу вазифани аъло даражада удалашга ваъда бераман.* («Қашқ.»)

–*са* шаклининг «шарт» маъносидан ташқари ифодалайдиган яна қатор маъноси («пайт», «истак», «илтимос», «сабаб», «тўсиқсизлик» каби) бўлиб, бу шарт майли доирасида қаралмайди.

Буйруқ-истак майли шаклининг асосий хусусияти сўзловчининг истаги билан боғлиқ ҳолдаги ҳаракатга ундаш, шу ҳаракатга даъват

этишни, кўзғатишни ифодалаш. У *-ай,- гин,- син,- айлик,- инг* шакли орқали юзага чиқади: *борай, боргин, борсин, борайлик, боринг(излар)*. Ифодаловчи бирлик ва кўпликда, шахс ва сонда фарқланади.

Буйруқ-истак майлида а) соф буйруқ, даъват, илтимос; б) истак маъноси қоришади.

Биринчи маъно иккинчи (*йўқолинг, ёндилинг, кулдирмагин*) ва учинчи шахсга (*борсин, борсинлар*), иккинчи маъно эса сўзловчининг ўзига қарата (*борай, айтай*) ифодаланади.

Буйруқ-истак майли ифодаловчиси бундан бошқа маънони («тўсиқсизлик», маъно кучайтириш ва ҳ.) ифодалаш ҳам мумкин. Аммо майл умумий грамматик маъноси тажаллиси бўлмаганда у майл маъноси доирасида ўрганилмайди.

Мақсад майли субъектнинг кесимдан англашилган ҳаракатни бажариш мақсадини, ниятини, мўлжалини билдиради: *бормоқчиман, бормоқчисан, бормоқчи; бормоқчимиз, бормоқчисиз, бормоқчилар*.

Мақсад майли маъноси *-моқчи, -моқчи эди* кўрсаткичи ёрдамида ифодаланади. У *ҳозир ҳамманинг калласини зовлатган шум хабарни ё ҳеч ўйламаяпти, ёки бу гапнинг менга сира дахли йўқ, деб кўрсатмоқчи*. (А.Мух.) *Домланинг ер олгани рост, буни Саудийга билдирмоқчи эмас эди*. (А.Қах.)

1. **Замон категорияси**. «Пайт валентлигига таъсир этиш орқали кесимни шакллантиришда иштирок этиш ва ундан англашилган воқеликнинг нутқ моментига муносабатини ифодалаш» замон категорияси (қисқ. ЗК) нинг умумий грамматик маъноси. Феълда бу умумий грамматик маънодаги *воқелик* узви ҳаракат *тарзи* кўринишида хусусийлашади.

Воқеликнинг нутқ моментига муносабатига қараб уч хил замон фарқланади: а) нутқ моментигача бўлган воқелик – *ўтган замон*; б) нутқ моментига воқелик – *ҳозирги замон*; в) нутқ моментидан кейин бўладиган воқелик – *келаси замон*. Шу боисдан замон умумий грамматик маъносининг учта хусусий кўриниши фарқланади:

- 1) *ўтган замон*;
- 2) *ҳозирги замон*;
- 3) *келаси замон*.

Уни ифодаловчи шакл ҳам шунга мувофиқ уч гуруҳга ажратилади.

Ўтган замон. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ўтган замон феъли бир неча хил шакл ёрдамида ифодаланади:

-ди (*ўқидим, ўқидинг, ўқиди*);

-ган (*ўқиганман, ўқигансан, ўқиган*);

-(и)б- (*ўқибман, ўқибсан, ўқибди*);

-эди/экан/эмиш (*ёзган эдим, ишлаётган эди, ишлаган эдинг, ишлар эдилар, ишламоқчи эдим*);

Мазкур шаклни қабул қилган феъл турли хил маънони ифодалайди. Масалан:

а) -ди: «сўзловчи кўрган, билган ҳаракатнинг нутқ моментигача бажарилганини аниқ, қатъий тарзда ифодалаш»: *Барно йўқ экан, бир оз кутди, келавермагач, ўтиришига сабри чидамай, идорадан чиқди.* (О. Ёқ.);

б) -ган: «сўзловчи ва тингловчи ўзаро суҳбатлашиб турган пайтда бўлмаган ҳаракатни ифодалаш»: *Капалагини учириб юборган.* (Ҳ.Наз.); «ҳаракатнинг бажарилганлиги ва унинг ҳозир ҳам мавжудлиги»: *Ўринда ҳам гаплашаверамиз, сен жуда чарчагансан.* (И.Раҳ.);

в) -(и)б-: «ҳаракатни бевосита кузатмаганлик, ундан кейин хабардор бўлганлик»: *Ўзим кўрдим, тош чап елкасига тушибди;* «тўсиқсизлик»: *Устидан ошириб ўқ отибман-у, киприк қоқмайди-я!* (А.Қаҳ.)

г) эди: «ҳаракат ҳолатнинг ҳозир эмас, балки ўтган, аввалги вақтга оидлиги»: *Сув энди ерга сингмай, музлаб қолган эди.* (А.Қаҳ.)

Бундай маъно қаторини яна анча давом эттириш мумкин. Бироқ келтирилган кўштирноқ ичидаги маънога диққат билан эътибор қилинса, ундаги умумийлик «ҳаракатнинг ўтган замонга оидлиги» бўлиб, қолган фарқнинг бирортаси замон умумий маъносига дахлдор эмас. Масалан, «тўсиқсизлик», «бевосита кузатмаганлик», «ўзаро суҳбатлашиб турган пайтда бўлмаганлик» кабининг замон маъносига мутлақо тегишли жойи йўқ. Демак, уни замон доирасида таҳлил этиш ортиқча. Шу боисдан **ўтган замон ҳикоя феъли, ўтган замон давом феъли** атамасидаги ҳикоя, давом унсурини замонга дахлсиз ҳодисанинг ЗКни мураккаблаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Замон маъносига бошқа маънонинг қоришувини ҳам грамматик иллюзиянинг бир кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Ўтган замон шакли кесимнинг пайт валентилигини ҳол вазифасидаги ўтган замон маъноли сўзшакл билан тўлдиради: *кеча келди, ўтган йили ўқиган, бултур бажарган эдим* каби.

Ҳозирги замон. Замоннинг бу тури ЗК УГМсини «ҳарактнинг нутқ momentiда юз бераётганлигини ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Маънодаги «давомийлик», «тугамаганлик» унсури ундаги бошқа категория тажаллиси бўлиб, замоннинг зотий маъносига дахли йўқ. «Давомийлик», «тугалланмаганлик» умумий маъносидаги категориал маъно билан зич ҳолатдаги ёндош маъно.

Бу замон маъноси:

-яп-;

-ётиб-;

-ётир;

-моқда

аффикси билан ифодаланади.

Шакл орасидаги фарқ соф услубий асосда. Аниқроғи, -яп- умумуслубий ва кенг истеъмоллилиги, -ётиб- ва -ётир диалектал ва поэтик хусусияти билан, -моқда шакли китобий услубга хослиги билан фарқланади. Унда замонни ифодалашда фарқ сезилмайди. Қиёсланг: *ўқияпман, ўқиётирман, ўқиётибман, ўқимоқдаман.*

Ёт, тур, юр, ўтир бирлиги кўмакчи феъл вазифасида келиб, ҳозирги замон шаклининг аналитик кўринишини ҳосил қилади: *Ҳали душманимиз тинчигани йўқ, ҳушёрликни қўлдан бердинг, калланга соламан деб пойлаб турибди.* («Қашқ.») *Ҳали келишгани йўқ, ўзим ҳам хавотир олиб ўтирибман.* (А.Қаҳ.). *Кўёшки фалакда кезиб юрибди, умримиз боқийдир, умримиз боқий.* (Ғ.Ғул.) *Бўлиқ ер «тайёрман» дегандек кўпчиб ётибди.* («Қашқ.»)

Ҳозирги замон шакли кесимнинг пайт валентлигини ҳозирги замон маъноли сўзшакл билан тўлдиради: *бугун, ҳозир* каби. Бу сўзшакл гапда ҳол бўлиб келади.

Келаси замон. Мавжуд дарсликларда грамматик иллюзия натижасида келаси замоннинг икки кўриниши фарқланади: а) *келаси замон аниқлик шакли*; б) *келаси замон гумон шакли*. Юқорида айтилгани каби, маъно туридаги «аниқлик» ва «гумон» унсурининг замон зотий моҳиятига

тегишли жойи йўқ. Бу ҳам бошқа категория зотий моҳиятининг келаси замон умумий грамматик маъносидаги тажаллиси.

Келаси замон замон категорияси умумий грамматик маъносини «нутқ моментидан кейин юз берувчи ҳаракатни ифодалаш» тарзида хусусийлаштиради. Бу замон а) *-а, -й*; (*Ўзбек қизи севиғисини айтмайди, бир умр пинҳон тутади.* (Сайёр) *Боланг уч-тўрт қийналади, кейин ўрганиб кетади.* (А.Қаҳ.); б) *-(а)р/ мас* (*Балки завод қуриш учун овора бўлишга тўғри келмас.* (Ойб.) *Шу атрофда юргандир, келиб қолар.* (С.Ан.)) аффикси орқали ифодаланади. (Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, дарсликда замон шакли саналганда, ундан кейин албатта шахс-сон шакли келиши таъкидланади. Биз бу ўринда ЗК кесимликнинг диалектик боғланган бир таркибий қисми бўлганлиги учун ҳадеб замон шаклидан кейин шахс-сон шакли бўлишини таъкидлаб ўтиришни ортикча деб билдик. Чунки улар ажралмас.)

Келаси замон феълининг *экан, эмиш* тўлиқсиз феъли билан ясалган эшитилганлик, кейин билганлик маъносини ифодаловчи шакли гумон маъносини ифодаламаслиги таъкидланади: *ишлар экан, келар экан; ишлар эмиш, келар эмиш* каби. Бунда тўлиқсиз феълда замон маъноси йўқ. Замон шаклининг *-ар* қисми орқали ифодаланади.

Умуман олганда, тўлиқсиз феъл феълдан бошқа сўз кесим вазифасида келганда унга замон ва модал маънони биргаликда беради. Феълни шакллантирганда эса синтетик-аналитик шаклининг аффикс қисми замон ифодалаб, тўлиқсиз феъл зиммасига модал муносабат ифодалашгина юклатилади. Қиёсланг: *ишчи экан – ишчи бўлган экан, ўқиган эмиш.* Кейинги икки мисолда *-ган* шакли замон, тўлиқсиз феъл модал муносабат ифодалаган.

Келаси замон шакли кесимнинг пайт валентлигини келаси замон маъноли ҳол вазифасидаги сўзшакл билан тўлдиради: *эртага, келаси йил, келажакда* каби.

Аффикс кўчма маънода ишлатилиши ҳам мумкин. *Ҳозир қоронғида қаёққа бордигу, нимаям қилдик* (келаси замон). (П.Тур.) *Шундан сўнг, билмадим, қанча вақт ширин хаёл осмонида қанот қоқиб юрдим* (ҳозирги замон). (Сайёр.) *Кеча далада чунонам чеканка қиляптики, бамисоли уста*

сартарош гўзани тараишлайпти дейсиз (ўтган замон). (С.Аҳм.) *Буни бошқа қисмга юбораямиз* (келаси замон). (А.Убай.)

Бундай маъно кўчиши нутқий характерда.

Шахс-сон категорияси. Шахс-сон категорияси кесимлик категорияси УГМсини «эга валентлигини муайянлаштириш орқали гап кесимини шакллантиришда иштирок этиш» тарзида хусусийлаштиради. Ҳозирги ўзбек адабий тилида шахс-сон кўрсаткичининг қуйидаги тури мавжуд:

1. а) I. *борган+ман борган+миз бориб+ман бориб+миз*
II. *борган+сан борган+сиз борган+сан бориб+сиз*
III. *борган+0 борган+(лар) борган+ди+0 борган+ди (лар)*

- б) I. *боряп+ман боряп+миз бора+ман бора+миз*
II. *боряп+сан боряп+сиз бора+сан бора+сиз*
III. *боряпти+0 боряпти+лар боради+0 боради+(лар)*

- в) I. *бормоқчи+ман бормоқчи+миз*
II. *бормоқчи+сан бормоқчи+сиз*
III. *бормоқчи0 бормоқчи+(лар)*

2. а) I. *борди+м борди+к борган эди+м борган эди+к*
II. *борди+нг борди+нгиз борган эди+нг борган эди+нгиз*
III. *борди+0 борди+(лар) борган эди+0 борган эди+(лар)*

- б) I. *борса+м борса+к*
II. *борса+нг борса+нгиз*
III. *борса+0 борса+(лар)*

3. а) I. *борган+им йўқ борган+имиз йўқ*
II. *борган+инг йўқ борган+ингиз йўқ*
III. *борган+и йўқ борган+(лар)и йўқ*
б) I. *бораётган+им йўқ бораётган+имиз йўқ*
II. *бораётган+инг йўқ бораётган+ингиз йўқ*
III. *бораётган+и йўқ бораётган+(лар)и йўқ*

4. I. бор+ай бор+айлик

II. бор+0 бор+гин бор+инг(гиз)

III. бор+син бор+син(лар) бор+ишсин

Нутқда шахс-сон шаклининг кўчган маънода қўлланиши ҳам кўп учрайди. Буни қуйидагича тартиблаш мумкин:

а) учинчи шахс шакли биринчи шахс маъносида: *Камина айтди – Мен айтдим.*

б) учинчи шахс кўплик шакли иккинчи шахс бирлик («сизлаш») маъносида: *Нима истаса бор.*

в) иккинчи шахснинг бирлик шакли ва бирлик маъносида «сизлаш» учун қўлланувчи шакли умумшахс маъносида қўлланади: *Қайта-қайта хидлаганингда ер меҳрига тўйгандай бўласан.* (Сайёр.)

г) гап ичида одам ёки киши сўзи қўлланганда учинчи шахс шакли ҳам умумшахс маъносида қўллана олади: *Ташаббускор ёшларни кўриб одам қувонади.* («Қашқ.»)

Бундай қўлланиш соф нутқий табиатга эга.

Кесимлик категорияси от туркумида ўз моҳиятини чекланган даражада намоён қилади. У бу туркумда икки кўринишга эга бўлади: а) ҳозирги замон кўриниши; б) ўтган ва келаси замон кўриниши. Кўп ҳолда от туркумида кесимлик категорияси боғлама воситасида юзага чиқади.

Боғлама кесимлик категориясини от ва бошқа кесимлик вазифасига унчалик мослашмаган сўзда юзага чиқарувчи восита. Тўлиқсиз феъл, бўлмоқ, ҳисобланмоқ, саналмоқ, дейилмоқ каби мустақил феъл боғлама вазифасини бажаради.

Кесимлик категориясининг от туркумидаги ҳозирги замон кўринишида қуйидаги тусга эга бўлади:

ишчи+ман ишчи +миз

ишчи+сан ишчи +сиз

ишчи+0 ишчи +()

-ман, -сан, -миз, -0, -лар кесимликнинг барча маъносини йиғиқ

ҳолда бир аффиксда ифодалайди. Бўлишсиз шакли аналитик усулда юзага чиқади: *ишчи эмасман, ишчи эмассан.* Эгага урғу берилганда, кесимликнинг барча маъноси ноль шакл орқали ифодаланади: *Мен ишчи (0). Мен яхудий (0)* каби.

Ўтган замонда кесимлик маъноси боғлама вазифасида келувчи тўлиқсиз феъл ва боғламалашган сўз билан кесимликнинг аналитик ифодасини ташкил этади.

<i>ишчи+эдим</i>	<i>ишчи +эдик</i>
<i>ишчи+эдинг</i>	<i>ишчи +эдингиз</i>
<i>ишчи+эди</i>	<i>ишчи +эди(лар)</i>

Бунда икки шакл (*эди* ва шахс/сон) кесимликнинг тўрт тип маъносини ифодалайди. Тўлиқсиз феъл замон, тасдиқ, майл маъносини яхлит юзага чиқаради.

Бўл феъли боғлама вазифасида келиб уч замонни ҳам кўрсатиши мумкин:

ишчиҚбўламан (бўлдим). Мисол: *Мен шу заводда уч йил ишчи бўлдим* (ўтган замон). *Мен шу заводнинг таждрибали ишчиси бўламан* (ҳозирги замон). *Сен шу заводда ишчи бўласан* (келаси замон). *саналади, ҳисобланади* сўзи ҳам боғлама вазифасини бажариб отга кесимлик категориясини мослайди .

Кесимлик категорияси сифат туркумида ҳам ўз моҳиятини чекланган даражада намоён қилиб, икки кўринишга эга бўлади: а) ҳозирги замон кўриниши; б) ўтган ва келаси замон кўриниши. Кўп ҳолда сифат туркумида кесимлик категорияси боғлама воситасида юзага чиқади.

Боғлама кесимлик категориясини сифат ва бошқа кесимлик вазифасига унчалик мослашмаган сўзда юзага чиқарувчи восита. Тўлиқсиз феъл, *бўл, ҳисобланмоқ, саналмоқ, дейилмоқ* каби мустақил феъл сифатда ҳам боғлама вазифасини бажаради.

Кесимлик категориясининг сифат туркумидаги ҳозирги замон кўринишида қуйидаги тусга эга бўлади:

<i>Ёши каттаси+ман</i>	<i>Ёши каттаси +миз</i>
<i>Ёши каттаси+сан</i>	<i>Ёши каттаси +сиз</i>
<i>Ёши каттаси+0</i>	<i>Ёши каттаси +(лар)</i>

-ман, -сан, -миз, -0, -лар кесимликнинг барча маъносини йиғиқ ҳолда бир аффиксда ифодалайди. Бўлишсиз шакли аналитик усулда юзага чиқади: *Ёши каттаси эмасман, Ёши каттаси эмассан*. Эгага урғу берилганда, кесимликнинг барча маъноси ноль шакл орқали ифодаланади: *Мен Ёши каттаси (0)* каби.

Ўтган замонда кесимлик маъноси боғлама вазифасида келувчи тўлиқсиз феъл ва боғламалашган сўз билан кесимликнинг аналитик ифодасини ташкил этади.

<i>Ёши каттаси+эдим</i>	<i>Ёши каттаси+эдик</i>
<i>Ёши каттаси+эдинг</i>	<i>Ёши каттаси+эдингиз</i>
<i>Ёши каттаси+эди</i>	<i>Ёши каттаси +эди(лар)</i>

Бунда икки шакл (*эди* ва шахс/сон) кесимликнинг тўрт тип маъносини ифодалайди. Тўлиқсиз феъл замон, тасдиқ, майл маъносини яхлит юзага чиқаради.

Бўл феъли боғлама вазифасида келиб уч замонни ҳам кўрсатиши мумкин:

Ёши каттаси+бўламан (бўлдим). Мисол: *Мен шу заводга ишга кирганларнинг энг ёши бўлдим (ўтган замон)*. *Мен шу завод ишчиларининг тажрибалиси бўламан (ҳозирги замон)*. *Сен шу завод ишчиларнинг энг ёши бўласан (келаси замон)*. *саналади, ҳисобланади* сўзи ҳам боғлама вазифасини бажариб, сифатга кесимлик категориясини мослайди.

Кесимлик категорияси сон туркумида ҳам ўз моҳиятини чекланган даражада намоён қилиб, икки кўринишга эга бўлади: а) ҳозирги замон кўриниши; б) ўтган ва келаси замон кўриниши. Кўп ҳолда сон туркумида кесимлик категорияси боғлама воситасида юзага чиқади.

Боғлама кесимлик категориясини сон ва бошқа кесимлик вазифасига унчалик мослашмаган сўзда юзага чиқарувчи восита. Тўлиқсиз феъл, *бўл, ҳисобланмоқ, саналмоқ, дейилмоқ* каби мустақил феъл сонда ҳам боғлама вазифасини бажаради.

Кесимлик категориясининг сон туркумидаги ҳозирги замон кўринишида қуйидаги тусга эга бўлади:

<i>Биринчиси +ман</i>	<i>Биринчиси+миз</i>
<i>Биринчиси +сан</i>	<i>Биринчиси+сиз</i>
<i>Биринчиси +0</i>	<i>Биринчиси+(лар)</i>

-ман, -сан, -миз, -0, -лар кесимликнинг барча маъносини йиғиқ ҳолда бир аффиксда ифодалайди. Бўлишсиз шакли аналитик усулда юзага чиқади: *Биринчиси эмасман, Биринчиси эмассан*. Эгага урғу берилганда, кесимликнинг барча маъноси ноль шакл орқали ифодаланади: *Мен биринчиси(0)* каби.

Ўтган замонда кесимлик маъноси боғлама вазифасида келувчи тўлиқсиз феъл ва боғламалашган сўз билан кесимликнинг аналитик ифодасини ташкил этади.

<i>Биринчиси +эдим</i>	<i>Биринчиси +эдик</i>
<i>Биринчиси +эдинг</i>	<i>Биринчиси +эдингиз</i>
<i>Биринчиси +эди</i>	<i>Биринчиси +эди(лар)</i>

Бунда икки шакл (*эди* ва шахс/сон) кесимликнинг тўрт тип маъносини ифодалайди. Тўлиқсиз феъл замон, тасдиқ, майл маъносини яхлит юзага чиқаради.

Бўл феъли боғлама вазифасида келиб уч замонни ҳам кўрсатиши мумкин:

Биринчиси Қбўламан (бўлдим). Мисол: *Мен шу заводга ишга кирганларнинг энг биринчиси бўлдим* (ўтган замон). *Мен шу завод ишчиларининг биринчиси бўламан* (ҳозирги замон). *Сен шу завод ишчиларнинг энг биринчиси бўласан* (келаси замон). *саналади, ҳисобланади* сўзи ҳам боғлама вазифасини бажариб, сонга кесимлик категориясини мослайди.

Кесимлик шакли парадигматикаси. Кесимлик категорияси мураккаб қурилишли категория бўлиб, унга нисбатан ташкил этувчи (шахс-сон, замон, майл, тасдиқ/инкор) категория шакл вазифасини ўтайди.

Кесимлик категорияси парадигма сифатида 4 аъзодан иборат: шахс-сон, замон, майл, тасдиқ/инкор. Ҳар бир муайян замон, майл, тасдиқ-инкор, шахс-сон шакли кесимлик категорияси парадигмаси аъзоси эмас, балки мазкур категория аъзоси. Масалан, *-ял-* замон шакли кесимлик парадигмаси эмас, балки унга кирувчи замон парадигмаси аъзоси, *ёки -ман* шахс-сон қўшимчаси кесимлик категорияси эмас, унинг таркибий қисми аъзоси бўлган шахс-сон парадигмаси аъзоси. Демак, шахс-сон, замон, майл, тасдиқ/инкор категорияси аъзоси кесимлик парадигмасининг бевосита эмас, балки билвосита, ўзи мансуб категория орқали мансубликка эга бўлган аъзоси.

Бошқа категория парадигмаси аъзосидан фарқли ўлароқ, кесимлик категорияси парадигмаси аъзоси бир пайтнинг ўзида юзага чиқади. Масалан, дейлик, маълум бир нутқий позицияда келишик, эгалик шаклидан фақат биттаси намоён бўлади. Аниқроғи, келишик, эгалик ва

бошқа категория шаклидан бир сўзга бир пайтнинг ўзида биттаси қўшилади. Дейлик, *китоб* лексемасига ҳам қаратқич, ҳам тушум келишиги қўшимчасини бир вақтнинг ўзида қўшиб бўлмайди. Лекин кесимлик категориясида бунинг акси кузатилади.

3- БЎЛИМ

СЎЗ ТУРКУМИ

1-§. Сўз туркуми таснифи

Тасниф ҳақида умумий маълумот. XX аср тилшунослик фани учун муҳим бурилиш даври бўлди. Бошқа аниқ фанда бўлганидек, тилга тизим сифатида ёндашилди, тил ва нутқ ҳодисаси фарқланди. Шундай қилиб, тил ва нутқни тизим қонунияти асосида ўрганиш, унинг ҳар бирига ўзига хос ёпиқ система ва структура тарзида қараш, ҳар иккисини бир диалектик ҳодисанинг икки томони деб тушуниш тилшуносликда катта бурилиш ясади ва фан ривожига жиддий туртки бўлди.

Тилшунослик тарихида сўзни тасниф этиш каби чигал ва кўп муҳокама қилинган масала бўлмаса керак. Бу мавзу устида Панини, Арасту, Сибавайҳдан бошлаб ҳозиргача тилшунослар бош қотиради. Бунинг сабаби шундаки, сўз лексик ва грамматик бутунлик сифатида ҳар бир тилшуноздан ўз табиатини очишни, шунга таяниб лексик ва грамматик талқин этишни талаб қилади. Бундай талқин сўздаги бевосита ўхшашлик ва фарқни аниқлаш, яъни уни гуруҳлаш, тасниф этиш натижасидагина очилиши мумкин. Шунинг учун сўз ва унинг турлича таснифи ҳар бир давр тилшунослигида муҳим муаммо бўлиб қолаверади. Сўзни лексик-грамматик тасниф қилишда ўзбек тилшунослигида XI–XIX асрда араб грамматик талқинида ишлаб чиқилган **исм, феъл, ҳарф** тизимидан, XX асрда эса Европа тилшунослигида ишлаб чиқилган 10–12 туркумли тизимдан фойдаланиб келинди. Ўзбек тилшунослигида асримизнинг 70- йилларида куртак олиб, 80-90-йилларда анча ривожланган системавий тадқиқот усули ўзбек тили луғат бойлигини янги асосда – умумийлик ва хусусийлик ҳодисасини фарқлаш асосида гуруҳлаш муаммосини қўйди.

Тил ва нутқ ҳодисасини фарқлаш ўзбек тили лексемасини улар орасидаги умумий ўхшашлик ва фарқ асосида гуруҳлаш мезонини ишлаб чиқишни таъминлайди. Ўзбек тилида сўзлашувчи учун “умумий”, “тайёр”, “мажбурий” бўлган лексемани сўздан фарқлаш, шу кунгача нутқ-тил

шароити асосида амалга оширилган сўз туркуми таснифи масаласини янги асосда кўриб чиқишни ҳам тақозо этади.

Аввало, “Таснифнинг моҳияти нимада, уни қандай тушунамиз?” деган савол туғилади. Фалсафий адабиётда таснифнинг кўплаб таърифи келтирилган. Ўта умумий тарзда таснифни қуйидагича тавсифлаш ҳам мумкин: “**Тасниф** – бу инсон фаолияти ёки билимининг қандайдир бир соҳасига тегишли бўлган, кўпинча чизма ёки жадвал шаклида тасаввур қилинадиган тушунча ёхуд манба гуруҳ (туркум)и ўртасидаги алоқани тиклаш воситаси сифатида ҳамда унга тааллуқли бўлган тушунча ёки манбани хилма-хил кўринишда аниқ белгилаш учун фойдаланиладиган ўзаро тенг тушунча (туркум, гуруҳ)нинг кўп сатҳли тизимидир”. Тасниф моҳиятига бундай ёндашув, бизнингча, таснифни қандайдир бир мантикий жараён (бўлиниш, тавсифлаш) билан тенглаштиришнинг олдини олади. Бундан ташқари, юқоридаги ёндашувнинг мавжудлигини ҳам ҳисобга олади. Индуктив ёндашувда тасниф қурилиши жараёни белгисининг ўхшашлиги ва фарқланиши орқали тавсифланадиган айрим манба таҳлилидан бошланади. Бунда ҳал қилувчи ролни б ў л и н и ш жараёни ўйнайди. Зеро, бу ҳолда таснифлаш объект (манба)ни гуруҳга бирлаштиришдан бошланади ва шундан сўнггина тадқиқотчи манба туркумини тавсифлаш (номлаш) жараёнига ўтиши лозим. Индуктив усулга асосланган таснифдан тилдаги мавжуд мисолни (фактик материалини) қайта ишлашда фойдаланилади.

Дедуктив ёндашувда тасниф этиш жараёни умумий тушунчани белгилашдан бошланади ва шундан сўнг унинг бўлинишига ўтилади, шунинг учун бу ёндашувда тушунчани тавсифлаш биринчи даражали аҳамиятга эга.

Кўп ҳолда тасниф ҳам индуктив, ҳам дедуктив усулни қўллаш орқали яратилади. Бунда олий (юқори) туркум дедуктив, “қуйи”си эса индуктив усулда ҳосил бўлади.

Тил бирлигини таснифлашда илмий таснифнинг қуйидаги фалсафий асосига таяниш мумкин:

– ҳар қандай мураккаб ҳодиса таснифи қурилишида маълумотни гуруҳлаштиришнинг дедуктив ва индуктив усулидан фойдаланиш зарурлиги;

– манба (объект)нинг серқирралиги асосида унинг бир неча таснифда иштирок эта олиши ва унда турли-туман ўрин ола билиши;

– ҳар бир таснифнинг мантиқий изчиллиги ҳақидаги таълимот.

Бу фалсафий асос биздан ҳар бир лексеманинг турли хил маъно, қурилиш, вазифа, грамматик хусусият ва бошқа қиррасини алоҳида-алоҳида асосда тузилган таснифда кўришни ва лексеманинг аниқланган хусусиятини шу лексема моҳиятига бирлаштиришни талаб этади. Зеро, таснифлаш бу ўрганилаётган манбанинг ўзаро муносабати тўғрисида янги маълумот олиш усули.

Диалектика нуқтаи назаридан нарса ўзининг хилма-хил қирраси (томон, хусусияти) асосида турли таснифда иштирок эта олиши сабабли нарса моҳияти унинг турли хил асосдаги таснифда эгаллаган ўрнининг, бу таснифда очиладиган хусусиятининг барқарор йиғиндиси сифатида талқин этилиши лозим. Диалектикада нарсанинг муносабати ва қирраси чексиз бўлганлиги сабабли бу моҳиятни ҳеч қачон тўлиқ ўргана олмаймиз. Лекин биз қанчалик кўп асосда нарса таснифини кўриб борсак, унинг моҳиятига шунчалик чуқурроқ кириб борамиз. Шунинг учун бир нарсанинг ўзини турлича асосдаги таснифда эгаллаган ўрнини кўриш, хусусиятини аниқлаш, хилма-хил асосдаги хусусиятини аниқлаш, хилма-хил асосдаги хусусиятини нарсанинг ўзида бирлаштириш қарама-қарши эмас, балки диалектиканинг нарса моҳиятини очишга қўядиган асосий талабидан бири. Бу фалсафий қарашни лексема моҳиятини очишга татбиқ этиш биздан ҳар бир лексеманинг ранг-баранг маъно, қурилиш, вазифа, грамматик хусусият қиррасини алоҳида асосда тузилган таснифда аниқлашни ва бу таснифда лексеманинг аниқланган хусусиятини унинг моҳиятига бирлаштиришни талаб этади. Бунинг учун, энг аввало, лексема ва сўз муносабатини кўриб чиқиш лозим. Тилшунослик тарихида ҳодисага қайси жиҳатдан ёндашишга кўра, сўз ва лексемага турли таъриф ва изох берилган.

Лексема – серқирра ҳодиса. Барча нарса сингари лексема ҳам серқирра ҳодиса ҳисобланади. Лексеманинг бир қирраси сифатида унинг маъно хусусияти ҳам тан олинади.

Лексема тил бирлиги бўлганлиги учун ҳам унинг моҳияти фақатгина маъно муносабати орқали белгиланадиган ўхшашлик (парадигматик) алоқаси билангина эмас, балки қўшничилик (синтагматик) муносабати асосидаги гуруҳланиш орқали ҳам очиб берилиши мумкин.

Лексема нутқда “сўз” шаклида юзага чиқар экан, бунда у грамматик жиҳатдан тугал шаклланган, яъни грамматик морфема билан бириккан ҳолда намоён бўлади. Албатта, лексема ҳар қандай грамматик морфема билан бирика олмайди. Шунинг учун **грамматик категория ҳамда шакл (форма) га хилма-хил муносабатига** кўра лексеманинг яна бир қирраси аниқланади. Чунончи, ўзбек тилида “*Очиллар чечакди*” деб бўлмайди. Ваҳоланки, “*Чечаклар очилди*” – гап. Бунинг сабаби, (очил) феълнинг (-лар) билан, (чечак) лексемасининг (-ди) билан бирика олмаслиги ва, аксинча, (чечак)нинг (-лар) билан, (очил)нинг (-ди) билан бирика олиши. Шу боис қандай грамматик категория ва унинг шакли маъносига эга бўла олиш, унинг қўшимча билан қўшничилик (синтагматик) муносабатига кириша олиш хусусиятига серқирра лексеманинг қиррасидан бири сифатида қараш лозим бўлади.

Лексема нутқда сўз шаклида гап таркибида маълум бир синтактик боғланишда, қуршовда ва синтактик вазифада келади. Лексемага “яхлитлик” (бутунлик, субстанциаллик) назарияси асосида ёндашсак, **лексеманинг гап қурилишида тута оладиган ўрни** ҳам унинг қиррасидан бири саналади.

Биз лексеманинг маъно жиҳати, ўхшашлик (парадигматик) ва қўшничилик (синтагматик), гап қурилишидаги ўрни каби атиги уч қиррасини санаб ўтдик. Лексемада бундан бошқа қирра, чунончи, фонологик таркиб (состав), қўлланиш доираси, қўлланиш даражаси ва ҳ.к. ҳам ажратилиши мумкин бўлади.

Лексема серқирралигини изчил ва қарама-қаршиликдан холи таснифнинг назарий асоси юзасидан билдирилган фикр билан бирлаштирсак, биз унинг ҳар бир қирраси бўйича алоҳида-алоҳида таснифни беришимиз ҳамда лексема гуруҳини аниқлашимиз лозим бўлади. Шу йўл билан лексеманинг ҳар бир таснифда тутган ўрни асосида кашф этган белгининг йиғиндиси унинг (лексеманинг) нисбий моҳиятини ташкил этишини равшанроқ тушуниб етилади. Соддароқ қилиб айтганда,

Ўзбек тили лексемасининг юқорида санаб ўтилган қирраси асосида унинг уч алоҳида изчил таснифини берамиз.

Биринчи тасниф: лексеманинг маъно хусусияти асосидаги изчил таснифи;

иккинчи тасниф: лексеманинг морфологик категория ва шаклга муносабати жиҳатидан таснифи;

учинчи тасниф: лексеманинг гап қурилишида тута оладиган ўрни ва бажара оладиган вазифасига кўра таснифи.

Ҳар бир тасниф натижасида лексеманинг алоҳида-алоҳида **маъновий (семантик), морфологик** ҳамда **синтактик** гуруҳи ажратилади. Ажратиладиган ҳар бир гуруҳ эса нисбий мустақил.

Лексемани замонавий таснифлаш ҳақида. Лексеманинг маъновий, синтактик ва морфологик томони ҳар бир лексеманинг алоҳида бир қирраси эканлиги сабабли лексеманинг маъновий, синтактик ва морфологик изчил таснифи учун мазкур жиҳат алоҳида олинган ҳолда асос бўлишини кўриб ўтдик. Бироқ бу қирра алоҳида мустақил хусусият бўлиб, ҳар бир лексемада бу уч қирра мавжуд, шунинг учун ҳар бир лексеманинг моҳияти аниқланар экан, унинг ҳар уч томонига эътибор берилиши ҳамда тавсифланиши зарур. Бундан ташқари, бу қирра ҳар бир таснифда умумлаштирилиши ҳам лозим. Чунончи, *к и т о б* лексемасини таҳлил этмоқчи бўлсак, биз мазкур лексеманинг ҳар уч таснифдаги ўрнини мумкин қадар аниқ кўрсатишимиз даркор: *к и т о б* – маъновий жиҳатдан мустақил лексема типи, атовчи лексема синфи, номловчи лексема тўпи, от туркуми муайян от тури, “Фан-маданият” мавзу гуруҳининг “Ўқув қуроли” луғавий-маъновий гуруҳ си (луғавий маъно гуруҳи)нинг “Ўқиладиган буюм” ЛҚ (луғавий қатор)сига мансуб лексема; синтактик жиҳатдан боғланувчи, мучаланувчи, синтактик вазифаси чекланмаган лексема; морфологик жиҳатдан ўзгарувчи, сонланувчи лексема.

Лексеманинг бундай уч жиҳатдан – маъновий-грамматик таснифланиши лексема ҳақида батафсил, чуқур ва бир-бирини рад этмайдиган, балки бир-бирини тўлдирадиган хулоса чиқаришга имконият беради ҳамда анъанавий ўзбек тилшунослигидаги лисоний таҳлил жараёнида сўзга бериладиган тавсиф (таҳлили)дан бой ва мукамалроқ.

Маъновий, синтактик ва морфологик изчил тасниф асосида лексеманинг қуйидаги катта гуруҳи ажралиб чиқади.

босқич	Жихат Гуруҳ номи	Маъновий	Синтактик	Морфологик
I.	Тип	1.Ёрдамчи 2.Мустақил	1.Ажралувчи 2.Боғланувчи	1.Ўзгармас 2.Ўзгарувчи
II.	Синф	1.Тасвирловчи 2.Атовчи	1.Мучаланмас 2.Мучаланувчи	1.Сонланувчи 2.Даражаланувчи 3.Тартибланувчи 4.Нисбатланувчи
III.	Тўп	1.Ишора 2.Ном	1.Чекланган 2.Чекланмас	Синтагматик муносабатига кўра
IV.	Туркум	1.От 2.Сифат 3.Сон. 4.Феъл 5.Равиш 6.Модал 7.Ундов 8.Тақлид	1.Боғловчи 2.Кўмакчи 3.Юклама	Синтагматик муносабатига кўра
V.	Тур	Туркум ичида	Туркум ичида	Синтагматик муносабатига кўра
VI.	Мавзу гуруҳи	Тур ичида	-	-
VII.	Луғавий маъно гуруҳи	Мавзу гуруҳи ичида	-	-
VIII.	Луғавий қатор	Луғавий маъно гуруҳи ичида	-	-
IX.	Алоҳида олинган лексема	Луғавий қатор ичида	-	-
X.	Лексеманинг нутқдаги маъноси	Матнда	-	-

Т
урк
умд
ан
қуй
иси
бев
оси
та
маъ
но
хус
уси
яти
бил
ан
боғ
лиқ
лиг
и ва
тур
кум
нин
г

ичида содир бўлганлигидан уни бу чизмада акс эттиришнинг ҳожати ҳам йўқ, чунки ҳар бир туркумнинг ички мавзу гуруҳи, унинг луғавий-маъновий гуруҳи, ҳар бир МГ ва луғавий-маъновий гуруҳда у ёки бу умумий, маъновий, синтактик, морфологик белгининг юзага чиқиш хусусияти алоҳида ўрганилиши лозим бўлади.

Жадвалдан шу нарса аёнки, маъновий таснифда бўлиниш т и п дан то алоҳида луғавий қатор ва лексема, ҳатто лексеманинг нутқий босқичигача борса, синтактик таснифда т у р к у м, морфологик таснифда эса с и н ф босқичи билан чекланиб қолади. Бунинг асосий сабаби лексеманинг а л о ҳ и д а л и г и, ўзига хослиги (“уникаллиги”), грамматиканинг эса “ўта умумлаштирувчи” табиати.

Мазкур жадвал туркийшунослик ва тилшуносликда тамоман янги бир ҳукми, янги ҳулосани чиқаришга имконият беради. Бу ҳам бўлса, туркий тил, жумладан, ўзбек тилида морфологиянинг синтаксисдан кўра умумлашганроқ, универсал (муштарак)роқ эканлиги ҳақидаги ҳулоса. Изчил таснифда лексеманинг маъновий бўлиниши 10 босқич, синтактик бўлиниши 4 босқични ўз ичига олган бўлса, морфологик тасниф эса атиги 2 босқичда ўтказилди. Бу ўзбек тилининг (умуман туркий тилнинг) агглютинатив қурилиши ва форма яшаш шаклининг умумийлиги туфайли содир бўлса керак.

Келтирилган жадвалнинг 4-босқичида рус ва ўзбек тилшунослигида анъанага айланган сўз туркумининг барчасини кўриш мумкин. Табиийки, бу эса анъанавий тилшуносликдаги анъанавий сўз туркумининг ажралишида маъновий ҳамда синтактик асоснинг устувор аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

Шунинг учун анъанавий тилшуносликка нисбатан сўз туркуми ажралишида синтактик омил нотўғридир, деган фикрни рад этган ҳолда, бу соҳада академик И.И.Мешчаниновнинг илгари сурган фикрини – сўзнинг гуруҳланишида ва гуруҳга ажратилишида, тарихан сўз туркумининг шаклланишида маъно ва синтаксис етакчи ўрин эгалламаган, деган фикрини тан олишимизга тўғри келади.

Лексема туркуми таснифи. Лексемани гуруҳлашда тил ўзининг яхлит система эканлигини яна бир бор таъкидлайди. У турли сатҳ – маъновий, морфологик, синтактик, ҳатто фонетик воситадан ҳам катта иқтисод ва юксак самарадорлик билан фойдаланувчи қурилма саналади. Тилнинг бош иқтисодчилик омили шунда намоён бўладики, бир нарса билан бирор нарсани фарқлар экан, ўзининг асосий фарқловчи воситаси билан кифояланиб қолади ва бошқа сатҳнинг воситаси билан бу

фарқланишни ортиқча таъкидлаб турмайди. Шунинг учун от, сифат, сон, феъл каби туркумни морфологик жиҳатдан фарқларкан (яъни бунинг ҳар бирига маълум бир таснифловчи категория бириктирар экан), бу туркумни кўшимча равишда маъно ва синтактик жиҳатдан яна фарқлашга куч сарфлаб ўтирмайди, аксинча, уни морфологик жиҳатдан кескин фарқлаб, маъновий ҳамда синтактик жиҳатдан, аксинча, яқинлаштиради. Шунинг учун бу туркумнинг барчаси тасниф жараёнида бир тўпга – номловчилар тўпига бирлашади. Худди шу сабабли бу туркумга оид сўзни маъно жиҳатидан фарқлаш анъанавий ўзбек тилшунослигида энг чигал тўғаноқни вужудга келтирган муаммо бўлиб қолди. Натижада, олтинни от ва сифат дейликми, яхши уни сифат, равиш деб баҳолайликми, ўқититини от ёки феъл дейликми, чиниққа ни феълми, сифатми? каби муаммо тилшуносларимизни узоқ вақт ўйлантириб келди. Ҳақиқат эса тамоман бошқа томонда – морфологик жиҳатдан фарқланувчи лексеманинг маъновий ва синтактик жиҳатдан ўзаро яқинлашувида эди. Демак, бу ўринда айна лексема ўзаро фарқланишининг асосий белгисини аниқлаб олгандан сўнг бошқа жиҳатдан унинг ўхшашлигини аниқлаш ўта муҳим. Шунинг учун ўлмоқ, ўлдириш ва ўлим сўзи қиёсланар экан, биринчи навбатда улар орасидаги маъновий фарқни эмас, балки улар орасидаги морфологик фарқ ҳамда маъновий ва синтактик ўхшашликни ахтариш керак. Чунки бу сўз морфологик жиҳатдан фарқланувчи бўлиб, маъно жиҳатидан ҳолатни турли тарзда ёритади.

Шу асосда ўзбек тилида маъновий, морфологик ва синтактик жиҳат бўйича фарқланувчи қуйидаги лексема туркумини ажратишимиз мумкин: *ишора, ундов ва тақлидлар соф маъновий асосда ажратилади; от, сифат, сон, феъллар соф морфологик асосда; боғловчи, кўмакчи, ундов ва модаллар синтактик асосда* ажратилади. **Равиш** бу бўлинишдан “қолдиқ”ни ташкил қилса, юклама бошқа сатҳ бирлиги – фонетик ҳодиса сифатида ажратилади.

Бир туркумдан иккинчи туркумга ўтиш (кўчиш, транспозиция) моҳиятан икки турлидир: лисоний ва нутқий. Лисоний кўчишда маълум бир туркум лексемаси лисоний босқичга хос бўлган маъновий, синтактик ёки морфологик белги қабул қилади. Чунончи, феълнинг **равишдош**

шакллари нисбат маъносини йўқотса, равиш **ёки кўмакчига** айланади: *кўра, қараб, яраша, қараганда, қарата, -лаб* кўшимчали барча равиш: *эр талаб, оралаб, тонглаб, тунлаб*.

Сифатдош ҳам нисбат маъносини йўқотса, сифат туркумига ўтади: *ч и н и қ қ а н – ч и н и қ қ а н р о қ; қ о р а й г а н – қ о р а й г а н р о қ...* Ҳаракат номи нисбат маъносидан маҳрум бўлса, от туркумига ўтади.

Тақлид номлаш маъносини кашф этгач, о т ёки с и ф а т туркумига ўтади: (чақ-чақ – гурунг маъносида, *г у л д у р о с, ч и қ-ч и қ а, п и ч и р-п и ч и р*), от, сифат, сон маъносининг умумлаштирилиши натижасида и ш о р л а р г а ўтиши мумкин: *к и ш и, н а р с а, б и р к у н, б у е р, у е р*.

Ундов аташ маъносини ифода этиб, о т л а р г а ўтади: *д о д, о х, о х у н о л а*. Лисоний кўчиш натижасида кўп ҳолда шаклдош лексема (аникроғи, омоформа) юзага келади. Масалан: “*Кўра-кўра кўзи қотди*”. “*Менга қараганда, у каттароқ*”, “*Ерга қараганда юзи қизарди*” ва х. Лисоний кўчиш кўп ҳолда баҳс талаб қилмаса-да, нутқий окказионал кўчиш тилшуносликда қизғин мунозарага сабаб бўлади.

Ўзбек тилшунослигида эгалик, келишиқ кўшимчасини олган сифат, сон, феъл, равиш, ундов, тақлид о т л а ш г а н с ў з л а р сифатида баҳоланади.

Бу чалкашликнинг боиси эгалик ва келишиқ категориясининг асосиз равишда т а с н и ф л о в ч и к а т е г о р и я л а р т а р к и б и г а киритилиши. Ваҳоланки, на эгалик, на келишиқ категорияси бир туркумдан иккинчи туркумга кўчишда омил бўла олади; лексема тил сатҳидаги маъновий, синтактик ёки морфологик қобилятини нутқда намоён этар экан, ўз табиатининг турли қиррасини юзага чиқариши мумкин. Чунончи, (о л т и н) сўзи гапда э г а бўлиб келиб, предмет маъносини ҳам, а н и қ л о в ч и бўлиб келиб, белги маъносини ҳам ифодалай бериши мумкин. Чунки о т туркумининг моҳиятида предмет орқали белгини ва белги орқали предметни номлаш қобиляти, гапда ҳар қандай бўлак бўла олиш имконияти мавжуд. Шунинг учун:

- 1) “О л т и н – қимматбаҳо металл”;
- 2) “Дўконда о л т и н соат сотиляпти” мисолининг биринчисида [о л т и н] лексемаси белги орқали предметни ифодалаб, гапда э г а бўлиб

келган, иккинчи мисолда эса предмет орқали белгини ифодалаб, гапда аниқловчи бўлиб келган. Бу ерда ҳеч қандай ғайриоддийлик (окказионаллик) йўқ. **Кўчиш** (транспозиция) эса ҳамisha ғайриоддийлик, кучли услубий бўёқдорлик билан боғлиқ ҳодиса.

Шунинг учун *нутқий транспозиция* бирор сўз ўзининг лексемасига хос бўлмаган ғайриоддий қуршовда ва шароитда қўлланилган тақдирда содир бўлади. Масалан:

- 1) “Энди-пэндини қўйинг, шундай бўлиши шарт”;
- 2) “Тўйиб кетдик-ку, “хўп бўлади, бажарамиз”дан!”;
- 3) “Созандалар тақир-туқирини кўтариб кириб келишди”

Шу сабабли транспозиция доираси (кўлами) нутқда беҳад тор. “Касал гапирди. Касал тузалди. Касал кишидан самарали ишни кутманг” каби қўлланишда, “Кўрганидан хурсанд бўлди. Айтиб қолишимдан кўрқди” сингари ҳолатда транспозиция (кўчиш) ни кўриш тил бирлигининг имконият ва қобилиятини ўта чеклаб қўйиш натижаси.

Сўзнинг маъновий-грамматик таснифи. Лексема серқирра моҳиятли лисоний бирлик бўлиб, унинг таснифида бу жиҳат асосий диққат марказида туриши лозим. Чунки лексеманинг ҳар бир қирраси алоҳида бир таснифга асос бўлади. Унинг ҳар бири ўз ўрнида аҳамиятли.

Сўз туркумида лексика ва грамматика, лисон ва нутқ, тил ва борлик муносабати шундай қоришадики, бу мураккаб ҳолат уни таснифлашнинг жўн ҳодиса эмаслигини кўрсатади.

Сўз лексика учун ҳам, грамматика учун ҳам асосий ва зарурий бирлик. Модомики, сўз туркуми ўзида у ёки бу белгисига кўра ажратилган сўз гуруҳи экан, уни ажратишга доир муаммони лексика, морфология ва синтаксис билан шуғулланувчи тадқиқотчи ўзича ҳал этади. Бундаги илмий баҳс, аввало, туркумга ажратиш мезони, ажратилувчи гуруҳ сони ва унинг таркиби масаласи билан боғлиқ. Бошқача айтганда, ўзбек тилшунослигида асосий эътибор сўз туркуми таснифига қаратилиб, бошқа бир муҳим масала – сўз туркумининг ўзаро муносабати, унинг кесишув нуқтаси, яқинлашуви ва узоқлашуви кўп ҳолда назардан четда қолиб келмоқда.

Сўз туркуми сони ва таркибини аниқлашда жаҳон тилшунослигида бўлгани каби ўзбек тилшунослигида ҳам, сўзнинг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятини инобатга олиш кенг тарқалган. Бироқ амалиётда сўз туркумини ажратишда, асосан, унинг семантик хоссасига таяниш урф бўлган. Айрим тилшунос таснифда маъновий белгига бош ва ягона асос сифатида қарашади. Баъзилар эса мезон сифатида мазкур уч белгини тан олгани ҳолда сўзни маъновий ва синтактик белги асосидагина гуруҳлашади. Сўз туркумининг бир-бирига ўтиши, лексик ва лексик-грамматик омонимия масаласи эса бунда ҳар хил қарама-қаршилик ва иккиланиш юзага келишига сабаб бўлади.

Сўз гуруҳлари муносабатнинг очилиши у ёки бу белги асосида сўз туркумининг муайян турини ажратишга, таснифини беришга олиб келади. Шунинг учун мантикий қарама-қаршиликдан қочиш мақсадида формал мантиқнинг борлиқ ҳодисасини таснифлашга қўядиган асосий талабидан бири бўлмиш “тасниф фақат бир мезон асосида амалга оширилиши лозим. Инчунун таснифнинг икки белгисини бир пайтнинг ўзида қўллаб, уни қориштирмаслик керак” деган қоидага қатъий риоя қилиниши даркор.

Шундай қилиб, сўз семантик, морфологик ва синтактик белгиси асосида тасниф қилиниши мақсадга мувофиқ. Бу уч белги ҳар бир сўзда диалектик бирликни ташкил этадими, деган савол туғилиши табиий. Бошқача айтганда, маълум бир семантикада маълум бир морфологик белги ва синтактик хусусият мужассамлашганми? Масалан, предметни ифодаловчи сўз (яъни предметлик маъноси) сон, келишик, эгалик маъносига, шунингдек, субъект, объект маъносига эгами? Далил шуни кўрсатадики, у субъект, объект вазифасида келади. Шу билан биргаликда, атрибутив вазифада келиб, предметнинг белгисини (*тилла узук, қум соат*), белгининг белгисини (*товушдан тез, ёвдан хавфли*) билдиради. Белги маъноли сўз эгалик, келишик аффиксини олиши, гапда субъект, объект вазифасида келиши мумкин (*Олманинг қизили тишиди, Гулнинг оқидан терди каби*).

Семантик-морфологик-синтактик белги бирлиги асосида таснифлаш тарафдори бунда ё омонимия, ё субстантивация (отлашиш) ҳодисасини кўради. Чунки бу сўзда белги ҳам, предметлик ҳам муштарак.

Сўзнинг баён этилган семантик хусусияти, яъни белгилик ва предметлик маъносининг бирлиги шуни кўрсатадики, сўзнинг эгалик, келишик аффикси ҳамда маълум бир синтактик вазифа билан тўғридан-тўғри алоқаси йўқ. Бошқача айтганда, эгалик, келишик ва, қолаверса, кесимлик аффикси, шунингдек, гапда маълум бир синтактик вазифа бажариш бирор сўз туркуми учун хусусийлашмаган. Тўғри, айрим сўз фақат предметни билдириб, белги ифодаламайди (масалан, атокли от), баъзиси эса предметга ишора қилмасдан, фақат белги, миқдор (масалан, кўп, оз, бир, икки) ифодалаш мумкин. Бу юқоридаги фикрга монелик қила олмайди. Чунки у жуда оз миқдорда бўлиб, “предметлик ва белгилик муштараклиги майдони”нинг чеккасида ўрин олади. Чегарадан ўрин эгалловчи бундай сўз таснифда, албатта, қийинчилик туғдиради. Шу боисдан уни сунъий равишда у ёки бу туркумга киритиб юборилади. Ҳолбуки, бундай бирликнинг ўрни ажратилаётган сўз туркумининг сарҳадида. Шу боисдан Л.В.Шчерба шундай ёзади: “Фақат гуруҳ марказидаги бирлик аниқ. Сўз туркуми чегарасидаги оралик бирлик эса ҳамиша у ёқ-бу ёққа тебраниб туради. Бироқ ана шу ноаниқ, хира ва тебраниб турувчи ҳолат тилшуноснинг диққатини кўпроқ ўзига жалб этмоғи лозим.”

Агар сўзда семантик, морфологик ва синтактик белги бутунликни ташкил этмас экан, бунда у тасниф асоси бўлиб хизмат қила олмайди. Зеро, зиддиятсиз бўлиш фақат бир асосда амалга оширилади. Шунинг учун айрим манбада, дарслик ва қўлланмада муаллифлар сўзни уч белги бирлиги асосида тасниф қилишиб, асосан, ундан бирига етакчи, асосий мезон сифатида таянишади, шунингдек бир таснифнинг ўзида тасниф асосини бир неча марта алмаштиришади. Дейлик, ўзбек тилидаги сўз таснифида морфологик белги етакчилик қилади. Шу боисдан тақлид мустақил сўзнинг барча белгисига эга бўлса-да, морфологик ўзгармас сўз бўлганлиги учун номустақил сўз сирасига киритиб юборилган. Ёки гап бўлаги синтактик белги асосида тасниф этилади, бироқ қўшма гап бўлинишида тасниф синтактик белги асосида бошланиб, семантик белги билан яқунланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қайд қилинган уч мезондан ҳаммаси ҳам сўз гуруҳини белгилашда бир хил мавқега эга эмас, албатта. Бу, аввало, сўзнинг синтактик вазифасида яққол кўзга ташланади. Чунки бирор бир синтактик вазифани бажариш имконияти барча мустақил сўз туркумида мавжуд. Бу вазифа сўз туркумини фарқлаш учун эмас, аксинча уни тенглаштириш учун хизмат қилади. Синтактик вазифа нуқтаи назаридан мустақил ва ёрдамчи сўз ажралади, холос. Аммо бунда ҳам ёрдамчи сўз вазифасида қўлланадиган от ёки феъл ҳақида гап кетганда, чалқашлик вужудга келади. Номустақил сўзнинг ички таснифида унинг синтактик вазифасини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, муайян синтактик муносабатни ифодалаш унинг моҳиятини, категориал маъносини ташкил этади.

Морфологик таснифда сўзнинг икки муҳим жиҳати эътиборга олинади: сўзнинг шакл ясалишига потенциал қобилияти (1) ва муайян грамматик категориал маъно ифодаланишининг маълум бир сўз гуруҳи билан боғлиқлиги (2). Биринчи жиҳатга кўра, морфологик ўзгарувчи сўз ва морфологик ўзгармас сўз фарқланса, иккинчи жиҳатга кўра, сўзнинг морфологик гуруҳи (сўз туркуми) ажратилади.

Сўзнинг семантик таснифи. Бунда сўз куйидаги гуруҳга ажралади:

а) мустақил луғавий маъноли сўз (феъл, от, сифат, сон, равиш, тақлид);

б) номустақил луғавий маъноли сўз (олмош ва сўз-гап);

в) луғавий маъносиз сўз (кўмакчи, боғловчи, юклама).

Олмош англатадиган маъно у алмаштираётган сўзнинг маъноси. Шу боисдан у номустақил луғавий маъноли сўз сифатида баҳоланиши лозим. Сўз-гап (тасдиқ-инкор, таклиф, ундов ва модал сўз) эса ҳатто бир бутун гап вазифасида ҳам кела олади. Бу унинг луғавий маъносиз сўздан фарқини кўрсатади, бироқ контекст ёрдамида луғавий маъно англатади. Масалан, -Уйга бор. –Майли. гапида *майли* сўз-гапи *бораман* сўзи англатган луғавий маънога тенг нутқий маънога эга. Бироқ бу маъно мустақил эмас.

Сўзнинг морфологик таснифи. Бу таснифга биноан, сўз, айтилганидек, икки гуруҳга ажралади:

а) ўзгарувчи лексема;

б) ўзгармас лексема.

Ўзгарувчи лексема грамматик шаклни қабул қила олади. Ўзгармас сўз эса бундай хусусиятга эга эмас. Бу таснифда сўзнинг ўрни қуйидагича:

Лексема

Ўзгарувчи

Феъл

От

Сифат

Сон

Ўзгармас

Равиш

Кўмакчи

Боғловчи

Юклама

Сўз-гап

Ўзгарувчи сўз учун таснифловчи грамматик шакл мавжуд. Масалан, отда сон, субъектив баҳо шакли, феълда нисбат, ўзгаловчи, ҳаракат тарзи, сифатда даража. Ўзгармас сўз бундай шаклга эга эмас. Ушбу таснифда олмош ва тақлидга ўрин берилмаган. Чунки олмош ўзи ишора қилувчи барча мустақил сўз туркумига хос ўзгариш тизимида эга. Шунинг учун олмошни от-олмош, феъл-олмош, сифат –олмош, сон-олмош каби тури мавжуд. От-олмош сонланади (сон категориясига эга бўлади), феъл-олмош нисбатланади, тарзланади, ўзгаланеди, сифат-олмош даражаланади, сон-олмош сон шаклини қабул қилади. Тақлиднинг эса ўзига хос морфологик категорияси йўқ. Бироқ ўзгармас сўз ҳам эмас. Тақлиднинг морфологик категорияга эга бўлиши гапда унинг қандай бўлак бўлиб келиши билан боғлиқ. Чунки тақлидда лексеманинг ҳали ажралмаган даврдаги “эмбрион-диффуз” ҳолати сақланиб қолган.

Лексеманинг синтактик таснифи. Лексеманинг синтактик таснифида, асосан, унинг нутқда бошқа лексема билан боғлана олиш-олмаслиги, гап бўлаги бўлиб кела олиш-олмаслик хусусияти ўз аксини топади.

1. **Гап бўлаги бўлишга хосланмаган сўз:** ундов, модал, сўз-гап.
2. **Гап бўлаги бўлишга хосланган сўз:** феъл, от, сифат, сон, равиш, тақлид, олмош.
3. **Синтактик алоқа воситаси бўлишга хосланган сўз:** кўмакчи, боғловчи, юклама.

Сўз-гап бошқа сўз билан синтактик алоқага киришмайди, ўзи мустақил гап бўлиб келиш қобилиятига, яъни ажралиш хоссасига эга. Мустақил ва ёрдамчи сўз эса боғланиш хусусиятига эга бўлиб, бундан ёрдамчи гапда алоҳида бўлак бўлиб кела олмайди, балки синтактик жиҳатдан боғлаш вазифасини бажаради. Мустақил лексема эса мустақил равишда гап бўлаги бўлиб кела олади.

Ўзбек тилида сўз туркуми мазкур белгиси асосида янгича қуйидаги кўринишда тартибланади:

I. Мустақил сўз	II. Ёрдамчи сўз	III. Оралиқ сўз
1.Феъл.	8. Кўмакчи.	11. Сўз-гап.
2.От.	9.Боғловчи.	
3.Сифат.	10.Юклама	
4.Сон.		
5.Равиш.		
6.Тақлид.		
7.Олмош.		

2- §. Сўз туркуми кўчиши

Маълумки, систем ёндашувда лексеманинг аташ (денотатив) семаси деганда борлиқдаги ҳаракат/ҳолат, нарса-предмет, миқдор, белги хусусиятини атовчи, номловчи сема тушунилади. Бу семанинг ҳар бирини мустақил сўз туркуми – феъл ҳаракат/ҳолатни аташ семаси, от нарса-предмет, сон миқдор, сифат ва равиш белгини аташ семаси сифатида бевосита хусусийлаштиради. Аташ семаси объектив борлиқ парчасига мувофиқ келгани боис, лексема семемаси таркибидаги бошқа сема (вазифа, ифода)дан муҳимроқ аҳамият касб этади. Ҳар бир сўз туркумининг муайян аташ семаси мутлақ ва доимийми ёки мустақил сўз туркуми орасидаги сўз туркумининг бир-бирига кўчиш ходисаси (транспозиция) нинг бунга дахли борми?

Сўз туркумининг кўчиши – транспозиция деганда маълум бмр туркумга мансуб сўзнинг ўзига хос бўлган аташ, вазифа семасини кучсизлантириб, бошқа сўз туркумига хос семантик ва синтактик белгига

эга бўлиши тушунилади. Туркий тилларда сўз туркуми бир-биридан қатъий чегараланмайди, улар ўртасида узвий алоқа бўлиб бир бутун ситемани ташкил этади. Бу система қисми диалектик мантикдаги «оралик учинчи» қонуниятидан келиб чиққан ҳолда *г и б р и д* сўз сифатида баҳоланувчи ҳар икки сирага хос семантик-грамматик белгини ўзида сақловчи, бир туркумдан иккинчи туркумга кўчиш босқичида турувчи сўз билан узвий боғланади.

Мустақил сўз орасидаги ўзаро муносабат ва унинг бир-бирига кўчиши лексема семемасидаги эволюцион тараққиёт натижасида юзага келиб, кўчишнинг нутқий ва лисонийлашган кўриниши фарқланади. Нутқий кўчишда нутқий кўчма маъно ифодаланади. Масалан, *Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил* гапида сон туркумига мансуб *бир* сўзи вақтинча от туркуми вазифасида келмоқда ва бу ўткинчи, нутқий ҳодиса. Лисоний кўчишда сўз бир туркумдан бошқа туркумга бутунлай ўтиб кетади, транспозиция ҳодисаси юз беради. Транспозиция деярли барча мустақил сўз орасида, ҳатто мустақил ва ёрдамчи сўз орасида ҳам кузатилади:

1. *одам, киши, инсон* оти (*зерикиб кетди одам* (мен), *ҳайрон қоласан киши* (мен), *дардимни эшитадиган инсон* (ҳеч ким) *топилмади*), *бир сони* (*бир киши* (кимдир)), баъзи сифати (*баъзилар* (аллакимлар) *ундай дейди, баъзилар бундай*) олмошга;

2. *йигит, қиз, ўғил, қари, эр, хотин, кўр, иссиқ-совуқ* (*иссиқ-совуқидан хабар олмоқ*) сифати, *борди-келди, келди-кетди, олди-берди, ур-йиқит жуфт феъли, ўқиш, ёзиш, ўтмиш, қилмиш, қидирув* ҳаракат номи шакли, *ўқитувчи, боғловчи, кузатувчи* сифатдоши, *уч, етти, йигирма, кирк сони* отга;

3. *келажак, бўлажак* сифатдоши, *тилла, кумуш, тахта* (*тилла узук, асал бола*) оти сифатга;

4. *чарчамасдан* (*ишлайсан*), *ўйламасдан* (*гапирда*), *индамасдан, билинар-билимас* сифатдоши, *оша, ўта, ура, қайта, қўярда-қўймай, ура-сура* равишдоши, *эрта, индин, кеча, кеч, кечқурун, сават-сават, навбатма-навбат* оти равишга;

5. *бир сони, якка, ёлғиз* сифати юкламага;

6. *ҳақиқатдан, чамаси, мазмуни оти, яхши, сўзсиз, тузук, тўғри, табиий* сифати, *қани, қалай* олмоши модал сўзга;

7. *бир* сони, *баъзан* равиши, *ҳам* юкламаси, *билан* кўмакчиси боғловчига;

8. *ост, уст, олд, орқа, томон, таг, тепа, ич, ора, қош, лаб, ёқа, оғиз* оти, *қараб, бошлаб, кўра, дея, деб, ўхшаб* равишдоши, *бошқа, бўлак, ўзга* сифати, *аввал, олдин, илгари, кейин, сўнг* равиши кўмакчига кўчиши ўзбек тилшунослигида аллақачон тегишли адабиётда қайд этиб ўтилган. Саналганнинг айрими бугунги кунда лисонийлашган бўлса, айрими ҳали ўтиш босқичида - нутқий ҳодиса сифатида қаралмоқда. Масалан, мавжуд грамматикада сон туркумининг таснифий белгиси саналар экан, предметнинг саноғи, тартибини билдириши, *қанча, нечта, нечанчи* сўроғидан бирига жавоб бўлиши, от туркумига мансуб сўз билан эркин алоқада бўлиши ва гапда асосан, сифатловчи аниқловчи вазифасида келиши таъкидлаб ўтилади. Сон луғавий мазмун гуруҳига кирувчи жамловчи сон шаклида сон умумий грамматик маъносидан четлашиш ҳолати кузатилади.

Айни пайтда жамловчи соннинг *-ов, -ала, -овлон, -овлаб, -овлашиб* шакли ажратилади. Қайд этилган шаклдан *-овлаб, -овлашиб* шакли, бизнингча, жамловчи сон шакли эмас, балки жамловчи сон ўзагидан ясалган равишдош шаклидир: *икки+ов+лаш+иб*.

Демак, сўнгги икки шакл жамловчи сон шакли сирасидан чиқарилади. Асосий шакл сифатида *-ов, -ала, -овлон* кўрсаткичи ажратилиши мумкин. Маълумки, бундан *-ов, -ала* шакли бошқа сон маъно туридан фарқланиб деярли ҳар доим эгалик шакли билан қўлланади. *-овлон* шаклли жамловчи сон аташ семаси бугунги кунда миқдор эмас, балки «қанчадир миқдордаги шахс» деб қаралади: *Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар. -ов, -овлон* шакли барча сон каби от билан бирикмайди, гапда сифатловчи аниқловчи вазифасида келмайди, соннинг сўроғига жавоб бўлмайди, ҳатто мазкур шакл ясаладиган қолип ҳам ниҳоятда унумсиз бўлиб, барча сон ўзагидан жамловчи сон ясалмайди. У кўпроқ отга хос таснифий белгини ўзига қабул қилмоқда. *-ала* шакли эса сонлик белгисини ҳам ўзида бирмунча сақлаб турибди: *учала бола ҳам қўшни қишлоқдан экан*. Жамловчи сон шаклидаги семик тараққиётни қуйидаги чизмада акс эттирамыз:

Кўриб ўтилганидек, ушбу шакл орасида -ала шаклида сонлик белгиси бирмунча сақланган, -овлон шаклида отлик белгиси яққоллашган, -ов шаклида ҳар икки жиҳат уйғун бўлиб, мазкур шаклга гибрид сўз сифатида қараш мумкин. -ов шакли жамловчи сон шакли орасида, жамловчи сон шаклининг ўзи эса от ва сон сўз туркуми орасида «оралиқ учинчи» мақомига эга бўлади.

Демак, айтиш мумкинки, сўз туркуми орасида мунтазам алоқа мавжуд бўлиб, бу алоқа тил тизимининг доимий ўзгаришдаги, таракқиётдаги жонли жараён эканлигидан далолат беради.

3-§. Фейл, унинг грамматик ва луғавий маъно тури

Фейл ва унинг умумий грамматик маъноси. Фейлнинг умумий грамматик маъноси иш-ҳаракат ва ҳолатни жараён сифатида ифодалаш. Ҳолат ифодалаш бошқа сўз туркумига ҳам хос. Бироқ феълда у бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш тарзида бўлади. Масалан, *Дарахт ям-яшил* гапида сифат кесим (*ям-яшил*) турғун ҳолатни ифодаламоқда. *Дарахт кўкарди* гапида эса ҳолат жараён сифатида, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиш тусида юз бермоқда.

Иш-ҳаракатнинг барчаси ҳам замон билан боғлиқ ҳолда юз берса-да, гапда ундаги замон ифодаланмаслиги мумкин. *Дарахт кўкарди* гапидаги феълда замон лисоний ифодасига эга. *Ишга бориш* гапидаги феълда эса бундай хусусият лисоний воқеланмаган.

Ўзбек тилидаги феъл лексик-грамматик хусусиятига кўра икки асосий гуруҳга эга:

- а) мустақил феъл;
- б) номустақил феъл.

Мустақил феълга қуйидаги хусусият хос: 1) луғавий маъно асосидаги ҳаракатни ифодалайди ва шу боисдан гапда бирор бўлак вазифасида келади; 2) бирор сўзни бошқариб (*китобни ўқиди*) ёки бирор сўз томонидан бошқарилиб (*ўқилган китоб*) келади; 3) ҳаракатнинг объектга муносабатига кўра иккига бўлинади: а) ўтимли феъл; б) ўтимсиз феъл. Ўтимли феъл билдирган ҳаракат объект тушунчаси билан боғлиқ

бўлади ва бунда объектни ифодаловчи бирлик тушум келишигидаги сўз бўлади: *ол, ўқи, бошқар*. Ўтимсиз феъл бундай хусусиятга эга бўлмайди: *йигла, ухла, севин*. Ўтимли-ўтимсизлик феълнинг зотий моҳиятида, лисоний табиатли бўлиши ҳам, грамматик шакл воситасида ҳосили қилиниши ҳам мумкин. Масалан, *ухла, йигла, бор, кет, кел* феълда ўтимсизлик маъноси феълнинг ўзак-негизидан англашилади ва у лисоний табиатли. *Ювинмоқ, севинмоқ, бурилмоқ, қирилмоқ* феълдаги ўтимлилик эса нутқий бўлиб, грамматик восита ёрдамида вужудга келган. (Бу ҳақда яна «Нисбат категорияси» мавзуси остида сўз юритилади); 4) феъл ифодалаган ҳаракат объектив борлиқ ҳодисаси бўлиб, уни тилда ифодалашда бевосита инсон, сўзловчи иштирок этади. Тилда ифодаланган ҳаракатда, демак, инсон муносабати ҳам мавжуд бўлади. Бундай муносабат феъл майли деб юритилади; 5) ҳаракат реал ёки ирреал бўлиши ҳам мумкин. Бунга кўра бўлишли ва бўлишсиз феъл фарқланади; 6) ҳар қандай ҳаракат бажарувчи билан ҳам боғланади. Бажарувчи аниқ, ноаниқ, битта ёки бир нечта бўлиши мумкин. Иш-ҳаракатнинг бажарувчига муносабат нуқтаи назаридан тавсифи феъл нисбати деб юритилади; 7) ҳаракат замон билан боғланиши мумкин. Мантиқан замондан ташқаридаги ҳаракат йўқ. Юқорида тилга олинган *бориш* феълда замон бевосита ифодаланмаган. Лекин уни гап ичида олсак (*Ишга бориш лозим*), унинг келаси замонда юз берадиган ҳаракат эканлиги мантиқан англашилиб туради. Демак, ҳар қандай феълда ё грамматик, ё мантиқий замон англашилиб туради. Модомики, тил қурилишини ўрганаётган эканмиз, биз учун грамматик замон аҳамиятли. Шу боисдан замонли ва замонсиз феълни фарқлаймиз; 8) айтилганидек, борлиқда ҳаракат, албатта, бажарувчи билан боғланади. Бироқ унинг тилдаги ифодасида грамматик шахс мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, *Салим келди* гапида грамматик шахс мавжуд. У кесимлик шаклида юзага чиққан. Бироқ *Салим келгач* қурилмасида мантиқий шахс мавжуд бўлса-да, у ўз ифодасига эга эмас. Чунки қурилма *мен келгач, сен келгач* тусини олса ҳам, *келгач* сўзшаклида бажарувчи қайси шахсда эканлиги ноаниқлигича қолмоқда. *Салим, мен, сен* мантиқий бажарувчи, грамматик эмас. Бу нутқдаги тусланган ва тусланмаган феълни фарқлашни тақозо қилади.

Тилдаги мантикий ва грамматик жиҳатни кескин фарқлай билиш керак. Уни қориштириш ҳар хил чалкашликка олиб келади, моҳиятни англашга тўсиқ бўлади.

Номустақил феъл бевосита луғавий ифодали ҳаракат маъносига эга эмас. Масалан, *қарор қилди, ўқиб чиқди, ишлаётган экан* ҳосиласида *қилди, чиқди, экан* бирлиги олдинда турган сўзнинг луғавий маъносини ё янгилаган, ё модификация қилган. Бироқ бу феълдан ҳам қандайдир ҳаракат уқилмоқда. Бу ҳаракат деривацион, грамматик ҳаракатдир, лекин луғавий эмас. Аниқроғи, улар ўзидан олдинги сўзнинг маъносига ҳаракат, жараён тусини бермоқда.

Номустақил феъл моҳият эътибори билан учга бўлинади: а) ёрдамчи феъл; б) кўмакчи феъл; в) тўлиқсиз феъл. Ёрдамчи феъл янги луғавий бирлик ҳосил қилади – сўз ясайди, кўмакчи феъл ҳаракат тарзи шаклининг бир қисми бўлиб, феъл луғавий маъносини нутққа хослайди – модификация қилади, тўлиқсиз феъл эса феъл ва феъл бўлмаган сўзнинг замонини кўрсатади.

Феълнинг асосий луғавий-маъновий гуруҳи. Гуруҳда марказ ва қуршов лексемаси. Феъл англаган қатор маъносига кўра турли мазмуний гуруҳга бўлинади. Бунда ҳаракатга хос яратиш, бузиш, ўзгартириш, сўзлаш, сезиш, йўналтириш, ҳолатга хос рухий-психологик, тафаккур билан боғлиқ феъл фарқланади. Бундан характерлисини кўриб ўтамыз.

Ҳаракат феъли жонли ва жонсиз предметга хос ҳаракатни ифодалайди. У юриш, таъсир этиш, зарб бериш каби кўринишда бўлиши мумкин. Кўл, оёқ, юз, оғиз, гавда билан боғлиқ ҳаракатда ҳаракатланувчи объект яққол кўриниб туради. Оёқ билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи феъл: *юрмоқ, кезмоқ, йўргаламоқ, тилдирамоқ, лапангламоқ, гандиракламоқ, дўқонгламоқ, тентирамоқ, тепкиламоқ, тепмоқ, топтамоқ, депсинмоқ, тисарилмоқ*; кўл билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи феъл: *урмоқ, солмоқ, ушламоқ, силамоқ, тирнамоқ, шапалоқламоқ, чимчиламоқ, уқаламоқ, қитиқламоқ, чангалламоқ, муштламоқ, чертмоқ, ҳовучламоқ, чапак чалмоқ, паҳса қилмоқ*;

Юз, гавда, оғиз, лаб, қулоқ, бурун ва ҳ. билан боғлиқ ҳаракат ҳам мавжуд.

Нутқ феъли инсоннинг гапириш фаолияти билан боғлиқ ҳаракатни ифодалайди. *Гапирмоқ, сўзламоқ, айтмоқ, демоқ, бидирламоқ, тўнғилламоқ, гўлдирмоқ, вайсамоқ, вақилламоқ, жаврамоқ, бобиллаб берди, жавоб бермади, вақиллаб кетди* каби. **Ҳолат феъли.** Инсон табиатига хос жисмоний ва руҳий ҳолат турли хусусиятга эга. Ҳолатни тўртга бўлиш мумкин:

а) ички ҳолат (руҳий кечинма билан боғлиқ: *эслаш, унутиш, ёдлаш, тубанлашмоқ* каби);

б) ташқи ҳолат (ички ҳолатнинг намоён бўлиши билан боғлиқ: *хафа бўлмоқ, шодланмоқ, эсанкирамоқ, довдирамоқ, газабланмоқ*);

в) жисмоний ҳолат (инсон танаси билан боғлиқ: *ҳолсизланмоқ, куймоқ, кучланмоқ, заифлашмоқ*);

г) ижтимоий ҳолат (жамият билан боғлиқ: *бойимоқ, камбағаллашмоқ, кўтарилмоқ, урилмоқ, қувғин бўлмоқ* каби).

Натижали фаолият феъли тизими ясамоқ, қурмоқ, бунёд этмоқ, ҳосил бўлмоқ, чизмоқ, ёзмоқ, барпо қилмоқ, арраламоқ, парчаламоқ, сайқал бермоқ, рандаламоқ, синдирмоқ, емоқ, ўчирмоқ каби бирликни ўз ичига олади.

Тафаккур феъли сирасига инсоннинг фикрлаш қобилияти билан боғлиқ *ўйламоқ, фикрламоқ, хаёл сурмоқ, тафаккур қилмоқ, ўйга ботмоқ, кўз олдига келтирмоқ, бир қарорга келмоқ, хулосага келмоқ* каби киради.

Муносабат феъли қатори эркаламоқ, суймоқ, яхши кўрмоқ, парвона бўлмоқ, раҳми келмоқ, хушомад қилмоқ, ён босмоқ, мафтун бўлмоқ, эъозламоқ каби ижобий характердаги муносабат феъли, *бети қурсин, худо олсин, қораси ўчсин, балога гирифторм бўлсин, жувонмарг бўлгур* каби салбий характердаги муносабат феълидан ташкил топади.

Феъл маъновий гуруҳида ҳам марказ ва қуршов лексемаси фарқланади. Масалан, маънодош феълда бош (доминанта) сўз, уядошлик парадигмасида уя (гипероним) марказ лексемаси ҳисобланса, бошқа маънодош ва уядош (гипоним) қуршов лексемаси дейилади. *Кулмоқ* феъли доминанта сифатида бунга маънодош бошқа лексемани, *бузмоқ* эса бузишнинг турли кўринишини ифодалайдиган гипоним лексемани уюштириб туради. Сўз йирикроқ бутунликка бирлаштирилганда, марказ лексемасигина бу бутунликдан жой олади. Қуршов лексемаси эса унинг

«соясси» сифатида қуйида қолаверади. Масалан, *қулмоқ, йиғламоқ, хурсанд бўлмоқ* лексемаси ўз атрофида кўплаб феълни бирлаштирган. Лекин у бу уч лексема мансуб тизимга кира олмайди, қуйи босқичда қолади.

Феълда сўзшаклнинг тури. Феълда ҳам, бошқа туркумда бўлгани каби, сўзшакл ноль шаклли, синтетик, синтетик-аналитик, такрорий кўринишда бўлади.

Феълнинг грамматик шаклдан холи қилинган ўзак-негизи ҳар доим келаси замон, буйруқ майли, аниқ нисбат, иккинчи шахс, бирлик маъносини ифодалайди: *бор, кел, ўқи, ёз, сев, айт, ишон* каби. Бундай сўзшакл *ноль шаклли* дейилади. Юқорида айтилганидек, ноль шакл масаласи ўзбек тилшунослигида ўз ечимини кутаётган муаммодан бири.

Грамматик шакли қўшимча тусида бўлган феъл *синтетик шаклли* сўзшакл дейилади. *Ўқийман, бордим, келяман, ёзаётирман, шошиб, келгач, келган* каби. Бунда грамматик шакл феъл ўзак-негизига «ёпишган» ҳолда.

Феъл номустақил феъл билан шаклланганда, албатта, синтетик-аналитик кўринишда бўлади. Масалан, *ўқиб чиқди, айта бошлади, борган экан* каби. Бунда ҳам «ёпишган», ҳам «ажралган» грамматик шакл яхлитликни ташкил қилганлиги учун у *синтетик-аналитик шакл* атамаси билан юритилади.

Такрорий шаклни фақат такрорий дейиш унчалик тўғри эмас. Чунки бунда такрорланаётган феъл аввал синтетик шакл қиёфасига киради, сўнгра такрорий шаклга айланади. Масалан, *айтди-айтди, ўқиди-ўқиди, борди-борди* каби. Мисол: *Айтиб-айтиб чарчади, чопиб-чопиб ўйнади* ва ҳ. Бунда такрорланувчи феъл нисбат, ўзгаловчи, кесимлик шаклини олган ва ундан кейин такрорланган.

Айрим манбада феълнинг *жуфт сўзшакл* тури ҳам ажратилиб, унга *айтди-қўйди, топширди-қўйди* типдаги мисол киритилади. Бунга қўшилиб бўлмайди. Чунки жуфланаётган феълнинг иккаласи ҳам мустақил бўлса ва унинг жуфтланишидан янги грамматик маъно уқилсагина, уни сўзшаклнинг жуфтлиги дейишга асос бўлур эди. Бунда эса жуфтликнинг иккинчи қисми кўмакчи феъл сифатида грамматик маъно ифодалаш учунгина хизмат қилмоқда.

Феълнинг ясалиши. Феъл ўзига хос сўз ясалиш тизимига эга. У асосан аффиксация ва композиция усули билан ясалади.

Аффиксация усули. Аффиксация усули кенг қамровли. Бу усул билан феъл бўлмаган сўздан феъл ясалади.

Яшаш асосига қўшилиб, ясама феъл ҳосил қилувчи аффикснинг сўз яшаш даражаси ҳам турлича. *-ла, -лан, -лаштир, -(а)|р, -(а)й* каби аффикс анча маҳсулдор бўлиб, кўп миқдорда феъл ҳосил қилади. Бу аффикснинг ҳар бири турли деривацион қолип таркибида феъл ясайди.

1. [*от/сифат/равши/олмош/тақлид/ундов + ла = 1) асосдан англашиган нарса/предметга эга ҳолатли қилиш ҳаракати; 2) асосдан англашилган асбоб воситасида бажариладиган ҳаракат; 3) асосдан англашилган нарса/предметни юзага келтириш ҳаракати*] қолипи кўп маъноли бўлиб, унинг ҳосиласи қуйидагича:

1) *ўғитла, мойла, бетонла, жиловла, кишанла, тикла, текисла, думалоқла, тўғрила, тушовла;*

2) *рандала, қайчила, эговла, аррала;*

3) *уругла, могорла, болала, чуҳла, додла, гумбурла, сизла, сенла, ҳозирла* каби.

2. [*от/сифат/сон + лан/лаш + субъектнинг асосдан англашилган белгига эга бўлиши ҳаракати*] қолипи таркибидаги *-лан/лаш* аффикси ўзининг мураккаб табиати билан характерланади.

Зоҳиран у икки аффикснинг бирикуви (*-ла+н* ва *-ла+ш*) дек кўринади. Чунки ҳозирги ўзбек адабий тилида *-ла* сўз ясовчи ва *-ш* ҳамда *-н* нисбат шакли фаол бўлиб, кўп ҳолда у биргаликда келади. Шунингдек, *-лан/лаш* аффиксида биргалик ва ўзлик нисбати маъноси ҳам уқилиб туради (*шодланмоқ, саломлашмоқ, афсусланмоқ, ажабланмоқ, завқланмоқ, лаззатланмоқ, жанжаллашмоқ, равшанлашмоқ* каби). Бироқ бу мисолда *-лан/лаш* аффиксини ажратиб бўлмайди. *Майдаланмоқ* каби феълда эса у ажралади (*майда+ла+н+моқ*). Демак, бунда *-ла* ва *-н* мустақил аффикс.

-лан аффиксининг аслида *-ла* ва *-н* аффиксининг бирикувидан иборат эканлигини сезиш қийин эмас.

3. [*тақлид+илла/Ира=асос билдирган товуш ёки образни ҳаракат тарзида ифодалаш*] қолипи фақат тақлид сўздан феъл ясайди: *чирқилламоқ, чирсилламоқ, ликилламоқ, гувилламоқ, шувилламоқ,*

мўлтилламоқ, безилламоқ, ярқирамоқ, сирқирамоқ, мўлтирамоқ, ялтирамоқ. –илла ва –ира кўшимчаси орасида маъновий фарк кузатилмайди, балки у қайси сўзга кўшилиши билан фарқланади, холос.

4. [от/сифат/тақлид+a] (ошамоқ, қонамоқ, ўйнамоқ, бўшамоқ, қийнамоқ, шилдирамоқ, жилдирамоқ), [сифат/равии+(a)й] (қораймоқ, тораймоқ, кўпаймоқ, озаймоқ), [сифат+(a)p] (о+армоқ, кўкармоқ, қисқармоқ, эскирмоқ), [от/олмош+сира] (қонсирамоқ, сувсирамоқ, тузсирамоқ, гумонсирамоқ), [сон/от/равии+(u)к/(u)қ] (бирикмоқ, йўлиқмоқ, кечикмоқ, зўриқмоқ), [сифат/от+и] (тинчимок, бойимоқ, чангимоқ), [сифат+t] (тўлатмоқ, беркитмоқ) қолипи унумсиз қолип бўлиб, биринчидан, унинг ҳосиласи санокли бўлиб, бугунги кунда бу қолип асосида янги-янги сўз ҳосил қилиб бўлмайди, иккинчидан, бу ҳосила давр ўтиши билан деривацион маъноси жиҳатидан бир-биридан шу даражада узоқлашиб кетганки, у асосида қолипнинг ўнг, яъни маъновий томонини чиқариб, аниқлаб бўлмайди. Камситмоқ, бошқармоқ, гивирмисоқ, йўқолмоқ, кучанмоқ, ётсинмоқ, қизиқсинмоқ каби феълнинг ҳам ясамалиги аниқ, лекин ундаги аффикс айрим сўз доирасида чегараланган. Унга нисбатан ҳам юқорида айтилган фикр ўринли.

Эслатма: *силтала, тортқила, опичла* каби сўздаги шакл ясовчи –ла аффиксини феъл ясовчи –ла аффикси билан алмаштирмаслик керак. У омоним аффикс.

-кила (-қила, -гила, - зила), - имсира, - инқира, ш/ши (тўлиш, қизиш, озиш), қ/иқ/к/ик(толиқ, кўник), -қи/ғи аффикси ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳаракатнинг тарзини (кучли/кучсизлиги, такрорийлиги каби) билдирганлиги учун шакл ясовчи сифатида қаралади.

Композиция усули. Бу усул воситасида кўшма ва жуфт феъл ясалади.

Кўшма феъл. Кўшма феъл таркибига кўра иккига бўлинади: а) исм+феъл; б) феъл+феъл.

Исм+феъл типигаги феълни ҳосил қилишда ёрдамчи феъл вазифасида қилмоқ, этмоқ, айламоқ, бўлмоқ, бермоқ, олмоқ, топмоқ, емоқ, урмоқ, кўрмоқ, келмоқ, келтирмоқ каби бирлик келади: абгор қилмоқ, адо бўлмоқ, айюҳаннос солмоқ, жавоб бермоқ, жавоб олмоқ, халал бермоқ, хабар олмоқ, қирон солмоқ, тартибга келтирмоқ, оҳ урмоқ, туш кўрмоқ, қўним топмоқ каби.

Ўзбек тилида феъл+феъл типигаги феъл бармоқ билан санарли: *сотиб олмоқ, олиб бормоқ, олиб келмоқ, олиб чиқмоқ, олиб қочмоқ, ишлаб чиқармоқ каби.*

Жуфт феъл. Жуфт феъл грамматик шаклига кўра икки кўринишда бўлади:

1. Бири равишдош шаклида, иккинчиси бошқа шаклда: *айланиб-ўргилмоқ, елиб-югурмоқ, яйраб-яшинамоқ, ўйнаб-кулмоқ, қўллаб-қувватламоқ.*

2. Ҳар икки қисми бир хил шаклда: *айланиб-ўргилиб, ўйламай-нетмай, аралашиб-қуралашиб, ачиб-бижиб, тежаб-тергаб, қисиниб-қимтиниб, ювиб-тараб, яйраб-яшинаб.*

Ўзбек тилшунослигида феъл ибора билан қўшма феъл чегараси аниқ ойдинлаштирилмаган.

Жуфт феъл таркибий қисмининг қўлланишига кўра қуйидаги шаклда бўлади:

1. Қисми якка ҳолда ишлатиладиган жуфт феъл:

а) қисми ўзаро синоним: *ҳормай-толмай, қўллаб-қувватламоқ;*

б) қисми ўзаро антоним: *келиб-кетиб, ўлиб-тирилиб, кириб-чиқиб, ўтириб-туриб;*

в) қисмининг маъноси яқин: *айланиб-ўргилмоқ, еб-ичмоқ, ўйнаб-кулмоқ, ошириб-тошириб, ювиб-тараб.*

2. Иккинчи қисми якка (мустақил) ишлатилмайдиган феъл: *алдаб-сулдаб, йиглаб-сиқтаб, ямаб-ясқаб, қолган-қутган.*

4.-§. От, унинг грамматик ва луғавий маъно гуруҳи

От ва унинг умумий грамматик маъноси. *Ким, нима, қаер* сўроғига жавоб бўлиб, мавжудот, нарса, жой, воқеа, жараённи атовчи лексик бирлик от дейилади. «Борлиқ ёки унинг парчасини предмет сифатида аташ» от туркумининг умумий грамматик маъноси. Бунда *предмет* тушунчаси мантикий эмас, балки грамматик моҳиятга эга. Мантиқан жонсиз ва бевосита сезги аъзосига таъсир этувчи нарса предмет дейилади. Грамматикада эса у кенг маънода тушунилади, «мавжудлик» моҳиятига эга деб қаралади.

От сўз туркуми сифатида ўзига хос морфологик парадигмага, сўз ясалиш тизимига, хосланган синтактик позициясига эга.

Отнинг умумий маъно парчаланишига кўра тури. Отни маъно жиҳатидан турлича тасниф қилиш мумкин. Бу ўринда отнинг грамматик хусусиятини муайянлаштирувчи семантик белги асосга олинади. От куйидаги семантик хусусиятига кўра тасниф қилинади:

1. Бир турдаги предметнинг бирининг номини ёки шу турдаги предметнинг умумий номини билдиришига кўра.

2. *Ким ёки нима сўроғига жавоб бўлишига кўра.*

3. Саналиш-саналмаслигига кўра.

От борлиқдаги бир турдаги предметдан бирининг номини ёки шу турдаги предметнинг умумий номини билдиришига кўра, *атоқли* ва *турдош* отга бўлинади.

Атоқли ва турдош от. Атоқли от бир хил предмет ёки ходисанинг бирини ажратиб кўрсатишга хизмат қиладиган иккиламчи ном. Масалан, *бола* бир турдаги предмет(шахс)нинг умумий ва бирламчи номи. *Шерзод* ана шу бир хил предмет(шахс)дан бирини ажратиб кўрсатиш учун хизмат қиладиган ва *бола* атамасидан кейин қўйилган иккиламчи ном.

Атоқли от куйидаги луғавий мавзувий тўда (ЛМТ) га эга:

1. Кишининг исми, фамилияси, тахаллуси: *Икром, Отабек, Жумаев, Худойназаров, Имомзода.*

2. Жўғрофий ном: *Ўзбекистон, Деҳқонобод, Ҳисор, Танхоздарё.*

3. Ташкилот, муассаса, корхона номи: *Қариши университети, Халқ таълими вазирлиги, «Насаф зиёси» журнали.*

4. Самовий ёритқич номи: *Муштарий, Зухро, Юпитер, Ярқироқ.*

5. Тарихий ҳодиса номи: *Мустақиллик куни, Лой жанги, Бостон чойхўрлиги.*

6. Ҳайвон номи: *Бойчибор, Бренди, Йўлбарс.*

7. Маҳсулот номи: *Силтама (овқат), Қорақум (шоколад) Чияли яхнаси.*

8. Илоҳий тушунчани ифодаловчи ном: *Аллоҳ, Дўзах, Исо, Буроқ.*

Атоқли от матндан, нутқ вазиятидан узилган ҳолда аташ маъносига эга бўлмайди, фақат контекстда реаллашади. Масалан, *Санам* сўзининг

атоқли ёки турдош эканлиги шу сўзни қуршаб турган сўз ёрдамида англашилади. Бу жиҳатдан атоқли от олмошга ўхшаб кетади.

Атоқли отнинг аксарияти турдош от ва бошқа туркум сўзи асосида вужудга келган. Турдош отдан: *Асал, Раъно, Райҳон, Анор*; феълдан: *Сотиболди, Ўлмас, Итолмас, Турди*; сифатдан: *Ширин, Буюк, Азиз, Улуг*; сондан: *Етмишбой, Саксонбой* каби.

Бир жинсдаги предметнинг умумий номини билдирувчи от *турдош* от дейилади. Турдош от от туркумига кирган сўзнинг асосий қисмини ташкил этади: *тоғ, қишлоқ, машина, севги, муҳаббат*. Турдош отда предметлик ва белгилик хусусияти яхлитлашган ҳолда мавжуд бўлади. Чунки ҳар қандай нарса белги-хусусият мажмуаси.

Атоқли ва турдош от нафақат луғавий семантикаси, балки грамматик хусусияти билан ҳам фарқланади. Масалан, атоқли от, асосан, бирлик сонда қўлланади. Кўплик сон шаклида бутунлай бошқа маъно бўёғига эга бўлади: **Фарҳодлар** келди канал қазмоққа. (Турс.)

Турдош от атоқли отдан ҳосил бўлиши ҳам мумкин: *муслимка, хосиятхон, рентген, ампер*.

Турдош от ифодаланган тушунчанинг характериға кўра: а) муайян ва б) мавҳум отга бўлинади.

Муайян ва мавҳум от. Сезги аъзоси билан сезиш мумкин бўлган предметни атовчи от муайян от дейилади. Муайян отни бевосита санаш мумкин. Шунинг учун бундай от санок сон билан муносабатга киришади. Шунингдек, шахсий баҳо шакли, кўплик қўшимчасини олиши мумкин: *бешта дафтар, юзлаб одам, ўгилча, қизгина*.

Муайян от куйидаги луғавий мавзувий тўдага эга:

1. Модда номи: *олтин, кумуш, қум, сув*.
2. Шахс тавсифи номи: *йигит, чол, ўзбек, тожик, чўлоқ, касал, ота, она*.
3. Буюм номи: *қалам, китоб, чўмич, коса, гилам, шолча*.
4. Ўсимлик номи: *дарахт, бута, ўт, жийда, илдиз*.
5. Ўрин-жой номи: *қишлоқ, шаҳар, саҳро, а*.
6. Миқдор номи: *миққол, тонна, ботмон, чақирим*.
7. Ташкилот ва муассаса номи: *мактаб, идора, дўкон, бозор*.
8. Вақт-пайт номи: *кун, фасл, тонг, кеча*.

Бу ҳар бир луғавий мавзувий тўда ўз ичида бир неча луғавий-маъновий гуруҳ (ЛМГ) га бўлиниб кетади. Масалан, шахс тавсифи номи қуйидаги луғавий-маъновий гуруҳга ажралади:

1. Шахсни ёш жиҳатдан тавсифловчи луғавий-маъновий гуруҳ: *чол, қари, ўсмир, ўстирин*.

2. Шахсни қариндошлик жиҳатдан тавсифловчи луғавий-маъновий гуруҳ: *она, она, сингил, эгачи, буви*.

3. Шахсни касб жиҳатдан тавсифловчи луғавий-маъновий гуруҳ: *ишчи, даллол, деҳқон, сувчи, мироб*.

4. Шахсни истиқомат жиҳатдан тавсифловчи луғавий-маъновий гуруҳ: *қишлоқчи, тошкентлик, шаҳарлик*.

5. Шахсни ташқи белгиси жиҳатдан тавсифловчи луғавий-маъновий гуруҳ: *букри, новча, пакана*;

6. Шахсни руҳий ҳолати жиҳатдан тавсифловчи луғавий-маъновий гуруҳ: *жинни, овсар, довдир, эзма*.

7. Шахсни ижтимоий жиҳатдан тавсифловчи луғавий-маъновий гуруҳ: *бой, камбагал, хасис, зиқна*.

Бошқа луғавий мавзувий тўда ҳам шундай луғавий-маъновий гуруҳга бўлинади. Масалан, «Ҳайвон номи» луғавий мавзувий тўдаси луғавий-маъновий гуруҳи: қорамол луғавий-маъновий гуруҳ, от луғавий-маъновий гуруҳ, қўй луғавий-маъновий гуруҳ, эчки луғавий-маъновий гуруҳ, ит луғавий-маъновий гуруҳ, эшак луғавий-маъновий гуруҳ, товук луғавий-маъновий гуруҳ ва ҳ.

Муайян от луғавий-маъновий гуруҳи нисбатан барқарор ва ўта кенг, деярли чекланмаган ва ўзгарувчан куршовдан иборат. луғавий-маъновий гуруҳ марказидаги лексема ўзаро гипонимик, партонимик, градуонимик, функционимик, иерархионимик муносабатида яшайди. Масалан, *дарахт* лексемаси қуйидаги жинс-тур муносабатида яшайди: *қайин, тол, ўрик, терак, мажнунтол, арча*. Функционимик асосда тузилган луғавий-маъновий гуруҳ анча оз: *қалам, ручка*.

Шахс тавсифи оти эса кенг градуонимик муносабатга эгалиги билан ажралиб туради.

Мавҳум от турли нарсада мавжуд бўлган бир хил ёки ўхшаш сифатни бир алоҳидалик тарзида ифода этади. Масалан, *олма, қовун, шакар, қанд*

отининг муҳим сифат белгиси «ширинлик» бўлса, *ширинлик* мавҳум отида юқоридаги нарсада мавжуд бўлган умумий белги бир алоҳидалик сифатида берилади. Шунинг учун муайян ва мавҳум отнинг фарқли томони фақатгина унинг ҳақиқий (*китоб, олма, эшик*) ёки хаёлий (*севги, ишқ, ширинлик*), умумий ва якка нарсани ифодалашда эмас, балки белги, сифат маъносининг қай усулда талқин этилиши ҳам.

От бирлик шаклда бир турдаги предметнинг ўзини (*якка от*) ёки предмет тўдасини (*жамловчи от*) билдиришига кўра ҳам фарқланади.

Якка ва жамловчи от. Бир турдаги предметнинг ўзини билдирувчи от якка от дейилади: *китоб, уй, дарахт*. Жамловчи от бирлик шаклда ҳам предмет мажмуини англатади: *армия, кўпчилик, халқ*. Лекин бундай от семантик кўпликда бўлса-да, грамматик бирликда дейилади.

Отнинг ясалиши. От икки хил – *аффиксация* ва *композиция* усули билан ясалади. Шунга мувофиқ, от яшанинг аффиксал ва композицион қолипи мавжуд. Бу қолип ҳам ўз ўрнида унумли, унумсиз; маҳсулдор ва каммаҳсул турга бўлинади.

От ясовчи қолипнинг аксарияти кўп маъноли қолип. Қуйида уни кўриб ўтамыз.

Аффиксация усули билан от ясалиши.

-чи аффиксли [от + -чи = I) асосдан англашилган нарса билан боғлиқ касб, мутахассислик билан шуғулланувчи шахс оти; 2) асосдан англашилган иш/ҳаракат/ҳодиса билан шуғулланувчи шахс оти; 3) асосдан англашилган иш-ҳаракат, фаолиятда қатнашувчи шахс оти; 4) иш-фаолиятда бирор оқим, маслак ва ш.к. тарафдори, шунга мансуб бўлган шахсни билдирувчи от; 5) асосдан англашилган ҳодисани, иш-ҳаракатни бажариш одати кучли бўлган шахсни билдирувчи от] қолипи қуйидаги ҳосилани беради:

- 1) *спортчи, дуторчи, каштачи, шахматчи, буфетчи, матбаачи;*
- 2) *хабарчи, маслаҳатчи, теримчи, ёрдамчи, ҳимоячи, давомчи;*
- 3) *жангчи, исёнчи, ҳашарчи, музокарачи, сайрчи, обуначи;*
- 4) *республикачи, мухториятчи, пахтакорчи, турсунойчи;*
- 5) *тўполончи, бузғунчи, таваккалчи, гиначи, уйқучи, лофчи, кекчи.*

Кўринадики, бу қолип полисемантик ва полифункционал бўлиб, ҳар бир маъноси яна бир неча маъно турига бўлиниб кетади.

-*шунос* аффиксли [от + *-шунос* = қ асосдан англашилган соҳани ўрганувчи мутахассис] қолипи бир маъноли бўлиб, у қуйидаги ҳосилани беради: *адабиётшунос, тилишунос, тарихишунос, ўлкашунос, муסיқашунос* каби.

-*кор* аффиксли иккита қолип мавжуд: а) [аниқ от + *-кор* + асосдан англашилган нарса/предметни етиштириш билан шуғулланувчи шахс оти] (*пахтакор, лавлагикор, шоликор, галлакор*) ва б) [мавҳум от + *-кор* = асосдан англашилган иш-ҳаракат билан шуғулланувчи шахс] (*мададкор, хиёнаткор, гуноҳкор, тажовузкор, ташаббускор, ижодкор, хизматкор*).

-*каш* аффиксли қолип ҳам икки маънолидир: а) [от + *-каш* = 1) асосдан англашилган иш, машғулот билан шуғулланувчи шахс оти; б) асосдан англашилган ишни бажариш одати кучли бўлган шахс оти]: а) *замбилкаш, киракаш, лойкаш, пахсакаш*; б) *жанжалкаш, ҳазилкаш*.

Қуйида бошқа аффиксли қолиплари мисоли билан санаб ўтамыз.

[ўқув оти+*-хон* = асосдан англашилган нарса/предметни доимий мутолаа қилувчи шахс оти] (*газетхон, китобхон, журналхон, дуохон*), [от + *-дўз* = асосдан англашилган нарса/предметни тикувчи шахс оти] (*этиқдўз, маҳсидўз, мўйнадўз, дўппидўз*), [от + *-гар* = асосдан англашилган нарса/предмет билан боғлиқ касбни қилувчи шахс оти] (*заргар, совунгар, савдогар*), [от + *-соз* = асосдан англашилган нарса/предметни яратувчи, тузатувчи шахс оти] (*соатсоз, станоксоз, асбобсоз*),

[от +

-паз = асосдан англашилган таомни тайёрлов шахс оти] (*ошпаз, сомсапаз, мантипаз, кабобпаз*), [от + *-боз* = асосдан англашилган иш/ҳаракат билан кўп шуғулланувчи, унга берилган шахс оти] (*мажлисбоз, аризабоз, машиатбоз, сафсатабоз, ваъдабоз, гуруҳбоз, каптарбоз, беданабоз*), [от + *-хўр* = асосдан англашилган егулик, ичимликни доимий истеъмол қилувчи шахс оти] (*норинхўр, ароқхўр, нафақахўр, чойхўр*), [от + *-параст* = асосдан англашилган нарсага эътиқод қилувчи шахс оти] (*бутпараст, майпараст, шахсиятпараст, машиатпараст*), [от + *-гўй* = асосдан англашилган иш/ҳаракат, ходисани доим бажариб турадиган шахс оти] (*маслаҳатгўй, дуогўй*,

хушомадгўй, насиҳатгўй, лаббайгўй), [от + -дор = асосдан англашилган нарса/предметга эга бўлган шахс оти] (боғдор, қулдор, дўкондор), [от + -бон = асосдан англашилган нарса/предметга қаровчи шахс оти] (боғбон, саройбон, дарвозабон), [от + -фуруш = асосдан англашилган нарса/предметни сотиш билан шуғулланувчи шахс оти] (читфуруши, носфуруши, мевафуруши), [от + -дош = асосдан англашилган нарса/предметга бир хил алоқадор бўлган шахс оти] (қайғудош, мусобақаддош, суҳбатдош, замондош), [от + -вачча = асосдан англашилган шахсга қарашли фарзанд маъносидаги шахс оти] (бойвачча, гадойвачча, тўравачча, тоғавачча, холавачча, аммавачча, итвачча), [ҳам + от = асосдан англашилган нарса/предметга алоқадор шахс оти] (ҳамшаҳар, ҳамсуҳбат, ҳамкурс, ҳамкасб), а) [сифат/равиш + -лик = асосдан англашилган белги оти] (сариқлик, тезлик, бемаънилик, ёшлик), б) [от + -лик = асосдан англашилган нарса/предметни умумлаштириб, ҳолат тарзида ифодаловчи мансублик оти] (оталик, ўқитувчилик, гинахонлик, ваъдабозлик, районлик, шаҳарлик, уруғлик, кийимлик, музлик, ботқоқлик), [от + -чилик = 1) асосдан англашилган нарса етиштириладиган соҳа оти; 2) асосдан англашилган нарса/ҳодисанинг борлик ҳолатини англатувчи от; 3) асосдан англашилган нарса билан боғланувчи ҳолат оти; 4) бирор иш-ҳодисанинг сабаби асосдан англашилган нарса эканини билдирувчи от] (1) пахтачилик, уруғчилик, чорваччилик; 2) пишиқчилик, тўкинчилик, қаттиқчилик), 3) улфатчилик, тирикчилик, майнабозчилик, ўртоқчилик; 4) юртчилик, ўзбекчилик, рўзгорчилик), [от + -гарчилик = асосдан англашилган белги, ҳолат, ҳаракат-ходисага алоқадор бўлган оти] (олифтагарчилик, намгарчилик, исрофгарчилик), [от + -зор = асосдан англашилган нарса кўп бўладиган жой оти] (олмазор, қароқчизор, пахтазор, ажриқзор), [қум, тош, ўт + -лоқ = асосдан англашилган нарса/предмет кўп бўладиган жой оти] (ўтлоқ, қумлоқ, тошлоқ), [от + -истон = асосдан англашилган нарса/предметга бой жой оти] (Ўзбекистон, гулистон).

Шундай от яшаш қолипи борки, ундан бугунги кунда янги сўз ясалмайди. Ҳосиланинг барчаси лисоний характерга эга. [от + -гоҳ = асосдан англашилган иш-ҳаракат бажарилган жой оти] (сайилгоҳ,

айшгоҳ, манзилгоҳ), [от + -дон = асосдан англашилган нарса/предмет сақланадиган предметни ифодаловчи от] (*қаламдон, туздон, кулдон*), [от + -хона = асосдан англашилган иш-ҳаракатга мўлжалланган жой оти] (*ишхона, қабулхона, чойхона, оишхона*), [от + -обод = асосдан англашилган нарса/предмет обод қилган жой оти] (*Дехқонобод, Меҳнатобод*), [от + -нома = асосдан англашилган нарса/предметни ифодаловчи от] (*арзнома, таклифнома, саёҳатнома*).

-к(-ик/-ак), -қ(-иқ, -уқ, -оқ) (*кекирик, кўрик, оғриқ, қавиқ, буйруқ, қийноқ, ўроқ*), -к/қ
 (-иқ, -ик) (*тўшак, қайроқ, элак*), -ғи (*ки/ғи/қи/ғу*) (*севғи, кулғи, супурғи, чопқи, ачитқи, ёнилғи, томизғи*), -м(-им/-ум) (*чидам, тўплам, унум, тузум, чиқим, қўним, кечирим*), -ма (*уюшма, бирлашма, димлама*), -қин/гин (*тошқин, тўлқин, босқин, тутқун, қочқин, ёнгин*), -ин/-ун (*экин, ёгин, йигин, бўгин, тугун*), -(и)нди (*чўкинди, ювинди, чиринди, супуринди, сирқинди, йигинди*), -ғич (*ғич/кич/қиш*) (*ўлчағич, пуркағич, ўчирғич, қаишлагич, эриткич, савағич*), -ч, -инч (*қувонч, ўкинч, қўрқинч, севинч*), -мачоқ (*бекинмачоқ, тортишмачоқ, қувлашмачоқ*), -ак/оқ (*шаршарак, бизбизак, пирпирак, гуррак, тартарак*), -илдоқ (*шақилдоқ, ҳиқилдоқ, чирилдоқ, пирилдоқ*), -а (*шаршара, гаргара*), -ос (*чуввос, шаррос, гулдурос*) қўшимчаси иштирок этувчи деривацион қолипи кам унум бўлиб, у бугунги кунда ҳосила бермайди. Шу боисдан қолипнинг мазмуний томонини унинг ҳосиласидан умумлаштириб бўлмайди.

-иш, -ув/ов, -увчи/овчи аффиксли қурилиш, кириш, чиқиш, учрашув, кечув, мақтов, чанқов, учувчи, ҳайдовчи, тингловчи, сотувчи сўзини ҳам ясама сўз сифатида қараш ҳоли учраб туради. Бунда у аслида сўзшаклнинг лексемалашуви ҳодисаси эканлигини эсда тутиш лозим.

Композиция усули билан қўшма ва жуфт от от ҳосил қилинади: *тошқўмир, туяқуш, карнайгул, ойболта, кўккарга, қорақурт, мингоёқ, қўзиқорин, ота-она, қозон-товоқ, қизилиштон*.

Қўшма от:

1. От+от: *аждаргул, айиқтовон, атиргул, кинолента, хонтахта, хўрозқанд, тошбўрон, сочпопук, шакарқамиш, қўйпечак, қўларрра, темир йўл, пиёздоз, Ўрта Чирчиқ*.

2. Сифат+от: *калтакесак, Марказий Осиё, Шўркўл, кўксултон, кўрсичқон, сассиқпопишак, қорадори.*

3. От+феъл: *эчкиэмар, кўзбойлогич, каллакесар, хуснбузар, бешиктерватар, сочўсар, дунёқараш.*

4. Сон+от: *бешбармоқ, бешқарсак, Еттисув, Олтиариқ, учбурчак, мингоёқ, қирқозайни.*

5. Сон+феъл: *бешотар, бирқоқар.*

6. От+сифат: *устабузармон, гулбеор, ошкўк.*

7. Феъл+феъл: *искабтопар, ишлаб чиқариш.*

8. Феъл+от: *савачўп.*

Жуфт от. Жуфт от [от+от], [сифат+от] каби қолип, шунингдек, бошқа туркумга оид жуфт сўзнинг отга кўчишидан вужудга келади. Жуфт от таркибига кўра қуйидаги кўринишга эга.

I. Ҳар икки қисми мустақил ҳолда ҳам ишлатиладиган жуфт от:

1. Қисми ўзаро синоним: *азоб-уқубат, айш-ишрат, дори-дармон, бахт-саодат, зеб-зийнат, иззат-икром, иззат-ҳурмат, кайф-сафо, макр-ҳийла, насл-насаб, панд-ўғит.*

2. Қисми ўзаро антоним: *авра-астар, авлод-аждод, аччиқ-чучук, борди-келди, бош-оёқ, эр-хотин, ўғил-қиз, савол-жавоб, салом-алик, қулф-калит.*

3. Қисмининг маъноси яқин: *ариқ-зовур, бахт-тахт, бақир-чақир, бож-хирож, бош-кўз, дев-пари, совга-салом, ўқ-дори, қовоқ-тумишук, ҳисоб-китоб, ҳол-жон, қўй-қўзи.*

II. Қисмидан бири мустақил ҳолда ишлатилмайдиган жуфт от: *алдам-қулдам, бозор-ўчар, бола-бақра, қўни-қўшни, латта-путта, йиги-сиги, маза-матра, меҳмон-излом, ирим-сирим.*

III. Ҳар икки қисми ҳам мустақил ишлатилмайдиган жуфт от: *ади-бади, ашқол-дашқол, зер-забар, шикаст-рехт, икир-чикир, лаиш-луиш, қаланги-қасанги, мирқинбой-ишрқинбой, яъжуж-маъжуж.*

5-§. Сифат, унинг грамматик ва луғавий маъно гуруҳи

Сифат ва унинг умумий грамматик маъноси. Асосан предметнинг, қисман ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сўз сифат дейилади: *қизил қалам, оқ кабутар, яхши гатирмоқ.*

Бошқа сўз туркуми ҳам белги ифодалайди. Аммо сифат барқарор ва турғун белги ифодаланиши жиҳатидан ундан ажралиб туради. Масалан, *Гул қизил* деганда турғун (статик) белги, *Гул қизарди* деганда эса ўзгарувчи (динамик) белги намоён бўлган. Сифат англатадиган белги бошқа туркум англатадиган белгидан даражаланиш хусусияти билан фарқланади. Масалан, *қизғин-қизил-қип-қизил.* Бошқа туркум англатувчи белгида эса бундай хусусият йўқ. Сифат гапда асосан сифатловчи аниқловчи, қисман кесим, ҳол вазифасида келади.

Шу асосда сифатнинг умумий грамматик маъносини «асосан предметнинг, қисман ҳаракатнинг белгисини билдириб, гапда асосан сифатловчи аниқловчи, баъзан кесим, айрим ҳолда ҳол вазифасида келиш» кўринишида тиклаш мумкин.

Белги тушунчаси ўз ичига ранг-тус, ҳажм-шакл, характер, вазн, маза кабини қамраб олади. Белгининг хусусиятига кўра сифат иккига бўлинади: *аслий сифат* ва *нисбий сифат.*

Аслий сифат предметнинг турғун, нисбатланмайдиган ва даражаланадиган белгисини ифодалайди: *қизил, сариқ, катта, кўп, оз.*

Нисбий сифат белгини қандайдир бир предмет, белги, миқдор, ўрин ва ҳаракатга нисбатан ифодалайди: *моддий ёрдам, синиқ пиёла, бурчакдаги ўтиргич.* Нисбий сифатда даражаланиш, қиёсланиш бўлмайди.

Аслий сифатнинг барчасида даража шакли, айримида озайтирма ва кучайтирма шакл бор.

Аслий сифат билдирган белгининг даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. *Даража категорияси* (ДК) сифат ифодалаган белгининг шу нуқтаи назаридан тавсифини беради.

Сифат луғавий-маъновий гуруҳи. Дарслик ва қўлланмада сифатнинг 9 та луғавий-маъновий гуруҳ ажратилади:

1.Хусусият билдирувчи сифат. 2.Ҳолат билдирувчи сифат. 3.Шакл билдирувчи сифат. 4.Ранг-тус билдирувчи сифат. 5.Маза-таъм билдирувчи сифат. 6.Ҳид билдирувчи сифат. 7.Ўлчов билдирувчи сифат. 8.Ўрин билдирувчи сифат. 9.Пайт билдирувчи сифат.

Қуйида унинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб ўтамиз.

Хусусият билдирувчи сифат нарса/мавжудотнинг характер хусусиятини ифодалашда кўп қўлланади: *ёқимтой, баджаҳл, мулойим, дилкаш, яхши, ёмон, лоқайд* каби. Характер-хусусият ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Ҳолат билдирувчи сифат нарса/мавжудотнинг ҳолат ёки вазиятини турғун белги сифатида ифодалайди. Ҳолат билдирувчи сифат ўз ўрнида яна ички гуруҳга бўлинади:

1)табiiй ҳолат билдирувчи сифат: *гўзал, мўмин, ўктам, чўлоқ, букир.*

2)жисмоний ҳолат билдирувчи сифат: *бардам, бақувват, тетик, ёш.*

3)руҳий ҳолат билдирувчи сифат: *хафа, гамгин, маъюс, хурсанд, шод.*

4)иқтисодий ҳолат билдирувчи сифат: *бой, бадавлат, камбағал, ночор.*

5)харорат ҳолатини билдирувчи сифат: *илиқ, салқин, совуқ, иссиқ.*

6)тозалик ҳолатини билдирувчи сифат: *тоза, озода, кир, мусаффо, исқирт.*

7)эскилик, янгилик ҳолатини билдирувчи сифат: *янги, эски, кўҳна, жулдур.*

8)хўл-қуруқлик ҳолатини билдирувчи сифат: *хўл, қуруқ, нам, намхуш.*

9)тинч ва нотинч ҳолатни билдирувчи сифат: *тинч, жим, жимжит, сокин, осуда, осойишта, безовта.*

10)етилганлик ҳолатини билдирувчи сифат: *хом, пишиқ, гўр, пухта.*

Шакл билдирувчи сифат. Бу турдаги сифат нарса/предметнинг ташқи кўринишини ифодалайди: *новча, ясси, узунчоқ, думалоқ, япалоқ, айлана.*

Ранг-тус билдирувчи сифат: *оқ, қора, қизил, пушти, сариқ, зангор.*

Маза-таъм билдирувчи сифат: *ширин, аччиқ, нордон, тахир, шўр.*

Ҳид билдирувчи сифат: *хушбўй, бадбўй, қўланса.*

Ўлчов билдирувчи сифат: *кенг, тор, узун, яқин, катта, оғир.*

Ўрин билдирувчи сифат: *ички, ташқи, деворий, қишлоқи.*

Пайт билдирувчи сифат: *кузги, ёзги, қишки, эртачи, чиллаки, эртапишар.*

Сифатнинг ясалиши. Сифат икки усул билан ясалади: *аффиксация* ва *композиция* усули.

Аффиксация усули. Ўзбек тилида сифат ясовчи аффиксал деривацион қолип анчагина. Уни бирма–бир санаб ўтамыз.

1. [от + -ли = 1) асосдан англашилган нарса/предметга эгалик белгисини билдирувчи сифат; 2) асосдан англашилган нарса/предметга меъёрдан ортиқ эгалик белгисини билдирувчи сифат;] (1) *расмли, дўптили, масхарали, гавдали*; 2) *ақлли, гавдали, кучли*), [ҳаракат номи + -ли = нарса/предметнинг феълдан англашилган иш-ҳаракат учун жуда мослиги, боплигини билдирувчи сифат] (*ўтиришили, ейшили, ичишли*).

2. [от +- дор= 1) асосдан англашилган нарса-предметга эгалик белгисини билдирувчи сифат; 2) асосдан англашилган нарсанинг меъёрдан ортиқлигини билдирувчи сифат] (1)*алоқадор, айбдор, манфаатдор*; 2)*маҳсулдор, наслдор, тўшдор*).

3. [сер + от = асосдан англашилган нарсанинг меъёрдан ортиқлигини билдирувчи сифат] (*серсоқол, серсув, сергўшт, серсомон*).

4. [бе + от = асосдан англашилган нарсанинг йўқ эканлигини билдирувчи сифат] (*бемажол, бедин, безубор*).

5. [ба + от = асосдан англашилган нарсанинг меъёрдан ортиқлигини билдирувчи сифат] (*басавлат, бақувват, серсавлат*).

6. [но + от = 1) асосдан англашилган нарсага эга эмасликни билдирувчи сифат; 2 асосдан англашилган белгига қарама-қарши белгини билдирувчи сифат)] 1) *ноумид, ноинсоф, ноўрин*; 2) *номард, номаълум, номуносиб*).

7. [сифат + -чан = асосдан англашилган хусусиятга мойилликни билдирувчи сифат] (*курашчан, яшовчан, унутувчан*).

8. [феъл + -чок/чик/чак = асосдан англашилган ҳаракатни бажаришга мойилликнинг кучлилигини билдирувчи сифат] (*уринчоқ, куйинчак, тотинчоқ, қизганчиқ*).

9. [феъл + -қоқ/ғоқ = асосдан англашилган ҳаракатни бажаришга мойилликнинг кучлилигини билдирувчи сифат] (*уюшқоқ, тиришқоқ, ётишқоқ*).

10. [феъл + -агон = асосдан англашилган ҳаракатни бажаришга мойилликнинг кучлилигини билдирувчи сифат] (*топагон, чопагон, қопагон*).

11. [феъл +-мон = асосдан англашилган ҳаракатни бажаришга мойилликнинг кучлилигини билдирувчи сифат] (*топармон, билармон, еярмон*).

12. [феъл/тақлид + -ки(қи) = асосдан англашилган ҳаракатни бажаришга мойилликнинг кучлилигини билдирувчи сифат] (*шартаки, жиртаки, йиғлоқи*).

13. [феъл + -к/-қ/-ғ = асосдан англашилган ҳаракат натижаси сифатидаги ҳолат белгисини билдирувчи сифат] (*эгик, бузуқ, ёруғ*).

14. [феъл + -кин/қин/ғин/ғун = асосдан англашилган ҳаракатни белгига айлантириш] (*тушкун, турғун, озгин/сўлгин*).

15. [феъл + -ма = 1) предметнинг асосдан англашилган ҳаракат усули билан юзага келиш белгисини билдирувчи сифат; 2) феълдан англашилган ҳаракат предметнинг одатдаги, унга хос белгиси эканлигини билдирувчи сифат] (1) *қовурма, ағдарма, қисқартма, ивитма, буюртма; 2) кўчма, бурама, оғма, сочма*).

16. [феъл + -(а)рли = шахс/предметнинг асосдан англашилган ҳаракатнинг бажарилишига оид белгисини билдирувчи сифат] (*арзирли, ачинарли, зерикарли, мақтарли, ажабланарли, етарли, тушунарли*).

17. [тақлид + -илдоқ = асосдан англашилган белгига ортиқ даражада эғаликни билдирувчи сифат] (*чийилдоқ, бижилдоқ, дирилдоқ, акилдоқ, ликилдоқ, нўрсилдоқ*).

18. [феъл + -ч = асосдан англашилган ҳаракатга боғлиқ белгини билдирувчи сифат] (*тинч, жирканч*).

19. [от + -ий/вий =1) предметнинг асосдан англашилган нарса/ҳодисага алоқадорлик белгисини билдирувчи сифат; 2) асосдан англашилган тушунчага эғалик белгисини билдирувчи сифат] (1)*илмий, шахсий, имловий; 2) тахминий, ақлий, оммавий*).

20. [от/равиш + -ги/қи/қи = предметнинг асосдан англашилган жой ёки вақтга кўра белигисини билдирувчи сифат] (*аввалги, ҳозирги, тонгги, тунги, кечки, ички*).

21. [от + -и = шахс ёки предметнинг миллат/вақт/жойга мансублигини билдирувчи сифат] (*қозоқи, қишлоқи, баҳори*).

22. [от/сифат + -ча = предметнинг миллат/жой/миқдор/хусусият кабига кўра белгисини билдирувчи сифат] (*ўзбекча, фаргонача, ортиқча, эркакча*).

23. [сифат + -намо = бирор шахснинг асос билдирган характер-хусусият белгисига эга эканлигини билдирувчи сифат] (*дарвишнамо, авлиёнамо, мажнуннамо*).

24. [от + -симон = асосдан англашилган нарсага ўхшашлик белгисини билдирувчи сифат] (*шарсимон, кумушсимон, одамсимон*).

25. [от + -парвар = асосдан англашилган нарсани севишни билдирувчи сифат] (*халқпарвар, инсонпарвар, ватанпарвар*).

Кўриб ўтилгандан ташқари –**аки** (*даҳанаки, зўраки*), **бад-**(*бадахлоқ, бадҳазм, бадбашара*), **-шумул**(*оламушумул, жаҳонишумул*), **-чил** (*дардчил, изчил*), **-кай** (*кунгай, терскай*), **-дон** (*гапдон, билимдон*), **-мсиқ**(*қаримсиқ, ачимсиқ*), **-каш** (*дилкаш, ҳазилкаш*), **-м** (*қарам*), **-лом** (*соғлом*), **-қа** (*қисқа*), **-боп** (*қшибоп, паловбоп*), **хуш-**(*хушбичим, хушҳаво*) аффиксли қолип асосида ҳам сифат ясалган. Бу аффиксли қолип унумсиз бўлганлиги учун унинг мазмуний томонини мавжуд ҳосиласидан умумлаштириб чиқариб бўлмайди.

5.3.2. Композиция усули. Композиция усули билан кўшма ва жуфт сифат ҳосил бўлади.

5.3.2.1. Кўшма сифат. Кўшма сифат қуйидаги қолип асосида ҳосил бўлади:

1. От+от: *девсифат, девқомат, дилором, дилозор, кафангадо, оташнафас, соҳибжамол.*

2. Сифат+от: *хомкалла, шўрпешона, калтафаҳм, ширинсухан, шўртумшуқ, баландпарвоз.*

3. От+сифат: *ёқавайрон, жигибийрон, тепакал, хонавайрон, худобезор, отабезори.*

4. Равиш+от: *ҳозиржавоб, камгап, камсухан, камсуқум, камқон, камхарж.*

5. Равиш+фeyл: *тезтишар, эртапишар, чўрткесар.*

6. Feyл+ feyл : *ебтўймас.*

7. Олмош+от: *ўзбошимча.*

8. От+фeyл: *тилёглама, гадойтопмас, тинчликсевар.*

9. Олмош+сифат: *ўзбилармон*.

10. Сон+от: *иккиюзламачи, қирқямоқ*.

Жуфт сифат. Жуфт сифат таркибидаги сўзнинг хусусиятига кўра куйидаги турга бўлинади:

I. Ҳар икки қисми мустақил ҳолда ишлатиладиган жуфт сифат:

1. Қисми синоним: *ақл-ҳушли, пишиқ-пухта, телба-тескари, соғ-саломат, якка-ёлғиз*.

2. Қисми антоним: *аччиқ-чучук, баланд-паст, вайрону-обод, иссиқ-совуқ*.

3. Қисми маъновий яқин: *мўмин-қобил, оч-яланғоч, соя-салқин, хор-зор, эзма-чурук*.

II. Бир қисми мустақил ҳолда ишлатиладиган жуфт сифат: *аралаш-қуралаш, маст-аласт, илма-тешик, туппа-тузук, хом-хатала, энтак-тентак, қари-қури, қора-қура, ямоқ-ясқоқ, ҳаром-ҳариш*.

III. Ҳар иккала қисми мустақил ҳолда ишлатилмайдиган сифат: *ажиб-бужиб, алоқ-чалоқ, пойинтар-сойинтар, ували-жували, ўпоқ-сўпоқ, иланг-биланг*.

Бошқа туркумга хос сўз конверсия йўли билан сифатга ўтиши мумкин. Бу сифатлашув дейилади. Сифатлашув тарихий жараён бўлиб, бошқа сўз туркуми узоқ давр ўтиши билан сифатга айланиб боради. Сифатлашув ҳодисаси лисоний табиатга эга.

1. Жуфт ва такрорий отнинг сифатлашуви: *мош-гуруч, йўл-йўл, ранг-баранг, хилма-хил*.

2. Ўзак ҳолидаги феълнинг сифатлашуви: *дайдиди, қариди, чалкашди, янглишди, туташди, аралашди*.

3. Ҳаракат номи шаклидаги жуфт феъл: *олмоқ-солмоқ*.

4. Кесимлик шаклидаги феъл: *олдиди-қочди, куйиди-пишди, тузди-битди, илигузилди, ичакузди, супрақоқди*.

Сифатнинг тузилишига кўра тури. Сифат тузилишига кўра *содда* ва *мураккаб* бўлади. Содда сифат бир ўзакли бўлади: *оқ, ёзғи, ақлли, безубор, тор*. Мураккаб сифат ўз ўрнида учга бўлинади: а) *жуфт сифат*; б) *такрорий сифат*; в) *қўшма сифат*.

Жуфт сифат икки сифатнинг жуфтлашишидан ташкил топади: *оқ-қора, яхши-ёмон, катта-кичик*.

Такрорий сифатда бир ўзак такрорланади: *катта-катта, баланд-баланд, оғир-оғир*.

Қўшма сифат бирдан ортиқ мустақил сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўлади: *ҳаво ранг, шиёқмас, эртапишар, ёқавайрон, ўзбилармон*.

Эслатма. Жуфт ва қўшма сифат ясама бўлиб, такрорий сифатда шакл ясалиши мавжуд. Бироқ такрорий сифат тараққиёт натижасида янги маъно касб этиши ҳам мумкин: *йўл-йўл*. Бунда янги сўз ясалиши эмас, балки сўзшаклнинг лексемалашуви ҳодисаси мавжуд.

6- §. Сон, унинг грамматик ва луғавий маъно тури

Сон ва унинг умумий грамматик маъноси. «Предметнинг саноғи ва аниқ миқдори учун ишлатиладиган сўз» соннинг сўз туркуми сифатидаги умумий грамматик маъноси. Саналадиган предмет учун ишлатилганда унинг санок ва миқдорини англатади. Сон сўз туркуми сифатида предмет ифодаловчиси билан муносабатга киришиб, шу жиҳати билан сифат ва равиш туркумига яқин туради. Бироқ аниқ миқдор билдирувчи бу сўз предметнинг ноаниқ миқдорини билдирувчи *оз, кўп, мўл* каби сифатдан ажралиб туради. Сифат рақам билан ифодаланмайди. Сон эса ноаниқ миқдорни билдирганда ҳам рақам билан берилади: *уч-тўрт кун (3-4 кун)*. Бу эса у англатган миқдор ноаниқлиги ҳам нисбий эканлигидан далолат беради.

Сонга оид сўз математик сон маъносида эса фақат соннинг номини билдиради. Демак, предмет номини англатувчи сўз билан муносабатда намоён бўладиган маъноси билан сон сўз туркумини ташкил этади.

Соннинг грамматик хусусияти. Сон морфологик ва синтактик хусусиятининг ўзига хослиги билан бошқа сўз туркумидан ажралиб туради.

1. Сонда ўзига хос морфологик ифодасига эга бўлган қуйидаги грамматик хусусият мавжуд:

– санок сонга *-(и)нчи* аффиксининг қўшилишидан предметнинг тартибига кўра муносабатини ифодаловчи грамматик маъно ҳосил бўлади: *биринчи, ўнинчи*.

– санок сонга *-ов, -ала* аффиксининг қўшилишидан предметнинг гуруҳини, тўдасини ифодаловчи грамматик маъно ҳосил бўлади: *иккови, учаласи*.

– санок сонга *-та+ча, -лаб* аффиксининг қўшилишидан предметнинг тахминий ҳисобини ифодаловчи грамматик маъно ҳосил бўлади: *ўнтача, юзлаб*.

– санок сонга *-та+дан* аффиксининг қўшилишидан предметнинг тақсимини ифодаловчи грамматик маъно ҳосил бўлади: *иккитадан, ўнтадан*.

2. Ҳисоб сўзи (*жуфт, грамм, дона, метр*) билан қўлланилиши унинг ўзига хослигини белгилловчи муҳим омилдан бири.

3. Синтактик категория чекланган воқеланишга эга.

4. Сон ясалиш хусусиятига эга эмас. Бироқ сондан бошқа сўз туркуми ясалади: *бирлашмоқ, иккиланмоқ, бешлик* каби.

Сон қуйидаги синтактик хусусиятга эга.

5. Сон *отдан олдин* келиб, *асосан* аниқловчи вазифасини бажаради.

6. Сон чекланган даражада бўлса-да гапнинг барча бўлаги вазифасида кела олади.

7. Сон *от олдида* аниқловчи вазифасида келганда у билан бирга ажралмас бирикмани вужудга келтиради: *икки талаба келмади* бирикувида *икки талаба* ажралмас бирикма бўлиб, битта бўлак, *икки* сўзи эса бўлакнинг бўлаги вазифасида келган.

8. Сон *ва сифатни* аниқловчи сифатида қўллашга тўғри келганда аввал сон, кейин сифат жойлашади: *учта аълочи талаба, бешта илгор теримчи*.

Соннинг луғавий шакл ҳосил қилувчи воситаси. Сон маъно ва грамматик хусусиятига кўра дастлаб *икки* луғавий мавзувий тўдага бўлинади: «миқдор сон» луғавий мавзувий тўдаси ва «тартиб сон» луғавий мавзувий тўдаси. «Миқдор сон» луғавий мавзувий тўдаси предметнинг

миқдорини, «тартиб сон» луғавий мавзувий тўдаси эса тартиби, сирасига кўра хусусиятини билдиради.

Бу луғавий мавзувий тўда ўзаро қуйидаги муносабатга эга:

–миқдор сон ички луғавий-маъновий гуруҳга эга. Тартиб сон ЛМТси бир вақтнинг ўзида луғавий-маъновий гуруҳ ҳамдир;

–миқдор сон ҳисоб сўзи билан қўллана олади, тартиб сон эса бундай хусусиятга эга эмас;

–миқдор сон жуфтлаша олади, тартиб сонда эса бундай хусусият йўқ;

–миқдор сонга *бешидан бир, учга бир* каби бирикмали қўлланиш хос, тартиб сонга эса хос эмас;

–миқдор сон кўплик шаклини олганда тахминий миқдор билдиради (*учларда келди*), тартиб сон эса бундай ҳолда отлашиб кетади: *биринчилар – биринчи одамлар*.

«Тартиб сон» луғавий-маъновий гуруҳси. Тартиб сон предметнинг аниқ тартибини, кетма-кетликдаги ўрнини билдириш, шунингдек, бошқасидан фарқини кўрсатиш учун ишлатилади.

Тартиб сон санок сонга *-(и)нчи* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлди.

-(и)нчи аффикси ўрнида баъзан *-ламчи* шакли ҳам ишлатилади. Масалан: ***Бирламчи***, *ғаламис одамларнинг гапига қулоқ солманглар, иккиламчи, ўзларинг биласизлар, мардикорликка кетганлар кўпи билан олти-етти ойларда қайтишади...*(А.Қаҳ.)

Тартиб сон феъл билан боғланганда миқдорни ҳам англатади: *Бу гапни биринчи эшитишим.* (С.Аҳм.)

Тартиб сон ой кунининг тартибини билдирганда вақт билдирувчи отдан олдин келади: *иккинчи апрель, йигирма учинчи апрель, ўн саккизинчи март, йигирманчи ноябрь* каби. Бу рус тилининг таъсири, албатта. Соф ўзбекча ой куни ҳисоби *апрелнинг иккинчи куни, ноябрнинг йигирманчи куни* тарзида бўлади.

Тартиб соннинг отлашган ва отлашмаган ҳолатини фарқлаш лозим. *Одамларнинг биринчиси, ўқувчиларнинг бешинчиси* бирикувида сондаги эгалик қўшимчасидан олдин туширилган отни қўйиб бўлмайди. Демак, бу сон отлашмаган. *Биринчи китобни сен оласан, иккинчисини мен гапида иккинчи тартиб сони отлашган.*

«Микдор сон» луғавий мавзувий тўдаси ва унинг луғавий-маъновий гуруҳи. Микдор сон предметни санаш, доналаш, тақсимлаб ёки тахминлаб кўрсатиш учун ишлатилади. Унинг қуйидаги луғавий-маъновий гуруҳи ажратилади: «санок сон» луғавий-маъновий гуруҳ, «дона сон» луғавий-маъновий гуруҳ, «чама сон» луғавий-маъновий гуруҳ, «жамловчи сон» луғавий-маъновий гуруҳ, «тақсим сон» луғавий-маъновий гуруҳ.

«Санок сон» луғавий-маъновий гуруҳ. Санок сон предметни санаш, доналаб кўрсатиш учун ишлатилади: *Хатни ўқиётганимда, камтир икки қўлини тиззасига тираб, жимгина қулоқ солиб ўтирди.* (С.Аҳм.) *Икки дўст ярим тунга қадар суҳбатлашиб ўтиришди.* (Ё.Шук.)

Санок сон морфологик кўрсаткичга эга эмас.

Санок сон от билан синтактик муносабатга киришганда мустақил ва номустақил синтактик мавқеда бўла олади. Мустақил мавқеда аниқланмишдан айрича сўроққа жавоб бўлиб, алоҳида бўлак мақомига эга бўлади: *Беш* (аниқл.) *киши* (эга) *сўзлади* (кесим). Номустақил мавқеда тарқибий қисм сифатида юзага чиқади: *Беш киши* (эга) *келишди* (кесим).

Санок сон қўшма сифат ҳосил қилиши мумкин: *беш яшар бола, уч чақиримли йўл.*

Санок сон сирасида *бир* сўзи қўлланиш ва вазифаси жиҳатидан қатор ўзига хосликка эга.

1. «микдор» маъноси: *Яна бир гапни айтинг.* (С.Нур.)
2. «ноаниқлик» маъноси: *Бир ўзбек йигити сўзлай бошлади.* (Ойб.)
3. «ҳаракат белгиси» маъноси: *Машина бир лапанглаб, илгарилади.* (С.Аҳм.)
4. «мўлжал» маъноси: *Эртага бир дам олинг.*
5. «бир хил» маъноси: *Тилинг билан кўнглингни бир тут.*
6. «кучайтириш» маъноси: *Ёмғир бир ёғди.*
7. «навбатма-навбат» маъноси: *Бола бир бизга қарайди, бир отасига қарайди.*
8. «ўхшашлик» маъноси: *У менинг бирим.*
9. ЖК да «биргалик» маъноли равишга ўтади: *бирга ишламоқ.*
10. ЧК да «тўсатдан» маъноли равишга ўтади: *бирдан қичқириб юборди.*

11. *-дай* шакли билан равиш бўлиб келади: **бирдай**.
12. *-ов* аффиксини олиб «гумон» маъноли олмош: **Биров келди**.
13. *-ор/-он* аффиксини олиб келади: **бирорта, биронта**.
14. *-гина* юкламаси билан «чегаралаш» маъноси: **биргина**.
15. фонетик ўзгарган ҳам юкламаси билан «кучайтириш» маъноси: **бирам**.
16. *-оқ* элементи билан боғловчи вазифасида: **биروق**.

Шунингдек, **бир** сўзи *ров, пас, нафас, зум, пайт, йил, вақт, ой, кун (бирров, бир пас, бир нафас), неча, мунча, сидирга, оз, мунча, қадар (бир неча, бир оз, бир мунча), нима, нарса (бир нима, бир нарса), қатор, талай (бир қатор, бир талай), хил (бир хил), баъзи, ҳар, қайси (баъзи бир, ҳар қайси)* сўзи билан бирга кела олади.

Бир сўзи такрорланиб кела олади: **бир-бир** («тартиб билан» маъносида), **бирма-бир** («батафсил» маъносида), **бирдан-бир** («ягона» маъносида), **бир-биридан** («ўзаро» маъносида), **бир-бирига** («бири иккинчисига» маъносида).

Ўзбек тилида *бир* сўзи *илк, якка, ёлғиз, ягона* сўзи билан маънодошлик касб этади.

Санок соннинг ҳисоб сўзи билан қўлланлиши. Санок сон ўлчов бирлигини ифодаловчи сўз билан бирга қўлланилиши ҳам мумкин: *гектар, таноб, тош, бош, туп* каби. Бундай сўз *ҳисоб сўзи* (нумератив) дейилади. Ҳисоб сўзи одатда от туркумидан бўлади ва алоҳида луғавий-маъновий гуруҳни ташкил этади.

Ҳисоб сўзи ўзи бириккан сон билан бирга ажралмас синтактик бирликни ташкил этиб, гапда бир синтактик позициядан ўрин олади.

Ҳисоб сўзи қадимдан ўзбек адабий тилида фаол қўлланган. Бугунги кунда унинг айрими бутунлай истеъмолдан чиқиб кетган ёки жуда кам ишлатилади. Унга *қадок, жон, таноб, газ, саржин, пайса, тахта, энлик, сўлкавой, тош, пуд, маҳал, юмалоқ (чой), меҳнат куни* (уч меҳнат куни).

Гектар, градус, киловатт-соат, кубометр, метр (сантиметр, миллиметр), минут, пар, пачка, сотих, центнер, меҳнат куни каби ҳисоб сўзи ўзбек тилига XX асрда кириб келган.

Ҳисоб сўзи тизими очиқ система.

Ҳисоб сўзи луғавий-маъновий гуруҳси қуйидаги микросистемадан ташкил топади:

1. Предметни яккалаб ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: *бош, нафар, дона, нусха, туп, жон.*

2. Предметни бутун ёки тўданинг қисми сифатида ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: *бурда, варақ, луқма, парча, пой, сиқим, тилим, томчи, тўғрам, чақмоқ, чимдим, шингил, қултум.*

3. Предметни тўдалаб, гуруҳлаб ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: *боғ, гала, гуруҳ, даста, тўда, тўп, шода, қучоқ, ҳовуч.*

4. Предметни жуфтлаб ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: *жуфт, (пар).*

5. Предметнинг оғирлик ўлчовини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: *грамм, килограмм, литр, пуд, тонна, центнер, мисқол, қадоқ, ботмон, коса, пиёла, қоп, қошиқ, қути.*

6. Предметнинг узунлик ва масофа ўлчовини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: *қадам, қарич, қулоч, метр, тош, чақирим, километр.*

7. Ёш ҳисобини билдириш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: *яшар, ёшдаги, ёшли.*

8. Вақт ўлчовини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: *аср, йил, кун, кеча-кундуз, ой, ҳафта, дақиқа, сония.*

9. Қиймат ўлчовини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: *сўм, тийин, мири, пақир, динор, доллар, рубль.*

10. Ҳаракат миқдорини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи: *марта, карра, қатла, дафъа, сидра.*

«Дона сон» луғавий-маъновий гуруҳ. Дона сон *-та* қўшимчаси ва *дона, нафар, бош* каби ҳисоб сўзи билан ҳосил қилинади. *-та* қўшимчали дона сон предметнинг миқдорини доналаб кўрсатиш учун ишлатилади: **Битта баргни узиб Зокир отага узатди.** (А.Қаҳ.)

Бу аффикс ҳар қандай сон ўзагига қўшилиб кела олади: *тўққизта, ўн тўртта, уч юзта, етти юзта.* Ундан кейин кўплик шакли қўшилмайди.

Эгалик аффиксининг дона сон қўшилишидаги ўзига хослик шундаки, бунда кўплик III шахс бирлик (*биттаси, олтмиш-олтитаси*) ва бош шахснинг кўплик (*сизнинг бештангиз, бизнинг ўнтамиз*) шакли фаол.

Дона сон феъл олдида келганда тарз маъносини ифодалаб, гапда ҳол бўлиб келади: *Мен битта гапираман.*

Дона сон юклама олиб, чегаралаб, айириб, доналаб, камайтириб кўрсатиш маъносини ҳам ифодалайди: *тўрттагина, учтагина.*

Дона сон кўрсаткичи *нафар, бош, жон, дона* сўзи билан маънодошлик муносабатида бўлади: *битта – бир дона, ўнта - ўн нафар, бешта- беш - жон* каби.

«Чама сон» луғавий-маъновий гуруҳ. Чама сон *-тача, -лаб, -ларча* қўшимчаси, соннинг жуфт шакли, *тахминан, қарийб, тақрибан, чамаси, яқин, камида, ортиқ/мўл(роқ)* каби равиш ва бошқа туркум сўзи орқали ҳосил қилинади: *ўнта ишчи, миллионлаб юртдошлар, ўнларча машина, соат ўн бирлар, уч-тўрт кун, тахминан ўнта, юзга яқин, камида беш мингта, саксон беш мингдан ортиқроқ.*

Ҳисоб сўзи билан келган сон *-ча* қўшимчаси билан чама маъносини беради: *уч йилча бурун, беш километрча.*

«Жамловчи сон» луғавий-маъновий гуруҳ. Жамловчи сон бир турдаги предметнинг миқдорий йиғиндисини ифодалайди. У *ўн* сонидан қуйи турувчи сонга қўшилади. У қуйидагича ҳосил қилинади:

1) *икки, уч, тўрт, беш, олти, етти* сонига *-ов/-овлон* аффикси қўшилади: *икков(лон), учов(лон), тўрттов(лон), бешов(лон), олтов(лон), етов(лон).* Жамловчи сон эгалик категориясида келиши мумкин: *бешовимиз, иккови.* Бу ҳодиса отлашув саналмайди.

2) *икки, уч, тўрт* сўзи *-ала* қўшимчасини олиб жамлаш маъносини ифодалайди: *иккала, учала, тўртала, бешала.*

«Тақсим сон» луғавий-маъновий гуруҳ. Тақсим сон луғавий-маъновий гуруҳ -тадан луғавий шакли орқали ҳосил қилинади: *биттадан, ўнтадан.* Тақсим сон гапда от ёки феъл олдидан келиши мумкин: *ўнтадан олма, бештадан олди.*

Соннинг бутун ёки қисмни ифодалашига кўра тури. Сон бутун ёки қисмни ифодалашига кўра уч турга бўлинади:

- 1) бутун сон;
- 2) қаср сон;
- 3) аралаш сон.

Бутун сон нарса-миқдори ёки саноғини унинг бутун ҳолатида ифодалайди: *бир, юз, икки минг*.

Каср сон бутуннинг бўлагини, улушини ифодалайди: *иккидан бир, чорак, ярим*.

Аралаш сон бутун ва каср соннинг бирлигидан ташкил топади: *бир бутун учдан икки*.

Соннинг бутун ёки қисмни ифодалашига кўра турга бўлинишини луғавий-маъновий гуруҳга ажратишдан фарқлаш лозим.

Соннинг тузилишига кўра тури. Сон тузилишига кўра *содда* ва *мураккаб* бўлади. Содда сон бир ўзакли бўлади: *бир, беш, минг, ярим*. Мураккаб сон ўз ўрнида учга бўлинади: а) *жуфт сон*; б) *такрорий сон*; в) *қўшма сон*.

Жуфт сон икки соннинг жуфтлашишидан ташкил топади: *уч-тўрт, беш-олти*.

Такрорий сонда бир ўзак такрорланади: *битта-битта, учта-учта, бешта-бешта*.

Қўшма сон бирдан ортиқ мустақил сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўлади: *ўн беш, бир минг олти юз, уч бутун бешдан бир, бир ярим*.

7-§. Равиш, унинг грамматик ва луғавий маъно гуруҳи

Равиш ва унинг умумий грамматик маъноси. Равиш ҳамиша тилшуносликнинг бош муаммосидан бири бўлиб келган. Уни атрофлича ўрганган олим В.В.Виноградов «мусмтақил сўзнинг ҳеч бир гуруҳига сифмай қолган сўз равиш туркумига йиғилган» деб ҳаққоний баҳо берган эди. Унинг маъно ва вазифаси от, сифат, сон, олмошга яқин туриши араб ва Европа тилшунослигида қайд этилган. Шарқ ва ғарб тилшунослиги равишни маъно ва вазифаси жиҳатидан эмас, балки бошқа бирортасига хос бўлмаган белги – ўзгармаслик белгиси билан исмдан фарқлайди. Бироқ ўзбек тили грамматик қурилишининг тавсифига бағишлаб ёзилган кўплаб илмий адабиёт ва дарсликда равишнинг ўзгармаслик табиати инобатга олинмаган. Тилшунослар ўзбекча равишни рус тилидаги «наречие»нинг муқобили сифатида талқин қилишиб, натижада *кеча, кундуз, тонг, оқшом* каби пайт оти, *атроф, ўрта, у ерда, бу ерда, олд, орқа* каби ўрин оти, *оз,*

мўл, бутун, тўла каби миқдор сифати, *кейин, наст, баланд, юқори* каби ўрин сифати равиш туркуми доирасида ўрганилган.

«Асосан ҳаракатнинг, қисман предметнинг белги, миқдор ёки ҳолатини билдирувчи ўзгармас сўз» равишнинг сўз туркуми сифатидаги умумий грамматик маъноси.

Равиш ўзгармас сўз туркуми сифатида. Равиш мустақил маъноли ўзгармас сўз. У белги, миқдор ёки ҳолатни, ўрин, пайт маъносини ифодалайди ва бу жиҳатидан от, сифат, сонга яқин туради. Ундан фарқли жиҳати шундаки, сўз ўзгартирувчи, шакл ясовчи кўшимча билан бирика олмайди. Масалан, от кўплик, сифат даража шаклини қабул қилади. Масалан, *тонгда, оқишомда, кундузи, кўпроқ, озроқ, баландроқ* каби. Айрим тил бирлигида учрайдиган эгалик категорияси, КК шакли равишнинг ўзак қисмида соддалашган, яъни ўзак билан яхлит ҳолга келиб қолган: *бирдан, зимдан, тўсатдан, кечаси, бирга*. Бундан ташқари қадимги даврда кенг истеъмолда бўлган *-ра* (жўналиш келишиги) (*сўнгра, узра*), *-а*, (*қайта, кўтара*), *-ин (-ун)* (*бирин-кетин, остин-устун*) кўшимчаси ҳам равиш таркибида қотиб қолган.

Равиш туркумини талқин қилишда унинг ўзгармаслик хусусиятини эътиборга олиш унинг сўз туркуми сифатидаги хусусиятини белгилашда қатор қарама-қаршиликка нуқта қўяди.

Илмий манбада, дарслик ва қўлланмада *энг, жуда, ниҳоят, зоят, ланг, гирт* каби сўз кучайтирув равиши деб қаралади. Ҳолбуки, бу шакл равиш олдидан келиб белги маъносини кучайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун кейинги йилда айрим тадқиқотчи бу унсурнинг равиш эмаслигини, чунки равиш каби мустақил луғавий маънодан холилигини таъкидлашиб, кучайтирув юкламаи сирасида ўрганиш лозимлигини уқтиради.

Равишнинг луғавий-маъновий гуруҳи. Равиш ҳолат, миқдор-даража, ўрин, пайт, мақсад, сабаб луғавий-маъновий гуруҳга бўлинади.

Пайт равиши. Пайт равиши ҳаракатнинг вақтини, пайтини, муддатини билдиради: *энди, саҳарлаб, ҳали, доим, индин* каби. Пайт равиши гапда кўпинча ҳол, баъзан кесим бўлиб келади: *Бугун эрта туриб тонгни кўрдим.* (Уйғ.) *Бугуннинг ҳаками эрта.* (А.Худ.)

Ўрин равиши. Ўрин равиши ҳаракатнинг юз бериш ўрнини билдиради: *олға, узра.*

Эслатма. Ўрин равишини ўрин отидан фарқламоқ керак. Бунга ўрин отининг морфологик ўзгариши асос қилиб олинади: *атрофимиз, ўртада, ўртадан, ичкарида, ўнгдан, чапда, олдида, у ердан* каби.

Ҳолат равиши. Ҳолат равиши ҳаракатнинг бажарилиш усулини, тарзини билдиради. Шу боисдан у тарз-тус равиши деб ҳам юритилади: *бехосдан, астойдил, мажбуран, қаватма-қават, мардларча, йигитларча.*

Микдор-даража равиши. Микдор-даража равиши микдорий сифат ва даражани ифодалайди: *кўлаб, сал, қарич-қарич, аранг, хиёл, яна* каби. Микдор-даража равиши сонга яқинлашади. Бироқ сон билан «ноаник микдор» белгиси остидаги нотўлиқ зиддиятда белгили аъзо сифатида юзага чиқади.

Мақсад равиши. Феълдан англашилган ҳаракатнинг мақсадини ифодалайди: *атай, атайин, атайлаб, аzza-базза, жўрттага, қасддан.*

Сабаб равиши феълдан англашилган ҳаракатнинг сабабини ифодалайди: *ноилож, ноиложликдан, бекордан-бекорга, чор-ночор.*

Эслатма. Бошқа туркумда бўлгани каби равишнинг ҳам кўпмаънолилиги уни луғавий-маъновий гуруҳга ажратишда қийинчилик туғдиради. Масалан, *нари-бери* равиши ўринни ҳам (*Столни нари-бери сурдик*), ҳолатни ҳам (*У нари-бери нонушта қилди*) ифодалайди.

Равишда сўз ясалиши ҳодисаси. Ўзбек тилшунослигида равиш ясалиши мунозарали. Чунки равишнинг асосий қисми асли бошқа туркумга мансуб соддалашган, яхлитлашган лексема. Шу боисдан аксарият тилшунос равиш ясалишини инкор этишиб, равишлашиш (бошқа туркум сўзининг равишга ўтиши) мавжудлигини тан олишади.

Юқорида санаб ўтилган равиш таркибига диққат қилинса, унда турли сўз ясаш қолипи мавжудлиги маълум бўлади: [*арабча от+ан*], [*от+часига*], [*от+она*], [*от+ларча*] [*от+лаб*] каби.

Кўшма равиш эса [*олмош+от*] (*ҳар гал, ҳар замон*), [*равиш+от*] (*ҳали замон, ҳали бери*), [*сон+от*] (*бир йўла, бир дам*).

Бошқа туркумдаги такрорий сўз равиш бўлиши мумкин: *юзма-юз, қуруқдан-қуруқ* каби.

Тилшунослар равиш туркумининг ясалиш системасига эга эмаслигини *-ан, -она* қўшимчасининг арабча ва тожикча сўз таркибида учрашини, *-ларча, -часига, -лаб* кабининг грамматик маъно ифодалашини

билан ва *-ига/-сига, часига* каби сўзнинг санокли даражада эканлиги билан изоҳлайди.

Равиш гапда кўпинча феълга боғланиб ҳол, отга боғланиб сифатловчи вазифасида келади. Бу равиш умумий грамматик маъносининг таркибий қисми.

Равишнинг тузилишига кўра тури. Равиш тузилишига кўра *содда* ва *мураккаб* турга бўлинади.

Содда равиш бир ўзакли бўлади: *бугун, индин, эртага, эрталаб.*

Мураккаб равиш ўз ўрнида учга бўлинади: а) *жуфт равиш*; б) *такрорий равиш*; в) *қўшма равиш*.

Жуфт равиш икки сўзнинг жуфтлашишидан ташкил топади: *яна-тагин, эсон-омон; очин-тўқин, олдинма-кейин, қишин-ёзин; узил-кесил, ура-сура, унда-бунда; ора-сира, ора-чора, рўй-рост, сал-нал, чала-чулпа, эмин-эркин, оз-моз, ҳуда-беҳуда; аzza-баzza, апил-тапил, эран-қаран, ўлда-жўлда.*

Такрорий равишда бир ўзак такрорланади: *галма-гал, зинҳор-базинҳор, тўғридан-тўғри, эс-эс, ўқтин-ўқтин, аҳён-аҳёнда.*

Қўшма равиш бирдан ортиқ мустақил сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўлади: *бир йўла, бир мунча, бир талай; бажонудил, баҳолиқудрат, бақадриҳол; ҳар йили, ҳар ёқ, ҳар дам; шу заҳоти, шу аснода.*

8-§. Таклид, унинг грамматик ва луғавий маъно гуруҳи

Таклид ва унинг умумий грамматик маъноси. Таклид ўзбек тилида катта бир гуруҳни ташкил этади ва мустақил сўз сирасидан ўрин олган. Бунинг бир нечта илмий асоси бор.

Биринчидан, туркий тилда таклид микдоран кўп ва маъно жиҳатдан ранг-баранг.

Иккинчидан, ундаги товуш тизмаси маълум объектив воқелиқдан хабар бериб туради.

Учинчидан, у гап таркибида маълум бир синтактик позиция эгаллайди.

Тўртинчидан, таклид морфологик жиҳатдан ўзгарувчан.

Тақлид ўзбек тилининг муҳим ифода воситаси. Унинг ифода томони мазмун томони билан табиий боғланишга эга. Бу қуйидаги сўз қаторини қиёслаш асосида ҳосил бўлади:

- 1) *тақ-тиқ/туқ-туқ/тўқ-тўқ/тақ-тақ;*
- 2) *лиқ-лиқ/луқ-луқ/лўқ-лўқ/лақ-лақ;*
- 3) *тирс-тирс/тарс-тарс/тарс-тирс;*

Кўринадики, фонетик қиёфаси тор унли ва қаттиқ ундошдан иборат бўлган тақлиддаги белги даражаси кенг унли ва қаттиқ ундошдан иборат тақлид ифодалаган белгидан паст. Бу тақлиддаги шакл ва мазмуннинг табиий боғланишини кўрсатади.

Тақлид жамиятнинг ҳар бир аъзоси тушунадиган турли маънога эга. Масалан, *тақ-тиқ/туқ-туқ/тўқ-тўқ/тақ-тақ* тақлиди орқасида нимадир ётгани ва маълум бир борлиқ ҳодисасини ифодалаётгани шу тил жамиятининг барча аъзоси учун тушунарли.

Тақлиддаги маъновий ғайриоддийлик уни бошқа мустақил сўз туркумидан ажратиб туради. Бироқ маъновий ғайриоддийлик фақат тақлидгагина хос эмас. Буни олмошда ҳам кузатиш мумкин. Чунки унинг маъноси фақат матн таркибидагина англашилиб, шу боисдан «ичи бўш» сўз сифатида баҳоланади. Аммо бу «маъновий бўшлиқ» олмошни мустақил сўз сифатида қарашга монелик қилаолмаган. Демак, бу номустақил сўз сифатида қараб келинган тақлиднинг ҳам «мустақиллашуви»га тўсиқ бўла олмаслиги керак.

Тақлид морфологик жиҳатдан ўзгарувчан бўлиб, бу билан тўла маънодаги мустақил сўз бўлган равишдан ҳам устун туради: *одамларнинг говур-гувори, эшикнинг тақир-туқуридан* каби.

Тақлид чекланмаган мучаланувчанликка эга:

1. Кесим: *Атроф гала-говур.*
2. Эга: *Тақир-туқур тинмади.*
3. Ҳол: *Шабада гир-гир эсади.*
4. Тўлдирувчи: *Одамларнинг вагир-вуғуридан қулоқлар битгудек.*
5. Аниқловчи: *Маҳаллада дув-дув гап.*

Демак, тақлид «борлиқ ҳодисасига тақлиднинг лисоний ифодаси» умумий грамматик маъносига эга.

Кўринадик, ўзбек тилидаги тақлид семантик-морфологик-синтактик жиҳатдан мустақил сўз мақомига эга.

Тақлиднинг луғавий мавзувий тўдаси. Тақлиднинг айрими товушга тақлидни ифодаласа, иккинчи бир хили кўриниш-ҳолатга тақлидни ифодалайди. Шу боисдан «товушга тақлид» ва «кўринишга тақлид» луғавий мавзувий тўдаси фарқланади.

«Товушга тақлид» луғавий мавзувий тўда. Бу луғавий мавзувий тўда аъзоси киши, жонивор, нарса ва ҳодиса пайдо қилган товушга тақлид қилиш натижасида пайдо бўлади. луғавий мавзувий тўда ўз ўрнида иккига бўлинади:

1. «Физиологик товушга тақлид» луғавий-маъновий гуруҳ: *қаҳ-қаҳ, хур-хур, хир-хир, миёв-миёв.*

2. «Физик товушга тақлид» луғавий-маъновий гуруҳ: *тап-туп, тақир-туқур, типир-типир.*

«Кўринишга тақлид» луғавий мавзувий тўда. Товушга тақлид сўз эшитиш билан боғлиқ ҳодисани ифодаласа, кўринишга тақлид сўзи кўриш билан боғлиқ ҳодисани акс эттиради. Бу луғавий мавзувий тўда ҳам ўз ўрнида:

1. «Ҳаракатни ифодаловчи тақлид» луғавий-маъновий гуруҳ: *дик-дик, лик-лик, лапанг-лапанг, шип-шип.*

2. «Ташқи кўринишни ифодаловчи» луғавий-маъновий гуруҳ: *ҳил-ҳил, жиқ-жиқ, мўлт-мўлт.*

3. «Ёруғликни ифодаловчи тақлид» луғавий-маъновий гуруҳ: *лип-лип, жимир-жимир, ялт-юлт, йилт-йилт.*

Тақлиднинг тузилишига кўра тури. Ўзбек тилида тақлид жуфт ва такрорий кўринишда бўлади.

Жуфт тақлид: *гарч-гурч, тақ-туқ, вағир-вуғур, гинг-пинг, аланг-жаланг, апир-шапир.*

Такрорий тақлид: *гув-гув, дув-дув, шартта-шартта, чўлп-чўлп, шақа-шақ, гуппа-гуппа.*

Эслатма. Тақлид *этмоқ, демоқ, қилмоқ* феъли билан келганда қўшма феъл вужудга келади: *гув-гув этмоқ, дув-дув қилмоқ, чўлп-чўлп қилмоқ.*

9- §. Олмош

Маълумки, сўзлар маъновий белгисига кўра уч типга бўлинади:

а) мустақил маъноли сўзлар (фёъл, от, сифат, сон);

б) бўш - ишора маъноли сўзлар (олмош);

в) ёрдамчи маъноли сўзлар (кўмакчи, боғловчи, юклама, кўмакчи фёъллар).

“Ишоравийлик” рамзи билан аталувчи олмошлар бошқа лексемалардан ажралиб туради. Ўзбек тилшунослигида олмошларнинг доираси ва вазифаси зўрма-зўракилик билан анча чегараланиб “от, сифат, сон ўрнида қўлланувчи сўзлар” деб ўта тор тушунилган. Ваҳоланки, бу билан олмошнинг нафақат от, сифат, сон, балки фёъл, равиш, тақлид, ундов, гап ва, ҳатто, матнни алмаштира олиш, уларга ишора этиш хусусияти ҳисобга олинмаган эди. Олмошлар гуруҳига *мен, сен, у, биз, сиз, улар* каби шахсга; *ким, нима, бу, ана, мана, мана бу* каби предметга; *қандай, бундай, шундай* каби белгига; *бунча, шунча, қанча* каби миқдорга; *қачон* каби пайтга; *қаер* каби ўринга; *шундай бўлмоқ, қандай қилмоқ* каби ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи лексемалар киради. Шунини айтиб ўтиш жоизки, олмошлар ҳамма вақт ҳам қандайдир бир сўзни “алмаштириб”, унинг ўрнида келавермайди. Мисол: 1.*Ким меҳнат қилса, у роҳат кўради.* 2. *Мен кеча келдим. Сен буни биласан.* 3.*Нима қилсам ҳам мен ўзим биламан.* 4. *Ҳамма меҳмонлар бизникида.* 5.*Барча мушуқлотлар осон бўлди* каби гапларда кишилиқ, белгилаш, ўзлик олмошлари ҳеч бир сўзни алмаштирмаган.

Араб тилшунослигида олмошлар алоҳида сўз туркуми сифатида берилмаган, балки ҳар бир сўз туркуми ичида “яширин маъноли сўзлар” (*замирлар*) сифатида алоҳида гуруҳларга ажратилган. Чунончи, *китоб, дафтар, Аббос* – аниқ маъноли отлар бўлса, *мен, сен, ким* – яширин маъноли отлар (*замир отлар*) . Ёхуд *оқ, қизил, чиройли* — маълум маъноли сифат ҳисобланса, *бундай, шундай* кабилар “замир сифатлар” .

Олмошлар шахс, предмет, белги ёки миқдорга хос бўлган умумий (мавҳум) маънони англатади. Олмош билдирувчи маъно нутқ жараёнида аниқ юзага чиқади. Улар ўзи алмаштирувчи сўз каби морфологик жиҳатдан ўзгаради.

Олмош қайси сўз туркуми ўрнида қўлланса, шу туркумга хос синтактик вазифани бажаради: *Ўқитувчи дарсга кирди. У ўқувчилар билан саломлашди.* Олмошлар ўзидан олдин аниқловчи талаб қилмайди: *Ҳамма хурсанд ва шод. У китобни ўқиди.* Олмошлар ифода этадиган ишоравий маъносига кўра қуйидаги маъно гуруҳларига бўлинади:

1. Кишилиқ олмошлари.
2. Кўрсатиш олмошлари.
3. Ўзлик олмошлари.
4. Белгилаш олмошлари.
5. Сўроқ олмошлари.
6. Гумон олмошлари.
7. Бўлишсизлик олмошлари.

Кишилиқ олмошлари шахс олмошлари деб ҳам юритилади, чунки шахсга ишора қилиб келади. Шахс олмошларининг қўлланишида айрим ўзига хослик бор. Шахслар ўз маъносидан ташқари кўчган ҳолда қўлланиши мумкин. Чунончи:

1. *Биз* олмоши II шахс кўпликдаги *сиз* олмоши ўрнида қўлланади: *Қани, энди биз ишга тушайлик.* Бунда ташвиқ маъноси англашилиб туради.

2. Кўпликни ифодаловчи олмошлар бирлик учун қўлланади: *Бу ишни биз уддаладик.* Ушбу гапда *мен* ўрнида ишлатилган *биз* мақтаниш, кибр маъносини ифода этипти.

3. *Мен* ўрнида *биз* олмоши ишлатилиб, камтарликни ифодалаши мумкин: *Биз* бу мақолада ечимини кутаётган муаммони олиб чиқдик.

4. *Сен* ўрнида *сиз*, *у* ўрнида *улар* олмоши ишлатилиб, ҳурмат маъносини ифодалайди: *Сиз* бугун дарсда фаол иштирок этдингиз. *Мен* бувимни яхши кўраман. *Улар* ҳам мени севадилар.

5. *Сиз* олмоши, кўпинча, бирлик сонда ҳурмат маъносида қўлланилганлиги сабабли иккинчи шахс кўплик сонда *сизлар* шакли ишлатилиши мумкин: *Сизлар* келажагимиз.

6. Кишилиқ олмошларига *-лар* қўшимчаси қўшилганда турли хил маънолар воқеланади:

- *Сенларга айтяпман* (камситиш маъноси).
- *Сизларда инсоф борми?* (кўплик маъноси).

Кўрсатиш маъносини англаувчи олмошлар (*бу, шу, мана, ана, у, ўша, ҳов* ва бошқалар) шахс, предмет, белгини алоҳида кўрсатиш, таъкид маънолари учун хизмат қилади. Улар ифодаловчи (ишоравий) ном ҳам турлича:

- шахс ёки предметга ишора қилади: – *Сиз ўшамми?* (А. Қод.)
- белгига ишора қилади: *Менда ҳам шунақа китоблар бор.*
- вақтга ишора қилади: *Шу-шу Фотима келмай қолди.*
- ўринга ишора қилади: *Сиз – унда, биз – бунда.*

Ўзлик олмоши. Бу олмош тури «таъкид», «тегишлилик» маъносини англатади: *Менинг ўзим биламан.* «Ўхшатиш» маъноси ҳам матндаги ўз сўзи орқали ифодаланади: *Онасининг ўзи.* «Умумийлик», «ноаниқлик» каби маънолар – *Ўзим.* (*шунчаки*) турдаги гапларда рўёбга чиқади.

Сўроқ олмошлари шахс, предмет, белги, ҳаракатни аниқлаш мақсадида ишлатилади. Улар қуйидагиларга бўлинади:

- шахсга нисбатан қўлланувчи олмошлар (*ким, кимлар*);
- воқеа-ҳодиса, предметларга нисбатан қўлланувчи олмошлар (*нима, нималар*);
- белгини аниқлашга қаратилган олмошлар (*қандай, қанақа*);
- сабаб ва мақсадни аниқлашга қаратилган олмошлар (*нега, нима учун, нечук*);
- миқдорга нисбатан ишлатилувчи олмошлар (*неча, қанча*);
- ҳаракат-ҳолатга нисбатан қўлланувчи олмошлар (*нима қилди, нима бўлди*);
- ўрин маъносини ифодаловчи сўроқлар (*қани, қайерда*);
- пайт маъносини ифодаловчи сўроқлар (*қачон, қачонга*).

Бундай олмошлар фақат сўраш маъноларини юзага чиқармайди, маънони бўрттириш (*кимки, нимаки*), риторик сўроқ (*Мен сизга нима дедим?!), таажжуб (Бунинг нимаси ёмон?!)* каби маънони ифода этади.

Белгилаш олмошлари. *Ҳар* сўзи белгилаш олмоши бўлиб, кўпинча, сўроқ олмошлари билан бирикиб келади ва қўшма белгилаш олмошлари ясайди. Жамлик ифодаловчи олмошлар предмет, шахс, белгига нисбатан йиғиндини, тўдани ифодалайди: *ҳамма, япти, ҳар ким, барча, бари, бутун.*

Гумон олмошлари муайян предмет, шахс, белги ёки ҳаракат хусусида ўта мавҳум тушунчани билдиради. Сўроқ олмошлари билан

кўшилиб келадиган *алла-* ва *-дир* ушбу олмошларга ноаниқлик маъносини киритади.

Бўлишсизлик олмошлари маъно жиҳатдан тасдиққа нисбатан зидликни билдиради ва *ҳеч* сўзи билан ҳосил бўлади. Бу олмошлар гапни (фикрни) инкорга айлантиради: *ҳеч нима, ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч маҳал...*

Ўзбек тили тарихида ҳам, ҳозир ҳам баъзан жуда кўтаринки, тантанавор нутқда камтаринлик учун, манманлик қилмаслик учун *мен* кишилиқ олмоши ўрнида *камина, фақир, банда* сўзлари қўлланилади. Булар тилшунослигимизда *от-олмошлар* номини олган.

Олмошлар нутқимизни ўринсиз такрорлардан тозалашнинг, фикрни ихчам баён қилишнинг муҳим воситаси. Улар гапда турли синтактик вазифаларда кела олади: 1. *Менинг ўзим бу юкни кўтара олмас едим.* 2. *Вазифамиз – шу.* 3. *Қандай киши хор бўлур?* 4. *Баҳор келди сени сўроқлаб.*

Олмошларнинг тузилишига кўра турларини қуйидаги жадвалда бериш мумкин:

Олмош	Ш а к л л а р				
	Сода		Қўшма	Жуфт	Такрорий
	Туб	Ясама			
1. Кишилиқ	мен, сен	меники,булар га	-	-	-
2. Кўрсатиш	бу, шу	булар, шуниси	ана бу, мана у	у-бу	ўша-ўша, шу-шу
3. Ўзлик	ўз	ўзим,ўзлари	-	-	ўз-ўзини
4. Сўроқ	ким, нима?	кимга, нималар?	нима учун, нима мақсадда?	-	ким-ким, нима- нима?
5. Жамловчи	ҳамма, бари	ҳаммамиз	ҳар ким, ҳар нима	-	барча-барча, бутун-бутун
6.Бўлишсизлик	ҳеч	-	ҳеч ким, ҳеч нима	-	-
7. Гумон	-	бирова, кимдир	аллаким, алланима	-	-

Биз юқоридаги жадвалда олмошнинг “ясама” шаклини беришда тилшунос олим Ғ.Зиқриллаевнинг фикрларига таяниб, луғавий шакл кўшимчаларини инобатга олдик.

Олмошларда **шахс, ҳурмат, миқдор, муносабат** маъноларининг мужассамлиги ва уларнинг нутқда ранг-баранг усулда воқеланиши, намоён бўлиши тилшунослигимизда аниқланган. Масалан, кишилик олмошларидан *мен, биз* сўзловчи **шахсни, сен, сиз** тингловчи **шахсни, у, улар** ўзга **шахсни** билдиради. **Миқдор** маъносининг ифодаланиши жиҳатидан *мен, сен* бирликни; *биз, сизлар, сенлар, бизлар* кўпликни; *сиз, улар* бирликка ҳам, кўпликка ҳам бетараф маънони англатади. **Ҳурмат** маъноси II ва III шахс олмошларига хос. **Муносабат** маъноси кишилик олмошларининг келишик кўшимчаларини олиб ўзгаришида юзага чиқади. Кишилик олмошларига эгалик маъноси ҳам хос. Ушбу олмошлар қаратгич келишигида эгалик маъносини билдиради: *бизнинг университет.* Ўзбек тилида эгалик маъноси кишилик олмошига –*ники* кўшимчасини кўшиш билан ҳам ифодаланади: *меники, бизники, сеники* каби. Юқоридаги маъноларнинг ифодаланиш тарзини бошқа луғавий-маъновий гуруҳларда ҳам кузатиш мумкин.

10- §. Ёрдамчи сўз

Лексемаларнинг маъновий таснифидаги “маъновий номустақиллик” тушунчаси. Барчага маълумки, лексик сатҳ бирликлари икки катта гуруҳга бўлинади: мустақил сўзлар ва ёрдамчи сўзлар. Булар орасидаги зидланишни маъновий ва вазифавий номустақиллик ташкил этади. Бу зиддият белгисига кўра ёрдамчи сўзлар белгили, мустақил сўзлар эса белгисиз аъзо мавқеини эгаллайди. Ёрдамчи сўзлар ҳеч қачон мустақил қўлланмайди, боғлиқ қуршовлардагина кела олади. Мустақил сўзлар эса мустақил қўлланилиш ва маъно ифодалаш қобилиятига эга.

Лексемаларнинг маъновий таснифида илк босқич белгиси “маъновий мустақиллик” эмас, “маъновий номустақиллик” бўлишининг сабаби мустақил лексемаларнинг бу белгига нисбатан бетарафлиги. Чунончи, катта гуруҳни ташкил этувчи атоқли отлар (Темир, Анор, Гавҳар) гуруҳида, мавҳум отларда мустақил маънонинг мавжудлиги кишини

шубҳага солади. Мустақил сўзларда “маъновий мустақиллик” белгиси шартли. Ассимиляция тилшуносликда бошқача, биологияда эса тамоман ўзгача талқин этилади. *Лой* адабий тилда бошқача, отарчилар нутқида эса бошқача изоҳланади. Шунга ўхшаш ҳодисаларни сифат, феъл, равишлар ичида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Буларнинг барчаси “маъновий мустақиллик” белгиси мустақил лексемаларда нисбий тушунча, нисбий белги эканлигини кўрсатади. Мана шунинг учун лексемаларнинг маъновий таснифида илк босқичнинг белгиси “маъновий мустақиллик” эмас, балки “маъновий номустақиллик” бўла олади. Ушбу белги асосидаги зиддиятда кўмакчи, боғловчи, юкламалар кучли (белгили) аъзони ташкил этади. Соф кўмакчи, соф боғловчи, соф юкламалар ҳеч қачон мустақил маъноли сўзлар хусусиятига эга бўла олмаганлиги туфайли уларнинг гуруҳига ўта олмайди.

Ёрдамчи сўзларнинг “оралиқ учинчи” табиатига эгаллиги. Тилшуносликда ёрдамчи сўзларнинг лексемалар ва кўшимчалар орасида “оралиқ учинчи” бўлиб, ҳам лексемалар, ҳам грамматик морфемалар хусусиятини ўзида мужассамлаштириши аниқланган. Улар шаклан лексема, мазмунан кўшимчадир (қиёс: *Китобни акамга/акам учун олдим.*) Шу туфайли бўлса керак, тил тизимида ёрдамчи сўзларнинг ўрни турлича баҳоланади – айрим олимлар уларни кўшимчаларга, айримлари нутқ бўлакчаларига, баъзиларини ёрдамчи сўзларга нисбат берадилар. Ёрдамчи сўзларнинг сўзми, кўшимчами ёки мустақил сўзларнинг ёрдамчи сўзлар билан боғланиши сўз бирикмасими эканлиги ҳанузгача мунозара мавзуи бўлиб қолмоқда. Чунки ёрдамчи сўзлар гуруҳи ичида шундай бирликлар борки, улар ҳам “маъновий мустақиллик”, ҳам “маъновий номустақиллик” хусусиятига эга (отқўмакчилар, ёрдамчи ва кўмакчи феъллар). Чунончи, “тортиб” мустақил сўз сифатида равишдош каби қўлланилади: *Балиқ қармоқни бир тортиб, қочиб кетди.* Шу сўз *Фарҳод тоғидан тортиб Ширин яйловига қадар Сирдарё бўйлаб тизилиб кетган етмиш минг халқ бу совуқларни писанд қилмайди* (Ойд.) гапида ёрдамчи сўз вазифасида келган. *Тортиб* мустақил ва ёрдамчи маъноларга эга бўлишига қарамай, мустақил лексемалар типига киради. *Учун, сайин, узра, каби, ва* га ўхшаган ёрдамчи сўзлар аниқ бир тушунчани ифодалай олмайди, аммо турли муносабатларни юзага чиқариб ва улар ёрдамчи

сўзлар гуруҳидан жой олади. Юқоридагилардан англашиладики, “алоҳида қўлланила олиш ёрдамчи лексемаларни мустақил лексемалар билан яқинлаштиради, турли-туман муносабатларни ифодалаш каби умумлашган маъно уларни морфемаларга, қўшимчаларга яқинлаштиради ва лексемалар ва морфемалар зиддиятида “оралиқ учинчи” вазифасида келади.

Ёрдамчиларни сўзларга қуйидагилар яқинлаштиради: а) шаклан алоҳида ажралиб туриш; б) луғавий маънонинг мавжудлиги (сифат кўмакчилар, от кўмакчилар, феъл кўмакчиларда...); в) кўпинча уларнинг мустақил сўзларга яқинлашиши, улардан келиб чиқиши. Ёрдамчи сўзларнинг грамматик морфемаларга ўхшаш томони уларнинг морфемалар каби мустақил номинатив функция бажармаслиги (аммо, ва, сайин, каби), қўшимчасимон шаклда бўлиши (-у, -ю, -да; -ки (-ким); -дек (-дай), -ча) ва бошқалар. Бироқ ёрдамчи сўзларнинг грамматик морфемалардан фарқли томони шундаки:

1) улар гап бўлаги, сўз бирикмаси, гап сатҳида синтактик характердаги вазифа бажаради. Бу хусусият кўмакчилар учун хос. Чунончи, 1. *Яхши билан юрсанг етарсан муродга, Ёмон билан юрсанг қоларсан уятга* (Мақ.) 2. *Тўлқинларнинг кучли наъраси, Юлдузларга қадар етарди.* (Уйғ.)

2) гап бўлаклари ёки гапларни ўзаро боғлайди. Бундай функцияда, асосан, боғловчилар ва юкламалар келади: 1. *Хонага баланд бўйли, бироқ ориққина йигит салом бериб кирди.* (С.А) 2. *Саида бу гапни айтди-ю, чиқиб кетди.* (С.Ахм.)

3) сўроқ, инкор ва ш.к. гап маъноларини ифодалашга хизмат қилади (юкламалар).

Ёрдамчи сўз мустақил сўз ва сўз-гап оралиғида «оралиқ учинчи» мақомини олади. Ўз навбатида, ёрдамчи сўз ҳам ўз ичида умумий белгисига кўра оралиқ учинчини ажратиб чиқаради. Яъни боғловчида боғлаш, юкламада гап мундарижасига таъсир қилиш моҳиятни белгилаш даражасида бўлса, кўмакчида саналган ҳар икки белги муштарак. Бу унинг «оралиқ учинчи»лик мавқеини кўрсатади.

Ёрдамчи сўзнинг шаклий хусусиятига кўра тури. Ёрдамчи сўз шаклий хусусиятига кўра:

- а) қўшимчасимон ёрдамчи сўзлар;
- б) соф ёрдамчи сўзлар;
- в) нисбий ёрдамчи сўзлар.

Қўшимчасимон ёрдамчи сўзлар ҳар учала ёрдамчи сўзлар таркибида учрайди. Қўмакчилар орасида *-дек/-дай,-ча*, боғловчилар орасида *-ки/-ким; -у, -ю,-да* аффикссимон юклама - боғловчилар, юкламалар орасида *-ми, -чи, -а, -я, -ку,-о қ (-ё қ), -да, -гина* каби қўшимчага ўхшаш ёрдамчи сўзларни учратиш мумкин. Қўшимчасимон ёрдамчи сўзлар шаклан қўшимчага ўхшайди, аммо ёрдамчи сўзларнинг вазифасини бажаради. Чунончи, *1.Пўлатдек (каби) дадил бир йигит бу ишдан ҳайиқса, уят бўлади.* (О.Мух.) *2.Шу пайт ўғилчаси эшикдан югуриб келди-да (ва), дадасининг қучоғига отилди.* (Ойб.) *3.Базмга Гулнорагина (фақат) келмади.* (С.Аҳм)

Соф қўмакчилар сирасига аввалдан маълум учун, билан, сари, қадар, каби, сингари, сайин, орқали сўзлари; соф боғловчилар сирасига ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, балки, ё, ёхуд, гўё, агар, башарти кабилар; соф юкламалар қаторига худди, фақат, ахир, ҳатто, нақ, атиги сўзлари киради.

Нисбий ёрдамчи сўзлар атамаси остида бошқа туркумга мансуб бўлган сўзнинг ёрдамчи вазифасида қўлланилиши (*олд, орқа, аввал, бўйлаб, бошлаб...*) ёки табиатида “шаклдошлик” мавжуд бўлган бирликлар тушунилади. Масалан, “ёлғиз” сифат туркумига оид сўз юклама ўрнида (*Ёлғиз сенга суянаман*) ишлатилади. Ёки *Вақтида ёмғир ёғади, вақтида қор* гапида *вақтида* сўзининг вазифаси боғловчиларга яқин. Бунга ўхшаш мисоллар нутқимизда кўп учрайди. Ёрдамчи сўзларнинг шаклий хусусиятларига кўра турларини қуйидаги жадвалда умумлаштириш мумкин:

Ёрдамчи сўз Тури	Соф ёрдамчи сўз	Қўшимчасимон ёрдамчи сўз	Ярим ёрдамчи сўз
Қўмакчи	каби, сингари, сари, сайин, довур, учун, орқали	-дек, -дай, дайин, -ча	олд, олдин, орқа, қар аввал, бўйлаб, кўра, қараб, том
Боғловчи	ва, ҳамда, аммо, лекин,	-ки, (-ким), -у, -ю, -да	вақтида, бир, баъ гоҳида

	бирок, чунки, шунинг учун, агар, гўё, токи, башарти, гарчи, хоҳ, дам, ёки, ёхуд, ё		
Юклама	ахир, хатто, фақат, ҳам, нақ, гўё, гўёки, атиғи	-ми, -ку, -гина, -у, -ю, -да, -а, -оқ, (-ёқ), -дир	ёлғиз, баъзан, бир

Жадвалдан кўриниб турганидек, ёрдамчи сўзлар салмоғи мустақил сўзлар ҳисобидан ортиб боради. Ёрдамчи сўзларнинг бойишида яна бир йўл уларнинг ички томондан бир турдан иккинчи турга ўтишидир, аниқроғи, “оралиқ ҳодиса” хусусиятига эга бўлган кўмакчи-боғловчи, боғловчи-юкламаларнинг мавжудлиги. Масалан, *билан, деб, дея* кабилар кўмакчи-боғловчилар. Ушбу кўмакчиларнинг боғловчи вазифасида келиши анча кенг тарқалган ҳодиса. *Аммо лекин бу ишни пайсалга солиш ярамайди* гапида боғловчи-юклама қўлланилган, яъни аммо боғловчиси кучайтирув юкламаси вазифасида келган.

Бугунги кунда ёрдамчи сўзларни ҳар томонлама ўрганиш, уларни лисоний таҳлил қилиш ишлари тилшунослигимизда давом этмоқда.

Кўмакчи. Туркий тилларда (жумладан, ўзбек тилида ҳам) кўмакчилар кўп йиллардан буён тилшуносларнинг текшириш манбаи бўлиб келмоқда. Ўзбек тилидаги кўмакчиларга биринчи бўлиб мукамал таърифни А.Н.Кононов берган: “Кўмакчилар шундай бир группа сўзларки, улар от билан ёки объект билан предикат орасидаги қурол – восита, мақсад, сабаб, пайт, масофа, йўналиш, ўхшатиш каби муносабатларнинг яратилишида хизмат қилади”. Ш.Шоабдурахмонов ҳам ўзининг “Ёрдамчи сўзлар” асарида кўмакчиларга худди шундай таъриф берган: “Кўмакчилар объектнинг объектга ёки объектнинг предикатга бўлган турли грамматик муносабатларини кўрсатувчи ёрдамчи сўзлардир”. Дарҳақиқат, кўмакчилар орасидаги тобе муносабатни ифодалаш ва келишик маъноларини аниқлаш, тўлдириш учун хизмат қилади. Шу хусусияти билан кўмакчи боғловчи ва юкламалардан фарқ қилади. Кўмакчилар маъно ва вазифа жиҳатидан

келишик кўшимчаларига яқин туради. Шунинг учун баъзан келишик шаклларидаан англашилган маъно кўмакчи билан ҳам ифодаланади (*Машинада келдим – машина билан келдим. Укамга олдим – укам учун олдим* каби). Лекин булар келишик аффиксларига қараганда маънони аниқ, конкрет ифодалайди.

Кўмакчиларнинг шаклий хусусиятига кўра турлари. Кўмакчилар шаклий ва бажарадиган вазифаси жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:

- а) соф кўмакчилар;
- б) ярим кўмакчилар;
- д) кўшимчасимон кўмакчилар.

Нутқимизда тез-тез ишлатиладиган *учун, билан, сари, қадар, каби, сингари, сайин, ор- қали* сўзлари соф кўмакчилар бўлиб, улар тобе сўзни ҳоким сўзга боғлашга хизмат қилади. Соф кўмакчилар бошқа сўзларга бириккан ҳолда турли муносабатларни англатади. Жумладан, билан кўмакчиси ўзбек тилида асосан кўмакчи, баъзан боғловчи вазифасида ишлатилади. Шунинг учун бу кўмакчи тури бугунги кунда ёрдамчи сўзлардан бирининг ўрнида иккинчиси қўлланилиши нуқтаи назаридан *кўмакчи-боғловчи* атамаси остида ҳам ўрганилмоқда. *Билан* ёрдамчисининг этимологияси ҳақида проф.А.Н. Кононов, В.В.Радлов, Ж.Дени каби қатор туркийшуносларнинг фикрларини эътиборга олиб, унинг *бирлан* сўзидан келиб чиққанини айтган. *Билан* ёрдамчисининг *бирла, бирлан, била, ила, -ла* шакллари вазн, қофия ва услуб талабига кўра кўпроқ поэзияда учрайди. Чунончи, *Бахт ила тўлиб-тошган гўзал ой дераза тагида ўсган дарахт баргларида мудраб ётади* . (Р.Таг.) Бу кўмакчи қуйидаги маъноларни билдиради:

1) бирор ҳаракатнинг бажарилишида шахс, предметларнинг биргалигини билдиради: *Кўпчилик билан одам ўзини кучли сезади.*

2) ҳаракатни бажаришда восита маъносини билдиради: *Шу гапнинг устига Исмат бобо ҳассаси билан эшикни очиб кириб келди.* (П.Қод.)

3) пайт маъносини ифодалайди: *Кўнгироқ чалиниши билан ўқитувчи синфга кирди.*

4) сабаб маъносини билдиради: *Улар: "Гулнор ўз ажали билан ўлди..."*, – дейишди. (Ойб.)

5) ҳаракатнинг бажарилишидаги ҳолатни ифодалайди: *Онамнинг меҳр билан боқиб турган кўзларини бир умр унута олмасам керак.* (Ойб.)

Билан кўмакчиси кенг тарқалган ёрдамчи сўз. Унинг боғловчилик, кўмакчилик табиати олимларимиз орасида тортишувларнинг бўлишига сабаб бўлган. Шу боисдан “... ва, билан, ҳамда, шунингдек сўзлари ҳозирги ўзбек адабий тилида тенг боғловчиларнинг бириктирув боғловчилари турига киради” деган фикр ҳам илгари сурилган. Аммо бу ўринда шунини қайд этиш керакки, боғловчи вазифасидаги *билан* нинг *ва*, ҳам бириктирув боғловчиларидан фарқланадиган ўзига хос хусусиятлари бор:

– «биргалик» маъноси *билан* ёрдамчиси учун хос: *Чодир саҳнасида бир қиз билан йигит чиқиб ўйин қилди* (М.Исм.). Ушбу мисолдаги *билан* ўрнида *ва* ни қўлласак, юқоридаги маъно келиб чиқмайди, балки қиз билан йигитнинг алоҳида–алоҳида ўйнагани маъноси ифодаланади.

– *ва*, ҳам боғловчилари уюшиб келган феъл кесимларни боғлайди, аммо *билан* да бу имконият чегараланган. Қиёсланг: *Лола ишлайди ва ўқийди. Лола ишлайди ҳам ўқийди.* Аммо *Лола ишлайди билан ўқийди* тарзидаги гап нутқда ишлатилмайди. *Билан* нинг грамматик вазифаси боғловчи *ва* кўмакчи вазифасида кела олишидир; шунга кўра, *билан* бошқа кўмакчилардан фарқланади. Шунинг учун *билан* кўмакчисини *кўмакчи–боғловчи* термини билан атаганимизда унинг барча хусусиятлари намоён бўлади. Бу кўмакчи тури гапда восита маъносини билдирганда тўлдирувчи, сабаб, пайт, ҳаракатнинг бажарилиш тарзини билдирганда ҳол вазифаларида келади.

Учун кўмакчиси аталганлик (*Йўлчи учун келтирган тугунчак ёдига тушиди* (Ойб.)), мақсад (*Ҳамма халқ очдан ўлмаслик учун бир амал–тақал қилиб турибди* (Ойб.)), сабаб (*Кампирнинг аҳмоқлиги ё душманнингизнинг извоси учун шундоқ дейишга қандоқ тилингиз борди?* (А. Қаҳ.)) эваз (*Эътиборингиз учун раҳмат*) каби маъноларда қўлланилиб, тўлдирувчи, мақсад, сабаб ҳоли вазифаларида келади.

Коби, сингари янглиз кўмакчилари бир нарсани бошқа нарсага ўхшатиш, чоғиштириш маъносини англатади. Масалан, *Укам мен коби бечора... гам чекиб ётгандир* (Ойб.). *Коби, сингари* кўмакчилари билан - *дек*, -*дай* кўшимчаларининг маънодошлик хусусияти тилшуносларимиз

томонидан қайд этилган. Формал тилшуносликда бу аффикслар равиш ясовчи кўшимчалар сифатида берилган. *-дек, -дай* аффикслари орқали ясалган равишлар ҳаракат ва ҳолатнинг яшаш асосида ифодаланган нарса ёки белги-хусусият билан ўхшашлигини, қиёслашни билдиради: *тоғ-дек, от-дек, лочин-дай, қадимги-дай, илгариги-дек, аввалги-дек, бурунги-дай, гул-дай* каби. *Қаландаров эртасига кундагидай саҳарда идорага чиқди* (А.Қаҳ.). *У гўё туғилиб ўсган қишлоғини кўрмоқчидай бошини кўтариб ҳаяжон ва соғинч билан узоқларга тикилди* (Ойб.) Бу ўринда ҳам тил ходисаларини изоҳлашда зўрма-зўракилик юзага келган. Натижада нутқимизда тез-тез ишлатиладиган ушбу кўшимчалар нотўғри талқин этилган. Буни қуйидаги оддий қиёсда кўриш мумкин:

<i>-дек, -дай (кўшимчасимон кўмакчи)</i>	<i>каби (сингари, янгли з) (соф кўмакчи)</i>
1. <i>Ойдек гўзал қиз.</i>	<i>Ой каби гўзал қиз.</i>
2. <i>Тоғдек юксак.</i>	<i>Тоғ каби юксак.</i>
3. <i>Лочиндай дадил.</i>	<i>Лочин сингари дадил.</i>
4. <i>Илгаригидек қадрдон бўлиб кетишган.</i>	<i>Илгариги каби қадрдон бўлиб кетишган.</i>
5. <i>Гулдай очилиб менга бир бор қарамайсиз.</i>	<i>Гул янглиз очилиб бизга бир бор қарамайсиз.</i>

Оддий мантиқ *-дек, -дай* кўшимчаси *каби (сингари, янглиз, мисол, мисоли)* соф кўмакчисига синоним эканлигини, *-дек, -дай* кўшимчаларида сўз яшаш хусусияти йўқлигини кўрсатиб турибди.

-дек, -дай кўшимча шаклидаги кўмакчилар ҳамиша ўзидан олдинги сўзга кўшиб ёзилади ва урғули бўлади. *-дек, -дай* кўмакчилари кўп ҳолларда бир-бирини алмаштира олади. Улар битта кўмакчининг икки кўриниши.

-дек, -дай кўмакчи-кўшимчаси ўзининг эски адабий ўзбек тилида кенг қўлланган *-дайн* кўринишига ҳам эга. Бу кўриниш, асосан, ҳозир кўтаринки услубда, шеърятда қўлланилади:

1. *Ойдайн рухсоринга зору интизорман ўзим.* 2. *Зиҳи сарв устида юзунг қамардайн, Қани бир шохи гул сен сиймбардайн.* («Муҳаббатнома»)

-дай кўмакчиси *шундай, бундай, қандай, ундай, алақандай* каби олмошлар; *жиндай, қиттай, арзигудай, айтгандай, жўжабирдай, ўлгудай, довонгирдай* каби равишлар таркибида яхлитланиб, қотиб, ўзақдан ажралмайдиган бўлиб қолган.

Қадар, довур кўмакчилари ҳоким бўлакка тобеланиш муносабатини яратар экан, бунда ўрин, пайт маъноларини ифодалайди. *Қадар* кўмакчиси -га кўшимчали от ва олмошлар билан қўлланиб, «чегара», «ниҳоя» маъноларини билдиради: *Тантанали йиғилиши бошлангунга қадар аския, ўйин-кулги давом етди.* (Ойб.) *Қадар* га маънодош кўшимчасимон кўмакчи сифатида -ча кўшимчасининг тўғри келиши илмий адабиётларда қайд этилган: *Меҳмонлар кечга қадар ўтиришиди – Меҳмонлар кечгача ўтиришиди.*

Орқали кўмакчиси ҳаракатнинг бирор восита билан бажарилишини билдиради: *Анвар ўз истиқболини ёлғиз муҳаббат орқали кўрар эди.* (А.Қод.) *Билан* ва *орқали* кўмакчилари восита маъносини англатишларига кўра маънодошлик ҳосил қилади. Аммо бу маънодошлик маълум контекстлардагина воқеаланади. Ўрин маъносини ифодалаган отлар билан бирикканда *билан* ва *орқали* кўмакчилари синоним бўлади: *Катта йўл орқали юриб бориб чапга бурилдик – Катта йўл билан юриб бориб чапга бурилдик.* Агар кўмакчи бошқараётган от ўрин маъносини ифодаламаса, бу кўмакчилар маънодошлик касб этмайди. Чунончи,... *Йиғитга дераза орқали тўйиб - тўйиб қарашга зор бўлса - да,...*(О.)

Сари кўмакчиси ҳаракатнинг йўналтирилган ўрни, пайти маъносини англатади: *Хирот сари юрдик.* (Ойб.) *Кўкрак оғригим борган сари баттар бўляпти.* (Ойб.) *Сари* кўмакчиси ўрин, томон, пайт маъносини билдирганда *сайин* кўмакчилари билан маънодош бўлади. Гапда пайт ҳоли, ўрин ҳоли, тўлдирувчи вазифаларида келади.

Маълумки, систем таҳлил жараёнида ҳар бир нарсанинг моҳияти шу нарсанинг ўзига ўхшаш, айти вақтда ундан фарқли ва унга зид бошқа нарсалар билан бўлган муносабати орқали очилади. Жумладан, ўзбек тилининг луғавий тизими мустақил ва ёрдамчи лексемаларга бўлинади. Ўз

навбатида мустақил лексемалар аташ/номлаш вазифасини бажарувчи атовчи лексемаларга ва ишора маъноли лексемаларга (олмошларга), ёрдамчилар эса кўмакчи, боғловчи, юкламаларга, буларнинг ҳар бири, ўз навбатида, яна бошқа гуруҳларга поғонали равишда бўлиниб кетаверади. Ўзбек тилининг ёрдамчи сўзлар, мустақил сўзлар ва морфемалар тизими изчил поғонавий (иерархик) тузилишга эга бўлиб, нисбий ва қуйи поғоналар ўзаро гипо-гиперонимик (тур-жинс) муносабатлари билан боғланади – ҳар бир юқори босқич қуйи поғона учун гипероним мавқеида, қуйи босқич юқори босқичга нисбатан гипоним мавқеида бўлади. Демак, сўз ёки морфема маълум бир поғоналардан ўтиб лисоний бирлик даражасига етади ва киши онгида тайёр, мажмуи сифот сифатида яшайди. Қуйида айрим ёрдамчи сўз (кўмакчи)ларнинг УЛМ (умумлисоний маъно) сини беришга ҳаракат қиламиз:

Билан – лексик сатҳ бирлиги – маъновий номуствақил – умумлашган грамматик маъноли – шаклан морфологик ўзгармас – лексоид ва аффиксоид кўринишли – якка қўлланишли – синтактик боғлаш вазифасида кела оладиган лисоний бирлик.

*Каб*и – лексик сатҳ бирлиги – маъновий номуствақил – умумлашган грамматик маъноли – шаклан морфологик ўзгармас – лексоид кўринишли – якка қўлланишли – синтактик боғлаш вазифасида кела оладиган лисоний бирлик.

Бошқа кўмакчиларга ҳам таъриф бериш мумкин.

Нисбий кўмакчилар ҳақида. Мустақил сўзларнинг “номустақиллик” белгисига нисбатан мўътадиллиги сабабли мустақил сўзлар ичидан нисбий ёрдамчилар ажралиб чиқади. Нисбий кўмакчилар бир хусусияти билан “маъновий мустақил”, иккинчи хусусияти билан “маъновий номуствақил” лексемаларга ўхшаб кетади ва “оралиқ учинчи” гуруҳини ҳосил қилади. Лексемалар номуствақил лексема сифатида воқеланганда лексема семемаси ўз муайянлигини кучсизлантиради ва семема грамматик маъно сифатида воқеланади. Чунончи, қуйидаги гапларда ифодаланган кўра лексемасининг маъноларини қиёслашга ҳаракат қиламиз: 1. *Яхши-ёмонни кўра-кўра одамнинг яхшими, ёмон эканини тез ажратиб оладиган бўлиб қолган.* (А.Қаҳ.) 2. *Қаландаровдан шикоят бошлашдан кўра кўпроқ бу ноқулай аҳволдан чиқиш учун ...* (А.Қаҳ.) 1- гапда қўлланилган кўра «кўз

билан кўрмоқ, кузатмоқ» семасига эга бўлса, 2- гапда «кўриш» семаси кучсизланган ва «чоғиштириш, қиёслаш» грамматик маъноларини воқелантирган. 1- гапда қўлланилган «кўра» кўрмоқ феълининг равишдош шакли бўлса, 2- гапда феъл кўмакчи сифатида тобеланиш муносабатини ҳосил қилган. Қолган нисбий кўмакчилар ҳам худди шундай хусусиятларга эга. *Олд, олдин, ор қа, рўпара, қарши, аввал, кейин, сўнг, охир, томон, ост, уст, таг, тепа, ён, уч, ич, ўрта, ора* каби ўрин ва пайт маъноли отлар, *бош, қош, лаб, оғиз, оёқ, қорин* каби тана аъзолари номлари, *қарийб, бўйлаб, бошлаб, кўра, дея, деб, атаб, ўхшаб* каби равишдошлар жуда кўп ҳолларда кўмакчи вазифасида келади ва кўмакчилар хазинасининг бойишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларда бу сўзлар нисбий ёки ярим кўмакчи саналиб, ўзи бирикиб келган сўз билан биргаликда бир гап бўлаги, кўпинча, ҳол бўлиб келади. Кўмакчилардан *билан, учун, каби, сингари, янглиғ, сайин, сари, сабабли, орқали, туфайли, чоғли, бўйлаб, ҳақида, тўғрисида* кабилар ўзлари бирикиб келган сўзларга ҳеч қандай қўшимчасиз боғланади; *томон, қадар, қарши, қараганда, доир; биноан, қарамай* каби кўмакчилар ўзлари бирикиб келган сўздан -га қўшимчасини қабул қилишни талаб қилади: *қонунга биноан, укасига қараганда, бахтга қарши; сўнг, кейин, бошқа, ташқари, буён, аввал, илгари, бошлаб* кўмакчилари -дан қўшимчали сўзлар билан бирикади: *бундан аввал, ўқийдан кейин, танаффусдан сўнг* каби. Кўмакчиларнинг грамматик муносабатни яратиб, келишиқ қўшимчаларига ўхшаш вазифани бажариши ҳақида юқорида қисман айтиб ўтилган эди. Дарҳақиқат, кўмакчилар шу хусусияти билан ҳам бошқа ёрдамчи сўзлардан фарқ қилади. А.Н.Кононов таъбири билан айтганда, кўмакчилар кўп ҳолларда келишиқларнинг дублети саналади. Масалан: *Укамга олдим – Укам учун олдим. Сиёҳда ёзди – Сиёҳ билан ёзди. Телефонда гаплашди – Телефон орқали гаплашди. Акамни гапирди – Акам ҳақида гапирди.*

Боғловчи. Боғловчи ва унинг шаклий кўринишлари. Боғловчилар ҳам кўмакчилар каби синтактик алоқа воситаси саналиб, улардан тобе муносабатни ифодалашдан ташқари тенг муносабатни ҳам ҳосил қилиши билан ажралиб туради. Боғловчилар гап бўлақлари, кўшма гапнинг содда гапга тенг қисмлари орасидаги турлича алоқаларни,

грамматик муносабатини кўрсатади. Боғловчиларнинг моҳияти, ўзбек адабий тилидаги боғловчиларнинг турлари, бу турларга оид сўзлар тилшунослигимизда кенг ўрганилган. Мавжуд адабиётларда боғловчиларнинг турлари ва бу турларга қайси сўзлар мансублиги масаласида турлича нуқтаи назарлар бор, яъни бир ишда боғловчи деб берилган бирлик бошқа ишда юкламалар қаторига киритилади, кўмакчи деб берилган бирлик боғловчи деб тан олинади. Боғловчиларга оид сўзларнинг аниқ белгиланмаслик сабаби уларнинг лисоний жиҳатдан ўрганилмаганлигида бўлса керак.

Боғловчиларни ҳам кўмакчилар сингари шаклий жиҳатдан уч гуруҳ (соф боғловчилар, нисбий боғловчилар, кўшимчасимон боғловчилар) га ажратиб ўрганиш лозим. Соф боғловчилар гуруҳига фақат боғловчи вазифасида қўлланиладиган *ва, ҳамда, ё, ёхуд, ёки, аммо, лекин, бироқ, чунки, шунинг учун, агар, яъни* каби ёрдамчи сўзлар хос. Кўшимчасимон боғловчилар гуруҳига *-ки (-ким)* ва ҳам боғловчи, ҳам юклама вазифасида кела оладиган *-у (-ю), -да, -ми* кўшимчалари мансуб. *-у (-ю), -да* кўшимчаларининг боғловчи вазифасини тўла-тўқис бажариши қатор манбаларда қайд этилган, *-ми* кўшимчасида ҳам боғловчилик хусусияти борлигини *Ёмғир ёғдимми, ҳамма жой нам бўлади, Карим келдимми, тўполон бошланади* типидagi гаплар тасдиқлайди. Ушбу гапларда қўлланган *-ми* кўшимчаси таъкид маъносини воқелантирган ҳолда содда гапларни бир-бирига боғлаш функциясини бажаряпти. Нисбий боғловчиларга мустақил сўз туркумларидан ўсиб чиққан, “оралиқ учинчи” табиатига (ҳам мустақил, ҳам ёрдамчи) эга бўлган *баъзан, бир, вақтида, ҳали гоҳ, (гоҳо)* каби сўзларнинг такрорий шакли мисол бўлади. Чунончи, 1. **Баъзан** Қоратойнинг ишхонасида, **баъзан** чойхонада тунаб юрди. (Ойб.) 2. **Икки** кундан бери **гоҳ** савалаб, **гоҳ** шиддат билан ёзаётган ёмғир ҳаммаёқни ивитиб юборди. (А.Қах.) 3. **Вақтида** қор ёғади, **вақтида** ёмғир. Бу гапларда қўлланилган *баъзан, гоҳ (гоҳо), вақтида* сўзларининг вазифалари боғловчиларга жуда яқин.

Салима тез қайтди. У янги хабар олиб келди; Бригадада меҳнат яхши уюштирилмади. Натижада ҳосил кам бўлди; Азимбой кўп зулм ўтказди. Оқибатда халқнинг сабр косаси тўлди гапларидаги *у,*

натихада, оқибатда сўзлари биринчи гапни иккинчи гап билан боғлаб келмоқда. Демак, *у, натихада, оқибатда* сўзлари ҳам нисбий боғловчилар сирасига киритилса тўғри бўлади. Иккинчи гапнинг мазмуни биринчи гапсиз аниқ эмас. Ёрдамчи сўзлар нафақат сўзларни, ҳатто гаплар ва матн қисмларини ҳам боғлашга хизмат қилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидан дарслик ва қўлланмаларда боғловчиларнинг вазифа жиҳатидан турлари қуйидагича белгиланган:

I. Тенг боғловчилар. 1. Бириктирув боғловчилари: *ва, -у (-ю), ҳамда*. 2. Айирув боғловчилари: *ё, ёки, ёхуд, гоҳо, дам... дам, бир... бир, баъзан... баъзан*. 3. Зидлов боғловчилари: *аммо, лекин, бироқ*. II. Эргаштирувчи боғловчилар. 1. Аниқлов боғловчилари: *яъни, -ки (-ким)*. 2. Сабаб боғловчилари: *чунки, шунинг учун, зероки*. 3. Шарт боғловчилари: *агар, агарда, агарчи*. 4. Чоғиштирув боғловчилари: *гўё, гўёки*. Тенг боғловчилар, эргаштирувчи боғловчиларнинг маъно ва вазифа томони, имло хусусиятлари формал тилшуносликдан дарслик ва қўлланмада атрофлича баён этилган.

Боғловчи-юкламаларнинг моҳияти. Аммо айрим сўзларнинг боғловчилик табиатидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, боғловчиларнинг миқдори, уларнинг моҳияти, турлари ҳанузгача аниқ белгиланганича йўқ. Масалан, чоғиштириш боғловчиларига *гўё, гўёки* киритилади. Аммо бу сўз гап бўлаклари ёки гапларни боғлаш учун хизмат эмас, балки ўхшатиш, қиёслаш маъноли конструкцияларда шу маънони таъкидлаш учун хизмат қилади, ўхшатиш, қиёслаш маъноси эса бошқа воситалар билан ифодаланади: *Беда ораси жуда иссиқ, гўё кўёшининг бутун олови беда ичига яширингандай.* (Ойб.) *Най садосининг майин тўлқинлари тин-тиник ҳавода ёйиларкан, гўё ҳаммаёқ жонланган каби туюлди.* (Ойб.) Ушбу мисолларда ўхшатиш, қиёслаш -дек қўшимчаси ва *каби* сўзи билан ифодаланяпти, *гўё* эса шу маънони таъкидлаяпти. Демак, *гўё* таъкид юкламаси ҳисобланади. *Балки* ёрдамчиси ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. *Балки* қўлланишидаги баъзи хусусиятларига кўра, зидлов боғловчиларидан фарқ қилади. Зидлов боғловчилари кўпинча қўшма гап қисмларини боғлайди, *балки* ёрдамчиси бундай вазифани бажармайди: *Ҳаво булут бўлди, лекин (аммо, бироқ) ёмғир ёлмади.* Бу мисолда зидлов боғловчиси ўрнида *балки* сўзини қўллаб бўлмайди. *Балки*

сўзи гумон мазмунли гапларда, зид мазмунли қисмларга эга гапларда гумон, қарама-қаршилик маъноларини таъкидлаш учун қўлланади: *...топинг, балки танишларингиз бор.* (Ойб.) *Чунки биз Азизбек кабилардан халқнигина эмас, балки ўзимизни ҳам қийнатдирмоғдамиз.* (А.Қод.) Бу гап менга ёқмас, балки баттар жаҳлимни чиқарарди. Ўз-ўзидан англашиладики, *балки соф боғловчи бўлолмайди, боғловчи функциясини бажараётган юкламалар сирасидан жой олади.* Қисқаси, бир турдан иккинчи турга ўтиш ва боғловчи-юклама, кўмакчи-боғловчи каби оралик ҳодисалар ҳосил қилиш ёрдамчи сўзлар табиатига хос хусусият бўлиб, уларнинг ички манба асосида бойишининг бир йўли саналади. *Ҳам... ҳам* бириктирув боғловчиси таъкид қўшимча маъно бўёғига эга, *на...на* эса инкор маъносини ифодалайди, *-ми* сўроқ - таажжуб юкламаси эса гап таркибида боғлаш функциясини бажаради. Шунинг учун булар боғловчи-юкламалар ҳисобланади. Чунончи, 1. **На** сўзларида маъно бор, на ишларида ҳаё. (О.) 2. *Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон керак.* (Мақ.) 3. *У бир гапни айтдимми, албатта, қилади.*

Боғловчининг формал-функционал талқини муаммоси. Юқорида айтилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек тили боғловчиларининг маъно ва хусусиятлари тамомила бошқача, уларни туркона таҳлил қилиш, боғловчилар билан боғлиқ масалаларни тўғри ва тўла ҳал этиш бугунги кунда тилшунослигимиз олдида турган бош масалалардан бири саналади.

Юклама. Ёрдамчи сўзларнинг функционал белгиси “боғлаш”. Шу белги асосида кўмакчи, боғловчи, юкламалар сўз ва гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. Аммо бу вазифа боғловчи ва кўмакчилар учун ўзгармас, барқарор саналади. Юкламаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар сўзларга ёки гапларга сўроқ, таъкид, кучайтирув, айириш-чегаралаш, ўхшатиш каби қўшимча маъноларни беради ва функционал “боғлаш” белгисига нисбатан беқарор, ўзгарувчан саналади, яъни “боғлаш” белгиси бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунончи, на-на ёрдамчиси тенг боғловчиларнинг бир тури сифатида инкор боғловчиси саналиб келган. Ғ.Абдурахмонов эса уни инкор боғловчиси деб аташ билан бирга, унда юкламалик хусусияти ҳам борлигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, бу ёрдамчи ҳам боғловчилик, ҳам юкламалик вазифасини

бажаради. Боғловчи вазифасида келганда айрим тенг ҳуқуқли бўлак (компонент)ларга инкор маъносини бериб, уларни боғлайди: *На сўзларида маъно бор, на ишларида ҳаё.* (Ойб.) Бу ёрдамчи сўз юклама вазифасини бажариб, мазмунидан инкор англашилган гаплар таркибида келади ва инкор маъносини кўрсатади: *Раиснинг эркатой ўғли на ўқийди, на бирор жойда ишлайди.*

Гўё ёрдамчиси мазмунидан ўхшатиш ёки чоғиштириш маънолари англашилган содда ва кўшма гаплар таркибида иштирок этади. Содда гаплардаги функциясига кўра кўпроқ юкламаларга яқин туради: *Турсуной гўё қалби билан ашулага жўр бўлар эди.* (А.Мух.) *Кампирнинг юзида гўё кулгига ўхшаган бир нарса акс этди.* (А.Қах.) Гўё ёрдамчиси кўшма гапларда содда гап қисмларини бириктирувчи грамматик воситаларнинг бири сифатида хизмат қилади, яъни кўшма гапдаги вазифасига кўра содда гапдаги вазифасидан фарқли ўлароқ, у фақат юкламагина эмас, балки боғловчи-юклама саналади: *Эртага никоҳ бўлади, гўё мен унинг хотини.* (Ойб.) *Шундай бақирдики, гўё бутун хона ларзага келгандек бўлди.* (А.Қах.) *Айтдимми, қилади, Қўйди-да, чиқди* гапларида ҳам *-ми, -да,* кўшимчасимон юкламаларнинг боғловчилик хусусиятини кузатиш мумкин. Демак, юкламаларнинг кўшма гап таркибий қисмларини ўзаро боғлаш вазифаси кенг учрайдиган ҳодиса экан ва бу тилшунослигимизда маълум даражада ўрганилган.

Юкламанинг тузилиш тури. Кўпгина лексоид ёрдамчи сўзларнинг аффиксоид кўринишлари мавжуд, бу юкламага ҳам тегишлидир: *ҳам, -ам /-ям; учун, -чун; -у, -ю; билан, -ила, -ла* шулар жумласидан. Юкламалар шаклий жиҳатдан уч хил кўринишга эга:

1. Кўшимчасимон юкламалар (*-ми, -чи, -а, -я...*).
2. Соф юкламалар (*худди, фақат, ахир...*).
3. Нисбий юкламалар (*ёлғиз, баъзан, танҳо, бир...*).

Уларнинг шаклий ва вазифавий турлари. Юкламалар вазифавий жиҳатдан қуйидаги маъно турларига бўлинади:

1. Сўроқ юкламалари: *-ми, -чи, -а, -я, наҳотки.* Бу юкламалар турли сўз туркумларига кўшилиб, сўроқ маъносини билдиради. Баъзан сўроқ маъносидан ташқари таажжубланиш, ҳайратланиш маъноларини ҳам ифодалайди.

-ми аффикс юкламаси ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади, -чи, -а, -я юкламалари эса ўзидан олдинги сўздан чизиқча билан ажратиб ёзилади: 1. *Кийганингиз ипакмиди, кимхобмиди, Севганингиз бизлардан ҳам ортиқмиди?* 2. *Опанг-чи? Сен-чи? Мен-а? Мени-я?* 2. *Наҳотки шу гапларга ишонган бўлсангиз.*

2. Айириш-чегаралаш юкламалари: *фақат, фақатгина, -гина (-кина, -қина).*

Бу юкламалар айрим нарса ва ҳодисаларни бошқалардан ажратиш, ҳаракатни чегаралаш учун қўлланилади. -гина аффикс юкламаси ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади: *Тўйга Шералигина келмади, холос. Ўктам индамади, фақат юрагида тўлқинланган меҳр билан онасига тикилди. Фақат юкламасининг ўрнида ёлғиз сўзини ҳам қўллаш мумкин. Сифат сўз туркумига оид бу сўз нисбий юклама ҳисобланади: Собир, ёлғиз сенга суяндим (Собир, фақат сенга суяндим).*

3. Таъкид юкламалари: -ку, -да, -у, -ю. Гапда ифодаланган бирор воқеани таъкидлаш учун қўлланилади: *Собир-ку келди, Маҳмуд келмади-да!*

4. Кучайтирув юкламалари: *ахир, ҳатто, ҳаттоки, -оқ (-ёқ).*

-оқ, (-ёқ) аффикс юкламаси ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади. Ҳаракатнинг бирин-кетин тезлик билан давом қилишини, бошланиш пайтини, таъкидлашни кўрсатади: *Гулларни кўрибоқ кўнгли ёришиди. Ахир, ҳатто, ҳаттоки юкламалари ҳам фикрни кучли таъкидлаш, аввалги воқеани эслатишни ифодалайди: Ахир дўстимсан-ку!*

5. Ўхшатиш-қийослаш юкламалари: *худди, нақ, гўё, гўёки. Баҳорда бу боғлар гўёки келиндек ясанади. (Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган, гўё кечанинг ўзи куйлайди каби гапларда юклама-боғловчи вазифасини бажаради.)*

6. Инкор юкламаси: *на.* Такрор ҳолда ишлатилиб инкор маъносини ифодалайди:

На кўкнинг фонари ўчмасдан,

На юлдуз сайр этиб кўчмасдан. (У.)

Ёрдамчи сўзлар – кўмакчи, боғловчи ва юкламалар ўзбек тилини, унинг чексиз имкониятларини яна ҳам бойроқ, ифодаларимизни яна ҳам

аниқроқ ва гўзалроқ қилишнинг воситаларидан. Ёрдамчи сўз туркумлари юзасидан олиб борилган изланишлар қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Кўмакчи, боғловчи ва юкламалар нутқимизнинг чексиз имкониятларини янада бойроқ, ифодаларимизнинг янада аниқроқ ва гўзалроқ бўлишини, жумлаларнинг ранг-баранглигини таъминловчи муҳим воситалардан.

2. Ёрдамчи сўзлар тил тизимида моҳиятан мустақил сўзлар билан кўшимчалар оралиғида туради.

3. Ёрдамчи сўзлар нутқ ранг-баранглигини таъминлашини биргина мисол ёрдамида кўриш мумкин: 1) *сендай қиз*, 2) *сендек қиз*, 3) *сендайин қиз*, 4) *сенинг каби қиз*, 5) *сен сингари қиз*, 6) *сенинг сингари қиз*, 7) *сенга ўхшаш қиз*, 8) *сенга ўхшаган қиз*... (Бу бирикмалар ўхшаш маънони ифодалагани билан уларнинг ҳар бири жуда нозик фарқларга эга).

4. Боғловчи-юклама, кўмакчи-боғловчи, кўмакчи-юклама кабилар муосир, тил тизимида кўрсатилганидек, ёрдамчи сўз туркумларига хос бўлган “оралиқ учинчи”лар.

5. Ўзбек тилида нисбий кўмакчилар, нисбий боғловчилар, нисбий юкламалар сираси мустақил сўзнинг ёрдамчилашиши эвазига бойиб бормоқда.

6. Ўз моҳияти билан юкламалар модал сўзларга яқин туради. Шу туфайли бу иккиси кўпинча биргаликда тасвирланади. Аммо модал сўзлар билан юкламаларни тенглаштириб бўлмайди. Юклама:

1) юкламалар ранг-баранг маъноларни ифодалайди, шулардан баъзиларигина модал маънога яқин келади;

2) юкламалар кўпинча мустақил ишлатилмайди, бирор сўзга тиркалиб юради. Модал сўзлар эса:

1) гап таркибида гап модаллигини кенгайтирувчи, мураккаблаштирувчи восита сифатида рўёбга чиқади. Бошқача қилиб айтганда, [WPm] гап қурилиш қолипининг [Pm] қисмида мужассамланган ва хилма-хил воситалар билан ифодаланадиган тасдиқ/инкор, тахмин, гумон, шубҳа, ишонч, шарт, қатъийлик, истак, имконият каби модал маънолар гапнинг бошқа бўлаклари билан тобе-ҳоқимлик муносабатига киришмайдиган модал сўзлар, тасдиқ/инкор

сўзлар воситасида кенгайтирилади: *Канизак, афтидан, шуни айтмоқчи эди...*(А.Қаҳ.)

2) мустақил равишда яқка ўзи битта гап бўлиб кела олади ва модал сўз-гаплар деб юритилади. Бундай сўз-гапларнинг барчасида кесимлик категорияси маъноси сўзнинг луғавий маъносида мужассамланган бўлади: *Келасизми? - Албатта.*

3) юкламалар морфологияда ёрдамчи сўзлар гуруҳида, модал сўзлар сўз-гаплар доирасида ўрганилади;

4) бошқа сўз гуруҳлари каби модал сўзлар ҳам, юкламалар ҳам ўзига хос морфологик, синтактик, маъновий белгиларга эга. Модал сўзлар билан юкламаларнинг ўзгармаслиги уларнинг м о р ф о л о г и к белгисига киради. С и н т а к т и к жиҳатдан эса модал сўзлар ажралувчилик (яъни кириш сўз вазифасида кела олади), юклама эса мучаланмаслик (гап бўлаги бўла олмаслик) белгисига эга. С е м а н т и к жиҳатдан модал сўзлар фикрнинг воқеликка муносабатини ифодалайди ва бутун гапга тааллуқли бўлади. Юклама эса таъкид, ўхшатиш, кучайтириш каби қўшимча маъно ифодалайди. Юклама ифодалаган маъно бутун гапга бевосита тааллуқли бўлмай, аввало ўзи тиркалиб келган бўлакнинг маъносини бўрттиришга хизмат қилади ва шу бўлак орқали бутун гапга тааллуқли бўлади.

11-§. Сўз-гаплар

Сўз-гаплар тўпламини ажратиш тамойиллари. Ўзбек формал тилшунослигида сўз-гапларнинг моҳияти, турлари, уларнинг лексик материали тавсифи, қўлланиш хусусиятлари эмпирик асосда етарлича ўрганилган. Шакл-вазифавий тилшуносликда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи [WРm] сифатида талқин қилинган, зиддиятли, изоҳталаб нуқталарга эга бўлган сўз-гапларга ҳам лисон/нутқ ихтилофи нуқтаи назаридан ёндашиш зарурлиги аён бўлиб қолди ва ҳар бир гапнинг тил босқичида ўз қолипи мавжуд бўлгани каби, сўз-гапларнинг ҳам ўзига хос муайян бир лисоний қурилиш қолипи бўлиши шарт ва зарурлиги эътироф этилди.

Бўлакларга ажратилмайдиган гаплар ёки сўз-гаплар умумий атамаси остида бирлаштириладиган гапларнинг алоҳида белгилари

мавжудки, улар шу белгилари билан мустақил сўзлардан, ёрдамчи сўзлардан, содда ёхуд қўшма гаплардан фарқ қилади. Булар қуйидагилар:

- 1) мустақил ҳолда гап бўла олиш белгиси;
- 2) гап таркибида шу гапнинг бирор бўлаги билан синтактик алоқага кириша олмаслик белгиси;
- 3) ўзига хос ғайриоддий маънога эга бўлиш белгиси;
- 4) боғламалар билан бирика олмаслиги ва шунинг учун майл, замон, шахс/сон шаклларига эга эмаслик белгиси.

Сўз-гаплар деганда шу тўрт асосий белги билан бир мажмуага бирлаштирувчи ҳодисалар тушунилади.

Мустақил ҳолда алоҳида гап бўла олиш белгиси. Бу белги 4-белги билан чамбарчас боғланган. Ўзбек лисоний тизими гапда маълум бир ахборотни ташувчи тасдиқ/инкор, майл/замон ва шахс/сон маъно ва муносабатларини ифодаловчи таркибий қисмлар зарур бўлишини талаб қилади. Сўз-гапларда бундай таркибий қисмларни алоҳида-алоҳида ажратиш мумкин эмас. Лекин улар ҳам гап бўла олади, чунки кесимлик шакллари маъно ва муносабатлари сўз-гапларнинг ўзида мужассамланган ва уларнинг ички моҳиятини ташкил қилади. Бундай гапларда кесимлик категорияси маънолари ва кесимлик — гап маркази вазифасида келиш — фикрни шакллантириш, уни ифодалаш бор. Уларда гап сифатида воқеланувчи сўзнинг лексик маъносида мужассамлашган. Шу сабабдан бундай гапларда кесимлик мавжуд, аммо кесимлик шакли ифодаланмаган.

Демак, сўз-гаплар **мустақил гап бўла олиш** қобилиятига эга бўлганлиги учун бу сўзларга нисбатан *семантик функционал шакланган сўз-гаплар* атамаси қўлланилади. Бу атамадаги “семантик” таркибий қисми ҳодисанинг луғавий (маъновий) томонига ишора қилиб туради. Бунда гап маркази мавқеида келган лексемаларнинг икки табиий хусусияти намоён бўлади, яъни бунда лексик бирлик ҳам сўз, ҳам гап. Бу атаманинг функционал таркибий қисми эса сўз-гапларнинг синтактик вазифа бажариши ф а қ а т г а п м а р к а з и в а з и ф а с и д а к е л а о л и ш и билан чегараланганлигини ифодалайди. Демак, семантик-функционал шакланган гаплар грамматик шакланган гаплар ([WPm])дан фарқ қилади ва кесимлик маънолари сўз-гапларда лексик бирликнинг ёки атов

бирлиги [W]нинг ўзида мужассамланганлиги туфайли сўз-гапларнинг лисоний қурилиш қолипи [W[^]] сифатида берилган.

Сўз-гапларнинг ўзига хос ғайриоддий луғавий маънога эгаллиги.
Бу хусусият куйидагиларда намоён бўлади:

- а) маъно имкониятлари чегараланган;
- б) ўзида грамматик шаклларни талаб етмайди;
- в) бошқа сўзлар билан бирикиш қобилиятларидан маҳрум;
- г) гапда бажара оладиган вазифаси чекланган;
- д) маъноли қисмга ажралмайди.

Шунинг учун ҳам бу лексемалар бошқа лексемаларга нисбатан ғайриоддий, бироқ маъно ва вазифа жиҳатидан алоҳида барқарор тил бирлиги ҳисобланади. Айтиб ўтилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, тақлид каби сўз туркумлари гапнинг истаган бир бўлаги вазифасида кела олса, сўз-гаплар гап (ёки унинг маркази) вазифасида кела олишга хосланган, боғловчи, кўмакчи, юклама эса синтактик алоқани ифодалаш учун хизмат қилади.

Сўз-гаплар таснифи. Сўз-гаплар ўз ичида бир неча маъновий гуруҳга ажралади: 1.Модаллар. 2.Ундовлар. 3.Тасдиқ /инкор сўзлар. 4.Таклиф/ишора сўзлар.

Сўзловчининг баён этилаётган фикрга муносабати — қатъий ишонч, гумон, тахмин каби маъноларни ифодалаб келадиган сўзлар **модал сўзлар**. Уларга *хуллас, демак, чамаси, табиий, эҳтимол, шубҳасиз, шекилли* каби сўзлар мисол бўлади ва булар формал тилшунослигимизда батафсил ўрганилган.

Кишиларнинг ҳис-туйғуларини, ҳайдаш, тўхтатиш каби хитобларни, буйруқларни ифодалайдиган сўз-гапларнинг кўриниши **ундов сўзлар**. **Ҳис-туйғу ундовларига** *оҳ, вой, еҳ, баракалла, раҳ мат, офарин* каби сўзлар, **буйруқ -хитоб ундовларига** *пишит, беҳ-беҳ, пиш-пиш, чух* каби хитоб сўзлар киради.

Сўз-гапларнинг учинчи маъновий гуруҳи бўлган **тасдиқ /инкор сўзлар** кўпинча модаллар таркибида ўрганилган. *Ҳа, майли, хўш, хўп* сўзлари тасдиқни, *йўқ, мутлақо, асло, сира* сўзлари инкорни ифодаловчи сўз-гаплар.

Таклиф/ишора сўзларга қўлланиши тана аъзоларининг махсус ҳаракатлари билан узвий боғлиқ бўлган *ма, манг, қани, марҳамат* сўзлари киритилган. Улар тингловчига қаратилган бўлиб, уни бирор иш-ҳаракатни бажаришга ундайди.

Сўз-гаплар шундай ҳодисалар гуруҳи, уларнинг жуда кўпчилиги бошқа сўз туркумларидан тарихий тараққиёт жараёнида ўзига хос нутқий қўлланиш натижасида шаклланган ва ривожланган. Чунончи, *сўзсиз, табиий* сўзлари сифатдан, *албатта* равишдан ўсиб чиққан бўлса, *ҳар қалай, ҳар ҳолда* модал сўзлари сўз бирикмаларидан, *насиб бўлса, худо хоҳласа* кабилар гаплардан келиб чиққан.

Соф сўз-гапларга *албатта, алҳамдулиллоҳ ; еҳ , ҳ ой, оҳ , ўҳ ; ҳа,йўқ , мутлақо; ма, манг* каби модал, ундов, тасдиқ /инкор, таклиф/ишора сўзлари мансуб. Ўзбек систем тилшунослигида сўз-гаплар [W[^]]-лашган (модаллашган, ундовлашган тасдиқ/инкорлашган, таклиф/ишоралашган) сўзлар, [W[^]]-лашаётган (модаллашаётган, ундовлашаётган, тасдиқ/инкорлашаётган, таклиф/ишоралашаётган) сўзлар, [W[^]]-симон (модалсимон, ундовсимон, тасдиқ/инкорсимон) сўзлар ва улар нутқий воқеланишлари муфассал ўрганилган.

[W[^]]-лашган (сўз-гаплашган) сўзлар ўз семантик-функционал хусусиятлари билан ҳар хил гуруҳнинг марказий лексемаларига жуда яқин туради, лекин ўз алоқасини бошқа сўз туркумларидан тўла-тўқис узмаган бўлади. Чунончи, модаллашган сўзларга *чамаси, чоғи, эҳтимол*; ундовлашган сўзларга *ура, олга, дод, войдод*; тасдиқ /инкорлашган сўзларга *бўпти, маъқул, аксинча, мутлақо*; таклиф/ишоралашган сўзларга *қани* каби лексемалар мисол бўлади.

[W[^]]-лашаётган (сўз-гаплашаётган) сўзлар сўз-гапларга тўла-тўқис ўтган бўлмайди ва сўз-гапларга «ўтиш йўлида» турган сўзлар. А.М.Пешковский «айрим сифатлар сифатлардан узилиб тўла-тўқис отларга ўтиб кетган бўлса, айрим сифатлар отларга ўтишнинг ярим йўлида турибди» деб русча *мороженое* ва *больной* сўзларини мисол келтиради. Бу ўринда модаллашаётганларга *балки, ҳатто, афтидан*; ундовлашаётганларга *яшанг, вой ўлай*; тасдиқ /инкорлашаётганларга *дуруст, тўғри, рост, асло, ҳаргиз*; таклиф/ишоралашаётганларга *мана мундоқ* каби сўзларни мисол келтириш мумкин. Чунончи, 1.***Балки, сиз***

айтарсиз нима бўлганини? (П.Тур.) 2. *Нафси учун эмас, балки қадри учун йиғлайди-да.* (Ў.Усм.) 3. *-Қаерга бориши, кимга учраишини у яхши билади.* – **Тўппа-тўғри.** (Ч.Айт.) 4. *Ҳилола гапнинг тўғриси*ни айтди (Ў.Усм.) гапларида [W[^]-лашаётган] сўзлар (1–3- гапта) қўлланилган.

[W[^]]-симон (сўз-гапсимон) лар деганда моҳиятан сўз-гаплар бўлмаган луғавий бирликларнинг сўз-гап вазифасида келиши тушунилади. Жумладан, модалсимонларга *шундай қилиб, бахтга қарши, тавба, худо сақласин;* ундовсимонларга эркалаш маъноли *асалим, оппогим* ва ундалма маъноли *эй, дўстлар* каби; тасдик/инкорсимонларга *худди шундай, ҳеч қачон, нотўғри* каби; таклиф/ишорасимонларга *бошланг* кўринишли сўзлар мисол бўлади. Қисқаси, сўз-гапларнинг лексик-семантик турлари бўлмиш соф сўз-гаплар ўзлари тарихан келиб чиқадиган сўз туркумларидан батамом узилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги равиш, сифат, от сифатида мутлақо қўлланилмайди. Сўз-гаплашган унсурлар эса ўзлари тарихан келиб чиққан сўзлар билан омонимик муносабат ҳосил қилади ва ўз алоқасини бошқа туркумлардан тўла узмаган бўлади. Сўз-гаплашаётган унсурларга ўзи бошқа сўз туркуми (равиш, сифат, олмош, сон, феъл)га тегишли, лекин сўз-гапларга хос маъно ва вазифаларда қўлланила оладиган бирликлар киради ва буларнинг сўз-гапсимонлардан фарқи шундаки, ушбу қатламга оид сўзлар тарихий тараққиёт натижасида батамон сўз-гапларга ўтиб кетиши мумкин. Сўз-гапсимонлар эса ўз туркуми доирасида қолади.

Сўз-гапларнинг синтактик хусусиятлари. Сўз-гапларнинг синтактик хусусияти юқорида таъкидлаганимиздек, уларнинг кесимлик кўшимчаларини қабул қилмаслиги, боғлама билан бирика олмаслигида. Сўз-гаплар ҳам ундалмалар, содда гаплар каби кенгайган ёйиқ ҳолатларда бўлиши мумкин: 1. *Чўлни ўзлаштирган мардларга офарин.* (А.Қах.) 2. *Фалакнинг дастидан дод!* (Ҳамза.) 3. *Баракалла сизга!* Мисоллардан кўриниб турганидек, сўз-гаплар фақат битта сўздан иборат бўлмай, нутқда кенгайиш қобилятига ҳам эга. Сўз-гапларнинг яна бир синтактик хусусияти шундаки, [WPm] қурилишли гапларда кесимлик категорияси ва маъноси [W]га [Pm] орқали киритилади, [m]нинг эса ўзбек тилида жуда кўп кўрсаткичлари мавжуд. Шаклнинг ўзгариши билан кесимлик категориясининг маъно турлари ҳам ўзгаради. Масалан, *Бўлади. Бўлмайди.*

Бўлса. Бўлди ва ҳ .к. Аммо сўз-гапларда бундай эмас. Ҳар бир сўз-гап шу гапга хос бўлган маъноларни ифодалашга хосланган бўлади. Чунончи, *Ҳа* сўзи тасдиқни фодалайди. Унинг бўлишсизлиги *Ҳа эмас* билан эмас, балки алоҳида сўз *йўқ* билан ифодаланади. *Албатта* ёки *шубҳасиз* модал сўзи қатъий ишонч ва тасдиқни ифодалайди, инкор маъноси *мутлақо, асло* сўз-гаплари билан берилади.

Сўз-гапларда замон ва шахс маънолари [0] кўрсаткичли бўлиб, матнда муайянлашади. Ўзбек тилида гап (кесимлик) замон ва шахс маъноларидан холи бўла олмайди. Зеро, сўз-гапларда замон ва шахс-сон маъноларининг контекстуал аниқланиш хусусияти бу сўзларнинг асосий синтактик хусусияти – кесимлик қўшимчаларини қабул қилмай гап бўлиб кела олиши билан шарҳланади. Сўз-гапларнинг яна бир синтактик хусусияти – уларнинг гап таркибида алоҳида позицияда туриши, яъни бошқа гап бўлаклари билан боғланмаслигидир ва ўзи гап сифатида “яшай олиши”, ҳаммаша лисоний алоҳидалиқни сақлаб қолиши билан белгиланади. Чунончи, 1. – *Эртага келасизми?* – *Албатта.* (Ў.Усм.) 2. – *Енгил тортдингни, қизим?* – *Шукур.* (А.Қаҳ.)

Кўринадикки, сўз-гапларнинг умумий синтактик хусусияти улар кесимлик қўшимчаларини қабул қилмаган ҳолда гап ва унинг марказини туза олишида. Тўрт лексик-семантик турида (модаллар, ундовлар, тасдиқ/инкор, таклиф/ишора сўзлар) кесимлик категориясини ташкил этувчи маънолардан ҳар бири алоҳида бўрттирилган “яланғоч” ҳолда юзага чиқади: модаллар сўзловчининг муносабатини ([P_m]даги майлни), таклиф/ишоралар шахсга қаратилганлик маъносини ([P_m] даги шахс-сонни), тасдиқ/инкорлар тасдиқ ва инкорни ([P_m]даги бўлишли/бўлишсизликни) ва ундовлар бўлғуси ҳаракатни ([P_m]даги замонни) ифодалашга хизмат қилади.

АДАБИЁТ

Кирилл алифбосидаги адабиёт

1. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Баркамол авлод орзуси. Тузувчи: Шавкат Қурбонов, Ҳалим Саидов, Рустам Аҳлиддинов. –Т. –Ўз МЭ. 1999.
2. Абдуллаев А. -гина интенсивлик ифодаловчи аффикс сифатида// Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. 5- сон.
3. Абдуллаев А.М., Юнусова З.Ю. Способы передачи узбекских слов в русском языке. –Б., 1989.
4. Абдуллаев Ф. Келишик аффиксларининг генезисига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1961, 5- сон.
5. Абдурахманов Г. Исследования по старотюркскому синтаксису (XI век) –М.: Наука, 1967.
6. Абузалова М.Қ. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ва унинг нутқда воқеланиши: филол.фан.номз.дисс. –Т., 1994.
7. Азимов П. Туркман дили. –Ашхабад, 1950.
8. Айюб Ғуломовнинг илмий мероси (2- китоб). Р.Сайфуллаева муҳаррирлигида. –Т., 2007.
9. Айюб Ғуломовнинг илмий мероси (3- китоб). Морфемикага оид Мақ.алар. –Т., 2007.
10. Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол ([WP_m] валентлиги аспектида): филол.фан.номз.дисс...автореф., –Т., 1997.
11. Алишер Навоий. Лисон-ут тайр. (Насрий баёни билан) –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991.
12. Андреев И.Д. Диалектическая логика. –М., Высшая школа, 1985.
13. Асқаров И. ва бошқалар. Кимё. 7-синф дарслиги. –Т.: Шарқ, 2005.
14. Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълда нисбат категорияси: монография. –Т.: Фан, 1992.
15. Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: филол. фан. докт. дис. ... автореф. –Т., 1997.
16. Балакаев М.Б. Современный казахский язык. Синтаксис. –Алма-Ата, 1959.

17. Бальвег-Шрамм А., Шумахер Г. Словарь глагольных валентностей на семантической основе. Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XIV. Проблемы и методы лексикографии. –М.: Прогресс, 1983.
18. Баскаков Н.А. Выражение глагольных категорий в тюркских языках // Типология грамматических категорий. –М.: Наука, 1975.
19. Баскаков Н.А. Залог в каракалпакском языке. –Т., 1941.
20. Баскаков Н.А. Историко-типологическая характеристика структуры тюркских языков. –М.: Наука, 1975.
21. Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. Т.П. Ч.І. –М.: Изд-во АН СССР, 1952.
22. Баскаков Н.А. Природа притяжательных определительных словосочетаний и их роль в эволюции сложных синтаксических конструкций в тюркских языках // Советская тюркология , 1971. -№4.
23. Баҳриддинова Б. Ҳозирги ўзбек тили (қўшимчалар таснифи юзасидан материаллар). – Қарши: Насаф, 2004.
24. Баҳриддинова Б.М. Феъл луғавий шакли тизими. Феълнинг тур категорияси: филол. фан. номзоди.... дис. –Самарқанд, 2002.
25. Баҳриддинова Б.М. Феъл луғавий шакли тизими. Феълнинг тур категорияси: филол. фан. номзоди... дис. автореф. –Самарқанд,2002.
26. Бобокалонов Р. Ўзбек тилида гап синтаксиси ва сўз-гапларнинг систем – структур талқини. –Т.: Фан, 2006.
27. Бобокалонов Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар: филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Т., 2000.
28. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. –Т.: Фан, 1995.
29. Бондарко А.В. Классификация грамматических категорий // Типология грамматических категорий. –М. 1975.
30. Боровков А.К. Природа «турецкого изафета // Академику Н.Я. Марру. –М., -Л. 1935.
31. Булыгина Т.В. Грамматические и семантические категории и их связи // Аспекты семантических исследований. –М., 1980.
32. Бунина И.К. История глагольных времен в болгарском языке. -М., 1970.
33. Вейнрейх У.О семантической структуре языка // Новое в лингвистике. Вып. 5. –М., 1970.

34. Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. Издание второе. –М.: Высшая школа. 1972.
35. Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. – М. –Л.: ГУ-ПИМП РСФСР, Учпедгиз, 1947.
36. Гак В.Г. К проблемы семантической синтакматики // Проблемы структурной лингвистики. –М. 1972.
37. Ганиев Ф.А. Вопросы морфологии татарского языка. –Казань,: Наука, 1980.
38. Хегел Г.И.Ф. Работы разных лет. В двух томах. 2- том. -М.:Мысль. 1971.
39. Хегел. Наука логики. –М., 1971.
40. Гиганов И. Грамматика татарского языка. -СПб. 1801.
41. Гиясов С.Т. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных в узбекском языке: автореф. дисс. ... канд. филол наук. –Т., 1983.
42. Грунина Э.А. Соотношение форм настоящего и будущего времени по пятятникам турецкого языка XIII–XVI вв. // Вопросы тюркской филология. –М., 1966.
43. Гузев В.Г. Очерки по теории тюркского словоизменения: Имя. –Л., 1987; Глагол., 1990.
44. Гузев В.Г., Насилов Д.М. Слово-изменительные категории в тюркских языках и понятие «грамматическая категория» // Советская тюркология. 1981. --№3.
45. Гузев В.Г., Насилов Д.М. К интерпретации категории числа имен существительных в тюркских языках // Вопросы языкознания, 1975. -№ 3.
46. Гузев В.Г., Насилов Д.М. Конкретно-предметное значение имени существительного как зона релевантности категорий числа и определенности/неопределенности//Советская тюркология , 1971. -№ 6.
47. Гузев В.Г.,Насилов Д.М. Словоизменительные категории в тюркских языках и понятие «грамматическая категория»// Советская тюркология, 1981. -№3
48. Гулямов А.Г. Языкознание. В кн. «Узбекская ССР. Ред.кол. К.А.Зуфаров и др. – Т.: Изд.УзСЭ. 1981.

49. Дешериев Т.Ч. Лингвистический аспект категории времени в его отношении к физическому и философскому аспектам // ВЯ. 1975. -№ 2.
50. Джурабоева М. К вопросу категории уменьшительно-ласкательности в узбекском языке. Труды аспирантов ТашГУ, 360. -Т., 1970.
51. Диалектика – теория познания. ... об элементах диалектики. Под общей редакцией Б.М.Кедрова. –М.: Наука, 1968.
52. Диалектика и логика. Законы мышления. Под общей редакцией Б.М.Кедрова. –М., 1962.
53. Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. –М. –Л.: Изд-во АН СССР, 1948, с. 180.
54. Дмитриев Н.К. К истории аффиксов сказуемости // Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков. Морфология. –М., 1956.
55. Дмитриев Н.К. Категория принадлежности // Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Ч.II. –М., 1956.
56. Есперсен О. Философия грамматики. –М.: Изд-во иностранной литературы, 1958.
57. Жуманиёзов Р. Ўзбек тилида феъл замонлари // Совет мактаби, 1953 йил, 3- сон.
58. Жўраева Ж. Келаси замон маъносининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1959 йил, 3- сон.
59. Закиев М.З. К вопросу о категории падежа в тюркских языках//Проблемы тюркологии и истории востоковедения. –Казань, 1964.
60. Звегинцев В.А. История арабского языкознания. Краткий очерк. – М.,1958.
61. Звегинцев В.А. История языкознания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. Часть 1. –М.: Просвещение, 1964.
62. Зиёева И. Дательный падеж в узбекском языке: автореф.канд.дисс. ... филол. наук. –Самарканд, 1966.
63. Зиёева И. Келишик аффиксларининг функционал алмашинишувларига доир баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, 2- сон.
64. Зиёева И. Келишик аффиксларининг функционал алмашинувларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. -№ 3.

65. Зикриллаев Ғ. Истиклол ва адабий тил. –Т.: Фан, 2004.
66. Зикриллаев Ғ. Феълнинг шахс, сон ва хурмат категорияси системаси. –Т., 1990.
67. Зикриллаев Ғ. Ўзбек тили морфологияси. –Бухоро, 1994.
68. Зулфиев Я. -лар аффиксининг сўз таркибида қўлланиш хусусияти // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 5-сон.
69. Иванов С. Родословное древо тюрков Абулгази-хана. Грамматический очерк. Имя и глагол. –Т: Фан, 1969.
70. Иванов С.Н. Грамматик тадқиқотларнинг методологик муаммолари. Монография. Рус тилидан И.Мирзаев таржимаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004.
71. Иванов С.Н. К истолкованию категории принадлежности // Советская тюркология. 1973. -№ 1.
72. Иванов С.Н. Категория залога в причастии узбекского языка. В книге «Исследования по истории культуры народов Востока» // Сборник в честь академика И.А. Орбели. –М.: Л., 1960.
73. Иванов С.Н. Курс турецкой грамматики. –Л.:Наука, 1975.
74. Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. –Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1959.
75. Иванов С.Н. Родословное древо тюрков Абу-л-Гази-Хана. Грамматический очерк. (Имя и глагол. Грамматические категории). – Т.:Фан, 1969.
76. Иванов С.Н. Тюркские атрибутивные конструкции с показателем относительной связи // Ученые записки Ленингр. ун-та. Серия востоковедческих наук. вып. 11. 1959.
77. Икрамова Р. Модальные формы существительных в узбекском языке: автореф.дисс. канд.филол.наук.. -Т., 1967.
78. Иноятв Т. Бош келишиқнинг вазиқалари // Тошкент университетининг илмий асарлари, 412- чиқиши, 1971.
79. Иноятв Т. Тушум келишиқининг белгили ва белгисиз ишлатилиши ва грамматик омиллар (турдош от бўйича) // Тошкент университетининг илми асарлари, 427- чиқиши, 1972.

80. Иноятлов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида келишикларнинг ишлатилиш миқёси // Научные труды ТашГУ . Вып.359. «Вопросы русского и узбекского языкознания», –Т., 1969.
81. Исаченко А. В. О грамматическом значении // Вопросы языкознания, 1961. -№1. Исаченко А. В. Бинарность, привативные оппозиции и грамматическое значение// Вопросы языкознания, 1963. -№ 2.
82. Исаченко А.В. Грамматический строй русского языка в сопоставлении со словацким. Ч. I. -Братислава. 1965.
83. История лингвистических учений Средневекового Востока. От ред. А.В. Гесницкая. –М.; –Л.: Наука, 1977.
84. Йўлдошев А., Рўзиев Г. Ўзбек тилидаги жўналиш ва ўрин-пайтлари келишигига доир // Тошкент университетининг илмий асарлари, 327- китоб // Ўзбек филологияси масалалари. –Т., 1970.
85. К общему учению о падеже. Якобсон Роман. Избранные работы. Составление и общая ред. В.А.Звегинцева. –М.: Прогресс. 1985.
86. Карцевский С. Ассиметрический дуализм лингвистического знака. –М.: Наука, 1970.
87. Карцевский С. Об асимметричном дуализме лингвистического знака / Звегинцев В.А. История языкознания XIX–XX веке в очерках и извлечениях. Ч.II. – М., 1965.
88. Кацнельсон С.Д. К понятию типов валентности // Вопросы языкознания. 1987. -№ 3.
89. Кацнельсон С.Д. О грамматической категории // Вестник ЛГУ. Серия истории языка и литературы. –Л.: ЛГУ, 1948.
90. Кедров Б.М. Единство диалектики, логики и теории познания. –М., 1963.
91. Кириллов В.И. Логика познания сущности. –М.: Высшая школа, 1980;
92. Уемов А.И. Вещи, свойства и отношения. –М.: Изд-во АН СССР, 1963.
93. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М. –Л.:Издательство Академии наук СССР, 1960.
94. Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка. –Т.:Фан, 1948.

95. Кононов А.Н. Опыт реконструкции тюркского деепричастия на -/п//б-/-/б/, -/пан///-/-бан/, -банн,-/-/ Материалы к сравнительно-исторической грамматике тюркских языков // Вопросы языкознания. 1966, -№ 5.
96. Кононов А.Н., История изучения тюркских языков в России. Изд. Второе. –Л.: Наука. 1982.
97. Кононов А.Н., Нигматов Х.Г., Махмуд Кашгарский о тюркских языках «История лингвистических учений. Средневековый Восток. Отв. ред. А.В.Десницкая». –Л.: Наука. 1981..
98. Котвич В.В. Исследование по алтайским языкам. Перевод А.И.Толкачева. об. ред. Н.А. Баскакова. – М., 1962.
99. Кошғарий Махмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. 1- т. –Т.: ФА нашр. 1960.
100. Кошғарий Махмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. 2- т. –Т.: ФА нашр. 1961.
101. Кошғарий Махмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. 3- т. –Т.: ФА нашр. 1963.
102. Лингвистический энциклопедический словарь /Гл. ред. В.Н. Ярцева. –М.: Сов. энциклопедия, 1990.
103. Ломтев Т.П. О некоторых вопросах структуры предложения // Ломтев Т.П. Общее и русское языкознание. Избр. труды. –М., 1976.
104. Ломтев Т.П. Принципы построения формулы предложения // Филологические науки. 1965. -№ 5.
105. Мадраҳимов И. Сўзнинг серкирралиги ва уни тасниф қилиш асоси:филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. –Т., 1994.
106. Мадраҳимов И. Ўзбек тилида лексеманинг [ПМ] асосидаги таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002.
107. Майзель С.С. Изафет в турецком языке. –М., –Л.: Изд-во АН СССР, 1957.
108. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. –М. -Л., 1951.
109. Маманов И. Вспомогательный глаголи в казахском языке. Алма-Ата,: Изд-во АН КазССР, 1949.

110. Материалы координационного совещания по проблемам глагольного вида и сложноподчиненного предложения в тюркских языках // Вопросы грамматики тюркских языков. 24–27 сент. 1956 г. –Алма-Ата, 1958.
111. Маъруфов А. Ўзбек адабий тилидаги икки келишик формаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1958, -№ 1.
112. Маҳмудов Н., Миртожиев М. Тил ва маданият. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
113. Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси. –Қарши: Насаф, 2003.
114. Менглиев Б., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Қарши, 2005.
115. Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлиги ва уфилол.фан.номз.дисс...автореф. сатҳлараро муносабатлар: филол.фан.докт.дисс. –Т.: 2002.
116. Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусияти ва семантик имкониятлари: филол.фан.номз.дисс...автореф. –Т., 1996.
117. Мещанинов И.И. Глагол. –М., - Л.: Изд. АН СССР, 1949.
118. Мещанинов И.И. Члены предложения и части речи. –Л.: Изд. Наука, 1978.
119. Миртожиев М. Мажхул нисбат масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985. -№ 2.
120. Миртожиев М. Ўтимсизлик ва ўзлик нисбати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. -№ 2.
121. Мусулманова Н. Грамматик шаклда категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категорияси мисолида): филол.фан.номз.дисс. –Т., 2007.
122. Мухтаров Ж.З. История развития причастных форм в узбекском языке: автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. –Т., 1971.
123. Мухторов А. Ўзбек тилида феъл даражалари. – Ученые записки УзГУ, Самарканд, 1956.
124. Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феъллининг семантик ва валентлик хусусияти: филол.фан.докт.дисс. –Т., 2007.

125. Назарова С.Н. Бирикмаларда сўзнинг эркин боғланиш омиллари: филол. фан. номз. дисс. автореф. –Т., 1997.
126. Насилов Д.М. Проблемы тюркской аспектологии. Акциональность. –Л.: Наука, 1989.
127. Неъматов Х.Г. О характере грамматического значения тюркских форм и категорий // Советская тюркология, 1980, -№ 6.
128. Неъматов Х. -га ва -дан келишик қўшимчасининг функционал алмашинига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, -№ 4.
129. Неъматов Х. Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асоси. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
130. Неъматов Х. Тажалли тасаввуф билиш назарияси ва тилшуносликда синтаксисни ўрганиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993, 2- сон.
131. Неъматов Х. Феъл, унинг форма ва категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. -№ 1.
132. Неъматов Х. Чегара келишиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, -№ 4.
133. Неъматов Х., Бобокалонов Р., Раупова Л. Ўзбек тилида номустакил кесимлик шакли // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. -№ 1.
134. Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
135. Неъматов Х., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асоси. –Т.: Университет, 1999.
136. Неъматов Х., Гуломов А., Қодиров М., Абдураимова М. Она тили. 6- синф учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2000.
137. Неъматов Х.Ғ. Феъл, унинг форма ва категорияси// Ўзбек тили ва адабиёти, 1972.1- сон, 39–47- б.; 2- сон, 42–50- б.
138. Неъматов Х.Ғ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
139. Неъматова Л. ўзбек тилида привативлик(нофонологик сатҳлар): филол.фан.номз.дисс. –Т., 2002.
140. Нигматов Х.Г. Включенное третье в морфологической системе тюркских языков// Советская тюркология, 1976. -№ 3.
141. Нигматов Х.Г. О классификации грамматических категорий в тюркских языках // Советская тюркология, 1984, -№4.

142. Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. –Т.: Фан, 1989.
143. Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И., Махмудов Н.М., Мухамедова Д.А., Нурманов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков. Тезиси формально-функционального исследования // Советская тюркология. 984. -№ 5.
144. Нигматов Х.Г., Цалкаламанидзе А.А. Семантика синтаксические группы глаголов и значение залоговых аффиксов в узбекском языке. Советская тюркология. -№3, –Баку, 1979.
145. Нурмонов А. Гап ҳақида синтактик назариялар. –Т.: Фан, 1982. – Б.146.
146. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
147. Нурмонов А., Махмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Т.: Камолот, 2006.
148. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди. 2001.
149. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида лексик градуонимия: филол. фан. номз. дисс. ... автореф. –Т., 1996.
150. Панфилов В.З. Философские проблемы языкознания. Гносеологические аспекты. –М.: Наука, 1977.
151. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. 1-ое изд. –М.: Уч. педиз, 1938.
152. Поливанов Е.Д. Краткая грамматика узбекского языка. –Т., –М.: Туркпечат, 1926.
153. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. I. –Воронеж, 1874.
154. Расулов Р. Чиқиш келишиги // Ученые записки Андижанского госпединстута, IV, Филологическая серия. –Андижан, 1957.
155. Расулов Р. Ўзбек тилида бош келишик ва унинг грамматик функциялари // Ученые записки Андижанского госпединститута, выпуск III. –Андижан, 1956.
156. Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъли ва уларнинг облигатор валентликлари. –Т., 1989.

157. Раупова Л. Ўзбек тилида номуствакил кесим масаласи ва [WPm → WPm] курилишли гаплар: филол. фан. номз. –Т., 1999.
158. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида тобе боғланишнинг турлари. –Т., 1993.
159. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек тили келишигини таснифлаш ҳақида // Научные записки Ташкентского государственного университета, вып. 359. «Вопросы русского и узбекского языкознания». –Т., 1969.
160. Раҳматуллаев Ш. Ҳурмат формаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. 1-сон.
161. Реформатский А.А. Число и грамматика // Вопросы грамматики. Сборник статей к 75- летию акад. И.И. Мещанинова. –М.: -Л., 1960.
162. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини: филол. фан. док. дисс... автореф. –Тошкент., 1993.
163. Сайфуллаева Р., Абузалова М. Гапнинг энг кичик курилиш қолиплари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, -№ 5.
164. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Курбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. –Т., 2007.
165. Салаев Р.Б. ўзбек тилида исми фоиллар: Филол. фан. номз. дисс. автореф. –Самарқанд, 1994.
166. Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: филол. фан. номз. дисс. ...автореф. –Самарқанд, 2004.
167. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
168. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – М.: Наука, 1974.
169. Севортян Э.В. Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке. –М., 1962.
170. Севортян Э.В. Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке. –М.: Наука, 1982.
171. Севортян Э.В. Аффиксы именного словообразования в азербайджанском языке. –М. 1966.

172. Севортян Э.В. Категория принадлежности // Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков. Ч. II. –М., 1956.
173. Севортян Э.В. Об историческом положении категорий переходности и непереходности в тюркских языках // Вопросы языкознания. 1958. -№ 2.
174. Смирницкий А.И. Морфология английского языка. –М.: Изд. лит. по иностр. яз., 1959.
175. Содиқова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. –Т.: Фан, 1974.
176. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Издание 2-ое, дополненное. –М.: Наука, 1977.
177. Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. –М.: Высшая школа, 1978.
178. Степанянц М.Т., Философские аспекты суфизма. –М.: Наука, 1987.
179. Султонсаидова С. Феълда даража ва ўтимли-ўтимсизлик категорияси (А.Қаҳ.нинг “Синчалак” повести асосида) // Ўзбек тилшунослиги масалалари. Тошкент университетининг илмий асарлари, 443- чиқиши. –Т., 1973.
180. Султонсаидова С. Ўзбек тилидаги грамматик категориянинг ўзаро муносабати: филол. фан.докт.дисс.автореф. –Т., 1994.
181. Сўфи Оллоёр. Саботул-ожизин. –Т., 1991.
182. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса –М.: Прогресс, 1988.
183. Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. –Т., ТошДУ, 1992..
184. Туленов Ж., Гафуров З. Фалсафа. –Т.:Ўқитувчи, 1997.
185. Турсунов У., Мухторов А. Ўзбек тилида феъл даражалари тўғрисида – ЎзГУ асарлари, Янги серия, 66- сон, Филология факультети, ўзбек тилшунослиги кафедраси, –Самарқанд, 1956.
186. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Олий ўқув юртлари учун. 3- наشري. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
187. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. Лексикология. –Т.: Ўқитувчи, 1965.
188. Убрятова Е.И. Исследования по синтаксису якутского языка. –Т. I. –М.: -Л. 1950.
189. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури. Она тили. Адабиёт // Таълим тараққиёти, 1-махсус сон, 1999.

190. Усмонов С. Морфологические особенности слова в современном узбекском языке: автореф. дисс. докт. филол. наук. –Т., 1964.
191. Усмонов С. Ўзбек тилида сўзнинг грамматик формалари // Тилшунослик масалалари. –Т., 1964. 42- китоб.
192. Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўзнинг морфологик хусусияти филол. фан. докт. дисс. автореф. –Т., 1965.
193. Фердаус С. Фельнинг вид категорияси // ўрта Осиё Давлат Университетининг илмий асарлари. Янги серия. 104- чиқиши. Филология фанлари. –Т., 1957.
194. Философия луғати. –Т.: Ўзбекистон, 1976.
195. Фозилов Э. Фель даража ясовчи аффиксларининг тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1960, -№ 3.
196. Фозилов Э. Ўзбек тилида фельнинг орттирма даражаси // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1961, -№ 1.
197. Фозилов Э. Ўзбек тилида фельнинг ўзлик даражаси // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1960, --№ 5.
198. Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Т. I. –М.: Наука, 1956.
199. Фортунатов Ф.Ф. Сравнительное языкознание. Общей курс // Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Т. I. –М.: Наука, 1957.
200. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантик. –Т.:Ўқитувчи, 1993.
201. Харисов А. Категория глагольных видов в башкирском языке. –Уфа: Башкнигоиздат, 1944.
202. Харитонов Л. Формы глагольного вида в якутском языке. –М., –Л.: Изд-во АН СССР, 1960.
203. Холиқов Қ. Ҳаракат фельнинг нисбат формалари – Материалы XXIII научной конференции профессорско-преподавательского состава СамГУ по итогам выполнения научно-исследовательских работ за 1965 год. Серия филологических наук (19–22 апреля 1966), Самарканд, 1966.
204. Холодович А.А. Залог. В кн. Категория залога. Очерки по общему и арабскому синтаксису. –М.: Наука, 1973.
205. Храковский В.С. Очерки по общему и арабскому синтаксису. –М.: Наука, 1973.
206. Хўжаев Т. Ўтимли фель ва орттирма нисбат ҳақида // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари. –Т.: Фан, 1966.

207. Чариев А. Синтаксическо-семантические признаки родительного падежа узбекском и английском языках. –Т.: Фан, 1990.
208. Шамсиева М. Ўзбек тилида субъектив баҳо билдирувчи . «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари». 2- китоб. -Т., 1961.
209. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Вып.1. –Л.: Учпедгиз, 1941.
210. Шахназарова М.Д. Синтаксис причастия в узбекском языке: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Т., 1971.
211. Шаҳобиддинова Ш. Босқичли мавҳумлаштириш умумий грамматик маънони очиш усули сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти , 1995. -№ 3.
212. Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. I қисм. –Андижон, 1994.
213. Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Грамматик маъно талқини хусусида: филол. фан. номз. дисс. –Самарқанд: 1993.
214. Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Грамматик маъно талқини ҳақида: филол. фан. номз.... дис. автореф. –Самарқанд, 1993.
215. Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: филол. фан. док... дис. автореф. –Т., 2001.
216. Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Ўзбек тили морфологияси умумийлик ва хусусийлик диалектикаси талқинида. 2-жузв. –Андижон, 1994.
217. Шоабдурахмонов Ш. -(и)н эгалик кўшимчаси// Ўзбек тили ва адабиёти, 1993. -№ 2.
218. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Педагогика институтлари учун дарслик. –Т., 1980.
219. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Педагогика институтлари учун дарслик. –Т., 1980.
220. Шукуров О. Ҳаракат тарзи шакли парадигмаси: филол. фан. номз... дис. –Самарқанд, 2005.
221. Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. –Т., 1976.

222. Шукуров Ш.Ш. Ўзбек тилида феъл майллари тараққиёти. –Т.: Фан, 1980.
223. Щербак А.М. Грамматика старо-узбекского языка. –М.: -Л., 1962.
224. Эргашева М. Наманган ва Тошкент шеваларида эркалаш-кичрайтириш формалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 5-сон.
225. Юлдашев А. Аналитические формы глагола в тюрских языках. – М.: Наука, 1965.
226. Юнусова З. Ўзбек тилида луғавий микросистема ва унинг тараққиёти.:филол.фан.номз.дисс.авторреф. –Т., 2004.
227. Якобсон Р.О. Заключительное слово по докладу \ IV международный съезд славистов. Материалы дискуссии. Т. 2. Проблемы славянского языкознания. –М., 1962.
228. Ярцева В.Н. Иерархия грамматических категорий и типологическая характеристика языков // Типология грамматических категорий. –М., 1975.
229. Ўзбек тили грамматикаси. 2 томлик. I том. Морфология. –Т.: Фан, 1975.
230. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. Мас. мух. Ғ.А.Абдурахмонов ва бошқ. –Т.: Фан, 1972.
231. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 1- том / З.Маъруфов таҳрири остида. –М.: Рус тили, 1981.
232. Ўринбоев Б., Қурбонов Т. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006.
233. Қодиров З. Ўзбек тили грамматик категориясини систем тадқиқ этиш (Келишик категорияси). :филол.фан.номз.дисс.авторреф. –Самарқанд, 1993.
234. Қурбонова М. М. Ҳозирги замон ўзбек тили. (Содда гап синтаксиси учун материаллар). –Т., 2002.
235. Қурбонова М. Фитрат – тилшунос. –Т.: Университет, 1996.
236. Қурбонова М. Шакл-вазифавий тадқиқ усулларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1998, 5- сон.
237. Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал ёфилол.фан.номз.дисс...авторреф.шув ва содда гап қурилиши талқини: филол.фан.докт...дисс.авторреф. –Т., 2000.

238. Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. –Т., 2004.
239. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусияти. –Т.: Фан, 1980.
240. Ғозиева Ш. Ўзбек тилида субъектив баҳо ифодаловчи форма ясовчи аффиксларнинг баъзи семантик хусусияти ҳақида// Ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий асарлар. –Т., 1975, 475- чиқиш.
241. Ғуломов А. О степенях сравнения имён прилагательных. –Т., 1960.
242. Ғуломов А. Феъл. –Т., 1964.
243. Ғуломов А. Феъл. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. –Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1954.
244. Ғуломов А. Ўзбек тили морфологиясига кириш. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. –Т.: Фан, 1953.
245. Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар // Труды Узбекского филиала АН СССР. Сер. 2. Кн. 2. –Т., 1941.
246. Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. –Т., 1944.
247. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўқитувчи, 1987.
248. Ғуломов А.Ғ. Республика олий мактабларида ўзбек тилшунослиги дисциплиналари // Ўзбек тили нутқ маданияти масалаларига бағишланган республика тилшунослик конференцияси, –Т., 1969.
249. Ҳадятуллаев Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо формаларининг маъноси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969. 2- сон.
250. Ҳамдамова И. ўзбек тилида -гина элементи ва унинг маъноси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1961, 4- сон.
251. Ҳожиёв А. Инкор ифодаловчи воситалар ва феълнинг бўлишсиз формаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 4- сон.
252. Ҳожиёв А. Модал ёки субъектив баҳо формалари ҳақида// ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, 1978, 1- сон.
253. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966.
254. Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари(саккизинчи Мақ.а)//Ўзбек тили ва адабиёти, 2007, -№ 5.
255. Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. –Т., 1979.

256. Ҳожиёв А.П. Феъл. Мас. муҳ. Шоабдурахмонов Ш.Ш. –Т.: Фан,1973.

257. Ҳожиёв. А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (тўққизинчи Мақ.а) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. -№6.

258. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Ғ.Абдурахмонов таҳрири остида. –Т.: Фан, 1966.

Лотин алифбосидаги адабиётлар

1. Bohtlingk O. Kritische Bemerkungen zur zweiten Ausgabe von Kasembek...s türkisch-tatarischen Grammatik. Zum Original und zur deutschen Übersetzung // «Bull. de la cl. Sciences Hist., Philol. et Polit. De L...Academie Imperiale des Scieces», vol. V, - ¹ 22. St. –Petersburg, 1848.

2. Mahmudov H., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. 6- sinf uchun darslik. –Т., 2005.

3. Mengliyev B., Abuzalova M. Hozirgi o`zbek adabiy tili. –Qarshi, 2005.

4. Ne'matov H., Gulomov A., Qodirov M., Abduraimova M. Ona tili. 6- sinf uchun darslik. –Т., 2001.

5. Ne'matov H., Hamroyeva Sh. Lingvistik tadqiqot metodikasi, metodologiyasi va metodlari. –Buxoro, 2005.

6. Ne'matov H., Shirinova N. Tilshunoslikning falsafiy masalalari. (5 A 220102 –Tilshunoslik mutaxassisligi uchun qo'llanma). –Buxoro, 2005.

7. Ne'matov H., Gulomov A., Abduraimova M., Qodirov M. Ona tili. 7- sinf uchun darslik, –Т., 2000.

8. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o`zbek tili. –Т., 2006.

9. Vamberu H. Das Dschagotaischi Spach studiev. 1869.